Аҳмад Лутфий

САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ

Ойдинликлар сари

2-китоб

БУЮК МЎЪЖИЗА

Макка аҳли орасида мишмиш тарқатилди: гўё Расулуллоҳ Қуръонни ўзлари ўйлаб чиқарган эмишлар, сўнгра Оллоҳ каломи деб одамларни йўлдан оздираётган эмишлар.

Бу ғирт туҳмат эди. У кишининг ёлғон гапирмаётганларини мушриклар жуда яхши билишарди. Болаликларидан ҳамманинг кўзи ўнгида тўғрисўз, дуруст бир инсон бўлиб ўсган Расулуллоҳнинг ўта андишали эканликларини кўп бор синашган эди. Қуръон уйдирма бўлса, ўша заҳоти иссиғида бу ишнинг тагига етиш мумкин эди. Чунончи, Оллоҳ таоло навбатдаги бир оятни тушириб бу масалани буткул ойдинлаштирди:

«Айтинг (Эй Муҳаммад): «Қасамки, агар бор инсу жин мана шу Қуръоннинг ўхшашини келтириш йўлида бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсаларда, унинг ўхшашини келтира олмаслар» (Ал-Исро сураси, 88.).

Набиййи акрам (с.а.в.) инсонларга етказган илоҳий, муқаддас бир китоб бўлмиш Қуръонни «уйдирма, инсон каломи» деганларга ҳақ ва адолат билан фурсат берилди. Унга ўхшаш бир каломни айтишнинг уддасидан чиқсалар, тамом, шу билан Муҳаммаднинг даъвоси ниҳоясига етар, мағлубиятга учрар эди.

«Оллоҳ каломидир», дея тақдим этилаётган Қуръон араб тилида, мушриклар эса, арабчанинг энг мукаммал жиҳатларини ҳам чуқур биладиган, адабиётга зўр ҳавас билан қарайдиган қавмлардан эдилар. Шеър ўқишар, ўқиганда ҳам жуда мукаммал, турганни югуртирадиган, югурганни тўхтатадиган, жанжал чиқаришга ёки жанжални тўхтатишга қодир шеърларни ўқир, ҳам наср йўлида, ҳам назм йўлида истаган адабий ифодани танқид қила олишар эди. Уларнинг орасида Дамашқдан то Ямангача донғи кетган шоирлар бор эди. Уларга бир неча оғиз ширин сўз ва мақтов айтилса ёки бир нечта қизил туя ваъда қилинса, кифоя, бу улкан муаммо тез ҳал бўлардикўярди.

Абу Жаҳлга хушхабар жўнатилди. Агар Қуръоннинг каломига ўхшаш бир сўз ё бир хитоб айтилса, бу масалага барҳам берилади, дейилди. Аммо бу хушхабар уни хурсанд қилиш ўрнига дамини ичига юттирди. Абу Суфён ҳам жим бўлиб қолди. Ахнас ибн Шариқ ҳам бош эгди. «Мен сизларга Муҳаммад ҳикоя қилаётган афсоналардан ҳам қизиқроқ масаллар айтиб беришим мумкин», деган Надр ибн Ҳорис хам гўёки оғзига талқон солди.

«Инсу жинлар бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар ҳам, бу Қуръонга ўхшаш каломни келтира олмаслар», дейилибдими, ажабо?! Ўҳў, шуям иш бўптими, қани, кўрайликчи», дея енг шимариб, Қуръондан хам гўзал насрий ё назмий асарни ўртага қўйган кишига ким нима ҳам дея олар эди?

Аммо бунга ҳеч ким журъат қилмади. Тоғни ўрнидан қўзғатиш, уммонларни сузиб ўтиш балки мумкиндир, аммо бу илоҳий каломга ўхшашини яратиш кимсанинг қўлидан келмасди.

Шу тариқа бундай мусобақага чорлов жавобсиз қолди. «Мана, Қуръонга тенг келадиган

каломни мен баён этаман!» дейдиган бир мард топилмади.

Бу орада Фил сураси туширилди:

«(Эй Муҳаммад,) Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми? У зот уларнинг (Каъбатуллоҳни вайрон қилиш учун қўллаган барча) ҳийланайрангларини барбод қилмадими? У зот уларнинг устига сополдан бўлган тошларни отадиган тўптўп қушларни юбориб, уларни (қуртқумурсқалар томонидан) чайнаб ташланган сомон каби (илматешик) қилиб юборди!»

Бу оятларни эшитганларнинг хаёлида бундан қирқ еттиқирқ саккиз йил муқаддам бўлиб ўтган фожиали воқеа қайта жонлангандай бўлди. Олтмиш минг кишилик жуда катта бир қўшиннинг бир неча дақиқадаёқ осмондан ёмғирдек ёққан майда тошлар билан маҳв этилиши, олдиларига солиб ҳайдаб келган филнинг Каъба томонга юришдан чекиниши ва шунга ўхшаш ғаройиб ҳодисалар...

Қубас ибн Ашйам ўша замонга оид хотирасини бундай баён этган эди:

«Онам мени орқасига опичиб олди. Абраха лашкари ер билан яксон бўлган жойга бордик. Филнинг сасиб кетган кўкимтир жасади мени шу қадар қўрқувга солдики, ўшанда биз кўрган манзарани эсласам, ҳанузгача кўз олдимдан кетмайди».

Расулуллоҳдан аччиқ бир мағлубиятга учраган мушриклар бунинг аламини қандай олиш ҳақида тинимсиз бош қотирдилар.

— Ибн Абу Кабша умр бўйи уринсак ҳам қўлимиздан келмайдиган бир ишга таклиф этиб, бизни шарманда-ю шармисор қилди. Энди биз ҳам унга қиёмат кунигача уриниб уддасидан чиқа олмайдиган бир ишни таклиф этайлик, шундагина уни мағлуб этамиз, — деган фикр ўртага ташланди. Ўша заҳоти турлитуман мулоҳазалар ёғила бошлади.

— Шошманглар, биродарлар. У шундай бир иш бўлиши керакки, ундан мушкулроқ бир ишни топиш мумкин бўлмасин. Ўрнига мана бундай қилсак бўларкан, дейилмасин.

Бу ҳам тўғри фикр эди. Бошлар эгилди. Зеҳнлар буткул шу муаммо билан банд бўлди.

—Дарахтни юргизсин...

—Сувни тескари томонга оқизсин...

Лекин бу таклифлар маъқул кўрилмади. Ниҳоят, Абу Жаҳл фикр билдирди:

—Ойни иккига бўлсин: бир бўлаги бир тепаликнинг, иккинчи бўлаги бошқа тепаликнинг устида чарақлаб турсин, сўнгра яна бирлаштириб, асл ҳолига қайтарсин, деди.

Бу гап ҳаммага маъқул бўлди, юзларда табассум балқди. Ҳеч ким бундан зўрроқ таклифни кирита олмас эди. Кўкда чарақлаб турган, етишиш мумкин бўлмаган ойга ким ҳам ҳукмини ўтказа олади? Бу ҳатто тасаввур қилиб бўлмайдиган бир иш эди. Валид Абу Жаҳлга миннатдорона боқди:

—Офарин, ё Амр, ҳеч ким бундан мушкул, бундан қийинроқ бир ишни ўйлаб топа олмас эди, — деди.

—Бугунданоқ Ибн Абу Кабшанинг мағлубиятини кўриб тургандайман, — деди Умайя.

Утба эса:

— Агар бу сафар ҳам бизни мағлуб этса... — деяётган эди, Валид унинг сўзини бўлди:

— Йўғэ, эй Утба, бу сафар унинг мағлуб бўлишига ишонавер, — деди.

Сўнгра нигоҳларини Абу Жаҳлга қадади:

— Оббо чўчқаей! — деди, кейин бошқаларга қараб давом этди: — Нақадар муғамбир одам эканини билсангиз эди.

Абу Жаҳл бу илтифотдан мамнун бўлиб кетди:

—Раҳмат сенга, амакижон, — деди.

Абу Лаҳаб ҳам Абу Жаҳлни қутлади:

— Унинг бемаъни, беҳуда даъвоси мана энди барбодбўладиган бўлди. Ва сен ҳошимийларга иснод келтирган бу пайғамбарлик сафсатасига барҳам берасан. Мен бошлиқ

барча ҳошимийлар бунинг учун сендан жуда миннатдор бўламиз, эй Амр! — деди.

Бу мажлис Маккадан саккиз чақиримча наридаги Мино деган жойда ўтказилди. Рисолат тахтининг охирги ва энг улуғ султони жаноби пайғамбаримиз ҳам ўша куни Минода эдилар.

У зотни ўзлари тўпланган жойга таклиф этишлари қолди, холос. Хабар жўнатилди, кўришмоқчи бўлганлари билдирилди.

Оллоҳнинг севиклиси (с.а.в.) таклифни қабул қилиб, уларнинг ёнига келдилар.

— Бизга пайғамбарлигингга доир очиқравшан далил керак, — дейишди.

— Нима хоҳлайсизлар?

— Ойни иккига бўл, деди Абу Жаҳл. Бир парчаси Абу Қубайс (Сафо) тепалиги, иккинчи бўлаги Қайқаон тепалиги устига келсин. Буни ҳамма кўрганидан сўнг бу икки парча яна бир-бирига ёпишсин. Агар ҳақиқатан пайғамбар бўлсанг, шуни қиласан, эплай олмасанг, ҳикоянг бу ерда тугайди.

Набиййи акрам (с.а.в.):

—Майли, — дедилар.

—Оллоҳ таоло сизлар айтаётган ишни рўёбга чиқарса, нима бўлади? Менинг ҳақиқатан пайғамбар эканимга ишонасизларми?

— Албатта, — деди Амр ибн Хишом.

— Бўлмасам, парвардигоримдан шундай бўлишини тилайман.

Абу Жаҳл қўшиб қўйди: Шарти бор, бу таклифимиз бугун кечаси амалга ошиши керак, бошқа кун эмас...

Йиғилиш тугади. Расулуллоҳ бу ердан кетганларидан кейин Уқба ибн Абу Муойт андишаланди:

—Биз талаб қилган мўъжизани агар кўрсатса, имон келтирамиз, деб сўз бердинга, эй Амр!

—Агар ойни иккига бўлса, ҳақиқатан унга пайғамбар деб ишонамизми? — дея Умайя ҳам тараддудини изхор этди.

—Ҳеч қачон, ҳеч қачон! У биз талаб қилган нарсани бажара олмай адойи тамом бўлади ва бу масала шу ерда ёпилади! — деб Абу Жаҳл ер тепинди ва сўзида давом этди: — Мино тупроқлари абадиййан ғалабамизнинг куйини ижро этгай. Биз унинг пайғамбарлигига асло ишонмаймиз!

Ҳар икки тарафни ҳам сабрсизлик, ҳаяжон қоплади. Мўмиилар Расулуллоҳга қилинган бу таклифни эшитгач, Оллоҳга сиғина ва илтижо кила бошладилар:

—Оллоҳим, севикли пайғамбаримизга ёрдам бер!..

Ҳар бир нафасда шу дуо, ҳар одимда шу илтижо такрорланарди гўё. Тиллар сўзламас, дудоқлар қимирламас, қалблар риёдан йироқ бир самимият ва ҳаяжонга йўғрилган бу илтижоларни тилга чиқармай турибоқ Роббул Оламийнга — юраклардаги жамики сиру асрордан хабардор Буюк Мавлога ҳавола этар эди.

Мушриклар байрамона кайфиятда. Бошлари ҳар вақтдагидан ҳам тик ва мағрур. Бир неча соат кейин қозонилажак буюк ғалабани ҳозирданоқ нишонлашаётган эди. Уларнинг назарида, тунда охирги ва оғир зарба берилиб, Ибн Абу Кабшанинг ҳам, унинг йўлига кирганларнинг ҳам ҳисоб дафтарлари шу кеча ёпилғуси эди.

Мушриклар бир-бирларини табриклашарди:

— Бу гал Амр ибн Хишом жон жойидан ушлади лекин!..

— Бурчакка шундай сиқиб қўйдики, энди қўлдан қутулолмаслиги аниқ!..

Ва ҳоказо гапсўзлар...

* * *

Шошқалоқлик нималигишг билмайдиган қуёш ҳар кунгидай ўз вақтида ботди. Кун ғирашира қорая бошлаганида шарқдан ҳафиф бир ойдинлик пайдо бўлди, сал ўтмай эндиэнди ўн тўрт кунни ошатган ой астасекин кўрина бошлади.

Одамларнинг қалбини сўнгсиз ҳаяжон қамраб олган, бу ҳаяжон тобора шиддатланиб борар эди. Нафас олишлар қийинлашди, юраклар бўғизларга тиқилгудай бўлди.

—Мана, ой ҳам туғди.

—Туғиш ҳам гапми, одам баравар баландлади.

—Қараб тур, ҳозир қавмдошинг қўлига бир қилич оладида, ойни ўртасидан бўлиб ташлайди.

—Сўнгра иккала бўлагини икки томонга тепиб юборади. Қарабсанки, бири бу тарафга, иккинчиси анави томонга қараб думалайди. Сўнгра бир ҳуштак чалиб, келинглар, арслонларим, деса, яна чопқиллаб келишади...

Кесатиқлар кетидан қаҳқаҳалар...

Абу Жаҳл, Абу Суфён, Абу Лаҳаб, Валид, Надр каби ашаддий кофирлар бир жойда туришолмас, у ёқданбу ёққа бориб келишар, атрофдаги гапсўзларга пинҳона қулоқ тутишар эди.

Кўкда битта ҳам булут парчаси кўринмайди. Қуёш ботиши билан юлдузлар биринсирин кўрина бошлаб, беҳисоб даражага етди. Гўёки улар ҳам имон билан куфр ўртасидаги бу курашни томоша қилишга чиққандай эди.

Ой ҳар доимгидай сокин. Бир оздан сўнг унинг устида қилинажак мислсиз беллашувдан бехабар. Муҳташам, аммо ёркин сиймоси билан дунёни зимистон қоронғилигидан қутқараётганидан бахтиёр. Неча мингминг йиллардан буён Оллоҳнинг амрига бўйинсуниб, яхшиёмон милёнлаб инсонга замон ўтаётганидан дарак бериб келар, баъзан нозик бир ҳилол, баъзан юмалоқ баркаш шаклида кўриниб, қуёш ботгач зимистон қоронғуликка мубтало бўлган кишиларга йўл кўрсатар эди.

Илк инсон яратилганидан буён давом этаётган имон ва куфр мужодаласини, юлдузлар каби у ҳам кўкдан томоша қилиб келган, исёнчи, зулмкор, ҳақсиз, инсонийлик чегарасидан ошиб, буюк Оллоҳга қарши гумроҳлик қилган кўплаб қавмларнинг ер билан яксон этилишига шоҳид бўлган эди. Сувга чўктирилди, тўфонда ҳалок қилинди, шиддатли зилзилалар вужудга келтирилиб, ерга юттирилди — буларнинг ҳаммасини кўрди. У қавмларнинг ҳар бири пайғамбарларидан мўъжиза кўрсатишни талаб этган, шунда ҳам ишонмаган, оқибатда бошларига балони сотиб олган эдилар.

Аммо... ойни иккига бўлишни талаб қилиш ўтган умматлардан ҳеч бирининг хаёлига ҳам келмаган эди.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) Роббул Оламийннинг чексиз раҳмат ва марҳаматига, бениҳоя карам ва эҳсонига суян

дилар. Сўнгра мислсиз бир итоатгўйлик ила натижани кута бошладилар. Ўзларини пайғамбар қилиб жўнатган буюк Оллоҳ, албатта, ёрдамсиз қолдирмайди; албатта, мушриклар олдида суюкли расулини уялтириб қўймайди.

Атрофда анчамунча чоратадбирлар кўриб қўйилган, мушриклар ғалаба қозонганларига юз фоиз ишониб қолган эдилар. Гўё бир оздан сўнг Мухаммад ибн Абдуллоҳ «Мен таслим бўлдим, пайғамбарлик даъвоимдан воз кечдим», дейдию улар мусулмонларга қарши ҳаракатга ўтишади, уларга аччиқ сабоқ беришади...

Бу орада ой анчагина юксалиб қолди. Шу вақт... кўриб турган кўзлар ҳам ишонмайдиган ҳодиса рўй берди: ой ҳақиқатан иккига бўлинди. Орасига пичоқ кирадиган даражада ёриқ пайдо бўлди. Абу Жаҳл шошиб қолди:

—Надр!.. Надр!.. — дея бақирди.

—Нима дейсан, Худо ургур!

—Кўряисанми шуни?

Надр жони азоб ичида, зўрға жавоб берди:

— Кўр эмасман, кўриб турибман.

Қайтақайта тикилиб, ҳеч ишонгилари келмайди. Ойнинг икки парчаси борган сайин бир-биридан узоқлашаётганининг гувоҳи бўлдилар. Энди инкор этишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Мушрикларнинг юраклари қинидан чиқиб кетганидан нима қилишларини билмай қолишди.

Ниҳоят, ойнинг бир парчаси Абу Қубайс, иккинчи парчаси қарши томондаги Қайқаон тепаликларининг устига бориб турди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом ёнларидагиларга:

— Шохид бўлинглар, — дедилар. Кейин икки кишига алоҳида хитоб қилдилар: — Эй Абу Салама ибн Абул Асад, эй Арқам ибн Абул Арқам, шоҳид бўлинглар!

Кейин ойнинг икки парчаси бир-бирига яқинлаша бошлади. Ниҳоят, бир одимлик, бир қаричлик масофа қолди. Орасига зўрға бир пичоқ сиғадиган даражада ёриқ хиёл миқдор турди, сўнг у ҳам йўқ бўлди.

Ой бир муддат бемисл жанг майдонига айланган, энди асл ҳолига қайтиб, яна аввалгидай сокинлик ва салобат касб этган эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга ваъдаларини эслатиб, имон келтиришни таклиф қилдилар, бирок фойдаси бўлмади.

** *

Зўр бир ғалабани кутган эдилар, узилкесил мағлубиятга учрадилар, бу ҳол мушрикларни саросимага солиб кўйди. Саросимадан биринчи бўлиб Абу Жаҳл қутулгандай бўлди:

— Мухаммаднинг сеҳрини кўрдинглар, мукаммал сеҳр қилди, бу енгиб бўлмайдиган сеҳрдир!.. — У овози борича бақирар, шаллақиликдан бошқа йўл тутишнинг иложи қолмаган эди унга. — Ой ёрилди деган гап беҳуда, у кўзларингизни бўяди, сеҳрлаб қўйди, бўлмаган ишни бўлгандай қилиб кўрсатди.

Натижа қандай бўларкан, дея таҳликада турган мўминлар ҳам рўй берган ҳодисадан дабдуруст ўзларига келолмадилар. Ҳеч ким: «Сен имон келтираман деб сўз берган эдинг, дарров имон келтир, аксинча...» дейдиган ҳолда эмасди.

Абу Жаҳл пайғамбаримизнинг қаршиларига чиқиб:

— Сен зўр сеҳргар экансан. Фавқулодда сеҳр қилдинг. Кўзларимизни боғладинг. Бўлмаган нарсани бўлгандек кўрсатдинг. Лот ва Уззога минг бора қасам ичаманки, дунёда сендан ҳам зўрроқ кўзбўямачи йўқ. Аммо бир кечакун ўтсин, бизни лаққилатганинг ва ёлғончилигинг ўшанда фош бўлади. Бизни сеҳрлагандирсан, лекин олисдагиларнинг кўзларини бўяй олмайсан. Шаҳар таш қарисидан келадиган одамлардан суриштирамиз, сиринг очилади қўяди.

** *

Ниҳоят бир карвон келди. Ҳолаҳвол сўрашилгач, ойнинг ёрилгани ҳақида гап очилди. Абу Жахл:

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳ бизнинг кўзларимизни шамғалат қилди, шунинг учун сизларни пойлаб турган эдик. Йўлда бирон антиқа ҳодисани кўрган-кўрмаганларингизни билмоқчимиз, — деди.

Сўрашга сўрадилару... сўраганларига пушаймон бўлдилар. Чунки карвондагилар хам йўлда худда шундай бир ходисанинг шоҳиди бўлган эдилар. Бирлари олиб бирлари қўйиб ойнинг иккига бўлингани воқеасини бутун тафсилоти билан ҳикоя қилиб бердилар. Абу Жаҳлни гўё пичоқсиз сўйдилар. У шўрлик руҳан эзилди, паришон бўлди. Бир тоғни бир жойдан иккинчи жойга кўчирса ҳам, бунчалик ҳолдан тоймас эди балки. У бошқача жавобни кутган, мусофирлар у ҳодисани кўрмадик

десалар, бориб Расулуллоҳни армони чиққунча сўкмоқчи эди. Ночорноилож:

— Бир сеҳр бу, мислсиз сеҳрдан бўлак нарса эмас! — дейишдан нарига ўтолмади.

* * *

Бу орада фариштa Жаброил Расулуллоҳга (с.а.в.) Жаноби Ҳақнинг саломини келтирди, ушбу ҳодисаларга алоқадор қуйидаги оятларни у зотнинг қалбларига муҳрлади:

«(Қиёмат) соати яқинлашиб қолди ва ой ҳам иккига бўлинди. У (мушрик)лар бир мўъжиза кўрсалар, ундан юз ўгирадилар ва: «Бу ҳар доимги сеҳр-ку!» дейдилар. Улар (пайғамбарни) ёлғончи қилдилар ва ҳавойи нафсларига эргашдилар. Ҳар бир иш жойини топгусидир (яъни, гарчи кофирлар юз ўгирсаларда, бу ҳақ дин ер юзида қарор топади). Ҳолбуки, уларга (илгари ўтган кофирларнинг) хабарларидан иборат бир нарса — етук ҳикмат келдики, унда (куфру залолатдан) тийилиш (лозим эканини уқтирувчи иборатлар) бор эди. (Лекин улар ўзларининг куфрларидан тийилмадилар). Бас, (уларга ҳеч қандай) огоҳлантириш фойда бермас. (Эй Муҳаммад,) энди сиз улардан юз ўгиринг!» (Қамар сураси 1-6 оятлар.)

ҒАРАЗЛИ ИСТАКЛАР

Орадан кунлар ўтди. Расулуллоҳга (с.а.в.) мушриклардан яна бир таклиф келди. «Кел, бир масала юзасидан суҳбатлашиб олайлик», дейишган эди улар.

Борсалар, мушрикларнинг машҳур бошлиқлари кутиб олишди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ойнинг иккига бўлиниши ҳодисасининг нечоғлик ҳақ эканини аниқлаш учун бу мушриклар ёнатрофдан шу хусусда сўрабсуриштирганларини билардилар ва энди ҳақиқатни тан олишган бўлса керак, деб ўйладилар. Аммо мутлақо бошқача вазиятнинг устидан чиқдилар.

— Сени бу ерга чақиришимизнинг боиси, энди сен биздан узр сўрашинг керак, эй Муҳаммад. Тўғри, сени туғилганингдан бери таниймиз. Покиза, ҳалол яшаганингни биламиз. Шунинг учун ҳам сенга «Амин» (ишончли) лақабини бердик. Аммо охироқибатда сен ҳеч ким бил
майдиган бир динни ўртага чиқардинг. Бизнинг динимизни ва бутларимизни айбладинг. Ақли жойида бўлган қанчақанча кишиларимизни аҳмоққа чиқардинг. Жамоаларни тарқатдинг, отани боладан ажратдинг. Орамизда юзага келган зиддиятларга биз эмас, сен айбдорсан...

Шундан кейин бир пайтлар Утба қилган таклиф ва ваъдаларни эслатишди. Буниси энди ўтакетган юзсизлик эди. Ўзларини шундай тутишардики, ой ҳодисасида худди Расулуллоҳ эмас, улар ғолиб келгандай; гап оҳангларида ҳам дағдаға, дўқ-пўписа...

— Сизлар ваъда қилаётган нарсаларнинг биронтаси менда йўқ, лекин мол-мулкингизга эгалик қилиш, шараф соҳиби бўлиш, салтанат суриш каби ниятим ҳам йўқ. Оллоҳ таоло мени сизларга пайғамбар қилиб жўнатди, муқаддас китобини туширди. Сизларга неъмат ва мағфиратдан, азобдан хабар етказувчи бўлишимни буюрди. Мен сизларга Раббимизнинг рисолатини етказдим, сизларга самимий муносабатда бўлдим... Мен Раббимнинг рисолатини таблиғ этаётирман ва сизларга яхшиликни раво кўряпман. Агар мен олиб келган бу динни қабул этсангизлар, дунё ва охиратда энг улуғ шарафни, насибани қўлга киритган бўласизлар. Агар мақбул кўрмасангиз, сизлар билан менинг орамизда Оллоҳ ҳукм бергунга қадар сабр қиламан.

Расулуллоҳ (с.а.в.) сўзларини тинглаб ўтирганлардан бири:

— Ё Муҳаммад! Сен айтган нарсаларни қабул эта олмаймиз. Ўзингга ҳам маълумки, юртимиз тор. Тирикчилигимиз танг аҳволда. Парвардигорингдан сўра, шу тоғларни ўртадан олиб, юртимизни кенгайтирсин. Шому Ироқдаги сойлар каби ариқлар оқизиб қўйсин, тўқлик фаровонликка эришайлик. Ўтган боболаримизни тирилтириб берсин, хусусан, Қусайй ибн Килобни. Яхши чол эди. Ундан сенинг дининг ҳақида ҳақми ё ботилми эканини сўрашимиз керак. Агар истакларимизни бажарсанг, Қусайй ҳам динингни ҳақ деса, барчамиз сени тасдиқлайлик, агар ботил деса, сени ёлғончи деб билайлик.

Бу сўзларнинг бари бемаъни ва беҳуда эди. Ҳақиқатни изловчи инсонга ярашмайдиган сўзлар.

Уларнинг талаблари қондирилган тақдирда ҳам имон келтирадиларми ?

Пайғамбар инсонларга мўъжиза кўрсатиш учун юборилмайди. Аммо инсонлар улардан пайғамбар эканлигига ҳужжат талаб қилсалар, албатта бажаришлари керак

ва пайғамбарликларини исботлашлари лозим. Бундай мўъжиза мукаммал шаклда, ҳамманинг кўзи ўнгида, ҳеч ким эътироз билдира олмайдиган тарзда кўрсатилди. Шундай экан, қайтақайта мўъжиза исташ мазах қилиш эмасми? Бундан мақсадлари нима?

—Менинг вазифам бу эмас, — дедилар Жанобимиз. — Менинг вазифам инсонларга ҳақ динни таблиғ этишдир. Қабул қилсангизлар, дунё ва охиратда энг буюк насибани қўлга киритган бўласизлар. Қабул этмасаларингиз, сизлар билан орамда Оллоҳ ўз ҳукмини бергунча сабр этаман, унинг шарафли буйруғини бажаришга ғайрат қиламан.

—Бу талабимизни бажаришдан бош тортдинг, у ҳолда парвардигорингдан сўра, пайғамбарлигингни тасдиқлайдиган бир фаришта юборсин. У фаришта сени биздан қўриқласин. Бу фаришта бизга олтиндан, кумушдан саройлар, боғлар қуриб берсин, биз ҳам сенга бу ишингда ёрдам берайлик.

— Сизлар сўраётган ишлар менинг зиммамда эмас. Парвардигорим мендан буларни сўрамайди, мени бундай ишларга вазифадор қилмаган. Мен сизларга Оллоҳнинг неъматлари ҳақида мужда етказувчи, азобидан огоҳ этувчи бир элчиман.

— Хўп, парвардигорим истаса, қилади, деяпсан, қани, осмонни устимизга парчапарча қилиб тушир, агар бу ишни адо этмасанг, асло пайғамбарлигингга ишонмаймиз.

—Бу Оллоҳнинг иши, хоҳласа қилади. Гап чўзилиб, мазах тусини олди.

—Оллоҳни ва фаришталарни чақир, кўрайлик!..

—Осмонга чиқ!..

—Юлдузлардан бир қаср қурдир!.. — каби куракда турмайдиган талабларни қўя бошлашди. Иш жиддийлик чегарасидан чиқиб кетгач, Расулуллоҳ уларнинг олдидан кетдилар. Аммалари Отиканинг ўғли Абдуллоҳ ибн Абу Умайя ул зотнинг орқаларидан эргашди.

Ё Муҳаммад, қавминг сенга шунча таклиф этди, Қабул этмадинг. Сўнгра токи Оллоҳ ҳузуридаги даражангни билиш учун ўзларига айрим нарсаларни сўрадилар, уларни ҳам қила олмадинг. Ваъда қилган азобингни Ҳозироқ келтиришингни сўрадилар, қўлингдан келмади. Қасамлар бўлсинки, сенга мутлақо ишонмаймиз. Ҳатто кўк тоқига бир нарвон қўйиб, кўз ўнгимизда у ерга чиқсанг ва ёзув ёзилган бир саҳифа олиб келсанг, сен билан бирга тўртта фаришта ҳам сенинг пайғамбар эканлигингга шоҳидлик қилиш учун келсалар, онт ичамизки, шунда ҳам сенга ишонмаймиз, сени тасдиқ этмаймиз!

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳеч нарса демадилар. Дейишларига ҳожат ҳам йўқ эди. «Шунча ишларни қилсанг ҳам, барибир ишонмайман», деб турган одамларга нимани ҳам уқтириб бўларди?! Булар шунчалик ифлос, ғаразгўй эдиларки...

Расулуллоҳ (с.а.в.) уйга ғамгин қайтдилар. Халқини жаҳолатдан саодатга даъват этган, аммо эвазига фақат душманона муомала кўрган, ноҳақ ҳақоратга учраган, мазах қилинган инсон, албатта, хафа бўладида.

Аммо ваҳий фариштаси Жаброил (а.с.) набийлар мақомининг Султонини кутаётган, мушриклар билан бўлган учрашув маънавият оламидан кузатилиб турганини билдирувчи ва таскинбахш оятларни бу зоти шарифнинг покиза қалбларига ёзиш учун келган эди:

«Ва дедилар: «Токи бизлар учун мана шу ерни ёриб, бир чашма чиқариб бермасанг, биз сенга ҳаргиз имон келтирмаймиз. Ё сенинг хурмозор, узумзор боғинг бўлиб, унинг ўртасидан ёриб дарёлар пайдо қилмасанг; ёки ўзинг даъво қилганингдек, осмонни устимизга парчапарча килиб туширмагунигача; ёки Оллоҳ ва фаришталарни олдимизга келтирмагунингча; ёки сенинг олтиндан бир уйинг бўлмагунича; ёхуд ўзинг (кўз олдимизда) осмонга кўтарилмагунингча, (ҳаргиз сенга имон келтирмаймиз). Токи бизларга ўқийдиган бирон китоб туширмас экансан, бу (осмонга) кўтарилишингга ҳам ҳаргиз ишонмаймиз». Айтинг: «Эй пок Парвардигорим, мен фақат элчипайғамбар бир одам эдимку!» Одамларга ҳидоят келган пайтида, фақат: «Оллоҳ (фаришталарни эмас, балки) одамзотни пайғамбар қилиб юборибдими?!» деган сўзларигина уларни имон келтиришларидан тўсди. Айтинг: «Агар бу Ерда (одамлар эмас, балки)

фаришталар маскан тутиб юрганларида эди, албатта, биз (яъни, Оллоҳ) уларга осмондан фаришта пайғамбарни туширган бўлур эдик». Айтинг: «Мен билан сизларнинг ўртамизда Оллоҳнинг ўзи етарли гувохдир. Албатта, у бандаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб тургувчи зотдир». (Ал-Исро, 90-96.)

Ҳар келишида алоҳида бир жозиба ва алоҳида бир бадеъ услубда келувчи Қуръон оятлари одамларни ҳар

гал янги бир таъсирчанлик ила ларзага солар, ўхшашини келтира олмасликларини ҳар гал уларнинг онгига янада мустаҳкам қилиб муҳрлар эди.

Мушриклар енгилишини билатуриб қайтақайта майдонга тушаверадиган ва ботбот мағлубиятга учрайдиган аянчли «полвон»га ўхшашарди. Мағлубият аламини бирор юз марта тортган бўлишса ҳам, лекин ҳануз тавба қилишмаган эди. Кошки Қуръон бир тушишда ҳаммаси бирдан туширилсайди, дейишарди.

** *

Абу Лаҳабнинг ўғилларидан Утайба бир куни Расулуллоҳнинг (с.а.в.) Қуръон ўқиб ўтирганлари устидан чиқиб қолди. Юзга тупургандек бир бадбахтлик қилиб ўтди. Кетидан «Оллоҳим, жоноварларингдан бирини унинг бошига бало қил», дуоси Жаноби Ҳаққа йўналди. Утайба жигаридан тутилганини ҳис қила, узоқлашди.

** *

Бир куни Тулайб уйига ажиб бир ҳолатда кириб келди.

— Нима бўлди, ўғлим?

— Тоғамнинг ўғли келтирган динга кирдим, онажон! — деди Тулайб севинчи ичига сиғмай.

— Яхши қилибсан, болам. Уни доим қўллабқувватяаш сенинг вазифангдир, — деди она.

У пайғамбаримизнинг аммалари Арво эди.

Муҳтарам ўқувчиларимизнинг ёдида бўлса, Тулайб илгари пайғамбаримизнинг эшиклари остонасига нажосат тўкмоқчи бўлган Уқба ибн Абу Муойтнинг таъзирини берган эди...

— Сиз нега жиянингизни қўллабқувватламаяпсиз, онажон, нега унинг динига кирмаяпсиз? Акангиз Ҳамза ҳам мусулмон бўлибди, — деди Тулайб.

Бу хусусда кўп гапиришга эҳтиёж қолмади. Она шаҳодат калимасини айтиб, жиянининг пайғамбарлигини тасдиқлади. Кетидан синглиси, яъни, пайғамбаримизнинг яна бир аммалари Софийа ҳам Ислом динини қабул қилди.

ДУО ҚАБУЛ ЭТИЛДИ

(Ҳазрати Умар)

—Абу Толибга килган мурожаатлар жавобсиз қолди, дўстлар! — деди Валид ибн Муғийра.

Абу Жаҳл уни кўллабқувватлади:

— Жавобсиз қолмади, бизни яхшигина авради, —деди.— «Уни менга қўйиб беринглар», деб жиянининг бошини силади.

Валид ибн Муғийра сўзида давом этди:

— Бу ишнинг нақадар жиддийлигини унутмайлик. Ўз вақтида чорасини кўрмаганимиз учун, мана, пушаймон бўлиб ўтирибмиз. Кўриб турибсизларки, у кундан кун кучайиб бормоқда, қўлида мудҳиш яроғи бор... Шоирларимизни, энг зўр нотиқхатибларимизни ҳам доғда қолдирди. Бунинг устига, у жуда кучли сеҳргар бўлса. Кўрдингиз, осмондаги ойга ҳам ҳукмини ўтказди: уни иккига бўлди. Хуллас, бу иш қанча чўзилса, шунча зарар.

Абу Жаҳлга қолса, масалани шартта-шуртта ҳал қилиб қўяқолса.

— Бу ишни ким тез ва усталик билан уддаласа, юз туя ҳадя этилади, — дея эълон қилди. Мажлис аҳлига бирмабир нигоҳ ташлаб чикдида: — Яъни, ўлдирган кишига, демоқчиман, —

деб қўшиб қўйди.

Аммо негадир ҳеч ким бирданига юзта туялик бўлиб қолишни истамади. Чунки бу ишнинг оқибатини ҳамма биларди. Ахир, ҳошимийлар: «Нима ҳам қилардик, тақдир эканда...» деб индамай кетавермайдилар.

— Хўш, юз туяга даъвогар йўқми ораларингда?!

— Шунчалар осон бўлса, марҳамат, ўзинг уддалаб қўяқол! Юзта туянг бегона ҳам бўлмайди, — дейишди.

Абу Жаҳл бу мантиқий эътироз ва таклифга жавоб бермасликни афзал кўрди. Лекин пешонасида совуқ тер томчилари пайдо бўлди.

Яна бир муддат орада жимлик ҳукм сурди.

— Бу ишни Хаттобнинг ўғлидан бошқа ҳеч ким эплай олмайди!

Нигоҳлар момақалдироқдек туйқус янграган бу овоз эгасига томон ўгирилди. Қаршиларида мардонавор чеҳрали, кўзлари жасурона боқувчи бир йигит турарди. Жасорат ва матонат, кучқудрат тимсоли, қўркув нималигини билмайдиган йигит... Агар шамолдек тез, бўрондек шиддатли руҳият соҳибига ёдгорлик ўрнатиш лозим бўлса, том маънода энг муносиб инсон Умар ибн Хаттоб эди.

Бирдан ҳамма тилга кирди:

— Ҳа, жуда тўғри, бу иш фақат Умар ибн Хаттобнинг қўлидан келади, — деб бидирлаб кетишди.

Дарҳақиқат, бу гапларда жон бор эди. Чунки уни йиллар давомида синайсинай, жуда яхши билиб олган эдилар. Умар деганда, хаёлларда «тутган жойидан кесадиган довюрак ва мард йигит» жонланар эди.

Сўзларида риёкорлик йўқ, аммо уни гижгижлаш учун яна бир нималар дейишлари ҳам мумкин эди.

Умар ўрнидан турди, шаҳдам қадамлар билан уйига қараб йўл олди.

Ҳаббоб ибн Аратт Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида шахсан у зотнинг муборак тилларидан эшитиб ёд олган Қуръон оятларини атрофдагиларга етказиб ўргата бошлади.

Ўша кунларда Тоҳа сураси тушган бўлиб, бир неча оятини тери парчасига ёзиб олган, самимий оилавий дўсти бўлмиш Саид ибн Зайднинг уйига бориб, уларга ўргатишга киришган эди.

* * *

Нуайм ибн Абдуллоҳ йўлда Умар ибн Хаттобни учратди. У рўпарадан келарди. Қўллари қиличининг қинида, қадамлари шаҳдам. Титраб кетди.

— Йўл бўлсин, ё Умар?! — деди бир шумликни сезиб.

Умар кўзларидан учқун сачратиб, Нуаймга боқди ва мағрур бир оҳангда:

— Муҳаммадни ўлдиришга кетяпман! — деди.

Нуайм бошидан кайноқ сув қуйилгандай сесканди.

Қалбига кирган титроқ тиззаларинида қалтирата бошлади.

—Муҳаммад ибн Абдуллоҳни айтяпсанми?..

—Худди шундай.

—Нега энди?

— Нега бўларди? У отабоболарининг динидан юз ўгирди, маъбудларимизга тил теккизди, ақлли бирodаларимизни аҳмоқликда айблади, Қурайшлар жамоасини тўзитиб юборди.

—Сен бу ишнинг уддасидан чиқолмайсан, ё Умар!

—Нега эплай олмас эканман?

—Нега деганда, агар бу ишни қилсанг, Бани Абдуманноф сени соғ қўймайди.

Умарнинг кўзларидан яна учқунлар сачрай бошлади. Дабдуруст қиличининг дастасига ёпишди ва:

— Тағин сен хам унинг йўлига кирганлардан бўлмагин?! — деди дағдаға билан.

Нуайм қўрқиб кетди. Беихтиёр:

— Сен олдин ўзингнинг оилангдагиларни тийиб ол, кейин менга дағдаға қиласан, — деб юборди.

Умар эсанкиради:

—Менинг оиламга нима қилибди?

—Синглинг Фотима билан куёвинг Саид...

—Ийй, демак?..

—Ҳа, улар ҳам мусулмон бўлишган.

Умар бир зум лом-мим деёлмай қолди, сўнгра қатъий қарорга келгандай:

— Дастлаб уларнинг таъзирини бераман! — деди.

Умар Саиднинг уйига яқинлашганида, ичкаридан аллақандай оҳангли овозларни эшитди. Яқинроқ келиб, қулоғини динг қилди.

Бу бир бегона овоз эди.

Эшикни зарб билан тақиллатди.

Уйдагилар саросимага тушдилар. Фотима эшик томонга югурди. Очганида, акаси Умарга рўбарў келди.

—Хуш келибсан, акажон...

Умар ичкарига кирди, ёнатрофига аланглади.

—Ташқаридан эшитганим овозлар қанақа овоз эди?

—Ўзаро гаплашиб ўтирувдик. Бошқа нима ҳам бўларди...

—Иккалангиз ҳам Муҳаммаднинг динига кирган эмишсиз. Агар шу гап рост бўлса, мендан хафа бўлманглар.

Саид Умарнинг сўзларини кесди:

—Ё Умар, ҳақ диннинг нима эканини билиш пайти келмадимикан?.. Бутларга топиниш нодонлик эканини наҳотки тушунмасанг?

Бемаънилик... Умарга бундай дейишга Саиднинг қандай ҳадди сиғди экан?! Дарҳол унга ўгирилди, қулочкашлаб бир мушт урдида, ерга қулатди. Устига миниб олди. Фотима эрига ёрдам учун Умарни орқага тортган эди, у ҳам бир тарсаки еди. Бу тарсаки унинг юзларидан қон тирқиратди. Довдираб қолган Фотима бир мунча муддат жим қолди. Сўнгра Умарнинг қаршисига кўндаланг бўлди. Унинг томирларида ҳам Хаттобнинг қони оқар эди. Бир эмас, бир неча аёлга етиб ортадиган даражада жасоратли эди.

—Ҳа, ҳа, ё Умар, шуни яхши билгинки, биз ҳам мусулмон бўлдик. Ҳақ йўлга, саодат йўлига кирдик. Бутларга қул бўлишдан қутулдик. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашхаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ, — деди.

Фотиманинг юзидан оқиб кўксигача тушаётган қон... тарсаки зарбидан таниб бўлмайдиган аҳволга келган чеҳра... устигаустак, она арслон каби ҳайқирган овоз — булар Умарга қаттиқ таъсир қилди, уни ларзага солди. Бир аёлни, қолаверса, жондан азиз синглисини аямай уриши тўғримиди?..

Саиднинг устидан турди. Чайқалиб бориб, бир бурчака ўтирди.

—Ҳалиги ўқиётган нарсаларингни бер, бир кўрайин, — деди. Овози ўзгарган, шашти анча пасайган эди.

—Йўқ, — деди Фотима, — бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ.

—Нега?

—Чунки уни йиртиб ташлайсан.

—Қайтариб бераман.

—Ишонмайман.

Умар бирдан туриб кетди.

—Умарнинг сўзи сўздир, эй Фотима! Макка атрофларида ҳали ҳеч ким Умар сўзидан қайтганини кўрган эмас. Отамнинг бошини ўртага қўйиб қасам ичаманки, Умар сўзидан қайтмас! Қани, энди бу ёққа олиб келчи, ўша ўқиганларингни бир кўрай.

—Лекин у Оллоҳнинг каломи ёзилган топтоза саҳифадир. Сен эса мушриксан. Ҳеч бўлмаса, бир дафъа ювиниб кел.

Умар бу таклифга рози бўлди. Юз-қўлини ювди, қайтиб келиб ўтирди. Фотима беркитган тери парчасини олиб, Умарга узатди.

«То, ҳа. (Эй Муҳаммад,) Биз сенга бу Қуръонни қийналиб жафо чекишинг учун эмас, балки (Оллоҳдан) қўрқадиган кишиларга панднасиҳат бўлсин учун нозил қилдик. (У) ерни ва юксак осмонларни яратган зот томонидан нозил қилингандир. (У зот) Ўз аршини эгаллаган Раҳмондир. Осмонлардаги, ердаги ва уларнинг орасидаги ҳамда тупроқ остидаги бор нарса Унингдир» (Тоҳа, 1-16.)

Умар шу ергача ўқиди, бошини кўтармай, минғирлади:

— Жуда ғаройибку... Демак, бизнинг бу тангриларимизнинг ҳеч қанақа қадри йўқ эканда?..

Бир муддат хаёлга чўмиб қолди, сўнгра яна ўқишда давом этди:

«Агар сен ошкора гапирсанг ҳам (ва ёки хуфёна гапирсанг ҳам, У зотга баробардир). Зеро, У сирни ҳам, энг махфий нарсаларни ҳам билур. Оллоҳдан ўзга (ҳеч қандай) тангри йўқ. Фақат Унинг Ўзи бордир. Унинг учун энг гўзал исмлар бордир» (Тоҳа, 1-16.)

Умар яна тўхтади, яна фикрга толди. Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ бўлса, у ҳолда Лот ким, Уззо ким, Хубал кимдир?.. Улар илоҳ эмасми?..

Бу фикр унинг миясидан яшин тезлигида ўтди. Аммо етук бир нотиқ, мукаммал бир адиб бўлган Умар энди ўзи ўқиётган илоҳий каломга бутунлай берилган эди:

«Сенга Мусо ҳақидаги хабар келдими? Эсла, у (узоқдан) бир оловни кўриб, аҳли оиласига: «(Шу ерда) туринглар, мен бир олов кўриб қолдим, шоядки сизларга ундан бирон чўғ олиб келсам ёки шу ўт олдидан бирон йўл (кўрсатувчи) топсам», деди. Бас, қачонки у (оловнинг яқинига) келгач, «Эй Мусо», деган нидо эшитилди: «Мен сенинг Парвардигорингман. Энди кавушларингни ечгин. Чунки сен муқаддас Туво водийсидасан. Мен сени (пайғамбарликка) танладим. Бас, (ўзингга) юбориладиган ваҳийга қулоқ тут! Дарҳақиқат, Мен Оллоҳдирман. (Ҳеч қандай) илоҳ йўқ, фақат Мен бордирман. Бас, сен Менгагина қуллик қил ва Мени зикр этиш учун намозни тўкис адо эт! Токи ҳар бир жон қиладиган сайъҳаракати сабабли жазоланиши учун (қиёмат) соати албатта келгувчидир. (Лекин) Мен (қиёмат қачон қойим бўлишини) яширишни истайман. Бас, сени (қиёматга) ишонмайдиган ва ҳавойи нафсига эргашган кимсалар ундан тўсмасинларки, у ҳолда ҳалок бўлурсан...» (Тоҳа, 1-16.)

Фотима билан Саид қўрқув ичида Умарни кузатиб турардилар. Орасира унинг зўр ҳайрат ила бошини сараксарак қилаётганини кўрдилар.

Бу орада Ҳаббоб ҳам бир жойга беркиниб олганича, нафасини ютиб, натижани кутар, «Оллоҳим, Ҳабиби акрамингнинг дуосини қабул эт», дея тинмай ёлворар эди. Ҳозир бир жиҳатдан унинг ҳаётмамот масаласи ҳал бўлаётган эди. Чунки агар иш чаппасига кетгудай бўлса, Умар уни ҳам соғ қўймаслиги аниқ эди... Ниҳоят Умар бошини кўтарди:

— Ўта жозибали, таъсирчан калом экан бу, — деди.

Шу биргина жумла такапука бўлиб турган юраклар

га ором бағишлади. Кўнгиллар тинчланди. Эркин нафас ола бошлашди.

Ҳаббоб яшириниб турган жойидан чикди.

— Ё Умар, фикримча, Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобларининг дуолари қабул бўлганга ўхшайди. Чунки у зотни: «Оллоҳим, бу динга Умар ёхуд Амр билан қувват бер!» дея дуо қилаётган ҳолатларида кўрган пайтларим бўлган, — деди.

— Оллоҳнинг расули ҳозир қаерда? Фотима жавоб берди:

—Агар бирон ишкал чиқармасликка сўз берсанг, айтамиз.

—Қасам ичаман, унга ҳеч қандай ёмонлик қилмайман!

—Жуда соз, улар ҳозир Арқамнинг уйидалар. Умар Ҳаббобга ўгирилди:

—Олдимга тушда, мени ўша ёққа бошла, — деди. Ҳабоб ўрнидан турди. Умар яна қиличини қинига солди, биргаликда йўлга тушишди.

* * *

Арқамнинг уйида ташқарини кузатиб турган киши шошапиша ичкарига кирди. Умарни белида қиличи билан келаётганини кўрдим, деди. Юз ифодалар бир зум жиддий тус олди. Юракларни ҳаяжон тўлқини қоплади. Нигоҳлар саросимали эди.

— Умар яхши бир ният билан келаётган бўлса, марҳамат, кирсин. Акс ҳолда, уни ўзининг қиличи билан ўлдирамиз!

Жиддий овоз эди бу. Бошлар бу сўзларни айтган кишига томон ўгирилди: Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимизнинг амакилари Ҳамза ибн Абдулмутталиб эди гапирган. Набиййи акрам (с.а.в.):

— Ичкарига таклиф қилинг, кирсин, — дедилар ва ўринларидан туриб кута бошладилар.

Умар кириб, ҳузури Набавийда тўхтади. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг ёқасидан тутдилар:

— Эй Хаттобнинг ўғли, сен умрингнинг охиригача шунақа бўлиб қолаверасанми?! — дедилар.

Сўнгра муборак юзларини кўкларга каратиб, раҳмат илтижо қилувчи бир овоз билан:

— Оллоҳим, бу Хаттобнинг ўғли Умардир! Оллоҳим, Ислом динини Умар ибн Хаттоб билан қувватлантир! — деб ёлвордилар.

Ушбу воқеа гувоҳлари миқ этишмас, лекин энг самимий тилаклар билан ичларида чин юракдан «омин» дер эдилар.

Умар тиз чўкди. Шундай ҳолатда ҳам ўртача бир одам бўйи келадиган гавдали Умарнинг боягина учқун сачраб турган кўзлари энди Расулуллоҳга (с.а.в.) қарашдан уялгандек ер чизар эди. Дағал овози ўта даражада юмшоқ оҳангга ўралиб чиқди:

— Мен бу ерга мусулмонликни қабул қилиш учун келдим. Оллоҳга ва Расулига имон келтираман.

Рисолат шоҳи Жанобимизнинг (с.а.в.) қалблари бир онда нашъага тўлди. Буюк Оллоҳ дуоларини қабул қилган, Умардек бир шахсиятни имон келтириш учун оёқлари тагига бошлаб келган эди. Баланд овозла: «Оллоҳу акбар!» деб ҳайқирдилар.

Фахрул Мурсалиннинг (с.а.в.) хурсандликларига бошқа мўминлар ҳам қўшилишди. Улар ҳам «Оллоҳу акбар!» деб қичқиришди. Макка кўчалари бу такбир овозларидан титрагудай бўлди. Буюк Умарнинг Исломга киришини Сарвари анбиё (с.а.в.) ва саҳобалар гўёки тўп отиш билан қаршилагандай бўлдилар.

Умарнинг юраги қаттиқликда тошларга ҳам дарс берар, ўткирликда гавҳарни ҳам йўнишга қодир эди. Шундай одам Фахри Олам пайғамбаримизнинг дуолари ва раҳмат сувлари билан покланиб шаштидан қайтди. Йўлга буюк Пайғамбарни ўлдириш учун чиққан Умар шу онда Расулуллоҳ (с.а.в.) қошларида имон келтириш учун тиз чўкди. Комил ишонч ила калимаи шаҳодатни сўзлади.

Бу ҳодиса мўминларга том маънода бир байрам бўлди. Ахир, шу кунгача номиёқ кўпларни зир титратиб келган ашаддий душмандан қутулиб, бутун борлиғи билан мақтаса арзигулик бир дўст қозонилган эди.

Дин у билан азиз бўлажак, қувват ва шараф топажак эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг мусулмон бўлиши учун даргоҳи аҳадийатга ёлвориб неча бор дуо қилган улуғ инсон эди у. Кишилик тарихида унинг бу шарафига шериклаша оладиган иккинчи бир шахс бўлмаган ва бўлмас ҳам.

Ўша кунларда Умар ўттиз тўрт ёшлар чамаси бир паҳлавон йигит эди.

* * *

Умар кетгач, жонини ҳовучлаб қолган Фотима бир неча соат ташвишга кўмилиб ўтирди. Ажабо, Расулуллоҳ (с.а.в.) қаерда эканликларини айтиб хато қилмадиммикан, деб ўйлар, сўнгра акасининг бир сўзли мард йигит эканини эслаб, кўнглига таскин берар эди. Шу пайт қулоғи олисдан такбир овозларини эшитди. Яқинлашган сари овозлар баландлашарди. Бир тўда одамлар «Оллоҳу акбар!» деб бақиришар, кўчалар ларзага келган эди.

Нималар бўлаётганини билиш учун ташқарига чиққанлар яқин атрофда эътиборга лойиқ ҳеч нимани кўрмай, уйларига қайтиб кириб кетдилар.

Кечга яқин Фотима акасининг мусулмон бўлганини эшитиб, севинчидан телба бўлиб қолаёзди.

Арқам ибн Абул Арқамнинг уйи ўша куни катта бир байрам севинчига тўлди. Буюк бир мўъжиза, хушхабар эди бу. Энди мусулмонлар забардаст Умар воситасида Оллоҳнинг ёрдамига сазовор бўлажак, ҳузурҳаловат топажаклар. Мусулмон бўлганидан бери жабрситамлар ичра чиғнанган мўминларга, албатта, катта севинч бағишлаган эди бу ҳодиса.

Умар у ерда Расулуллоҳ (с.а.в.) тилларидан Ислом динининг ҳукмларини тинглади. Пайғамбар (с.а.в.) донадона қилиб гапирар, ҳақдан ва ҳақиқатдан сўзлар, инсоннинг ақлига не даража бўлса, руҳиятига ва қалбига ҳам шу даража хитоб этар эдилар. Ҳар бир сўзлари Умарнинг ички дунёсини поклади, куфр ва ширкка тўла қалби имон ва Ислом нури ила йўғрилди.

— Ё Набийаллоҳ, биз ҳар жиҳатдан ҳақ ва чиндинга кирдик, шундай эмасми?

—Шундай.

—У ҳолда нима учун бу ерга яшириниб ўтирибмиз? Сизни ҳақ дин билан жўнатган Оллоҳга қасамлар бўлсинки, мени хамон мушрик деб билувчи ҳар мажлисга бориб мусулмонликка кирганимни очиқ айтаман!

Умар Расулуллоҳ (с.а.в.) билан хайрлашиб, чиқиб кетди.

* * *

Эртаси куни тонг саҳарда Абу Жаҳлнинг эшиги тақиллади.

Умар ибн Хаттоб келди, деб хабар бердилар Абу Жаҳл ўрнидан сапчиб турди. Қизиқарли бир хабар эшитишига ишончи комил эди.

Марҳамат қил, ё Умар, хуш келибсан, жиян дея қаршилади.

Мени ичкарига таклиф қиласан деб ўйламайман, ё Нимага энди, ё Умар? Эшигим сен учун ҳар доим Мен Оллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳ ва маъбуднинг иуқлигига ҳамда Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Оллоҳнинг бандаси ва расули эканига имон келтирдим. Сенга ушбу хушхабарни маълум қилиш учун келдим. Абу Жаҳлнинг тўсатдан авзойи ўзгарди

Гапларинг жиддийми, ё Умар?! деб дудуқланди. Миясига бир нарса каттиқ урилгандай бўлган эди Умар унга жавобан:

Ашҳаду алла ла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ, дейиш билан чекланди.

Абу Жаҳлнинг бир зумда қовоқтумшуғи осилиб кетди**.**

Оллоҳ сенинг жазоингни берсин, келтирган хушхабаринг бошингдан қолсин! дедида, зарб билан эшикни унинг юзига ёпди.

Шу тариқа орада мавжуд бўлган қариндошлик ва дустлик алоқалари ҳам узилди. Йўллар ажралди. Абу Жаҳл ғазаб ва кин ҳирси билан уйига кириб кетди Умар ҳузур ва завқ ҳисси билан йўлида давом этди

Қули қиличиииг дастасида, $_{ҳар\ 0}$н жанжал чиқиб қолса, отилишга ҳозир, кўзлари, ўткир нигоҳлари унга караганларнинг юракларини тилкапора қиладиган бу мард инсон, мўминларга зулм қилинаётир, деб эшитган хар бир куча, ҳар бир бурчакни заррача ҳам қўрқмай аиланиб чивди. Қайси мажлисга борса, қаерда бир тўп мушрикни учратса, ўша ерда тўхтади ва шаҳодат калималарини баланд овозларда айтди, сўнгра уларнинг бунга жавооан муносабатларини кутиб

турди

Умар кеча уни ўлдиришга қасд килган эдингку, ё Умар! деди бирови.

—Тўғри. Бироқ у ҳақ динни келтирганига ишондим ва мусулмон бўлдим.

—У ҳолда бундан буён биздан узоқ юр.

—Узоқ юрмасам нима бўлади?..

Бошқа киши бўлганида, бу саволига жавоб тайёр эди, аммо уни Умарга қарпш айтиш мушкул. Бундай пайтлари мушриклар жим бўлиб қолар, бошлари эгилар эди.

Хабар яшин тезлигида бутун Маккага тарқалди. У қаерга отланса, хали ўзи бормасидан унинг мусулмон бўлгани ҳақидаги хабар етиб борарди.

Ниҳоят гавжум бир жамоа каршисида яиа шаҳодат калималарини келтирар экан, олдиндан тайёргарлик кўриб қўйганлар унинг устига ташландилар. Шиддатли бир тўполон, урсур бошланди. Умар қаршисига ким келса, бир уришда йиқитар, бир зарба билан сафдан чиқарар эди. Аммо бунча одамга қарши узоқ вақт бас келиши маҳол эди. Секинсекин мағлубияти яқинлаша бошлади. Шунда бирдан:

— Нима гап, нима тўполон?! — деган бир овоз эшитилди.

Бу Ос ибп Воилнииг овози эди.

— Умар динини ўзгартирибди, — дейишди унга.

— Ўзгартирса, сизнинг ишингиз нима? Одам чинюракдан истаб бошқа динга кирибди, хўш, нима бўпти?

Қани, тез тарқалингларчи?

Бу сўзлар таъсирини кўрсатиб, жанжал тугади. Йиғилганлар биринсирин тарқалишди.

Орадан бир неча кун ўтди.

— Ё Расулуллоҳ, ташқарига чиқайлик, мушрикларга Исломнинг қудратини намойиш этайлик. Каъба ёнида намоз ўқийлик.

Пайғамбаримиз бу таклифга рози бўлдилар. Мусулмонлар икки қатор бўлиб тизилдилар. Бир сафнинг бошида Умар ибн Хаттоб, иккинчисининг бошида Хдмза ибн Абдулмутталиб, шаҳдам одимлар билан Каъба томон йўл олдилар.

Бундай вазиятга мушриклар илк бор рўбарў бўлаётган эдилар, шу боис уларни ҳайрат ичида, ҳаяжон ила кузата бошлашди. Эшикларидан мўралаб қараганлар шу кунгача эгик ҳолатда кўришга одатлангап бошларпи эиди типпатик ҳолда кўрди. Қўрқув тўла боқишлар ўрнини завқли, хотиржам нигоҳлар эгаллаган эди.

Масжиди Ҳарамда тўхтадилар. Умар ўзларини қизиқиш ва адоват ила кузатаётганларга ўгирилиб, баланд овозда ҳайқирди:

— Шу ерда ибодат қиламиз, намоз ўқиймиз. Жони ширин бўлганлар биздан узоқ турсин. Болаларини етим, хотинларини бева қолдирмоқчи бўлганлар эса, бизга қарши чиқаверсин!..

Афзали анбиё (с.а.в.) имомликларида шу ерда намоз ўқилди. Ҳеч ким яқинлашишга журъат қилмади. Намоз тугагач, тарқалишди.

Мўминларнинг кўнглида байрам сурури. Шундай натижани неча йиллардан бери орзиқиб кутдилар. Яқин кунларда Ҳазрати Абу Бакрнинг қистови билан кўчага чиққанларида мағлуб бўлган эдилар. Аммо бугун... Ҳеч қандай корҳол юз бермади, бир кимса лом-мим ҳам дея олмади.

Утба дейсизми, Валидми, Абу Суфёнми — ҳаммаҳаммалари бу саҳнанинг томошабини бўлишдан нарига ўтолмадилар. Умарнинг нигоҳидан олов чақнатиб қилган таҳдидига жавобан: «Бекорларни айтибсан», дея олмадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) «Ё Раб, бу динни Умар ибн Хаттоб ёки Амр ибн Хишом билан азиз қил», деб ўқиган дуоларининг илк меваси шу зайлда олинган эди. Мушриклар устидан қозонилган илк зафар эди бу.

Бир пайтлар Абу Зарр мусулмон бўлгани ҳақида маиа шу масжидда жар солган, аммо бунинг эвазига роса дўппосланиб, Аббоснинг ёрдами билангина ўлимдан зўрға қутулган эди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд ушбу масжидда мушрикларни Қуръонни эшитишга мажбур этган, сўнгра у ҳам роса калтакланган эди.

Ҳазрати Абу Бакр ҳушидан кетгунча, бурни юзидан ажралмайдиган ҳолга келгунча мазкур масжидда дўппосланган эди.

Аммо Умарга қарши ҳеч ким лом-мим дея олмади. Буюк Пайғамбаримизнинг дуою илтижолари мана шу зайлда ўрнини топди, мусулмонлар илк бор эркин нафас олишга муваффақ бўлдилар. Бундан буён Умар Маккада яшар экан, қўлларини у ёкданбу ёққа соллаб бемалол юражак, бозорўчарга боражак, очиқчасига намоз ўқиб, Қуръон тиловат қилажак эди, аммо Абу Жаҳл унга «ортиқ ҳаддингдан ошма» дейишта журъат қилолмасди.

ЯККАМА-ЯККА ОЛИШУВ

Рукона ибн Язид бир куни Маккадан ташқарида айланиб юрганида Расулуллоҳни (с.а.в.) кўриб қолди.

«Бу қулай бир тасодифми ёки фожиаларнинг бошланишими?» деб ўйлади. Елғиз эди. Ёнида унга ёрдам берадиган ҳеч кими йўқ эди. Яккамаякка олишиши ёки индамасдан ўз йўлида давом этиши мумкин эди. Аслида, бир неча кишини бирдан йиқитишига Руконанинг ишончи комил эди. Аммо... кўкдаги ойни ҳам ҳукмига юргизган «сеҳргар»га бир нима қилиб бўлармиди?

—Эй Рукона, Оллоҳдан қўрқмайсанми? Сени даъват қилаётганим ушбу динга кирмайсанми?

—Сенинг пайғамбар бўлганингни билсам, сўзлаётганларинг рост эканига ишонсам, ҳеч иккиланмай қабул қилардим.

—Жуда соз, сен билан кураш тушиб, елкангни ерга ишқаласам, пайғамбар эканимга ишонасанми?

Рукона муштумини тугди. Энди бундай таклифни рад этиб бўлмасди.

—Мен розиман.

—Хўп, у ҳолда курашамиз.

Рукона фақат мана шу йўл билан ниятига эришиши мумкин эди. Ушбу қулай фурсатдан оқилона фойдаланса, мислсиз бир ишнинг уддасидан чиққан бўларди.

Бир-бирларининг елкаларидан тутдилар. Расули акрам (с.а.в.) уни бир силтагандаёқ йиқитдилар, елкасини ерга ишқаладилар.

Рукона қаршилик кўрсатишга ҳам улгурмай қолди. Нима бўлганини ҳали англаб етмасдан, зўрға ўрнидан турди:

—Ё Муҳаммад, яна бир марта курашайлик, — деди. Бекорга бундай демаган эди у. Чунки рақибининг осонгина бундай бир натижага эришганини ҳатто тушида кўрса ҳам ишонмасди. Назарига илмади, аҳамият бермади ва шу бепарволигининг жазосини аччиқ мағлубият билан тотди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу таклифни қабул қилдилар. Рукона жуда ҳам суюниб кетди. Бу дафъа Расулуллоҳнинг елкаларидан қаттиқ ушлади ва албатта ғолиб бўлиш иштиёқида аёвсиз сиқди. Аммо кўз очибюмгунча бўлмай, яна ерга йиқилди. Ҳеч нарсани тушунмай қолди, қандай енгилганини ҳам фарқлай олмади. Шарманда бўлган эди. У ёқбу ёқларда кўпчиликнинг орасида: «Рукона билан кураш тушдим, бир эмас, кетмакет икки марта мағлуб этдим», дейиши мумкин эдида. Энди Қурайш орасида кўкрак кериб юриш унга ҳаром бўлдими?

— Яна бир курашсак, дейман, розимисан, эй амакимнинг ўғли?

Бу таклиф ҳам кабул қилинди. Учинчи марта елкалар туташди. Рукона курашга бўрондек отилди. Қарори қатъий эди. Аммо бу ҳам ёрдам бермади, бир зумда яна ерга қулади. Ҳеч эътирозга ўрин йўқ бир ҳақиқат шундан иборат эдики, баҳайбат бир полвон кичкина бир болани

қандай қилиб тўпдек ирғитса, худди шундай бўлган, Рукона нафасини ростлагунча ерга ағанаб тушган эди...

Тўртинчи марта яна курашни таклиф этишга андиша қилди. Уни енга олмаслигига юз эмас, беш юз карра ишонган эди. Ўрнидан турди.

—Мен гувоҳлик бераманки, эй Муҳаммад, сен тенги йўқ бир жодугар экансан. Худо ҳаққи, ушбу ўртамизда бўлиб ўтган кураш ҳам ақл бовар қилмайдиган ишдир,— деди.

—Хоҳласанг, бундан ҳам ғаройиб ҳодисани кўрсатаман сенга.

— Кўрсат! — деди Рукона.

Пайғамбар (с.а.в.) олдинда турган бир дарахтга қарата хитоб қилдилар:

— Оллоҳнинг изни билан ёнимга кел!

Рукона кўзларига ишонмай қолди. Ер ёрилган, дарахт худди тупроқ остидан юриб келаётгандай илгарилар эди. Дарахт ўтиб бўлган жой ўша заҳотиёқ яна асл ҳолатига қайтарди. Келди, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қаршиларида тўхтади.

Рукона тушиммиўнгимми дегандек бармоқларини тез тишлаб кўрди. Уйғоқ экани бешак, аммо ҳозир қаршиларида турган дарахт бир неча дақиқа олдин юз қадамча нарида тургани ҳам ҳақ эди. Сарвари Оламга (с.а.в.) ўгирилди:

— Чин қалбимдан ишонч билан айтаманки умримда бундай сеҳрни кўрмаганман. Энди бу дарахт ўз жойига қайтсинчи.

Рукона кўрган бу мўъжизасининг қадрини билмасди, яхшиликка йўймади, Оллоҳнинг қудрати ҳақида ўйлашни ҳам истамади. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга ачиниб қарадилар. Сўнг дарахтга ўгирилиб: — Оллоҳнинг изни билан ўз жойингга қайт, — дедилар. Дарахт келган ерига кета бошлади. Бориб, аввалги жойига ўрнашди.

Рукона у ердан том маънода мағлуб ва паришон бўлиб қайтди. Мушрикларнинг ёнига бориб, бундай деди:

—Сизлар Муҳаммаднинг ёрдами билан бутун дунёни қошларингизда тиз чўктирсаларингиз бўлади. Мен ундан кўра нафаси ўткирроқ жодугарни умрим бино бўлиб кўрган эмасман.

—Нима бўлди, эй Рукона?! — деб сўрашди мушриклар.

Рукона бўлиб ўтган воқеани бир бошдан сўзлаб берди.

Бир куни саҳобалардан бири:

— Ё Оллоҳнинг расули, жоҳилия даврида қилган хатоларимиз, гуноҳларимиз учун ҳам жавобгар бўламизми? — деб сўраб қолди.

Даврада ўтирганларнинг кўнглидаги савол эди бу. Ҳар бирларининг ўша даврда озми-кўпми хатолари, гуноҳлари бор эди. Бу хотираларнинг аксариси аламли, одамни уялтирадиган эди.

Айниқса, Умар ибн Хаттобнинг бутун вужуди титраб кетди. У қилган гуноҳларнинг сонсаноғи йўқ. Бир неча йилдан бери мўмин-мусулмонларга етказган азиятларининг ўзиёқ бошқа ҳисобга эҳтиёж қолдирмайдиган даражада эди.

Ҳамма Расулуллоҳнинг (с.а.в.) жавобларини таҳлика ичра кута бошлади. Ниҳоят, жавоб янгради.

— Исломга кирганидан кейинги ҳаётини соғлом тарзда кечирган киши жоҳилия давридаги ҳаёти учун жавобгар бўлмайди. Аммо мусулмон бўлганидан кейин ҳам гуноҳда давом этса, олдингилари учун ҳам жавобгар бўлади.

Иродасини яхшилик йўлида қўллай олган мўминлар учун ажойиб бир хушхабар эди бу. Оллоҳнинг чексиз раҳмат ва марҳамати имон келтирган ва имонига содиқ қолиб солиҳ амалларни бажарувчиларни шу зайлда мукофотлар эди.

Аммо бу муждани эшитса ҳам, Умар астойдил: «Энди ҳамма нарса бошидан бошланар экан, хотиржам бўлсам ҳам бўлаверар экан», дея олмас эди. Масалан, додфарёд ичида

тириклайин тупроққа кўмилган қизи ва ҳолдан тойгунча калтакланган кишилар нима бўлади? Бу ишлари беқиёс бир зулм эди. Бу зулмининг асорати Оллоҳга сажда қйлувчи инсонларнинг юзларида, кўксида, юрагида ҳануз армон бўлиб, доғ бўлиб турарди. Уларни рози қилган бўлса ҳам, ўртада ўртанаётган виждон бор. Бу виждон азобидан қутулиш осон эмас...

Мўминлар унинг Исломга киришини улкан неъмат ва давлат деб баҳоладилар. Унинг ҳимоясида ўзларини бемалол ҳис этиб, борадиган жойларига унинг ёнида хотиржам, ҳеч нарсадан қўрқмай борадиган бўлишди. Ўзининг уларга фойдаси тегаётганини кўрган Умар ҳам бундан фахрланар, Раббига ҳамду санолар, шукроналар келтирар эди.

Баъзан кечмиш кунларини хотирлашиб, сафар чоғида лой ё шунга ўхшаш нарсалардан бут ясаб сиғинганларини гапиришса, у ҳам қўшилиб кулар, ақл бовар қилмайдиган бемаъниликларга қандай йўл қўйишганини ўйлаб ҳайрон қолар эди.

* * *

Маккалик мушриклар юзага келган жиддий вазиятдан асло мамнун эмасдилар. Иш тобора чаппасига кетаётган эди.

«Юлдузлар келсин, уйларимизнинг томларига қўнсин, сенинг пайғамбар эканингни тасдиқлашсин...» дейишга ортиқ журъат этолмасдилар. Чунки бу талабни ҳам бажара олишига энди шубҳа қолмаган эди.

Ҳанузгача Рукона Оллоҳнинг қудратини тан олмас, бўлиб ўтган воқеаларни эса, бошқача талқин қилар эди.

— Уч марта кетмакет елкамни ерга ишқалади. Манот ҳаққи, қандай йиқитганини ҳам илғамай қолдим. Дарахтни олдимизга чорлаганида: «Қани, Руконанинг устига юр», деб юборсая, деб жоним халқумимга тиқилди. Азбаройи қўрқиб кетганимдан дарахтни ўз жойига қайтаришини илтимос қилдим. Отамнинг боши билан қасам ичаман, юлдузларни ерга тушир десангиз, бунинг ҳам уддасидан чиқади, — дер эди.

Утба ибн Робиа сўз олди:

— У бизнинг кучимиз етмайдиган бир калокга суяняпти. Дархақиқат, ўша каломга ўхшаш бир каломни ҳеч бир адиб ё шоирдан эшитмадик. Бизга муносиб бўладиган иш шундан иборатки, биз ҳам унга илмий бир устиворлик билан жавоб берайлик, шу йўл билан уни мағлуб этайлик. Унга ҳеч қачон жавобини топа олмайдиган саволлар билан мурожаат қилайлик.

— Жуда соз, зўр гапларни гапирдинг, аммо бизда илм нима қилсин?

Утба ўйланиб қолди.

— Бунинг осон йўли бор, — деди. — Ясрибга борамиз, у ерда яҳудий олимлари бор. Улар билан учрашиб, ёрдам сўраймиз. Улар чуқур билимга эгадирлар. Менимча, энг маъқул йўл мана шудир.

Бу фикрга эътироз билдирувчилар бўлмади. Надр ибн Ҳорис билан Уқба ибн Абу Муойт мана шу вазифага тайинландилар. Қисқа вақт ичида йўлга ҳозирлик кўргач, туяларига миндилар.

—Аммо қаттиқ ҳушёр бўлинглар, — деди Абу Жаҳл.

— Улардан саволларни ва жавобларини эшитаётганингизда, ёнингизда зинҳор кимса бўлмасин. Акс ҳолда, жавоблар сизлардан олдин Муҳаммаднинг қулоғига етиб келиши мумкин. Бундан ташқари, у ерни тарк этгач, тилингизга маҳкам бўлинглар. Оғзибўшлик қилиб, сир бой бериб қўйманглар тағин. Маккага иложи борча тез етиб келишга ҳаракат қилинглар.

—Хўп, хуш қолинглар.

Бир неча одим юрилгач, Надр туясини тўхтатди:

— Сизлар ҳам бу ерда тилларингизга маҳкам бўлинглар. Оғзиларингиздан гуллаб қўйманглар ниятимизни.

Шундан сўнг Надр яна туясига қамчи урди. Неча кунлар давом этадиган бу сафар кимнинг ғалабаси билан тугар экан, ажабо?..

* * *

Давс қабиласининг машҳур шоири Туфайл ибн Амр бир иш билан Маккага келди. Маккада анчамунча танишлари, дўстбиродарлари бор эди.

Машҳур шоир иззатикром билан кутиб олинди. Ҳолаҳволи сўралди. Зиёфат чоғида: «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ исмли бир жодугар пайдо бўлди, дуч келган одамни жин ургандай ўзига сеҳржоду қилиб олаётибди», деб уқтирилди. Бир қатор мисоллар келтирилди. Унга ким қулоқ солса, тузоғига илинишлари муқаррар эканлиги, шу боис қадамни ўйлаб босиш, ҳушёр бўлиш кераклиги таъкидланди.

Бу мавзуда Туфайл жуда кўп гап эшитди. Бошқа бир мажлисда ҳам шу хусусдаги суҳбатга дуч келди.

Оқибатда Туфайл ибн Амр, яна тўсатдан дуч келиб қолсам, билмасдан биронта гапини эшитиб тузоғига тушиб қолмайин тағин, деб қулоқларига пахта тиқиб олди. Макка кўчаларида шу тахлитда айланиб юрди.

Ишларини битирди. Танишлари билан кўришиб суҳбатлашди, эртаси кун тонг сахарда Масжиди Ҳарамга борди. Бу даргоҳ маккаликларнинг ҳам ибодат қиладиган, ҳам у ёқбу ёқдан сухбатлашиб ўтирадиган жойи эди.

— Ана, келяпти, — дейишди.

Туфайл қаради. Барваста бир киши виқор билан юриб келарди. Чеҳрасидан нур ёғилар, кишига ишонч бағишлайдиган бир кўринишдаги одам эди. «Бундай ёқимли одамнинг жодугар бўлиши бир оз ғалатироқ эмасмикан?» деб хаёлидан кечирди.

Туфайл қараса, ўзидан бошқа ҳеч кимнинг қулоғига пахта тиқилмаган. «Дунёдаги энг аҳмоқ одам эмасман, нега энди бошқалар қўрқмаган кишидан мен қўрқишим керак? Улар ўзини олиб қочмаётган кишидан мен чекинишим кераками? Ақлҳушим жойида, ирода қўлимда, қани, бир эшитиб кўрайчи, нималар дер экан. Ёқса қабул қиламан, ёқмаса, ҳеч ким мени қабул этишга зўрламайди...»

Туфайл қулоқларидан пахтани олиб улоқтирди, Муҳаммаднинг сўзларини диққат билан тинглай бошлади.

Ҳали ҳеч ким эшитмаган, эшитолмайдиган ғаройиб эди бу сўзлар! Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг чеҳраси нақадар нуроний ва гўзал бўлса, бу калом ҳам шундай гўзал, мукаммал ва жозибали эди.

Бу сўзлар сеҳржоду эмасди. Туфайл машҳур шоир сифатида Арабистонни кезиб чиққан, тажрибаси етарли. Сафар чоғида жодугарлар билан ҳам учрашган, уларнинг бемаъни, тутуқсиз гапларини эшитган. Аммо бу Сўзлар зимнига ўзига хос бир мукаммаллик яширинган эди. Ҳар қандай зўр адиб, оташин шоир ҳам бу калом қаршисида довдираб қоларди. Туфайл шу кунга қадар ўқиган энг таъсирчан байтларни эслашга уринди. ТТТундан кейин зеҳнидан Имраул Қайс, Торофа, Зуҳайр, Амр, Онтара, Лабид, Ҳорис, Хонса, Оъша, Набиға каби донғи кетган шоирларнинг энг зўр шеърларини бир-бир ўтказди. Улар шеърият чўққисини забт этган энг олди шоирлар эди, аммо уларнинг шеърлари, нутқлари ҳозир тинглаётгани бу калом қаршисида жўн бир нарса бўлиб қоларди.

Бир муддатдан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) масжиддан чиқиб кетдилар. Туфайл ҳам изларидан йўлга тушди.

Набиййи акрам уйларига етиб келганларида, Туфайл у зотни тўхтатди. Аввал ўзини танитди, сўнгра бундай давом этди:

— Ё Муҳаммад, қавминг сени менга бошқача қилиб танитди. Сеҳржодусига мубтало бўлмагин тағин, деб огоҳлантиришди. Шундай ёмонлашдикй, натижада қулоқла римга пахта тиқиб олишдан ўзга чора топмадим. Бироқ барибир қизиқувчанлигим тутиб, каломингни тинглашга қарор бердим. Мукаммаллигига қойил қолдим. Шунинг учун изингдан эргашиб, шу ергача келдим. Энди менга келтирган динингни тушунтир.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Туфайлни ичкарига таклиф қилдилар. Ислом динининг асосларини тушунтирдилар, Оллоҳнинг каломидан ўқиб бердилар. Туфайл ҳидоят имоми бўлмиш Расулуллоҳнинг сўзларини тинглаганидан сўнг фикрини шу тарзда баён этди:

— Худо ҳаққи, ушбу диндан кўра ҳақ дин, ўқиганингдан кўра устун бир калом бўлмаса керак. Мен сенинг динингга кираман.

Туфайл шу тариқа неча йиллардан бери бутун ўзлигини асоратда сақлаб келган бутпарастлик кишанларини узди, қалбини Оллоҳ ва расулига нисбатан бўлган меҳр-муҳаббатдан бошқасига ўрин қолдирмайдиган тарзда поклади, калимаи шаҳодат келтириб, мусулмон бўлди.

—Ё Расулуллоҳ, мен қавмим орасида баобрў, эътиборли кишиман. Ҳозироқ юртимга қайтиб, уларга Ислом динини тушунтираман. Фақат, сиздан Оллоҳга дуо қилиб туришингизни ва менга қавмимни ишонтиришга қодир бир ояталомат беришини сўрашингизни ўтинаман.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Оллоҳим, унга далил бўлажак бир ояталомат бер, — деб дуо қилдилар.

Туфайл саодат йўлининг улуғ йўлбошчиси билан хайрлашди ва юртига жўнади. Маккада хеч ким, энг яқин мушрик биродарлари ҳам унииг мусулмон бўлганини билмай қолаверишди.

* * *

Надр билан Уқба бир неча кунлик йўл азобидан сўнг Ясриб хурмозорларига етиб келдилар.

Шаҳарда бир муддат сайр қилдилар, ўнгчапни кездилар. Қайнуқоъ, Назир, Қурайза қабилаларининг яҳудийлари билан учрашдилар. Ниҳоят, яҳудийлар орасида билимдонлиги билан танилган энг зукко бирикки кишига дардларини очдилар, мақсадларини тушунтирдилар.

Бу одамлар чиндан ҳам ўқимишли, кўпни кўрган кишилар экан. Улардан бири бундай деди:

— Сизларга учта саволни жавоблари билан баён қиламиз. Бу саволларга пайғамбардан бўлак ҳеч ким тўғри жавоб қила олмайди. Агар бу саволларга тўғри жавоб қилса, ҳеч шубҳаланмангки, у асл пайғамбардир, унинг йўлига киринг ва унга итоат қилинг. Жавоб бермаса, сохта пайғамбарлиги аён бўлади. У ҳолда бунга қарши қандай иш тутиш ўзларингизга ҳавола.

Надр билан Уқба бу учрашув ва суҳбат ораларида сир бўлиб қолишини пltимос қилдилар. «Чунки у шундай чапдаст жодугарки, шивиршивирдан ҳам бир зумда хабар топади», дедилар. Шундан кейин туяларига миндилар, «Қайдасан, Макка?» деб йўлга тушдилар.

* * *

Бу орада Ос ибн Воил Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ўғил фарзандлари йўқлигини улкан бир иллат сифатида оламга ёя бошлаган эди. Бир мажлисда сўз олар экан, шу фикрни ўртага ташлади:

— У абтардир, — деди.

«Абтар» дегани насли давом этмайдиган, зурриётсиз бир киши маъносини билдиради. Қиз фарзандга зиғирча ҳам ахамият бермайдиган, авлод фақат эркак фарзанд воситасида давом этади, дегандек бемаъни ишончга мубтало бўлганлар учун бу воқелик катта бир қусур ҳисобланиши табиий эди, Аммо ўзидан кейин инсонлар орасида раҳмат билан эслашга арзигулик ҳеч нарса қолдирмаган, ўлганидан кейин ҳам лаънатланадиган бадбахтлар ўзи асл абтарлар эмасмикан?

Оллоҳ пайғамбар қилиб жўнатган шарафли бир инсонга тап тортмай лой чаплаш ғирт абтарлик эмасми?..

Бу фикр мушрикларга жуда хуш ёкди. Қаерда мусулмонларни кўриб қолсалар, «Пайғамбарингиз абтардир», дея шилқимлик қиладиган бўлдилар. Мўминларнинг қалблари

қаттиқ озорланди.

— Нега энди? Гулғунчадек қизлари бор, ўшалар билан давом этади насллари. Қолаверса, у збт хотираларда мангу яшайдилар, — деб жавоб берардилар.

Тез орада Жаброили Амин Расулуллоҳга (с.а.в.) Роббул Оламийндан салом келтирди. Ғамқайғуга берилмасликни, ғамгин бўлишга бошқалар лойиқ эканини ёдларига солди.

«Албатта, Биз сизга Кавсарни ато этдик. Бас, Сиз Парвардигорингиз учун намоз ўқинг ва (жонлиқ) сўйиб қурбонлик килинг! Албатта, сизни ёмон кўргувчи кимсанинг думи қирқилгандир (яъни, беному нишон йўқ бўлибкетггувчидир)!» (Ал-Кавсар сураси.)

Мўминлар бу сураии ўқиганларида мушриклар ўзларини қўярга жой топодмай қолдилар. «Яхшиямки бу фикр мендан чиқмабди», тарзидаги ўй-хаёллар билан овунишга уриндилар. Нима бўлса ҳам, кўп йиллик тажрибалари бор: айтган гаплари ҳар доим айни тарзда рўй беришига шу қадар одатланишган эдики...

Бироқ «абтар» лақабини ўртага ташлаган кимса бор. Бир мажлисда ушбу оятлар тўғрисида баҳс очилдию:

— Муҳаммад ҳам сени абтарликда айблади, — дейилди.

Ос ибн Воид сир бой бермаган киши бўлиб, елкаларини қисиб қўяқолди. Аммо нақ нишонга отилган ўқ каби, қалбига муҳрланган бу сўзларнинг таъсиридан қутулиш осон эмасди. Буниси хамир учидан патир эди, холос. Дунёда абтарлик сари ташланган илк одим эди унинг учун. Асрлар ўтиб ҳам у кишилар томонидан лаънатланажак, ниҳоят, буюк Ҳисоб Кунида илоҳий даргоҳга туртинасуртина, юзига чапланган шу тамға билан боражак.

* * *

Туфайл манзилига яқинлашиб келганида, бирдан сесканиб кетди. Олди бирдан ярақлаб кетди. Аввалига юз берган ҳодисани ҳеч тушуна олмади, сўнгра бу нарса пешонасида ярқириб турган бир нур эканини пайқади. Султони Анбиё ҳазратларини эслади.

— Оллоҳим, қавмим мени бу ҳолатда кўрса, балки ёқтирмас, уни бошқа бир жойимга муҳрла, — дея илтижо қилди.

Бу дафъа ёғду қўлидаги ҳассасига тушди. Олдини бемалол кўриб турар, ҳассани қайси томонга ўгирса, ўша томон ёришиб кетар эди.

Туфайл шу зайлда қабиласига кириб борди. У келар экан, йўл давомида унга ҳамроҳ бўлиб келаётган зиёни қабила аҳли ҳам кўрди.

Туфайл ўша кеча отаси билан хотинига Ислом дини ҳақида сўзлаб берди. Иккаласи ҳам ҳеч тараддудланмай имон келтирдилар.

Шундан кейин Туфайл қавмини даъват этишга чиқди, аммо ҳеч бир натижага эришолмади. Ҳақ ва энг тўғри дин шу диндир, бутлар сизларни ҳеч қандай азобдан қутқара олмайди, деса ҳам, унга қулоқ солгувчилар бўлмади. Жаҳли чиққан Туфайл қавмининг устидан шикоят қилиш учун яна Маккага йўл олди.

Ясрибга кетган Уқба билан Надр Маккага қайтдилар.

Абу Жаҳл, Утба, Валид сингари учтўрт киши йиғилган мажлисда бор гапни сўзлаб бердилар. Яҳудийлар ўргатган саволларни қайтардилар. Шундан кейин Расулуллоҳга (с.а.в.) хабар жўнатишди. Набиййи акрам (с.а.в.) келганларида:

— Сендан баъзи нарсаларни сўрамоқчимиз, — дейишди.

— Марҳамат, эй Надр, сўрайвер, — деган жавоб бўлди.

— Бизга ғордан паноҳ топган йигитларнинг ажойиб ҳоллари ҳақида сўзлаб бер. Шарқдан Ғарбгача дунёни кезиб саёҳат қилган улуғ ҳукмдор ҳақида хабар бер ва руҳнинг моҳиятини тушунтир.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Сизларга бу нарсалар ҳақида эртага маълумот бераман, — дедилар ва у ердан чиқиб кетдилар.

Жаброили Амин ушбу саволларнинг жавобларини албатта келтиради, деб умид қилардилар. Аммо оқшом тушди ҳамки, Жаброил келмади. Иккинчи, учинчи кун ҳам Жаброилни кутиш билан ўтди.

Мушриклар севинчдан териларига сиғмас эдилар. Эртага деган эди, аммо, мана, бир ҳафтадирки, ҳануз жавоб бера олмаяпти, деб маломат қила бошладилар.

—Ҳа, нима бўлди «пайғамбаримиз»га?..

—Ҳали ҳам жавобларини тартибга солиш билан бандмилар?..

—Энди ёлғонлар ниҳоясига етди. Бу сафар енгилдингиз.

Мўминлар бу истеҳзою киноялар тўла мазахларга жавобан:

— У бир пайғамбардир. Оллоҳ нима деса, шуни қилади, — дейиш билан кифояланардилар. Аммо одобахлоқ ва тарбиянинг кўчасидан ўтмаган, қўпол, шартаки мушриклар гап уқмас эдилар.

— Энди Муҳаммаднинг ҳийланайранглари ўтмайди, —деб завқланардилар.

Надр ибн Ҳорис билан Уқба ибн Абу Муойт чинакам қаҳрамонларга айланишди. Улар олис сафарлардан яхши бир натижа билан қайтишган, музаффар зарбани мўлжалига уришган эди гўё. Айниқса, Надр ибн Ҳорис кўкрак кериб, мағрурланиб юраркан:

— Келинглар, сизларга Муҳаммаднинг найрангларидан ҳам зўрроқлари ҳақида ҳикоя қилиб бераман, —дер, атрофига йиғилганларга сафарлари чоғида эшитган эртакларини сўзлаб берар эди.

Ниҳоят ўн беш йил сингари узоқ ўтган ўн беш кундан сўнг хушхабар келди.

Жаброили амин Расули аминга Оллоҳ таолонинг ваҳийини етказди.

— Нега бизни бунчалик интизор қилиб қўйдинг, ё Жаброил?

Жаброил бу саволга ўзи жавоб қилмади. Чунки Жаноби Ҳақ бу саволга ҳам Қуръоннинг бир ояти билан жавоб берган эди:

«Биз ёлғиз парвардигорингизнинг амрифармони билангина нозил бўлурмиз. Олдимиздаги охират ҳам, ортимиздаги дунё ҳам, дунё ва охират ўртасидаги барча ишамаллар ҳам ёлғиз Унингдир. Парвардигорингиз унутгувчи эмасдир» (Марям, 64.)

АСҲОБИ КАҲФ

«Каҳф (ғор) саҳобалари» деб аталувчи довюрак йигитлар ўз даврларида бутга сиғинишни рад этиб, бу йўлда бутпарст бир подшоҳга қарши фидойиларча бош кўтарганлар. Улар еттисаккиз нафар бўлиб, ўзларига етказилган зулмларга қарамай, имонларида мустаҳкам қолган эдилар. Бир иложини топиб, золим подшоҳнинг зиндонидан қочишга муваффақ бўлдилар. Охирида бир ғорга етиб келдилар. Таъқибдан қутулишларига ва жонларини сақлаб қолишларига боис бўлган бу ғор ичида Жаноби Ҳаққа ёлвордилар: «Эй Раббимиз, бизга ўз томонингдан бир раҳмат эҳсон қил, оғиримизни енгил этиб, ишларимизни ўнгидан келтир», деб дуо ўқидилар. Жуда ҳам ҳолдан тойган эдилар, бир зумда ғорнинг бир деворига суяниб, уйқуга кетдилар. Ортдан қолмай етиб келган кучуклари ҳам ғорнинг оғзига чўзилиб, оёқларини узатди.

Қаттиқ уйқуга толдилар. Кунлар, ҳафталар... ойлар... йиллар... Кетмакет асрлар ўтди. Қуёш нурлари эрталаб ғорнинг бир томонига, пешиндан кейин нариги томонига тушар, ухлаётганлар баъзан чапга, баъзан ўнгга ўгирилиб ётар эдилар. Юзларидан ҳеч ким уларни узоқ замонлардан бери ухлаб ётибди демасди. Асрлар бўйи давом этган бу уйқу уларнинг ташқи қиёфаларини заррача ўзгартирмади. На сочсоқоллари ўсди, на вужудларида бир чириш, айниш ҳодисаси рўй берди. Ҳатто тирноқлари ҳам ўсмади.

Орадан уч юз йил ўтди. Йигитлар уйғондилар. Уйқуга тўйган, тоза мириқиб дамларини олган эдилар.

— Биродарлар, роса ухлабмиза? Назаримда, бир неча кун ухлагандайман.

— Йўғэ, атиги бир кечаю бир кундуз ухлаган бўлсак керак.

Баъзилари бу фикрга ҳам қўшилмади.

— Менимча, ундан ҳам камроқ ухладик.

— Қанча ухлаганимиз ёлғиз Оллоҳга аён. Дарҳақиқат, Оллоҳдан ўзга ҳеч ким улар қанча вақт ухлаганларини билмас эди. Била олмас ҳам эди. Уларга аён ва аниқ бўлган нарса мириқиб ухлаганларию энди роса очиққанлари эди.

— Биттамиз бориб нон ва озиқовқат олиб келайлик, — дейишди.

Борадиган киши ҳеч ким билан ортиқча гаплашмайди, ниҳоятда нозик муомала қилади, пинҳона борибпинҳона келади, дея маслаҳат қилинди. Ва ораларидан биттаси йўлга тушди. Шаҳарни айланди, ёнатрофни кузатди. Ғалати бир ўзгариш юз бергандек. Икки кеча олдинги шаҳарга сира ҳам ўхшамасди. Бундан ташқари, шаҳар аҳли ҳам бутунлай бегона, биронта таниш киши учрамади. Аммо бу нарсаларга у ортиқча қизиқмаслиги, булар билан машғул бўлмаслиги керак эди. Подшоҳнинг одамлари кўриб қолса борми, оқибати яхши бўлмасди.

Нон сотиб олиш учун бир нонвойхонага кирди. Қўл узатиб, нон беришини сўради. Бироқ сотувчи нон бериш ўрнига тикилиб қолди.

— Қаердан олдинг бу пулни? — деб сўради қизиқсиниб.

— Қаердан олардим, ўзимнинг пулим.

—Аммо, ўғлим, бу пуллар неча юз йиллардан бери ишлатилмайдику? Бу бир неча юз йил олдин яшаган аждодларимизнинг пули. Ҳатто бобом ҳам бу пулни ишлатган эмас.

— Отажон, мени мазах қилманг.

—Мазах қилаётганим йўқ, болам. Бироқ бу пул бугун бу шаҳарда ўтмайди.

—Жуда ғаройибку? Ахир, биз куни кеча ҳам шу пулларни ишлатиб юрувдик.

Гапсўз кўпайиши мумкин эди. Пулини қайтариб олдида, бошқа нонвойхонага борди. У ерда ҳам айни шу муомалани кўрди. Лекин масала шу билан ҳал бўлмади. Бир зумда одамлар тўпланиб, унинг атрофини ўраб олдилар, тушунарсиз саволлар бера бошладилар:

— Мана, бизнинг пулимиз! — деб кўрсатдилар чиндан ҳам улар бошқача пул эди.

Ниҳоят, улардан бири:

— Бу пул уч юз йил олдин яшаб ўтган Дақйонус исмли бир подшоҳнинг даврида муомалада бўлган, —деб қолди.

Йигит қулоқларига ишонмас, унинг кўз ўнгида бир-биридан ғаройиб ҳодисалар устмауст қатланар эди.

«Кимсиз? Қаердан кеддингиз, қайси подшоҳнинг ўлкасидансиз? Касбингиз нима?» каби саволлар қалашиб кетди. Энг яхшиси — тезроқ шаҳардан чиқиб кетиш эди. Улардан қутулиб, ғорга томон йўл олди. Изидан шаҳарликлар таъқиб қилиб кела бошладилар. Йигит улардан бурунроқ дўстларининг қошига етиб борди. Ғаройиб ҳодисаларни ҳикоя қилиб берди.

Орқадан таъқиб қилиб келган кишилар ўша ғорни топганларида, ичкарида еттисаккиз нафар чўзилиб ётган жасадни топдилар. Текшириб кўрдилар: ҳаммасининг ўлгани аниқ эди. Бу ғарибларнинг кимлар эканини аниқлай олмадилар. Шу боис «Асҳоби Каҳф» — «Ғор дўстлари» деб ном бердилар.

Кейинроқ устларига қабр ясадилар.

* * *

Туширилган оятларда мана шу инсонлар ҳақида баҳс юритилган эди. «Улар Раббиларига имон келтирган йигитлар эди. Биз ҳам уларнинг ҳидоятини орттирдик, имонларига қувват бердик», дейилар эди. «Бизшшг Раббимиз коинот ва ернинг Раббидир», деганлари зикр қилинарди. Ва нихоят, уларнинг ғорда уйғоқ кишилардек ухлаганлари, даҳшатли бир манзара ҳосил қилганлари ҳикоя этилар ва Расулуллоҳга (с.а.в.) бундай хитоб қилинарди: «Агар уларни бир кўрсангиз, орқага қарамай қочардингиз ва ичингиз қўрқувга тўлар эди».

Неча киши эканлари ва ғорда қанча вақт ухлаб қолганлари ҳақида Оллоҳдан ўзга ҳеч ким

аниқ билмаслиги таъкидланган оятлардан кейин Расулуллоҳга (с.а.в.) бундай амр берилган эди:

«Ва бирон нарса ҳақида: «Мен албатта эртага қилгувчиман», дея кўрманг, магар, «Иншаоллоҳ» — Оллоҳ хоҳласа, денг. Бу сўзни айтишни унутиб қолдирган вақтингизда (ёдингизга тушиши билан) Парвардигорингизни зикр қилинг (яъни, «иншаоллоҳ» денг) ва: «Шояд Парвардигорим мени бундан ҳам яқинроқ, тўғри йўлга ҳидоят қилса, денг!» (Қаҳф, 23-24)

Мушриклар томонидан берилган саволларга «эртага сизларга жавобини айтаман», деб, аммо «иншаоллоҳ» дейилмагани оқибатида кутилган ваҳий анча вақт келмай қолганлиги шу тариқа аёнлашди. Бу воқеа Расулуллоҳ бошлиқ барча мўминларнинг кўнгилларига унутилмас бир панд ва ёднома бўлиб муҳрланди.

Каҳф сурасида Зулқарнайн исмли ҳукмдор ҳақида ҳам маълумот берилди.

Руҳга алоқадор савол биргина оят билан жавобини топди:

«Сиздан руҳжон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир». Сизларга жуда оз илм берилгандир» (Ал-Исро, 35.)

Набиййи акмал (с.а.в.) бу оятни Исро сурасига қайд этишни буюрдилар. Ушбу оятлар мушрикларга ўқиб берилди. Буюк Пайғамбар оғизларидан чиқаётган сўзларни ҳайронлол бўлиб тингладилар.

— Бизга, эртага жавоб бераман, деган эдинг, аммо ваъдангнинг устидан чиқмадинг, энди бу жавобларинг ҳисоб эмас, — дедилар.

Ҳолбуки, Ясрибда олинган маълумотга кўра, агар ушбу саволлардан бирига қисқа, иккитасига узун-узун жавоб қилса, билингки, у пайғамбардир, дейилмаганмиди? Яҳудийлар маълум қилганларидек ва ҳатто ундан ҳам мукаммалроқ жавоблар эди булар.

Аммо мақсад узум ейиш эмас, боғбонни калтаклаш бўлгач, у маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келишкелмаслиги муҳим эмас эди. Жавоб вақтида берилганида қабул қилардик, энди ҳисобга ўтмайди, дейиш ғирт бемаънилик эмасми?!.

Жаброили амин ушбу масала билан боғлиқ қуйидаги оятни келтирди:

«Айтинг: «(Эй мушриклар,) хабар берингизчи, агар (ушбу Қуръон) Оллоҳнинг ҳузуридан бўлсаю, сизлар унга кофир бўлсангизлар ва бани Исроилдан бўлган бир гувоҳ ҳам у (Қуръон)нинг ўхшаши (ёлғиз Оллоҳ томонидангина нозил бўлиши)га гувоҳлик бериб, имон келтирсаю, сизлар (унга имон келтиришдан) кибрҳаво қилсангизлар (яъни, сизлар энг золим одамлар бўлиб қолмайсизларми?!) Албатта, Оллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас»(Ахкоф, 10)

ҲАЗРАТИ МУСО ВА ХИЗР

Қаҳф сурасида ҳикоя қилинган Мусо ва Хизр алайҳиссалом қиссасини Пайғамбар жаноблари бундай баён қилдилар:

«Бир куни Мусо (а.с.) Исроил ўғилларига хитоб қилиш учун ўрнидан турди ва гўзал бир нутқ сўзлади. Шунда ундан:

— Инсонлар ичида энг билимдони кимдир? — деб сўрашди.

— Менман, — деб жавоб килди.

Ҳазрати Мусо бу саволга «Оллоҳ билади, Оллоҳ кимга энг кўп билим берса, ўшадир», деган шаклда жавоб қилмагани учун Жаноби Ҳақ уни огоҳлантирди:

— Эй Мусо, менинг сендан кўра билимлироқ қулим бордир.

— Кимдир у, эй Парвардигор?

— Икки денгиз туташган жойда сенга рўбарў бўладиган одамдир, у қулим сендан кўра билимлироқдир.

— Эй Парвардигорим, сенинг ўша қулинг билан кўришсам, дейман. Уни қаердан топсам бўлади?

Саватга тузланхан бир балиқни солиб йўлга туш. Балиқ қаерда тирилса, қулимни шу ердан топасан.

Хазрати Мусо хизматини қилиб юрадиган бир ўспирин билан йўлга тушди. Балиқнинг жонланганини кўрди дегунча хабар беришни қайтақайта тайинлади.

Бирмунча юргач, денгиз соҳилига етиб келишди. Кун бўйи юрганлари учун роса чарчашган эди. Бир қоянинг тагига ўтириб ҳордиқ чиқара бошлашди. Ўспирин йигит овқат тайёрлаш билан бандлик пайтида саватда ётган балиқ бирдан жонланиб, ўзини денгизга отди. Бу ҳодиса ниҳоятда тез содир бўлди. Сафар ниҳоясига етган, қидирилаётган одам шу якинатрофда 0ўлиши керак эди.

Аммо ўспирин Ҳазрати Мусога бу хабарни егказишни унутди. Такрор сафар бошланди. Тўхтовсиз давом этган йўл яна уларни чарчатди, очиқтирди.

— Олиб кел овқатни, қорнимизни тўйдирайлик, — деди Ҳазрати Мусо.

Ўспирин бирданига бояги воқеани эслади:

— Ие, эсимдан чиқибди-ку?! Ҳали қоянинг тагига дам олиш учун ўтирганимиздa балиқ жонланиб, ўзини денгизга отган эди. Буни сизга айтмоқчи бўлиб турувдим, негадир унутибман. Бу хаёлпаришонликка ёлғиз шайтон сабабчи.

Ҳазрати Мусо ҳаяжонланиб кетди.

— Биз кутган дам айни ўша дақиқа эди. Хозироқ қайтамиз.

Бояги қоянинг тагига қайтдилар. Манзилга етиб келганларида, уларни кутиб турган бир одамга рўбарў бўлдилар.

— Оллоҳ сенга берган билимларидан ҳеч бўлмаса бир қисмини ўрганиш учун ёнингда юрсам, нима дейсан?

Одам бундай жавоб берди:

— Сен мен билан дўст бўлишга тоқат қилолмайсан Асл моҳиятини билмаган масалаларнинг ечимига бардош беролмайсан. Эй Мусо, сен Оллоҳнинг маълум қилган бир қатор билимларидан бохабарсан, мен уларни билмайман. Ўз навбатида, мен ҳам Оллоҳ билдирган баъзи билимларга эгаман, сен улардан бехабарсан. Шунинг учун сен мен билан биродарлик қилишга дош беролмайсан.

Ҳазрати Мусо илтимос қилди:

— Иншаоллоҳ, менинг сабртоқатли бир ҳамроҳ эканлигимга амин бўласан. Ҳеч бир ишингга аралашмайман эътироз билдирмайман.

Жуда соз, агар менга ҳамроҳ бўлишни шунчалик истасанг, мен ўзим изоҳлаб, тушунтириб бермагунимча, ишнинг ҳикматини сўзлаб бермагунимча, ҳеч нарса тўғрисида сўрама.

Бу таклиф жону дил билан қабул қилинди. Биргаликда йўлга тушдилар. Бир кемага ўтирдилар. Улардан кира ҳақи олишмади.

Денгизнинг ўртасига борганларида, исми Хизр бўлган ҳалиги одам қўлига тушган бир болтани олиб, бор кучи билан кемани чопа бошлади. Бу воқелик шунчаки бир ҳазил эмас, ўта жиддий эди. Уни ақлдан озган деб ҳам бўлмасди. Бундай бемаъни хаттиҳаракатни кўриб индамаслик мушкул эди.

— Сен кемадагиларни чўктирмоқчимисан, нима бало? Бу жуда хавфхатарли иш, ахир!

Хизр унга маъноли бир қараш қилди:

— Мен билан бирга бўлишга тоқат қилолмайсан, демаганмидим?

Ҳазрати Мусо дарҳол аҳдини эслади.

— Унутганим учун мени маъзур тутасан, дўстим. Илтимос, мени айблама. Дўстлигимизга путур етмасин.

Хизр ҳеч нарса демади. Йўлда давом этдилар. Шу орада кеманинг бир чеккасига қалдирғоч келиб қўнди. Денгизга тумшуғини тиқиб чиқарди. Хизр қушни кўрсатиб, деди:

—Эй Мусо, анави қушни кўряпсанми?

—Ҳа.

— У қуш тумшуғини денгизга тиқиб чиқарганида, денгиз суви қанча камайса, сен билан менинг илмим ҳам Оллоҳнинг илмидан шундай нисбатнигина ташкил этади.

Эҳтимол Ҳазрати Мусога буюрилган бу сафарнинг энг оғирнозик нуқтаси ҳам ушбу сўзлар ва ҳодиса бўлса ажаб эмас.

Денгиз сафари тугади. Энди қуруқликда кета бошладилар. Ҳеч қанча вақт ўтмай, ўйнаб юрган болаларга дуч келдилар. Хизр болалардан бирини тутиб олди ва ҳеч нарсаданҳеч нарса йўқ ўлдириб юборди. Ҳазрати Мусо даҳшатдан ўзини йўқотиб, лолҳайрон бўлиб қолди. Бундай воқеани кўрабилатуриб ҳам индамай туролмас эди.

— Бегуноҳ бир норасидани нобуд қилдингми, а?.. Худо ҳаққи, мисли кўрилмаган бир жиноят қилдингсен!.. — деди тутоқиб.

Хизр унга ўгирилди:

— Менга ҳамроҳ бўлишга бардош беролмайсан, демаганмидим?

Ҳазрати Мусо яна узр сўради.

—Агар бундан кейин яна сенинг ишингга аралашсам, ортиқ мен билан дўст бўлиш-бўлмаслик сенинг ихтиёрингда, — деди.

Яна йўл юриб кетдилар. Узоқ ва азобли йўлчиликдан сўнг қаттиқ чарчаб, очикдилар. Етиб борган қишлоқларининг халқидан нон сўрадилар. Аммо ҳеч ким уларни меҳмон қилишни хоҳламади. Йиқилай деб турган бир деворнинг ёнидан ўтиб бораётган эдилар. Хизр қўлини теккизган эди, девор асл ҳолига қайтди. Очлик ҳолдан тойдирган Мусо яна бетоқатлик қилди.

— Истасанг, мана шу хайрли ишинг учун пул олардинг. Ҳеч бўлмаса, қорнимизни тўйғазар эдик, — деди.

Хизр Ҳазрати Мусога ўтирилди:

— Энди ажралишмасак бўлмас экан, эй Мусо!.. Йўлда бир неча ҳодиса кўрдинг, аммо сабр қилмай, қаршилик билдирдинг. Майли, ажралишимиздан олдин сенга ўша ҳодисаларнинг асл моҳияти ва сабабини тушунтириб берай, — деди. Сўнг бошлади: — У кема денгизчилик қилиб кун кўрадиган камбағал йўқсилларники эди. Орқаларида эса, ҳар бир яхши кемани забт этиб ўзлаштириб оладиган бир ҳоким бор эди. Истадимки, кеманинг бирон жойини ишдан чиқарайинда, подшоҳ уни ололмасин. Гўдакни нобуд қилганимга келсак, унинг отаонаси имонли кишилар эди. Шунинг учун уларни ўзларидан чиққан бир кофир сиртмоғига олмасин деган ташвиш билан болани ўлдирдим. Истадимки, Раббим унинг ўрнига покиза бир фарзанд берсин. Девор масаласида эса, у ўша шаҳарда яшовчи икки етимга қарашли эди. Тагига шу етим болаларга аталган бир хазина кўмилган эди. Оталари яхши инсон ўтган. Раббим тиладики, болаларнинг иккаласи ўсибулғайсин, балоғат ёшига етиб, хазиналарини кавлаб олсин. Бу ҳам Раббимдан келган бир марҳамат эди. Мен бу ишларни ўз бошимча қилмадим. Мана, сен тушуниб олишга ҳовлиқмалик қилган ҳодисаларнинг асл моҳияти ва асоси».

Каҳф сурасида ҳикоя қилинган диққатга сазовор ушбу қисса билан Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ўша кунлардаги аҳволлари орасида қандайдир ўхшашлик бор эди. Чунончи:

Расулуллоҳдан (с.а.в.) уч саволнинг жавоби талаб қилинганида, «Иншаоллоҳ, жавобини эртага бераман», демадилар ва шу йўсинда курайшликлар олдида ноқулай аҳволга тушиб қолдилар. Ўн беш кун давом этган машаққатли кутишлардан сўнг келган ваҳий бундан буён ҳеч бир ишни «иншаоллоҳ» демасдан қилмаслик тўғрисида огоҳлантирди.

Ҳазрати Мусо ҳам деярли шундай аҳволга тушган эди. У ҳам Оллоҳга ҳавола этмасдан, «Инсонларнинг энг билимдони менман», деган, натижада узоқ ва ҳаяжонли бир сафарга чиқишига тўғри келган ва Хизр воситаси ила унинг билим доираси қушнинг тумшуғига сиққан сувча экани қиёс қилиниб ибрат берилган эди...

* * *

Давс қабиласидан шикоят учун келган Туфайл Расули акрамга (с.а.в.) отаси ва хотини мусулмон бўлганлари ҳақида хушхабар ҳам келтирди. Бироқ қавмининг бу хусусда бепарволик қилганини, бундан юраги сиқилганини айтди.

— Ё Расулуллоҳ, Давс қабиласи маишатга берилди, тўғри гапни уқмайдиган бўлиб қолибди, уларни дуойибад қилинг.

Сарвари Олам (с.а.в.):

— Оллоҳим, Давс қабиласига ҳидоят йўлини кўрсат. Уларга ўзинг марҳамат қил, — дея ёлвордилар. Сўнгра Туфайлга ўгирилиб: — Қани, энди қавмингнинг ҳузурига бор. Уларни Ҳақ йўлига даъват қилишни давом эттир. Назокатли бўл, ширинсуханлик билан дин асосла рини тушунтир, — дедилар.

Туфайл хайрлашиб чиқиб кетди.

Бу сафар даъват усули ўзгарди. Худди буйруқ бераётгандай баланддан келган аввалги Туфайл энди ширинсухан, назокатли Туфайлга айланган эди. Ислом дини тез орада Давс қабиласининг орасида ҳам тарқалди.

Халқ оддий тошларга қул бўлиш жаҳолатидан қутулишнинг лаззатини тота бошлади.

Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) олти саҳобалари — Саъд ибн Абу Ваққос, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Билол ва номи ривоят этилмаган яна уч киши билан суҳбатлашиб ўтирган эдилар. Бир одам келди.

—Қурайшнинг йўлбошчилари сен билан учрашишга келмоқчилар, — деди.

—Марҳамат, келаверишсин, суҳбатлашамиз, — дедилар Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.).

— Бироқ... элчилик қилаётган одамнинг кўзлари даврада ўтирганларга тикилиб қолди, — булар ёнингда бўлмасин. Улар биз билан бир жойда ўтиришидан ор қиламиз. Агар уларни қувиб юборсанг, сенинг йўлингга киришимиз ҳам мумкин.

Чиндан ҳам мусулмон бўлмоқчи эдиларми? Ёки бу ҳам Жаноби пайғамбаримизга тайёрланган навбатдаги тузоқми?

Шунча йилдан бери имонлари боис ақл олмас ҳар қандай зулм ва исканжага ўзини тутиб берган инсонларга: «Қани, кетинглар бу ердан, ҳозир улуғ зотлар ташриф буюришади», десалар, тўғри бўладими?

Жаноби пайғамбаримиз (с.а.в.) элчига: «Йўқ, уларни қувмайман!» демадилар. Дейишга улгурмадилар ҳам. Бирмунча сукут сақлаб турган ҳолларида навбатдаги ваҳий келди ва донадона қилиб ўқий бошладилар:

«Бу (Қуръон) билан ўзлари учун Оллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир оқловчи бўлмаган ҳолда Парвардигорлари даргоҳида тўпланишдан қўрқадиган зотларни қўрқитинг! Шояд улар (гуноҳ ишлардан) парҳез қилсалар. Эртаю кеч Парвардигорининг юзини истаб Унга илтижо қиладиган зотларни (ҳузурингиздан) ҳайдаманг! Сизнинг зиммангизда уларнинг ҳисоб-китобларидан ҳеч нарса йўқдир ва сизнинг ҳисоб-китобингиздан уларнинг зиммаларида ҳеч нарса йўқдир. Бас, уларни ҳайдаб золимлардан бўлиб қолманг!» (Анъом, 51-52)

Жавоб мушрикларга етиб борганида, улар қаҳқаҳа отиб кулишди:

— Орамизда Оллоҳнинг икромига сазовор бўлганлар шуларми?.. Бу қанақаси? Абу Жаҳл каби, Валид каби, Утба каби бир ишора қилса бутун бир қабилани оёққа турғизадиган кишилар бир чеккада қоладида, Абдуллоҳ ибн Масъуд сингари чўпонлар, Билол каби ейиш га нон топа олмайдиган озод қуллар, Аммор каби кийишга кийими йўқ фақирлар Оллоҳнинг икромига муносиб бўладими?!

Энди ушбу мавзу киноя айланди. Қаерда камбағал бир мўминни кўришса, мазах қила бошлашди.

— Эй орамиздан Оллоҳнинг икроми учун танилган улуғ зот, эй шарафли киши! Илтимос, бизни шарафингга шерик қилгин!.. деб бақиришар, қаҳқаҳа кўтаришар эди.

Бу истеҳзолар мўминларни йўлдан оздиролмади. Оллоҳ таолонинг ўзи уларга атаб оятлар

туширган ва мартабаларини кўтарган экан, бу шарафни мушриклар қайтариб ололмаслар ҳам. Кўп ўтмай Набиййи акрам (с.а.в.) саҳобаларига қуйидаги оятларни ўқидилар:

«Бизларнинг орамиздан ана ўшаларга Оллоҳ инъом қилган эмишми?» дейишлари учун уларнинг баъзиларини бошқалари билан ана шундай имтиҳон қилдик. Ахир, шукр қилгувчиларни Оллоҳ яхшироқ билгувчи эмасми?! Қачон сизнинг олдингизга Бизнинг оятларимизга имон келтирадиган зотлар келсалар: «Сизларга тинчлик бўлсин, Парвардигорингиз Ўз зиммасига раҳмат қилишни ёзгандир. Сизлардан ким билмасдан бирон ёмонлик қилса, сўнгра ўша ёмонлигининг кетидан тавба қилиб, (ўзини) тузатса, бас, (гуноҳи кечирилади), адбатта, (Оллоҳ) мағфиратли, меҳрибондир», (Анъом, 53-54) деб айтинг.

Қилдан қийиқ ахтарадиган мушриклар ҳамой ушбу мавзуни муҳокама қилардилар. Улардин бири:

— Бу масала энди жуда меъёридан чиқиб кетди. Агар дуруст ва ҳақ дин бўлганида, бу ялангоёқлардан олдин биз уни тақдирлар, қабул этар эдик. Модомики бу динни биздан олдин улар қабул этган эканлар, шунинг ўзи бу йўлнинг ботил эканидан далолатдир. Ҳақ билан ноҳақни ажратиш келибкелиб шуларга қолдими?

Бу фикр шу ерда ўтирганларга энг оқилона ва мантиқий бир фикр бўлиб туюлди. Аммо бир жиҳат унутилди ёки атай эътибор берилмадики, бу жиҳат ақл билан бойлик орасидаги муносабат эди. Яъни, бой одам ақлли бўлади, демоқчи эдилар. Бой ва аслзодалардан бемаслаҳат ўз бошича иш тутган билоллар ва ҳаббобларнинг қўлидан келадигани фақат хато қилишдир.

Ташвиқот шу тахлит бошланди.

Мусулмонларни диндан қайтариш мумкин бўлмай қолган эсада, ҳалиҳозирча атрофларидагиларни бу «офатдан қутқаришнинг имкони бор эди». Ўлганнику тирилтириб бўлмайди, аммо ҳали жони омонларни сақлаб қолиш, уларнинг аҳмоқона бир қарорга келишининг олдини олиш лозим», деган фикрда эдилар. Хўш, улар бу ташвиқотларида қай даражада самимий эдилар? Бу фикрга чиндан ҳам ишонармидилар ёки, аксинча, мусулмонларни камситиш, Ислом динини ботил бир дин қилиб кўрсатиш мақсадида тутилган йўлмиди бу?

Аслида, уларни бу йўлни тутишга мажбур этган нарса ғурур, кибру хаво эди. Шу кунгача айтгани айтган, дегани деган бўлиб келди уларнинг, энди бу мавқедан тушиб қолиш, Билол билан, Аммор билан, Ҳаббоб билан бир қаторда туриш қўрқуви тинчларини ўғирлаган эди...

Бу ёқда эса, Жаброили амин Жаноби Ҳақнинг галдаги ваҳийини етказди:

«Кофир кимсалар имон келтирган зотлар ҳақида: «Агар (бу Қуръон) яхши бўлганида (анави ялангоёқлар) унга бизлардан илгари бормаган бўлар эдилар», дедилар. Улар ўзлари у (Қуръон) билан ҳидоят топишмагач, «Бу эски уйдирмадир!» дедилар» (Имом Термизий, 5/451 Аҳқоф, 11.)

* * *

Бир куни мушриклар ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломга яна бир таклиф билан мурожаат қилишди:

— Сен орамизда ҳеч ким билмайдиган бир динни келтирдинг, даставвал бизга Раббингни танит, — дейишди.

Набиййи акрам (с.а.в.) уларга Ихлос сурасини ўқиб бердилар:

— «Айтинг (Эй Муҳаммад): «У Оллоҳ бирдир. Оллоҳ (барча ҳожатлар билан) кўзланувчидир (яъни, барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). У туғмаган ва туғилмагандир. Ва ҳеч ким у зотга тенг эмасдир» (Ихлос сураси 48)

Қисқа^ аммо ўзига хос, теран ва ихчам бир таъриф эди бу. Ўша замоннинг инсонлари учун кифоя қиладиган маълумотни берадиган, нечанеча, асрлардан кейин ҳам олиму уламоларни ҳайратда қолдирадиган бир таъриф!

Аммо бутларга қул бўлганларнинг зеҳни буни ҳеч қачон қамраб ололмас, англамас эди.

— Шунақа ҳам тангри бўладими? — дейишарди. Шундай дейишди ҳам.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— «Эй инсонлар, бир масал айтилганда, бас, уига қулоқ тутингиз! Аниқки, сизлар Оллоҳни қўйиб илтижо қилаётган бутлар агар барчалари бирлашганларида ҳам, бир чивин ярата олмаслар, агар чивин улардан бирон нарсани тортиб олса, уни (ўша чивиндан ҳам) қутқариб олабилмаслар. (Демак, ўша бутлардан ҳожатини раво қилишни) сўрагувчи (мушрик) ҳам, сўралгувчи (бутлар) ҳам ночорнотавондир » (Ҳаж, 73.)

Ҳақиқатнинг ушбу тарзда ифода этилиши уларни ғазаблантирди. Аммо ғазабланиш лозим эдими?

«Йўқ, бу ғирт ёлғон. Асл ҳақиқат мана бундай бўлади...» дейишлари, қаерда хато қилинаётир, қаерда янглиш баён этилаётир, бирмабир кўрсатишлари керак эди. Ҳолбуки:

— Энг яхшиси, бир йил ҳаммамиз биргаликда бутларга ибодат қилайлик, бир йил эса, сенинг Раббингга сиғинайлик. Қайси бирига сажда қилиш тўғри эканини вақт кўрсатади, — дейишди.

Бу бемаъни таклифни Пайғамбар (с.а.в.) қабул этишлари мумкин эмасди. Шундай қилсалар, вазифаларига хиёнат қилган бўлардилар.

«Айтинг: «Мен Оллоҳдан ўзга — сизлар илтижо қилаётган бутларга бандалик қилишдан қайтарилганман». Айтинг: «Сизларнинг ҳавойи нафсларингизга эргашмайман. Зеро, у ҳолда йўлдан озурман ва ҳидоят топгувчилардан бўлмай қолурман». (Анъом, 56.)

Пайғамбар бўлмасларидан олдин ҳам нафратланган бутларга пайғамбар бўлганларидан кейин қанақасига сажда қиладилар? У зотнинг вазифалари бутларнинг оддий бир тош эканини инсонларга уқтириш эмасмиди?

Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳақ таолодан келган ва, хусусан, мушрикларга ҳам ўқиб берилиши амр этилган ушбу муборак сурани очиқчасига ўқидилар:

—«Айтинг (эй Муҳаммад): «Эй кофирлар! Мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Оллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилгувчи эмасман. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Оллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун, менинг динимўзим учундир!» (Кофирун сураси.)

* * *

Бошқа пайт Расулуллоҳ (с.а.в.) бир фурсатини топиб мушрикларнинг бошлиқлари — Макка зодагонлари билан баҳс қилишга муваффақ бўлдилар. Уларга Ислом динининг асосларини баён эта бошладилар. Меҳмонларининг мусулмон бўлишини жудажуда хоҳлардилар. Чунки улар Исломга кирса, кенг имкониятлар очилар, уларнинг таъсирига берилиб икки ўт орасида юрганлар ёки уларга содиқ кишиларнинг ҳам мусулмон бўлишларига шароит яратилар эди. Ҳеч бўлмаганда, Маккада Ислом динини бемалол, очиқчасига етказиш имконияти туғилиши, мўмин-мусулмонлар аёвсиз зулм, ҳақорат ва киноялардан қутулишлари мумкин эди. Суҳбат айни қизиган чоқда, бир киши келиб қолди.

— Ё Расулуллоҳ, Оллоҳ сенга ўргатган нарсаларидан менга ҳам ўргат, — деб илтимос қилди.

Бу одам Абдуллоҳ ибн умми Мактум эди. Кўзлари ожиз эди. Набиййи акрамнинг овозларини эшитиб турар, аммо кимлар билан суҳбатлашаётганларини билмас эди. Ҳар доимгидай, Пайғамбарнинг табассум билан, ширинсуханлик билан қаршилашларини кутди, аммо бу гал ундай бўлмади. Суҳбат тўхтамади. «Марҳамат қил, эй умми Мактумнинг ўғли», дейилмади. Бир ҳисобга у «Менга ўргат» деб илтимос қилган нарсаларини бошқаларга ўргатаётган эдилар. Бир чеккага ўтириб, диққат билан тингласа, у ҳам мақсадига эришар эди.

— Ё Расулуллоҳ, буюк Оллоҳ сенга ўргатганларини менга ҳам ўргат, — деди у яна.

Яна ҳеч кимдан садо чиқмади. У ердагилар ҳам: «Кел, бир бурчакка ўтир, мана, сен

сўраётган нарсалар ўргатилмоқда...» деёлмадилар. Ахир, Абдуллоҳ ибн умми Мактум билан бирон соатлардан кейин суҳбатлашсалар ҳам бўладику. Қолаверса, Абдуллоҳ ибн умми Мактум «Икки дафъа Расулуллоҳга эшитиладиган қилиб гапирдий, жавоб бўлмади, бунинг бир ҳикмати бўлса керак», дейиши даркор эмасмиди?

Йўқ, ундай дейилмади, бундай бўлмади, учинчи марта овозини баландлатиб:

— Ё Набийаллоҳ, Оллоҳнинг сенга ўргатганларини менга ҳам ўргат!.. деб бақирди.

Бу тушунмовчиликдан Фахри Коинотнинг (с.а.в.) юраклари сиқилди. Юзлари буришди ва тескари қараб олдилар.

Меҳмонлар ўринларидан қўзғалишди. Шу пайт Расулуллоҳни (с.а.в.) ваҳий иси қамраб олди.

Ниҳоят, Буюклар Буюги бўлган пайғамбаримизнинг нигоҳлари Абдуллоҳ ибн умми Мактумни қидирди. Унга табассум билан қарадилар. Атрофларида ҳозир турганлар ваҳий билан Абдуллоҳ ўртасида қандайдир боғлиқлик борлигини тушундилар.

Сўнгра ваҳий донадона қилиб ўқилди. Бу Абаса сураси эди.

«(Пайғамбар, алайҳиссалом) ўзининг олдига келган кўзи ожиз кишига қошларини чимирди ва (ундан) юз ўтирди. (Эй Муҳаммад), сиз қаердан билурсиз, эҳтимол у (сиздан ўрганадиган илму маърифати ёрдамида ўз гуноҳларидан) покланар. Ёки панднасиҳат оларда, сўнг у панднасиҳат унга фойда берар?! Энди (Ўз мол-мулки билан имондан) истиғно қилиб турган кимсага келсак, бас, сиз ўшанга юзланмоқдасиз! Ҳолбуки, у (ўзининг куфридан) покланмаслиги сабабли сизга бирон зиён етмас! Энди (Оллоҳдан) қўрққан ҳолда олдингизга югурибелиб келган зотга келсак, бас, сиз ундан чалғиб — юз ўгириб олмоқдасиз! Йўқ (сиз асло бундай қилманг)! Албатта, (Қуръон оятлари) бир панднасиҳатдир. Бас, ким хоҳласа, ундан панднасиҳат олур» (Абаса, 1-12.)

Расулуллоҳ (с.а.в.) танбеҳ олган эдилар. Ҳолбуки, ибн умми Мактумдан жаҳллари чиқмаган, фақат мушрик зодагонларнинг Исломга киришига умид қилган эдилар.

Набиййи акрам (с.а.в.) шу аҳволда Абдуллоҳ ибн умми Мактумга «Сенинг қилмишинг Раббимдан танбеҳ эшитишимга сабаб бўлди», демадилар. Бошқаларга эса, «Менинг банд эканимни кўриб турган эдинглар, нега бу ҳақда унга шипшиб қўймадинглар», деб гина қилмадилар. Балки эгниларидан жуббаларини ечиб, ерга тўшадилар ва:

— Кел, Раббим мени танбеҳ қилишига сабабчи бўлган эй шарафли инсон! — дея унга лутфу карам кўрсатиб, ёнларига ўтқаздилар. Кўнглини кўтарадиган гаплар гапирдилар.

Шундан сўнг Абдуллоҳ ибн умми Мактум Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ёнларида алоҳида ўринга, алоҳида ҳурматга сазовор бўла бошлади. Ҳар келганида Фахри Ко инот пайғамбаримиз жуббаларини ечиб унинг тагига тўшайдиган бўлдилар.

Кўзи ожиз бир одамга ўз вақтида жавоб қилмагани учун пайғамбарлар Султонига танбеҳ берилиши кимнинг ҳам ақлига келарди? Ҳатто пайғамбарга ҳам Оллоҳ таоло бошқаларни камситишга изн бермаслигига бундан ёрқин мисол борми?!.

Ҳолбуки, ўртада на камситиш бор эди, на озорланган кўнгил. Аммо Оллоҳ таоло расулининг салгина бепарво бўлишини ҳам истамас эди.

* * *

«Бас, қачон (қулоқларни) кар қилгувчи (даҳшатли қичқириқ) келганда (яъни, сур иккинчи марта чалиниб, барча халрйиққа қайтадан жон ато этилганда, ҳар бир инсон ўзИ билан ўзи бўлиб қолур). У кунда киши ўз оғаинисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотинию бола-чақасидан ҳам қочур! (Чунки) улардан ҳар бир киши учун у Кунда ўзига етарли ташвиш бўлур! У Кунда (мўминларнинг) юзлари ёруғ, кулгувчи ва хуррам бўлур. Ва у Кунда (кофирларнинг) юзлари устида чангғубор бўлиб, у юзларни қаролик қоплаб олур! Ана ўшалар фисқу фужур қилгувчи кофирларнинг ўзидир!»

Абаса сураси шундай сўзларла тугар эди.

Кўнгиллар бўшашиб кетди... Қуръоннинг балоғатли ифодасини шахсан Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобларининг тилларидан эшитганларнинг юзларида ғамгинлик ва безовталик аломатлари пайдо бўлди. Бугун бу дунёда киши кўзининг оқу қораси бўлган, кўкракларга меҳр билан босиладиган гўдаклардан, иссиққина бағридан таскин топилган ота ва онадан, бир қориндан талашиб тушган акаука ва опасингилдан, бир ёстиққа бош қўйилган умр йўлдошдан... ҳа, ҳа, ҳамма бир-биридан қочажак эди.

Нега, нима учун қочади инсон?!

Чунки ҳар ким муҳтож, ҳар кимнинг бировдан оладиган, бошқасига берадигани бор. Ўзини қутқаришга ожиз инсон кимга ҳам ёрдам кўрсатади, кимнинг ҳам дардига дармон бўла олади?..

Тўғри, ўша куни юзи ёруғ бўладиган инсонлар ҳам бўлади. Аммо бундай шараф кимларга насиб этади? Бу ҳам ёлғиз Оллоҳга аён.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қиёмат кунидан баҳс этишлари, инсонлар ўлганларидан кейин яна қайта тирилиш

ларини такрор ва такрор таъкидловчи оятларни эълон қилишлари қурайшлик зодагонларга сира ёқмаган эди.

— Қиёмат ҳеч қачон бўлмайди, тушундингми, бўлмайди! Ҳеч қачон!

Расулуллоҳга (с.а.в.) шундай дағдаға қилар эканлар, гўё бу сўзларига бошқаларни ҳам ишонтиришга қатъий азм қилганга ўхшар эдилар. Гўё Набиййи муҳтарам (с.а.в.) уларга таслим бўлиб: «Тушундим. Чиндан ҳам қиёмат бўлмайди, янглишган бўлсам керак», дейдигандек.

Четдан келганларни иложи борича Расулуллоҳдан (с.а.в.) узоқ тутиш учун бор имкониятларини ишга солардилар.

— Хоҳлайсизларми, ўлибчириб кетганингиздан, вужудингиздаги ҳамма аъзо йўқ бўлиб кетганидан кейин яна қайта тирилишингизни уқтирадиган бир одамни кўрсатамиз... — дейишар, мусофирларнинг диққатини шу йўсин ўзларига жалб этгандан кейин: — Оллоҳга бўҳтон қилаётирми ёки телбасифат бўлиб қолганми, билмаймиз... — деб иғво қилишар эди.

Ўзларини ҳақпарвар, самимий қилиб кўрсатиб, гўё «бошга битган бало»дан инсонларни халос этиш учун жон куйдираётгандай тутардилар. Гўё ниятлари соф...

ЧИРИГАН СУЯКЛАР

Убай ибн Халаф қўлидаги белкуракни бир чеккага улоқтирди, пешона терларини артди ва тупроқ орасидан кўринган бир чирик суякни қўлига олди.

Суяк шунчалик мўрт бўлиб қолган эдики, бармоқлари билан эзғиласа, кулга айланиши турган гап эди. Шу қадар кўҳнаки, бир неча аср олдин ўлиб кетган бир одамнинг суяги бўлиши ҳам мумкин.

Тўппатўғри Расулуллоҳ (с.а.в.) уйларига йўл олди. Бориб пайғамбаримизга, сен тутаётган йўлнинг боши берк, бемаъни, тутруқсиз сафсаталаринг билан халқни йўлдан оздиришни ҳозироқ бас қил, демоқчи эди.

Расулуллоҳни (с.а.в.) топди, қўлидаги суякни кўрсатди, эзғилади, сўнгра бармоқлари орасидан пуфлаган эди, суяк урвоқлари учиб иккинчи қўлининг кафтига тушди. Бу кукунни яна пуфлади, ҳар томонга тўзиб кетди. Сўнгра Набиййи муҳтарам (с.а.в.) жанобларига қаттиқ тикилиб:

— Қани, энди гапирчи, эй Муҳаммад, буларга ким ҳаёт бера олади?! — деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дарҳол жавоб бердилар:

— Буларга Оллоҳ ҳаёт беради, сени эса, жаҳаннамга улоқтиради!Убайнинг ранги рўйи оқариб кетди. «Сени эса жаҳаннамга улоқтиради!» дея ҳозиржавоблик билан айтилган гап уни ларзага солган эди.

Охиратга ишонмаса ҳам, наштардек ўткир бу сўзлар нишонга теккан эди.

Аслида, Расулуллоҳга (с.а.в.) қарши кин ва адоват туйғусида бўлган Убайнинг душманлик ҳислари янада кучайди.

Қалби кину адоватга, кўзлари қонга тўлган Убай қаёққа кетаётганини ҳам билмай, тезтез юриб кетди.

Убайнинг бу хаттиҳаракати малаклар оламида нохуш бир хабар сифатида кутиб олинди. Жаброили амин Ёсин сурасига қайд этилгуси охирги оятларни келтирди:

«Инсон, Биз уни нутфадан — бир томчи сувдан яратганимизни, энди эса баногоҳ у (Ўзимизга) очиқ қаршилик қилгувчи бўлиб қолганини кўрмадими?! У Бизга: «Чириббитган суякларни ким ҳам тирилтира олур?» деб мисол келтирдию, (аммо) ўзининг (бир томчи сувдан) яралганини унутиб қўйди. (Эй Муҳаммад,) айтинг: «У (чириган суяк)ларни дастлаб (бир томчи сувдан) пайдо қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирур. У (Ўзи яратган) барча халқни билгувчидир». У сизлар учун ямяшил дарахтдан олов пайдо қилган зотдир. Бас, сизлар ўшандан ўт ёқурсизлар. Осмонлар ва ерни яратган зот яна уларнинг ўхшашини яратишга қодир эмасми?! Йўқ (албатта, қодирдир)! Унинг Ўзигина яратгувчи ва билгувчидир. Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл» дейишидир. Бас, у (нарса) бўлур — вужудга келур. Бас, барча нарсанинг эгалиги Ўз қўлида бўлган (Оллоҳ ҳар қандай айбу нуқсондан) пок зотдир. Ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар!» (Ёсин, 77-83)

Убай «Сени эса жаҳаннамга улоқтиради» дейилган сўзларнинг таъсиридан астасекин қутулаётган бир пайтда Расулуллоҳдан (с.а.в.) ушбу оятларни эшитдию вужуди баттар титрабқақшаб кетди. Энди бутунлай ўзини йўқотиб қўйган, нима қилишини билмай гаранг бўлиб қолган эди.

— Ё Муҳаммад, менинг бир учқур отим бор. Унга махсус ем едириб, шахсан ўзим парвариш қилиб боқаётирман. Ўша отимга миниб сен билан урушаман ва албатта сени ўлдираман, шуни яхши билиб қўй! — деди.

—Аксинча, мен сени ўлдираман, ё Убай! — деган жавобни эшитиб, баттар довдиради.

— Ҳали буни вақт кўрсатади.

Ўша куни Убай уйига жуда ҳорғин ва хаёлпаришон қайтди. Сабаби сўралган эди, жавоб бермади. Қайтақайта сўрайверилгач, титроқ овозда:

—Бугун Муҳаммад менга «Сени ўлдираман», деди,— тарзида жавоб қилди.

—Азизим, бўларбўлмас гапларни кўнглингга олаверасанми? — деб унинг руҳини кўтармоқчи бўлишди уйидагилар.

—Тўғрикуя, лекин Муҳаммад ҳеч қачон ёлғон гапирмайдида?!

* * *

АздШануйа қабиласининг вакилларидан Димод Маккага келганида қурайшликлар ҳамон Расулуллоҳга (с.а.в.) қарши иғво ёғдириш билан банд эдилар.

— Зинҳор Муҳаммад ибн Абдуллоҳга яқинлашмагин, эй Димод!

—Нега энди?

—Чунки у бир телба, қутуриб кетган жодугардир.

—Бунга асло шубҳа қилма.

— Мен ҳам бир қарашда жинни билан ақллини ажрата оламан. Умрим жиннилар билан гаплашагаплаша ўтди.

—Жуда яхши, Димод. Аммо ўзингни эҳтиёт қил. Бир туртинсанг, кейин ўзингга келолмай юрасан.

— Насиҳатларингиз учун ташаккурлар.

У ердан кетди ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ёнларига келди. Узини танитди.

— Мен кўп хасталарни кўрдим, даволадим. Оллоҳ шу йўл ила хоҳлаганига шифо беради. Истайсанми, сендан ҳам 6у жиннилик касалининг кетиши учун саъй ҳаракат қилсам, — деди чин дилдан. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг сўзларига бундай жавоб қилдилар:

— Ҳамду сано Оллоҳга махсусдир. Унга ҳамд айтамиз, Ундан ёрдам тилаймиз. Оллоҳ кимга ҳидоят берадиган бўлса, уни бу тўғри йўлдан оздирадиган ҳеч кимса топилмас. Залолатда қолдиргаии кимсага ҳам ҳеч киши ҳидоят бера олмас. Шоҳидлик бераманки, Оллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ ҳеч бир маъбуд йўқдир; бирдир, шериги йўқдир.

Димод гўзал бир балоғат намунаси бўлган бу сўзларни дикқатла тинглади. Шу заҳоти яна зшитгиси келди.

— Бу сўзларни бир марта айтасан холосми, эй Муҳаммад? — деди ютоқиб.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айнан такрорладилар. Димод бошини эгганча қулоқ солиб ўтирарди. Бир муддат бу каломларни зеҳнида ўлчаб кўрди, тортди, сўнгра:

— Яна бир марта қайтар шу сўзларингни!.. — деди.

Такрорладилар; тинглади, ўйланди, сўнгра дедики:

— Валлоҳи (Оллоҳга қасамки), мен коҳинлар билан, сеҳрбозлар билан, шоирлар билан кўришдим, уларнинг сўзларини роса тингладим, лекин бу сўзларга ўхшайдиган ҳеч бир калом эшитмадим. Қўлингни бер, мусулмон бўлиб сенга тобе бўламан.

Димод айни чоқда ҳам ўзининг номидан, ҳам қавмининг номидан Расулуллоҳга (а.с.) байъат бераётган эди. Сўнг хўшлашди. (Ибн Касир. «Сияр», 1/452. 56)

* * *

Ибн Масъуд (р.а.) бир хотирасини бундай нақл этади: «Бир куни Набиййи акрам жанобларидан, Оллоҳ таолонинг наздида энг ёмон гуноҳ нима, деб сўрадим.

— Оллоҳ таолога бирон нарсани тенг ва шерик қилишдир. Ҳолбуки, сени яратган ҳам Удир, — деб жавоб қилдилар.

— Сўнгра энг ёмоничи? — дедим.

— Овқатингга шерик бўлишидан қўрқиб фарзандингни ўлдиришинг.

— Учинчисичи, ё Расулуллоҳ?

— Қўшнингнинг хотини билан зино қилишингдир, —деб буюрдилар.

Ёмонлик ва фисқфасод йўлининг саркардаларига тобе бўлиб, Расулуллоҳга (с.а.в.) қарши чиққан, унинг йўлига киришдан ўжарлик билан бўйин товлаганларнинг аҳволи бундай баён этилди:

«У кунда бу золим қўлларни (бармоқларни) тишлаб, афсус надомат қилиб дер: «Э, қанийди мен ҳам пайғамбар билан бир йўлни тутганимда! Ўлим бўлсин менга,

қанийди мен фалончини дўст тутмаганимда эди! Аниқки, менга эслатма — Қуръон келганидан сўнг ўша (фалончи) мени йўлдан оздирди». У кунда шайтон (ҳаёти дунёда ўзига эргашган барча) инсонни ёрдамсиз қўйгувчидир». (Фурқон, 27-29.)

Шу орада Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қуйидаги хадислари ҳам хотираларга муҳрланди: «Яхши дўст билан ёмон дўстни мушк сотувчи билан ўт пуфловчига қиёслаш мумкин. Мушк сотувчидан ё сен сотиб оласан, ё у сенга совға қилади. Еки унинг ёнида турсанг ҳам, хушбўй хиддан лаззатланасан. Ёмон дўст эса, ўт пуфловчига ўхшайди. Ё ўт пуфлаб учқун сачратиб, либосингни ёндириб юборади, ёки сассиқ ҳиддан безовта бўласан».

Мўминлар риоя қилишлари керак бўлган одобахлоқ қоидалари, қурайшларга ва хусусан ўзларига ёмон муносабатда бўлган қишиларга нисбатан қандай муомала қилиш кераклиги Фурқон сурасида баён этилди. Шунингдек, фозил мўминларнинг сифатлари ҳам кўрсатилди:

«Раҳмоннинг суюкли бандалари Ерда тавозуъ билан юрадиган, жоҳил кимсалар бемаъни хитоб қилган вақтида ҳам «Омон бўлинглар» деб жавоб қиладиган кишилардир. Улар кечаларни Парвардигорга сажда қилиб ва (жойнамоз устида) тик туриб бедор ўтказадиган кишилардир. Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизлардан жаҳаннам азобини даф қилгин. Дарҳақиқат, унинг азоби кетмасмангу азобдир. Дарҳақиқат, у энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон жойдир», дейдиган кишилардир. Улар инфоқэҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам,

бахиллик ҳам қилмаслар. (Балки, эҳсонлари) ана ўша (хасислик билан исроф) ўртасида мўътадил бўлур. Улар Оллоҳ билан бирга бошқа бир илоҳга илтижо қилмаслар ва Оллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ва зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан биронтасини) қилса, уқубатга дучор бўлур. Қиёмат кунида унинг учун азоб бир неча баробар қилинур ва у жойда хорланган ҳолда мангу қолур». (Фурқон, 63-69.)

Бу оятлар кўпгина мўминларни хаёлга толдириб қўйди. Кўзлар намланди, хотираларда ўтмишда бўлиб ўтган аламли, ор қилувчи воқеалар жонланди.

Эгилган бошлар, бир зумда кулимсирашни унутган кўзлар ва беихтиёр олинган чуқур нафаслару хўрсинишлар уларга дунёни тор қилиб қўйди. Чунки тарих қаърига яширинган ва бундан кейин ҳеч қачон такрорланмайдиган бу хотиралар бир дақиқа ичида кўз олдиларида намоён бўлган, «Ўтмишингда мен ҳам борман», деяётгандай, виждон азобини кучайтирган эди. Буларнинг ҳаммасини жазо ва мукофотни бергувчи ёлғиз Оллоҳ билади.

Ўша кеча кўпгина кишилар мижжа қоқмадилар, у ёкданбу ёққа ағанаб тонг оттирдилар.

Ниҳоят бошлари эгик ҳолда Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига келдилар. «Ё Расулуллоҳ, дардимизга дармон бўладиган бир чора топинг, ахир, биз адойи тамом бўлдик», дедилар. Сабаби сўралганида:

— Биз жоҳилия даврида зино ҳам қилдик, одам ҳам ўлдирдик, Оллоҳдан бошқа бутларга қайтақайта сиғиндик, — дея жавоб бердилар.

Набиййи акрам (с.а.в.) жанобларининг изоҳ беришларига ҳожат қолмади. Ушбу дамда ваҳий малаги Жаброили амин Сарвари Оламнинг ҳузурларига тушган эди. Мўминларга шафоатчилик қилувчи пайғамбаримиз (а.с.) янги келган ваҳийни ўқидилар:

«Магар ким тавба қилса ва имон келтириб яхши амаллар қилса, бас, Оллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)ларга айлантириб қўюр. Оллоҳ мағфиратли, меҳрибон зотдир. Ким тавба қилиб, яхши (амаллар) қилса, бас, албатта У Оллоҳнинг ризосига (мағфиратига) қайтган бўлур. Улар (яъни, Оллоҳнинг суюкли бандалари) ёлғон гувоҳлик бермаслар ва лағв (беҳуда сўз ё амал) олдидан ўтган вақтларида олижаноблик билан (яъни, ундан юз ўгирган ҳолларида) ўтурлар. Уларга Парвардигорларининг оятлари эслатилган вақтида, у (оятларга) гунг ва кўр ҳолларида ташланмайдилар (балки уларни билибанглаб амал қилурлар). Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шодхуррамлик ҳадя этгин ва бизларни тақводорларга пешво қилгин», дейдиган кишилардир. Ана ўшалар сабрқаноат қилганлари сабабли жаннатдаги юксак даражалар билан мукофотланурлар ва жаннатда фаришталар томонидан салом ва омонлик билан қарши олинурлар. Улар ўша жойда мангу қолурлар. У энг гўзал қароргоҳманзилдир. (Эй Муҳаммад, мушрикларга) айтинг: «Агар дуоилтижо қилмас экансизлар, Парвардигорим сизларга парво қилмас. Бас, сизлар (У зот юборган пайғамбарни) ёлғончи қилдингиз. Энди, албатта, (азоб-уқубат) сизларга лозим бўлур». (Фурқон, 70-77.)

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўзларида порлаган севинч учқунлари мана шундай ифода этилди. Бу оятлар мўминларнинг кўнглига тасқин, қалбларига ором берди. Кўзларга севинч тўла ёшлар балқиб чиқди. Оллоҳга ҳамду санолар ва шукроналар келтирувчи овозлар юксалди.

Аянчли хотираларга бой мозий эртага яхшилик бўлиб қайтиши, Жаноби Ҳақнинг раҳматига сиғинганлар мангу бахтсаодатга эришишлари шу йўсинда ваъда қилинган эди.

* * *

«Улар кечани жойнамоз устида тик турган ҳолларида, сажда қилиб ўтказурлар» ояти мўминларга кечалари ўқиладиган намознинг зиёда бўлиши ҳақида алоҳида маълумот берди. Ҳамма энг ширин уйқуга кетганида, нафс хоҳишларидан қутулиб, Буюк Яратувчи билан яккамаякка қолиш, унинг ҳузурига бош қўйиш мўминларга ўзгача ҳузурҳаловат бахш этарди.

Набиййи акрам (с.а.в.) кечаларни ибодат қилиб ўтказишни истаганларга бундай ўгит

бердилар:

— Шони буюк Раббимиз, кечанинг сўнгги учдан бир қисмида дунё самосига қадар пастлаб: «Менга дуо қилгувчилар йўқми, қабул қилсам? Мендан сўровчилар йўқми, сўраганини берсам? Мендан мағфират сўрагувчилар йўқми, гуноҳларидан ўтсам?» деб амр қилади. Бу воқелик ҳар кеча барқарордир.

Пайғамбаримиз ушбу сўзлари билан, кечанинг сўнгги қисмидан оқилона фойдаланинг, демоқчи бўлган эдилар.

МЎМИННИНГ ЯШАШГА ҲАҚҚИ БОРМИ?

Пайғамбарлик келганидан буён етти йил ўтди. Қурайшийлар қўллаган бир қатор жиддий чоратадбирлар фойда бермади. Натижада мушриклар Маккaнинг юқори қисмида жойлашган Ҳожун қабристони ёнида фавқулодда бир йиғилиш ўтказдилар. Қиска вақт ичида келинган қарорга кўра, Муҳаммаднинг қариндошлари бўлмиш Бани Ҳошимга қарши биргаликда ҳаракат қилиш ва сурункали бир муомала қатағони уюштиришга келишилди. Улардан қиз олинмайдиган, қизларини уларга бермайдиган, савдосотиқ муносабатлари узиладиган ва бу қарорга амал қилмаганлар жазоланадиган бўлди.

Агар бу қарор кўнгилдагидек натижа берса, хошимийлар ва Мутталиб ўғиллари Муҳаммаддан юз ўгиражак, якка бўлиб қолган инсонни эса, мағлуб этишлари осон бўлади.

Қарорларининг қатъийлигини кўрсатиш учун моддамодда қилиб ёзиб, Абу Толибни чақиртиришди ва ўқиб беришди, жиянини ихтиёрларига топширмаса, бу қарор шафқатсизларча амалга оширилишини уқтиришди.

— Жияним учун ҳар қандай фидокорликка ҳам тайёрман, — деди Абу Толиб. — Керак бўлса, сўнгги томчи қоним қолгунча сизларга қарши урушаман. Бутун ҳошимийлар ва Мутталиб ўғиллари ҳам мен билан ҳамфикрдирлар. Қўлларингдан келганини қилинглар!

Қабила бошлиқлари бундан бир иш чиқишидан умидларини узиб, бошқача қарорга келишди: қатағон шароитлари ёзилган қоғозни Каъбанинг ичига осиб қўйдилар. Шу тариқа қатағон расман бошланди.

Абу Толиб Ҳошим ва Мутталиб ўғилларини бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга, Расулуллоҳни (с.а.в.) қўллабқувватлашга чақирди. Ҳаммалари ва Макка мўминлари «Шиъби Абу Толиб» номи берилган ва Абу Толиб яшайдиган маҳаллага кўчиб ўтдилар. Қарамақаршилик, зиддият авжига минди. Абу Жаҳл ва Абу Лаҳаб сингари ашаддий мушриклар бозорўчарларни айланиб юришар, мўминларнинг бирон нарса харид қилиши ёки сотишига йўл қўймас эдилар. Баъзан улар берганидан ҳам кўпроқ пул бериб, пишай деб турган савдони бузишар, сотмоқчи бўлган нарсаларини эса, камситишга уринар эдилар.

Абу Толиб кечалари ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобларини ёлғиз қолдирмас, ё ўзи, ё ўғилларидан, ё қариндошларидан биттаси пайғамбаримизнинг уйларида қолиб, посбонлик қилар, бирон тажовузга учраб юрмасин тағин, деб бор ғайратини ишга солар эди.

Ҳошим ўғилларидан Абу Толибнинг маҳалласига Абу Лаҳабгина кўчиб келмади. Ҳар доимгидай, у мушрик ҳамтовоқлари билан қолишни афзал кўрди, қариндош-уруғларидан юз ўгирди.

Ҳазрати Умар ва Ҳамзадан бошқа ҳеч ким ташқарида бемалол юра олмай қолди. Бошқалар маҳалладан ташқарига чиққудай бўлсалар, аёвсиз калтакланишар, ҳақорату азоб-уқубатларга дучор қилинишар эди.

Ташқаридан ҳам ҳеч нарса олиб келиб бўлмай қолди. Зеро, тикандан бошқа нарса ўсмайдиган бу ерда деҳқончилик қилиш, сабзавот экиб ҳосил олиш мумкин эмасди. Шу боис уйларда бор озиқовқатни мумкин даражада тежаб истеъмол қилиш йўли тутилди. Бу масалада қўниқўшнилар бир-бирларига ёрдамчи бўлдилар. Абу Толиб бор бисотини шу йўлда сарфлаб

тутатди. Расулуллоҳ (с.а.в.) билан Ҳазрати Ҳадича қўл остиларидаги ҳамма нарсани шу йўлда сарфладилар. Бутпараст бўлсалар ҳам, фақатгина қариндош-уруғчиликнинг ҳаққиҳурмати учун шунча азият чекаётган ва лом-мим деб ҳам нолимаган кишиларга тарқатдилар.

Аммо уйдаги озиқовқат қанчага ҳам етарди? Бир оила бойбадавлат бўлган тақдирда ҳам неча оилани тўйдира оларди?

Озиқовқатлар қаттиқ тежабтергаб ейилишига қарамай, тугади. Мудҳиш бир очарчилик бошланди. Эрта тонгда оч турганлар бир бурда ҳам нон емай кунни ўтказар, кейинги кунни яна очликда кутиб олар эдилар. Ҳайвонлар оч, одамлар оч. Очликдан мадори қуриган гўдакларнинг йиғисиғилари, додфарёдлари атрофда бемалол эшитилади. У ербу ерда ўсадиган дарахтларнинг япроқлари ейила бошланди. Тери парчалари чайналиб шимилди. Топилган ҳар қандай ҳайвоннинг қорни, ичакчавоғи ҳеч иккиланмай пиширилар ва дастурхонга тортилар эди.

Мана шундай оғир машаққатларга қарамай, хоҳ Ҳошим ўғилларидан, хоҳ Мутталиб ўғилларидан бир эркак ёки аёлнинг Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Бизнинг илоҳларимизга тил теккиздинг, динимизни йўқ қилишга уриндинг, оқибатда мана шу балога гирифтор бўлдик. Мана, кўр қандай аҳволга тушганимизни...» демади. Шундай деганини билмаймиз.

Бу ҳол бир ҳафта, бир ой ё бир йил эмас, нақ уч йил давом этди. Машаққатларнинг хилмахили билан тўлган уч йил. Ҳаёт хар куни бир бошқа, аччиқаламли томонини кўрсатарди.

Бир куни қоронғу тушиб, кўчаларга жимжитлик чўкканидан кейин ўркачига ун тўла қоплар ортилган бир туя Абу Толиб маҳалласи сари йўл олди. Маҳалланинг бошига етиб келган одам туянинг жиловини бўйнига осди, сўнгра орқасидан қўллари билан бир неча марта шапатилаб, «Чуҳ жонивор», дедида, ўзи қайтиб кетди, қоронғулик ичида ғойиб бўлди.

Бу одам Ҳишом ибн Амр эди.

Туя шўрлик кимнинг ҳам уйига борарди? Шундай умид килган эдики, бирорта одам учратсаю уйига етаклаб бориб, устидаги юкнинг ҳаммасини тезда яшириб, кейин қўниқўшниларга бўлиштириб берса...

Ҳишомни бу инсонпарварликка, ғамхўрликка чорлаган нарса маҳалладан ташқарида ҳам бемалол эшитилиб турган йиғисиғи, додфарёдлар эди. Улар ҳам ўзига ўхшаган инсон, қолаверса, у билан бир уруғнинг вакили эдилар.

Ҳаким ибн Ҳизом ҳам аммаси Ҳазрати Ҳадича учун озиқовқат жўнатгани, яна бошқа бир неча киши ҳам ана шундай йўл тутиб, мусулмонларга ҳамдард бўлгани тарихдан маълум.

Бир куни'; Ҳишом ибн Амр яна уч туяга озиқовқат юклаб Абу Толиб маҳалласига жўнатаётганида, мушриклар сезиб қс^лишди. Эрталаб Абу Жаҳл бошчилигида мушриклар ўртасида ўтказилган мажлисда сўроққа тутилди, танбеҳ берилди, келишилган қарорнинг ҳукмларига зид иш тутмасликка онт ичилгани эслатилди. Абу Жаҳл:

— Бизнинг мақсадимиз бегуноҳ одамларга зулм қилиш эмас, — деди. — Ниятимиз жамоамизни тарқатган, илоҳларимизни айблаган... ва гап уқмас, ўжар анави жодугарни тартибга чақириб қўйиш. Ё уни бу йўлдан қайтарамиз, ё Абу Толиб бошлиқ бутун қариндош-уруғлари ундан юз ўгирадилар.

Шу аснода Ҳишомни аямай ҳакорат қилишди.

Ўзини ҳимоя қилишга унинг қурби етарди. Бу хаттиҳаракати виждонли кишига муносиб бир иш эканини айта оларди. «Мен бу ишни, кеч бўлса ҳам, қилганимдан бахтиёрман. Шунча бегуноҳ инсон хотин, бола-чақаси билан ҳамда қариндош-уруғимиз бўлишларига қарамай, очликка маҳкум этилиб, уларга ёрдамчи бўлишга ҳам изн бермаганлар уялиши керак», дея оларди. Ичидан ана шундай фикрлар ўтган, аммо шу фикрини баён этгани билан биров «Ҳишом тўғри гапиряпти, биз жуда ноинсофлик қилдик», демасди.

Шунинг учун у дилидаги гапларни эмас, талаб қилинаётган гапларни гапирди:

— Бу сўнггиси бўлади. Энди шу ишни қилаётганимни кўрмайсиз, — деди.

Бошқа бир куни Ҳаким ибн Ҳизом аммасига ун жўнатмоқчи бўлиб турган эди, Абу Жаҳлга дуч келди. Бу манзара Абу Жаҳлга баттар ёқмади.

—Буларни орқага қайтарасан, эй Ҳаким, — деди.

—Нима учун?

— Чунки бу маҳаллага озиқовқат кирмаслиги керак, биз бунга рухсат бермаймиз.

—Мен уларни аммамга жўнатмоқчиман.

—Ҳеч кимга жўната олмайсан.

— Мен билан ишинг бўлмасин. Аммамга ёрдам бериш учун сенинг ижозатингга муҳтож эмасман.

Абу Жаҳл руҳан мадад истаб ёнида турган Абул Бахтарийга қаради. Аммо у Ҳақим ибн Ҳизомни ёқлади. Натижада/баҳсмунозара бошланиб кетиб, можаро алалоқибат Абул Бахтарий қўлига илинган бир суяк Абу Жаҳлнинг бошига тушиши билан тугади. Абу Жаҳл ғазабини боса олмаган Абул Бахтарийнинг муштларига нишон бўлиб, ерга қулади.

* * *

Қатағон уч йил давом этди. Унга йўлакай яна бир қатор аламли ҳодисалар қўшилиб кетди.

Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) амакилари Абу Толибни излаб топдилар ва Каъба ички деворига осиб қўйилган қарорни ёғоч қуртлари еб битирганини, қоғозда фақат «Оллоҳим, сенинг номинг билан» деган маънога тўғри келадиган «Бисмика Оллоҳумма» иборасигина қолганини билдирдилар. Абу Толиб ҳайрон бўлди:

— Қаердан биласан шундай бўлганини? — деб сўради.

— Раббим маълум қилди, — деб жавоб қилдилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

Абу Толиб дарҳол бориб Қурайш зодагонларини тўплади.

—Бир таклиф билан келдим, — деди.

—Хўш, қанақа таклиф экан у, Абу Толиб?

—Жияним Муҳаммад, Каъбага осиб қўйган қарорномаларингизни ёғоч қуртлари еб битирди, фақат «Бисмика Оллоҳумма» иборасиг^гаа қолди, деб даъво қилмоқда. Болалигидан бери син&б келаманки, ҳамиша унинг гаплари тўғри чиққан. Шунинг учун ҳузурларингизга бир нарсани таклиф қилишга келдим.

—Сўзла таклифингни, эй Бани Ҳошимнинг йўлбошчиси! — дейишди.

— Ҳозир биргаликда Каъбага борамизда, у ерга осиб қўйган қоғозларингизни олиб кўрамиз. Агар Муҳаммаднинг даъвоси тўғри чиқса, сизлар бу бемаъни қатағонга чек қўясизлар. Инсонларни очяланғоч, чорночор ҳолда, билатуриб ўлим чангалига топширишдан воз кечасизлар. Бу ерда қавмингиз, қабиладошларингиз ва уларнинг оилалари жон олибжон бермоқдалар. Агар жиянимнинг гаплари ёлғон бўлиб чиқса, у ҳолда Муҳаммадни ўша заҳотиёқ ихтиёрларингизга топширишга сўз бераман.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг Каъбага кирмагани аниқ. Бу дафъа ўлим фармонини ўз қўли билан имзолагандай эди. Мушрикларнинг юзларида табассум ифодаси пайдо бўлди. Ниҳоят зафарга олиб борувчи йўл очилган эди. Бир зум ҳам иккиланмадилар.

— Биз розимиз, ё Абу Толиб, — дедилар.

Биргаликда бориб Каъбани очдилар. Диққат билан қарадилар. Дарҳақиқат, аҳднома илвираб кетган эди.

— Бундай бўлиши асло мумкин эмас, — деди биров.

Абу Толиб сўради:

— «Бўлиши мумкин эмас» деганинг нимаси? Каъбанинг калити сизларда бўлса, бу ерга кимни киритиш киритмаслик сизларнинг ихтиёрларингда бўлса... Энди орада юзага келган муаммони узилкесил ҳал этиш фурсати келди.

Абу Жаҳл сўз қўшди:

— Мен аминманки, жиянинг ўтакетган бир уста жодугар экан. Ундан буюкроқ жодугар

ҳали дунёга келган эмас, келмайди ҳам!..

Вазият бирдан ўзгарди. Бир оз олдин «Жуда соз, розимиз...» дея, хабар тўғри чиққан тақдирда, қатағонга чек қўйишга сўз берган қишилар гўёки булар эмас, бошқалар эди. Тўнғиллайтўнғиллай тарқалдилар.

* * *

Мусулмонларга ёрдам бераётганида қўлга тушиб қолган Ҳишом инсонпарварликка том муносиб бир иш қилгани учун Абу Жаҳлдан ва бошқа биродарларидан эшитган ҳақоратни ҳеч ҳазм қила олмади.

Сабабсиз хақоратлар Ҳишомга алоҳида бир қувват берди. Бу масалани ҳал қилиш ва ғалабага эришиш учун қўлидан келадиган ҳеч бир ташаббусни ортга сурмасликка қарор берди. Қарорни амалга ошириш учун Зухайр ибн Абу Умаййанинг уйига борди.

Зухайр Расулуллоҳнинг (с.а.в.) аммалари Атиканинг ўғли эди.

—Салом, ё Зухайр!

—Салом сенга ҳам, эй Ҳишом.

—Қалайсан?

—Дурустман.

—Дурустсан, аммо тоғаларинг оғир аҳволда эканларини кўрабилатуриб, қанақасига хотиржам бўласан, қанақасига еганичганинг татийди, ҳайронман. Мен шунга қатъий ишонаманки, агар Амр ибн Ҳишомнинг тоғаларига қарши шундай бир битим тузилса, у буни зинҳор қабул қилмаган бўларди.

—Бу билан нима демоқчисан?.. Мен нима ҳам қила олардим, ёлғиз бўлсам... Қасамки, ёнимда яна битта менинг фикримни тасдиқлайдиган биродарим бўлсайди, ўша қоғозни бартараф этиб, бемаъни қатағонга чек қўйган бўлардим.

—У ҳолда, қани, қўлни ташла, сенга керакли одам, мана, менман.

—Жуда соз, унда учинчи бир ҳамфикрни топайлик.

Ҳишом у ердан чиқиб, Мутъим ибн Одийнинг қошига борди. Ҳолаҳвол сўрашилгандан кейин мақсадини баён этди, юзага келган вазиятнинг ўта жиддий эканини уқтирди.

Мутъим инсофли бир одам эди, аммо у ҳам ёлғизлигини писанда қилди.

— Яна бир одам бор, ёрдам беришга тайёр, — деди Ҳишом.

—Ким?

—Мана, мен.

—Жуда соз, у ҳолда яна бир кишини топишимиз керак.

—Учинчи киши ҳам бор, Зухайр ибн Абу Умаййадир.

— Тўрт киши бўлсак, яна ҳам яхши бўларди.

Ҳишом ибн Амр бу ердан ҳам чиқиб, Абул Бахтарийникига борди. Уни ҳам ўйлаган ишига рози қилди. Кейин Замъа ибн Асваж ибн Абдумутталиб билан учрашди.

Бу беш маслакдош ўша куни кечаси Ҳожун қабристонининг биқинига йиғилдилар, бўлғуси ишларининг режасини тузидилар. Зухайр:

— Мен бошлайман, сизлар эса, мени қўллаб-қувватлайсизлар, — деди.

Бир қарорга келиниб, уйуйларига тарқалдилар.

Эрталаб Зухайр покиза либосларнии кийиб уйидан чикди. Бориб, Каъбани етти марта тавоф қилди. Кейин ўша ерга йиғилган халойиққа қарата:

— Эй Макка халқи! Ҳошимийлар очликдан қирилиб кетар эканлар, бизнинг еганичганимиз татийдими? Худо ҳаққи, ноҳақликнинг тимсоли бўлган қариндош-уруғчи ликни илдизидан қўпорувчи битим ёзилган 6у саҳифа бурдабурда қилинмагунча ўтирмайман! — деб хитоб қилди.

Абу Жаҳл масжиднинг бир бурчагида ўтирган эди. Қулоғига чалинган бу сўзлар уни ўрнидан сапчиб туришга мажбур қилди.

— Бекорларни айтибсан, у қоғоз ҳеч қачон йиртилмайди! — деб бақирди.

Замъа ибн Асвад муиозарага аралашди:

— Аслида ёлғончи сенсан, ё Амр! Биз бундай ноҳақ битим тарафдори эмасдик.

Абул Бахтарий:

— Замъа тўғри гапирмоқда, — деди. — Ўша саҳифада ёзилган ҳукмларга бизлар асло рози эмасдик. Энди ҳам нотўғрилигини эътироф этамиз. Мутъим ҳам шу фикрни тасдиқлади:

— Ҳар иккалангиз ҳам ҳақ гапни гапирдингиз. Бошқача гап ёлғон бўлган бўлур эди. Биз бу саҳифада ёзилган номаъқул гаплар учун Оллоҳдан кечирим сўраймиз,— деди.

Абу Жаҳл бу ерда бир гап борлигини сезди.

— Бу бир маслаҳатли кенгашдан чиқаётган қуруқ сафсатадир. Сизлар олдиндан келишиб олиб, энди халқнинг кўзини бўямоқчисизлар, — деди.

Ушбу ҳодиса содир бўлаётганида, Абу Толиб ҳам шу ерда эди, аммо у лом-мим демай, бир чеккада ўтириб томоша қилар эди.

Шу чоқ Мутъим ўтирган жойидан турди. Тўғри бориб, Каъбага кирди, саҳифани осиғлик турган жойидан олди. Ҳамманинг кўзи ўнгида, кутиб ўтирмай, йиртиб ташлади.

Шу зайл Маккада уч йилдан бери давом этиб келган умумий зулмга чек қўйилди. Мусулмонларнниг сабртоқати тугаёзган эди, саҳифа йиртилиб, муаммо ҳам ҳал бўлдиқўйди.

Ҳолбуки, Абу Жаҳл сўнгги зарба бериладиган кунлар яқинлигини, яна узоғи билан бир ёки икки ойдан сўнг пичоқ бориб суякка тақалишини жуда яхши биларди. Ё ўлим, ё Муҳаммадни Қурайш зодагонларига таслим этиш каби икки йўлдан бири танланадиган кунни сабрсизлик билан кутиб келаётган эди. Овқат пишган, совусин деб ўчоқдан туширилган, ўтириб ейиш фурсати яқинлашган эди. Ҳазилакам гапми, бугунги кун узоқ уч йил кутилди, ниҳоят толеъ энди кулиб боқай деб турган маҳалда бир зумда бой берилдия. Оғзини ҳам очишга улгурмай қолди: саҳифа йиртилиб, битим бекор қилинди.

Дарров югуриб бориб Мутъим, Замъа, Зухайр ва Ҳишомнинг устига отилиш, пишиб турган ошни бузганларининг ҳисобини сўраш истаги миясига урилди. Аммо масала шу билан ҳал бўлмасди, аксинча, фожиалиқонли бир тўқнашув бошланиб кетиши мумкин эди. Кўпчилик қатағоннинг бекор этилишини хурсандлик билан кутиб олди. Абу Жаҳл ва унинг ҳамтовоқлари эса, ғазабдан бурниларини тишлагудай бўлдилар.

Абу Толибнинг маҳалласига ночор кўчиб ўтганлар яна ўз уйларига қайтдилар. Очликдан тинкамадори куриган ёш гўдакларнинг оғир аҳволидан кўпдан бери азоб чекиб келаётган отаоналар ўша кеча пишиллаб уйқуга кетган жигаргўшаларининг ёнида севинч кўзёшларини тўкдилир.

Уч йилдай узоқ бир муддат давомида кўп машаққатларга зўр матонат билан бардош бериб келган, инсонга хос садоқат туйғусининг энг юксак намуналарини кўрсатган кариндошларига Абу Толиб самимий миннатдорлигини изҳор этди. Энди Маккада ҳаёт яна аввалги ҳолига қайтган эди.

«Алиф, лом, мим. Жуда яқин жойда Рум мағлуб бўлди. Лекин улар бу мағлубиятларидан сўнг бир неча йил ичида албатта ғалаба қилажаклар. Аввалу охир барча иш Оллоҳнинг (измида)дир. Ўша кунда мўминлар Оллоҳ (румликларни) ғолиб қилгани сабабли шодланурлар. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини ғолиб қилур. У қудрат ва раҳмшафқат эгасидир. (Бу) Оллоҳнинг ваъдасидир. Оллоҳ Ўз ваъдасига хилофлик қилмас. Лекин буни кўп одамлар билмаслар». (Рум, 16.)

Абу Бакр ушбу оятларни ўқиркан, Убай ибн Халаф унга киноялы бир қараш қилди:

—Бу ҳақда ҳам сенга Муҳаммад хабар бердими?! — деди.

—Худди шундай. Лекин булар унинг сўзлари эмас, Оллоҳнинг каломидир.

—Сизлар ёлғон тўқишдан бошқа ишни ҳам биласизларми ўзи? Қаерда бир бемаъни гап пайдо бўлса, албатта сизлардан чиққан бўлади, ё Абу Бакр! Мен сени ақли расо одам деб

ўйлардим, Азалдан бери шу фикримда собит эдим. Бироқ Муҳаммадга қўшилдингу сен ҳам ақлдан оздинг, шекилли. Ҳолбуки, сен «Инсонни камситади, орномусга қолдиради», деб шаробни ҳам ўзингга ҳаром қилган кишисан.

—Ҳозир ҳам шунақаман.

—Жуда соз. У ҳолда нега бу бемаъни гапларга ишонасан?

—Бу хабар бемаъни эмас, юз карра тўғри чиқадиган башоратдир.

—Хўп, майли, у ҳолда кел, гаров ўйнаймиз! Мен ўнта туя тикаман.

Бу икки одамдан бири кўзи билан кўриб турган нарсагагина ишонса, азалдан буён давом этиб келаётган воқеаҳодисалардан чиқариладиган ақлий хулосаларга таянса, иккинчиси Буюк Оллоҳдан келган хабарга ишонар эди.

Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) тезда Расулуллоҳни (с.а.в.) топди ва бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берди. Фахри Олам (с.а.в.) жаноблари «бир қанча йил» ибораси уч билан ўн йил орасидаги муддатни билдиришини айтдилар.

—Вақтини узайтир, туялар сонини кўпайтир, — деб буюрдилар.

Убай ҳазрати Абу Бакрнинг (р.а.) яна қайтиб келганини кўриб, шошиб қолди:

— Пушаймон бўлдингмиа? — деди.

— Йўқ, пушаймон эмасман, агар рози бўлсанг, туялар сонини кўпайтирамиз, — деди Абу Бакр (р.а.). Юзта туя қўяман, вақтни эса, тўққиз йилгача чўзамиз.

— Розиман, — деди Убай.

Шу тариқа ўйналган гаров ўтимлилигини сақлаб қолар, румларнинг эронликлар устидан ғалаба қозонганлари ҳақида хабар келганида Ҳазрати Абу Бакр юзта туяни Убайнинг меросхўрларидан олажак эди.

ТИЛ БИЛМАС ТЕМИРЧИ

Мушриклар ҳар куни бир иғво тўқиб чиқарардилар. Бу сафар:

— Ўзи ёзган нарсаларни «Оллоҳнинг каломи» деб халққа тақдим этмоқда, — дея бошладилар.

Мажлисларнинг кун тартибида мана шунга ўхшаш сўзлар бўлиб қолди. Мўминлар ҳамон ақлсизликда айбланардилар.

— Ўз қўли билан ёзганларини сизларга ўқиса, «Оллоҳнинг каломидир» деб ишонаверасизларми? Ақлларингиз жойидами ўзи? Ёки эсҳушларингизни еб қўйганми сизлар?

Бу гаплар мўминларга қайтақайта айтилди. Ниҳоят Анкабут сурасига туширилган қуйидаги оятлар бу масалани ҳам ойдинлаштирди:

«Сиз (ўзингизга Қуръон нозил қилинишидан) илгари бирон китобни ўқиган эмас эдингиз ва ўз қўлингиз билан хат ҳам ёзган эмас эдингиз. Акс ҳолда, бузғунчи кимсалар албатта шубҳага тушган бўлур эдилар. Йўқ, у (Қуръон) илм ато этилган зотларнинг кўнгилларидаги аниқравшан оятлардир. Бизнинг оятларимизни фақат золимларгина инкор қилур». (Анкабут, 48-49)

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳаётларини қирқ йилдан бери яқиндан билиб келганлар тилларини тишлашга, қўлларини пешоналарига уришга мажбур бўлишди. У зотнинг савод чиқармаганларини, ўқишёзишни билмасликларини жуда яхши билишарди. Аммо ҳар томондан ўргимчак тўри сингари ўраб олган кибр, кин ва адоват, нафрат туйғулари уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйди. Кўнгиллари гап уқмасликка қасам ичгандай, янгиянги иғволарни ўйлаб чиқариш билан банд, зеҳнлари фақат мана шу йўлда ишлар эди.

Пайғамбарларнинг энг буюги Мухаммад (с.а.в.) орасира асли румлик бўлган бир темирчининг ҳузурига борар, у билан суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Бу одам узоқ юртдан келиб,

Маккада муқим бўлиб қолган эди. Четдан келган ва арабчани ёшлигидан ўрганмаган мусофир одам арабчани қанчалик билса, у ҳам шу даражада билар, гапирилган гапни зўрға англар, мақсадини ҳам аранг тушунтирар эди.

Бир куни мушриклар вайронадан хазина топгандай хурсанд бўлиб кетишди.

—Муҳаммад ибн Абдуллоҳ сўйлаётган каломини мана шу темирчидан ўрганар экан, — дея иғво бошлашди.

—Ҳая... У дўконга жуда серқатнов бўлиб қолган, аммо темирчида арзигулик бир иши йўқ эдику. Бирон буюртма бергани ҳам номаълум. Нега шу нарсани шунча пайтдан бери сезмадика, — дегандай қўллар пешоналарга урилди. Чашма кашф этилган, энди ундан сув чиқариш керак эди. Ҳа, шакшубҳасиз, бу каломларни ўша темирчи ёздирар эканда...

Чиндан ҳам ажойиб бир «кашфиёт» эди бу. Бир зумда ҳаммаёққа гап тарқалди: «Абдулмутталибнинг невараси ҳаммани мафтун этадиган бу жозибадор сўзларни румлик темирчидан ўрганаётган экан, у одам ҳар борганида нималарнидир ёзиб бераркан...» деган мишмишлар пайдо бўлди.

Аммо бу мишмишларнинг ҳам таги пуч, мантиқсиз эди. Неча йилдан буён беозор, бегуноҳ мўминларни қон қустириб келганлар шу оддий темирчининг танобини тортиб қўя олмасмидилар? «Биродар, сен ҳаддингдан ошяпсан. Кўриб турибсанки, юртимизда фитнафасод қўзғалди. Ота болани, бола отани танимайдиган бўлди. Буларнинг барчасига сен айбдорсан. қадамингни ўйлаб бос!..» дейишлари мумкин эдику?

Кўплаб инсонларни ўз она юртини тарк этишга мажбур қилган зулмларнинг мингдан бири бу темирчига қилинса эди, шу заҳоти оғзи ёпилар, лом-мим демайдиган бўлар эди.

Қолаверса, уни ўлдирганлари тақдирда ҳам жавобини сўрайдиган, «Унинг орқасида, мана, биз турибмиз, бошидан бир тола сочини тушириб ҳам кўрингчи!..» дейдиган қудратли мададкори ҳам йўқ эди.

Ёки масалани яхшиликча ҳал этиш йўли ҳам бор эди. Яъни: «Ол, мана сенга ўнта энг аъло урғочи туя... Фақат тилингни тийсанг, бас. Бундан сўнг Абдулмутталибнинг невараси билан сирлашишни тўхтатсанг бўлди», дейиш қийинмиди?

«Буларни ёзиб беришинг эвазига Муҳаммад қанча пул беради?» деб сўраб олиб, тўлайдиган пулнинг бир неча баробарини бериб, анчамунча саҳифани ёздириб, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига боришса, «Бу каломнинг ўхшашини келтиринглар, деган эдинг, мана, кўр. Қолаверса, айни манбадан келтирдик. Энди даъвоингдан воз кеч!» десалар бўлмасмиди?!

Лекин масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Яъни, бу темирчи насроний динида эди. Бир насроний ўзининг етук динидан воз кечиб, бошқа бир динни ўртага чиқарармиди?

Бу қадар гўзал, бу қадар латиф ва таъсирчан каломни сўзлашга қодир бўлган бир инсон нега: «Бу мукаммал каломнинг адиби менман», деб ўртага чиқмайди, бутун шоншараф, обрўэътиборни бошқа бировга эҳсон қилади?

Ниҳоят Жаброили амин келди. Ўйламайнетмай оғзига келган гапларни айтиб юрган мушрикларга яна бир бор танбеҳ берувчи оятни пайғамбаримизнинг (с.а.в.) қалбларига сингдирди:

— «Аниқки, Биз уларнинг: «(Қуръонни Муҳаммадга) бирон одам ўргатмокда» деяётганини билурмиз. Лекин уларнинг бу даъволари пучдир, чунки улар ишора қилаётган кимсанинг тили ажамий (яъни, арабий эмас), бу (Қуръон) эса, очиқравшан арабийдир». (Наҳл 103)

Бирикки кун ичида бутун шаҳарга тарқалган мишмишлар бир зумда тўхтади, сутнинг юзидаги кўпиклар сингари йўқ бўлди. Қўпдан бери лом-мим демай келаётган виждонлар қисқа вақт ичида ўзини кўрсатди:

— Тўғри, бу одам оддий араб тилини эплаб гапиролмайдику, қанақасига шундай бир мукаммал каломни ёзиб берсин, — дея бошлашди.

Темирчини танимайдиганлар, навбатдаги ваҳийнинг ҳақиқатга қанчалик мос ёки мос

эмаслигини билиш учун Марва тепалиги атрофида маскан тутган румлик темирчининг дўкони сари йўл олдилар.

— Ҳорма энди, Жабр. Нималар қилаётирсан?

Жабр келганларга кулимсираб қаради:

— Мен киляпман иш... — деди. Ўчоқдаги темирни кўрсатиб, ишора қилди: — Темир...

Бу одам чиндан ҳам юмалоқёстиқ қилиб гапирди. Унинг гапираётган сўзларини тўлиқ тушунишни истаган киши у сарф қилган ғайратчалик ғайрат сарфлаши керак эди.

Ночор у ердан лабларини буриштириб чиқиб кетишди.

Бечора темирчи, бўлиб ўтган воқеалардан бехабар, бутун кучқудратини ишга солиб, темирни яссилаш билан овора эди.

Асл бир араб фарзандига устозлик қилганини у қаёқдан ҳам билсин?

** *

Расулуллоҳ (с.а.в.) Раббиларидан келган оятларни саҳобийларига етказдилар:

«Имон келтирган, ўз имонларини зулм (ширк) билан аралаштирмаган зотлар — ана ўшалар хотиржам бўлгувчидирлар ва ўшалар ҳидоят топгувчидирлар». (Анъом, 82.)

Ғамгин бир овоз эгилган бошларга, намланган кўзларга таржимон бўлди:

— Ё Расулуллоҳ, — деди, — орамизда зулм қилмаганлар ҳам бормикан?..

Бениҳоя соф, бениҳоя самимий сўзлар эди бу. Оллоҳ ваъда қилган буюк бир неъмат бизга насиб этмас эканда, дея хавотирга тушган бир юракдан фарёд бўлиб отилиб чиққан овоз эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу сўзларни сўйлаганга ўгирилдилар:

— Оллоҳ таолонниг муроди сизлар тушунаётгандай эмас. Бу оятдаги зулм ширк маъносидадир. Луқмони Ҳакимнинг ўғлига таъкидлаган сўзларини эшитмаганми сизлар? У ўғлига: «Ҳеч шубҳа қилмагинки, ширк бениҳоя бир зулмдир», деган эди, — деб марҳамат қилдилар. (Имом Бухорий, 6/20.)

** *

Расулуллоҳ (с.а.в.) намоз ўқиётган чоқларида Қуръони каримни баланд овоз билан тиловат қилардилар. Бир куни у кишининг тиловатларини эшитган мушриклар ғоят ҳаддан ошиб, тарбиясизларча, юзсизлик қилди:

— Ўқиганни ҳам, уни туширганни ҳам, келтирганни ҳам... — деб сўкинди.

Бундан ўзлари завқланди ҳам. Ҳар сафар Қуръон тиловатини эшитганда сўкишни кўнгилларига тугиб қўйди. Аммо бу орада Жаноби Ҳақ Набиййи акрамига жўнатган бир фармон билан масалани ислоҳ қилди:

«Сиз намозингизни баланд овозда, ошкора қилиб ҳам юборманг (токи мушриклар эшитиб, Қуръонни ҳақорат қилмасинлар) ва ўта махфий ҳам қилиб юборманг (токи саҳобларингиз тинглаб фойдалансинлар). Шуларнинг ўртасидаги йўлни тутинг!» (Ал-Исро, 110; Имом Бухорий, 5/229.)

Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) намозни паст овозда ўқийдиган бўлдилар.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобаларига қилинаётган жабр, зулм ва ҳақоратлар илоҳий девонда ёзиб борилаётган эди. Уларнинг жазоси бериладиган, афсусланиб бармоқларини тишлайдиган кунлар ҳам келиши муқаррар.

Чунончи бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) кўкка қараб қўлларини дуога очдилар:

— Оллоҳим, уларга Юсуф пайғамбар даврида келтирганинг қаҳатчиликни келтир! — дея илтижо қилдилар.

Натижада ёмғирлар ёғмай қолди, даҳшатли қурғоқчилик бошланди. Бу қурғоқчилик шу қадар мудҳиш тус олдики, очликдан мажолсиз қолган инсонлар осмонга тикилганларида фақат бир туманни, тутунни кўраётгандай бўлардилар.

Бутлар хар доимгидай гунг ва соқов эди. Шу кунгача улар бирон ишнинг чорасини топа

олмаган, бу сафар ҳам қурғоқчиликка қарши бирон тадбир топадиганга ўхшамас эди.

Зеҳнлар ўтмиш кунларнинг хотираларига берилди. Абдулмутталиб, Абу Толиб ёмғир дуосига чиққан кунларни эсладилар. Ушанда улар билан бирга бўлган нур юзли гўдак кўз ўнгларига келди.

Абу Толиб ҳали ҳаёт. Унинг ёнида бўлган нурли бола эса, ҳозир капкатта киши. Аммо энди уларнинг ҳузурига бош уриб боришга, «Илтимос, ёмғир дуосига чиқайлик», дейишга бетлари чидамасди. Қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай ҳақорат қилинган, жабрзулмнинг ҳамма тури синаб кўрилган, ашаддий бир душман каби, уларга нисбатан аёвсиз бир сиёсат юргизилган эди. Буларнинг барчасини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, худди ҳеч нарса бўлмаган каби келиш, ҳолаҳвол сўрашиб, дуо қилишини сўраш учун ўта орсиз, юзсиз, уятсиз, пасткаш бир одам бўлиш керак.

Аммо қурғоқчилик тобора шиддатли тус олар, халқни бутунлай умидсиз қилиб қўяётган эди. Дуоси бешак қабул қилинадиган улуғ зотга бош уриб боришдан ўзга чора қолмади...

Ниқоят, бу ишни Абу Суфён зиммасига олди. Буюклар буюгининг ҳузурларига борди. Зулмга учраган, ҳаққи қўлидан тортиб олинган мазлумларга хос бир ялинчоқ овозда:

— Эй Муҳаммад, сен Оллоҳга итоат, қариндошларга эзгулик қилишни амр этасан. Ҳолбуки, қавминг очликдан ўладиган аҳволга тушди. Оллоҳга бир дуо қилсанг, ҳаммамиз ҳам бу офатдан қутулардик.

Шу зайлда Абу Суфён энди сўнгги сўз Расулуллоҳга (с.а.в.) тегишли эканини, охироқибатда у зотнинг ҳукмлари ўтишини, коинотнинг Буюк Эгаси олдида қурайшларнинг эмас, Ҳабиби акрамининг илтижоси мўътабар бўлишини ушбу мурожаат билан очиқ-ойдин эътироф этган эди.

Бу сўзларни сўзлар экан, йиллар давомида ақл бовар қилмас нене зулмларни мўминларга раво кўрганлар гўё улар эмасди. Гўёки Абу Толиб маҳалласига мўминларни ҳибс этиб, уч йил очарчиликда қолдирганлари ёдларида йўқ,..

— Жуда соз, — деб кўндилар жаноби Сарвари Олам. — Бордию дуоим қабул бўлса, имон келтирасизларми?!

Абу Суфён самимий бир овоз билан жавоб берди:

— Халқ тўхтовсиз равишда бир овоздан ёлвормоқда. Эй Раббимиз, бизни бу азобдан халос эт, энди имон келтирамиз, дея илтижо қилмоқда. — Шундан кейин қўшимча қилди: — Аҳволимиз мана шунақа, илтижоларимиз ҳам шундай.

Неча марта берилган ваъдалар қандай бузилган бўлса, бу сўзга ҳам улар осонгина хиёнат қилишлари мумкин эди. Яна жодугар дейишлари, яна ёлғончи, фолбин, шоир... каби бўҳтонлар ёғдиришлари бегумон эди. Аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) яхшиликни раво кўрдилар. Қолаверса, мўминларга шунча йиллардан бери қилинган жабрзулмнинг алами олинган эди.

Абу Суфён сўзларида давом этди:

— Гапимга ишон, ўтинаман, эй Муҳаммад, осмон кўзимга худди бир туман каби хира кўринадиган бўлиб қолди. Азалдан мовий, тиниқ бўлиб келган самоват ҳам ўзгариб колгандек. Бундан ташқари оёққа туришим бир азоб, юришим бир азоб, уйда овқат деб зорланаётган гўдакларга бирон егулик топиш яна бир бедаво дард.

Абу Суфён рост гапирар эди.

Оч меъдалар онгларга ҳукм қила бошлаган, кўзлар, нигоҳлар маҳзун, тиззалар қалтирар, кўк юзини эса, хира бир туман қоплаб олган эди.

Буюк Оллоҳ ҳам навбатдаги оятларила ҳол чиндан ҳам шундай эканини тасдиқлади:

«Бас, (эй Муҳаммад,) сиз осмон очиқ (яъни, барчага кўринадиган) тутунни келтирадиган кунга кўз тутинг. У (тутун барча) одамларни ўраб олур. Бу аламли азобдир. Шунда улар: «Парвардигоро, ўзинг бизлардан бу азобни аритгин. Албатта, бизлар имон келтиргувчидирмиз», дейдилар». (Духон, 10-12.)

Натижада Расули муҳтарам (с.а.в.) қаҳатчиликнинг бекор қилинишини сўраб дуо ўқидилар. Офат бартараф бўлганидан дарак бериб, ёмғирлар ёғди, ҳаёт яна эски ҳолига қайтди.

Машаққатли кунлар унутилди. Абу Суфённинг ваъдасини ҳеч ким, ҳатто Абу Суфённинг ўзи ҳам эсламади. Энди ҳеч ким бу ваъданинг устидан чиқмаслигини ўзининг отини билгандай яхши биларди Абу Суфён.

Аммо бу хиёнат шундайича қолиб кетаверадими?

Ушбу саволга жавоб тариқасида Буюк Оллоҳ бундай амр этди:

«Улар учун қаёқдан ҳам (бошларига тушган бу офатлардан) эслатмаибрат олиш бўлсин?! Ҳолбуки, уларга очиқ пайғамбар (яъни, Муҳаммад а.с.) келди, сўнгра ундан юз ўгирдилар ва «(Унга Қуръон бировлар томонидан) ўргатиб қўйилган, (у) мажнун», дедиларку?! Албатта, биз бу азобни (сизлардан) бир оз (вақтгача) аритгувчидирмиз, сизлар ҳам, шакшубҳасиз, (ўз куфру исёнларингизга) қайтгувчидирсизлар. Биз даҳшатли ушлаш билан ушлайдиган кунда (яъни, Бадр жангида ёки қиёмат кунида биз улардан) интиқом олурмиз. Зеро, Биз интиком олгувчидирмиз». (Духон, 13-16.)

Бу интиқом яқин келажакда, Бадр жангида бошланажак ва то қиёмат кунигача давом этажак. (Имом Бухорий, 2/15 — 19 ва 6/39.)

МАШҲУР ШОИР ОЪША ҚАНДАЙ АЛДАНДИ?

Оъша донғи бутун Араб ярим оролига тарқалган улуғ шоир эди. Бакр ибн Воил ўғилларидан бўлган бу машҳур шоир Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳақларида озмикўпми эшитган. Ислом дини келтирган аҳкомлар ва Қуръондан баъзи оятларни тинглаган, «Бориб унинг динига кирайин», деб туясига мингану Маккага йўл олган эди.

Йўл бўйи Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳақларида ўйлаб келди, у зотни мадҳ этувчи шеърлар ўқиди.

Ниҳоят бир куни офтоб ботай деб турганида Утба ибн Робианинг уйига етиб келди. Кўпдан бери кўришмаган қадрдон дўстлар қучоқ очиб кўришдилар.

— Хуш келибсан, эй азиз дўстим, — деб қаршилади Утба.

— Сизларни жуда соғиндим, эй Утба! — деди Оъша.

Ўша кеча Оъша Утба ибн Робианинг азиз меҳмони

бўлди. Иззатикром, илтифот кўрсатилди. Оъша гўзал шеърлардан ўқиб берди.

Шу аснода Абдумутталибнинг невараси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳақида битилган бир қасидани ҳам ўқиди.

Утба арабларнинг одатига хилоф иш тутмаслик учун Оъшанинг келишидан асл мақсадини сўрамади. Бироқ мақсад шундоқ ҳам маълум эди. Оъшанинг тўсатдан Расулуллоҳ (с.а.в.) тўғриларида гап бошлаганини бошқача изоҳлаб бўлмас эди.

— Роса чарчагансан, эй Оъша, вақтлироқ ётиб дамингни ол, бошқа гапларни эртага гаплашамиз.

— Гапинг тўғри, Утба. Йўл азоби — гўр азоби, деб бекор айтишмаган. Кўзларим юмилиб кетяпти, ётсам, ётақолай.

Кўп ўтмай эшитила бошлаган ҳуррак унинг қаттиқ уйқуга кетганини билдирди.

* * *

Тун ярмида Абу Жаҳлнинг эшиги тақиллади. Овозидан Утба ибн Робиа эканини таниди. Аёнки бундай бемаҳалда беҳуда келмаган. Бир муддат суҳбатлашдилар. Хайрлашар эканлар, Абу Жаҳл:

— Мен боргунча, уни ҳеч қаёққа чиқарма! — деб тайинлади.

Утба қоронғулик ичида ғойиб бўлди. Орқасидан эшик ёпиларёпилмас минғирлаган овоз эшитилди: «Ҳап сенимиди, тўнғиз шоир... Унинг динига кириб бўпсан!..»

Абу Жаҳл ўша кеча мижжа қоқмай у ёқданбу ёққа ағанаб чикди. Хаёли Оъшани қандай

қилиб фикридан қайтариш билан банд эди. Уйқуга кетса, тушига кирар, уйғонса, яна у ҳақда ўйлар эди.

Шундай улуғ шоир ҳам ақлсизлик қилса, мусулмонларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилиб, янада ҳаддиларидан ошиб кетмайдиларми?..

Эрталабгача Оъшани бўралаб сўкиб чикди.

Тонгсаҳарда Утбаникига кириб келди. Юзида айёрона бир табассум ифодаси бор эди.

— Хуш келибсан, эй Шоир, бизни жуда хурсанд қилдинг, — деб Оъшага илтифот кўргазди. Оъша ҳам шунга муносиб жавоб қилди:

— Хуш вақт бўл, эй Абул Ҳакам.

Абу Жаҳл ўтирди. Туя сути билан меҳмон қилинди. Ҳолаҳвол сўралди. Ниҳоят Абу Жаҳл Оъшадан келиш мақсадини сўради.

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг динига кириш учун келдим, эй Абул Ҳакам, — дея жавоб берди Оъша соддадиллик билан.

— Нима?!

Оъша қабиласига етиб борган баъзи бир хабарлар ҳақида сўзлаб берди. Янги дин хусусида шахсан пайғамбарнинг ўзидан маълумот олиб ўрганиш ниятида эканини билдирди.

— Лекин, — дея гап бошлади Абу Жаҳл, — бир динга киргач, ўша диннинг ҳукмларига қатъий риоя қилиш лозимлигини ҳам билсанг керак?!

— Албатта.

— Жуда соз. У ҳолда Муҳаммаднинг зинони тақиқлаганини биласанми?

Оъша лабларини буриштирди:

— Билмас эдим. Лекин ёшим ўтиб, зино ҳам хуш ёқмай қолди, бундан кейин зинодан узоқ туриш энди мен учун у кадар қийин бўлмаса керак.

— Хўп, майли.. Ичкилик ҳақидачи, ичкилик ҳақида нима дейсан? Ахир, у ҳам тақиқланган.

—Тушунмадим.

—Муҳаммад ичкиликни ҳам тақиқлаяпти. Оъша кўзларини каттакатта очди.

—Мана буниси энди чатоқ экан, — деди.

—Яъни?

— Яъни, ичкиликни жуда яхши кўраман. Ундан воз кечишим мушкул бўлади.

Оъшанинг кайфияти бузилди. Абу Жаҳлни титрок босган эди. Сукунатни Утба бузди.

— Қандай қарорга келдинг, эй Оъша?

— Иш чаппасига кетди. Яхшиси — ҳозироқ уйга қайтиб, бир йил давомида тўйибтўйиб шароб ичиб олишим керак. Бир йилдан сўнг келиб унинг динига кираман. Бундан бошқа чора кўрмаяпман.

—Уйлайманки, бу энг маъқул фикр бўлса керак.

Утба коса тўла хурмо шаробини, ғалаба билан қутлаётгандай қилиб, уларнинг олдига суриб қўйди. Оъша сингари ақли расо кишининг ўйлаб иш қилиши лозимлигини ҳам қўшимча қилди. Донғи Ямандан Дамашққача кетган бир шоир янги бир динга кирсаю, унинг ҳукмларига риоя қилмаса, обрўйи тушиб кетишини ифода этди.

Оъша хайрлашди.

—Яна келгин, кутиб қоламиз, эй шоирларнниг султони!

—Яна келиб, уйларимизга файз киритишингдан умидвормиз, эй Оъша!

—Сизлар ҳам хуш қолинглар, дўстлар. Бир йилдан сўнг, ҳаҳа, яна бир йилдан сўнг келаман, хайр!

Оъша тўғри маслаҳат берган дўстларига қайтақайта миннатдорлик билдириб, кетди. Бир йил давомида тўйибтўйиб шароб ичиш ҳақида ўйлайўйлай, Маккани тарк эди.

Ниятига етган ҳамтовоқлар у кўздан ғойиб бўлгунча орқасидан кузатиб туришди. Сўнгра бир-бирларига тикилишди:

—Ифлос шоир, жиннилиги тутиб фикридан қайтмаса эди, деб шундай кўрқдимки...

—Жуда айёрсанда, эй Абул Хакам. Лот ҳаққи қасам ичаманки, агар мен шайтон бўлсам, ишларимни битиришдан олдин маслаҳатлашиш учун қирқ марта бўлса ҳам эшигингни тақиллатардим сенинг.

* * *

Оъша шундай узоқ йўлни босиб, заҳмат чекиб Маккага етиб келганида, ҳеч бўлмаса бир марта Расулуллоҳ (с.а.в.) билан кўришиши лозим эмасмиди?

Бу жиҳатдан уни маъзур тутиб бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Абу Жаҳл билан Утбага келсак, улар мушрикларга хос вазифани бажарган эдилар. Умрларини имон ва ирфон лашкарини тўхтатиш ва маҳв этиш йўлида сарфлаган кишилардан: «Жуда яхши ўйлабсан, минг афсуски, биз ҳали ҳам имон келтиришга журъат қилолмадик, сени самимий қутлаймиз, эй Оъша!» дейишларини кутиб бўлмас эди, албатта.

Оъша кетди. Айтганидай, буткул ичкиликка берилди. Кетмакет шароб ичарди. Ичган сари завқланар, завқланган сари яна ичар эди.

Бир йилдан сўнг ичкиликка чек қўяман, деб ўйлади.

Аммо у кунларгача етиб боролмаслигини ажал эшигини тақиллатиб келганида билди. Тутган жойидан кесадиган, олмасдан кетмайдиган ажал ўз ишини қилди: Оъша ҳаёт билан видолашиб, кўзларини юмди.

Бир йил яшаса, келиб мусулмон бўлармиди ёки «Ҳали ҳам ичкиликка тўймадим», деб яна бир йил ичкиликка берилармиди?

Булар қиёмат куни бўладиган хисобкитобга ҳавола этиладиган мавзудир. Уни ҳам, уни алдаганларни ҳам ҳисоб-китоб қиладиган Буюк Оллоҳ нима қилишни, қандай йўл тутишни, албатта, биздан кўра яхшироқ билади.

Аммо узоқ йўлни машаққат чекиб босиб келган, лекин илк дафъа эшитган бирикки оғиз сўзгаёқ алданиб, нур юзли пайғамбар (с.а.в.) билан учрашмай кетган Оъшага ачинмай ҳам бўлмайди. (Ибн Хишом. «Ассийратуннабавиййа», 2/25 — 28.)

* * *

Жаноби пайғамбаримиз (с.а.в.) қурайшийларни абадий саодат йўлига чорлар эканлар, улар бу ишни қандай қилиб бўлса ҳам бузишга уринишдан ҳеч чарчамас эдилар.

«Ҳеч бўлмаса, бу Қуръон икки шаҳарнинг ҳокими бўлган улуғ мартабали кишилардан бирига туширилмасмиди?» каби мишмишлар тарқала бошлади бу гал.

Икки шаҳарнинг ҳокимлари деб тан олинган кишилар Маккада Валид ибн Муғийра, Тоифда Урва ибн Масъуд Сақафий эди. Ҳатто Валид бу борадаги фикрини очиқчасига ифода этиб: «Муҳаммад «Оллоҳ каломидир» деб даъво қилаётган сўзлар чиндан ҳам Оллоҳ каломи бўлганида, менга ёхуд Урва ибн Масъудга тушириларди», деган.(Қуртубий тафсири, 16-83.)

Ниҳоят, навбатдаги оятлар бу масалани ҳам ҳал этди:

«Яна улар: «Бу Қуръон икки қишлоқнинг биридан булган улуғ одамга нозил қилинганида эди», дедилар. (Эй Муҳаммад,) Парвардигорингизнинг раҳмати (бўлмиш пайғамбарлик)ни ўшалар тақсимлайдиларми?! Йўқ (асло ундай эмас)! Уларнинг ҳаёти дунёдаги маишат-тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз Ўзимиз тақсимлаганмиз ва баъзилари баъзиларини қўл остига олиб (ишлатиш) учун айримларини айримларидан баланд даража-мартабаларга кўтариб қўйганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати пайғамбарлик эса, улар тўплайдиган нарса (мол-дунё)ларидан яхшироқдир». (Зуҳруф, 31-32.)

Бу масалада яна ҳаддидан ошганлар, пайғамбарларга берилган нарсалар бизга ҳам берилмагунча имон келтирмаймиз, дедилар.

Жаноби Ҳақ бемаъни таклифу истаклар билан суюкли расулини безор қилган маккаликларга бир жавоб ва пайғамбарига бир тасалли тариқасида ушбу оятларни туширди:

«Қачон уларга (Муҳаммад пайғамбар эканлиги ҳақида) бирон оят келса, «То бизга ҳам Оллоҳнниг пайғамбарларига берилган оятларга ўхшаш оятлар берилмагунича, ҳаргиз имон келтирмаймиз», дедилар. Оллоҳ пайғамбарлик вазифасини қаерга қўйишни яхшироқ билгувчидир. Яқинда бундай жиноятқорларга қилиб ўтган ҳийланаиранглари сабабли Оллоҳ ҳузурида хорлик ва қаттиқ азоб етажакдир». (Анъом, 124)

ҚАЙҒУ ЙИЛИ
Фидокор амакининг ўлими

Абу Толиб анча кексайиб қолди. Ортиқ ҳаёт машаққатларини кўтаргудай ҳоли ҳам қолмади. Отаси Абдулмутталибнинг вафотидан буён қирқ йилга яқин вақт ўтди ахир. Бир куни у касалга чалинди ва ётиб қолди.

Қурайш зодагонларидан Утба, Шайба, Абу Жаҳл Умаиа, Абу Суфён ва яна бир неча киши уни зиёрат кдлдилар. «Тузалиб кетгин», дедилар. Гап орасида:

Эй Абу Толиб, биз сени ҳурмат қиламиз. Бу касаллик сени тўшакка михлаб қўйибди. Агар бирон корҳол юз берса, яхши бўлмайди, деб қўрқамиз. Шунча пайтдан бери жиянинг билан бизларнинг ўртамизда давом этиб келаётган қарамақаршиликни биласан. Уни ҳозир чақиртиргинда, мумкин бўлса, ўзаро бир битимга келишайлик. Унинг бизга зарари тегмасин, биздан ҳам унга зиён-заҳмат етмасин, — дедилар.

Абу Толиб бу таклифни маъқул кўрди. Хабар юборди. Расулуллоҳ (с.а.в.) дарҳол етиб келдилар. Ашаддий кофирларнинг ҳам шу ерда эканини кўрдилар. Амакиларининг ёнбошига ўтирдилар.

Абу Толиб чарчаган, ҳорғин товуш билан гап бошлади:

— Эй жияним, булар қавмнинг улуғларидир. Сен билан бир битим тузиш учун келишибди.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Жуда соз, амакижон, — дея меҳмонларга ўгирилдилар: — Сизлардан биргина калима талаб қилиняпти. Шуни айтсаларингиз, натижада бутун араблар сизларнинг ҳокимиятингиз остида бўладилар. Араб бўлмаганлар ҳам сизларнниг йўлингизга ва динингизга кирадилар.

Абу Жаҳл шошибпишиб:

—Бир эмас, ўнта калима сўзлашга ҳам тайёрмиз. Отангнинг боши ҳаққи, шу муаммога чек қўяйлик энди,— деди.

—«Ла илаҳа иллаллоҳ» дейсизлар ва барча бутлардан воз кечасизлар!

Улар ҳайратдан «Ана холос!» дея чапак чалиб юбордилар. Бу билан «Бўлмайди!» демоқчи эдилар. Хафсалалари пир бўлди.

—Ё Муҳаммад, сен шунча илоҳни ёлғиз бир илоҳга айлантирмоқчимисан?!

—Тўғриси, бу жуда бўлмағур нарса, — дея ўринларидан турдилар, истеҳзога тўлиқ қарашлар билан хонадан чиқиб кетдилар.

Қиёфаларида, одим отишларида ҳамон кибр ва мағрурлик ифодаси... Йўлда борарканлар, ҳайратларини яшира олмасдилар:

—Наҳотки ундан бошқа ҳеч ким бунақа нарсаларни билмаса? Унинг динига ўхшаш бир дин ҳақида эшитган одам борми ҳеч?..

—Азизим, уйдирма қанақа бўлади? Катта бир шаҳарда шунча инсон яшасаю, ёлғиз унгагина ваҳий келадими? Бунақа бўлмайди, ахир...

— Менга Абу Толиб жуда паришон бўлиб кўринди, — деди Умайя. — Тўшакдан қайтиб турмаса керак.

—Яхши одам, мард одам, аммо шу жияни масаласида хаддан ташкари ўжарлик қилдида.

—Бу ўжарлик энди узоғи билан бир ҳафта давом этади. Шундан кейин, мана кўрасиз, майдон ўзимизга қолади.

—Онадан туғилганига пушаймон бўладиган кунлар амакисининг ажали билан биргаликда келса шояд...

Шу тарз сухбатлашасуҳбатлаша, тарқалдилар.

Абу Толиб ажали яқин эканини сезарди. Ёнида ўтирган ва Ислом аҳкомларидан баҳс этган жияни бир муддат ўтгач, ижозат сўраб, хайрлашди. У кетар экан, Абу Толибнинг кўзларидан бир неча томчи аччик ёш тўкилди. Бу кўзёшлари тугаб бораётган умр шамчироғи учун эмас, отасидан кейин бор кучқудрати ва ғайратини ишга солиб, ўта самимийлик билан бажариб келган ғоят аҳамиятли вазифадан айрилишга мажбур қолгани учун тўкилаётган эди. Чунки яна бир неча кун ўтгач, сўнгги нафасларини беражак ва ҳар бир инсон бўйсунишга мажбур бўлган илохий ҳукмга у ҳам итоат этажак, ҳисоб ва жазо оламига кетажак, аммо укалари ўзидан кейин бу қутлуғ вазифани давом эттира олмасди.

Биринчи укаси Абу Лаҳаб Маккада сўзи ўтадиган, обрўйи баланд бир киши. Бироқ Расулуллоҳга (с.а.в.) ашаддий бир душман кўзи билан қаради.

Иккинчи укаси Аббоснинг ҳам қўлидан келмайди бу иш. Бундай масъулиятли ва хавфли бир вазифани зиммасига оладиган ҳолатда эмас эди у. Тижоратга, судхўрликка муккасидан кетган. Расулуллоҳни (с.а.в.) ҳимоясига олган такдирда қурайшийларнинг унга душман бўлиб қолишидан ва оқибатда тижорат ва судхўрлик ишлари чаппасига кетишидан қўрқарди.

Яна бир укаси Ҳамза эса, мусулмон бўлган. Мусулмон бўлган кишининг сўзи ўтмас, ҳимояси ҳам тан олинмас эди[1].

Ҳол шундай экан, жияни ҳимоясиз қолиши муқаррар. Ушбу дамда кўзларидан оқиб соқолини ҳўллаётган ёш томчиларининг сабаби мана шу фикрлар эди.

Бир пайтлар отаонасидан, кейинроқ бобосидан жудо бўлиб қолган, гўдаклик пайтида боқиб олган суюкли жиянини, ҳозирда катта бир киши бўлиб етишганига қарамай, душманлар билан қуршалган бир ҳолатда ташлаб кетишга мажбур бўлаётгани уни йиғлатаётган эди.

Қурайшийларнинг нене таҳдиду тазйиқини мардларча бартараф этган, унга душманлик билан чўзилган қўлларга доимо сўнгги томчи қони қолгунча қарши туришини ва бундан жуда ҳам фахрланишини кўкрак кериб ҳайқирган, бу гапни бир марта эмас, ўнйигирма марталаб қайтарган эди. Ва Расулуллоҳга (с.а.в.) қарши қилинган ҳар қандай хужум унинг мард, жасур ва ўлимдан қўрқмас кўксига дуч келиб чилпарчин бўлар эди.

Битта эканку, мингта Абу Жаҳл бўлганида ҳам, босган қадамини орқага қайтиб олган эмас. Натижада уч йил давомида очликка қарши курашишига тўғри келди, неча марта ўлим хавфи яқинлашганида, жирканч нарсаларни ейишга ҳам ўзини мажбур қилди, дарахт пўстлоқларини кемирди, ўлган ҳайвонларнинг териларини, тирноқларини чайнаб шимиди, меъдасининг фарёдини эшитмаслик учун қорнига тош боғлади, жуда қаттиқ қийналган пайтларида ерга думалаб ағанади, бироқ суюкли жиянини кечаю кундуз қўриқлашдан чарчамади. Виждони бо[1]р ҳеч бир инсон ҳеч бир мусулмон: «Абу Толиб яна мана бундай қилиши керак эди... Мен Муҳаммадни ундан ҳам яхшироқ ҳимоя этардим», дея олмайди. Дегудай бўлса, ўйламайнетмай, ҳовлиқмалик қилиб айтилган гап бўлади.

* * *

Бир неча кундан кейин Абу Жаҳл билан Абдуллоҳ ибн Абу Умайя биргабирга яна Абу Толибни бориб кўришди.

Аслида, уларнинг орасида кўп йиллардан бери давом этиб келаётган, баъзан яхши, баъзан аччиқ хотиралар билан тўла дўстлик ришталари бор эди.

Эҳтимол, муғамбир Абу Жаҳл касал ётган бир дўстини зиёрат қилиш баҳонасида у ўлим сари кетяптими ёки ҳаётга қайтяптими эканини аниқлаш учун келган бўлиши ҳам мумкин.

[1] Ўша кунларда Абдулмутталибнинг ўғилларидан яна кимлар ҳаёт бўлганини биз билмаймиз. (Муаллиф.)

Улар касалнинг ёнига ўтирар эканлар, ушбу дамда Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам келиб қолдилар. Амакиларидан Ҳолаҳвол сўрадилар, тасалли бердилар. Нариги томонга ўтирдилар.

Ўтирдилар, аммо жондан азиз амакиларининг аҳволи анча ёмонлашганини, ўлимга яна бир одим яқинлашганини сездилар. Абу Толиб энди бир неча ҳафта эмас, бир неча кун ҳам яшай олмаслиги аён бўлиб қолган эди. Унга сўнгги соатларида бўлса ҳам, бир яхшилик қилишлари мумкин эди:

— Амакижон, бир мартагина бўлса ҳам, «Ла илаҳа иллаллоҳ», денг. Токи мен вақтисоати келганида, Оллоҳнинг ҳузурида бунга гувоҳлик бера олайин, — дедилар.

Пайғамбар (с.а.в.) шундай дер эканлар, Абу Жаҳл билан унинг биродари:

— Ё Абу Толиб, Абдулмутталибнинг динидан юз ўгирасанми?! — деб уни қайтаришга уринишди.

Пайғамбарлар султони такрортакрор ўтиндилар, бир марта бўлса ҳам тавҳид калимасини сўзланг, дея ёлвордилар, бироқ анави иккаласи ҳар сафар Абдулмутталибнинг динини ёдига солар, имон келтиришига тўсқинлик қилар эди.

Абу Толиб жим. Аҳёнаҳёнда инграб кўяр, ҳар нафас олганида кўкси кўтарилибтушиб, хириллаган бўғиқ товуш эшитилар эди. Кўп вақти қолмаганини билиш қийин эмасди. Мадор буткул қочди. Суҳбатдошларга жавоб беришга ҳам мажол йўқ.

Оламларнинг Султони, кўзларимизнинг нури севгили пайғамбаримиз қирқ йилдан бери жуда кўп яхшиликлар кўрган амакиларининг куфр деворидан ошиб ўтиб имон доирасига киришини орзу қилар, охиратда — буюк шафоат ҳаққи берилган онда суюкли амакиларининг қўлидан тутишни, унга қила оладиган энг катта ёрдамларини беришни хоҳлар эдилар.

Шу аснода Абу Толибнинг лаблари қимирлади, пичирлаш оҳангида шу сўзлари эшитилди:

— У Абдумутталибнинг динидадир.

Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умаййанинг юзларида шайтоний бир табассум пайдо бўлди. Кўзларида зафар учқунлари порлади. «Амакингни ҳам сенга бериб қўймадик. Охироқибатда зафар биз томонда бўлади», деяётгандек киноялинигоҳлар Расулуллоҳга (с.а.в.) қадалди.

Пайғамбар (с.а.в.) жаноблариниг дардлари беқиёс эди. Ҳаётда энг кўп ёрдамини кўрган ва жуда суюкли амакиларини абадий йўқотиш остонасида эдилар. Бу айрилиқ қайтиши бўлмаган бир айрилиқ эди.

— Тақиқланадиган кунгача сизнинг афв этилишингиз учун дуо қиламан, амакижон, — дедилар ва у ердан чиқиб кетдилар. (Имом Бухорий. 2/98.)

* * *

Абу Толиб нима учун имон келтирмади?

Жиянини шу қадар яхши кўрган бир инсон унинг ҳурмати учун бир мартагина бўлса ҳам «Ла илаҳа иллаллоҳ» дея олмасмиди?

Бунинг сабабларини ёлғиз Оллоҳ билади. Биз ожизона ақлимиз ила фақат тахмин қилишимиз мумкин. Эҳтимол, имон келтирсам, Расулуллоҳни (с.а.в.) ҳимояга олиш имкониятидан маҳрум бўлиб қоламан, деб хавотирлангандир. Чунки қурайшлар орасида беқиёс бир обрўэътибори бор эди. Аммо имон келтирса, бу эътиборга путур етиб, мушриклар Расулуллоҳга (с.а.в.) қарши ҳар қандай фитнафасодни қўзғай олар эдилар.

Ахир, бир пайтлар қурайшларнинг суюкли, ҳурматли бир улуғ кишиси бўлган Абу Бакр имон келтирганидан сўнг бутунлай менсимай қўйилган, ҳатто хушидан кетгунича калтакланган эди. Ва ўша кундан эътиборан кимсани ҳимоясига олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Акс ҳолда, Ҳабашистондан қайтган мусулмонлар Валид ибн Муғийра, Абу Ухайха, каби мушрикларнинг ҳимоясига киришга мажбур бўлармидилар?..

Хўш, унда ҳаётининг сўнгги кунларигача содиқ бўлиб қолган динини ўлим тўшагида

ётганида ўзгартира олмасмиди? Жиянини чақиртириб, ҳеч кимга эшиттирмай, унинг қулоғига калимаи тавҳидни сўзлаб, бу ишни сир сақлашни илтимос қилса бўлмасмиди?

Булар Абу Толиб учун мушкул эмасди. Ушбу калимани келтирса, жияни бениҳоя қувонишини ҳам биларди.

Бу масалани унинг Расулуллоҳга (с.а.в.) айтган қуйидаги сузлари ойдинлаштиради:

— Эй суюкли жияним! Оллоҳ ҳаққи, агар сенинг ва болаларингнинг бошига балолар ёғдириб, ёмонлик қилишларидан ташвишланмаганимда ва қурайшийлар, ўлимдан қўрқиб шундай деди, тарзида бўҳтон ёғдиришларидан андиша қилмаганимда, ҳеч иккиланмай шу сўзларни айтган бўлардим. Ҳатто бошқа бир мақсадният билан бўлмаса ҳам, азбаройи сени хурсанд қилиш учунгина сўзлардим.

Мана шу икки хусус туфайли Абу Толиб охиратга калимаи тавҳидни сўзламай кетди балки...

Биринчидан, суюкли жиянини қўриқлаш ва ҳимоя қила олиш учун бўлса, иккинчидан, «Абу Толиб ўзи боқиб катта қилган етимининг динига кирди, ўлимдан кейинги ҳаёт уни қўрқитди», деювчиларнинг муҳокамасидан жиянини халос этиш учун имон келтирмагандир...

Аммо токи инсоният бор экан, ер юзида биттагина мусулмон қолгунича ҳам, Саййиди анбиёга беминнат хизмат қилгани эвазига Абу Толибнинг номи хотираларда яшайверади, меҳр-муҳаббат ва ҳурмат билан тилга олинаверади...

Аммо иккита ашаддий мушрик олдида сир бой бермаслик ниятида, сўнгги дақиқаларда бўлса ҳам, атиги бир марта, лоақал яширин тарзда калимаи тавҳидни сўзламагани нохуш қабул қилинаверса керак...

Балки у, сўзлайдиган бўлсам, бировдан яширибқўрқиб эмас, очиқчасига хитоб қилиб ҳайқираман. Ёруғ юз билан, кўкрак кериб, ҳеч кимдан андиша қилмай сўзлайман. Бугунги кунгача жиянимни ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлмаслик учун шу йўлни тутдим, бугундан эътиборан эса, қурайшлар орасида мусулмонман, деган хаёлни кўнглидан кечирган бўлса ажаб эмас. Ёки қалбан интилса ҳам, билатуриб ширк ҳаётида қолишни танлаган бўлиши ҳам мумкин.

Булар ёлғиз Оллоҳга маълум нарсалар.

Раҳмати чексиз бўлган Буюк Оллоҳ эртага Ҳабиби адибига қилган ушбу хизматлари эвазига Абу Толибга нисбатан қандай муомалада бўлажак? Расулуллоҳни (с.а.в.) севувчи ҳар бир мўминнинг қалбида Абу Толиб учун ҳосил бўладиган яра то қиёмат кунигача битмаяжакдир.

* * *

Бир куни Али (р.а.) саросима ичида, нафаси бўғизига тиқилиб кириб келди. У отасининг ўлими ҳақида хабар олиб келган эди. Бу хабарнинг маъниси қурайшийлар учун неча йиллардан буён ошиб ўтиш имконияти бўлмаган деворнинг йиқилиши демак эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) амакиларининг ўлимидан қаттиқ ғамқайғу чекдилар. Аччиқаччиқ кўзёшларини тўқдилар.

Бу машъум хабардан бунчалик таъсирланишларининг боиси амакилари ўзларига, Исломга самимий хизмат қилган бўлишига қарамай, имон доирасига кирмай вафот этгани эди.

Абу Толиб ортидан ғамаламга ботганлар билан бир қаторда, севинчдан байрам қилаётган одамларни ҳам қолдириб кетди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) амакиларининг жанозасига бордиларми, дафн этиш маросимида иштирок этдиларми?

Бу саволга жавоб берадиган иккита ривоят бор.

Биринчи ривоятга кўра, Али (р.а.) келади ва:

— Ё Расулуллоҳ (с.а.в.), кекса ва мушрик амакингиз вафот этди. Уни ким кўмади? — деб сўрайди.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Боргинда, ўзинг кўмиб келгин, бироқ то қайтиб келгунингча ҳеч ким билан гаплашма... — деб огоҳлантирадилар. Келганидан кейин эса, ғусл қилишни буюрадилар ва Алини дуо қиладилар.

Бу ривоят унчалик тўғри бўлмаса керак, деган фикрдамиз.

Иккинчи ривоятда ҳикоя этилишича эса, пайғамбаримиз (а.с.) кўмишда иштирок этадилар ва «Қариндошлик муносабатда хайр-мукофот топасиз, амакижон!» дея дуо қиладилар. (Ибн Касир. «Сияр». 2/124.)

Ушбу ривоят, ҳар ҳолда, ҳақиқатга яқинроқ бўлса ажаб эмас.

Расулуллоҳга (с.а.в.) мушрик ва мунофиқларнинг жаноза намозини ўқиш ҳамда уларнинг кабрини зиёрат қилиш ман этилган. Аммо бу тақиқ Макка даври ҳаётларига тааллуқли бўлмаган.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) суюкли амакиларининг афв этилиши учун қўлларини очиб, буюк даргоҳга тикилар, тинимсиз илтижо қилиб ёлворар эдилар.

Ниҳоят Қасос сурасининг 56ояти тушди:

«(Эй Муҳаммад,) аниқки, сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмассиз, лекин Оллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. У ҳидоят топгувчи зотларни яхшироқ билгувчидир». (Имом Бухорий, 247.)

Бу оят пайғамбаримизга тасалли берувчи оят эди.

Шу муносабат билан яна бир оят туширилган, деган фикр ҳам бор. Масалан, Имом Бухорий Абу Толибнинг вафоти билан боғлиқ ҳадисларни изоҳлар экан, фақат мана бу оят туширилганини таъкидлайди:

«На пайғамбар ва на мўминлар — мушриклар агарчи қариндошлари бўлса ҳам — уларнинг дўзах эгалари эканлари аниқ маълум бўлганидан кейин, мушриклар учун мағфират сўрашлари жоиз эмасдир». (Тавба, 113.)

Албатта, ушбу оят мавзуимизга алоқадордир, бунга шубҳа йўқ, аммо бу оят Тавба сурасига киритилганини, Тавба сураси эса Макка фатҳидан сўнг туширилганини назаримиздан қочирмаслигимиз даркор.

Бундан ташқари, Тавба сураси энг охири нозил қилинган сура экани ҳақидаги қарашлар ҳам мавжуддир. («Маноҳилул-Ирфон», 1/9096.)

Қисқаси, бу оятнинг нузул вақти билан Абу Толибнинг вафоти орасида камида ўн йиллик фарқ борлиги аниқдир...

Бошқа амакилари Аббос Расулуллоҳни (с.а.в.) топди ва ораларида бундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Амакинг Абу Толиб ўлаётганида ёнида эдим. Лаблари қимирлаётгандай бўлди. Дарров қулоғимни оғзига тутдим ва сўзлашини сен орзу қилиб юрган калималарни айтганини эшитдим, — деди.

Пайғамбаримиз қисқагина қилиб жавоб бердилар:

— Мен эшитмадим. (Ибн Касир. «Сияр». 2/124.)

Абу Толибнинг вафотидан сўнг ҳали бир ҳафта ҳам ўтмасдан бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) уйга бош ва юзкўзлари чангтўзонга беланган ҳолда кириб келдилар.

Қизларидан бири йиғлаб пешвоз чиқди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бошларини ювиб тозалар эканлар, қизларига тасалли берардилар:

— Қўй, йиғлама, қизалоғим, Оллоҳ таоло отангни паноҳида асрайди. — Сўнгра амакиларини эслаб, шундай дедилар: — Абу Толиб ҳаётлик чоғида қурайш менга қарши хоҳлаганини қила олмаган эди.

ЯНА БИР МИСЛСИЗ ЙЎҚОТИШ

Расулуллоҳ (с.а.в.) амакиларининг ўлими боис қалбларига тўлган ғам-ғуссадан ҳали батамом қутулмаган эдилар, қутулишлари ҳам жуда мушкул эди. Чунки унинг вафотини ғанимат деб билган мушрикларнинг қадам босишлари бирдан ўзгарган, ҳақоратлар, истеҳзою камситишлар ўн чандон ортган эди.

Устигаустак, бу орада Ҳазрати Ҳадича онамиз касал бўлиб қолди. Олтмиш олти ёшларга кирган эди. Қирқ ёшида учинчи марта, аммо жуда бахтли бир оила қурган, йигирма олти йилга яқин даврдан бери бу никоҳ келтирган ҳузурҳаловат ва саодатдан баҳраманд бўлиб келган, умр йўлдошининг зиммасига юкланган оғир масъулиятни енгиллатиш учун имкони борича ёрдамини аямаган, бу йўлда мумкин бўлган ҳар қандай моддий ва маънавий орага бош урган, хурсандлигида ҳам, ғамгинлигида ҳам ҳамдард ва шерик бўлиб, у кишининг энг яқин дўстига айланган эди. Йигирма олти йил давом этган оилавий ҳаётлари давомида у зот билан турмуш қурганига бирон марта ҳам пушаймон бўлмаган, эрини ҳам пушаймон қилдирмаган эди. У зоти шарифга бири биридан ширин, гулғунчадек ёқимтой фарзандлар ҳадя этган, дардларига ҳамдард бўлиб, бошларига кулфат тушган кезларда тасалли берган эди.

Бироқ бу фоний дунёда ҳеч ким абадий яшамас, бинобарин, у ҳам дунёдан кўз юмажак, ортида ёшли кўзлар, севги ва ҳурмат билан хотирлайдиган кўнгиллар қолдиражак эди.

Касал бўлиб тўшакка михланганида, ортиқ ўрнидан турмаслигига, бу дунёдан абадий кўз юмиши вақти яқинлашганига амин бўлди.

Сўнгги ўн йил давомида юз берган зиддиятлар, можаро ва тўполонлар унинг вужудини ҳолдан тойдирган эди. Ётоққа михланганидан кейин тобора мумдек эриб бораётгани аниқ бўлиб қолди.

Аммо бу чарчоққорғинлик фақат жисмига тегишли эди. Руҳияти ва ички маънавий оламига келсак, ҳамон бақувват, худди вайрона уйдан янги ва баланд, кенг ва шинам уйга кўчиб ўтаётган инсондек ҳузурҳаловатда эди.

Дунёда экилиши мумкин бўлган энг серҳосил уруғни эккан, энг улуғ Пайғамбарнинг раҳбарлиги ва ҳомийлиги остида эккан, охиратда ҳам бунинг эвазига ҳеч ким ололмайдиган ҳосилни олажак, жаннатда ўзи учун қурилган ва Расулуллоҳ (с.а.в.) бошлаб кирадиган кўшкка ўрнашажак, иншаоллоҳ!

Шу жиҳатдан, ўлим унинг учун жаннат ҳаётининг бошланиши эди. Оллоҳ таолонниг раҳматига, лутфу карами ва мислсиз эҳсонига ноил бўлиш демак эди.

Охират оламига файз киритиши боис, малаклар унинг қаршисига пешвоз чиқиб:

— Хуш келибсиз, эй Расулуллоҳнинг (с.а.в.) фидокор умр йўлдоши, тенги йўқ жуфти ҳалоли! — дея кутиб олишар, келажакда жаннатдаги кўшкига кўчиб ўтгунига қадар, Оллоҳ таолонинг азиз меҳмони сифатида иззатикром кўрар эди.

Бу дунёда Оллоҳнинг расулига муҳаббат қўйди, ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган оилавий осойишталикни барқарор қилди. Бунинг эвазига Оллоҳ таоло ҳам уни меҳмон қилиб, роҳатфароғатга қовуштиражак, кўз кўриб қулоқ эшитмаган, бандасининг хаёлига ҳам келмайдиган неъматларини эҳсон этажак, иншаоллоҳ!

Улуғ Ҳадича!.. Аёллар оламининг улуғ маликаси Ҳадича онамиз у ерда Расулуллоҳ (с.а.в.) келгунларига қадар Роббул Оламийннинг меҳмони бўлажак...

Аммо иккинчи жиҳатдан, бу ўлим Расулуллоҳдан (с.а.в.), суюкли фарзандларидан, муваққат бўлса ҳам, ажралиш демак эди. Уларни фоний дунёда, душманлар томонидан қилинажак жабрзулм, етказилажак озору зиён-заҳматлар ҳалқасига ташлаб кетиш демак эди. Мана шу жиҳатдан, ўлим аччиқ ва фожеали бир воқеа эди...

Пайғамбарлар Султони (с.а.в.) бир ғамдан фориғ бўлмай туриб, иккинчи бир ғамга

гирифтор бўлдилар. Узоқ йиллар давомида ҳеч бир эркак хотинидан кўрмаган садоқат ва меҳрни ундан кўрган, мушриклар берган шунча озору жабру жафоларни унинг ёнида енгиллатиб унутган, дардларига унинг ҳузурида дармон топган эдилар.

Тарихдан маълумки, Абу Толибнинг вафотидаўН сўнг кўп ўтмай Ҳадича онамиз буюк жаннатга чорлаб келган малаклар ҳамроҳлигида олис йўлга отланди. Сўнгги нафасини берар экан, лаблари орасидан: «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ» сўзлари чикди.

Бу сўзларни инсоният тарихида илк бор сўзлаш шарафи ҳам у зотга берилган эди. Шу сўзлар билан Исломдан аввалги ҳаётини тугатиб, шарафли имон ҳаётини бошлаган эди. Ҳозир ҳам охират оламига ушбу шаҳодат калималарини келтириб илк одимини отди, дунё ҳаётини шу сўзлар билан тугатди.

Раҳмат фаришталари келдилар, унинг атрофини ўраб олдилар:

— Саломлар бўлсин сизга, эй Расулуллоҳнинг завжаси! Қўрқманг, ғамгин бўлманг, ваъда қилинган жаннат муждаси — хушхабарини етказиш учун келдик. Биз дунёда сизга дўст эдик, охиратда ҳам яна биз дўст бўламиз. Истаган нарсангиз, истаган тилагингизни бажо келтиришга ҳозиру нозирмиз. Мағфирати чексиз, раҳмати беқиёс Раббингизнинг меҳмони бўлиш учун охират оламига марҳамат қилинг, — дедилар[1].

Расулуллоҳ (с.а.в.) мужда берган саодат юртига малаклар ҳамроҳлигида кетар экан, ортида унутилиши мумкин бўлмаган азиз хотираларни ва унинг учун дуо қилажак, яхшилик билан эсга олажак энг хайрли оилани тарк этди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бошлиқ бутун оила ва ҳатто барча мўминлар бу мусибатдан қаттиқ таъсирландилар. Бу қадар қисқа вақт ичида Набиййи акмалнинг (с.а.в.) энг севимли ва энг яқин икки кишисининг тўсатдан вафот этиши уларни ҳам қаттиқ ларзага солди. Бу йил мўминлар орасида «ҳузун йили» («қайғу йили») деб аталадиган бўлди.

* * *

Макканинг Ҳожун қабристони Ҳазрати Ҳадичанинг муборак вужудлари или шарафланди.

Ҳазрати Ҳадича онамиз вафот этганларидан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) уйлари мотамхонага айланди; ҳувиллаб қолгандай эди. Худди энди ҳаётнинг қизиғи ҳам қолмагандек.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир неча кунгача уйларидан чиқмадилар.

Қалблари ғам-ғуссага тўлган. Камига қурайшийлар ҳаддан ташқари қутуриб кетди.

Бу вазият юраги кин ва адоватга тўла Абу Лаҳабнинг ҳам раҳмини келтирди. Бир куни жиянининг ёнига келдида:

— Ё Муҳаммад, Абу Толиб ҳаётлик чоғида қандай юрган бўлсанг, шундай эркин юравер. Лотни ўртага қўйиб қасам ичаманки, ҳеч ким сенга зиён-заҳмат етказа олмайди, — деди.

Макка кўчаларида жар солинди:

— Бугундан эътиборан Абу Лаҳаб жияни Муҳаммад ибн Абдуллоҳни ҳимоясига олди. Бирон кимса унга қарши зиён-заҳмат етказишга уринмасин!

Бу эълон қурайшийларнинг оёққўлини яна ипсиз боғлаб қўйди. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна худди Абу Толиб ҳаёт чоғидагидек бемалол юра бошладилар. Ҳеч ким у кишига нисбатан одобсизлик қила олмай қолди, бирор ёмонлик килишга зотан журъати ҳам етишмас эди.

* * *

Усмон ибн Мазъуннинг хотини Ҳавла бир куни Расулуллоҳни (с.а.в.) зиёрат этишга келди ва муддаога кўчақолди:

— Ё Расулуллоҳ, Ҳадичанинг йўқлиги билиняпти, — деди.

Ўша куни у Жаноби Пайғамбаримизни (с.а.в.) яна уйланишга рози қилди. Савда бинти Замъа билан ҳазрати Абу Бакрнинг қизи Ойиша иккаласини номзод ўлароқ кўрсатди ва уларга совчилик қилиш вазифасини зиммасига олиб, у ердан чикди.

Савда ёши анча катта, тўладан келган, оғирвазмин ҳаракатли бир аёл эди. Эри ўлиб,

бешолтита фарзанди билан бева қолган.

Набиййи акрамдан (с.а.в.) келган таклифни мамнунлик билан кутиб олди. Лекин атрофида парвона каби ўралашиб юрган фарзандларини нима қилишни билмай ҳайрон эди. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

— Мен билан турмуш қуришингга фарзандларингнинг хаёлидан бошқа тўсиқ йўқми? — деб сўраган эдилар, Савда:

— Бошқа тўсиқ йўқ, — деб жавоб қилди.

Шундай қилиб, пайғамбарликнинг ўн учинчи йили рамазон ойида Савда «Мўминларнинг онаси» (Уммул муъминин) бўлиш шарафига эришди.

* * *

Абу Жаҳл бир дўсти билан Абу Лаҳабникига келди. Ҳолаҳвол сўрашганидан кейин мақсадини баён қилди:

— Жиянингдан Абдулмутталибнинг ҳозир қаерда эканини бир сўраб кўргина?! — деди.

Бу савол Абу Лаҳабнинг онгига муҳрланди. Расулуллоҳга (с.а.в.) илк дуч келганидаёқ шуни сўради:

— Қавми билан бир жойда, — деган жавобни олди.

Абу Лаҳаб ортиқча кавлаштириб ўтиришни хоҳламади. Бироқ Абу Жаҳл бу жавобдан қониқмади:

— Жиянинг бу билан, Абдулмутталиб жаҳаннамда, демоқчи, — деди.

Абу Лаҳабнинг кўзларига қон тўлди, сапчиб ўрнидан турди ва жиянининг уйига йўл олди...

Бу келишда Абу Лаҳаб яна эски Абу Лаҳаб ҳолига қайтган эди. Бугунгача қилиб келганидан ҳам ортиқроқ душманлик қилишни, бундан буён уни ҳолжонига қўймаслигини бақириб-чақириб маълум этди.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Дастлаб ҳимоясини бекор қилди. Сўнг фурсатини топди дегунча, ёмонликларини бошлади. Ҳимоянинг бекор бўлганидан хабар топган ва тиш қайраб юрганлар ҳам ҳаракатга ўтдилар.

Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) энди уйларига кирай деб турганларида, бир дайди тўсатдан у кишининг муборак бошларига тупроқ сочиб юборди. Бу одобсизлигидан ўзи мамнун ҳам эди.

Набиййи акрам (с.а.в.) ғамгин қиёфада уйга кирдилар.

Суюкли қизларидан бири қошларига югуриб келди.

— Отажон! Ким бунақа қилди, отажон?! — деб йиғлаб юборди.

Бу одобсизликни ким қилгани муҳим эмас эди, у қилмаса, бошқа бириси қилиши аниқ эди.

ТОИФ САФАРИ

Расулуллоҳ (с.а.в.) энди Маккада кўчага чиқа олмай қолдилар. Қаерга борсалар, одамлардан киноя, сўкишлар эшитардилар. Қуръон тиловат қила бошласалар, атрофда мушриклар атай бақирибчақиришар, чилдирма уриб, қарсак чалиб, руҳан эзмоқчи бўлишар эди.

Ниҳоят Маккани ташлаб чиқиб кетишни, вазифаларини бошқа ёкда адо этишни ихтиёр қилдилар. Ёнларига тутинган ўғиллари Зайдни олиб, Тоиф сари йўл олдилар.

Бир неча кунлик сафардан сўнг Тоифга етиб бордилар. У ерда имон келтирган кишиларни учратиш эҳтимоли бор эди. Уларнинг ёрдамида Макка халқининг одобсизликларини тўхтатиш имкони топилса хам ажаб эмас. Тоифда сўзлари ўтадиган уч киши бор эди: акаукалар Абду Йалил, Масъуд ва Ҳабиб.

Аммо кутганларининг тескариси бўлди. Учала акаука имонга келиш тугул, Расулуллоҳни мазах қила бошлашди. Шундай ҳақоратомуз сўзлар ёғдиришдики, бу борада ҳатто маккаликлардан ҳам ўтиб тушишди.

—Модомики имон келтирмас экансизлар, лоақал бу суҳбатимизни сир тутишларингизни илтимос қиламан. Маккаликлар зинҳор бундан хабардор бўлишмасин.

—Йўўқ, ҳунаринг кетмайди. Маккаликларга бор гапни албатта етказамиз, зудлик билан, — дейишди.

Уларнинг гап уқмас кишилар бўлиб чиққани хам майли, ҳатто арабларга хос меҳмондўстлик, мусофирга ҳурмат каби одатларни хам оёқости қилишди. «Шундай жиддий бир инсон қанақасига ёлғон гапириши мумкин?» деб ўйлаб ҳам кўришмади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уларнинг ёнидан хомуш чиқиб кетдилар. Яна Маккага, яна ашаддий душманларининг орасига қайтишлари керак эди. Бироқ тинчгина кетишларига ҳам қўйишмади.

Бадбахт бир кимса Фахри Коинот жанобларини тошбўрон қилишни буюрди. Нима қиларини билмай юрган безори болалар кўнгилларини хушлайдиган бир эрмак топилганидан шодланиб, ишга киришишди. Қуллар, болалар сўкасўка, Расули акрамнинг (с.а.в.) орқаларидан тош, кесак ёғдира бошлашди. Шовқинсурон ичра иккинчи буйруқ эшитилди:

— Ўлдириб қўйишдан эҳтиёт бўлинглар!..

Бунинг маъноси — катта тош отма, белидан юқорини мўлжаллама, дегани эди. Ўлдириб қўйсалар, олинажак интиқомдан, Қурайш билан узоқ йиллар ёвлашишга тўғри келишидан қўрқишарди.

Зайд Расулуллоҳнинг (с.а.в.) гоҳ ўнг, гоҳ чап томонларига, гоҳ орқаларига ўтар, тошларга ўзини тутиб бериб, Буюк Пайғамбаримизни — тутинган отасини муҳофаза этишга уринар эди. Шунга қарамай, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) оёқлари қонга беланди. Тоифдан чиққанларидан кейин ҳам тошбўрон аллақанча жойгача давом этди. Эшитмаган ҳақоратлари қолмади.

—Ёлғончи!..

—Борэ, пайғамбар эмиш!..

—Оллоҳга қарши ёлғон гапиришдан уял!.. Ниҳоят буйруқни қойилмақом қилиб бажарганларига қаноат ҳосил қилган тоифлик дайдилар ортларига қайтиб кетди. Бир бадбахт охирги тошини отар экан:

— Бу кунни ҳеч унутма, эй ёлғончи пайғамбар! —деб бақириб қолди.

...Расулуллоҳ (с.а.в.) бу кунни ҳақиқатдан ҳам унутмадилар, унута олмадилар. Йиллар ўтиб, суюкли хотинлари Ойиша онамиз (р.а):

— Ё Расулуллоҳ, Уҳуд жангидан кўра ҳам ачинарли, аламли кун бўлганми?! — деб сўраганларида, Тоиф воқеасини эслаб, у савдоларни бир бошдан гапириб берган эдилар. Ўша кундагидай ғам-ғуссага чўмган бошқа кунни эслай олмасликларини таъкидлаган эдилар...

Дайдилар қайтиб кетишгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) бир оз дам олиш мақсадида йўл устидаги боғнинг чеккасига бориб ўтирдилар. Қўлларини очдилар. Мавлои Зулжалолга илтижо қила бошладилар:

— Оллоҳим, қувватим озлигини, чорасиз қолганимни фақат сенга арз этаман, одамлар орасида бу қадар хор бўлганимдан ёлғиз Сенга шикоят қиламан. Эй марҳаматлиларнинг марҳаматлиси Оллоҳим! Дорга осилганларнинг, эзилганларнинг ва менинг ҳам Раббим сенсан! Меникимларга йўлиқтиряпсан? Ифлосларча қаршилаган ғурбат элгами ёки душманларгами топширдинг ишимни?! Агарку, Сен мен бандангга ғазабнок бўлмасанг, бу азиятларга парво ҳам қилмайман. Бироқ Сендан келадиган саломатлик ва қувватга янада интизорман. Ғазабингга дучор бўлишдан қўрқиб, Сенинг нурингга сиғинаманки, зулматларни зиёга айлантирган, дунё ва охират ишларини тартибга солган нарса Сенинг ўша нурингдир. Токи Сен рози бўлгунингга қадар биз ҳар жиҳатдан Сендан хушнуд ва мамнунмиз. Куч ва қудрат ёлғиз Сенга оиддир.

* * *

Набиййи акрам (с.а.в.) паноҳ топган боғ Утба ибн Робиа билан унинг укаси Шайбаники эди. Тасодифми ёки заруратми, бу пайтда улар ҳам боғда эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) келиб шу ерга ўтирганларини, тоифликларнинг ҳужуми ва одобсизликларига нишон бўлганларини ўз

кўзлари билан кўришди. Энди бу воқеанинг яширин жойи қолмади. Тоифликлардан сир сақлаш илтимос этилган, уларку кўнмадилар, бордию кўнган тақдирларида ҳам, маккалик ашаддий душманларидан иккитаси бу воқеанинг гувоҳи бўлган эди.

Утба ҳам, Шайба ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) келтирган динни ва Исломга даъват ҳаракатини сира маъқул кўрмаган.

Паришон бир аҳволда, оёқлари қонга беланиб ўтирганларидан тоифликларга гап уқтиролмаганларини билишди ва роса қувонишди. Аммо, ҳар ҳолда Маккада «алАмин» деб сифат берилган бу мўътабар зотнинг — ҳамшаҳарларининг ҳақоратга учрагани уларни бир жиҳатдан ғамгин ҳам қилди.

Утба ўзининг кўнглидан ўтаётган ҳис-туйғуларнинг ифодасини укаси Шайбанинг юзида ҳам кўргач:

— Аддос! — деб хизматкорини чақирди. Хизматкор югуриб келгач: — Бир бош узум олгинда, ҳув анави кишига элтиб бер, — деди.

Аддос боғдан узум узиб, бу ғалати йўловчига элтди. Расулуллоҳ (с.а.в.) «Бисмиллоҳ...» деб узумни ея бошладилар.

Аддос Расулуллоҳнинг (с.а.в.) юзларига тикилди.

—Худо ҳаққи, бу сўзни ўлкамизда ҳеч ким ишлатмайди, — деди.

—Қайси юртдансан, эй Аддос, қайси диндансан? — деб сўрадилар Ҳазрати пайғамбаримиз (с.а.в.).

—Нинова халқиданман. Насроний динига мансубман.

—Демак, солиҳ бир киши бўлмиш Юнус ибн Маттонинг диёридан экансанда?!

— Юнус ибн Маттони қаердан биласан?

— У менинг маслакдошим эди, пайғамбар эди. Мен ҳам Оллоҳнинг расулиман.

Аддоснинг кўзларига ёш келди. Эгилиб, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) бошлари, қўллари ва оёқларидан ўпди, мусулмон бўлди.

Утба билан Шайба боғ ичидан уларни диққат билан кузатиб туришарди.

— Кўрдингми, уни ҳам сеҳрлади, — деди бири.

— Гўёки яхшилик килмоқчи бўддик, эвазига эса, қулимизни динидан қайтарди, — деди иккинчиси.

Бир оздан кейин Аддос уларнинг ёнига қайтиб келди. Юзида мамнунлик ифодаси...

—Бу нимаси, эй Аддос, бориб у одамнинг қўлоёқларидан ўпдингми!

—Бу одам дунёдаги энг улуғ инсондир. Мен унинг пайғамбар эканига имон келтирдим.

— Қаердан биддинг унинг пайғамбарлигини?

—Гапсўзларидан. У айтган гаплар фақат пайғамбарлардангина чиқади.

—Менга қара, очиғини айтсам, бу гапларинг менга ёқинқирамай турибди. Эҳтиёт бўл, у сени динингдан қайтариши мумкин. Шуни яхши билгинки, сенинг дининг унинг динидан хайрлирокдир.

Аддос бу сўзларни жавобсиз қолдиришни афзал кўрди...

Расулуллоҳ (с.а.в.) Маккага қайтдилар. Йўлда кетарканлар, Жаброил (а.с.) бир хабар келтирди: агар пайғамбар истаса, Маккада рўпарамарўпара турган Абу Қубайс билан Қайқаон тоғларини бир-бирига уриб, маккаликларни йўқ қилиб юбориш таклиф этилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) рози бўлмадилар. Уларнинг наслидан лоақал биттасининг Ислом динига кириши бунча душманнинг ўлимидан кўра севинчли ҳол эканини билдирдилар.

Жинлар Оллоҳ берган қобилият туфайли ҳар хил қиёфага кира оладилар, узоқ масофаларни бир зумда босиб ўтадилар, самоларга юксалишга ҳам қодирдирлар... Улар ондасонда кўкларгача кўтарилиб, фаришталарнинг ўзаро суҳбатларига қулоқ тутиб, кўпгина маълумотларни билиб олар эдилар. Бироқ бир куни кўкнинг дарвозалари ёпиб қўйилдида, жинлар малакларнинг сирли суҳбатларини тинглашдан маҳрум бўлдилар. Олий даргоҳларга

чиқишлари тақиқлаб қўйилди.

Ўзаро фикрлашдилар, лекин барибир бу тақиқнинг маъносини тушуна олмадилар. Нима учун йўл ёпилди — ақллари олмас эди. Ораларидан биттаси ер юзини айланиб чиқишни таклиф этди.

— Менимча, ер юзида бу ишга алоқадор бирон гап бўлган бўлса керак, — деди.

Бу ҳодиса Расулуллоҳга (с.а.в.) ваҳий келган кунларга тўғри келар эди.

Жинлар бир қарорга келгач, тўптўп бўлиб ер юзини кеза бошлашди. Ҳаммаёқни яхшилаб кузатиб, диққатга сазовор нимаики кўринса, атрофлича ўрганиб чиқишарди.

Нубувватнинг ўнинчи йили келди.

Илк ваҳий келган кундан бери ўн йил ўтган, жинлар ҳануз бирон янгилик топиш умидини узишмаган эди.

Бир куни Макка билан Тоиф орасидаги Наҳла деган бир жойда икки кишини кўришди. Ҳали кун чиқмаган, у икки одам илк саҳарда ибодат билан машғул эди. Бир гуруҳ жин уларни синчиклаб кузатиш мақсадида, яқинроқ келишди.

Одамлардан бири хиёл олдинда, иккинчиси шундоққина унинг ўнг томонида турар, олдиндагиси энг мукаммал тил билан хам ифода этиб бўлмайдиган даражада гўзал, жозибали ва мафтункор бир каломни жуда ёқимли бир оҳангда ўқиётган эди.

— Тўхтанглар, қулод солинглар!.. — дейишди жинлар бир-бирларига.

Мислсиз даражада таъсирчан, ҳеч ким эшитмаган бир калом эди бу!

Бир-бирларининг устига чиқиб кетгудай зич турган жинлар Расулуллоҳ (с.а.в.) тиловат қилаётган Қуръон оятларини охиригача маст бўлиб тинглашди.

Улардан бири:

— Шубҳасиз, кўкнинг дарвозаларини беркитган воқелик худди мана шудир. Оллоҳга қасам бўлсинки, мана шудир! — деди.

Намоз ўқиб бўлингач, қидирган нарсаларини топганларига амин бўлиб, у ерни тарк этишди.

Расули Кибриё (с.а.в.) ҳам, Зайд (р.а.) ҳам жинлар келувидан бехабар эдилар.

Кўп ўтмай Жаброили амин Буюк Оллоҳнинг саломини келтирди:Аҳқоф сурасининг 29 — 32оятларини пайғамбаримизга етказди:

«(Эй Муҳаммад,) эсланг: Биз сизнинг олдингизга бир гуруҳ жинларни Қуръонни тингласинлар деб юборган эдик. Бас, қачонки улар (Қуръон тиловатига) ҳозир бўлишгач (бир-бирларига): «Жим туринглар», дедилар. Энди қачонки тиловат тугатилгач, улар ўз қавмлари олдига огоҳлантирувчи бўлган ҳолларида қайтиб кетдилар. Улар дедилар: «Эй қавмимиз, дарҳақиқат, бизлар Мусодан кейин нозил қилинган, ўзидан олдинги (илоҳий китоб)ларни тасдиқ қилгувчи бўлган ҳақ (дин)га ва Тўғри йўлга ҳидоят қиладиган бир китобни — Қуръонни тингладик. Эй қавмимиз, Оллоҳга даъват қилгувчи (Муҳаммад а.с.нинг даъвати)ни қабул этинглар ва унга имон келтиринглар, (шунда Оллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларга аламли азобдан паноҳ берур. Ким Оллоҳга даъват этгувчи (даъвати)ни қабул қилмаса, бас, у Ер юзида (бирон жойга) қочиб қутулгувчи эмасдир ва унинг учун (Оллоҳдан) ўзга (Унинг азобидан қутқарувчи) «дўстлари» ҳам йўқдир. Ана ўшалар очиқ залолатдадирлар».

Бу гапларни эшитиб турган бошқа жинлар ҳайрон эдилар.

— Нималар деяпсизлар ўзи? — деб сўрашди.

Расулуллоҳдан (с.а.в.) Қуръон тинглаган жинлар сўзларида давом этишди:

— «Дарҳақиқат, бизлар ҳақ йўлига ҳидоят қиладиган бир ажиб Қуръонни эшитдик ва дарҳол унга имон келтирдик. Бизлар (энди) Парвардигоримизга ҳаргиз бирон нарсани шерик қилмасмиз». (Жин, 2.)

Мусулмон жинларнинг бу даъватини қабул қилганлар бўлди ва улар дейишди:

«Албатта, бизларнинг ичимиздаги аҳмоқ (иблис) Оллоҳ шаънига («У зотнинг хотини ва

боласи бор», деб) ноҳақ сўз айтар эди. Албатта, бизлар инс ҳам, жин ҳам Оллоҳ шаънига ҳаргиз ёлғон сўзламас, деб ўйлар эдик». (Жин, 45.)

Бунинг зидди ўлароқ жинларнинг бир қисми кофирлигича қолди. Оллоҳ таоло Жин ва Аҳқоф сураларидан ушбу оятларни индириб, шарафли расулини бу ҳолатлардан, ўртада ўтган гапсўзлардан хабардор этди. (Имом Бухорий, 1/187.)

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) Маккага тобора яқинлашар эканлар, Ҳиро тоғининг этакларига етганда тўхтадилар. Бу ердан у ёғига хотиржам кетиш имкони йўқ, бемалол шаҳарга киришга мушриклар йўл қўймаслигини жуда яхши билар эдилар.

Шу пайт Ҳузоъа қабиласидан бир одам учраб қолди.

— Менга холис бир хизмат қилмайсанми? — деб сўрадилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

—Бажонудил, — деди йўловчи.

—У ҳолда Маккага боргинда, Ахнас ибн Шариқни топ. Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ёнидан келаётирман, «Раббим жўнатган дин ва пайғамбарлик вазифасини адо этишим давомида мени ўз ҳимоясига олармикан?» деб сўрадилар, дегин.

Йўловчи кетди. Ахнасни топиб, бор гапни сўзлаб берди. Ахнас ўзининг бошқа қабиладан эканини баҳона қилиб, уни қуруқ қайтарди. Йўловчи қайтиб келганида, Расулуллоҳ (с.а.в.) такрор илтимос қилдилар:

— Яна бир марта бормайсанми мен учун? — «Майли» жавобини олгач, дедилар: — Сухайл ибн Амрни топ, ўша гапларимни унга билдир.

У яна Маккага борди ва яна қуруқ қайтиб келди. Сухайл ҳам «Амр ибн Луай наслига мансуб кишилар Каъб наслидан бўлганларни ҳимоя қилолмас», деган жавоб билан бу таклифни рад этган эди.

Ҳалиги одам учинчи марта ҳам Маккага бориб келишга рози бўлди ва бу сафар Мутъим ибн Одийникига борди. Мутъим бу таклифга рози бўлди.

Тонг отгач, Мутъим қаватига ўғилларини олиб, барчалари қуролланган ҳолда Ҳиро тоғи этакларига келди ва Расулуллоҳни (с.а.в.) бошлаб, Макка сари йўл олди. Шаҳарга кирганларида йўлларини Абу Жаҳл тўсди:

— Муҳаммаднинг динига кирдингми ёки уни ҳимоянгга олдингми? — деб сўради.

—Динига кирмадим, ҳимоямга олдим. Абу Жаҳлнинг афти буришди.

—Ўт у ҳолда, — деди тўнғиллаб.

БУЮК ДАЪВАТ ВА ТАСАЛЛИ

(Меърож)

Ражаб ойининг йигирма олтинчи кунидан йигирма еттинчи кунига ўтар кечаси. Расулуллоҳ (с.а.в.) учун бу кун ғоят қайғули бир тарзда ўтаётган эди. Амакилари ва суюкли хотинларининг биринкетин ўлими, Тоифдан Маккага аламли қайтиш ва маккаликларнинг беҳисоб хунрезликлари...

Азбаройи юраклари сиқилганидан ўша кеча уйга ҳам бормадилар. Каъбанинг «хотийм» номи берилган ярим деворли қисмида ётиб қолдилар.

Жаброил (а.с.) уйғотганида, у келтирган хабардан

Расулуллоҳ (с.а.в.) бениҳоя қувониб кетдилар, қаттиқ ҳаяжонга тушдилар. Буюк Оллоҳ у кишини малаклар дунёсига саёҳат қилдиришни ирода этган эди.

Саййидул аввалин ва охирин пайғамбаримизнинг кўксиларини Жаброили амин ёрди; муборак юраклари замзам суви билан ювилди, имон ва ҳикмат нури ила йўғрилди, сўнгра яна беркитиб қўйилди.

«Биз сенинг кўксингни очиб, кенгайтирмадикми? Сендан вужудингни бемадор қилган, белингни буккан оғир юкни олиб ташладик, шоншарафинг ва мартабангни юксалтирдик...» оятларида ушбу ҳол акс эттирилар экан, бундан пайғамбарлар султони ўша кунларда ниҳоятда тушкунликда юрганлари ҳам очиқ кўриниб турарди.

Энг улуғ ва беқиёс илтифот энг машаққатли кунларга тўғри келган, мушриклар озор берган кўнгил кўнгилларнинг яратувчиси Буюк Оллоҳнинг бу таклифи билан ором олган, яна қайта ҳузурҳаловат топган эди.

Эҳтимол «кўксини ёриш» каби ғаройиб ҳодиса Султони анбиёни (с.а.в.) мазкур сафарга тайёрлаган қувват муолажаси бўлгандир. Шу кунгача кўрмаган оламларни сайр этиб томоша қиладилар, бировнинг хаёлига келмайдиган ҳодисаларнинг гувоҳи бўладилар.

Жаброили амин «Бурок» исмли бир отни ҳам етаклаб келган эди. Бениҳоя даражада учқур ва чопағон бўлган бу от эшакдан хийла баландроқ, оддий отлардан бўйи хийла пастроқ бир ҳайвон эди.

Бир зумда Қуддус шаҳрига етиб боришди. Байтул Мақдис шу ерда жойлашган бўлиб, пайғамбарларнинг руҳлари шу ерда бу зоти шарифни кутиб олишга тўпланган эди.

Пайғамбарлар жамоат бўлиб, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) имомликларида икки ракат намоз ўқишди. Азалда Имомиланбиё вал мурсалин бўлиши тақдир қилинган Улуғ Пайғамбарга (с.а.в.) боғлилик шу тариқа намойиш этилган, у зотнинг ортларидан саф тортиб пайғамбарлар имоми эканликлари қабул этилган ва тасдиқланган эди.

Бу пайғамбарларнинг ҳар бири умматларига, агар ўша замонга етсаларингиз, Расулуллоҳга (с.а.в.) имон келтиринглар, деб тавсия этишган ва буюришган эди. Бу тавсияга маъно оламида, уларнинг ўзлари ҳам содиқ бўлиб қолганларидан далолат берарди бу намоз... У зотни энг улуғ йўлбошчи деб тан олганлари шу йўсинда ифода этилди.

Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) «меърож» номи берилган ишга биноан кўкка юксала бошладилар.

Пайғамбаримиз (а.с.) бу ҳақда ҳикоя қилар эканлар: «Мен меърождан гўзалроқ, кўз қамаштирадиган ғаройиброқ нарсани кўрмадим. Сизлардан вафот этадиган кимсалар уни кўришга муваффақ бўладилар, ўлганлар унга тикилганларида ҳайрону лол қоладилар», деган эдилар.

Қуръонда ушбу илоҳий сафар ҳақида шундай дейилади:

«(Оллоҳ) бир кеча, ўз бандаси (Муҳаммад)ни унга оятмўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжидил Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидил Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок Зотдир. Дарҳақиқат, у эшитгувчи, кўргувчи зотдир».

Дунё самосига етиб борганларида, Жаброил бир эшикни тақиллатди.

—Ким у?

—Жаброилман.

—Ёнингдагичи?

—Муҳаммад Расулуллоҳдир (с.а.в.).

—Унга таклиф юборилдими?

—Ҳа.

Эшик очилди, ичкарига кирдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) у ерда ўтирган одамни кўрдилар. Ўнг ва чап томонида қандайдир шарпалар бор эди. Ўнг томонига қараган пайти мамнунлик билан кулимсирар, чап томонига қараса, қайғуга берилар ва йиғлар эди. Набийлар сарварини (с.а.в.) кўргач:

— Марҳамат қил, эй солиҳ Пайғамбар, солиҳ ўғил,—деб қаршиларига пешвоз чиқди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Жаброилдан «Бу ким?» деб сўрадилар.

— Бу Одамдир. Ёнидаги шарпалар унинг наслига мансуб инсонлардир. Ўнг томондагилар

жаннати, чап томондагилар эса, дўзахи кишилардир. Ўнгга қараса, жаннати авлодларини кўради, мамнун бўлиб кулимсирайди, чоп томонга қараса, дўзахиларни кўради, қалби ғам-ғуссага тўлади ва йиғлайди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Одам алайҳиссалом билан хайрлашиб, у ерни тарк этдилар. Иккинчи осмонга кўтарилдилар.

Ҳар осмоннинг кириш дарвозаси олдида дунё осмо

нига киришдан олдин бўлиб ўтган саволжавоб такрорланар, сўнгра эшик очилар эди.

Иккинчи осмонда Яҳё ва Исо пайғамбарлар билан,

Учинчи осмонда Юсуф пайғамбар билан,

Тўртинчисида Идрис пайғамбар билан,

Бешинчисида Ҳорун пайғамбар билан,

Олтинчисида Мусо пайғамбар билан,

Еттинчисида Иброҳим пайғамбар билан учрашдилар (алайҳимуссалом).

Жаброили амин йўлларида дуч келган ҳар бир пайғамбарни алоҳидаалоҳида танитар, улар ҳам ўз навбатида:

— Хуш келибсан, эй қадрли қардош, суюкли Пайғамбар! — дея саломалик қилишар эди.

Еттинчи қават осмондан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай бир оламга чиқарилдиларки, «На макон бор унда, на тупроқ ва на само» дея таърифланадиган, яна ҳам тўғрироғи, таърифига сўз ожиз бўлган бир олам...

«Сидратул мунтаҳо» деб аталувчи мақомга келдилар. Ҳеч ким кўрмаган, билмаган бу илоҳий олам ҳақида ҳикоя қилар эканлар, пайғамбаримиз: «Сидратул мунтаҳони шундай ранглар қамраб олган эдики, буни оддий сўзлар билан тасвирлаб беролмайман», деган эдилар.

Ўша ерда Жаброили амин Набиййи акмалга (с.а.в.) яна бир бор асл қиёфасида кўринди. Пайғамбаримиз уни бу қиёфада илк бор Ҳиро тоғидан Маккага қайтаётганларида кўриб, жуда қўрқиб кетган эдилар. Лекин бу сафар Расулуллоҳ (с.а.в.) қўрқмадилар. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу азимлик Буюк Оллоҳнинг яратган қулларидан бирига хос эди, холос.

Оддий бир инсон Жаброилни мана шундай қиёфада кўришини тасаввур ҳам қилолмайди. Жаброилнинг азаматини тақдирлашдан ожиз бўлган инсон Буюк Оллоҳнинг азмини англаши, тасаввур доирасига сиғдириши асло мумкин эмас. Бандасига фақат ожизлик ила сажда қилиш буюрилган холос.

Ушбу меърож кечасида Расулуллоҳ (с.а.в.) жаннат ва жаҳаннамни кўрдилар, у ерда мукофот оладиган ва жазо тортадиган инсонларга гувоҳ бўлдилар.

Шунишдек, мазкур кечада Роббул Оламийн суюкли пайғамбарини ҳузурида қабул этди. Таърифга сиғмайдиган ғаройиб дамлар эди бу. Набиййи акрам (с.а.в.) Буюк Оллоҳни кўриш ва у билан юзмаюз сухбатлашиш шарафига муяссар бўлдилар.

Бу учрашувда нималар сухбатлашилгани ҳақида ортиқча маълумот йўқ. Лекин бу учрашувдан пайғамбаримиз кунига эллик марта намоз ўқиш вазифасини олиб, у Олий даргохни тарк этдилар. Қайтишларида Ҳазрати Мусо (а.с.):

— Мен Исроил ўғилларини бу масалада етарли даражада синаб кўрдим. Қайт Раббингнинг олдига, бу намозларнинг бир қисмини камайтиришини сўраб ёлворгин,— деди.

Ҳақ таолога қилинган илтижо оқибатида ўн вақт намоз ато этилди. Ҳазрати Мусо такрор юқоридаги гапларни ёдларига солдилар, Расулуллоҳ (с.а.в.) қайта илтижо қилдилар. Шу зайлда даставвал кунига эллик марта ўқилиши буюрилган намоз такрортакрор ниёзлар туфайли беш вақт ўқилиши фарз этилиб тасдиқланди. Сўнгра Жаноби Ҳақдан бундай хитоб келди:

«Е Мухаммад, бу бир кечакундузда ўқиладиган беш вақт намоз эллик вақт намозга тенг бўлади. Яъни, ҳар бир ўқилган намозга ўн намоз савобини ато этурман. Шунингдек, бандаларимдан ким бир яхшилик қилишга азм этиб, уни адо эта олмаса, бир савоб, адо эта олса, ўн савоб ато қилурман. Энди ким бирон ёмон ишни — гуноҳни қасд қилсаю, уни амалга

оширмаса, у кишига гуноҳ ёзилмас, агар ўша ёмон ниятини амалга оширса, бир гуноҳ ёзилур».

* * *

Ҳазрати Мусо (а.с.) билган нарса Расулуллоҳга (с.а.в.) маълум эмасмиди? Эллик икки ёшга кирган, ҳаётда кўпгина тажриба орттирган ва кейинги ўн йил ичида турлитуман яхшиёмон кишилар билан юзмаюз бўлган ва, бундан ташқари, Буюк Оллоҳ томонидан мустасно бир қобилият эгаси этиб яратилган Набиййи муҳтарам ҳазратлари (с.а.в.) эллик вақт намоз ўқиш инсонларга оғир ва малол келишини билмасмидилар?..

Бу воқеликни бир жилвайи Раббоний сифатида баҳолаш жоиздир. Яъни, Раббимизнинг қудрати ва чексиз марҳаматини яна бир бор намоён этиши деб тушуниш тўғрироқ бўлса керак. Қолаверса, иккинчи томондан, бу ҳодиса инсонларга аввал ўтган аждодларининг тажрибасига таяниш лозимлигини яна бир бор уқтиради. Оллоҳ таолонинг дастлаб эллик вақт намозни фарз этиб тайинлаши, сўнгра бир эвазига ўн мукофот тамойилига кўра, уни эллик вақтдан беш вақтгача тушириши ҳам айни жилвайи Раббоний доирасига киради.

Бу муҳим сафарнинг Расулуллоҳга (с.а.в.) энг оғир дамда, қаттиқ тушкунликка тушган чоғларида қилдирилгаии ва ўша кеча оддий сўз билан таърифлаб бўлмайдиган ғаройиб сафардан янги ва покиза бир руҳ, туганмас бир ғайратшижоат ва қувват билан қайтганлари шубҳасиздир. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўша кеча Оллоҳ таолонинг жамолини тўйибтўйиб кўриб олганлари ҳам аниқ. Лекин «Пайғамбаримиз Жаноби Ҳақни ўз кўзлари билан кўриш учун етти қават осмонни, жаннатни ва жаҳаннамни ошиб ўтдида, сўнгра Оллоҳ таолонинг кўшкига етди...» тарзидаги фикр ва тушунчага берилмаслик даркор.

Пайғамбаримиз ўша кеча бутун осмон қаватларини ошиб ўтган, жаннатларни сайр қилган, беҳисоб даражада ҳикмат ва ғаройиботга тўлиқ ҳодисаларни кўрган, томоша қилган эдилар. Аммо булар алоҳида воқелик. Оллоҳ гаолони ҳам ўша кечада кўрганлари эса, алоҳида бир воқеликдир. Оллоҳ таолони кўриш учун албатта сафар қилишлари, маълум бир масофани босиб ўтишлари лозим эмас эди.

«Бу учрашув нима учун меърож кечасига тўғри келди?» деган саволнинг жавоби ёлғиз Оллоҳга маълумдир. Бизларга бу мавзуда факат «Оллоҳ хоҳлаганини қилади ва қилган иши учун ҳеч кимнинг олдида жавобгар бўлмайди», дейиш жоиздир.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўша кеча такрор Масжиди Ақсога қайтдилар. Яна Бурок вазифага чақирилди. Яна ўша тезликда Макка сари йўл олинди.

Дажнон деб аталувчи жойга келганларида таниш бир карвонга дуч келдилар. Карвондагилар ерга чўзилиб ухлаб крлишган эди. Оғзи боғлоғлиқ мешларида сув бор экан, Расулуллоҳ (с.а.в.) улардан биринииг мешини очиб, сувидан ичдилар ва яна қайта беркитиб, йўлда давом этдилар.

Сафар Маккада, бошланган жойида тугади.

Баъзи бир ривоятларда бу сафар Абу Толибнинг қизи ва Алининг опаси Умму Хонийнинг уйидан бошлангани ва яна шу ерда тугагани нақл қилинади.

Ўша кечанинг тонги...

Пайғамбаримиз (с.а.в.) масжидда ўтирар эдилар.

Ёнларига Абу Жаҳл келди ва одатдагидек шилқимлик қила бошлади:

— «Буюк даргох»дан қандай хабарлар бор, дўстим? Расулуллоҳ (с.а.в.) жиддий тарзда жавоб қилдилар:

— Бугун кечаси сафарда бўлдим.

— Ие, қанақа сафарда?

— Қуддусга, Ақсо масжидига бориб келдим. Абу Жаҳл қаҳқаҳа отди.

— Бир кечада шунча узоққа бориб, яна қайтиб келишга хам улгурдингмиа?

— Худди шундай.

Абу Жаҳлнинг миясига бир фикр урилди. Ажойиб бир фурсат, деб ўйлади.

— Жуда соз, бу сўзларни қавминг олдида қайтаришга журъат қила оласанми?

— Албатта.

Абу Жаҳл туйқус хазина топган одамдай, бор кучи билан бакира бошлади:

— Бу ёққа келинглар, эй Бани Каъб ибн Луай, келинглар, эй қурайшийлар!..

Бири хақиқат, бошқаси жаҳолат вакили бўлган бу икки кишининг ёнма-ён турганиии кўрганлар уларнинг қошларига тўплана бошлашди. Абу Жаҳл жангда ракибини енгган жўжахўроздек керилиб турарди. Ҳеч бўлмаганда, завқли бир саҳна содир бўлдику, деб ўйларди.

Ниҳоят гавжум бир халойиқ тўпланди. Масжиди Ҳарамнинг убу бурчагида ўтирганлар ҳам югуриб келишди. Ораларида мўминлар ҳам бор эди, мушриклар ҳам. Ҳар иккала томон ҳам манамана содир бўладиган воқеани зўр ҳаяжон билан кутиб турарди.

— Қани, ҳозиргина менга айтган гапларингни қайтарчи!.. — Абу Жаҳлнинг овозида «Мард одам сўзидан қайтмас» шаклидаги манманлик ифодаси бор эди.

Нигоҳлар нуроний пайғамбаримизга қадалди. У зоти шариф (с.а.в.) яна ўта жиддий ва вазмин оҳангда:

— Бу кеча саёҳатга чиқарилдим. Ақсо масжидига бориб келдим, — дедилар.

Абу Жаҳлнинг кўзида зафар учқунлари порлади.

— Яъни, Қуддусга бориб ке.вдим, демоқчи, — дея ҳайқирди. Сўнг Расулуллоҳга ўгирилди: — Шундай эмасми?

— Худди шундай!

Абу Жаҳл кечирилмас бир гуноҳ иш қилиб қўйган жиноятчини қўлга туширган кучли бир қўмондон каби:

— Хўш, бу ёлғонга бизни қандай ишонтирмоқчисан? —деди, сўнгра атрофда тўпланиб турган халойиққа ўгирилди: — Шу ёлғонга ишонадиган киши борми?!

Ҳар ҳолда, озгина бўлсада, дурустроқ фикрлайдиган, масалани ҳартомонлама ойдинлаштиришни истайдиган бир киши бор экан, ўша таклиф киритди:

— Орамизда Қуддусга бориб келган одамлар бор, унинг гапи тўғримиёлғонми эканини ўшалар тасдиқлайди... Энди бизга Ақсо масжидини таърифлаб бер.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) шу кунгача Қуддусга бормаганларини ҳамма беш қўлдай биларди. Мушрикларнинг фикрича, бу кеча Қуддусга бориб келдим, деган даъво мана энди пучга чиқажак, ёлғон гапиргани маълум бўлажак эди.

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Бормаганкўрмаган бўлса, у ерни кандай қилиб таърифлаб берарди? Борган бўлса, кўриши, кўрган бўлса, таърифлаб бериши лозим.

Аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) Ақсо масжидига ва Қуддусга томоша учун бормаган эдиларку? На Ақсога чуқурроқ разм солдилар, на Қуддусни томоша қилдилар — бу ҳам бир ҳақиқат эди.

Лекин Буюк Оллоҳ расулини шундай вазиятда ёрдамсиз қолдирармн?

Бир зумда Расулуллоҳ (с.а.в.) кўз ўнгларида Ақсо масжиди гавдаланди. Худди қаршидаги девордан берироқда инъикос этаётгандек эди. Муборак кўзлари Ақсо масжидида, тиллари эса, кўрганларини бирмабир ҳикоя қилиб бера бошлади.

Қуддусга кўпчилик бориб келган, ҳаммасининг ўзига яраша таассуроти, хотираси бор эди. Ақсо масжидининг кўриниши ҳақида саволга тутишди. Бири эшиги ҳақида сўраса, бошқаси деворлари, девордаги нақшлари ҳақида сўрар, яна бири ёнатроф ҳақида суриштирар эди. Сўралган жойлар дарҳол Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўз олдиларига келтирилар, худди ойинада кўриб тургандай жавоб қилар эдилар. Ниҳоят саволжавоб тугади.

— Ҳаммасини тўғри таърифладинг, эй Муҳаммад! Худо ҳаққи, жуда тўғри! — деб тан беришди имтиҳончилар.

Абу Жаҳлнинг юраги сиқилиб кетди, терлар пешонасидан оқарди. Юз карра аниқ зафар энди қўлга кирай деб турганида бирдан мағлубиятга учрашнинг таъсири эди бу.

Аммо юраги сиқилган фақат Абу Жаҳл эмас эди. Абу Лаҳаб, Надр ибн Ҳорис, Умайя ибн Халаф ҳам худди шундай ҳолатда эдилар. Қуддусга бормагани аниқ бўлган бир киши бир кечада шу ёққа бориб келганини даъво қилса ва ундан олдин борибкелганларнинг шу мавзудаги саволларига муфассал жавоблар берса, ким нима ҳам дея оларди?

—Бу ердан Қуддусгача туяда бир ойлик йўл, кайтишга яна бир ой кетади. Инсон қанақасига бир кечада бориб кела олади? — деб елкаларини қисишар эди.

—Ҳой биродарлар, менинг бир фикрим бор, — деб бақирди кимдир. Ҳамма унга қаради. — Бизнинг Шом йўлида карвонларимиз бор. Модомики Ақсо масжидигача бориб келганини даъво қилар экан, бизга ўша карвон ҳақида маълумот берсин.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳеч тараддудланмай жавоб бера бошладилар:

— Йўлда кетаётганимда фалончиларнинг карвонига дуч келдим. Битта туялари қочган экан, уни қидиришаётган эди. Уларга хитоб қилиб, туяларининг турган жойини кўрсатдим. Қайтаётганимда Дажнон водийида фалонфалонларнинг карвонига дуч келдим. Ўзлари ухлаб ётган эдилар. Оғзи боғлиқ бир мешдаги сувларини ичиб, оғзини яна маҳкамлаб қўйдим.

— Хўш, улар Маккага қачон етиб келишади?

— Эрта тонгда, айни қуёш чиққан дақиқада Танъим тепалиги томондан шаҳарга киришади. Олдиларида кулранг бир туя бўлади, унинг бир томонига оқ, иккинчи томонига қора тусли юк ортилгандир...

Табиийки, бу хабар ақл бовар қилмайдиган бир хабар эди. Бу маълумотни пайғамбаримизга Жаброили амин етказган эди.

Мушриклар бир оз енгил тортгандай бўлишди.

Чунки қуёш чиқар экан, у берган маълумот билан ҳақиқатда рўй берадиган воқелик орасида ҳеч йўқ озгина фарқи бўлар, ахир. Карвон ё қуёш чиққанидан кейин, ё олдин келиши мумкинку! Ҳамма нарса сониясониясигача тўғри келиши амри маҳол эмасми?

* * *

Ҳазрати Абу Бакрнинг эшиги худди биров тепаётгандай қаттиқ тақиллади. Сапчиб ўрнидан туриб эшикни

очди. Келган одам ҳовлиққанича, нафаси бўғзига тиқилгудай бўлиб янгиликни сўзлади:

— Анави жодугар дўстинг, бу кеча Ақсо масжидига бориб келдим, деб даъво қилмокда.

—Яъни, Оллоҳнинг расули Муҳаммадми (с.а.в.)?!

—Ҳа.

— Жуда тўғри гапирибди. У ҳеч қачон ёлғон даъво билан чиққан эмас.

Хабарчининг кутгани бошқача муносабат эди. Абу Бакрнинг сўзлари уни довдиратиб қўйди. Қайтиб кетар экан, қулоқларига ишонмасди. «Бунчалик бўлиши мумкин эмас...» дер эди ўзига ўзи.

Ушбу воқеа Ҳазрати Абу Бакрга абадиятга қадар фахрли бир лақаб берилишига сабабчи бўлди. Энди у кишини то қиёматгача барча мўминлар «Абу Бакр Сиддиқ» деб атай бошлайдилар. Бу лақабни унга Набийлар сарвари бердилар. «Жуда тўғридуруст инсон» деган маънони билдирар эди бу муборак сўз!

* * *

Тонгсаҳарда анчамунча мушриклар Танъим йўлига карвонни кутиб олиш учун чиқишди. Яна ҳам тўғрироғи, «Йўловчилар кун чиққанида келади», шаклида берилган хабарни чиппакка чиқармоқчи эди улар.

Шафақ оқара бошлаган, юзларда ҳаяжон ифодалари сезилди. Юраклар ҳар доимгидан ҳам тезроқ ура бошлаган, одамлар асабий ва сабрсиз.

— Менга қолса, шу гал иш тамом, — деди кимдир.

— Ҳеч йўқ бирикки сонияга фарқ қилар, ахир, —деди бошқаси.

— Ана ундан кейин кўрасан Амр ибн Ҳишомнинг қандай интиқом олишини.

— Энди уни ҳимоя қиладиган Абу Толиб ҳам йўқ. Шу тарз гапсўз давом этар экан, ораларида умидсиз бўлганлар ҳам бор эди.

— Ҳечам қўлидан келмайдиган бир ишни буюрайлик, деб роса бош қотирган кунларимизни унутдиларингми? Кўкдаги ойни иккига бўлганиничи? Ҳой биродарлар, шарманда бўлиб қолмайлик тағин. Кутилган вақт яқинлашганида, икки киши баланд жойга чиқарилди. Бири кунчиқар томонни, иккинчиси Танъим йўлини кузатиб туришди. Ким кўрса, шу заҳоти бақириб хабар бериши керак эди.

Абу Жаҳл сабрсиз, баъзан бошини кўтариб ҳалигиларга қарайди:

— Нима гап? — деб сўрайди.

— Ҳеч нима кўринмаяпти, — деган жавоб уни баттар безовта қилади.

Кун чиқишига дақиқалар ҳам эмас, сониялар қолди. Абу Жаҳл сўнгги марта юқорига қаради. Йўлпойлоқчининг кўзлари олисда, тинимсиз тикилади. Кўрса, албатта, дарҳол жавоб берарди.

— Ўзингни бос, — деди Умайя Абу Жаҳлга, — бу сафар биз албатта ғалаба қозонамиз!

Убай ибн Халаф унинг фикрини тасдиқлади:

— Мана, қуёш ҳам чиқай деб қолди. Шу пайтгача келмаган карвон тўсатдан келиб қолармиди?..

Қуёш ҳар доимгидай ўз вақтида чиқишга, карвон ҳам Маккага бир дақиқа бўлсада, олдинроқ етиб олишга шошилишар, қуёш ҳам, карвон аҳли ҳам улкан бир даъвонинг исботи ё инкори учун мусобақалашаётганларидан ўзлари бехабар эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) пайғамбарлик вазифасини берган Буюк Оллоҳнинг ёрдамига ишонар, расулини ёлғончи қилмаслигига амин эдилар. Ҳар дақиқа, ҳар сонияда энг покиза миннатдорлик туйғулари билан Раббига йўналган қалблари ушбу дамда яна Унга, фақат Унга илтижо қилар эди. Қуёшни яратган У, дунёни яратган У, ҳар иккаласига Ўзи истаган низомни берган ҳам Удир. Ирода этмаса, карвон юролмас, Унинг иродасисиз тўхтамас. Боришни истаган жойига, У хоҳлаган пайтдан олдин ёки кейин бориши ҳам мумкин эмас.

Абу Жаҳл ва унинг ҳамтовоқлари қанчалик сабрсиз ва безовта бўлсалар, Расулуллоҳ (с.а.в.) шунчалик вазмин ва хотиржам эдилар.

Қуёшнинг илк нурлари порлайдиган сониялар келди. Абу Жаҳл ҳамон сокин турган Расулуллоҳга (с.а.в.) қаради.

— Мана энди сени йўқ қиламан! — дея минғирлади. — Қолаверса, бу сафар ёнингда шу пайтгача ҳимоя қилиб келган анави нодон, ўжар амакинг ҳам бўлмайди.

Тишларининг орасидан илоннинг заҳари каби сочилган бу сўзларни Расулуллоҳ (с.а.в.) эшитмадилар. Чунки ушбу дамда йўлпойлоқчилар бирдан бараварига бақириб қолишган эди.

— Нима гап, эй фалончилар?

Энди иккаласи алоҳидаалоҳида жавоб берди:

—Кун чиқди!

—Карвон кўринди!

Ахнас ибн Шариқ қўлидаги ҳассасини бор кучи билан ерга урди.

— Бундай толеънинг... — деб бошланган сўзларини уятсиз сўкиниш билан тугатди.

Мўминлар хурсандликдан йиғлаб юборишди, Расулуллоҳ (с.а.в.) билан биргаликда Оллоҳга ҳамду санолар айта бошлашди.

Улуғ Умар Абу Жаҳлга яқинлашди:

—Энди имон келтиришинг керак, эй Амр, — деди.— Мурувватли иисон бундан бошқача йўл тутмас.

—Дафъ бўл, Умар, ҳозир сенинг гапларингни тинглайдиган холим йўқ.

— Хўш, дафъ бўлмасам, нима қилардинг?!

Бу овоз Умарнинг олов сачраган кўзлари ифодаси эдими ёки куфрга қарши битмас-

тугунмас бир кин ва интиқомга тўлиқ юрагидан отилиб чиққанмиди?

Абу Жаҳл бу кўзларга бир сониягина тикилиб турди, сўнг Умар билан яккамаякка олишиб кўрсаммикан, деган ўй яшин тезлигида миясидан ўтди. Аммо...

«Шу бор обрўйимни ҳам йўқотмай тағин» дегандай, мағлуб нигоҳлари ерга қадалди. Оёқлари уни орқага тортди.

Мўминларга Оллоҳ ҳадя этган буюк имон тимсоли бўлмиш Умар мустаҳкам бир қалъани ёдга солувчи гавдаси билан Ислом зафарини намойиш этиб турар эди. Эшитганларни титроққа соладиган гулдурос бир овозда:

— Хўш, энди нима дейсизлар? Яна биронтангиз қарши чиқасизми? — деб ҳайқирди.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ўзаро пичирлаб: «Бунчалик бўлиши мумкин эмас ахир...» деганлар бўлди.

Бироқ берилган хабарнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳали тўла аниқланмаган эди. Бир муддат кутиб туришди. Карвон кела бошлади. Нигоҳлар энг олдиндаги туяга қадалган. Олдинда кулранг бир туя эди, икки ёнбошида оқ ва қора — икки қоп юк.

Карвондагилар, бизларни кутиб олишга чиқишибди, деб ўйлашди. Асл мақсадларини билишмасди. Шунинг учун:

— Келишимизни қаёкдан билақолдинглар? — деб сўрашди. Саволлари савол билан қаршиланди:

— Кеча қаерда тўхтаб ҳордиқ чиқардингизлар?

— Дажнон водийида, — деб жавоб қилди карвон аҳли.

— Оббо шайтон тушмагурэй!

— Нима бўлди?

— Нима бўлгани билан ишларинг бўлмасин. Шундан кейин:

— Ораларингда бир ичим суви ўзидан ўзи ғойиб бўлиб қолган кимса борми? — деб сўрашди.

— Ҳа, менман ўша сувсиз қолган одам. Ётишдан олдин мешимда аниқ сув бор эди, эрталаб туриб ичарман, деб ўйловдим. Эрталаб қарасам, сув йўқ. Аммо мешнинг оғзи берк. Биродарларимдан сўрабсуриштирдим. Ҳеч ким, «Мен ичувдим», демади. — Бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир сўзлаб бергач, атрофига ҳайрон боқди: — Нималар бўляпти ўзи, бизга бундай тушунтириб берсаларингизчи, — деди.

Абу Жаҳл асабий бир овозда ғўлдиради:

— Жодугарлик тажрибаларини ўтказяпмиз. Дунёнинг энг машҳур жодугари ўзимизнинг қабиладан чиқди. Ҳа...

Ҳақни кўриш ва ҳис этишдан маҳрум бу кишилар, шунчалар очиқ-ойдин мўъжизани ҳам, ҳар доимгидай, «сеҳржоду» дейишдан нарига ўтмаган эди.

* * *

Саййидул анбиё (с.а.в.) жаноблари бир кечада Ақсо масжидига бориб келганларини сўзлаб бергач, кофирларнинг гумроҳлиги янада ортгани, ҳатто имон келтирганлардан баъзилари ҳам: «Бунақаси бўлиши мумкин эмас», дея диндан чиқиб кетганлари ривоят қилинади. (Ибн Касир. «Сияр», 2/96. 112)

Аммо динидан қайтганларнинг исмлари сақланиб қолмаган.

Фахри Коинотнинг (с.а.в.) шу кунгача берган ҳар бир хабарларини маъқуллаб, тасдиқлаб келган ва бу йўлда хар кандай жабрзулмга мардларча кўкрак керган мўминларнинг пайғамбаримиз бир кечада Ақсо масжидига бориб келганларини айтганлари учунгина у кишининг динларидан чиқиб кетиши бўлмағур гап. Қолаверса, Расули акрам (с.а.в.) бу сафарни тасдиқловчи очиқ-ойдин далилларни келтирганлар, бунга ҳатто Абу Жаҳлдек ашадий мушриклар ҳам эътироз билдира олишмаган.

Расули муҳтарам (с.а.в.) ўзларидан сўралган саволларга жавоб бера олмай қолганларида

ҳам бошқа гап эди. Ўшанда, баъзи мўминлар динидан қайтди, дейишнинг маъноси бўлар эди.

Устигаустак, карвоннинг етиб келар вақти ҳақидаги хабарларининг тўғри чиқиши, мункирлар ҳам имонга келишларига арзигулик воқеа эди.

Меърож ҳодисасидан кейин мўминлар кунига беш вақт намоз ўқийдиган бўлишди.

Бундан олдин улар кунига атиги икки маҳал — кун чиқиши ва кун ботишидан олдингина намоз ўқишар эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўша кечадан эътиборан ҳар галги намозларида ўша ғаройиб сафарнинг — Мавло ҳузурига боришнинг маънавий ҳузурини туядиган бўлдилар. Ҳар намоз у зот учун ўзига хос бир меърожга айланди.

Холис ният ила Парвардигори ҳузурида қоим бўладиган ҳар бир мўмин учун ҳам намоз бир меърождек бўлиб қолди.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ғаройиб сафарлари рўй берган меърож кечаси ҳақида Исро сурасида ҳикоя этилади. Шунингдек, мўминлар риоя қилишлари зарур бўлган диний ва ахлоқий ҳукмлар ҳам шу сурада келди.

Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч бир нарсани илоҳ қилмаслик зарурлиги яна бир бор такрорлангач, отаонага ҳурматда бўлиш, қариндош-уруғ, қўниқўшни ва мусофирларга ёрдам бериш, фарзандларни камбағалликдан қўрқиб ўлдиришдан тийилиш, зинодан узоқ юриш, одам ўлдирмаслик, етимнинг ҳақини емаслик, тарозидан урмаслик, хоксор бўлиш ва кибру ҳавони тарк этиш каби ҳукмлар баён қилинди.

* * *

Мушриклар билан мусулмонлар орасидаги зиддият шу даражага етдики, натижада ҳазрати Абу Бакр (р.а.) ҳам Маккани тарк этишга қарор берди. Мушриклар уни ўз ҳолига қўймас, тинчгина тоатибодат қилишига ҳам йўл бермас эди.

Бошқа мусулмон биродарлари каби, Ҳабашистонга ҳижрат қилмоқчи бўлди. Вазиятни Расулуллоҳга (с.а.в.) тушунтирди. Ижозат олгач, сафар халтасига керакли микдорда озиқовқат солдида, Маккани тарк этди. Қалби ғам-ғуссага тўлган, ниҳоятда паришон эди.

Барқул ғамодга етиб борганида Қора халқининг йўлбошчиси Молик ибн Дағиннага дуч келиб қолди. Азалдан бир-бирларини танишар эди.

— Йўл бўлсин, ё Абу Бакр? — деб сўради Молик ибн Дағинна.

—Ҳабашистонга кетяпман.

—Ҳа, яхши. Унда мол-мулкинг қани?

—Тижорат учун бораётганим йўқ...

Ҳазрати Абу Бакр бор гапни қисқача сўзлаб берди. Ибн Дағинна диққат билан тинглар экан, юрагида эътироз туғилди.

— Ё Абу Бакр, сендек мўътабар зот шундай бир арзимас сабаб билан ватанингни тарк этиб чиқиб кетишинг тўғри эмас. Ҳайдаб чиқаришлари ҳам инсофдан эмас. Сен камбағалларга ёрдам қўлини чўзадиган, қариндош-уруғлик алоқаларини ҳурмат этадиган, мазлумларнинг оғирини енгил қиладиган, мусофирга иззатикром кўрсатадиган олижанобинсонсан. Мен сени ҳимояга оламан, қайт юртингга! Ўз шаҳрингда Парвардигорингга хоҳлаганингдай ибодат қилавер.

Биргаликда Маккага қайтдилар. Ибн Дағинна қурайшийлар орасида сўзи ўтадиган, обрўэътиборли киши эди. Қурайш зодагонлари билан учрашди.

—Абу Бакрдай мўътабар бир одам ватанидан ҳайдалмаслиги керак, — деди.

—Сен уни ҳимоянгга олганингга, албатта, биз қарши эмасмиз, — деб жавоб қилишди маккаликлар, — аммо бу масалада баъзибир шартларимиз бор.

— Хўш, қанақа шартлар экан улар?

— Абу Бакр ибодатини уйида қилсин, намозни ҳам уйида ўқисин, нима қилмоқчи бўлса, уйида қилсин. Қисқаси, бизни безовта қилмасин. Чунки хотинларимизни, бола-чақаларимизни бир балога йўлиқтириб қўймасин, деб қўрқамиз.

Ибн Дағинна бу таклифга рози бўлди, ҳазрати Абу Бакр ҳам шартларни қабул этди. Ғурбат элларда ҳасрат чекиб юргандан кўра, мана шундай шартлар остида бўлса ҳам Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ёнларида қолиш маъқул эди унга.

* * *

Бир куни ҳазрати Абу Бакр уйининг олдини масжидга айлантиришни ўйлади. Шу ерда намоз ўқий бошлади.

Нозик табиатли бир инсон эмасми, абадий мўъжиза бўлган Қуръони карим гўёки унинг қалбининг теранликларига иниб борар ва у ердан тотли оҳанг ила йўғрилиб чиқиб келар эди. Баъзан азоб оятлари унинг руҳида ғалаёнлар кўтарар, Оллоҳнинг лутфу карамидан баҳс этадиган оятлар эса, жаннат шабадаларини эстираётгандай бўлар эди.

Маҳалла болалари уни томоша қила бошлашди, аёллар унинг кўзёшларила, ёниқ овозла ўқиётган Қуръонига қулоқ тутадиган бўлиб қолишди.

Бу вазият қурайшийларни бетоқат қилди. Аёллар ва болаларга бу ёниқ овознинг, бу кўзёшларнинг таъсир этиб қолишидан қўрқишди.

Ибн Дағиннага хабар жўнатишди. У дарҳол етиб келди ва нима гаплигини суриштирди.

— Биз сенинг ҳимоянгни тан олганмиз, аммо Абу Бакр уйида ибодат қилсин деб шарт қилиб қўйган эдик...— дея вазиятни батафсил тушунтиришди. — Ё Абу Бакр шартларимизга амал қилсин, ёхуд сен ҳимоянгдан воз кеч.

У Абу Бакрнинг уйига келиб, қурайшийларнинг хоҳишларини англатди. Ҳазрати Абу Бакр уни ноқулай аҳволга солиб қўйишни истамади.

— Менга Оллоҳнинг ҳимояси кифоя, сенинг ҳимоянгдан воз кечаман, — деди.

Арабларнинг одатига кўра, бирга Қурайш зодагонларининг ҳузурига боришди. Ҳазрати Абу Бакр Ибн Дағиннанинг ҳимоясидан ўз ихтиёри билан воз кечаётганини, бунда унинг заррача айби йўқлигини эълон этди.

Молик ибн Дағинна кўнгли хотиржам бўлиб изига қайтди. Ҳазрати Абу Бакр учун эса, яна эски — нотинч, беҳаловат кунлар бошланди.

БОЗОРЛАРДА ҚИЛИНГАН ДАЪВАТ

Арабларнинг учта йирик ва машҳур бозори бор эди, улар: Укоз, Мажанна ва Зулмажоз. Аввали Шаввол ойида Укоз бозори очилар ва бу ерда савдосотиқ бир ойча давом этар эди. Сўнгра Мажаннада йигирма кунлик бир бозор очилар, у ердан эса, Зулмажозга кўчилар эди.

Бозор мавсуми тугагач, ҳаж мавсуми бошланар, карвонкарвон бўлиб сафарга чиққанлар Каъбани тавоф этиш учун Макка сари йўл олар эдилар.

Расули мукаррам (с.а.в.) ҳаж қилиш мақсадида Маккага келган қабилалар орасида юриб, уларни Исломга даъват эта бошладилар. Енларида қабилаларнинг келиб чиқиши, насликасби хусусида кенг ва атрофлича биладиган Ҳазрати Абу Бакр бор эди. Дуч келинган кдбила аъзоларидан аввал ким эканлиги сўралар, сўнгра уларнинг қошига ўтириб, Ислом динидан баҳс этар эдилар. Абу Лаҳаб ҳам қараб турмас, у ҳам эски вазифаси билан банд бўлар эди.

— Ишонманглар унга! Болаларни оталарига душман қилган жодугар мана шу бўлади! Оилаларни бузган, эрни хотиндан ажратган иғвогар мана шу одамдир! —деб бақириб юрарди.

Баъзилар истеҳзо ва ҳақоратомуз оҳангда бу динни қабул этолмасликларини билдирардилар. Аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) сира ҳам умидсизланмай, бошқа бир қабилани даъват қила бошлар эдилар. Баъзилар очиқданочиқ савдолашишга тушишарди:

— Хўп, агар биз сени қўллабқувватласак ва муваффақиятга эришсак, ҳокимиятни бизга топширасанми? Шунга розимисан? — дейишарди.

Ҳаққа даъват этаётган зот бунга жавобан ҳам ҳақ сўзни сўзлар эдилар:

— Ҳамма нарса Оллоҳнинг хоҳиширодаси билан бўлади. У истаган бандасига ҳокимият

беради.

— У ҳолда бу иш бизга тўғри келмайди. Биз бу ишни деб жонимизни жабборга берайлик, ҳаётимизни хавф остига қўяйлик, арабларнинг душманлигига учрайлик, уларнинг ўқларига нишон бўлайликда, сўнгра қўлга киритилган ғалабанинг ўлжаларидан бошқалар баҳраманд бўлсинлар?! Йўқ, унақаси кетмайди.

Ҳар бир қабила бирон баҳона ёки бирон «камчилик» топиб, бу дингга киришдан ўзларини олиб қочарди.

Ниҳоят Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳазраж қабиласидан бўлган олти кишилик бир гуруҳга юзлашдилар. Улар Минонинг Ақоба деб аталувчи жойида тўхташган эди.

— Кимсизлар? — деб сўрадилар Фахри Коинот (с.а.в.).

— Ясрибдан келдик. Ҳазраж қабиласиданмиз, — деб жавоб қилишди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга Ислом дини тўғрисида сўзлаб бердилар. Оллоҳнинг пайғамбари эканларини, ўзларига китоб туширилганини таъкидладилар. Муқаддас Қуръони карим оятларидан ўқиб бердилар.

Ҳазражликлар бир-бирларига тикилиб қолишди. Маъноли қарашлар қилишди бир-бирларига. Сўнгра биттаси пичирлагудек паст овозда:

Яҳудийлар маълум қилган пайғамбар шу одам бўлса керак. Унга имон келтиришда зинҳорбазинҳор яҳудийлар биздан ўтиб кетмаслиги керак, — деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) сўзлаб берган нарсалар жуда гўзал, мафтункор ва таъсирчан бўлиб, инсонга фазилат ва одоб сабоғини берар эди. Ақли расо киши бу нарсалардан юз ўгириши тўғри бўлмас эди. Шунингдек, пайғамбар эканини таъкидлаётган бу зотнинг чеҳрасидан нур ёғилар, вужудидан хуш бир бўй таралар эдй. Самимий бир тушунча, покиза бир қалб эгаси экани шундоққина кўриниб турарди.

— Сенга ишонамиз, эй улуғ инсон. Шубҳасиз, сен Оллоҳнинг бизга раҳмат қилиб жўнатган пайғамбарисан, — дейишди бир овоздан.

Расулуллоҳ (с.а.в.) севиниб кетдилар. Шу пайтгача бошқа қабилаларга қилган даъватлари зое кетган, қалблари ғам-ғуссага тўлган бўлса, энди бу имон учқунлари юракларига ором бағишлаган эди.

Ҳазражликлар бирмабир ўзларини танитишди:

—Абу Умома Асъад ибн Зурора.

—Авф ибн Ҳорис.

—Рафиъ ибн Молик.

—Қутба ибн Амр.

—Уқба ибн Амр.

—Жобир ибн Абдуллоҳ.

Баъзи ривоятларда бу илк учрашувда ҳазражликлар саккиз киши бўлгани нақл қилинади. Юқорида исмлари келтирилганлардан ташқари яна Муоз ибн Афро ва Убода ибн Сомит ҳам борлиги билдирилади.

— Шу кунларда ўз қавмимиз билан ҳам, қавмимизга мансуб бўлмаган яҳудийлар билан ҳам келишолмай турибмиз. Орамизга душманлик ва ёмонлик уруғлари кириб қолди. Умид қиламизки, сен туфайли Оллоҳ таоло орамиздаги тушунмовчиликни бартараф этиб, яна қар дошлик уруғларини сочади. Биз юртимизга қайтиб, қабиладошларимизни ҳам сенинг динингга даъват қиламиз. Агар Оллоҳ уларни мана шу дин устида тўплаб бирлаш тирса, биз сендан миннатдор бўламиз.

Шундан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.) билан хайрлашиб, юртларига қайтиб кетишди.

Шу йўсинда Ясриб шаҳрида ҳам Ислом динининг уруғлари сочилди.

Булар Ясрибга бориб, мазкур шарафли ва муборак динни тушунтиражак, унга даъват этиб, ўзлари сингари имони бақувват мусулмонларни етиштиражаклар.

Буюк Оллоҳ инсоният учун ёйган, лекин маккаликлар хўрлаган бу баракотли дастурхон атрофига мадиналиклар ўтиражак, қурайшийлар оёқости қилган бу муборак неъматни авс ва ҳазражликлар бошларига кўтаражаклар келгусида.

Ислом тарихида исмлари жуда оз маълум бўлган бу шарафли инсонларнинг номлари олтин ҳарфлар билан ёзилса ва ҳар бир мўмин-мусулмон қалби тўридан жой олса, арзийди.

Улар инсониятнинг саодат раҳбаридан олган омонатни Ясрибга тарқатиш мақсадида йўлга чиқар эканлар, Набиййи акрам (с.а.в.) хам кўнгиллари ғоят кўтарилган ҳолда бошқа мусофирлар билан учрашиш учун жойларидан жилдилар.

Бир йилдан кейин яна ҳаж мавсуми бошланганида, Ясриб шаҳридан имон нури ила безанган ўн икки киши келди. Улар орасида, ўтган йили Расулуллоҳнинг саҳобалари қаторига киришга мушарраф бўлган олти киши ҳам бор эди. Улар бир йил олдин кўрган Улуғ Пайғамбарларини соғинган, у зотнинг муборак юзларини кўриш, мафтункор суҳбатларидан баҳраманд бўлиш учун қанот ёйиб, учгудай бўлиб келишган эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) улар билан аввалги учрашган жойларида учрашдилар. Келганлар ҳаммалари мусулмон эди. Ясрибда ҳам яна кўпгина кишилар мусулмон бўлганлари ҳақида хушхабар етказишди. Бундан буён қандай хукмларга риоя қилишлари кераклигини сўраб ўрганишди. Суюкли пайғамбаримиз билан Ясриб мусулмонлари орасида бир шартнома тузилди. Тарихда бу шартнома «Биринчи Ақоба байъати» номи билан қайд этилгандир.

Бу йиғилишда Расулуллоҳ (с.а.в.): — Оллоҳга ҳеч бир нарсани шерик қилмаслик, ўғрилик қилмаслик, зинодан узок бўлиш, норасида гўдакларни ўлдирмаслик, ҳеч кимга бўҳтон ёғдирмаслик, хайрли ишларга қаршилик кўрсатмасликка менга сўз беринг!.. Сизлардан сўзида турганларга мукофот беришни Оллоҳ ваъда қилади. У ҳар қандай нуқсондан пок ва марҳаматли зотдир. Мана шу ҳукмларга риоя киламан деб эвазига фоний дунёда азобларга қолинса, бу азоблар охиратда мағфиратга айланади. Булардан биттасига амал қилмаганлар эса, Оллоҳнинг иродасига ҳаволадир. Хоҳласа, гуноҳларини афв этади, хоҳласа, азоб беради, — дедилар.

Ўн икки киши Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ушбу сўзларини такрорлаб қасамёд қилдилар.

Расулуллоҳга (с.а.в.) қасамёд қилиш шарафига сазовор бўлган ясриблик бу инсонлар қуйидагилар эди:

1. Асъад ибн Зурора.
2. Авф ибн Ҳорис.
3. Муоз ибн Ҳорис.
4. Рафиъ ибн Молик.
5. Заквон ибн Қайс.
6. Убода ибн Сомит.
7. Язид ибн Саълаба.
8. Аббос ибн Убода.
9. Уқба ибн Амр.
10. Қутба ибн Амр.
11. Малик ибн Таййихон.
12. Увайм ибн Соида

Ақобада кўнгиллари покланган мўмин-мусулмонлар ватанларига қайтар эканлар:

— Е Расулуллоҳ, биз билан бирга бир одам жўнатинг, қавмимизга Қуръонни ўргатсин, — дедилар.

Фахри Коинот (с.а.в.) жанобларининг муборак чеҳраларида мамнунлик излари кўринди. Бу самимий бир илтимос эди. Бундан буён маккаликлар хор килган тавҳид машъаласини ясрибликлар баланд кўтаражак, илдизли имон кўчати ўша муборак тупроқларга ўтқазилажак, бу беқиёс кўчат муборак ҳосилларини ўша ерда бежарак эди.

Мусъаб ибн Умайр ушбу вазифага энг муносиб инсон эди. Чақиртирилди, Ясрибда Қуръон

ўргатиш вазифасига лойиқ деб топилгани билдирилди. Мусъаб бу вазифани ғоят мамнунлик билан қаршилади. «Энг хайрлигингиз Қуръонни ўрганган ва уни ўргатадиганингиздир», деб буюрган улуғ Расул бу даъфа уни ушбу шарафга ноил қилган эдилар.

Мусъаб имон келтирганидан сўнг оиласидан бадарға этилган эди. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) пайғамбарликларини тасдиқлагунига қадар том маънода шоҳона ҳаёт кечирган, хоҳлаган нарсаси унга доим муҳайё, энг тансиқ таомлар у истаган дамда ҳозиру нозир бўлган. Энг ноёб кийимлар кийиб, шаҳзодалардек давру даврон суриб келган эди. Бироқ имон келтирганидан сўнг ҳамма нарса бирданига тескарисига ўзгарди, қадрдон гўшасидан ҳайдалди.

ЯСРИБ ИМОН ҚАРОРГОҲИГА АЙЛАНАДИ

Мусъаб йўлга чиқиш учун ҳозирлик кўрмади. Чунки эгнидаги эски либосидан бошқа ҳеч вақоси йўқ эди. Дарҳол, «Қайдасан, Ясриб?» дея йўлга чиқди. Амр ибн Умми Мактум унга ёрдамчи этиб тайинланди.

Мусъаб ҳамроҳи билан бирга узоқ давом этган йўлчиликдан сўнг Ясрибга етиб боришди. Мусулмонлар билан танишишди. Шаҳарда бутун оиласи билан Ислом динига кирганлар ҳам бор эди. Мусъаб билан Амр уларга Қуръонни ўргатиш билан бир қаторда, иккинчи томондан, ҳали бу янги динга кирмаганларни Исломга даъват этишарди. Ясрибликлар Исломга ўз ихтиёрлари билан, чин кўнгилдан қабул этиб кираётганларини кўриб қувонишар, Оллоҳга хамду санолар айтишар эди. Энди бу ерда Абу Жаҳл ҳам, Абу Лахаб хам йўқ эди.

* * *

Бир куни Асъад ибн Зурора меҳмони Мусъабни олиб, Бани Абдул Ашҳал маҳалласига борди. Бир боғда мусулмонлар йиғилиб, суҳбат қуришмоқчи эди.

Олдиндан келишилган қарорга кўра, у ерда ёшлар тўпланишди. Суҳбат бошланди. Мусъаб гапирар, улар тинглашар эди. Суюкли пайғамбаримизнинг гўзал одобахлоқлари, мислсиз фазилатлари, беқиёс сабртоқатлари ҳақида ҳикоя қилинди.

Бирдан Асъад Мусъабнинг сўзини бўлди:

— Менга қара, Мусъаб, анави келаётган одам Бани Абдул Ашҳалнинг етакчиларидан бири. Агар уни Оллоҳнинг бирлигига ишонтира олсак, зўр иш бўлардида, деди.

Бу киши Усайд ибн Хузайр бўлиб, қабиланинг икки оқсоқолидан бири эди. Қовоғи солиқ. Юраги сиқилаётгани шундоққина кўриниб турарди. Уларнинг тепасига келиб, илон пўст ташлайдиган беҳаё сўзларни айтиб сўкинди, сўнгра:

— Асл ниятларингиз нима ўзи? — дея гап бошлади.— Бу ёшлардан нима истайсизлар? Бир гуруҳ покиза, самимий йигитларни йўлдан оздирмоқчимисизлар?

Агар жонларингиздан умидларингиз бўлса, ҳозироқ бу ердан даф бўлинглар!

У найзасини маҳкам ушлаб олган, кўзларидан олов чақнар, овози шиддатли эди.

Мусъаб бир зумда Расулуллоҳни кўз олдига келтирди. У зотнинг юмшоқ табиати, жозибали табассумлари, ширин суханлари ёдига келди.

— Бир нафас ўтирсанг, суҳбатлашсак, яхши бўлармиди? Даъвоимизни эшитиб кўрар эдинг. Дилингга хуш келса, қабул қиларсан. Ёқмаса, биз хам сизларни ортиқ безовта қилмас эдик.

Шиддатли нигоҳлар бир оз юмшагандай бўлди. Юздаги ифода ҳам ўзгарди.

— Ҳақли гап айтдинг, — деди. Қўлидаги найзасини ерга санчиб кўйди ва чордона қуриб ўтириб олди.

Мусъаб гап бошлади. Ўтмишдаги жохилона ҳаётлари, сўнгра Расулуллоҳ (с.а.в.) ва у киши инсонларга келтирган дин, Оллоҳ таоло нозил қилган китоб ҳақида донадона қилиб сўзлаб берди.

— Хўш, у ҳолда менга ўша китобдан баъзи бир нарсаларни ўқиб бера оласанми? — деди

Усайд.

Мусъаб «Бисмиллоҳ» деб Қуръонни тиловат қила бошлади. Кўнгилларнинг тубтубигача етиб бораётган, ҳеч бир адиб ва шоир тасаввурига ҳам сиғдира олмайдиган бу мукаммал ифодалар рухини остинустин қилаётганини ҳис этди Усайд. Тиловат қилинаётган ушбу илоҳий каломни диққат билан тинглар экан, қандайдир кўринмас кучлар унга таъсир кўрсатиб, ҳидоят йўлига чорлаётганини сезди.

— Нақадар гўзал, нақадар латиф калом бу!.. — деди ҳаяжонланиб.

Сўнгра Мусъабга ўгрилиб:

—Бу динга қандай кирилади? Сизлар қандай киргансизлар? — деб сўради.

—Ғусл қилиб покланасан, покиза либосларни кийиб, шаҳодат калималарини келтирасан ва намоз ўқийсан.

Усайд ортиқ иккиланиб ўтирмади. Боғнинг бир чеккасига бориб ғусл қилди, либосини тозалади ва Мусъабнинг ёнига келди ҳамда шаҳодат калималарини айтди. Сўнгра ўрнидан турди ва ўргатилгандек қилиб намозга турди.

Кўнгилларга хотиржамлик ва мамнунлик ҳисси чўкди. Бу туйғулар кўзларга ҳам балқиб чиқди.

— Энди яна бир одам қолди. Шундай одамки, агар унга ҳам мусулмонликни қабул қилдира олсак, ортиқ ҳеч қандай хавфхатар қолмайди... — деди Усайд ва ўрнидан туриб, келган томонига қайтиб кетди.

Саъд ибн Муоз уни зўр қизиқиш билан кутиб турарди. Аммо Усайд шаштидан қайтган ҳолда келаётганини кўриб, кўнгли ғаш бўлди. Ёнидагиларга:

— Қасамки, биродаримизда кетаётгандаги шашти йўқ, деди.

— Нима қилдинг? — деб сўради у етиб келганида.

Усайд жавоб берди:

—Ҳалиги икки киши билан гаплашдим. Лекин уларнинг ишида зарарли ҳеч нимани пайқамадим. Бу орада Бани Ҳориса холангнинг ўғлига бир ёмонлик ҳозирлаганларини эшитдим, — деб жавоб қилди Усайд.

—Асъад ибн Зурорагами?

—Ҳа.

Саъд дарҳол ўрнидан туриб, Асъадлар ўтирган боққа томон йўл олди.

* * *

У ҳам шаҳдам одимлар билан, бузуқ важоҳат билан келди. У ҳам худди Усайд кутиб олинган тарзда кутиб олинди. Шундан кейин у ҳам Мусъаб ўқиб берган Қуръон оятларини тинглади:

«Ҳо, мим. Очиқравшан китобга — Қуръонга қасамки, албатта, Биз уни сизлар ақл юргизишингиз (маъномазмунини фаҳмлашингиз) учун арабий Қуръон қилдик. Дарҳақиқат, у Бизнинг даргоҳимиздаги Асл китобда (Лавҳул Маҳфузда битилган) юксак (мартабали) ва ҳикматли (Китобдир). Бас, (куфру исёнда) ҳаддан ошувчи қавм бўлганларингиз учун Биз сизлардан бу эслатмани буриб (сизларни ўз ҳолларингизга ташлаб) қўюрмизми?! Биз аввалгиларга ҳам анча пайғамбар юборганмиз. Улар ҳам ўзларига келган ҳар бир пайғамбарни масхара қилиб кулган эдилар. Бас, Биз улардан, (Макка кофирларидан) кучли-қувватлироқларини ҳам ҳалок қилганмиз. (Ушбу Қуръонда) аввалгиларнинг масалқиссалари ўтдику!» (Зухруф сураси 1— 8оятлар.)

Бу оятлар Саъд ибн Муознинг юрагидаги ғазабни бартараф этди ва юмшоқ кўнгил қилиб қўйди. Тинглаб бўлгач, юз ифодасининг бирдан ўзгариб, мулойим бўлиб қолиши руҳияти ҳам остинустин бўлганидан дарак берар эди.

Шу зайл қабилада сўзи ўтадиган, ҳурмати баланд икки мўътабар зот мусулмон бўлди.

Саъд ибн Муоз ҳам қайтиб қавмининг олдига келганида, бутунлай бошқача бўлиб қолган эди.

—Мен сизларга кимман? — деб сўради.

—Бизнинг йўлбошчимизсан, — дейишди.

Саъд олдин калима келтирди, сўнгра сўзларини шундай давом эттирди:

—Оллоҳга ва расулига имон келтирмагунингизча аёлларингиз билан ҳам, эркакларингиз билан ҳам гаплашишни ўзимга ҳаром деб биламан.

Бу сўзлар Бани Абдул Ашҳалга қаттиқ таъсир қилди. У ерда ўтирганларнинг ҳаммаси биринкетин калима келтирдилар. Уша куни кечгача Бани Абдул Ашҳалдан мусулмон бўлмаган бironта ҳам оила қолмади.

Бундан буён даъват ортиқча қийинчиликсиз, муваффақият билан юргизила бошлади. Ислом даъватига чин кўнгилдан берилган бу инсонлар ҳар куни бир хушхабар, ҳар куни янги бир мадад олишар эди. Маккада ўтган ҳар бир кун тобора оғир ва машаққатли кечаётган бир пайтда Ясриб халқи, худди бир-бирлари билан мусобақа қилаётгандай, тобора шаҳдам одимлар билан имон йўлидан илгарилар эди. Ясриб мусулмон меҳр қўядиган, у ерда яшашдан ўзини бахтиёр ҳис этадиган имон шаҳрига айланиб борарди.

Кетмакет бир неча ой ўтди. Кейинги ҳаж мавсумида Ясриб шаҳридан беш юз кишилик бир карвон Макка томон йўл олди. Улар орасидаги етмиш уч эркак ва икки аёл айниқса ўзларини бахтиёр ҳис этардилар. Булардан Пайғамбар (алайҳиссалом) билан бир йил олдин танишган ва ўшандаги суҳбат ҳамон кўз олдида турган баъзилари у зотни яна кўриш, ҳали кўрмасдан туриб пайғамбарлигига ишонган бошқалари эса, Расулуллоҳга етишиш ҳисси билан тўлибтошар эди.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром қабиласи орасида ҳурмати баланд, сўзи ўтадиган бир киши эди. У ҳам ҳаж ниятида сафарга чиққан эди. Карвонда баъзан бironта дўсти билан суҳбатлашиб, баъзан якка ўзи тўхтабтўхтаб, хаёлга толиб бораарди.

Каъб ибн Молик унинг ёнига келди.

—Қалайсан, эй Абу Жобир?

—Яхши, раҳмат.

—Яхши эканингга кўзим етмаяптида.

—Хўш, унда қанақа эканман?

— Бу кетишда жаҳаннамга ўтин бўладигандек кўриняпсан кўзимга.

Бу гап истеҳзо эмасди. Бу овозда ҳақорат ифодаси ҳам йўқ эди. Ярим ҳазил, ярим чин оҳангида айтилган бир сўз эди.

Абдуллоҳ кулимсиради:

— Нега экан энди?

Каъб Абдуллоҳнинг туясига ёпилган хуржунга қўлини тиқди, у ердан бир тош чиқарди.

—Бу нима? — деб сўради.

—Ҳаммага маълум нарсаку.

—Яъни, бир илоҳ, шундайми?

— Шубҳанг борми?

Каъб кудди.

— Илоҳ, аммо гунг ва соқов, кучсиз ва ночор бир илоҳ... Қисқаси, бир тошдан ўзга нарса эмас, — дея қўлидаги тошга енгиленгил уриб қўйди. — Қара, калтак еяётганини ҳам билмайди. — Дўстига бирикки сония ўйлаб олишга фурсат берди. Сўнгра: — Қани, энди айтчи, бу илоҳинг хуржунда нима билан машғул эди? Сен уни олмагунингча, борйўқлиги ҳам номаълум эди, тўғрими? Кейин қўлидаги тошни улоқтириб юборди. —Қара... деди.

Абдуллоҳнинг онги остинустин бўлиб кетди. «Бу қандай илоҳки, Каъбнинг қўлида ўйинчоқ қилиб ўйнатилса ҳам, лом-мим демаса?» деган ўй ўтди.

Каъб:

— Энди гапларимга қулоқ сол, эй Абу Жобир, биз сенинг жаҳаннамга ўтин бўлишингни асло истамаймиз, чунки сен ақли расо, ҳурмати баланд, баобрў бир одамсан.

— Гапларинг тўғри, Каъб. Асл муддаонг нима ўзи?

— Биз япянги ва тўппатўғри, ҳақ ва ҳидоят динига кирдик, — деди Каъб. — Бу дин инсонга инсон эканини уқтирадиган, тошларга асир бўлишдан халос этиб, ҳамма нарсани яратган Оллоҳга йўналтирадиган, инсонни ахлоқий фазилатлар билан янада безайдиган бир диндир...

Каъб таниқли шоир эмасми, нутқи равон ва гўзал эди. Ислом динини бор истеъдодини ишга солиб таърифлади. Абдуллоҳ унинг гапларини боши эгик ҳолда, диққат билан тинглади.

Бир оздан сўнг йўлда давом этиш учун ўринларидан турдилар. Тош бут ётган жойида қолаверди.

* * *

Бароъ ибн Маърур ҳам қавми орасида сўзи ўтадиган бир киши эди. Ҳажга бу гал мусулмон сифатида борарди. Йўлда биродарларига хитоб қилди:

—Намоз пайти бу муборак Байтга орқамизни ўгириб ўқишимиз юрагимни ғаш қилмоқда. Бундан буён намозни Дамашқ томонга қараб эмас, Каъбага қараб ўқиймиз.

—Худо ҳаққи, эшитишимизча, Расулуллоҳ (с.а.в.) намозда Дамашқ томонга қараб ўқир эканлар. У кишидан бошқача иш тута олмаймиз.

— Сизларни билмайману, лекин мен бундан буён шундай қиламан.

— Эй Бароъ, подадан айрилганни бўри ер, дейдилар...

— Мени ўз ҳолимга қўйинглар. Сафар шу тарзда давом этди.

Маккага келдилар. Бароъ ибн Маърур Каъб ибн Моликка мурожаат қилди:

— Юр, биродар, тезроқ Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига борайлик. Йўлда қилган ишим юрагимга ғулғула солиб, тинчлик бермаяпти.

Биргаликда кетишди. Улар ҳали Расулуллоҳни кўришмаган, аммо сўрабсуриштириб тезроқ топишдан умидвор эди.

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳни қаердан топсак бўлади? Яъни, Абдулмутталибнинг неварасини?

Бир маккалик одам сал олдинроқ у кишини кўрган эди.

— Абдулмутталибнинг ўғли Аббосни танийсизларми?— дея сўради. «Ҳа» жавобини олгач, йўл кўрсатди:

— У ҳолда Масжиди Ҳарамга боринг. Ўша ерда Аббоснинг ёнида ўтирган киши сиз қидираётган одам бўлади.

Аббосни савдогар бўлгани учун танишарди.

Масжиди Ҳарамга боришди. Ёнатрофига разм солишди ва Аббосни кўриб қолишди. Ёнида ўтирган одам бутун вужуди ила «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ мен бўламан», деяётгандек эди.

Келган кишилар шу ерга ўтиришди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) амакиларига ўгирилдилар:

— Бу кишиларни танийсизми, эй Абул Фазл?

— Ҳа, булар қавмларининг йўлбошчилари бўлмиш Бароъ ибн Маърур ва Каъб ибн Моликдир, — деди Аббос.

—Яъни, машҳур шоир Каъбми?

—Худди шундай.

«Демак, Расулуллоҳ (с.а.в.) мен ҳақимда эшитган эканларда?! деган ўйдан Каъб жуда ҳам қувониб кетди.

Каъб ва Бароъ Оллоҳга ва Расулга имон келтирганларини айтишди. Набиййи акрам (с.а.в.) ғойибона Исломга кирганларини эшитиб, бу одамлардан ғоят мамнун бўлдилар. Улар билан бирмунча вақт суҳбатлашиб ўтирдилар. Суҳбат орасида Бароъ ибн Маърур:

— Ё Расулуллоҳ, бу ёққа келаётганимизда манави муқаддас даргоҳга орқамни ўгириб намоз ўқишга ҳеч кўнглим бўлмади. Шунинг учун бошимни Каъба томонга қилиб саждага турдим. Аммо ҳамроҳларимнинг ишларига хилоф равишда йўл тутганим учун юрагим ғашланди.

Сиз нима дейсиз? — деб сўради.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Қиблани ўзгартирмаслик керак эди, — дедилар. Лекин «Яна эски ҳолингга қайт», деб талаб ҳам қилмадилар. Хайрлашар эканлар, ташриқ кунларида, аввалги сафардаги каби, Ақобада учрашишга келишиб олдилар.

Кундуз куни қабиладошлари билан бирга бўлиб, кечқурун одам оёғи тинганидан кейин секинсекин, биттаиккиталаб Ақобада тўпланмоқчи бўлишди. Ҳеч ким узоқ кутилмасин, ухлаб қолган киши уйғотилмасин, дейилди. Кетарда меҳмонлар кўнгилларидаги гапни очишди:

— Эй Оллоҳнинг расули, сизга бу ерда зиён-заҳмат етказилаётгани ва дилингизга озор берилаётганидан асло рози эмасмиз. Бизнинг юртимизга кўчиб ўтинг, ҳузур ҳаловатда, сизга ишонадиган, итоат қиладиган кишилар орасида яшанг. Ушбу таклифимизга кечқурун учрашганимизда узилкесил жавоб беринг, — дейишди.

Келишилган вақтда Расулуллоҳ (с.а.в.) амакилари Аббос билан биргаликда Ақоба томонга йўл олдилар.

* * *

Ясрибдан келган мусофирлар ҳар доимгидай кечқурун алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди. Сўнгра кўзлар юмила бошлади. Кўп ўтмай уйқуга кетишди.

Улар орасида ухлаб қолмасликка тиришиб, ўзгача ҳаяжон ичида ўтирганлар ҳам бор эди. Улар шерикларининг ҳаммаси тўла ухлаб бўлгунича бир муддат кутишди. Кейин биттабитта бўлиб ўта эҳтиёткорлик билан, ҳатто бир-бирига билдирмай, ажралиб чиқа бошлашди. Чунки бирон тасодиф ила мусулмон бўлмаган шерикларининг уйғониб кетиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас эди.

Зулҳижжа ойининг ўн биринчи (ёки ўн иккинчи) кунига ўтар кечаси эди. Осмонда ой ва юлдузлар чарақлаб турарди. Атроф жимжит, теран сукунат чўккан.

Ақобага келганларида Расулуллоҳ (с.а.в.) амакилари иккалалари уларни кутиб турган эдилар.

* * *

Аввал Аббос сўз бошлади:

— Эй ҳазражликлар, Муҳаммад бизнинг орамизда баланд бир мавқеъга эга экани сизларга ҳам маълум. Биз уни қабиладошларимиздан муҳофаза этиш учўн ҳимоямизга олганмиз. Қавми орасида қанчалик шарафли инсон бўлмасин, ўз шаҳрида ҳимоя остида яшашга мажбур бўлмоқда. Шу боис у бизни ташлаб сизларнинг юртингизга кетишга қарор берди. Агар сизлар қилган таклифларингизга вафо кўрсатсаларингиз, уни ҳимоя қила олсаларингиз, нур устига нур. Бироқ агар уни ёлғиз қолдирсаларингиз ва оғир аҳволга солиб қўядиган бўлсаларингиз, ҳозироқ очиғини айтиб, уни ўз ҳолига қўйинглар. Чунки уни қавми бундан кейин ҳам ҳимоя эта олади. (Имом Бухорий. 5/130.)

Аббоснинг сўзлари тўғри эмасди. Пайғамбарликларини эълон этганларидан бери ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт ичида Аббос жияни учун ҳеч нима қилмаган эди. Имон келтирмаган, лекин унга мададкор ҳам бўлмаган эди. Ҳеч бўлмаса, акаси Абу Толибнинг вафотидан сўнг уни ҳимоясига олиши мумкин эди. Ёки Тоифдан қайтган Расулуллоҳни (с.а.в.) паноҳига олганида, у бегона кишилардан ҳимоя сўрашга мажбур бўлмасди. Абу Толибнинг, Абу Лаҳабнинг ҳимоясини тан олган қурайшийлар унинг ҳимоясини рад этмасдилар. Устигаустак, у Абу Толиб сингари камбағал эмасди. Қурайшийлар орасида обрўэътиборга сазовор, бадавлат бир киши эди. Каъба хизматларидан «Сиқоя», яъни, ҳожиларга сув тарқатувчилик лавозимини эгаллаган

эди.

Аббос акаси Абу Толибга берган қарзи эвазига, то уни қайтиб олгунича, сиқоя вазифасини акасидан сўраган, Абу Толиб бунга мажбуран рози бўлган эди...

Ясриб халқи номидан Асъад ибн Зурора сўзлади. У Аббосга хитобан бундай деди:

— Эй бизга ишончсизлик билдирган одам! Пайғамбаримизни «инсонларнинг энг суюкли киши си» дейиш билан нимани назарда тутганингни ёлғиз Оллоҳ билади. Биз бутун қариндош-уруғларимиздан алоқаларимизниузиб гувоҳлик берамизки, бу зот Оллоҳнинг расулидир. Уни Оллоҳ жўнатгандир. Келтирган дини ҳам ҳақ диндир. Пайғамбаримиз ҳақида орзу қилган тинчлик хотиржамликни таъминлашга қўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз. Буни биз рад этмаймиз.

Сўнгра Асъад Расулуллоҳга (с.а.в.) ўгирилдй:

—Сиз ҳам гапиринг, ё Расулуллоҳ, ўзингиз учун нималарни истайсиз. Парвардигорингиз учун нималарни истайсиз?

Расулуллоҳ (с.а.в.) жавоб бердилар:

—Хурсандлик кезларида ҳам, ғамташвишли кунларида ҳам сўзимга кириш ва итоат этиш; етишмовчилик кунларида ҳам, мўлкўлчиликда ҳам ёрдам бериш; яхшиликка буюриб, ёмонликдан воз кечишга, Оллоҳ йўлида иш тутишга, бу йўлдан оздирмоқка урунувчиларга қулоқ тутмасликка, сизларнинг қошингизга борганимда ўз шахсингизни, оилангизни ва фарзандларингизни химоя қилганингиз каби, мени ҳам муҳофаза этишга ваъда беринглар.

—Жуда соз, ушбу истакларингизни бажарсак, буларнинг эвазига бериладиган мукофот қандай бўлади?

— Одлоҳнинг розилиги ва жаннати бордир.

—Баяйонудил розимиз. Лекин биз яхудийлар билан бир шартнома тузган эдик. Энди ушбу шартномани хам бузамиз. Сизнинг орзуистакларингизни бажо келтирган тақдиримизда, Оллоҳ сизни музаффар қилса, бизни ташлаб, яна қабиладошларингиз орасига қайтасизми?

—Йўқ, бўндан сўнг сизларнинг қонингиз менинг қоним, сизларнинг ҳаётингиз менинг ҳаётим, сизларнинг ўлимингиз менинг ҳам ўлимимдир. Мен сизларданман, сизлар мендансиз. Сизлар ким билан жанг қилсаларингиз, мен ҳам ўша билан жанг қиламан, ким билан муроса қилсаларингиз, ўша билан муроса қиламан.

Ясрибдан Салим ибн Авфнинг ўғилларидан Аббос ибн Убода сўз бошлади:

— Эй ҳазражликлар, сиз бу одамга қандай ваъда бераётганингизни биласизларми? — деди.

— Ҳа, биламиз.

— Бу аҳдпаймонингиз билан оқу қора танли барча инсонларга қарши урушишга сўз бердингиз. Агар сиз бир кун келиб мол-мулкингизга, бойлигингизга зиён-заҳмат етишидан, яқинларингизнинг бошига кулфат тушишидан қўрқиб, Расулуллоҳни (с.а.в.) ёлғиз қолдиради ган бўлсангиз, ҳозироқ бу зотни ўз ҳолига қўйинг. Агар ўша пайтда уни ёлғиз қолдирадиган бўлсангиз, у ҳолда дунё ва охиратда мисли кўрилмаган разиллик ва расволикни қилган бўласиз. Агар ушбу таклифингизга, мол-мулкингизга зарар етиши ва яқинларингизнинг ўлдирилиши эвазига бўлса ҳам, вафо қила олсангиз, уни юртингизга бошлаб боринг. Қасам устига қасамлар бўлсиики, дунё ва охиратда қилиниши мумкин бўлган энг хайрли иш шудир, — деди.

Абул Ҳайсам Молик ибн Таййихон хайқирди:

— Биз бу битимга, молларимизга зиён етиши, яқинларимизнинг қиличдан ўтказилиши эвазига бўлса ҳам, амал қиламиз. Ё Расулуллоҳ, ваъдамизга вафо қилсак, бунинг мукофот нима бўлади?

— Жаннат бўлади.

Навбат Бароъ ибн Маърурга келди:

— Қўлингизни ташланг, ё Расулуллоҳ, мен қасамёд қиламанки, сиз санаб ўтган шартларни

албатта бекаму кўст бажарамиз. Сизни ҳақ Пайғамбар қилиб жўнатган Оллоҳга қасамлар бўлсинки, шахсимиз ва оиламизни қандай қўриқласак, сизни ҳам шундай қўриқлаймиз. Ишонинг бизга, ё Расулуллоҳ, Аллоҳ ҳаққи, биз жангари халқ бўлиб, урушларда тажриба орттирганмиз. Шунинг учун сизни ҳар қандай душмандан мухофаза этишга тайёрмиз.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қўлларидан ушлаб олган Бароъ ушбу сўзларни Пайғамбарнинг кўзларига тикилиб сўзлаган эди. Шу онда у бу кўзлар қаърида жаннат боғларини кўраётганига асло шубҳа қилмас, ушбу дақиқаларда кўнглидан ўтаётган ҳис-туйғуларни ифода этиш учун ўзи каби битта эмас, мингта Бароъ ҳам етмас эди.

Шундан кейин Асъад ибн Зурора, Абул Ҳайсам Молик ибн Таййихон, Каъб ибн Молик... Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қўлларидан ушлаб сўз бердилар. Уларнинг сўзларини бошқа мусулмонлар хам такрорладилар. Етмиш икки эркак ва икки аёл биринкетин, берган сўзига амал қилишини ва бу йўлда жонларини фидо қилишга ҳам тайёр эканини билдирди.

Шу зайлда байъат (қасамёд) маросими ниҳоясига етди.

Расули акрам (с.а.в.):

— Ораларингиздан ўн икки кишини вакил этиб тайинланг, — дедилар.

Тўққизтаси Ҳазраж, учтаси Авс қабиласидан, ҳаммаси бўлиб ўн икки номзод бир овоздан ёқланиб кўрсатилди. Улар қуйидагилар эди:

ҳазражликлар:

1. Абу Умома Асъад ибн Зурора
2. Саъд ибн Рабиъ
3. Абдуллоҳ ибн Равоҳа
4. Рафиъ ибн Молик
5. Бароъ ибн Маърур
6. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром
7. Убода ибн Сомит
8. Саъд ибн Убода
9. Мунзир ибн Убода авсликлар:
10. Усайд ибн Ҳузайр
11. Саъд ибн Ҳайсама
12. Рафоа ибн Абдулмўнзир Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга:

— Ҳаворийлар Ҳазрати Исога қавмлари номидан кафил бўлганлари каби, сиз ҳам қавмингиз номидан кафил бўласиз, мен ҳам ўз қавмимнинг мусулмонлари номидан кафилман, — деб марҳамат қилдилар.

Аммо улар, Ҳазрати Исонинг ҳаворийларини анча орқада қолдиражак, улар эришган шарафдан юксакроқ шоншараф, мартабаларга муяссар бўлажак эдилар. Ҳазрати Исо билан Ҳазрати Муҳаммад ораларида қандай фарқ бор бўлса, ҳаворийлар билан улар орасида хам шундай фарқ бор эди.

Улар «Нуқобаи исна ашар» (Ўн икки вакил) деб аталадиган бўлишди.

Ясриб мусулмонлари шу тариқа, қоронғи бир кечада, инсоният тарихининг бахтли бир қарорига келган, уларга битмастуганмас шараф, бехадбеадад саодат келтирадиган бир битимни тузишга муваффақ бўлишган эди.

Кечаги кунга қадар ҳам Арабистоннинг оддий бир шаҳри бўлган Ясриб бундан буён абадий ва мангу, муборак ва муқаддас бир шаҳар бўлиш унвонига эришган эди. Қиёмат кунига қадар ҳар бир мусулмоннинг юраги мазкур шаҳарнинг тошу тупроғига талпинажак, ҳар бир қарич ери коинот каби қадрли ва азиз бўлиб қолажак эди.

Битим тузишда иштирок этган ва ҳатто вакил этиб сайланишга муваффақ бўлганлардан Каъб ибн Молик кейинчалик бу битимни ҳаётидаги энг азиз хотира деб баҳолаган, Бадр жангида иштирок этишдан ҳам юксакроқ мартаба деб билган.

Макканинг гумроҳлари ширк ботқоғига тобора чуқурроқ ғарқ бўлиб, яна бир кечани мусулмонларни ҳақоратлаш билан ўтказаётган бир вақтида, Ясрибнинг мард йигитлари ушбу кечада имконият доирасидаги энг шарафли ишнинг уддасидан чиқишди. Энди улар Расулуллоҳнинг (с.а.в.): «Сизнинг қонингиз менинг қоним, сизнинг ҳаётингиз менинг ҳаётим, сизнинг ўлимингиз менинг ўлимим», деган марҳаматларига лойиқ улуғ инсонларга айланишди.

Ўзлари бу зотни эндигина кўришди, аммо эллик йилдан бери у киши билан ёнма-ён яшаган одамлар ҳам фарқига бормаган жиҳатларини кўришди ва Оллоҳнинг оламларга раҳмат этиб жўнатган улуғ Пайғамбарининг қадрига ҳақиқий етишди.

Айни шу дамда тепаларида илоннинг вишиллашига ўхшаш бир овоз эшитилди:

— Эй халойиқ! Музаммамни ва собиийларни кўришни истаганлар бу ерга келсин, мана улар, сизларга қарши уруш очиш учун тайёр туришибди.

Овоз тобора кўтарилиб, ёқимсиз бир қичқириққа айланди. «Музаммам» деб Расулуллоҳни (с.а.в.) назарда тутган эди. Ўзларининг исмлари «Мухаммад» мақталган, мадҳга лойиқ кўрилган деган маъноларни ифодалар эди. Аммо мушриклар ҳозир у кишини бунинг бутунлай тескариси билан аташдан ҳам тап тортмаган эди. Бу сўзнинг маъноси «ёмон», «мақтовга номуносиб» демак эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Мана, Ақобанинг олчоғи шу киши бўлади! Бу овоз Ибну Узайбнинг овозидир, — дедилар ва овоз келаётган томонга ўгирилдилар: — Эшитяпсанми, эй Оллоҳнинг душмани, бу ердаги ишимни битиргач, сенинг таъзирингни бераман! — дедилар. Сўнгра яна биродарларига ўгирилдилар: — Энди тезда жойжойларингизга қайтинглар.

Аббос ибн Убода:

— Ё Расулуллоҳ, сизни ҳақ пайғамбар ўлароқ жўнатган Оллоҳга қасамлар бўлсинки, агар хоҳласангиз, эртага қиличларимизни қўлга олиб, Минодагиларга қарши отланамиз, — деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уни бу фикридан қайтардилар:

— Биз бундай амр олмадик, дарҳол жойларингизга қайтинглар! — дедилар.

* * *

Чошгоҳ вақти ўтиб бораётган бир палла эди. Ясрибликлар тўхтаган жойга бир гуруҳ қурайшликлар келди. Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулни қидириб топишди.

— Эшитишимизча, Муҳаммад ибн Абдуллоҳга юртингиздан паноҳ бериш учун таклиф қилган эмишсизлар. Устига устак, биз билан уруш бошлашга қарор берган эмишсиз. Шуни яхши билингларки, биз сизлар билан урушишни асло истамаймиз, — дейишди.

Ибн Салул бу сўзларни ҳайрон бўлиб тинглади. Қурайшликлар унинг шу ҳолатиданоқ бу гапларнинг шунчаки мишмиш эканини англашди.

Ибн Салул:

— Худо ҳаққи, гапларингиздан ҳеч нарса англамадим. Мен одамларимга ишонаман, қабиладошларим орасида бундай муҳим ишни мен билан маслаҳатлашмай қилишга ҳеч ким журъат эта олмайди. Бу масалада кўнгилларингиз хотиржам бўлаверсин, — деди.

Мўминлар бу суҳбатга аралашмасдан, сукут сақлаб туришди.

Ўртада бирон шубҳали ҳаракатнинг аломатлари кўринмасди. Боз устига, мушриклардан бир неча киши кетмакет қасам ичди, шундан кейин масала буткул ойдинлашгандай бўлди. Қурайшликлар:

— Жуда соз, модомики қасам ичар экансизлар, сизларга ишондик, — дейишди.

Маккада ҳаж вазифасини адо этиб бўлгач, ясрибликлар ҳам тинчхотиржам юртларига қайтишди. Энди Фахри Коинот пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ташриф кунларини орзиқиб кута бошлашди.

* * *

Амр ибн Жамуҳ исмли ясриблик бир оқсоқ қария бор эди. Неча йиллардан бери «Манот»

деган бутини иззатикром билан уйининг тўрида сақлаб келади. Ҳар куни унинг қошига келиб, таъзим бажо келтиради. Яна бир неча киши ҳам худди у каби уйда бут сақлаб, ўшанга сиғиниб юрарди.

Ўғли Муоз эса, имон келтирган, ҳатто Ақоба қасамёдида ҳам иштирок этган эди. Муоз исмли яна бир қариндошлари ҳам бор эди. Хуллас, икки Муоз биргалашиб, кунлардан бир куни Манотни ўғирлашди.

Амр ибн Жамух ўша куни тонгда ҳеч нарсадан хабарсиз уйқудан уйғонди. Нонушта қилди, сўнгра бутнинг қошига борди. Аммо... Манот жойида йўқ эди.

— Менинг Манотим қани? — деб ҳайқирди.

Ҳеч ким «мен кўрдим» демади.

— Бу қанақаси, Манот оёқ чиқариб қочиб кетдими бўлмаса?

Жаҳл билан уйидан чикди. У ёқбу ёқни айланиб юрди. Бани Салама маҳалласига борганида, саросима ичида қотиб қолди. Бути ўша ерга тўкилган ахлатга қоришиб ётарди.

Дарҳол қўлига олиб, артибсуртиб тозалади ва уйига келтириб хушбўй атирлардан пуркади, эски жойига қўйиб қўйди.

— Худо ҳаққи, сени ҳақорат қилган одам ким эканини билиб қолсам, дунёни кўзига тор қилар эдим! —деди ва тилига келган ширин сўзлар билан Манотнинг кўнглини кўтаргандай бўлди.

Амр ғазабдан титрабқақшар, илоҳга қарши бундай «пасткашлик» қилган кишиларнинг даҳрийлигига ҳайрон эди.

Эртаси куни ушбу воқеа яна такрорланди. Ниҳоят учинчи куни ҳам бутни жойидан топа олмагач, миясига қон урди. Бу иш аслида илоҳнинг эмас, Амрнинг устидан кулиш эди. Бутни сўнгги марта ахлатдан яна тозалаб ювиб, яна атир пуркар экан, қиличини унинг ёнига осиб қўйди.

— Худо ҳаққи, бу разиллик кимнинг иши эканини билмайман. Агар қўлингдан келса, мана, қилич, энди ўзингни ўзинг ҳимоя. қилишга уриниб кўр! — деди дарғазаб бир алфозда.

Кечаси туш кўрди: бир итнинг жасадини топдилар, бутга боғладилар, бани саламаликлар ахлат тўкадиган, сувсиз бир қудуққа олиб бориб ташладилар...

Эрталаб уйғониб қараса, кечаги жойида фақат қиличгина турибди. Бутни қидира бошлади. Охироқибат яна уни ахлат тўкилган чуқурдан топди. Умрида бунақа ранжимаган, паришон бўлмаган эди.

— Эй Амр! — дея ўзига хитоб қилиб юборди. — Сен ақли расо, тушунган, бошқаларга ақл ўргатадиган бир одамсан, бу чиндан ҳам илоҳ бўлса, шундай аянчли аҳволга тушармиди... Ғафлат уйқусидан уйғониш пайти келмадимикан энди, эй Амр!

Ўзининг ички хитобига ҳеч бир эътироз билдира олмади. Сўнгра... оёқларининг остида ётган бутни олиб ерга урди: бут парчапарча бўлди.

— Агар илоҳ бўлсанг, итнинг ўлигига илашиб, ахлат тўкиладиган чуқурда нима қилиб ётибсан? — деб бақирарди у.

Оёқларининг остида ётган парчапарча ёғочларга қаради. Уларнинг қаршисида «илоҳ» деб неча йиллар сиғиниб келган эди, оқарган сочлари ушбу жаҳолат йилларидан қолган хотира, ахир.

— Қанчалик аҳмоқ бўлган эканмана, — деб пўнғиллади.

ИМОН ЮРТИ ЯСРИБГА ҲИЖРАТ

Ясриблик мусулмонларнинг самимийлиги ва садоқати Расулуллоҳни (с.а.в.) жуда ҳам мамнун қилган, энди мўминлар эркин нафас олиши мумкин бўлган бошпана топишларига жуда оз вақт қолган эди.

Ўша кунлардан бирида пайғамбаримиз бир туш кўрдилар. Тонг отгач, биродарларига:

— Тушимда хурмозор бир шаҳарга ҳижрат қилганимни кўрдим. Мен бу шаҳар Йамома ёки Ҳажар бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Яқинлашгач, бу шаҳар Ясриб эканига амин бўлдим. Оллоҳ сизларга қардошларни насиб эттирди, омонликда яшайдиган бир юрт берди, — деб муждаладилар.

Шундан кейин Маккада яширинча тайёргарлик бошланди. Кейинроқ айримлар ҳеч кимга билдирмай Ясриб йўлига чиқди. Орада Жахшнинг оиласи барча қариндош-уруғлари билан биргаликда уйларини тарк этиб, жами йигирма эркак ва саккиз аёл Ясриб сари йўл олди.

* * *

Абу Жаҳл, Аббос ибн Абдулмутталиб, Утба ибн Робиа бир куни Макканинг юқори қисмида айланиб юрганларида эшикларига қулф урилган ташландиқ уйларни кўриб қолишди. Булар Жахш ўғилларининг уйлари эди. Ўтба: «Ҳар бир оила маълум муддат осойишта турмуш кечирсада, бир кун келиб ҳаловати бузилади...» маъносидаги бир байт ўқиди. Сўнгра:

— Жахш ўғилларининг маскани ҳам ҳувиллаб қолиб дида... — деди.

Абу Жаҳл:

— Куюнишингга арзимайди, эй Утба, отаси номаълум кишилар учун йиғланмайди, — деди. Сўнгра Аббосга ўгирилиб: — Унутма, эй Аббос, бу жиянингнинг кирдикорларидан биридир. Жамоамизни тарқатди, араблар орасидаги обрўйимизни туширди, — деди.

* * *

Абу Салама Абдуллоҳ ибн Асад Расулуллоҳдан (с.а.в.) рухсат олган заҳоти йўл тайёргарлигини кўра бошлади. Хотини Умму Саламани бир туяга миндирди, қучоғига ўғли Саламани берди, ўзи эса, туянинг жиловидан ушлаб, йўлга тушди.

Бани Муғийрадан бир неча киши унинг йўлини тўсди.

— Хўш, йўл бўлсин, куёв? Ўзинг қаерга борсанг боравер, лекин бизнинг қизимизни ташлаб кет! Биз уни сенинг ихтиёрингга бериб қўймаймиз! — дейишди, устига ёпирилишди.

Нима қилмоқчи эканлари маълум эди. Бунча кўп одамга кучи етмаслиги ҳам аниқ.

Абу Салама зўрға қутулди ва Ясрибга қочиб кетди. Иккинчи томондан Абу Саламанинг қабиладошлари бўлган Бани Асад келишди. Кичик Саламани уларга беришни талаб қилишди. Юзага келган жанжал оқибатида кичик Саламанинг қўли чиқди. Ниҳоят, Бани Асад устун келиб, болани олиб кетишди.

Уч кишидан иборат оила шу зайл ҳар томонга тарқалиб кетди.

Абу Салама қочиб қутулди. Маккада қолса, мушриклар уии соғ қўйишмас эди. Умму Салама Бани Муғийрага меҳмон бўлди. Бу мажбурий бир меҳмонлик бўлиб, унга нисбатан ёмон муомала қилинмасада, ўз ихтиёрига ҳам қўйишмас эди. Кичкина Салама эса, отасининг қабиладошлари орасида қолди. Бундан кейин воқеалар қандай ривожланади, тарқалган оила қачон дийдор кўришади, бу ёғи ёлғиз Оллоҳга аён эди.

* * *

Умму Қайс тул қолган, аммо гўзал бир аёл эди. Бир куни эшиги тақиллади. У билан турмуш қуришни истаган бир одамдан совчи эди.

— Ҳозир бундай нарсалар кўнглимга сиғмайди. Фурсатини топдим дегунча, Ясрибга кетаман, — деб жавоб қилиб қутулди.

Ўша чопар бир кундан сўнг айни таклиф билан яна келди, яна таклифи рад этилди. Таклифлар ҳеч тўхтамас, ҳар қандай истаги бажо келтирилиши билдирилар эди. Ниҳоят:

— Мен Ясрибга кўчиб кетмоқчиман. У ерга ҳижрат қилса, турмушга чиқаман, — дейишдан бошқа чора топмади.

Таклиф ижобий кутиб олинди. Бири Оллоҳ ва расулининг ризолиги учун, иккинчиси Умму Қайсга ўйланиш учун Ясрибгача бўлган узоқ йўлни минг бир машаққат билан босиб ўтдилар. Тўй бўлди. Куёв мусулмонлар орасида «Умму Қайснинг муҳожири» деб танилди. (Фатҳул

Борий, 1/3; Муслим. Нававий шархи, 13/55. 136)

* * *

Бир йилга яқин вақт ўтган, Умму Салама эридан бирон хабар ола олмагани каби, зўрлаб тортиб олинган фарзандининг аҳволидан ҳам бехабар эди. Қабиладагилар иззатикромни жойига қўйишар, лекин қабиладан ташқарига чиқишига изн беришмас эди.

Эридан ва фарзандидан ажралган Умму Салама Абтох деган жойга бир неча марта бориб келди. Ҳар сафар борганида, кўзёши тўкиб аламидан чиқар эди.

Кунлардан бир куни яна Абтохга чиқди. Йиғлаб ўтирар, ёноқларидан аччиқаччиқ ёшлар оқар эди. Қариндошларидан бири уни бу аҳволда кўриб, ортиқ тоқат қила олмади:

— Бу бечора аёлни қачонгача қийнайсизлар? Бекорданбекорга ҳам эридан, ҳам фарзандидан жудо қилиш инсофданми?! — деди.

Бу сўзлар одамларга таъсир қилди. Умму Саламага:

— Истасанг, эрингнинг олдига кетавер, — деб рухсат беришди.

Изн берилган заҳоти Умму Салама йўлга тушмоқчи бўлди.

Бу орада Бани Асад ҳам жигаргўшасини келтириб қўлига берди. Умму Салама бир туяга миндирилди, қучоғига ўғлини олди, ёлғиз ўзи йўлга тушди.

Танъим деган жойга келганида, Усмон ибн Талхага рўбарў бўлди.

—Йўл бўлсин, эй Умму Салама?!

—Ясрибга.

—Нега ёнингда ҳеч ким йўқ?

—Оллоҳ бор.

— Худо ҳаққи, сени ёлғиз қолдириб кетолмайман, — дея Усмон туянинг жиловидан ушлади.

Йўлга тушдилар. Соатларча йўл босдилар. Бир жойга етганда озмоз хордиқ чиқариш учун тўхташди. Усмон туяни чўктирди ва ўзи нарироқ бориб турди. Умму Салама туядан тушиб бўлгач, келиб туяни етакладида, бориб бир дарахтга боғлади. Ўзи хам юқорироқ бир жойга ўтиб ётди. Орадан бир неча соат ўтди. Умму Салама уйғонди. Усмон туяни етаклаб келиб, чўктирди ва яна бир оз орқароққа чекиниб турди.

— Қани, мин туяга, эй Умму Салама, — деди.

Яна туянинг жиловидан ушлаб, йўлга тушдилар. Бутун сафар неча кунлаб шу тариқа кечди...

Ясрибнинг шундоққина бўсағасидаги Қубо номли қишлоққа яқинлашганларида Усмон туянинг жиловини узатди:

—Эй Умму Салама, эринг Абу Салама маскан тутган қишлоқ шу. Бу ёғига энди ўзинг етиб оласан, — деди.

—Минг ташаккур, эй Усмон! Оллоҳ сени паноҳида асрасин.

Усмон йўлни Макка сари солди.

Умму Салама унинг бу олижаноблигини ҳеч унутмас, йиллар ўтиб ҳам миннатдорлик ҳис-туйғуси билан эслаб юрар эди.

Усмон ўшанда мусулмон эмас эди. Яна йиллар давомида мушрик бўлиб қолажак, бу даражада эзгуликка тўлиқ қалби яна бутларга сиғинишда давом этажак эди.

Умму Салама қишлоққа етиб келди. Кўп ўтмай Абу Салама хотини ва ўғли билан яна қайта дийдор кўришди.

* * *

Макка ҳар куни биттаиккиталаб хуфёна Ясрибга йўл олган аҳли билан хайрлашар эди. Аммо бу сафарги муҳожирлар Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар каби ғамгин ва паришон эмасдилар. Чунки Пайғамбарлар Султони (с.а.в.) уларнинг орқасидан етиб боришларига

ишончлари комил эди.

Туғилиб ўсган шаҳарни ташлаб чиқиб кетиш оғир, албатта. Лекин имонида собит қолиш учун мўминларга бошқа йўл, бошқа чора қолмаган эди.

Яширинча кетишларига боис эса, мушрикларнинг қўлларига тушиб қолгудай бўлсалар, қамаб қўйилишлари аниқ эди.

БУЮК УМАРНИНГ МАККАНИ ТАРК ЭТИШИ

Умар ибн Хаттоб ҳам ҳижрат қилишга қарор берди. Илк мусулмонлардан Аййош ибн Робиа ва Хишом ибн Ослар билан Макка — Ясриб йўлини биргаликда босиб ўтишга келишиб олдилар. Расулуллоҳдан (с.а.в.) изн олинди. Эрталаб ҳали кун чиқмасидан олдин Танобуд деган жойда учрашишга қарор қилдилар. Танобуд Маккадан ўн чақирим узокда эди.

— Тонггача етиб бормаган киши кутилмайди. Борганлар йўлда давом этаверади, — дейишди. Тайёргарлик кўриш учун уйуйларига тарқалдилар.

* * *

Масжиди Ҳарамда баланд бир овоз янгради. У ерда ҳозир бўлганлар чўчиб бошларини кўтардилар.

— Менга кулоқ солинг, эй халойиқ!

Албатта, ҳайқираётган одам Умар ибн Хаттоб эди. Зотан, ундан бўлак одам бундай ишга журъат қилмаган бўларди. Умар (р.а.) ўқёйини қўлига олган, қиличини қинига солган вазиятда турарди. Ҳамма унга диққат билан қараётганини кўриб, шундай давом этди:

— Эй мушриклар! Мен ҳам ҳижрат қилишга қарор бердим. Ясриб шаҳрига кетмоқчиман. Орангизда онасини йиғлатишга, хотинини бева, болаларини етим қолдиришга ҳавасмандлар бўлса, эртага кун чиқар пайтида Шарифга борсин, ўша ерда кутаман...

Бу эълон энг баланд пардаларда, кар ҳам эшитадиган даражада кучли товушла қилинди. Аммо кимсадан садо чиқмади. Умар бир оз кутди. Жавоб бўлавермади. Каъбани етти марта тавоф этди. Атрофдагилар уни кузатиш билангина чекландилар. Тавофини тугатиб, шаҳдам одимлар билан масжиддан чиқиб кетди.

Орқада қолганлар унинг хаттиҳаракатидан ўзларича хулоса чиқардилар: «Жуда мард одамда шу Умар, осий бўлиши тугул, ундан баттар бўлса ҳам, унга ёмонлик қилишдан қочиш керак!..»

— Кўрмаяпсанми, Абул Ҳакам (Абу Жаҳл) ҳам лом-мим демадику!

— Осон эканми, ахир, бу лоф эмас, нақ Умарку?!

Ораларида шунга ўхшаш гапсўзлар ўтди, холос.

* * *

Аййош билан Умар (р.а.) Танодубда учрашдилар. Ҳишом келмаган эди. Қарорга кўра, уни кутиб ўтирмадилар, дарҳол йўлга тушдилар. Ясрибгача бирон корҳол юз бермади. Шаҳарнинг Аволи деган жойида Умайя ибн Зайд ўғилларининикида меҳмон бўлдилар.

Кўп ўтмасдан Абу Жаҳл укаси Ҳорис билан бирга Ясрибга келди, Аййош ибн Робиани топди. У амакиларининг ўғли ва она бир укалари эди.

— Емон бир иш қилдинг, эй Аййош! Сен қайтиб Маккага бормагунингча, онанг сочини тарамасликка, ҳатто сояга ўтмасликка қасам ичди. Бечора онангни бу азобдан қутқаришинг керак, — дейишди.

Аййош бу сўзларга ишонди. Ҳазрати Умар орага кирди:

— Эй Аййош, зинҳор уларнинг сўзларига ишонма. Алдаб, сени йўлдан урмоқчилар, биродар. Онанг сочи қуртқумурсқага тўлгач, тарашга, қуёшнинг қизиғида қолиб бошидан кун ўтгач, сояга чекинишга мажбур бўлади. Менинг сўзимга кир, Маккага қайта кўрма.

Аммо Аййош Ҳазрати Умарчалик иродали эмас, бунинг устига, унинг заиф жойидан ушлашган эди.

— Онам қасам ичибди, — деди ўксиб.

— Алданма, бу гапларнинг ҳаммаси ғирт ёлғондир. Бу одамлар ҳозиргача доим ёлғон гапириб келганларини унутма!

Абу Жаҳл жиддий туриб яна аввалги гапини такрорлади:

— Онангга раҳм қил, эй Аййош. Қуёш тиғида ўтирибди... Қасам ичгана... Сояга чекинмаса, аҳволи нима бўлади? Ким билади, балки ҳозир куннинг тиғига дош беролмай ҳушидан ҳам кетгандир.

Аслида, ғурбат ҳиссидан, ватан ҳасратидан эзилган Аййош кетиш тарафдори эди.

—Мен бу ерда сенга қарам бўлиб қолдим, эй Умар. Бориб ҳеч бўлмаса мол-мулкимдан олиб келай, — деди:

—Сўзим сўз, молимнинг ярми сеники бўлсин, биродар.

— Барибир улар билан бирга қайтиб кетмасам бўлмайди.

Ҳазрати Умар уни бу қароридан воз кечтира олмаслигини тушунди. Ночор:

— Дўстим, шу туям сенга. Ўзи зотдор, ювош. Бир минганингча, устидан тушма. Бирон шубҳали нарсани сезсанг, қочиб қол, — деди.

Йўлга отландилар. Аййош онасини оғир аҳволдан қутқариш ва ватан ҳасратидан халос бўлиш хаёли билан ҳаяжонда, Абу Жаҳл билан укаси эса, уни бунчалик осонликча йўлдан урганларидан беҳад хурсанд эдилар.

Сафар бехавотир давом этди. Абу Жаҳл бу ғамхўрлиги учун Аййошни алқар, онанинг фарзанддаги ҳаққи ҳар қандай бошқа ҳақдан устун эканини қайтақайта таъкидлар эди. Йўлга чиққанларидан бери орасира суҳбат Аййошнинг онасига бориб тақалар, ҳар гал ёлғоняшиқлар устмауст тахланар эди. Абу Жаҳл:

— Энг охирги кун бошидан сув қуймагунларича ҳушига келмади шўрлик хотин, — деб хўрсинди.

—Шунчалик бўлгунча унга қараб ўтиравердиларингизми? Сояга чиқариб қўйсаларингиз бўлмасмиди?

— Неча марта сояга олдик, аммо кошки кўнса. Ҳушига келди дегунча, ўрнидан сакраб турадида, «Ёкдинг мени Аййош!» деб бақириб, яна қуёшнинг тиғига чопади...

Ҳорис қўшимча қилди:

—Аслида, ўйлаб қарасанг, биз нафақат онангни, сени ҳам қутқармоқчи бўлдик. Чунки онанг бевақт ўлиб кетса, сенинг бошингга бирон кулфат тушиши бегумон.

—Ким билади, сени кўрса, онанг боёқиш роса суюнса керак. Сен ҳам янги ҳаёт бошласанг, ажаб эмас.

Сафар шунга ўхшаш суҳбатлар билан давом этди. Маккага яқинлашдилар. Олдинда Абу Жаҳл билан Ҳорис, Аййош уларнинг орқаларида... Бир маҳал Абу Жаҳл:

— Бизнинг туямиз роса чарчади, туяларимизни алмаштирсак, нима дейсан? — деб қолди.

Аййош бу таклифга рози бўлди ва туясини чўктирди. Шу орада бир-бирларига маъноли қараб олган акаука тўсатдан унинг устига ёпирилдилар. Аййош икки кишига бас келадиган даражада бақувват эмас эди. Икки дақиқа ўтибўтмай, оёққўли боғлоғлик ҳолда туяга юкланди.

Абу Жаҳл Маккага музаффар қўмондон каби керилиб кириб келди. Бир жиноятчини қўлга туширган шоввоздек, атрофидагиларга мағрурона кўз ташлар, унга қараб турганларга:

— Ақлингиз бўлса, сизлар ҳам аҳмоқларнинг таъзирини мана шундай берасиз, — деб бақирар эди.

Дастлабки жазо сифатида Аййошга юз қамчи урилди. Онасининг соч тарамасликка қасам ичгани ҳақидаги сафсатага ишонганига минг пушаймон бўлди. Қўлоёғи боғланган ҳолда қамаб қўйилди. Ҳижратга булар билан бирга чиқишга келишган Ҳишом ҳам тутилибқамалганини шу

ерда билди.

Қамоқ ҳаёти ўз номи билан қамоқ ҳаёти эди. Бу ерда ҳеч кимнинг беклардек кун кечиришига изн берилмас, тўхтовсиз равишда жабру ситам етказилар эди.

Ҳазрати Умарнинг (р.а.) насиҳатига қулоқ солмаган ва Абу Жаҳлдек бир ахлоқсиз мушрикнинг сўзларига ишонган Аййош бундан бошқача жазоланиши мумкин эмасди.

Ҳазрати Умар билан Абу Жаҳл икки қарамақарши қутбга ўхшардилар. Бири ҳақ ва адолатнинг, иккинчиси жаҳолат ва тушкунликнинг тимсоли.

Ҳақ ва адолат ғолиб келган жойда Умар, ширк ва фисқу фасод авжига минган жойда Абу Жаҳл ҳукм сурар эдилар...

Ҳазрати Умар ҳам, Абу Жаҳл ҳам ўзлари мансуб бўлган қутбнинг энг мукаммал вакиллари эдилар.

Ҳақ ва адолат мавзуида Ҳазрати Умарга, пасткашлик ва разолат хусусида Абу Жаҳлга бас келадиган киши йўқ эди.

Аййошнинг насиҳатга қулоқ солмагани, ўзбошимчалик қилгани мусулмонлар орасида нохуш қаршиланди. Неча йиллардан буён мусулмонларга ҳисобсиз азиятлар етказган Абу Жаҳлнинг сўзларига алдангани... ҳеч бир ақлга сиғмас эди. Тавба қилса ҳам, кечирилмаслиги ҳақида баҳслашдилар, билатуриб ўзини ўтга ташлади, дедилар. (Ибн Касир. «Сияр», 2/220.)

* * *

Мусъаб ибн Умайр Саъд ибн Муознинг хонадонига келиб тушди. Асъад ибн Зурора эса, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) амакилари Ҳамза ибн Абдулмутталибни меҳмон қилишга мушарраф бўлди. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) нуридийдалари Руқаййага, унинг умр йўлдоши билан бирга, уйидан жой бериш шарафи Авс ибн Собитга насиб бўлди. Шу йўсин ватанини тарк этган ва Ясрибдан бошпана излаб борганларга кутганларидан ҳам зиёда иззатикром кўрсатилди. Умр бўйи биргаликда яшаган қариндошлари, оталари, акалари, укалари, ҳамшаҳарлари уларни қувган бир пайтда, бутунлай бегона, нотаниш инсонлар томонидан «Оллоҳнинг бир неъмати» ўлароқ ҳурмат ва иззат, эъзозу қадр топишди.

Энди бемалол, тинчхотиржам ибодат қилиш имконияти яралди. Маккадаги каби, намоз ўқиш учун хилватроқ жой қидиришга тўғри келмас, мушриклар кўриб қолмасайди, деган ҳадик безовта қилмас эди.

Қаерга борилса, қаерга қаралса, чеҳраси гулгун, юзларидан имон ва самимият нурлари порлаб турувчи инсонларга дуч келинар эди.

Маккада имон келтириш айб, гунох, жиноятдек бир гап бўлса, бу ерда имон келтирмаслик айб ва гуноҳ эди. Маккада мусулмонларга жабру зулмлар етказилган бўлса, бу ерда Исломга кирмаганларга заррача озор берилмас эди. Жаҳаннам ҳаёти тугаган, жаннат ҳаёти бошланган эди гўё. Майсазор узра саф тортиб жамоат бўлиб намоз ўқиётганларни кўрган кўзлар ёшланар, «Оллоҳим, шукрлар бўлсин, бизни шу кунларга ҳам етказдинг...» дер эдилар.

Бир пайтлар чидаб бўлмас азоб-уқубатлардан шикоят қилиш учун Расулуллоҳнинг ҳузурларига келган ва «Яқин келажакда Санъо шаҳридан Хадрамутга қараб йўлга чиққан кишиларга, қўйларига хужум қилиши мумкин бўлган бўридан бошқа ҳеч нарса ҳавф солмайди», тарзида жавоб олган Ҳаббоб ҳам мана энди осойишта ҳаёт кечира бошлади. Танасига қиздирилган темирлар босиб аёвсиз азоб берилган Умму Аммор ҳам, қарзингни охиратда оларсан, деб киноя қилган Ос ибн Воил ҳам энди тарихда қолиб кетгандек. Бундан буён Ясрибда фақат мусулмонларнинг сўзи ўтар, айтганлари бўлар эди.

* * *

Бу орада Абу Бакр (р.а.) ҳам изн сўраб келди:

—Ё Расулуллоҳ, дўсту биродарларим биринкетин ҳижрат қилиб Ясрибга кетишди. Менга

ҳам ижозат берасизми?

—Шошмай тур, ё Абу Бакр. Оллоҳ таоло сенга яхши бир ҳамроҳ беришидан умид қилаётирман.

—Ё Расулуллоҳ, сиз билан бирга?..

—Ҳа, ё Абу Бакр.

Ҳазрати Абу Бакр ўзида йўқ хурсанд бўлди.

Шу кундан бошлаб уйидаги энг зотдор икки туяни алоҳида, самура дарахтининг барги билан боқишга киришди. Бундан буён ҳатто эркин нафас ҳам олиб бўлмайдиган бу муборак шаҳардан бир дақиқа бўлсада олдинроқ чиқиб кетадиган кунларини интизорлик билан кута бошлади.

СУИҚАСД ҚАРОРИ

Макка ҳувиллаб ётарди гўё. Мусулмонлардан Ҳазрати Абу Бакр, Али, Суҳайб ҳамда қамаб қўйилган ва тазйиқ остидаги яна бир неча кишигина қолишган, лекин улар ҳам бу ерни тарк этадиган кунларини орзиқиб кутишар эди.

Қурайшлик зодагонларнинг боши қотди. Бу кўчишга улар бефарқ қараб туролмас эдилар. Мазкур муаммони узилкесил ҳал этиш учун Доруннадвада жиддий бир йиғилиш ўтказдилар. Мажлисга Бани Ҳошимдан фақат Абу Лаҳабгина киритилди. Жами юзга яқин мушрик тўпланди. Абу Жаҳл, Утба, Шайба, Абу Суфён, Умайя, Надр, Абул Бахтарий, Замъа, Ҳаким, Нубайҳ, Мунаббиҳ ибн Ҳажжож ва шунга ўхшаганлар мажлиснинг тўрида.

— Биродарлар, — дея гап бошлади Абу Жаҳл, —кўриб турибсизлар, Муҳаммад йўлдан оздирган кишилар биринкетин орамиздан кетдилар. Ўзларига Ясрибдан бошпана топдилар. Эртага Муҳаммад ҳам уларнинг орқасидан йўлга тушиши, балки у ерда биз бас келол майдиган бир қўшин тўплаши мумкин. Улар Ясрибда заифлашиб қоладилар, бу ерда минг бир машаққат ичида юритган даъволаридан воз кечадилар, деган бемаъни хаёлларга берилиб юрманглар тағин.

— Хўш, бу билан нима демоқчисан?

— Демоқчиманки, Муҳаммад ҳали ҳам орамиздадир. Агар бу ердан чиқариб юборсак, ортиқ уни қўлга туширишимиз ва ундан ўчимизни олишимиз мумкин бўлмай қолади. Дарҳол узилкесил бир қарорга келишимиз керак. Бу масалада сизлар қандай фикрдасизлар? Ҳар ким фикрини тортинмасдан, очиқ-ойдин баён қилсин.

Дастлаб Абул Бахтарий сўзлади:

— Унинг оёққўлларини кишанлаб қамаб қўяйлик, то ўла-ўлгунча ҳибс ҳаётини кечирсин. Зуҳайр ва Набиға каби шоирларнинг кунини солайлик бошига.

Бир чеккадан овоз чиқди:

— Тўғри фикр эмас бу!

Гап ташлаган киши эшикка яқин бир жойда ўтирар эди. Яхши кийинган, аммо ҳеч ким уни танимас эди.

— Кимсан ўзинг, эй қария? — дея сўрашди.

—Нажидданман, шаҳрингизга бир юмуш билан келган эдим. Ушбу йиғилиш ҳақида эшитдим. Фикрларингизни билиш ва, зарур бўлса, биргалашиш учун шу ерга келдим.

—У ҳолда бу фикр нимага нотўғри эканини тушунтир.

—Уни ҳибсга олсангиз, кўп ўтмай Ясрибдаги дўстлари бундан хабардор бўладилар. Улар устингизга юриш бошлаб, то Муҳаммадни қутқармагунларича сизлар билан урушаверадилар. Бунинг оқибати яхши бўлмайди.

— Гапинг тўғри, эй қария...

Асвад ибн Робиа сўз олди:

— Мен уни Маккадан ҳайдаб чиқаришни таклиф этаман. Биздан ажралсин, бизни ўз холимизга қўйсинда, хоҳлаган томонига кетаверсин.

Қария ўрнидан сапчиб турди:

— Бу ҳам бўлмайди. Шунча йилдан бери унга тазйиқ ўтказдингиз, фойда бердими? Тобора иши илгарилади, холос. Энди агар тазйиқдан халос бўлса, бутун араб қабилаларини қандай қилиб ўзига бўйсундириб олганини билмай қоласизлар. Бу ердан кетиб, кучқудрат йиққач, одамларига етказган зиён-заҳматларингизни унутиб, шундай қолдириб кетади, деб ўйлайсизларми?

Утба ибн Робиа:

— Маълум бўлдики, сен жуда ақлли, тажрибали киши экансан, яхшиси, энг маъқул фикрни ўзинг айтақол, —деди.

Қария вазминлик билан жавоб қилди:

— Албатта, мен ҳам фикримни билдираман. Фақат, яна кимдан қанақа фикр чиқади, билмоқчиман.

Абу Жаҳл сўз олди:

— Худо ҳаққи, мен ҳеч бирингиз кутмаган бир таклифни ўртага ташламоқчиман.

— Хўш, қандай таклиф экан у?

— Ҳар бир қабиладан аслзода, мард бир йигитни танлаб оламиз. Уларнинг ҳаммаси бараварига қилич билан ҳужум қилиб, бараварига зарба туширадилар. Шу билан бу масалага чек қўямиз. Унинг қони тўкилгани учун ҳамма қабилалар бирдай жавобгар бўладилар. Шун да Абдуманоф ўғиллари ҳам бунча қабилага қарши интиқом даъвоси билан чиқишга журъат қилолмайдилар. Товон ҳақи олишга рози бўлишдан ўзга чора қолмайди. Биз ҳам товонини тўлаймизда, бутун мушкулликлардан қутуламизқўямиз.

Қария севиниб кетди:

— Мана бу бошқа гап. Бу одам жуда тўғри гапирди, энг маъқул йўл шудир. Бошқа ҳар қандай чора-адбир зое кетади.

Инсоният тарихида энг разил, энг малъун қарор шу тариқа чиқарилган эди. Абу Жаҳл билан ўша малъун қария мажлисни ўзлари хоҳлаган усулда олиб бориб, кўнгилларидаги режани тузишди.

Оллоҳ таолонинг муборак Байти ёнида Оллоҳнинг энг суюкли бандаси, энг буюк пайғамбарининг ўлим фармони имзоланди. Устига устак, «Доруннадва» деб аталадиган бу бино Расулуллоҳнинг (с.а.в.) катта боболари Қусай томонидан халқнинг муҳим масалалари ҳал этиладиган жой ўлароқ курилган эди.

Абу Жаҳл сўзида давом этди:

— У ҳолда дарҳол ҳаракатга ўтиш даркор. Масалани шу бугун кечасиёқ ҳал қилиб қўяқолайлик. Ҳамма ўз қабиласидан биттадан вакил сифатида мард йигитни кўрсатсин.

Кимдир даврадагиларни огоҳлантирди:

— Зинҳор бу ердан бирон шивир ташқарига чиқмасин. Бугун биз учун сўнгги фурсатдир.

Оғизлар маҳкам беркитилди, ақллар мард йигитларни қидира бошлади.

Доруннадва эшигидан хорғин бўлиб чиқдилар. Энди Муҳаммаднинг куни битди, деган хаёл оғушида мушриклар уйуйларига тарқалдилар.

Нажидликман деб даъво қилган у малъун қарияни ўша кунгача ҳеч ким кўрмаган, танимас эди. Ўша кундан кейин ҳам Маккада бошқа кўринмади.

** *

«Ё Муҳаммад, бу кеча ҳар доим ётадиган тўшагингда ётмаслигинг керак». Жаброили амин бу илоҳий амрни етказиб, қурайшликларнинг машъум қарорлари хабарини билдирди. Ясриб шаҳрига ҳижрат қилиш фармонини келтирди.

Исро сурасининг 80-ояти ўлароқ Қуръондан ўрин олган ояти карима Пайғамбаримиз

(с.а.в.) қалбларига сингдирилди:

«Ва айтинг: «Эй Раббим, мени дуруст бир кириш билан янги юртимга киритгин. Дуруст бир чиқиш билан эски юртимдан чиқаргин ҳамда мен учун ўз даргоҳингдан мададкор бир қувват ато қилгин».

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Ҳазрати Алини чақирдилар.

— Бу кеча менинг тўшагимда сен ётасан. Яшил рангли чойшабимни ёпиниб ухлайсан. Улар сенга ҳеч қандай зарар етказмайди, — дедилар.

Сўнгра ҳижрат фармони келганини билдирдилар.

Уйларида мушриклар омонат қолдирган улбул қимматбаҳо ашёлар бор эди, биттабитта кўрсатдилар, эгаларига топширишни уқтирдилар. Шундан кейин пешин пайти уйдан чиқиб кетдилар. Кўчаларда ҳеч ким йўқ эди. Қайлула вақти бўлгани учун ҳамма соясалқинга чекинган эди.

** *

— Отажон! Расулуллоҳ (с.а.в.) келдилар!

Ҳазрати Абу Бакр ҳаяжонланиб ўрнидан туриб кетди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бундай пайтда келадиган одатлари йўқ эди, ҳар ҳолда жуда муҳим ишлари бўлса керак.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ичкари кирдилар. Муборак чеҳраларидан жиддий бир воқеа юз берганини уқса бўларди.

— Холи қолсак, ё Абу Бакр! — дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр Асмо билан Ойишага қаради:

— Булар менинг қизларим, ё Расулуллоҳ, андиша қилмасангиз ҳам бўлади.

Набиййи акрам (с.а.в.) ўтирдилар.

— Оллоҳ таоло менга Маккадан чиқиш ва Ясрибга кўчиш изнини берди, — дедилар.

—Унда сизга йўлдош ҳам тайин этилгандир?

—Ҳа, йўлдош ҳам тайин этилди.

Ҳазрати Абу Бакрнинг кўзларидан тирқираган ёшлар унинг севинч даражасини кўрсатар эди. Ойиша шу кунга қадар одам суюнганида йиғлашини кўрмаган, ҳозир илк бор кўриб турибди эди.

—Ё Расулуллоҳ, манави икки туяни шу сафар учун боқиб келаётган эдим, хоҳлаганингизни танлаб олинг.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бош тортдилар:

— Мен меники бўлмаган туяга минмайман.

— У ҳолда мендан совға бўлсин, ё Расулуллоҳ, —деди Абу Бакр.

— Совға сифатида ҳам қабул қилмайман.

Шунда Абу Бакр ҳолни тушунди ва:

— Мен уларнинг иккаласини саккиз юз дирҳамга сотиб олган эдим, — деди.

Набиййи муҳтарам (с.а.в.) тўрт юз дирҳам тўлаб туялардан бирини танлаб олдилар.

— Бу туямга Қасва (кесик қулоқ) отини бераман, —дедилар.

Сафар режаси пишитиб олингач, пайғамбаримиз уйларига қайтдилар.

* * *

Расули акрам (с.а.в.) кетганларидан кейин Абу Бакр келишувга биноан Абдуллоҳ ибн Урайқитникига йўл олди. У Макка — Ясриб йўлини жуда яхши билар эди. Абу Бакр келганида, у қайлула уйқусини олиб ётган экан. Уйғотилди. Ичкаридан овоз берди:

— Ким у?

— Эшигингни очгин, кейин кўрасан кимлигимни, —деди Абу Бакр.

Сал ўтмай эшик очилди. Остонада Абдуллоҳ ибн Урайқит пайдо бўлди. Хавотирда чиққан бўлса керак, эшиги тагида турган Абу Бакрни кўриб чеҳраси сал очилди. Ичкарига таклиф

қилди.

— Яккамаякка гаплашиш мумкин бўлган хилватроқ жойга ўтсак, — деди Абу Бакр. Абдуллоҳ жиддий бир масала муҳокама қилинишини англади. Хилватроқ жойга ўтдилар.

— Бу ер холи, кўнглинг хотиржам бўлсин, ё Абу Бакр, — деди Абдуллоҳ.

Шундай бўлсада Ҳазрати Абу Бакр пичирлаб деди:

—Бизни Ясрибга бошлаб борасан.

—Қачон?

—Уч кундан кейин.

—Жуда соз. Неча кишисизлар?

—Икки киши.

—Иккинчинг ким?

—Муҳаммад ибн Абдуллоҳ.

—Тушунарли.

— Аммо бу гап иккаламизнинг ўртамизда қолиши керак.

— Менга ишонавер, ё Абу Бакр.

Ҳазрати Абу Бакр ўзи билан бирга икки туяни ҳам етаклаб келган эди.

— Бу туялар ҳозирча сенинг уйингда қолади. Уч кундан сўнг эрта тонгда уларни етаклаб бориб, бизни Савр тоғидаги ғордан оласан ва биргаликда йўлга чиқамиз.

— Келишдик, ё Абу Бакр. Демак, уч кундан сўнг, душанба куни, эрта тонгда, Савр тоғидаги ғорда...

* * *

Оқшом қоронғулиги чўкиши билан Ҳабиби акмалнинг (с.а.в.) уйлари қуршаб олинди. Доруннадвада мажлис ўтказганларнинг кўплари шу ерда ҳозир бўлди.

Эҳтимол, тўсатдан ҳужум қилиш режасини тузган бўлсалар, ажаб эмас. Қўлига қилич олган мард йигитлар ҳам танланган, биттаиккита бўлиб, бурчакбурчакларга ўтириб олишган эди.

Абу Жаҳлнинг жағи тинмас, баланд ва киноялы овозда:

— Эй халойиқ, Муҳаммадга имон келтиринг. Агар унинг йўлидан юрсангиз, араблар ва араб бўлмаган инсонларга ҳоким бўласиз. Имон келтирмасангиз, ўлгандан сўнг жаҳаннамда ёниб кул бўласиз. Гапларим ҳазил эмас, жиддий, ўйлаб кўринг, — деб бақирарди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ичкаридан жавоб қилдилар:

— Ҳа, бу гапларни мен гапирдим. Жаҳаннамга кирадиганлардан бири эса, сенсан...

Эҳтимол суюкли пайғамбаримиз (с.а.в.) уларга уйда эканларини яна бир бор билдириб қўйиш учун овоз бергандирлар...

Бир муддат ўтди. Пайғамбар (с.а.в.) Ҳазрати Али билан, оила аъзолари билан хайрлашдилар. Эшикни очдилар. Ёсин сурасини ўқидилар.

Хўш, уй атрофини ўраб олганлар нима қилишди? Ҳеч нима. Улар хусусида: «Ва биз уларнинг олдиларидан бир тўсиқпарда, ортларидан бир тўсиқпарда қилиб, уларни ўраб қўйдик. Бас, улар кўра олмаслар», оятида баён этилган ҳодиса рўй берди.

Чиндан ҳам уларни ғафлат босиб, пайғамбаримизнинг чиққанларини ҳеч ким пайқамай қолди. Гўёки улар бошқа бир оламда, пайғамбаримиз бошқа бир оламда... Бўлмаса, шундоққина ёнларидан ўтиб кетдилар, оёқ товушларини ҳам ҳеч ким эшитмади...

* * *

Ҳазрати Абу Бакр мижжа қоқмай Расулуллоҳни кутиб ўтирарди. Бу кеча ҳаётининг такрорланмас, энг азиз сафарига чиқажак, пайғамбарлар имомига йўлдош бўлиш шарафига муяссар бўлажак эди. Икки кўзи йўлда.

Кеч бўлиб, ҳаммаёққа сукунат чўкди. Мўлжалдаги вақт яқинлашгани сари Ҳазрати Абу Бакрнинг қалбидаги ҳаяжон тобора кучаяр, имон тўла юраги тобора тез, тобора тошқин ура

бошлаган эди. Кўзлари қоронғуликка тикилган. Ниҳоят, узокдан бир шарпа яқинлашиб келаётганини илғарилғамас, қўлини кўксига босди. Дарҳақиқат, ҳаяжонланишга ҳақли эди, чунки келаётган киши Оламларнинг Султони, ҳидоят имоми эди.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) эшикни тақиллатишларига ҳожат қолмади.

— Марҳамат қилинг, отаонам сизга қурбон бўлсин, ё Набийаллоҳ! — дея Абу Бакр остонадаёқ кутиб олди.

Ҳазрати Абу Бакр йиққан бор пулини ҳамёнига солди. Озроқ егулик нарса ҳам олди. Уйнинг орқа томонидаги бир тешикдан кетмакет чиқдилар ва Макканинг жанубиғарб томонида жойлашган Савр тоғи томон йўл олдилар.

Тоққача уч чақиримча йўл эди. Тахминан бир соатларда босиб ўтса бўлади. Аммо кеча қоронғи, қўлларида чироқ ҳам йўқ. Йўлда из қолдирмай кетмоқчи эдилар. Шу боис Расулуллоҳ (с.а.в.) баъзан пойафзалларини ҳам қўлга олиб юришга мажбур бўлдилар. Зимистон кечада ялангоёқ тоққа тирмашиш осон эмас.

Ғорнинг оғзига келганларида, Ҳазрати Абу Бакр ижозат олиб, эҳтиёт учун ичкарига аввал кирди. Қўллари билан пайпаслаб, текшириб чиқди. У ёқбу ёғини тузатиб, ўтирадиган ҳолатга келтирди. Ичкарида йиртқич ҳайвон ёки заҳарли ҳашорат бўлиши мумкин эдида. Сўнгра таклиф қилди:

— Марҳамат қилинг, ё Набийаллоҳ!

Султони анбиё (с.а.в.) «Бисмиллоҳ...» дея ичкарига кирдилар. Сал ўтмай Ҳазрати Абу Бакрнинг тиззаларига бош қўйиб, уйқуга кетдилар.

Ҳаяжон, чарчоқ ва бахтиёрлик мужассам бўлган бу дақиқаларнинг ҳар бир сонияси Абу Бакр учун бир умрга тенг, бир умрга татирли эди. Коинот яратилганидан бери ҳеч бир инсонга бундай шараф берилмаган. Бу саодат дамларини тил билан ифода этиш у ёкда турсин, юрагига ҳам сиғдиролмас эди.

Бирдан иликларигача қақшатган оғриқни ҳис этди. Бу оғриқ саодат дамларига ҳалақит бериб қолмасинда, дея орзиқди. Қимирламай ўтираверди. Лекин бутун вужудини титроқ босган эди. Тиззасига бошларини қўйиб ётган Расулуллоҳни (с.а.в.) безовта қилмаслик учун бу азобга дош беришга уринарди.

Акмали анбиё (с.а.в.) юзларига томган бир жуфт кўзёшидан уйғониб кетдилар.

— Нима бўлди, ё Абу Бакр?

Титроқ бир овозда:

— Оёғимни илон чақди, ё Набийаллоҳ! — дея жавоб қилди Абу Бакр.

Қачонлардан бери сокин ғорда бирдан ғалағовур пайдо бўлиши инида ётган илонни безовта қилган, ташқарига ўрмаларкан, ининнинг оғзини тўсиб қолган оёққа дуч келган эди. Бу оёқ Абу Бакрга тегишли эканини у жонивор қаёкдан билсин?!

— Бу ёққа узат оёғингни, — дедилар Сарвари коинот (с.а.в.).

Бир куни Дамашқ сафари чоғида юра олмай қолган туяларнинг оёқларини силаб қайта қувват бахш этган бу муборак қўллар бу дафъа «Ёри ғор»нинг (Ғордаги дўстнинг) оёғига малҳам бўлди: У Зоти шариф оғизларидан озгина тупук олиб илон чаққан жойга суркадилар. Оғриқ тақка тўхтади.

Дамашқ сафари чоғида бу қўллар пайғамбар бўлишини билмаган Муҳаммад ибн Абдуллоҳники эди, бугун эса, Сарвари анбиё эканини, оламларга раҳмат ўлароқ жўнатилганини билган Саййидул аввалин вал охирин Имомул Анбиё вал мурсалин Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламники эди. Аммо ҳар иккала марта ҳам бу муборак қўллардан шифони индирган зот Буюк Оллоҳдир...

Ҳазрати Абу Бакр бутун инсониятни жаҳолат ботқоғидан халос этиш учун келган пайғамбаримизга бениҳоя миннатдорлик туйғулари билан бокди.

— Минг ташаккур, отаонам сизга қурбон бўлсин, ё Расулуллоҳ, — деди.

Икки дўст ўз хаёллари билан банд бўлдилар.

* * *

Ҳазрати Али ётоққа кириб, устига яшил чойшабни ёпди. Етишдан олдин ва эрталаб уйқудан уйғонганида пайғамбаримиз (с.а.в.) ўқишни тавсия этган дуони пичирлай бошлади:

«Рабб ўлароқ Оллоҳдан, дин ўлароқ Исломдан, пайғамбар ўлароқ Муҳаммаддан рози бўлдим. Мен учун бошқа бир маъбуд, бошқа бир дин, бошқа бир пайғамбар йўқ. Оллоҳим, сенинг лутфу караминг боис оқшомга етдик, сенинг лутфу эҳсонинг боис келгуси кунга етишамиз. Сен берган ҳаёт билан яшаймиз, сенинг ироданг билан ўламиз. Биз фақат Ўзингга қайтамиз».

Тўшакда Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳидлари бор эди. Бу муборак ҳиддан маст бўлган Али кўп ўтмай қаттиқ уйқуга чўмди...

Али ётоққа кирар экан, уйнинг атрофида пайғамбаримизни ўлдиришга қарор қилган мушрикларнинг айланиб юрганини ва бу ерда юзага келган вазият ўта жиддий эканини жуда ҳам яхши биларди.

Бу тўшакка кириш, бу чойшабни ёпиш бир жиҳатдан ўлимга тик боқиш демак эди.

Бироқ Расулуллоҳ (с.а.в.) унга: «Сенга бирон заҳмат етказа олмайдилар», деган эдилар. Бу башоратга у ўзининг исми Али эканига ишонгандай ишонар эди.

Уни мана шу шартлар остида Ҳабиби акрамнинг тўшагига ётқизган буюк Оллоҳ бу фидокорликнинг мукофотини ҳам албатта зиёда қилиб беражак. Улуғ Абу Бакрга «Ёри ғор»лик нақадар мислсиз бир шараф бўлса, мард ва фидокор Алига Расулуллоҳнинг тўшагида ўтказган бу кеча шунчалик қадрли эди.

Амаллар ҳисоб-китоб қилинадиган кунда, энг улуғ фазилат соҳиблари хам мана шундай беқиёс шарафга ноил бўлган Абу Бакр ва Алини кўрганда бармоқларини тишлаб қолишлари ажаб эмас. Ҳазрати Али бу муборак тўшакда хотиржам ухлар экан, Ҳазрати Абу Бакр ҳам тиззасига Расулуллоҳ (с.а.в.) бош қўйиб ётганидан бениҳоя бахтиёр эди.

* * *

Уйнинг атрофини ўраб олганлар ҳануз Расулуллоҳни (с.а.в.) уйда деб билишар, бунга шубҳа қилишмас эди. Зўр ҳаяжон билан тонг отишини кутишарди. Уйга кечаси хужум қилишдан уларни қайтарган нарса, бир инсонни уйида ўлдириш ўта чиркин иш деб ҳисобланиши эди.

Қолаверса, шошишнинг зарурати йўқ. Қуш бўлсада, учирмасликка бел боғлаб келишган эди улар бу ерга. Йиллар давомида алангаланиб келган интиқом ўтини шу тариқа ўчиришмоқчи эди. Ахир барибир ушбу эшикдан чиқади, бошқа иложи йўқ. Ўша дамда бу гала бўрондек ёпирилади, бор кучини ишга солиб, унга хужум қилади, шу тариқа ўн йилдан бери ҳар қандай қаршиликка қарамай юритиб келинган даъвога барҳам берилади...

Абу Жаҳл қиличини сийпалади.

— Сени мана шу кун учун сақлаб келдим, буни ўзинг жуда яхши биласан, — деди.

Йигитлардан бири гап қотди:

— Сенинг ёрдамингсизоқ ўзимиз унинг масаласини ҳал этсакчи?

Абу Жаҳл «бўлмайди» демоқчидек бошини сараксарак қилди:

—Уни қирқ бўлакка парчаласангиз ҳам, бу қилич ўз вазифасини билади.

—Муҳаммадга сенингчалик адоват ҳиссини туйган бошқа бир одамни кўрмадик, ё Абул Ҳакам!

—Ишончинг комил бўлсин, бундан кейин ҳам асло кўрмайсан.

Хўрознинг қичқириғи Абу Жаҳлнинг юзида ваҳшиёна бир севинч аломатларини уйғотди. Бир бурчакда кутиб турган Умайя оғирвазмин қадамлар билан унга яқинлашди.

— Турақол энди, хўрозлар қичқирди, — деди.

— Ҳа, энди унинг сўнгги уйғониши бўлади бугун... Убай ибн Халаф қаттиқ овоз берди:

— Ҳей Муҳаммад, тур энди, қолган уйқуни у дунёда давом эттирасан!..

Бу тонгни у алоҳида ҳаяжон билан кутди. Бу тонг қилинадиган ҳужумда Муҳаммаднинг ўлдирилиши хов бирда ўзи ҳақида имзоланган ўлим фармонининг бекор қилиниши демак эди. Пайғамбаримизнинг бир пайтлар, «Сен мени эмас, мен сени ўлдираман» деганларини ҳеч унута олмаган, қачон Расулуллоҳнинг номларини эшитса, «у сени ўлдиражак» деган бир овоз эшитилаётгандай бўлар эди.

У ҳам бу муаззам зафар нашидасидан баҳраманд бўлиш учун келган, аммо ичичидан тинчлик бермаётган бир туйғу уни бир оз чеккароқдан туриб томоша қилишга мажбур этган эди. Ҳар ҳолда, агар у ҳам жон аччиғида қаршилик кўрсатишга уриииб, бу қаршилик асносида тасодифан Убайни ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмас эдида.

Ҳаяжон қанчалик зўр бўлса хам, вақт ҳар доимгидай ўз маромида ўтар эди. Кетмакет эшитилаётган хўрозларнинг овозлари қулоқларни тешиб юборгудай бўлди. Ер юзи секинаста ёриша бошлади, шафақ ортида туғилаётган қуёшни кутиб олиш тантанаси бошланган эди гўё.

—Тезроқ чиқақол энди, қуёш, сабркосамиз тўлаёздику.

—Ташвишланма, албатта чиқади... Чиқади ва... — Сўзларини давом эттира олмади. Ичкаридан аллақандай шарпа товушлари кела бошлади. Қўллар қиличларнинг сопига ёпишди. Бир оздан сўнг эшик очилиб... Али ибн Абу Толиб кўринди.

Абу Жаҳл олдинга отилди:

—Ҳой, сен кимсан, бир кўрайин?!

—Нима, мени танимаяпсанми?

— Оллоҳнинг қаҳрига учрагур, сени жуда яхши танийман, аммо у қаерда?..

—Ким у?

—Амакингнинг ўғли... Муҳаммад ибн Абдуллоҳ.

—Бу ерда йўқ...

— Ёлғон гапирма, эй Али, нима, бизни лақма деб ўйлаяпсанми?

— Ишонмасанг, текшириб кўр.

Абу Жаҳл ичкарига қаради. Чиндан ҳам йўқ эди. Мушриклар телба бўлиб қолаёздилар.

Асаблар бузилди.

Унинг шу уйга кириб кетгани ҳам, қайтиб чиқмагани ҳам, айни чоқда, уйда йўқлиги ҳам хақ эди. Во ажабо...

— Шу уйга кирганини ўз кўзим билан кўрдим. Манот ҳаққи, кўрдим.

— Кеча кечқурун гапирганини эшитмаган бўлсам, отамнинг боши итларга ем бўлсин!

Оқшомдан бери ҳаяжон билан, ваҳший бир орзу билан қилинган ҳисоб-китоблар беҳуда кетган эди. Алининг ёқасига ёпишишди.

—Қани, гапир, қаерга кетди?

—Кеча кечқурун чиқиб кетган.

—Ёлғон гапирма. Кечадан бери шу ердамиз.

Яна текшириб кўрилди. Яна қидирилди, аммо барча уринишлар зое кетди. Шу пайт кимдир телбанамо бакирди:

— Тезроқ Абу Бакрни қўлга олиш керак!

Дархақиқат, Пайғамбар (с.а.в.), уларнинг назарида,

Абу Бакр билан бирга бўлиши мумкин эди. Ҳаммалари ўша ёққа шошилишди. Эшикни Асмо очди.

—Отанг қаерда?

—Билмайман,

Дарғазаб Абу Жаҳл ўзини тутолмай, Асмонинг юзига бир тарсаки туширди. Бу тарсаки Асмонинг қулоғини йиртиб юборди, зираги ҳам қаёққадир учиб кетди.

Зирак ҳали бориб ерга тушмасиданоқ маънавият оламида бу воқеа қайд этиб қўйилди. Асмонинг дафтарида ушбу тарсаки билан боғлиқ алоҳида бир шараф саҳифаси очилди. Чунки бу шунчаки бир тарсаки эмас эди. Оллоҳнинг энг суюкли бандасини Оллоҳнинг энг ашаддий душманларининг биридан мудофаа этиш йўлида тўсқинлик қилгани учун туширилган эди бу тарсаки... Унинг мукофотини бевосита Жаноби Ҳақ ўзи беражак, Асмони мамнун этажак.

Келганлар телбаворий одимлар билан у ердан ҳам чиқиб кетишди.

** *

— Эй халойиқ, эшитмадим деманглар, Муҳаммад ибн Абдуллоҳни ёки Абу Бакр ибн Кухофани ўликмитирими тутиб келган одамга юз туя мукофот берилади!.. Жарчи бутун Маккага ушбу хабарни солди.

— Оҳ, кошки эди... — деганлар бўлди.

— Шундоққина бурунларининг тагида эканлигида масаласини ҳал қилмай, энди ғайратга минишибдида, —деганлар ҳам бўлди.

Ҳар бир қабиладан қўлида қилич ушлай оладиган йигитлардан иккитадан қуролланишди. Ҳаммаёқни остинустин қилиб, қидира бошлашди.

** *

— Мана, сизлар қидираётган одамнинг изи мана бу бўлади, ёнидагиси эса ҳамроҳиники...

— У ҳолда ушбу изларнинг ортидан олға.

Мушрикларнинг юзларида мамнунлик ифодалари пайдо бўлди. Айни излар ортидан тезтез юриб кетишди.

— Излар манави ерда тугабди.

— Кўп валдирама, — деди Утба. — Улар қуш эмаски, қанот ёйиб учиб кетган бўлсалар.

Изтопар бирмунча ўйланиб қолди:

— Бу ёғига ялангоёқ кетишибди, — деди.

Яна илгарилашди. Ниҳоят Савр тоғининг этакларига етиб боришди. Секинаста тоққа тирмашиб юқорига чиқа бошлашди. Бу ерда қидирилаётганларнинг изларини топиш игна билан қудуқ қазишга баробар эди. Шу билан бирга, бу одам ўз ишининг устаси эканини намойиш этар, мукофот тариқасида бериладиган юзта туя унинг ғайратига ғайрат қўшар эди.

** *

Ривоятларга қараганда, Расулуллоҳ (с.а.в.) дўстлари билан ғорга кириб кетгач, бир ўргимчак келиб ғорнинг оғзига ин тўқиб ташлаган экан.

Бўлмайдиган иш эмасди бу. Ҳазрати Абу Бакр, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳордиқ чиқариб бир оз роҳатлансинлар, дея жон куйдириб турган бир паллада чаққан илон ҳам кимни чақиб олганидан мутлақо бехабар эди. Ғор оғзини тўри билан беркитган ўргимчак ҳам кимга хизмат қилаётганини билмасди. Ойдайилда биров тасодифан келиб қолмаса, инсон зоти қадам босмайдиган бундай жойларга ўргимчакнинг тўр тўқиши, албатта, табиий бир ҳолда.

Бу ўргимчак айнан ушбу вазифани адо этиш учун яратилган бўлса ҳам ажаб эмасди.

** *

Ҳазрати Абу Бакр узокдан эласэлас эшитилаётган овозларни аниқлаш учун ғор оғзига қулоқ тутдию, пешонасида совуқ тер томчилари пайдо бўлди. Товушлар тобора шу ёққа яқинлашиб келар эди.

Кўп ўтмай, бир неча киши тўппатўғри ғорга қараб йўналди. Энг олдинда мудлижлик изқувар, қолганлар унинг ортида. Орада бешолти одимгина масофа қолди.

— Е Расулуллоҳ, анави одамлар оёғига қарасаям, бизни кўради.

Ҳазрати Абу Бакр ҳаддан ташқари ҳаяжонланар, аммо бу ҳаяжони ўзидан ҳам кўра кўпроқ Расулуллоҳ учун қайғураётганидан эди. Унга карши бирон-бир ахлоқсизлик қилиб қолинмасин, ишқилиб унга бирон озор етказилмасинда, деган ташвишда эди.

Ҳабиби акмал Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) бир оз эгилдилар ва ўта вазминлик билан:

— Ҳеч сиқилма, Оллоҳ биз билан, — дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр пайғамбаримизнинг овозларидаги

матонатни, руҳиятларидаги сабот ва жасоратни кўриб, ўзини тутиб олди. Ахир, у пайғамбаримиз «сиқилма» дейдиган даражада ҳаяжон ва қўрқувга тушгани шубҳасиз эди.

Ғор яқинига келган одам комил ишонч билан:

— Қидираётган одамларимиз мана шу атрофда. Шу ергача келганлари аниқ, лекин бу ердан ҳеч қаёққа кетмаган бўлишлари керак, — деди.

Умайя эътироз билдирди:

— Бекор гап. Ахир, бу ерга одам оёғи етмагани шундоқ кўриниб турибдику.

Изқувар ҳам паст келгиси йўқ:

— Аммо бу одамлар қуш эмасларки, бундан бу ёғига учиб кетган бўлсалар?..

— Тушунарли, сен роса чарчабсан... Бу орада мушриклардан бири:

— Вақтимизни зое кетказяпмиз, — деб қолди. Истар-истамас у ердан қайтишди. Изқувар ҳамон:

— Шу ерда эканига аминман. Бу одамлар ўзўзидан ғойиб бўлишлари мумкин эмас, — дерди.

Аммо бу воқеанинг ягона изоҳи бор, у ҳам бўлса, Оллоҳ таоло суюкли пайғамбарини душманларининг ихтиёрига топшириб қўймасди. Ҳа, Буюк Оллоҳ Ҳабиби адибини душманларига таслим этмасликни ирода қилган бўлса, одамларнинг кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб, ақли ишламай қолиши ҳеч гап эмас.

Улар кетгач, Ҳазрати Абу Бакр енгил нафас олди. Хурсанд бўлиб, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) юзларига қаради. Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Ё Абу Бакр, икки дўстга Оллоҳ таоло ҳам дўстлик қўлини узатиб турса, ким бизга таҳдид сола оларди? Улардан қўрқишга ҳожат қоларми? — дедилар.

Бу пайтда Макка ғалвирдан ўтказилди, остинустин қилинди. Қидирилмаган, текширилмаган биронта ҳам хонадон қолмади. Савр тоғидаги ғорни ҳисобга олмаганда, ҳаммаёқ ўта жиддийлик билан қараб чиқилди. Аммо улар ҳеч ерда йўқ, гўё қуш бўлиб учиб кетгандай эдилар...

Ҳазрати Абу Бакрнинг ўғли Абдуллоҳ тун ярмидан оққанида Савр тоғидаги ғорга келди. Отаси билан Расулуллоҳга (с.а.в.) кундузи бўлиб ўтган воқеаҳодисаларни бирмабир сўзлаб берди. Уйдан овқат келтирган эди, берди. Шундан кейин, ҳали тонг отмасидан, туриб хайрлашди ва уйига қайтиб кетди. У кетганидан кейин, Ҳазрати Абу Бакрнинг чўпони Амр ибн Фухайра қўйлар сурувини ҳайдаб, Абдуллоҳ ўтган йўллардаги изларни йўқотди.

Бу қуйлар икки «Ёри ғор»нинг сутга бўлган эҳтиёжларини ҳам қондирди.

Ғорга пайшанба куни кечқурун кирилган бўлса, жума, шанба ва якшанба кунлари ҳам шу зайл ўтказилди. Уч кун давомида уйдан овқат ташиб турилди, янгиянги хабарлар келтирилди. Маккаликлар ҳамон уларни қидираётганлари, ҳануз умидсизланмаганлари билдирилди.

Учинчи куни овқатни Асмо олиб келди. Аммо овқат солинган халта билан мешнинг оғзини нима билан боғлашни билмай бир оз боши қотди. Сўнгра ҳеч иккиланмай белбоғини йиртиб, иккаласининг ҳам оғзини маҳкам боғлади. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни кулимсираб кузатиб турар эдилар.

— Унга жаннатда икки белбоғ эҳсон қилинажак, — деб марҳамат қилдилар. Шу кундан бошлаб Асмо «Зотун нитоқайн», яъни, «Икки белбоғли хоним» деб аталадиган бўлди.

Овқатлар олинди. Кўп ўтмай Абдуллоҳ Ҳазрати Абу Бакрнинг олти минг дирҳамга яқин жамғармасини олиб келди. Отасига топшириб, видолашдида, қайтиб кетди.

Энди Абдуллоҳ ибн Урайқитни кута бошлашди. У туяларни олиб келса, шу билан бу тарихий сафар бошланажак эди.

Абдуллоҳ ибн Урайқит мушрик эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) билан Ҳазрати Абу Бакрнинг қаердаликларини беш қўлдай биларди. Уларни топган кишига ваъда қилинаётган мукофот унга йўлбошловчилиги эвазига бериладиган ҳақдан камида ўн марта ортиқ эди. Шундай бўлишига қарамай, нима учун улар ҳақида мушрикларга хабар бермади, унга омонат қилинган сирни сақлади?..

Уларнинг қаерда эканларини билдириш Абдуллоҳ учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасди. Ҳолбуки, йўл бошлаб бориш ғоят хавфли ва мушкул бир иш эди. Унинг устига, қурайшийлар билиб қолсалар, ҳужум қилишлари муқаррар бўлиб, йўлдаёқ ўлиб кетиши, жуда бўлмаса, ушбу иши учун аёвсиз жазоланиши ҳеч гап эмасди.

Камида тўрт юз олтмиш чақиримлик йўлни оғир шартшароитлар остида босиб ўтиш ва яна Маккага қайтиш ташвишичи? Олдинда камида йигирма кунлик мушкулотмашаққат бор... Лекин бу воқеликка қарамай, соғлом фикрли, дуруст ахлоқли инсон бўлган Абдуллоҳ ибн Урайқит пайғамбаримизга кўмаклашишга жазм этган эди.

* * *

Ғорда кечган уч кечаю уч кундуз гапсўзсиз, сукут сақлаб ўтиришмагандир, албатта. Аммо мазкур муддат давомида қандай суҳбатлар ўтгани ҳақида маълумотлар сақланиб қолган эмас. Имом Бухорий ва бошқа муҳаддисларнинг китобларида Ҳазрати Абу Бакрнинг бу тарихий сафари ҳақида берилган маълумотларда ҳам ғорда бўлиб ўтган суҳбатларга доир ҳеч гап йўқ. Пайғамбарларнинг энг буюги (с.а.в.) билан инсонларнинг энг улуғи (р.а.) ораларида сир бўлиб қолган бу воқелик бир қарашда том маънодаги машаққат тўла кунлар эди. Аммо маъно жиҳатидан фавқулодда бой, сўз билан таърифлаб бўлмайдиган даражада файз ва баракага тўлиқ кунлар бўлган. Пайғамбаримиз ушбу воқеликни қисқагина шундай изоҳлаган эдилар: «Ҳеч сиқилма, Оллоҳ биз биландир...» Ва яна: «Эй Абу Бакр, икки дўстга Оллоҳ таоло ҳам дўстлик қўлини узатиб турса...»

Бу ўринда сукут сақлашдан ўзга чора қолмайди. Бу ерда оддий кўнгиллар қанот қоқолмайди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ва у кишининг севимли дўстларидан бошқа жами инсонлар бу маъно оламининг орқасида саф боғлаб туришга мажбурдирлар.

Уч кун давом этган, аммо таърифи уч асрга ҳам сиғмайдиган бу ҳаётни оддий сўз билан баён этиш амри маҳолдир. Ҳазрати Абу Бакр шу боис бўлса керакки, ҳаётининг бахтиёр дамлари ҳақида ҳеч кимга ҳикоя қилмасликни афзал кўрган эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) учун Меърож кечаси қандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, Ҳазрати Абу Бакр учун ҳам ушбу кунлар шунчалик азиз эди. Муҳаммад уммати орасида бошқа ҳеч ким бундай шарафга муяссар бўлмаган, бўлмас ҳам эди.

Ғорда ўтказилган кунларнинг ҳар бир дақиқаси маъно жиҳатидан бир етук инсоннинг умрига тенг эди. Ҳазрати Хадича онамиз уммат орасида илк имон келтириш шарафига сазовор бўлиб, қандай улуғ ва тенгсиз мартаба эгасига айланган эса, Ҳазрати Абу Бакр ҳам бу ҳижрат сафарида пайғамбаримизга йўлдош бўлишдек беқиёс бир мартабани қозонган эди. Бу дўстлик Исломдан олдин бошланган, умр бўйи энг мукаммал тарзда давом этган, вафотларидан кейин охиратда ҳам қалин дўст бўлиб қолишлари шубҳасиздир...

Инсонларга буюк ўрнак намунаси бўлган Ҳазрати Умардай улуғ зот Абу Бакрнинг ғорда ўтган бу бахтиёр дамлари ҳақида бундай деган эди: «Худо ҳаққи, Абу Бакрнинг ғорда ўтказган ўша бир кечаси Умардан ва Умар оиласидан ҳам хайрлирокдир. Абу Бакрнинг ғорда ўтказган бир куни Умардан ҳам, оила аъзоларидан ҳам хайрлирокдир». (Ибн Касир. «Сияр», 2/237.)

** *

Асмо бундай дейди:

«Отам пулларининг ҳаммасини олиб кетган эди. Бобом Абу Куҳофа ранжиди.

— Уйлашимча, у сизларни оғир аҳволга солиб кетди, — деди.

Бобомнинг кўзлари ожиз эди. Бир халтача чағир тош йиғдим. Отам пулларини сақлайдиган тўрвага солдим. Оғзини маҳкамлаб беркитдим. Сўнгра уни бобомга кўрсатдим, қўлларига тутқаздим.

— Қаранг, бобожон, мана, пулларнинг ҳаммаси шу ерда турибди, — дедим.

Бобомнинг кўнгли жойига тушди.

— Жуда соз. Сизларга шунча пул ташлаб кетган экан, энди хотиржам бўлсам ҳам бўлаверади. Бу пуллар сизларга етиб ортади ҳам, — деди.

Ҳолбуки, отам бизга ҳеч нарса қолдирмаган эди. Мен бу ишни бобомни юпатиш учун қилган эдим».

** *

Ҳазрати Абу Бакр бу сафарга чиқаркан, болаларини пулсиз, оч ва беилож, паришон ҳолда ташлаб кетибдида, деб ўйланмаслиги керак. Пулининг ҳаммасини олгани билан уйида яна бир сурув туя, қўй, озиқовқат ва кийимкечак қолдирган эди. У замоннинг шартшароитлари билан қиёсланса, бир оиланинг маишатига етарли даражада эди. Бугунги кун одами у пайтлардаги воқеаларга баҳо беришда ҳар нарса бозордан пулга сотиб олинадиган бугунги ҳолатга солиштирмаслиги керак. Бундан ташкари, Абу Бакр тез орада оиласини ҳам Мадинага кўчириб кетиш ниятида эди. Дарҳақиқат, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, уларни ҳам ёнига олдирди. Мана шу сабаблар туфайли уйда пул қолдиришига зарурат йўқ эди.

Яна бир бошқа мулоҳаза шуки, Абу Бакрнинг йўлга олиб кетган бу олти минг дирҳам пули эсларни йўқотиб қўяр даражадаги катта сарват эди. Бемалол бир неча кишини бой килиб юборадиган миқдор эди. Ким билади, эҳтимол йўлда уларни тутиб Қурайшга қайтариб топширишни кўзлаган бирор гуруҳга дуч келишар, шундай ҳол рўй берса, бу пулларни бериб қутулиб кетиш хаёли ҳам йўк эмасди...

ҒОРДАН ЧИҚИШ

Ниҳоят, кутилган соат келди. Абдуллоҳ ибн Урайқит туяларни келтирди. Савр ғорининг рўпарасида тўхтатди. Вақтни ўтказмасдан туяларга миндилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) қўлларини кўтардилар:

— Мени йўқдан бор қилган Оллоҳга ҳамдлар айтаман. Оллоҳим, дунё балоларига қарши менга ёрдам бер. Зотингга нисбатан итоатли, дуруст ҳўйларимда мени саботли қил. Сенга суюкли бўлишимни насиб эт. Инсонларнинг қўлларига ташлаб қўйма... Заифларнинг Раббисан, менинг Раббим ҳам Ўзингсан. Осмонлару ерни ёритган, қоронғуликларни аритган, аввалгилару кейингиларнинг ишларини тартибга солган нурингга сиғинаман. Ғазабинг келиб бошимга тушишидан асрашингни сўрайман.'.. Неъматингнинг завол бўлишидан, интиқомингнинг келиб қолишидан, сен берган офиятнинг балога айланишидан ва ҳар турли ғазабларингдан яна Сенга сиғинаман. Кучим етган қадар сендан хушнудман, ё Парвардигор! Куч ва қувват фақат Сенингладир! — дея мурожаат қилдилар. (Ибн Касир. «Сияр», 2/234.)

Кейин сафар бошланди. Ўша куни рабиул аввал ойининг тўртинчи куни, душанба эди.

Макка шаҳрини кўриб қолиш имкони бор сўнгги жойда уловларини тўхтатдилар. Тушдилар. Қалбларидан хазин бир товуш тарала бошлади:

«Валлоҳи, сен Оллоҳ яратган энг хайрли шаҳарсан. Оллоҳ энг севган жой сенсан. Зўрлаб чиқарилмаганимда эди, сени асло ташлаб кетмас эдим». (Имом Термизий, 5/722.)

Бу жой Хазвара деган бир тепалик эди. Ҳаётларининг эллик уч йилини гоҳ тотли, гоҳ аччиқ минг турли ҳолатларда кечирган юртлари билан шу тарз видолашгач, йўлда давом этдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) маҳзун, Ҳазрати Абу Бакр ҳам маҳзун. Эртаси то пешингача шу ҳолатда кетишди. Бир тоғ тагига тин олиш учун қўнишди.

Яқин орада бир чўпон пода боқиб юрарди.

—Бизга озгина сут бера олмайсанми? — деб сўрадилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

—Берардим, аммо соғин қўйим йўқда, — деб узр сўраган бўлди чўпон.

— Соғиб кўрсак, рухсат берасанми?

— Майли. Лекин бир қултум ҳам сут тополмасаларинг керак.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир эчкини тутдилар, дуо қилдилар, эчкининг эмчагини силадилар ва «Бисмиллоҳ...» дея соға бошладилар. Эчкисининг тизиллатиб сут бераётганини кўриб, чўпоннинг эси оғиб қолаёзди.

Сутдан ҳаммалари бир-бир ичдилар.

Чўпон ҳайрон эди. Ахир, бу эчки ҳам, худди бошқалари каби сут бермаслигини қатъиййан билардида.

— Оллоҳ хаққи, айт, сен кимсан ўзи? — деб сўради Расулуллоҳдан. — Қасам ичаманки, сенга ўхшаганини кўрмаганман.

—Айтаман, аммо сир сақлашинг лозим бўлади.

—Сир тутаман.

—Мен Муҳаммад Расулуллоҳман.

— Яъни, Қурайш, динини ўзгартирди, сотди, деган одамлари сенмисан?

— Улар шундай дейдилар.

—Мен сенинг Пайғамбар эканингга шаҳодат этаман. Сенинг йўлингдан бораман, — деди чўпон.

—Ҳозир бунга кучинг етмайди. Кут, менинг муваффақият қозонганимни эшитганинг заҳоти ҳузуримга кел, — деб марҳамат қилдилар Пайғамбар (а.с).

Бир муддат истироҳат қилишиб, сўнг чўпон билан хайрлашишди.

* * *

Суроқа ибн Молик қурайшийлар Расулуллоҳни ёки ҳамроҳларининг ўлигини ё тиригини келтирганга юз туя ваъда беришганини эшитиб типирчилаб қолган:

— Оҳ, қани энди шу ишни мен қилсам! — деб аҳд қилган эди.

Мудлиж қабиласидан бир неча киши билан суҳбатлашиб ўтирганларида, устларига биттаси кедди:

— Уч кишилик йўлчиларни кўрдим. Олдимдан соҳилга томон ўтиб кетишди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ билан шериклари бўлиши мумкин, — деб қолди.

Суроқа титради.

— Йўқ, улар эмас. Сен кўрганинг фалон-фалончилар бўлади. Сал олдин уларни кўрувдим, — деб ёлғонлади. Ортиқ ўтиролмай қолди. Озгина гаплашган бўлдию туриб кетди.

Уйга бориб чўрисини чақирди:

— Отимни ҳозирла, силоҳимни ол, тепалик ортида мени кут, — дея тайинлади.

Чўп билан фол очган эди, афти буришиб кетди. Чунки, «бу ишни қилма» деган чўп чиқиб ўтирибди! Парво қилмади. Сал ўтмай, уйнинг орқа томонидан чиқиб, тепалик сари йўл олди. Қўлида фақат найза бор эди.

Тепаликдан ошиб ўтганида, отини сафарга шай ҳолда кўрди. Миндию йўлчиларнинг изларидан от солди. У шошарди. Ҳали даврадошларини ҳам бекорга алдамади. Ўртага қўйилган юзта туяга шерик чиқишини асло истамас эди у.

Олдиндагилар уч киши эдилар. Аммо уларга бас кела оламан деб ҳисобларди. Бунақа ишлар кўп бошидан ўтган. Нене можароларни кўрмади Суроқа...

Уларга хилват бир жойда етиб олиш учун отини роса чоптирди...

* * *

Хазрати Абу Бакр кимдир уларни таъқиб қилиб келаётганини сезди. Айтай деди. Кейин фикридан қайтди. Ким билади, у ҳам йўловчи бўлиши мумкин. Пайғамбар (алайҳиссалом)ни

ташвишга қўйиб нима қилади?

Аммо орадаги масофа қискарган сари кўнглига хавотир инди. Қолаверса, у оддий йўловчига ҳам унча ўхшамасди.

— Ё Расулуллоҳ, бир отлиқ келяпти, яқин кепқолди, — деди ниҳоят.

Жаноби пайғамбаримиз орқага ўгирилдилар ва:

— Оллоҳим, уни тўхтат, — дедилар.

Бирдан отнинг оёқлари қумга ботиб қолди. Суроқа от устидан учиб, думалаб кетди.

Бу бир ажиб ҳол эди. Ҳеч от оёғи ботадиган жой эмас. У ербу ерининг лат еганига ҳам қарамай, яна фолчўпларини олди. Яна «қилма» деган чўп чиқди. Орқасига қайтиб кетай деса, юз туя... Такрор отига минди, такрор учиб тушди. Яна турди, яна минди. Шу қадар яқинлашдики, ҳатто Расулуллоҳнинг (с.а.в.) Қуръон ўқиётганларини эшита бошлади.

Пайғамбар (а.с.) ўгирилиб қараган эдилар, ўша заҳоти Суроқа учинчи марта учиб тушди. От яна тиззаларигача қумга ботиб кетди. Типирчилар, лекин оёқларини қумдан чиқара олмас эди.

— Ё Муҳаммад! Тушундим, бу ишлар тасодиф эмас. Сенинг алоқанг бор бу ерда. Бизни қутқар, — деди.

Суроқа шум фикридан қайтган эди. Қаршисида доимо иши юришиб, даъвосида тобора муваффақ бўлиб бораётган улуғ бир инсон турганига қатъиййан ишонди. Келиш мақсадини самимиятла сўзлаб берди, пушаймонлигини изҳор этди. Сўнгра:

— Менга бир хат қилиб беринг, — деди. Кейинчалик шу ёзув билан у ўзини танитмоқчи эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Бакрга:

— Истаганини ёзиб бер, — дея амр этдилар.

Бир суяк парчасини топиб, устига хат битиб, қўлига беришди. Суроқа уни ўқ халтасига солиб қўйди. Емак бермоқчи эди, қабул қилишмади. Бир ўқни узатиб:

— Йўлларингда менинг чорвамни боқиб юрган чўпонга дуч келасизлар. Шу ўқни бериб, хоҳлаган бир ҳайвонни олишларинг мумкин, — деди.

Яна қабул қилишмади.

— Унда сизларга қандай ёрдам берсам экан?

— Орқамиздан тушганлар бўлса, ўшаларни изларига қайтариб турсанг бўлди, — дейишди.

— Жуда яхши, хотиржам бўлинглар.

Ҳижрат йўловчилари олға босишди. Суроқа ортига қайтди.

* * *

Эрхотин Абу Маъбад билан Умму Маъбад Макка — Ясриб йўли устига бир чодир тикиб, йўлчиларга емакичмак сотиб кун кўрадиган бир оила эдилар. Қабилалари ўзи бошқа тарафда, бу ердан бир оз узоқда эди.

Муборак йўлчилар етиб келишганида Умму Маъбад ёлғиз, эри йўқ эди.

—Салом сенга, эй Умму Маъбад!

—Салом сизларга, эй тоза юзли йўлчилар!

—Бизга сотадиган ниманг бор?

— Афсуски, ҳеч бир нарса қолмади. Илгаридаги қабилага қадар етиб олсаларингиз, ейишга улбул топасизлар.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) шу яқин ўртада ётган бир қўйга қараб турганларини кўриб, сўзига илова қилди:

— Оёғидаям туролмайдиган бир қўй... Юролмагани учун қолди бу ерда.

— Шуни соғишимизга изн берасанми?

Умму Маъбад лабини бурди:

— Валлоҳи, унинг жони бор, холос. Сут қаёқда. Аммо кўнгилларингиз синмасин, бир кўринглара.

Расулуллоҳ (с.а.в.) қўлларини қўйнинг сиртига қўйдилар. Дуо қилдилар. Қўй бирдан тетикланаверди. Идиш тўлгунча соғдилар.

— Ич, эй Умму Маъбад, — дедилар.

— Сен ич, эй нур юзли киши. Уни ичишга аввал сен лойиқсан.

Такрортакрор таклифлардан сўнг Умму Маъбад сутдан ичди. Сўнгра йўлчилар ҳам бир-бир ичдилар. Кейин яна соғиб, Абу Маъбад келса ичар, деган ниятда ўша ерда қолдирдилар. Хайрлашишаркан:

— Эй Умму Маъбад, бу қўйни сўйманглар, — деб тайинладилар.

* * *

Абу Маъбад қайтиб келгач, сутни кўриб ҳайрон бўлди. Чунки шунча сут берадиган соғин ҳайвонлари йўқ эди.

— Қаёқдан келди бу? — деб сўради хотинидан.

— Юзидан нур, қўлидан барака, дилидан раҳмат ёғилиб турган бир одам келди, анави қўйимизни соғди,— деб жавоб қилди Умму Маъбад.

— Қани, у одамни таърифлачи. Қурайш ахтараётган одам шу бўлса керак.

Умму Маъбад Расулуллоҳни (с.а.в.) таърифлай бошлади:

— Нур каби порлоқ, гўзал ҳўйли, гўзал юзли бир одам экан. Қорни катта эмас, боши кичик эмас, тоза юзли, қирмизига тортган кўзли, узунгина сочли. Овозида шиддат бор, кўзи сурмали, узун бўйинли, қалин соқолли, жим турганида виқорли, сўзлашганида ҳикматли, гаплари тотли ва очиқ, беҳуда гап айтмайдиган, сувнинг оқиши каби майин сўзлайдиган одам. Узокдан кўрилсаёқ инсонларнинг энг қийматлиси экани билинадиган, яқиндан боқилганида энг чиройлиси экани муҳаққақ бўлган бир зот. Узоқдан кўрган айб тополмас, яқиндан кўрган бир қусур топмас. Икки шох орасидаги бир шох эди (уч киши эдилар). Лекин учаласининг ичида нур юзлиси, бўйи мўътадили бўлгани у. Биродарлари унинг атрофида парвона, сўзласа, тинглайдилар, амр этса, зудлик билан адо этадилар, хизматини қиладилар...

Абу Маъбад хотинининг сўзини кесди:

— Демак, эй Умму Маъбад, хойнаҳой бу киши Қурайш ахтараётган одамнинг худди ўзгинаси. Дуч келсам, унга биродарлик таклиф қилардим. Бутун кучим билан шунга интиламан, — деди.

** *

Умму Маъбад Расулуллоҳнинг (с.а.в.) тавсияларига кўра, у кучсиз, ҳолсиз қўйни сўймакдан воз кечди. Бундан бошқача қарорга келмасди ҳам. Чунки у зотнинг қўли тегиши билан жонланган, худди оёқларини боғлаб турган иплар бир-бир узилган эди.

Ўша кундан эътиборан бу қўй оиланинг барака манбаи бўлди. Энг қаттиқ қурғоқчилик паллаларида ҳам елинлари лимлим тўлиб, оиланинг сутга эҳтиёжини буткул қоплади. Расули муҳтарам (с.а.в.) уни соғган кунларидан бери йигирма саккиз йил бу оилага хизмат қилди. Расулуллоҳдан (с.а.в.) бир ёдгорлик бўлиб қолди.

Умму Маъбад ҳар соғганида ҳижрат йўлчиларини хотирлар, ҳар дафъа: «Яхшиямки ақлим етиб, Расулуллоҳнинг тавсиясини тутганим», дея қўйнинг сағринини силаб қўяр эди.

** *

Ясриб тарафдан бир чангтўзон кўтарилди. Ҳазрати Абу Бакр бундан ташвиш чекмади, чунки таҳлика у томондан келмасди.

Дарҳақиқат, у бир карвон эди. Карвон аҳлидан бири шошиб келди. Зубайр ибн Аввом экан. Мамнунлик туйғуларила қучоқлашишди. Бундай бир сафар чоғи бунақа дўстлар билан кўришиш нақадар яхши ҳол!.. Ҳар икки тараф ҳам севинишди.

— Ясрибдаги мусулмонлар йўлга чиққанларингизни эшитишган, сабрсизлик билан

кутишяпти, — деди Зубайр.

Бу хабар Расулуллоҳни (с.а.в.) севинтириб юборди. Тез йўлга тушишни фойдали деб билдилар. Зубайр берган оқ либосларни кийиб, тез видолашиб, йўлга чиқдилар.

* * *

«Ўлигини ё тиригини келтирганга юз туя...» дея катта мукофотнинг қўйилиши ҳижрат ҳодисасининг ҳар мажлису йиғинларда гапирилишига сабаб бўлган, ҳар ерда ҳар ким бу йўлчилардан баҳс этар, сўз қабиладан қабилага ўтиб, то Ясрибга қадар етиб келган эди.

Ҳисоб-китоб қилинди, неча кунда Ясрибга кириб келишлари тахмин этилди. Тонгнинг илк соатларидан эътиборан йўллар кўзланадиган бўлди. Каттакичик жуда кўп одам соатларча йўлга боқди. Туш иссиғи қизигунча нигоҳлар уфқларда кезди. Кўзлар толиқди, аммо кутилаётганлардан дарак бўлмади.

Тушки истироҳатга чекилишди. Чунки бу иссиқда на йўл юриб, на уларни пойлаб бўлар эди. Эҳтимол аср саринлиги чўкса, келиб қолар, дейишди.

Оқшомга қадар жуда кўп инсонларнинг кўзи йўллар кезди, қотди.

Бу орада Султони Зишон (с.а.в.) жанобимиз «Омийм» деган жойга етиб келдилар. Шу ерда етмишга якин одамлари билан бирликда Бурайда ибн Ҳусайн Набиййи акрам (с.а.в.) жанобимизни учратди. Бир муддат суҳбатлашдилар. Ҳазрати пайғамбаримиз унга Ислом динини англатдилар ва мусулмон бўлишга таклиф қилдилар.

Бурайда ҳамроҳлари билан бирга мусулмон бўлди.

Маккада йилларча давом этган мужодалада қўлга киритилмаган буюк бир натижага бу ерда тезгина эришилган эди.

Ҳайвонларининг оз сут бераётганидан шикоят қилган эди, Расулуллоҳдан баракат дуосини олди. Оламлар Сарваридан Марям сурасининг баъзи оятларини ўрганди. Бошидаги матони найзанинг учига боғлаб, «Шаҳарга байроқсиз киришингиз уйғун бўлмайди», дея Жанобимизни кузатиб қолди.

ЯСРИБДА МУЖДА САСЛАРИ

Ясрибликларнинг ҳисоб-китоби аслида тўғри бўлган эди. Маккадан чиққан одам жиддий бир йўл босса, Ясрибга фалон муддатда етиб келади, деган тахминида хато қилмаган эди. Фақат, улар эътиборга олмаган жиҳат — Жаноби пайғамбаримизнинг (с.а.в.) уч кун Савр тоғидаги ғорда туриб колишлари эди. Бундан, албатта, ясрибликларнинг хабари йўқ эди.

Иккинчи кун оқшомга қадар чўзилган кутишлар ҳам юзларга бир табассум келтирмади.

Учинчи кун эрта соатлардан бошлаб уйларнинг томларига чикдилар. Хурмо дарахтларига тармашдилар. «Оллоҳим, расулингни бизга соғсаломат қовуштир. Сен ҳар нарсага қодирсан...» дуолари Улуғ Мавлонинг даргоҳига юксалаверди.

Тушки иссиқ бошлангунга қадар илк мужда сасини баралла эълон этиш умидида сабрсизларча йўл қарадилар, қарадилар...

Дақиқалар, соатлар бир-бирини қуваларди. Яна кутилаётганлар кўринмади, яна эркин нафаслар олинмади. Кўзлар яна ҳорғин, кўнгиллар яна маҳзун ва андишали қолди.

Имомул анбиё валмурсалин жанобимиз эса, Зубайр ибн Аввомдан олган хабардан сўнг юришларини тезлаштирган, мўминларни бир он илгари фарахлантириш, йўлини кутаётганларга бир он илгари қовушиш учун истироҳат муддатларини ҳам озайтирган эдилар.

Кун тиккага келиб, иссиқ забтига олганда одамлар қайлула уйқусини уриш учун томлардан тушди. Бу орада бир юмуш ила уйининг томига чиққан бир яҳудий олисда келаётган оппоқ либосли йўлчиларни кўриб қолди.

— Мужда, эй Ясриб халқи, кутган одамларингиз келаётир!.. — деб қичқирди. Овозининг борича қичқираверди.

Бирдан ҳамма қалқди. Эркагу хотин, болаю бақра яна томларга, дарахтларга чикди. Оқ либосга бурканган уч йўлчи тобора яқинлашишар эди.

Шаҳарга жон кирди.

— Оллоҳнинг расули келаётир!..

— Буюк Пайғамбар келяпти!.. — дея болалар ҳам қичқирақичкира, нашъа ичида ирғишлайирғишлай, катталарнинг севинчига шерик бўлишар эди.

Яҳудийлар Расулуллоҳга (с.а.в.) бирор зарар етказмасин тағин, деган андиша йилдирим тезлигида зеҳнларни қоплади. Зудлик билан қиличларини тутиб, жаноби пайғамбаримизни қаршилаш учун шошилдилар.

Бу сирада Сарвари Олам (с.а.в.) ҳам иссиқнинг ва чарчоқнинг таъсирила бир хурмо дарахтининг соясида тин олишга тўхтаган эдилар.

Беш юзга яқин одам «Оллоҳу акбар!.. Отлоҳу акбар!..» дея Расулуллоҳга пешвоз чикди.

Бир муддат сояда ҳордиқ чиқарган пайғамбаримиз Қубо қишлоғига келдилар ва Кулсум ибн Ҳидмнинг уйига меҳмон бўлдилар. Ҳазрати Абу Бакр Ҳудайб ибн Исоф хонадонига қўноқ бўлди.

Ўша кеча Қубо халқи қишлоқларига тонгга қадар нур ёғилиб турганини кўргандай бўлди. Ҳеч бўлмаганда, Кулсум ибн Ҳидмнинг уйи ҳақиқий бир жаннат боғчасига айланган эди.

Маккада қолган инсонларнинг душманлик гуйғулари каби, энди қовушганлари ясрибликларнинг севгилари ҳам ўлчовга сиғадиган даражада эмасди.

* * *

Энг оғир шароитлар остида юритилган диний таблиғ вазифаси энг сўнг чора қолмагунча ҳам тўхтатилмаган, жиддий шаклда ҳаётларига суиқасд тайёрлангани маълум бўлганидан сўнггина, бу вазифани ташқаридан туриб давом эттириш ниятида ҳижрат қилинган эди.

Ясриб мўминларининг, сизни ҳар қандай шароитда ҳам ўзимизни ва оила аъзоларимизни қўриқлагандай қўриқлаймиз, дея сўз берганларига қарамай, Расули акрам (с.а.в.) аввал барча мусулмонларни кузатиб бўлгачгина хижрат қилишлари ботаётган кемани энг охирда тарк этадиган Улуғ Дарға эканларидан эди. «Мен кетяпман, сизлар орқамдан борарсизлар», тарзида иш тутиш у Зоти Шарифнинг (с.а.в.) хаёлларига ҳам келмасди!..

Бу ҳижрат асносида истасалар эди, Жаброили амин у кишига йўлбошчи бўлиши мумкин эди. Малаклар ҳеч заҳмат етказмай хоҳлаган ерларига элтиб қўйишарди. Шундай бир истак бўлганида, Улуғ Мавло Ҳабиби адибининг дуосини қайтармас, орзуини бажо келтирар эди.

Аммо бу зот ҳар турли машаққатларни бўйинга олиб, шундай таҳликали йўлчиликни танлаган, мушрик бўлишига қарамай, Абдуллоҳ ибн Урайқитни ўзларига йўлбошловчи килиб олган эдилар. Бу тутимларининг сабаби —ҳар турли ғовларни матонат ила енгиб ўтишни ва қийинчиликларга чидашни мақсад қилиб олганларидан, ҳар ишни ўша ишнинг билағонига топшириш йўлини зеҳнларга жо этиш ғоясини кўзлашларидан эди.

Ишни билағонига қилдирилиши лозимлигини Ҳазрати Пайғамбаримиз бу ҳаракатлари билан англатмасалар, яна қандай англатишлари мумкин эди?!.

** *

Абдуллоҳ ибн Урайқит зиммасига юкланган вазифани тўлатўкис адо этди. Сўзида турган, дарҳақиқат, тақдирга лойиқ тарзда йўлбошловчилик қилган бу одамга ташаккур билдириб, ҳақини зиёда қилиш ҳам фойдадан холи эмасди.

Чунончи, уни мамнун этиб, кутганидан ҳам зиёда ҳақ тўладилар.

Суроқа ҳам Расулуллоҳга (с.а.в.) берган ваъдасида турди. Маккага қайтар экан, ҳамон ҳар томонда зўр бериб ҳижратчиларни қидириб юришганини кўрди.

— Йўл бўлсин? — деб сўрайди.

—Муҳаммад билан унинг ҳамроҳларини топишга, — деб жавоб қилишади.

—Қойилман сизга. У бу ердан ўтадию, юзта туяни била туриб мен ўзимни кўрмаганга

оламанми? Суроқа ҳали ақлдан озгани йўқ. Қайтинглар, бошқа ёқдан ахтаринглар, яна қўлдан чиқазиб ўтирманглар. Аммо шуни яхши билингларки, у бу томонларга келгудай бўлса, юзта туя меники бўлади!

Мушриклар қайтиб кетадилар. Улар бошқаларни қайтарадилар.

Суроқа чиндан ҳам бу йўлни беркитган, юзта туя илинжида кетмакет келаётган гурухларни қайтариш усулини топган эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Қубога етиб боргаилари ҳақидаги хабарни эшитгачгина, кўнгли хотиржам бўлди.

* * *

Суҳайб кўпдан бери Расулуллоҳ (с.а.в.) билан биргаликда ҳижрат қилиш орзуида эди. Бироқ Буюк Оллоҳ суюкли пайғамбаршшнг фақат Ҳазрати Абу Бакр билан ҳижрат қилиншни маъкул кўрди. Шу боис унинг бу орзуи ушалмай қолди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳатто оила аъзоларини ҳам ўзлари билан бирга олиб кетмаган эдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) кетганларини эшитган заҳоти у ҳам сафарга тайёргарлик кўра бошлади. Энди уни Маккага боғлаб турадиган ҳеч нарса қолмаган эди. Ўқёйини, керакли миқдорда озиқовқатини олиб, вақтни ўтказмай йўлга тушди.

Бироқ орқасидан эшитилган дағдағали овоз уни бир оз чўчитди:

— Йўл бўлсин, эй Суҳайб?!

—Сизлардан қутулмоқчиман... Парвардигоримга эркин тоатибодат қилиш мумкин бўлган бир жойга кетаётирман.

—Бу ҳунаринг ўтмайди, сени қўйиб юбормаймиз. Бу ерга қўлинг бўш келиб, сўнгра бойигинда, туз еган тузлуғишта туиуриб кет эканда.

—Мен бу ердан бутунлай кетмоқчиман.

—Биз эса сени ҳеч қаёққа жўнатмаймиз.

— Сизлар менга яқинлашгунингизгача бир нечтангизни ер тишлатиб улгураман. Ўқ отишда мерган эканимни яхши биласизлар. Билмаганлар синаб кўрсин. Шундан кейин қиличимни оламанда, бир томчи қоним қолгунча курашаман. Истасангиз, марҳамат, келинг. Аммо инсоф қилсангиз, бошқа таклифим хам бор.

— Қанақа таклиф экан у?

— Шу кунгача йиққан мол-мулкимни бераман. Эвазига мени ўз ҳолимга қўясиз.

— Сўзларинг жиддийми, эй Суҳайб?

— Менку жиддий айтяпман, лекин сизлар ҳам жиддият билан сўз беришингиз лозим.

—Гапимиз гап. Таклифишта розимиз. Орқага қайтиб, Суҳайбнинг уйига келишди.

—Шу ерни қазинглар.

Дарҳол қазий бошлашди. Кўп ўтмай юзларда мамнунлик ифодаси пайдо бўлди.

—Мана, уйимдаги бор давлатим шу. Бундан ташқари, менинг номимдан фалон хотиннинг олдига борсангиз, икки халта омонатим бор, сизларга беради. Бошқа гапингиз йўқми?

—Биргина гапимиз қолди: истаган жойингга омонэсон етиб ол, эй Суҳайб. Худо ҳаққи, сен сўзингнинг устидан чиқдинг, биз ҳам ваъдамизга хиёнат қилмоқчи эмасмиз.

Суҳайб Маккани тарк этди. Дарҳақиқат, ҳеч ким уни безовта қилмади.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) кетганларидан бир неча кун ўтгач, одамлар Али ибн Абу Толибни «Абтох» деб аталувчи жойда, тепаликда кўрдилар.

— Ким амакиваччамга омонат қўйган бўлса, келиб мендан олсин, — дерди у.

Эгалари келиб омонатларини олдилар. Расулуллоҳнинг топшириқларини бажариб бўлгач, Али ҳам «Қайдасан, Ясриб» дея дарҳол йўлга тушди. Кечалари юриб, кундузлари яширинар эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дастлаб Кулсум ибн Хддмдан хурмо ёядиган жойни ҳадя этишини сўрадилар. Намозгоҳ қилмоқчи эдилар. Кулсум бу таклифдан боши осмонга етди. Нуроний юзли пайғамбаримиз ўша ерда намоз ўқий бошладилар. Мўминлар билан сўққабош Саъд ибн Ҳайсаманинг уйида учрашардилар.

Кубо қишлоғида масжид қуришга бел боғладилар.

— Менга Хоррадан тош олиб келинглар, — деб бу юрдилар. Мўминлар дарҳол ишга киришишди. Бир зумда тошлар уюлиб кетди. Шу аснода пайғамбарлар султони Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в.) масжиднинг қибла деворини шахсан ўзлари чиздилар, сўнгра қўлларига бир тошни олиб, ушбу деворнинг пойдеворига қўйдилар.

Ҳали ҳам шу қишлоқда меҳмон эдилар. Лекин илк иш ўлароқ бир ибодатхона қуришни лозим топдилар. Масжид пойдевори инсоният эришиши мумкин бўлган энг устивор имон ишқи туйғулари билан қўйилди. Бу масжиднинг қурилишини режалаштирган ва унинг тамал тошини қўйган инсон эса, пайғамбарлар имоми, улуғ Расулуллоҳ (с.а.в.) эдилар.

Пайғамбаримиз ёри ғор биродаларига ўгирилдилар:

— Сиз ҳам бир тош қўйинг, ё Абу Бакр.

Ҳазрати Абу Бакр бажонудил рози бўлдилар.

Тош келтириб, жаноби пайғамбаримиз (с.а.в.) қўйган тошларининг ёнига қўйдилар.

— Сиз ҳам бир тош қўйинг, ё Умар.

Ҳазрати Умар ҳам бир тошни олиб Ҳазрати Абу Бакр тошининг ёнига қўйди.

— Ё Усмон, бир тош қўйинг.

У ҳам қўйди.

Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Ҳамма тошини қўйсин, — деб буюрдилар.

Шу йўсинда масжиднинг деворлари Оллоҳ розилигидан бошқа ҳеч нарсани умид қилмаган камсуқум инсонлар томонидан қад кўтара бошлади.

Бир неча кун ичидаёқ Кубо масжиди қуриб битказилди. Улуғ ҳидоят йўлининг беқиёс йўлбошчиси энди намозларини шу ерда ўқий бошладилар.

— Хушхабар, ё Расулуллоҳ, Али келди! Пайғамбаримиз фидокор Алини кўзёшлари билан кутиб олдилар, қаттиқ қучоқлаб, бағриларига босдилар.

Алининг роса чарчагани шундоққина кўриниб турарди. Аммо у ҳам оғир машаққатлар энди орқада қолганини ҳис этган, Оллоҳнинг нафакат инсоният, балки бутун коинотга раҳмат қилиб жўнатган Расули Зишони билан дийдор кўришгач, чарчоғини ҳам унутган эди. Ҳолбуки, неча кунлар яёв юриб босиб ўтилган йўллар уни роса ҳолдан тойдирган, оёқлари қаваришиб, ёрилиб кетган эди.

Алининг ёрилиб кетган оёқларини кўриб Жаноби Пайғамбаримиз шафқат ва марҳамат дарёси бўлган қалбларидан отилиб чиққан кўзёшларини тўхтата олмадилар. Муборак қўллари билан Алининг оёқларини силадилар. Али бу қўлларнинг тафтидан енгил тортиб, бир зумда оғриқ ҳам босилди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) чиқиб кетганларидан кейин Маккада содир бўлган воқеаларни бирмабир сўзлаб берди. Омонатларни эгаларига топширганини билдирди. Сўнгра эндигина мусулмонликни қабул этган бир бева аёлнинг меҳмони бўлди.

Шу аснода Суҳайб ибн Синъон ҳам етиб келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) билан дийдор кўришди.

Пайғамбаримиз уни:

— Жуда тўғри иш тутдинг, баракали олдисотди қилдинг, эй Суҳайб! — дея тақдирладилар.

Суҳайб бу гапдан ҳам ҳайрон, ҳам хурсанд бўлиб кетди.

— Ё Расулуллоҳ. Маккадан чиққанимдан буён ҳеч ким мендан олдинга ўтиб кетмади. Хойнаҳой бу хабарни сизга Жаброили амин етказган бўлса керак, — деди...

Қисқа вақт ичида қуриб битказилган масжиднинг илк имоми Расулуллоҳнинг (с.а.в.)

шахсан ўзлари бўлдилар. Бу масжид дунё тургунча туражак, мўминларнинг қалбида алоҳида, муборак, муқаддас ўрин тутажак эди.

Неча йиллардан буён Ясриб шаҳрида бир яҳудийнинг қули сифатида хизмат қилиб келаётган Салмон бир куни дарахт устида хурмо териш билан банд эди. Хўжайини дарахтнинг тагида турарди. Шу аснода хўжайинининг бир қариндоши келди. Мезбон унга жой кўрсатди.

—Хафаҳол кўринасан, — деди.

—Тўғри топдинг.

—Нима бўлди?

— Маккада пайғамбарлик даъвоси билан чиққан одам Қубога келганмиш. Ҳозир Авс қабиласи ҳам, Ҳазраж қабиласи ҳам унинг атрофида парвона.

Салмон бу сўзларни эшитар экан, ҳаяжондан қулоқларигача қизариб кетди. Дарахтдан сакраб пастга тушди, келган одамнинг ёқасига ёпишди.

— Нима дединг, нима дединг? Худо ҳаққи, гапларингни яна бир қайтаргин!

Шу заҳоти Салмоннинг орқасига қамчи тушди.

— Сенинг нима ишинг бор? Тур, йўқол бу ердан!.. Салмон ўзини тутиб олди ва орқага чекинди. Оқшом тушгунга қадар ўтган соатлар йиллардай чўзилиб кетганга ўхшарди. Ниҳоят ишини тугатиб ижозат олгач, бир оз хурмо олиб Қубога йўл олди.

Расулуллоҳни (с.а.в.) топди, келтирган хурмоларини олдиларига қўйди.

— Анчамунча садақа беришим керак эди аслида. Оз бўлса ҳам, кўпдай кўринг, — деди.

— Мен садақа олмайман, — деб жавоб қилдилар Расулуллоҳ (с.а.в.) ва Салмон келтирган хурмоларни дўстларига тарқатиб бердилар.

Бир муддатдан кейин Салмон изн сўраб ташқарига чиқар экан, «бу биринчи», дея минғирлаб қўйди ўзича. Қоронғу кечада Ясрибга йўл олар экан, «яна иккитаси қолди», дер эди ўзига ўзи.

ЯСРИБГА ҲАРАКАТ. ИЛК ЖУМА НАМОЗИ

Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с.а.в.) Савр тоғидаги ғордан чиққанларида рабиул аввал ойининг душанба куни бўлган. Қубога ўн икки кун деганда, яъни, ўн бешинчи рабиул аввал куни етиб келганлар. У кун жума куни эди. Қубода ўн тўрт кун дам олгач, айни йигирматўққизинчи рабиул аввалга тўғри келган жума куни яна отланиб, Ясриб сари йўлга чиққанлар.

Орада тўрт чақиримча масофа бор эди. Атрофларида Маккадан кўчиб келган муҳожирлар ва Ясрибда уларни қучоқ очиб кутиб олган ансорлар. Пайғамбаримиз ҳижрат сафарига чиқиш олдидан сотиб олган Қасва исмли туяларига минган эдилар. Орқа ўркачига Ҳазрати Абу Бакрни мингаштириб олдилар.

Салим ибн Авф оиласи маскан тутган «Рауна» деб аталувчи жойга етиб келганларида вақт қоқ туш эди. Туяларини тўхтатиб, пастга тушдилар. Ҳамма пешин намозини ўқишга тайёргарлик кўра бошлади. Ҳолбуки, Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ислом динида ҳафтада бир марта адо этиладиган жума намозини ўқимоқчи эдилар.

Дастлаб суннат намози ўқилди. Пайғамбаримиз оёққа қалқдилар. Диққат билан тикилиб турган саҳобаларига қарата илк жума хитобини қилдилар:

— Эй инсонлар, сизларни нажотга элтадиган амалларни бажаришда ҳушёр бўлинг. Шу нарсани яхши билингки, барчаларингиз вақтисоати келиб фоний дунёдан кўз юмасиз, сурувингизни чўпонсиз қолдирасиз. Сўнгқиёмат куни Раббимиз сизларга пардасиз, таржимонсиз шундай дейди: «Менинг расулим сенга келиб динимни етказмадими? Мен сенга мол-дунё бериб эҳсон қилмадимми? Ўзинг учун нималар қилдинг?» Шунда бандаси бечора ёнатрофга аланглайди. Қарайдики, ҳеч ким йўқ. Олдига қараса, жаҳаннамдан ўзга ҳеч нарса

кўринмайди. Шундай экан, кучингиз етганича, бир хурмонинг ярмини биродарингизга бўлишиб бериш орқали бўлса ҳам, ўзингизни дўзах ўтидан қутқаришга ҳаракат қилинг. Чунки у ерда яхши амаллар эвазига унинг ўн мислидан етти юз мислигача ажр берилади. Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ...

Сўзларини тугатиб, Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в.) ўтирдилар. Қисқа муддат дам олгач, яна ўринларидан турдилар ва қуйидаги тарзда гапира бошладилар:

— Ҳамду сано Оллоҳгадир. Унга ҳамду санолар айтаман. Ундан ёрдам сўрайман. Нафс балосидан, гуноҳлардан қочиб Оллоҳга сиғинамиз. Оллоҳ бандасини ҳидоятга эриштирса, ҳеч ким уни йўлдан оздира олмайди. Жаҳолат ботқоғига чўктирганини эса, ҳеч ким қутқара олмайди. Мен гувоҳлик бераманки, Оллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳ, маъбуд йўқдир. Ёлғиздир, шериги йўқдир. Энг гўзал калом Оллоҳ таолонинг муқаддас китобидир. Оллоҳ кимнинг юрагини ушбу китоби билан зийнатлантирса, куфрдан қутқариб Ислом динига киргизса ва у Оллоҳнинг китобини бандаларининг сўзларидан устун қўйса, саломатга, саодатга эришибди демакдир. Чунки у сўзларнинг энг гўзали, энг таъсирчанидир... Оллоҳ севган нарсани севинг. Оллоҳ таолони чин юракдан, бутун борлиғингиз билан севинг. Оллоҳнинг каломидан, уни зикр этишдан зерикманг. Қалбингиз нафсингизга асир тушмасин. Чунки Қуръон Оллоҳнинг яратган нарсаларидан танлангани ва саралганини ифода этади. Оллоҳ таоло китобида амалларнинг энг хайрлиси, итоатнинг энг қадрлиси, сўзларнинг энг таъсирчанини баён этиб, инсонларга етган турлитуман ризқларнинг ҳаром ва ҳалоли унда белгилангандир. Шундай экан, Оллоҳга тоатибодатларингизни давом эттиринг, унга ҳеч нарсани шерик қилманг, уни жондилингиз билан севинг. Тилларингиз сўзлаган чиройли сўзларингизни амалда тасдиқлаб, Оллоҳга садоқат кўрсатинг. Юрагингизни Оллоҳнинг розилигига уйғун севги туйғуси билан тўлғазинг. Ҳеч шубҳа қилмангки, Оллоҳ таоло амрининг бузилишидан ғазабга келади. Салом бўлсин сизларга, эй дўстларим.

Сўнгра Расулуллоҳ (с.а.в.) имомлик қилдилар, икки ракат намоз ўқидилар. Кеча намозларидагидай, баланд овозда ўқидилар.

Шу зайл илк жума намози ўқилди. Ислом дини вужудга келганидан буён ўтган йиллар ичида илк бор улкан бир жамоат, ҳеч бир хавфхатарсиз, ташвишсиз намоз ўқиди.

Намоз ўкиб бўлингач, Улуғ Йўловчи яна туяга миндилар. Ёри ғорларини яна орқага мингаштирдилар. Иккала томонлари мўминлар билан қуршалган ҳолда Ясриб сари йўл олдилар.

Пайғамбаримиз Қасванинг жиловини қўйиб юборган эдилар.

Йўллар, уйларнинг томлари одамларга тўлиб кетган. Эркагу аёл, каттаю кичик, болабақра — ҳамма хурсанд.

Болалар:

— Расулуллоҳ келдилар!.. Оллоҳнинг пайғамбари келяптилар!.. — деб тинмай бақириб-чақирар эдилар.

Ёш қизлар: «Толаъ албадру ъалайна мин санийатил вадоъ...» деб бошланадиган байтларини қўшиқ қилиб куйладилар:

Вадоъ тепаликлари узра (ўн тўрт кунлик) ой кўринди.
Оллоҳга даъват этувчи пайдо бўлгач,
бизга ҳам шукр қилиш вазифаси тушди.
Эй Оллоҳнинг расули, сен бизнинг орамизга юксак
бир дин билан келдинг,
Келдингу бизларга шараф бердинг...

— Эй Оллоҳнинг расули, уйимизга марҳамат қилинг!.. Сизга хизмат қилишни шараф деб билгувчи бир оиланинг меҳмони бўлмайсизми?..

Ўта самимийлик билан қилинган бу таклифга Расулуллоҳ (с.а.в.) қандай жавоб бера олардилар?..

Ҳар бирининг кўнгли самимият ва севгига тўлиқ инсонларни қандай рад этадилар? Қандай қилиб уларга: «Йўқ, сизларникига киришни истамайман», дея олардилар? Бинобарин уларнинг кўнгилларини ранжитмаслик учун туяларининг жиловини қўйиб юбордилар. Қаерга қўниш масаласини хал қилишни илоҳий даргоҳ ихтиёрига топширдилар.

Йўл ўртасида туриб, туянинг жиловига осилиб:

— Ё Расулуллоҳ, мана бизнинг уйимиз, ичкарига марҳамат қилинг, бизни бу шарафдан маҳрум этманг!.. — дея ёшли кўзлар билан ёлворган инсонларнинг дилларини оғритиб бўлармиди?

Ҳар гал уларга: «Туяни ўз ҳолига қўйинглар. У ўзига буюрилганини бажаради...» деб жавоб берардилар.

Туя жимгина йўлида давом этар, чапга, ўнгга қарайқарай илгарилар эди.

Ниҳоят Нажжор ўғилларининг уйларига яқинлашишди. Туя кейинчалик Набиййи акрам масжид қурдирган, бугун қад ростлаб турган очиқ жойга етганида чўкди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) туядан тушмадилар. Туя турди, бир оз олдинга юриб яна орқага қайтди ва ҳалиги жойга чўкди. Бўйнини чўзиб, бўкира бошлади. Шундагина:

— Иншаоллоҳ, манзилимиз шу жойдир, — дея туядан тушдилар пайғамбаримиз (с.а.в.).

Атрофларида амрларини кутиб турган одамларга ўгирилдилар:

— Бу ерга энг яқин уй кимники? — деб сўрадилар.

Абу Аййуб Холид ибн Зайд отилиб чиқди:

— Менинг уйим, ё Расулуллоҳ, мана, шундоққина олдимизда.

Шундан кейин хотини билан биргаликда туянинг устидаги юкни, эгаржабдуқни туширдилар ва азиз меҳмонларни уйларига бошлаб кирдилар.

Султони анбиё пайғамбаримиз Бани Нажжор қизларининг «Биз Бани Нажжор қизларимиз. Муҳаммад бизга қўшни бўлганидан бахтиёрмиз», дея ўқиган шеърларини тинглаб, Абу Аййубнинг уйига кирдилар.

Абу Аййуб Оллоҳнинг расулини меҳмон қилиш шарафига муяссар бўлганидан ғоят хурсанд эди. У ҳам бошқа мусулмонлар каби ушбу шараф тожи унинг бошига кийгизилишини орзу этган эди. Қубо қишлоғидан шу ергача жилови қўйиб юборилган ҳолда оғироғир қадам босиб келган туя ҳар бир уй олдидан ўтар экан, ҳаяжони кучайган, ниҳоят унинг уйи олдидан ўтаётганида:

— Оллоҳим, энди тўхтат бу туяни!.. — дейишдан ўзини тия олмаган эди.

Аммо бу воқеликдан нафақат Абу Аййуб ва Умму Аййуб, балки бутун Нажжор ўғиллари, бутун мадиналик мусулмонлар хурсанд бўлдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳар уйга бирданига меҳмон бўлолмасдилар, албатта. Шу боис бу масалани ҳал этишни Буюк Оллоҳга ҳавола қилган эдилар. Ҳар нарсага қодир бўлган Оллоҳга ишонишдан ўзга бахт бормиди мўминлар учун!

Кўчаларда хамон «Расулуллоҳ келдилар!.. Оллоҳнинг улуғ пайғамбари шаҳримизга файз киритди!..» деган овозлар эшитилиб турарди.

ҲИЖРАТ ЮРТИДА ЗАФАРЛАР

Атрофни ўраб олган хушбўй ваҳий қучоги,
Малаклар ила бирга Жаброил келган чоги,
Таъсис бўлди у ерда буюк ирфон ўчоги,
Бир ёнда шонли Бадр, бир ёнда Уҳуд тоги,
Қароргоҳи Набийдир Мадинанинг тупроги.
Кўнгил у ерда топур шифони ҳар дардига,
У ердан йўл топилур Раббимнинг жаннатига.

Минг салом, минг таҳийя у шаҳарнинг аҳлига.
Хоҳланг «Ясриб» дейсизми, хоҳланг, гўзал «Мадина»,
Танлагандир юртп дея Ҳабиби адибига.
Нур гулидир саҳроси, нурдир яшил қуббаси,
Малакларга ўрнакдир ҳам Хазраж, ҳамда Авси.
Абу Бакри, Умари, Зайнаби ва Ойишаси...
Бир ўлкаки, масжиди — гўзал жаннатп богчаси.
Ўша ердан юксалди жаҳонга азон саси.

* * *

Мадинанинг Бани Нажжор маҳалласидаги болохонали муборак уй...

Унинг бошқа уйлардан фарқли бир аҳамият қозониши мумкинлиги шу кунгача ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган эди. Ҳатто хонадон соҳиби Абу Аййуб Холид ибн Зайднинг ўзи ҳам неча соатлар аввал бу уйда фаришталар Набийлар Султони пайғамбаримизни (с.а.в.) кутиб олиш шодиёнасига тайёргарлик кўрганларини хаёлига келтирмаган. Бу хонадонда Оллоҳнинг энг охирги ва энг буюк пайғамбари меҳмон бўлади. Унинг бу ерда тўхташини, бу ерда қўним топишини, бир қараганда, уй соҳиби Абу Аййуб истади, аммо хақиқатда буюк Оллоҳ тақдир этган эди...

* Эскидан «Ясриб» деб аталиб келган бу шахар Ҳазрати Расулуллоқга (с.а.в.) иккинчи ватан бўларкан, ўша кунлардан бери «Пайғамбар шахри» маъносида «Мадинатун Набавиййа» кискача «Мадина» деб атала бошланди. (Мухаррир изоҳи.)

Бошини кўтарган ҳолда бир ўнгга, бир чапга буриб илгарилаётган туя бу хонадоннинг остонасига ўз хоҳиши билан чўкмаган эди. Зеро, Набийлар сарвари бу туя хусусида: «Унга тегманглар, у маълум бир вазифага маъмурдир», деб таърифлаганлар. Бинобарин, белгиланган жойдан бир қадам ҳам у екбу ёққа ўтиб кетиши имконсиз эди. Бутун дунё бирлашса ҳам, уни шу чўккан жойидан бошқа бир ерга чўктиролмасди.

Бошига бахт қуши қўнганини кўриб, кўзлари севинч ёшларига тўлган Абу Аййуб тушда ҳам кўрилмайдиган бир толенинг ўзига насиб этганини ниҳоят ҳис эта бошлади. Пайғамбаримизга:

—Эй Расулуллоҳ, сиз лутфан юқорига чиқинг, мен аёлим билан пастда турақоламиз, — деди.

—Эй Абу Аййуб, бизга ва бизни кўргани келганларга қулайроқ ер пастки қаватдир...

Эътирозга ўрин қолмади. Эру хотин шу кеча Расулуллоҳ (с.а.в.) жойлашган хонанинг устида қандай ётиб ухлашларини тасаввур этдилар. Хонанинг бир бурчагига қисилиб ётишдан бошқа чора йўқ эди. Аммо иш шу билан битмади. Обдаста ағдарилди. Дарҳол ёпинчиқ кўрпаларини сув устига ташладилар. Пастга чакка ўтиш хавфи такапукаларини чиқараёзган эди. Ҳеч кимга насиб бўлмаган саодат бу кеча уларга насиб этган, энди қўлдан келганча хурмат ва икром кўрсатиш лозим бўлган бир пайтда, тепаларидан чакка ўтказиб юборилса... Ахир, Набийлар сарвари ўша заҳоти уйқуга толган бўлсаларда, йўл чарчоғи ҳали кетмаган эди.

Уйда ёпинадиган бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Абу Аййуб билан хотини шу кеча неча бор уйғонди. Ҳар уйғонганида «Расулуллоҳ (с.а.в.) пастимизда ётибдилар, биз бўлсак, у кишининг устларида бемалол дам олиб ётибмиз», деган хижолатли туйғу ҳеч тинчлик бермасди.

Тонг отгач, Расулуллоҳга (с.а.в.) яна юқорига чиқишни таклиф этишди. Расули акрам (с.а.в.) яна айни жавобни бердилар. Бу кез Абу Аййуб одоб, имон ва виждон азобидан сизиб чиққан бир ифода билан:

— Сиз пастда қоларкансиз, биз юқорига чиқа олмаймиз, эй Расулуллоҳ — деди. Бу самимий ифодалар ўринлар алмашиши учун гўзал бир восита бўлди.

Нонушта қилинди. Қуёш бир микдор кўтарилди. Бани Нажжор оилаларидан ёшёш қизлар

даф (чилдирма) чалиб, бир овоздан:

«Нажжор қизларимиз биз, не бахт, не саодат! Қўшни бўлдилар бизга пайшмбар Муҳаммад (с.а.в.)», байтини ўқий бошлашди. Набиййи акрам (с.а.в.) ташқарига чиқдилар, кулимсираган ҳолда:

—Сизлар мени яхши кўрасизларми? — дея сўрадилар.

—Ҳа, эй Оллоҳнинг расули, яхши кўрамиз, — деган жавоблар янгради.

—Оллоҳга қасам, мен ҳам сизларни яхши кўраман. Валлоҳи, сизларни севаман. Оллоҳ шоҳид, кўнглим сизлар биландир, — дедилар Сарвари Олам (с.а.в.) тўлқинланиб.

** *

Расулуллоҳ (с.а.в.) зиёратга келганлар билан кўришдилар. Мадинани айлангани кўчага чиқдилар. Ўрин бўлди дегунча дўстларига Ислом динининг аҳкомидан оғиз очардилар.

Бу орада яҳудий олимларининг катталаридан Абдуллоҳ ибн Салом ҳам Расулуллоҳнинг суҳбатларини эшитиб қолди.

— Эй инсонлар, ораларингизда саломни ва саломлашишни йўлга қўйинг. Меҳмонларингизга икром кўрсатинг. Қариндош-уруғингизга ҳурмат билан муомала қилинг. Ҳамма уйқуга кетса, сиз Оллоҳга ибодат қилинг, саломатлик ила жаннатга киргайсиз! — дер эдилар у зот.

Сўзи гўзал, дилбар, нутқи виқорли бир шахсият эдилар. Абдуллоҳ у ердан кетар экан, ичида типирчилаган бир туйғу тилга кирди: «Бу чеҳранинг эгаси ёлғончи бўлолмайди».

** *

Ўша кеча Хуйайй ва Абу Ясир исмли икки яҳудий акаука, уйларига сўлғин бир ҳолда қайтишди. Бошлари эгик, қўллари толғин, ияклари осилиб кетган. Гўё даҳшатли бир нарса рўй бергандек ё бирор нохуш хабар олгандек ёки ҳақоратлангандек.

Хуйаййнинг қизи Сафиййа ҳар оқшом отасини йўлдаёқ қаршилар, қучоғига отилар эди. Бу оқшом ҳам узоқдан кўрибоқ чопқиллаб келди, аммо отаси гўё ҳеч нарса кўрмагандай ёнидан ўтиб кетди.

Ичкари киришди. Сассизсадосиз ўтиришди. Вақт хийла ўтди, лекин кўзларидаги сўлғинлик ўзгармади. Ниҳоят, Абу Ясир тилга кирди. Бошини кўтармасдан, ердан кўзини узмай, сўз бошлади:

—Сенингча, ўша одам ҳақиқатан шумикан? Хуйайй ғамгин, кин аралаш оҳангда жавоб қилди:

—Асло шубҳам йўқ, мутлақо ўша...

—Яъни, уни танидинга, аминмисан шунга?

—Ҳа.

—Хўш, энди нима қилиш керак деб ўйлайсан? Бирор фикринг борми?..

—Душманлик ва кин, — деди Хуйайй. — То ўлгунимча, ўлигим билан мозорга киргунимча кин ва душманлик қиламан...

Шу ерда гапи узилди.

Сафиййа ҳам бу гапларни эшитди, лекин ҳеч нарса англамади. Ўлгунича душманлик қилинадиган одам ким эди? Унинг гуноҳи не? Отасига, амакисига ёки оила аъзоларига нима ёмонлик қилган у?

«Ким бу одам, отажон? Бизга нима ёмонлик қилди?» — Сафиййанинг кўзларида шу саволлар ёзилган эди. Бу кўзлар бир оз сўнгра амакисига ҳам тикилди, аммо жавоб топмади. Отасидан, амакисидан садо чиқмади. Қани қовоқлари очилса. Аксинча, тишлари ғичирлар, ҳамон ҳузурсиз бир ҳолатда эдилар. Сафиййа бу вазиятда бирон жавоб олиш имкони йўқлигини англади.

* * *

Орадан кунлар ўтди. Сафиййа уйларига келган бир неча яҳудий билан отасининг суҳбатларини эшитиб қолди. Тушунишича, шаҳарларига бир пайғамбар келган. Маккада уни сиғдирмаганлари учун Авс ва Ҳазраж қабилалари уни бу ёққа таклиф қилишибди. Ҳозир Бани Нажжор маҳалласига ўрнашган эмиш.

Меҳмонлардан бири:

— Кўпдан бери кутаётганимиз пайғамбар шу эмас ми? — деди.

Хуйайй юраги сиқилган ҳолда:

— Ҳа, ўша, — деди.

— Нимага унда жим турибмиз? Нега дарҳол имон келтирмаяпмиз? Қачондан бери арабларни у билан қўрқитаётган эдикку!..

Хуйайй унга «анқовлик килма» дегандай маънода:

— Бу одам Ҳорун пайғамбарнинг наслидан эмас, яъни, сен ўйлаётган яҳудийлардан эмас. Биз эса, ўз наслимиздан, динимиздан бўлмаган пайғамбарнинг кетидан эргашмаймиз! — деди.

Шивиршивир шу тариқа давом этди.

Асъад ибн Зурора келганини хабар қилишган эди, Набиййи акрам (с.а.в.) уни эшикда кутиб олдилар:

— Марҳамат, эй Асъад, ичкари кир!

Асъад бир садр келтирган экан, шунга ишора қилиб:

— Буни сиз учун ясаттирдим, эй Оллоҳнинг расули, устида ётиб, истироҳат этарсиз, девдим, — деди.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) чеҳраларига қувонч аломатлари инди. Ҳадя Расулуллоҳни севинтирганини кўриб, Асъаднинг кўзлари ёшланди. Саййидул анбиё ҳазратларининг бундай арзимас хизматга шу қадар мамнун бўлишларини кутмаган эди.

Аммо пайғамбаримизни хурсанд қилган нарса моддий қиймати жиҳатидан арзимас бўлмиш садр эмас, балки уни ясаттириб, ҳадя қилган инсоннинг самимияти ва нозик туйғуси эди.

Садр саж дарахтидан ясалган, хурмо новдалари ила тўқилган, устига бир бўйра солинган.

Самимий ва холис ниятда қилинган бу ҳадядан пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақиқатан жуда ҳам хурсанд бўлган эдилар. Шу кундан эътиборан то умрларининг охиригача Асъаддан азиз эсдалик сифатида шу садрда ухладилар.

* * *

Абу Айюб билан хонами хонадоннинг муборак меҳмонига таом тайёрлаб, дастурхон тузишар, ортган қисминигина баракот тилаб ўзлари ейишар эди. Бошқа мўминлар ҳам қараб туришмади. Улар ҳам покиза ният ила овқатлар тайёрлаб, Абу Айюбнинг уйига келтиришар, Оллоҳ розилигига эришиш умидида Сарвари анбиёга тортиқ қилишар эди.

Илк сафар ўн ё ўн бир ёшлардаги бир бола таом келтирди.

— Эй Оллоҳнинг расули, бу овқатни онам бериб юбордилар, — дея маъсум кўзларини пайғамбаримизга тикиб, остонада туриб қолди.

—Отинг нима? — деб сўрадилар Расулуллоҳ.

—Зайд ибн Собит...

Эртанги куннинг буюги Зайд... Оллоҳнинг китобини илк бор расман қоғозга тушириб, Ислом умматига абадий хотира қолдирадиган Зайд... Расулуллоҳнинг саҳобалари орасида Ҳазрати Абу Бакр ва Умарлардан (р.а.) илк бора Қуръони Каримни бир жойга тўплаш, ёзиш вазифасини олишга лойиқ кўрилган Зайд... Сўнгги нафасигача бу саодат тожига доғ туширмай яшайдиган ва эртага Роббул Оламийн ҳузурига «хатла битилган илк Қуръон» билан борадиган шарафли инсон...

Келтирган овқати сутга нон тўғраб ва сариёғ солиб тайёрланган таом эди, Зайд у ердан

қалби меҳрга тўлиб қайтди. Кетидан Расулуллоҳнинг раҳмат ва баракот тилаб қилган дуолари Олий Девонга етказилди.

— Яхши бор, Зайд. Асрлар давомида сенга кўнгил тўла ҳурматлар ва саломлар етиб турсин!..

Пайғамбарлар имоми (с.а.в.) «Бисмиллоҳ» деб энди таомга қўл чўзган ҳам эдиларки, Саъд ибн Убода тирит билан қайнатма гўшт олиб келиб қолди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Айюбнинг уйида эканлар, ҳамма қўлдан келганича иззатикром қилгиси келар, пайғамбарга хизматларини таклиф этишар, Оллоҳдан раҳмат ва баракотлар тилашар эди.

Бир куни Абу Айюб идишни олгани кириб, хоними тайёрлаб берган саримсоқли таомга Расулуллоҳ қўл теккизмаганларини кўрди. Расулуллоҳ (с.а.в.) изоҳ бердилар:

— Ичида саримсоқ бор экан.

Абу Айюб пайғамбаримизнинг нима демоқчи эканларини тўла тушунмади.

—Саримсок ҳаромми, эй Расулуллоҳ! — дея сўради хавотирланиб.

—Йўқ, аммо меи емайман. Чунки мен сен кўрмайдиган ва гаплашмайдиган Жаброили амин билан рўпарамарўпара сўзлашаман, — дедилар.

Шундан кейин Расулуллоҳнинг дастурхонларига пиёзли ва саримсоқли овқатлар қўйилмади.

* * *

Ҳижрат сафари чоғи ўркачида Расулуллоҳни келтирган туя мутлақо бир фариштанинг, буюк бир эҳтимол ила, Жаброили аминнинг идораси остида эди. Келиб чўккан жойи эса, Коинот Эгаси тарафидан «Масжиди Набавий» сифатида тайин этилди. Буюк Мавло пайғамбарлар имомининг (с.а.в.) шу ерда ибодат қилишини, муборак вужудининг шу ерда қолишини хоҳлаган эди.

Пайғамбар (с.а.в.) бир куни Мадина катталарига туя чўккан майдонни кўрсатиб, масжид қуриш учун сотиб олмоқчи эканларини айтдилар.

Муоз ибн Афро:

— Бу ер менинг ҳимоямдаги Саҳл ва Сухайл исмли икки етим болага қарашлидир. Мен уларниг кўнглини оламан, бу ерни эса Оллоҳ ризоси учун бераман, — деди.

Бу таклиф қабул этилмади. Мадиналикларнинг, ҳатто майдон эгалари бўлмиш етим болаларнинг самимий таклифлари ҳам рад этилди. Ҳазрати Абу Бакрдан (р.а.) қарз олиб, ернинг ҳақини бердилар.

Шундай қилиб, Расули акрам (с.а.в.) бир масжид қуриш учун озгина ерни ҳам пулларига сотиб олдилар.

Муоз билан дўстларининг таклифлари моддий жиҳатдан рад этилди. Лекин иш бу билангина битмас эди. Бундан бу ёғи энди кдлбларнинг асроридан воқиф бўлган Буюк Мавлонинг йўриғи ила бошқариладиган, маънавият оламидаги муомала унга кўра юритиладиган бўлди. Оллоҳ таоло бу таклиф эгаларининг мақсадғояларини биларди. «Майдонни биздан ҳадя сифатида қабул этинг», деяётганлар бу сўзларини тил учида айтяптиларми ёки чин кўнгилдан айтяптиларми — таклифларга Олий Девонда шу томондан қараладигаи, шу жиҳатдан баҳо бериладиган бўлди.

Масжид қуриладиган майдонда бир неча туп хурмо бор эди, кесилди. Илгари у ерга кўмилган бирикки мушрикнинг қабри очилиб, суяклари бошқа жойга кўчирилди. Ер текисланди. Бир ёндан ғиштлар қуйила бошланди.

* * *

Расулуллоҳ Мадинани шарафлантирган илк кунларда мусулмон бўлганлардан бири Умму Сулайм хоним эди, Эри Молик Исломни қабул этмади. Ўн ёшга қадам босган бир ўғиллари бўлиб, исми Анас эди. Умму Сулайм ёлғизгина Анасининг ҳам Исломга киришини истарди.

Хақиқий маънода одам бўлишини орзу қиларди. Шу сабабдан унга шаҳодат калимасини айттиришга, Муҳаммад Оллоҳнинг қули ва элчиси эканига ишонтиришга ҳаракат қиларди. Эри Молик бундан норози эди. Ўзи Умму Сулаймнинг мусулмонликни қабул қилганига қарши, энди ўғилчасини ҳам шу йўлга етаклаётгани сабр косасини тўлдирди.

— Ўғлимнинг эътиқодини бузма, — деди. Хотини бунга жавобан:

— Мен унинг эътиқодини бузмаяпман, — деди.

Эру хотин орасида чиққан муросасизлик охири бориб жанжалга а11ланди. Бақирчақиру сўкишлардан кейин Молик уйдан чиқиб кетди. Иттифоқо, йўлда бир душманига дуч келиб, урушиб кетишди ва Молик ҳалок бўлди.

Анас етим, Умму Сулайм бева қолди. Умму Сулайм Исломни қабул қилишига қаттиқ қаршилик кўрсатган эрининг ўлимига кўп маҳзун бўлмади. Фақат бундан буён динининг буйруқларини бемалол адо қиладиган ва бу масалада унга ҳеч ким тўсқинлик қилмайдиган бўлди.

Бу орада Расулуллоҳ (с.а.в.) тутинган ўғиллари Зайдни Абу Рофий деган бир мадиналик билан қўшиб, йўлга чиқардилар. Улар Маккага бориб, у ерда қолган бола-чақаларини олиб келишлари керак эди.

Абдуллоҳ ибн Салом Маккадан келган азиз меҳмонни бир мартагина кўрган, суҳбатини олган, қалбида кенглик ва роҳат ҳис этган эди. Бир муддат кутди, тараддудланди. Аммо кунлар ўтган сайин у зотга тобора яқинлик сезаверди.

Бугунги ишни эртага қўймаслик керак. Айниқса, бундай муҳим бир масалага лоқайдлик қилиш яхшилик келтирмайди. Отасининг ва бобосининг эшигини қоқиб, «Қани, юринглар энди...» деган ажал бир куни яна келиб қолса, «Эй воҳ!..» деган билан иш битмайди, қабохат фақат ўзига оид бўлади...

«Қатъий қарорга келиш учун бир бориб кўришинг керак, эй Ибн Салом!» деди ўзига ва ўйчан одимлар ила йўлга тушди.

Анчадан бери сўнгги пайғамбарнинг зуҳур этиши кутилмокда эди. У зот Мадинага кўчиб келмасларидан олдиноқ жуда кўп сифатларини Таврот орқали танирди. Шаҳарга келган кунлари уни оломон орасида кўрди, қалбида, бундай одам ёлғончи бўлмайди, деб қаноатланди. Иккинчи бор кўрганида ва сўзларини эшитганида, бу қаноати янада мустаҳкамланди.

Қабиладошлари бўлмиш яҳудийларнинг 6у ишга қарши чиқишларини биларди. Ўзларидан бўлмаган пайғамбарга икки дунёдаям ишонмасликлари аниқ. Бир неча йил аввал Тавротни ўқиган отаси Саломнинг: «Чиқадиган бу пайғамбар Ҳорун авлодидан бўлса, унга имон келтираман ва уни қўллабқувватлайман, акс ҳолда, инкор этаман», дегани ҳануз хотирида. Эҳтимол отаси бу сўзни ўғлига эртага тутиши лозим бўлган йўлни ўргатиш учун сўзлагандир.

Отаси аллақачон ҳаётдан кўз юмиб кетди. Тирик бўлганида ҳам имон келтирмаслигини ўша вақтда маълум қилган. Лекин бу келган киши ҳақиқатан пайғамбар бўлса, унга имон келтирмаслик қандоқ бўларкин? Йилларча Таврот ўқиди. Агар Тавротни ўқиш унга қайсарлик ва инкор келтирса, билатуриб Ҳаққа қарши чиқишни ўргатса, Таврот ўқимайдиган жоҳиллардан ҳам жоҳилроқ саналмайдими? Ҳеч бир аҳмоқ билатуриб ўзини оловга ташлаган одамдан ҳам аҳмоқроқ бўлолмайди, ахир.

Ишни тез ҳал этгани маъқул. Яҳудийларнинг тазйиқи бошланса, балки бундай муҳим масалани ҳал этолмай қолиши мумкин. Ҳисоб куни Жаноби Ҳаққа: «Яҳудий қавмдошларимнинг сўзидан чиқолмадим, шунинг учун имон келтиролмадим», дейдими? Ақлдан бўладими шу иши? Шояд бу келган киши пайғамбар бўлмаса, масала ўзўзидан ҳал бўларди...

Абдуллоҳ ибн Салом мана шундай ўйлар оғушида Абу Айюбнинг эшигига келиб қолди.

— Меҳмонингиз билан кўришмоқчиман, — деди.

Набиййн акмал (с.а.в.) ҳазратларига хабар берилди.

Абдуллоҳни ичкарига даъват этдилар. Ҳолаҳвол сўралгач, Абдуллоҳ асл мақсадга ўтди:

— Ё Муҳаммад, сен пайғамбарликни даъво қиляпсан! Изн берасанми?! Бир неча савол берсам?

— Хоҳлаганингнисўра, — дедиларРасулуллоҳ(с.а.в.).

—Қиёмат аломатларидан биринчиси нима?

—Инсонларни шаркдан ғарбга сурадиган оташдир.

—Жаннатга кирганларнинг илк емиши надир?

—Балиқ жигарининг осилиб турган қисми.

—Бола нима учун отага, онага тортади?

— Эркак суви аёлникидан ўтиб, устун келса, бола отага, аёлнинг суви эркакникидан ўтиб, устун келса, онага тортади.

Ҳар уч саволга олинган жавоб ибн Саломни тўла қониқтирди. Абдуллоҳ яна кўплаб савол бериши мумкин эди, чунки охирги пайғамбар сифатлари ҳақида анчагина маълумотга эга эди. Аммо, инсоф билан қараганда, шунинг ўзи ҳам кифоя эди. Бошқа нарса сўрамади.

— Мен гувоҳлик бераманки, ё Муҳаммад, сиз Оллоҳнинг расулисиз, — деди.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) юзларида мамнунлик нишоналари пайдо бўлди. Ҳануз йўл чарчоғидан фориғ бўлмаган эдилар, деса бўларди. Тавротни ўқийвериб сув қилиб ичиб юборган бир яхудий олими ўз истаги билан келиб имон келтириши бутун чарчокдарини тарқатиб юборди.

Абдуллоҳ уйига қайтиб, оила аъзоларини тўплади.

—Сизларга яширин ва муҳим хабарим бор, — деди. Қариндош-уруғлари сергакланишди.

—Нима экан у?

— Ҳаётимнинг энг муҳим ва энг саодатли қарорини бердим.

— Тинчликми?

— Оллоҳнинг охирги пайғамбари билан танишдим ва унинг динини қабул қилдим.

—Ростданми? — деб ажабланди аммаси.

—Албатта, ростдан.

— Қандай қилиб Мусонинг динини тарк этдинг? Оллоҳнинг ғазабидан қўрқмайсанми?

— Мен Мусо пайғамбарнинг динини тарк этганим йўқ, аксинча, унинг амрини ва умматига қилган васиятини бажо келтирдим. Бу келган пайғамбарни Мусо, энг сўнгги келадиган пайғамбар, деб муждалаган эди. Унга имон келтириш бизнинг вазифамиздир. Агар имон келтирмасак, Тавротнинг ҳукмини поймол этган бўламиз ҳамда Мусо пайғамбарнинг васиятига амал қилмаган бўламиз.

— Яхшилаб текширдингми? Тағин адашаётган бўлмагин?!

— Текширдим, аммажон, синаб ҳам кўрдим. Боз устига, уни кўраркўрмас, эски қадрдонимдай танидим. Мунозара ортиқ давом этмади.

Ўша куни кечки овқатга Абдуллоҳнинг уйига йиғилганларнинг ҳаммаси янги динга — Исломга кирдилар.

Абдуллоҳ у кеча бир туш кўрди. Таърифи битмас даражада кенг ва кўркам бир боғ, боғ ўртасида булутларни тешиб ўтгудай бир устун қад ростлаган. Ўзи ҳам бу устун тагида турган эмиш. Бир садо эшитди:

—Қани, шу устунга чиқ!

—Мен бунга чиқолмайман.

Бу орада ўртада бир ёрдамчи пайдо бўлди. Абдуллоҳнинг либосидан тутиб кўтарди. Абдуллоҳ унинг воситасида бемалол юқорига чиқа бошлади. Чиқди, чиқди. Ниҳоят, тепадаги тутқичга ёпишди. Ва маҳкам ўрнашиб олди... Айни садо яна:

— Бу тутқични маҳкам ушла, — деди.

Уйғонганида, қалбида ҳузурҳаловат ҳис этди. Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига шошилди. Кўрган

тушини ипиданигнасигача ҳикоя қилиб берди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унга кулимсираб, тушини таъвил этдилар:

— Боғ Ислом динидир. У устун Ислом устунидир. Ёпишганинг тутқич эса, то ўлгунингча Исломда қолишингга аломатдир, — деб мужда бердилар.

Кечаги муҳим қароринининг нақадар тўғри ва ўринли экани маънавий оламда ҳам тасдиқланган эди. Абдуллоҳнинг кўнгли ҳузур ва сукунатга тўлди. Илмининг фойдасини ибн Салом шундай кўрган эди.

Ўша кунлари нозил бўлган бир оятда: «Куфр келтирганлар: «Сен пайғамбар эмассан», дейдилар. Айтгинки: «Сизлар билан менинг ўртамиздаги даъвони ҳал этишга Оллоҳнинг шоҳидлиги ва Китоб илмидан хабардор (киши) кифоядир», **(Раъд сураси, 43-оят)** дейилди. Бу оятдаги «Китоб илмидан хабардор (киши)» деганда Абдуллоҳ ибн Салом ва у кабилар назарда тутилганига шубҳа йўқ.

* * *

Макка. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу шаҳарни тарк этганларидан бери у кишидан тузукроқ хабар ололмаган икки қизлари бир кеча эшикларининг оҳиста сасла тақиллаётганини эшитдилар. Шу қадар оҳиста, эшик қоқаётган одам гўё, қўшнилар эшитмасин, деяётгандай эди.

Опасингилни бирдан ҳаяжон қоплади. Тун ярмида ким ҳам келиши мумкин?! Бир-бирларига тикилдилар ва эшикка яқинлашдилар.

—Ким у? — дея сўроқладилар.

—Мен Зайдман.

Шивирлаб айтилган бу калималар опасингилдаги қўрқувни бир онда кетказди. Кўнгилларини севинч қоплади. Овоз эгасини дарҳол танидилар. Эшикни очдилар.

— Қалайсизлар, Умму Гулсум, Фотима?

— Яхшимиз, эй Зайд, ўзинг ҳам омонмисан? Отамдан нима хабар бор?

Зайд Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) саломларини етказди. Ўзларини Мадинага олиб кетмоқ учун келганини тушунтирди.

Ниҳоят яхши хабарлар келди, кўнгилларга сув сепилди.

Тайёргарлик узоқ чўзилмади. Умму Гулсум, Фотима, пайғамбаримизнинг хотинлари Савда, энага (Зайднинг хотини) Умму Айман, ўғли Усомалар ҳозирлик кўриб, тез орада йўлга чиқилди.

Бошқа тарафдан Абу Бакрнинг ўғли Абдуллоҳ онаси ва синглиси Ойишани олиб, улар ҳам Мадина сари йўл олишди.

* * *

Пайғамбаримиз (с.а.в.) Мадинада яшай бошлаганларига бир ой бўлганида Қубо қишлоғидан эски танишлари — бир неча мусулмонлар кириб келди. Юзларини ғам босган, кўзларида маҳзунлик. Одатда дўст дўстни кўрса севинади, аммо дўсти ғамташвишда бўлса, қандай севинади одам?

— Салом бўлсин сизга, эй Оллоҳнинг пайғамбари!

— Сизларга ҳам салом бўлсин, эй қуболик мўминлар.

— Аччиқ хабар билан келдик, ё Набийаллоҳ. Кулсум ибн Ҳидм вафот этди...

Ҳақиқатан ҳам аччиқ хабар эди. Бу хабардан Расулуллоҳ (с.а.в.) ғамгин бўлдилар. Қубода Кулсумнинг уйида меҳмон бўлган эдилар. Биродарларини олиб, тезда йўлга чиқдилар.

Кулсум, кўп мушриклар қатори, умрини бутпарастликда ўтказган, сочларини бутга сажда қилақила оқартирган одамлардан эди. Аммо ҳаётининг охирги йилида Макка тарафлардан эсган ширин бир шамол унга янги бир ҳаёт ва руҳ ҳадя қилди. Бу шамол унинг кўзларини очди, кечгача олдида бош қўйиб, ибодат қилган бутлари бирор илоҳ бўлолмаслигини, улар оддий тош ёки қуруқ ёғочгина эканини англади.

Сўнгги йил пушаймонлик йили бўлди. Ўтган кунларининг зарар ила, зиён ила ўтганини

фақат шаҳодат калимасини айтган онида, Маккадан эсган ширин шамолнинг ҳидини жигарларига сингдирганидан кейин англади. Ақлини ишлата олган инсонлар каби яшамаганини, ўзини яратган Раббини ўйламасдан ҳаёт кечирганини тан олди. Шу кунга қадар илоҳ деб билган бутларига ҳақорат назари ила қарамагунча роҳат қила олмасди, синдириб парчаламагунча ҳузур топа олмасди.

Ўлим кунининг астасекин яқинлашиб қолганини ўйлаши уни кўзларда ёш ила Раббининг улуғ даргоҳига олиб кетди. Жуда кўп кишилар ҳуррак отиб ухлаётган соатларда мағфират тилаб ёлворишлар ила инграб турди.

Меҳмоннавоз бир зот эди. Мусофирларга икром қилиб хушланадиган, йўловчиларга ёрдам бериб ҳузур топадиган бир табиат соҳиби эди. Аммо бир куни келиб Оламларнинг султони, Пайғамбарлар имоми ҳам унинг уйида меҳмон бўлишини ҳатто хаёлидан ўтказмаган эди. Лекин тақдир бу йўлда кўринди, дунё ва охиратнинг танҳо Жаноби унинг эшигига келди. Қарийб икки ҳафтача бу уй Расулуллоҳнинг (с.а.в.) нафаслари ила, муборак борликдари ила янгидан иншо этилди, коинотнинг қалби бу уйда ура бошлади.

Кулсум бир жума куни Расулуллоҳни (с.а.в.) Мадинага кузатаркан, ҳаётининг охирги ойини яшаётганини билмаган эди, албатта. Бир ой бурун Кулсум Оламларнинг султонини саломат юрти бўлмиш Мадинага кузатган бўлса, мана, энди Расулуллоҳ (с.а.в.) уни яна бир саломат юртига, абадий ҳузур ва сукунат оламига малакларнинг шериклиги ва йўлдошлигида кузатиб қўйдилар. Кулсум Оллоҳнинг расулини имконияти борича иззатлади, ҳурмат қилди, Улуғ Оллоҳ ҳам расулига икромда бўлганни шаънига лойиқ бир шаклда икром ила ҳурмат этажак, кутганидан зиёда эътибор қилажак.

Улуғ Оллоҳ расули энг муҳтож бўлган онида уни меҳмон қилган, икром кўрсатган инсонни унутиб, мукофотсиз қолдирармиди? Бундай бўлишини ҳатто фараз ҳам қилиб бўлмайди. Зотан, Расулуллоҳ (с.а.в.) пайғамбаримиз, Кулсумни хос бир омонатинг ўлароқ охират оламига йўлчи қилгин, дея Раббиларига мурожаат қилар, раҳматинг ила, мағфиратинг ила, лутфинг йла ва қараминг ила муомалада бўлгин, деб ёлворар эдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир ой олдин ўз қўллари билан қурган ва Қубо қишлоғининг азиз аҳлига ҳадя этган масжидда Раббиларининг ҳузурида туриб, асҳобларига имом бўлиб, намоз қилдилар. Топтоза қўллар, топтоза кўнгиллар ташиган эди бу масжиднинг тошларини. Бу масжиднинг пойдеворларида фақат Оллоҳга қуллик туйғуси ётади, эришилмас даражада бир ҳурмат ва севги бу муборак бинонинг пойдеворларига жойлашган эди.

Кулсумни кўринишида қора тупроққа, аммо ҳақиқатда жаннат боғларидан бир боғчасига ўз қўллари билан кўмган Расули кибриё маҳзун бир кўнгил ила Қубони тарк этдилар. Қисқа бир вақт таниш бўлишди, аммо абадиятга қадар унутилмайдиган бир хотира қолди Кулсумдан.

Кулсум жазо ва ҳисоб кунида Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида «Қубодаги уй соҳиби» ўлароқ муносиб жой олади, иншаоллоҳ.

** *

Расулуллоҳ (с.а.в.) қизлари ила кўришишлари жуда ҳаяжонли бир саҳна эди.

Оталарига ўлим ҳукмини ўқиган Макка шаҳридан бундай оппаосон чиқиб, Мадинадек бир имон юртига қазосизбалосиз етишиш ҳазилакам гап эмасди. Умму Гулсум ва Фотима бир неча кун давом этган чарчоқли ва ҳаяжонли йўлчилик энди ортда қолганидан ва севикли оталарининг бағрига олинганларидан севинч кўзёшларини узоқ вақт тўхтата олмадилар.

Руқия сал олдинроқ эри Усмон ибн Аффон билан бирга ҳижрат қилиб келган эди. У ҳам ҳамшираларини бир-бир бағрига босди, яқин бир йилдан бери кўрмаган опасингилларини тўйатўйа ҳидлади, тўйатўйа йиғлади.

Энди Маккада опалари Зайнаб қолди. У холаваччаси Абул Осга тур^мушга чиққан эди. Ундан Мадинага фақат салом келди. Ўзи қачон келади, қачон отасини кўради — номаълум эди.

** *

Қуйилган ғиштлар қуриб, масжид қурилиши бошланди. Расулуллоҳ (с.а.в.) биринчи тошни ўз қўллари билан қўйдилар. Ундан кейин пайғамбаримизнинг амрлари ила Абу Бакр, Умар, Усмон, Али (р.а.) галмагал биттадан тош қўйдилар.

Сўнгра ҳар кимга келтирган тошини қўйишга изн бердилар. Пойдевор маълум бир баландликка етгач, ғишт тера бошлашди.

Ғиштлар хийлагина катта,. бир донасини бир киши базўр кўтарадиган даражада оғир эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ғиштни ҳам, тупроқни ҳам ўзлари ташидилар. Йилларча бу хотирани ривоят қилган шоҳидлар у зотнинг чангга, тупроққа беланган муборак вужудларини доим кўриб тургандек гапиришар эди.

Зилзамбил ғиштларни елкага қўйиб ё қўлтиқлаб иншоот сари борарканлар, Саrвари олам (с.а.в.) «Оллоҳим, бу ташиётган юким Ҳайбарнинг хурмоси ё бошқа ҳосили тўла юк эмас. Қасам ичаман Раббимга, бу янада тоза, янада хайрли бир юкдир...» маъносига яқин бир байтни айтардилар, мўминлар ҳам у зот билан бирга айни шу байтни севинч билан такрорлашарди.

Вужудлар масжидга тупроқ ва ғишт ташийди, кўнгиллар бу масжидда сажда қилинадиган Роббул Оламийнга йўналган. Севинчла такрорланаётган бу байтлар кўнгилларнинг энг теран гўшаларида жо бўлган туйғуларни, тушунчаларни ифодаламокда эди.

Ҳа, бу замин, бу тупроқлар янада хайрли, янада покизадир. Ҳайбар яҳудийлари оламни фасодга тўлдиришга бир сармоя ўлароқ тўплаган юк билан бу тупроқларни тенглаштириб бўлармиди? Ҳайбарнинг хурмолари Оллоҳнинг бир неъматидир, инсонларнинг қорнини тўйғазарди, холос. Аммо бу тупроқ ва бу ғиштлар билан иншо этиладиган масжид қиёматгача мўминларнинг севикли ибодатгоҳига, зиёратгоҳига айланажак ва «Пайғамбар масжиди» унвонига эга бўлажак. Бу масжидда ўқилган бир намоз бошқа масжидларда ўқилган минг намоздан афзал бўлажак, йиллаб гуноҳларга ботиб кетган қалблар бу ерга келиб ҳурмат юзасидан саждага бош қўяжак ва онасидан туғилгандек покиза ҳолга келажак эди. Бундай бир масжиднинг тошитупроғи Ҳайбарнинг ёмонлик ва фасод учун йиғилган юкларидан албатта хайрлироқ бўлади.

Набиййи акрам (с.а.в.) баъзан: «Оллоҳим, ҳаёт фақат охират ҳаётидир. Ансорни ҳам, муҳожирни ҳам ёрлақашингни тилайман», маъносида байт ўқир эдилар. Баъзан бу байтда сўзлар ўзгарар, «Оллоҳим, мукофот охиратда ўзинг берадиган мукофотдир. Ансорга ҳам, муҳожирга ҳам сахийлик қилишингни, икромэҳсон этишингни тилайман», дер эдилар ва кучоқларидаги ғиштга муборак пешона терлари тўкилсада, юзларида табассум ила ишлар эдилар. У зотнинг бу ҳолатлари ҳеч бир манфаат кўзламасдан, холис Оллоҳ ризоси йўлида тер тўкаётган пок қалбли инсонларга ғайрат бериб, охиратда эришиладиган қийматли мукофотни кўз олдиларига келтириб қўярди.

Иш кизғин давом этаркан, мўминлардан бири: «Пайғамбар ишлаяпти, бизлар ўтирамизми? Бу ҳолимиз ожизларга ярашадиган ҳол бўладику», маъносида байт ўқиди. Атрофдагиларга ёқиб тушди бу байт. Иш ораси энди ҳамма: «Лаъин қоадна ваннабиййу йаъмал...» байтини такрорлай бошлади.

Бу байтпи ким билади неча марта такрорлади Аммор... Ғиштга бораётганида ҳам, ғишт кўтариб қайтаётганида ҳам оғзидан шу байт тушмади. Мадиналик бир ишчи бу байтни илк бор Аммордан эшитиб, гўё ўзига киноя қилинаётгандек туюлди. Такрорланган сари унинг жиғига тега бошлади.

— Менга қара, Сумаййанинг ўғли, — деди, — эрталабдан бери нима деб шивирлаётганингни билиб юрибман. Бас қил, етар энди. Йўқса, шу таёқ билан бурнинг ни ўлчаб қўяман.

Аммор унга маъсум назар билан боқди. Ақлига, ҳатто хаёлига ҳам келмайдиган тарзда баҳоланган эди унинг сўзлари. Ҳолбуки, бу сўзларни сўйлаган сари Расули кибриёга яна бир одим яқинлашаётгандек ҳис қилар, у зотнинг борлиқларини ташқарида эмас, қалбининг

теранликларида тасаввур этаётган эди.

Бироқ бояги одамнинг гапини Набиййи акрам (с.а.в.) ҳам эшитдилар, шу сабабли Амморнинг: «Мен бу байтда сени назарда тутмаганман», дейишига ҳожат қолмади.

— Бу одамлар Аммор билан нимани тортишадилар? Аммор менга кўз қароғим каби яқиндир, — дедилар.

Эҳтимол Расулуллоҳ (с.а.в.): «Амморни кўзимнинг қорачўғини асрагандек асрайман, унга урилган таёқ менга урилгандекдир...» демоқчи бўлгандирлар. Пайғамбарлар имоми саййидимизнинг бу илтифотлари учун Аммор ҳатто бурнига таёқ тушишига ҳам севинчла рози бўларди.

Имони мустаҳкам экани хоссатан Қуръон оятларида баён қилинган Аммор ҳақида Набийлар сарвари яна: «Аммор бопшдан тирноғигача имон билан тўладир, имон унинг иликларигача киргандир», дея марҳамат қилганлар. Саййидимизнинг бу кунги илтифотларини эшитган

Амморга энди қўрқув ва ташвиш ҳеч нарса бўлмай қолди!

Аммор бой эмасди. Оллоҳнинг ва расулининг ризоликларига эришиш йўлида бирон сарфхаражат (эҳсонинъом) қила олмаган. Аммо имкони бўлганида кўп нарсасини эмас, ҳамма нарсасини ҳеч ўйламасдан берадиган даражадаги бир севги билан пайғамбаримизга боғланган эди. Абадий саодатга у зотнинг иршоди ила эришган, ахир. У зот ўл деган жойда ўлиш у учун бир шараф ва обрў масаласи зди.

Аммо бу илтифотдан Амморнинг боши ғурур ила кўтарилмади, шукр туйғуси билан, миннат ҳисси билан эгилди. Кўнглининг энг теранликларидан келган, ҳеч қандай ёмон ҳис кирлатмаган соф ва тиниқ сўзлар малакут оламига юксалди: «Оллоҳим, сенга ҳамд айтаман ва шукр қиламан...»

Шивирлаб айтилган бу биргина жумлага айни тиниқликда бўлган бир неча томчи кўзёши ҳамроҳ бўлди. Лекин буни бирон киши сезмади. Чунки бу иссиқда, оғироғир тошларни таширкан, шундоқ ҳам пешоналардан резареза тер тўкилаётган эди.

Бу терлар ҳам, бу кўзёшлар ҳам эртага айриайри, шу билан бирга, ўзаро мусобақалашаётгандек қиймат қозониб, Набиййи акмал ҳазратларининг: «Ким Оллоҳ ризоси учун бир масжид қурса, Оллоҳ ҳам унинг учун жаннатда бир кўшк қуради», деган муждалари рўёбга чиқажак. Хуллас, масжид қурилиши Оллоҳ ризоси учун олинган нафаслар, Оллоҳ ризоси учун ташланган қадамлар, ташилган ғиштлар, қорилган лойлар ҳамроҳлигида давом этарди.

Бир неча кун ўтди...

— Буни қаранг, ё Расулуллоҳ, мени ўлдиради булар, ўзлари кўтара олмайдиган юкларни менга юклашяити,— деб қолди Аммор.

Дарҳақиқат, ҳамма биттадан ғишт ташиса, унинг орқасига иккита юклашибди. Терлаб-пишиб кетган, чанг ва тупроқ тер билан қоришиб ажиб бир тусга кирган, бу тус юк остида хориган вужудга айри бир ранг қўшар эди. Ҳазрати пайғамбаримиз (с.а.в.) кулимсирадилар.

Бу ҳолатни кўрган ва келажакда «Мўминларнинг онаси» унвонини оладиган Умму Салама (р.а.) айтади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) саййидимизни унинг сочларига қўнган чангтупроқни қоқаётган ҳолатда кўрдим. Дердиларки: «Шўринг қурсин, эй Суммаййанинг ўғли... сени ўлдирадиганлар булар эмас, сени ўлдирадиганлар йўлдан озган бир жамоатдир».

Анча кейин Ҳидоят имоми бўлмиш жанобимиз (с.а.в.) атрофдагиларга қараб:

— Амморни осий бир жамоат ўлдиради, — дедилар.

Амморнинг ичида бир учқун жизиллагандек бўлди...

Нималиги номаълум, қисқа бир муддат ичида келиб кетадиган бир учқун. Кейин: «Мен ҳам инсонман, ҳақ узра бўлай, ҳақ йўлда ўлай, қандай ўлсам ҳам», деган хаёлдан лабларида бир кулимсираш сезилди. Зотан, дунёнинг охири ҳам ўлим билан битмайдими, ахир?

Бу ўйфикрлар Амморнинг зеҳнини машғул қилар экан, Расулуллоҳ ҳазратларининг (с.а.в.)

қўллари унинг елкасини силар эди:

— Эй Сумаййанинг ўғли, ҳаммага биттадан мукофот бўлса, сенинг мукофотинг икки баробар берилади. Дунёдан энг сўнгги насибанг эса, бир ичишлик сувли сут бўлади. Сени йўлдан озган жамоат ўлдиради, — дедилар яна.

Бу сўзлар масжидда ишлаётган ишчилар орасида ёйилди. Нигоҳлар Амморга айрича бир маъно ила боқа бошлади. Қачон содир бўлишини ёлғиз Оллоҳ биладиган хосиятсиз бир мужодала ва бу мужодалада Амморнинг жонига қасд қилажак осий бир жамоатнинг хаёли келди кўнгилларга. Демак, Аммор табиий бир ўлим билан ўлмаяжак, дунёдан охиратга шаҳидлик унвонини ҳам олиб, оддий инсон етишиши мумкин бўлган энг устун мартабани қозониб кетажак.

Қандай ажиб қисмат...

Демак, бу оиланинг ҳар бир аъзоси шаҳид бўлажак. Олий Девоннинг жазо ва ҳисоб-китоби учун қурилган кунда «шаҳидлар оиласи» сифатида боражаклар ҳузури Мавлога...

Йилларча аввал дастлаб онаси Сумаййа, кейин отаси Ёсир мушрикларнинг қўлида ингробингроб жон берган эдилар. Ислом байроғи кўтарила бошлаган йилларнинг илк икки шаҳиди бўлишдек барҳаёт бир ном қозонган эдилар. Ёлғиз қолган Амморнинг имонига Оллоҳ ва расули биргаликда гувоҳлик берган. Коинот чеврасида бундан ҳам ортиқ гувоҳлик топиб бўладими? Амморнинг ўзи ҳам бир пайтлар куфр йўлига қайтмагани учун исканжага тобеъ тутилган. Ҳаётининг охирги дамларида эса*ҳақнинг ва адолатнинг тарафини тутгани учун жонига қасд қилинажак.

Дунёнинг ҳеч бир нарсасига соҳиб бўлмаган, бироқ дунё эвазига ҳам топиб бўлмайдиган бир шарафни кичик қалбидаги имон билан, ҳурмат билан, муҳаббат билан топган Аммор!.. Асрлар берисидан сизга севгиларимиз, ҳурматларимиз ва саломларимиз!..

Мадинада Қуръондан илк нозил бўлган сура Бақара сураси бўлди. Вақтивақти билан, турли ҳодисаларга алоқадор ўлароқ оятлар тушар, Расулуллоҳ (с.а.в.) Маккада бўлганидек, бу оятларни қайси сурага ва қайси оятдан олдин ва кейин ёзишларини асҳобларига билдирар эдилар. Бу ҳам пайғамбаримизнинг қалбларига келган илҳом натижасида бўлаётгани шубҳасиз бир ҳақиқат эди.

Мадинадаги яҳудийларга аждодларига берилган неъматларни эслатиб келган оятлар Бақара сурасидан жой олди: «Эй Бани Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни эсланглар ва Менга берган ваъдааҳдга вафо қилинглар. Шунда мен ҳам аҳдга вафо қиламан. Ва мендангина қўрқинглар. Сизлардаги нарсани (Тавротни) тасдиқ этган ҳолда нозил қилган нарсамга (Қуръонга) имон келтиринглар. Уни биринчи инкор қилувчилардан бўлманглар. Ва оятларимни қиймати оз нарсаларга алиштирманглар ва мендангина эҳтиёт бўлинглар. Ҳақни ботилга аралаштирманглар ва билган ҳолингизда ҳақни беркитманглар. Намозни тўкис адо қилинг, закотни беринг ва рукуъ қилгувчилар билан бирга рукуъ қилинг. Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлларингизни юргизмайсизларми? Сабр ва салот (намоз ўқиш) билан мадад сўранглар. Албатта, у (намоз ўқиш) оғир ишдир. Магар ўзларининг Парвардигорларига рўбарў бўлишларини ва шубҳасиз унга қайтажакларини биладиган шикастанафс зотларга (оғир эмасдир). Эй Бани Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни ва сизларни бутун оламдан афзал қилган пайтимни эсланглар. Биров биров томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган, ҳеч кимдан оқлов қабул қилинмайдиган ва (гуноҳлари учун) эваз ҳам олинмайдиган — ёрдам берилмайдиган Кундан қўрқинглар» *(Бақара,* 40 — 48).

Яҳудийларга Бақара сурасида илк хитоб ана шундай бошланди. Одоб ҳудудидан тажовуз этмасликлари ана шундай тавсия этилди. Улар Расулуллоҳни (с.а.в.) танишлари ва имон келтиришларининг ўзгача бир қий

мати бор эди. Чунки келиши кутилаётган пайғамбарни бутун васфлари билан танишларини

ва дарҳол унга имон келтиражакларини илгарироқ кўп маротаба такрорлаб юрардилар. Боз устига, уларнинг бу охирги пайғамбарга имон келтиришлари ҳақида то Ҳазрати Мусо (а.с.) замонларида боболаридан олинган бир аҳд бор эди. Бу аҳдга вафо қилсалар, икки мисл ажр ва мукофотни бериши хусусида Оллоҳнинг ваъдаси бор эди. Чунки улар, аввало, Ҳазрати Мусога ишонган ва Оллоҳ юборган аҳком билан амал этган бўлсалар, кейинчалик Ҳазрати Муҳаммадга (с.а.в.) ишониб, таблиғ этаётганлари динни қабул қилган бўлардилар. Ҳар иккала пайғамбарни юборган ҳам Оллоҳ таоло экани ва ҳар икки пайғамбар ҳам бир Оллоҳга ибодат қилишга чақиргани учун, агар эргашган тақдирларида, мукофотни икки ҳисса олишлари табиий эди. Бордию Расулуллоҳни (с.а.в.) биринчи бўлиб улар инкор этсалар, унда жуда ёмон бўлади. Чунки баъзан инсонлар: «Кутилаётган пайғамбарни яҳудийлар билардилар. Бу келган ўша пайғамбар бўлса, яҳудийлар ундан чекинишармиди?» тарзида ўйлаши мумкин эди.

Ҳайҳот, яҳудийлардан фақат Абдуллоҳ ибн Салом ва унинг оила аъзоларигина имон келтирди, бошқалари ҳеч журъат қила олмади. Боз устига, ҳозирданоқ фитнафасодни бошлаб: «Сизларни зўр бир сеҳр қилдик. Ҳеч ўғил кўрмайсизлар энди ва шу тариқа қисқа вақт ичида наслингиз ер юзидан йўқолиб кетади», деб мўминларга руҳий таъсир этишга урина бошлашди.

Чиндан ҳам орсиз, фитна ва фасод аҳли бўлмиш яҳудийларнинг қўлидан бундай бир иш келмаслиги аниқ, аммо кучлари етганида, бундай пасткашликка ҳам ҳеч тараддуд этмасдан борган бўлардилар.

Бу ташвиқот мўминлардан бир қисмининг кўнглига таъсир кўргазгандек ҳам бўлди. Улар шундай ҳол бўлиши мумкинлигига тўла ишонмасалар ҳам, айни чокда, қатъий шаклда рад ҳам қилмаётган эдилар. Лекин ҳазрати Абу Бакр ва Умар (р.а.) кабилар бундай ташвиқотларга асло парво қилмаганлари шубҳасиздир.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзларини кўриш учун келган Умму Сулаймга изн бердилар. Бутун сармояси самимият бўлган бу аёл ичкари кирди. Бир боланинг қўлидан тутиб олган. Боланинг кўзларида зукколик балқиб турарди.

—Марҳамат, эй Умму Сулайм, хуш келдинг, — дея қаршиладилар Сарвари олам.

—Хушвақт бўлинг, эй Оллоҳнинг расули,—деди.— Сўнгра сўзини шундай давом эттирди: — Ё Набийаллоҳ, Мадиналиклар сизга ҳадялар бердилар, бир нарсалар икром этдилар. Менинг эса, берадиган ҳадям, икром қилишга арзигулик бирон нарсам йўқ. Шу кичик Анас менинг ўғлимдир. Зукко бир бола. Буни бир ҳадя ўлароқ қабул этинг, сизга хизмат қилсин.

Бу самимий ифодалар пайғамбаримизни тўлқинлантириб юборди. Мамнуният ила қабул этдилар. Ўн ёшлардаги Анас бундан буён Расулуллоҳнинг (с.а.в.) хизматларида, у Зоти Шарифнинг тарбияларида етишадиган бўлди.

Умму Сулайм у ердан Набиййи акмалнинг (с.а.в.) дуоларини олиб айрилди. Аслида, берилган ҳадялар навбатга қўйилса Умму Сулаймнинг ҳадяси ҳеч қачон иккинчи ўринга тушмаган бўлар эди.

** *

Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобалари билан суҳбат қуриб ўтирган эдилар, кучли забардаст одам ичкари кирди. Озгина хурмо олиб келибди.

— Сизни пок инсон деб эшитдим. Яхши инсонга шу хурмоларни ҳадя этгим келди, қабул қиласизми? — деди

Пайғамбаримиз унга:

— Ҳадяни қабул этамиз, — дея жавоб бердилар. Саҳобаларига тутиб, сўнгра ўзлари ҳам ея бошладилар. Пайғамбаримиз бу одамни илгари бир марта Қубо қишлоғида кўрган эдилар. Ўшанда у садақа дея бир миқдор хурмо келтирган эди.

Бир оз суҳбатлашиб ўтирдида, кетаркан, негадир: «Буниси иккинчиси», деб қўйди.

Бу одам неча йиллардан бери охирги пайғамбарни кутаётган Салмон эди...

* * *

Абу Зарр Ислом динини қабул этганини Маккада илк бор очиқчасига ифода этгач, устмауст икки кун баданлари кўкарибқабариб кетгунича калтакланган, сўнгра Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўрсатмалари билан Ғифор қабиласига қайтиб, Маккага бошқа келмаган эди. Султони анбиё ҳазратларининг (с.а.в.) Мадинага ҳижрат қилганларини эшитиб, энди ўзининг ҳам йўлида бирон тўсиқ қолмаганини ҳис этди ва тайёргарлигини кўриб, йўлга чиқди. Пайғамбаримизнинг ҳузурларига келди. Энди Расулуллоҳнинг (с.а.в.) амрлари остида ҳаракат қилишдан бошқа ўйфикри йўқ эди. Дунёдан матлаби ёлғиз шу бўлиб қолди.

Эски номи «Ясриб» бўлган Мадина шаҳрининг обҳавоси маккалик муҳожирлар учун ноқулай эди. Аслида, Мадинанинг маҳаллий аҳолиси ҳам шаҳарларининг обҳавосидан мамнун эмас эдилар. Муҳожир мўминлар гарчи маккаликларнинг зулмидан халос бўлган бўлсаларда, юраклари ҳали ҳам Макка севгиси ила тўла эди. Туғилиб ўсган, севинчлиқайғули кўпгина хотираларига гувоҳ юртни унутиш осонми, ахир?..

Шу сабабли Расулуллоҳ (с.а.в.) орачира қўлларини кўтариб: «Оллоҳим, сен бизга Маккани севдирганингдек, ҳатто ундан ҳам каттароқ севги билан Мадинанида севдир. Оллоҳим, ўлчовларимизга, тарозиларимизга барака бер. Мадинани бизнинг сиҳатимизга мувофиқ ҳолга келтир. Безгакни Жухфа дарасига кўчир», дея ёлворар эдилар.

Масжид қурилиши асносида унга девордармиён қилиб Расулуллоҳга (с.а.в.) уй ҳам қурилаётган эди. Бу ҳовли қизлари ва завжаларига мўлжалланди.

Бу орада Асъад ибн Зурора бетоб бўлиб колди. Йўтал тутар, зўрға нафас олар эди. Пайғамбаримиз орачира бу вафоли дўстни зиёрат этдилар ва шифолар тиладилар.

Бир куни қайғули хабар келди. Асъад вафот этибди. Набиййи акрам (с.а.в.) кўп маҳзун бўлдилар.

Асъад Маккада пайғамбаримиз билан кўришган ва Ислом динини қабул этган илк олти мадиналикдан бири эди. Мадинада илк бор кичик бир масжид иншо этган ва, бир ривоятга кўра, пайғамбаримизнинг ҳижратларидан аввал мадиналик мўминларни тўплаб жума намозларини у қилдирган, мадиналикларнинг пайғамбаримиз билан ҳар галги учрашувларида у иштирок этган, сайланган ўн икки вакилдан бири эди.

Мусъаб ибн Умайр Мадинага Қуръон ва дин муаллими ўлароқ келганида, уни Оллоҳнинг ва расулининг азиз бир омонати сифатида қабул қилган, уйидан жой берган, кечакундуз у билан бирга ҳаракат этиб, ҳижрат бошланишидан олдиноқ Ясриб шаҳрини мўминлар учун

«Имон ва Ислом юрти» ҳолига келтирган эди. Ақобада пайғамбаримиз (с.а.в.) билан қилинган аҳдлашувларнинг энг кўзга кўринган қийматли шахсияти Асъад эди. Исми каби ўзи хам энг бахтиёр, энг саодатли инсон бўлига шарафига ҳақиқатан лойиқ бир зот эди.

Аммо... Расулуллоҳга (с.а.в.) ва у кишининг севгиларига тўймасдан, хизматидан кўнгли тўлмасдан дунёдан айрилгани бир хақиқат эди. Ўлим тўшагида ичини тўлдирган нарса дунёдан айрилиқ изтироби эмас. Аммо Хддоят имомидан (с.а.в.) айрилишнинг оташи қалбиии ёкди. Узоқ йиллар бут олдида эгилавериб букилган белларини Расулуллоҳ (с.а.в.) ёрдамларида тўғрилаб, ҳаётининг кейинги даврини керагидай фойдали ўтказган, орқасидан Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўзларини ёшлантирадиган даражада азиз бир хотира қолдирган, асрлар кейин келадиган мўминлар ҳавас қилиб, ҳурмат ва кўзёшлари ила қутлаяжаклари бир шараф ва саодатнинг соҳиби ўлароқ ўтган эди дунёдан...

Набиййи акмал ҳазратларининг (с.а.в.) кўзларининг нури Руқаййа ҳам Мусъабдан кейин унинг уйини шарафлантирган, ҳафталар, ойлар давомида Асъаднинг уйи бир хонаи саодат бўлган ва бу уйнинг деворлари Руқаййанинг хушбўй ҳидли нафаслари билан, Ҳабиби Худо ҳақида қилинган суҳбатларнинг нури билан безанган эди.

Ажал ўқи отилмаган, тақдир ва тайин этилган ҳаёт муддати тугамагаи бўлганида эди, Жаноби Расулуллоҳга (с.а.в.) тўйибтўйиб хизмат этиб қолиш учун ким билади яна нималар

қилмаган бўлар эди.

Масжиди Набавийнинг ёнига қурилаётган, Расулуллоҳга (с.а.в.) мўлжалланган хоналарнинг тезроқ битишини жондилдан истарди. Бу орзуи рўёбга чиқмасдан дунёдан айрилаётганини англагач, ўзидан кейин қолаётган уч қизини завжаларига оид хоналарда парваришлашни пайғамбаримизга васият этди. Хоналар битган бўлганида, эҳтимол бир хонасида лоақал бир кеча қолишни у зотдан илтимос қилган бўларди.

Юрагининг охирги уришида тилидан «Муҳаммад Оллоҳнинг расулидир» сўзи чиқди. Зотан, мусулмон бўлганидан бери охирги сўзининг мутлақо шу муборак калима бўлишини тилар эди. Орадан ўн йил ўтиб... ҳа, оламларнинг ва хусусан ўзининг саййиди бўлмиш Расули акрамга (с.а.в.) ўн йил сўнгра қовушиш учун охирги нафасини берди. Дунё ҳаётида Оллоҳнинг расулига Мадинани бир имон ва тинчлик юрти ўлароқ ҳозирлаган эди. Улуғ Мавлонинг ҳам унга охиратни бир ҳузур ва икром юрти ўлароқ ҳозирлаши ва пайғамбарига қилинган бу қийматли хизматни ўз шаънига лойиқ тарзда мукофотлаши аниқ.

Набиййи акрам (с.а.в.) уни ўз қўллари билан ювдилар ва кафанладилар. Бақиъ қабристонига омонат қўйиш учун йўлга чиқилди. Жанозани пайғамбарлар имоми Расулуллоҳ (с.а.в.) олиб борардилар. Гўё у бораётган оламда унга энг мустасно мақомни шахсан ўзлари танламоқчи бўлгандек, кутиб олишга келган малакларга ва бутун малакут оламига уни танитмоқ, «Асъад сизга Оллоҳнинг расули тарафидан топширилаётган энг азиз омонатлардан биридир», дейдигандек бир ҳолатда эдилар.

Асъадни кабрга Оллоҳ яратган энг муборак қўллар қўйди. Рахмат малаклари уни ҳақиқий бир омонат ўлароқ, лойиқ бўлган иззат ва икром билан қарши олдилар.

Бақиъ қабристонига дафн қилинган илк мусулмон Асъад ибн Зурора бўлди.

Асъад бу жойнинг илк ва азиз меҳмони бўлажак ва кейинчалик ажали етган қардошларини малаклар ила биргаликда кутиб олажак эди.

* * *

Асҳоби киром Асъаднинг қабрига тупроқ ташлаш билан машғул бир пайтда сал четроқда ўтирган Расулуллоҳ (с.а.в.) елкаларини очдилар, орқаларидаги одамга: «Кел, кўр», дегандек қарадилар. Бир неча одим орқада турган одам гўё бу таклифни кутиб юргандек, шошапиша яқинлашиб эгилди ва икки кураклари орасида хол ва тук қоришиғидек кўринган майин қизғиш парчага диққат билан боқди. Кейин эса, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) олдиларига ўтиб, қўлларидан тутдида:

Мен шаҳодат бераман, сиз Оллоҳнинг охирги пайғамбарисиз. Сиз келтирган ҳамма иарса рост ва ҳақдир,— деди.

Бу одам эронлик Салмон эди. Оташпарастликдан кутулиш ва Оллоҳ рози бўлган динни топиш учун йилларча аввал ота уйини тарк этган ва бу йўлда узоқ вақт папазларга ва усқуфларга хизмат қилган, кейинчалик сарсонсаргардон бўлиб, охири Ясрибга келтирилиб, бир яҳудийга қул сифатида сотилган Салмон...

Кўп йиллар олдин хизматида бўлгани бир папаз (поп) унга: «Энди сени дунёда омонат қилиб топширадиган бирон кимса йўқ. Аммо келиши жуда яқин бўлган бир пайғамбар борки, сояси бошинг устида десам ҳам бўлади...» дея охирги пайғамбар ҳақида баъзи маълумотларни берган ва, айниқса, садақа олмаслигини, ҳадяни қабул этишини ва икки кураги орасида нубувват муҳри борлигини айтган эди.

Салмон Расулуллоҳга (с.а.в.) Қубода садақа дея хурмо берган, пайғамбаримиз қабул этмаган эдилар, кейинроқ Мадинада ҳадя деб тақдим этганини олиб еган эдилар. Энди нубувват муҳрини ҳам кўрса...

Пайғамбаримизнинг бир дўстлари вафот этганини эшитгач, шояд шу баҳонада кураклари орасини кўриб қолсам, дея қабристонга келди, Фахри Олам (с.а.в.) саййидимизнинг орқаларига туриб олди. Айни ўша дамда пайғамбаримиз орқаларини очиб: «Кел, кўр», деб ишора қилдилар.

Энди Салмоннинг ҳеч шубҳаси қолмади: излаганини топган, узоқ йиллар елкасида кўтариб юрган оғир юкдан бир зумда кутулгандек бўлган эди.

Чуқур бир нафас олди. Расули кибриёнинг (с.а.в.) кўзларига табассум билан боқди. Бу нигоҳ билан умри бўйи чеккан бутун изтироблари, бутун жафолари ичидан сизиб чиқиб кетганини ҳис қилди. Гўё кучли эсган бир шамол руҳининг теранликларигача кириб ва жисмини эзар ҳолатдаги изтиробларини учириб олиб кетгандек бўлди. Бу нигоҳла жаннат боғларида сайр қилиб юргандек туйғулар билан тўлган эди ичи.

Усти ёпилаётган қабрга тараддудсиз кира оларди шу онда. Чунки излаганини топган эди. Расулуллоҳга (с.а.в.) тўйибтўйиб хизмат қилишдан бошқа дунёда ҳеч бир орзуи қолмади. Бундан кейин яшаяжаги қирқ беш йил давомида бундан бошқа мақсади бўлмади ҳам.

* * *

Бани Нажжор вакиллари пайғамбаримизнинг ҳузурларига келиб:

—Ё Набийаллоҳ, ўзингизга маълум, Асъад ибн Зурора бизнинг қабиладан эди. Энди унинг ўрнига бир вакил тайинланг, — дейишди.

—Сизлар менинг тоғаларимсиз. Унинг ўрнига сизларнинг вакилингиз менман, — дея жавоб бердилар Ҳабиби Мавло саййидимиз. Бу муомала билан ҳам Бани Нажжорни севишларини, ҳам Асъаднинг дўстлигига кўнгилларида мустасно бир ўрин берганларини кўрсатган бўлдилар.

** *

Асъад ибн Зурораниng вафоти яҳудийларнинг янги бир фитна билан ўртага отилишларига сабаб бўлди. Дарҳол оғизлари очилди: «Ҳақиқатан пайғамбар бўлса эди, шундай яқин биродари дарров ўлиб қолармиди?» дея бошладилар.

Қандай маъносиз, ғалати бир сўз эди бу!

Ҳолбуки, шу яҳудийлар Мусо ва Ҳоруннинг (а.с.) вафотларини қабул қиладилар, уларнинг пайғамбарликларига ҳам ишонадилар. Уларнинг ўлимлари пайғамбарликларини инкор этмайдию, Расулуллоҳнинг биродарларининг ўлиши қандай қилиб у зотнинг пайғамбарликларига соя ташлайди?!

Бундай бетайин сўзлари оғизданоғизга ўтиб пайғамбаримизнинг (с.а.в.) қулоқларига ҳам етиб келди. Пайғамбаримиз ачиниб кетдилар. Имон келтирмаслик учун шу қадар кулгили ҳолатларга тушадиган қайсарларнинг бу ҳаракатлари ҳақиқатан ачинарли эди.

— Абу Умоманинг (яъни, Асъаднинг) вафоти жуда ёмон талқин қилинди. Пайғамбар бўлганида дўсти ўлмас эди, деяётган эмишлар. Ҳолбуки, мен ўзимга ҳам, бир дўстимга ҳам келган ўлим фармонини орқага суролмайман, — дея марҳамат қилдилар.

** *

Масжид иншоси ниҳоясига етди. Учта эшик қўйилди, эшикларнинг чеккалари тош билан ўралди. Эшиклардан бири бугунги қибла деворига тўғри келади. Бир эшик «Боби Раҳмат», бошқаси «Боби Жибрийл» деб номланди. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) хоналарига очиладиган эшик «Боби Жибрийл» эди.

Масжиднинг усти хурмо шохлари ва пўстлоқлари билан ёпилди. Ерга шағал тошлар тўшалди. Безак ўлароқ ҳеч нарса қилинмади. Эни тақрибан қирқ беш, бўйи қирқ метр эди.

Меҳроб Қуддус томонга БайтулМақдисга қаратилди. Аммо пайғамбаримизнинг кўнгиллари намозда Каъбани қибла қилиш орзуи билан тўла эди. Орачира кўзларини самога тикиб: «Оллоҳим, қалбимдагини ўзинг биласан», дегандек Масжиди Ҳарамга йўналиш амрини кутаётганларини арз этардилар.

Мадинага келганларига етти ой бўлганида, пайғамбаримиз (с.а.в.) уй соҳиби Абу Аййуб алАнсорийга ташаккур билдириб, ўз хоналарига кўчиб ўтдилар.

** *

Бир куни Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) Расули акрамни зиёрат этди:

— Ё Расулуллоҳ, қизингиз Фотимани ўзимга сўраб келдим, — деди.

Ҳазрати Фотима, розийаллоҳу анҳо, у кунларда ўн саккиз ёшда эдилар. Ҳазрати Абу Бакр эса эллик бирэллик икки ёшда. Бу турмушни орзу этиши Султони анбиёга (с.а.в.) яна ҳам яқин бир қариндошлик алоқасини ўрнатиш истагидан эди. Илгарироқ қизи Ойишани (р.а.) пайғамбаримизга унаштирган, шу тариқа Сарвари оламга ҳам куёв, ҳам қайнота бўлиш орзуида эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу таклифни қабул этмадилар. Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзини жуда севишларини биларди. Рад жавобини берганларидан тушундики, бунда мутлақо бир ҳикмат бор.

Бир неча кундан кейин айни истак билан Ҳазрати Умар (р.а.) ҳам мурожаат қилди ва айни рад жавобини олди. Ва у ҳам бунда бир ҳикмат бўлса керак, деган тушунча ва ишонч билан айрилди.

** *

Дўстларидан бири бундай таклифни Ҳазрати Алига (р.а.) қилди:

— Ё Али, Ҳазрати Фотиманинг қўлини сўрасанг бўлмайдими?..

Ҳазрати Али бу таклиф эгасига маъноли қараб:

—Абу Бакр билан Умарнинг рад этилганларидан хабарим бор, — деди ва қўшимча қилди: — Ҳолбуки, ҳар иккалалари ҳам инсонлар орасида пайғамбаримизга энг яқинидирлар...

—Нима қипти? Сен Расулуллоҳнинг қариндошларисан. Уйланадиган ёшга аллақачон етгансан. Сен ҳам бир маротаба сўраб кўр. Рад жавобини олсанг, Абу Бакр ва Умар нимани йўқотган бўлсалар, сен ҳам ўшани йўқотасан, холос...

Бу сўздан кейин Ҳазрати Али туриб Набийлар султонининг (с.а.в.) ҳузурларига борди. Бироқ гапни нимадан бошлашни билолмай, хиёл муддат жим ўтирди. Унинг мушкулини Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ўзлари осон қилиб қўяқолдилар:

— Ё Али, мендан Фотимани сўраб келдингми? —дедилар.

Мақсад ҳосил бўлган эди. Ҳазрати Алининг (р.а.) кўзларидан: «Менинг ҳам айтмоқчи бўлганим, аммо уялганимдан гапира олмаётган нарсам шу эди», деган маънони укса бўларди. Миннатдор нигоҳла боқиб, ҳаяжон ва мамнуният сезилиб турган ва одоб билан безалган бир ифода ила:

— Ҳа, деди.

Бундан кейин ичидаги бўронларнинг йўналиши ўзгарди. Қандай жавоб олар экан? Муборак лаблардан чиқажак сўз то қулоқларига етиб келгунча сабри етармикан?!

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) юз ифодаларида рад жавобидан асар йўқ эди. Мамнун эмасликларини кўрсатувчи бирон аломат ҳам сезилмасди.

Султони Анбиё ўринларидан туриб, ичкари кирдилар. Қизлари Фотимага, жиянлари Али уни сўраётганини билдирдилар.

Ҳазрати Фотиманинг юзи гул рангини олди. Бошларини эгдилар, жавоб бермадилар.

Бир муддат кейин Ҳазрати Али Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларидан бундай неъматни насиб этгани учун Оллоҳга ҳамд айтиб чикди. Тўй кейинроқ қилинадиган бўлди.

* * *

Сирма ибн Анас кекса бир одам эди. Илгаридан ўзича мустақил бир ҳаёт тарзини яшаб келар, бундай ҳаётни танлаши Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг дини бўйича яшаш орзуидан эди.

Уйининг бир чеккасини ибодатгоҳ қилиб айирган ва жунуб ё ҳайз ҳолида бўлганларни бу ибодатгоҳга яқинлаштирмас эди. Бутларни тарк этганини кўрганлар унинг ибодатхонасига келиб:

— Сен ўзингча нима қилдим деб ўйлаяпсан, эй Абу Қайс? — деб сўрасалар, Сирма

хотиржам:

— Иброҳимнинг Раббига ибодат қиляпман, — деб жавоб қиларди.

У ростгўй бир одам эди. Шеър айтиш қобилияти ҳам бор эди. «Агар бошқалар иш бошига келса, уларга ҳасад этманг. Бироқ сиз амир бўлсангиз, адолатли муомала қилинг», деганини эшитганлар бор.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) Мадинага келганларини эшитган заҳотиёқ қизиқиб, ўзи шахсан бориб кўришди. Фахри Олам саййидимизнинг ёнларидан чиқаркан, қидирганини топган ва янги бир ҳаётга қадам қўяётган инсондай мамнуният балқиди юзларида. Бу янги диннинг инсонга фақат яхшилик ва саодат келтиришига ишонди, кўпдан бери ўзи «Иброҳимнинг дини» деб юрган, бироқ аслини, асосини билмагани ҳақ динни танлади, англади. Қолган умрини энди мусулмон ўлароқ ўтказажак эди.

* * *

Умму Сулайм ақлли ва тадбирли аёл эди. Бир куни Абу Талха унинг эшигини тақиллатиб келди. Учтўрт кун аввал уйланиш таклифини қилган, энди шунинг жавобини олгани келган эди.

—Марҳамат қилинг, эй Абу Талха! — дея қаршилади Умму Сулайм.

—Сенга уйланиш таклифи қилган эдим, эй Умму Сулайм.

—Худо ҳаққи, эй Абу Талха, сўзни чўзмокчи эмасман. Сиздек одам рад этилмас. Бироқ мен мусулмон бўлдим, сиз бўлсангиз, мусулмон эмассиз, бутга топинасиз. Шу сабабли сиз билан турмуш қура олмайман.

— У бир илоҳдир, ахир.

— Йўқ, у илоҳ эмас. Сизга фойда ҳам, зарар ҳам бера олмайдиган бир ғўладир. Сиз топинаётган ўша бутни фалон дурадгор ясадими? Ўтга ташласангиз, ёниб кетишини билмайсизми?

Абу Талха бу тарзда қаршиланишини ҳеч кутмаган эди. У ердан ўйга чўмган ҳолатда қайтди. Умму Сулаймнинг тик айтган сўзлари қалбига ўкдек қадалди. Ҳа, ўша бутни дурадгор кесибрандалаб шакллантирганини инкор эта олмайди. Ёғочнинг бир ғўласи ўлароқ келтирилган, сўнгра кесибйўниб оддий бир бут шакли берилган. Аммо бу ҳолга келгач, ёғочликдан чиқиб, илоҳлик риоясига юксалган эди, ахир. Энди у ғўла эмас, ёғочга алоқаси йўқ ортиқ...

Бир неча кун шундай ўй-хаёллар билан кезиб, бир куни яна Умму Сулаймнинг эшиги ёнига келиб қолди. Яна айни таклифни қилди, жавоб яна ўшандай бўлди:

— Мен мусулмон бўлдим, эй Абу Талха. Сиз билан турмуш қуриш менга ҳалол эмас. Агар мусулмон бўлсангиз, сизга бораман ва маҳр ҳам сўрамайман.

Абу Талха ўйлаб кўришга изн сўради. Кейинги келишида, энди қатъий қарорини берган эди. Умму Сулаймнинг олдида калимаи шаҳодатни айтди. «Оллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқлигига, Муҳаммад (с.а.в.) Оллоҳнинг қули ва расули эканига ишондим ва гувоҳлик бераман», деди.

Шундай қилиб, жудаям орзу этгани уйланишнинг тўсиғи ўртадан кўтарилди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Абу Талха уйланиш учунгина мусулмон бўлган эмасди. Ўйлади, текширди, бутларнинг ҳақиқатан ҳам бир тош, ёғоч бўлаги эканини англади ва уларни бирмабир ўз қўли билан синдириб парчалади. Бундан бу ёғига умр бўйи самимий бир мусулмон ўлароқ қолиб, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) тақдирлайдиган ва табриклайдиган ҳаёт тарзини яшаб ўтажак эди.

Умму Сулайм аҳдини унутмади:

— Тур, эй Анас, — деди у ўғлига, — Абу Талха билан турмуш қуришга қарор берганимни қариндошларга етказ.

* * *

Мўминлар энди нима қилиб бўлмасин Мадинада яшашни исташар, аммо Макка зодагонлари бунга йўл қўймасликка тиришишар эди. Айниқса, Авс ва Ҳазраж қабиласидан

мусулмон бўлмаган баъзи кишилар маккаликларнинг дўқпўписаси остида қолди. Ораларюта қўшилган мўминларни Мадинадан ҳайдаб чиқаринглар, акс ҳолда, бошларингга бало келса, биздан кўрманглар, деб қўрқита бошлашди. Қўшин тўплаб Мадииага хужум қиламиз, ана унда ҳўлу қурук баравар ёнади, деб хабарлар жўнатишар, тадбирли бўлишга чақиришар эди.

Аммо энди кеч эди. Чунки бу ерда энди мўминларнинг сўзи кесарди. Натижада, мадиналик мушриклар икки ўт орасида қолишди. Юртларига келиб жойлашган мўминларга ҳам: «Жўнанглар, бориб оталарингнинг даласини ҳайданглар, бу ерда сизларга нима бор?!» дейишга қурблари етмасди, маккалик мушрикларга ҳам: «Қани, даф бўлинглар, ким бўлибсизларки, бизга дўқ урасизлар!..» дея олмасдилар.

Сарвари анбиё ҳазратлари (с.а.в.) неча йиллардан бери имон машъалини сўндириш учун курашаётганларнинг жим турмаслигини билардилар. Бу орада Мадинага таҳдид ёғдирилаётганининг хабарини олдилар ва шу захоти мўминларни яна ҳам кучли ҳолга келтириш истагида ораларида хусусий маънода бир қардошлик қуришга қарор бердилар.

Араблар қариндошлик боғларига, қавмият туйғула рига ниҳоятда боғлиқ бир миллат эди. Кейинроқ «маккаликмадиналик» айирмачилиги қўзиб, мусулмонларнинг ораси бузилиши мумкин эди. Ҳақиқатан ҳам, ҳозиргача чиққан жанжаллар аксарият арзимас учқунлардан оловланган, ҳақ ёки ноҳақни айирмасдан, ҳар ким акрабосининг ва қавмининг тарафини ола бошлар эди.

Мўминлар бир-бирига қардош қилинса, оқибати гўзал бўлиши аниқ эди. Шу сабабли пайғамбаримиз (с.а.в.) бир куни Умму Сулаймнинг уйида бир маккалик, бир мадиналик қилиб «муҳожир — ансор қардошлиги»ни таъсис этдилар.

Умму Сулайм, араб одатига кўра, ўртага ичида кофур бўлган бир товоқ олиб келди. Бир-бирига қардош қилинган ҳар икки киши қўлларини бу товоққа ботириб, қардошлик аҳдини туздилар. Бу қариндошликнинг натижаси ўлароқ, бири вафот этиб қолса, иккинчиси унга меросхўр бўлиши керак эди. Бир-бирларига ҳар соҳада ёрдамчи бўлиб, моддий ва маънавий дастак вазифасини адо этишлари лозим эди.

Бу қардошлик туфайли маккаликлар анчагина ғарибликдан қутуладиган бўлдилар. Энг яқин қариндошдан ҳам яқинроқ бир қардошга эришганини билиб, кўнгиллари роҳат топди. Мадиналиклар эса, уларнинг йиллар давомида олган Қуръон илмидан, дин ахлоқидан фойдаланадилар энди.

— Кел, эй Абу Бакр!.. Сен ҳам кел, эй Хорижа!

Иккиси ҳам келди. Қўлларини товоққа ботирди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга Оллоҳ йўлида қардош бўлганларини таъкидладилар. Икки одам бўлиб келган Абу Бакр билан Хорижа энди бу ердан қардош бўлиб, қўлни қўлга бериб чиқишди.

— Кел, эй Хаттоб ўғли Умар!.. Ва, эй Итбон ибн Молик, сен ҳам кел!

Улар ҳам қардош қилинди. Ҳаммани айрича, ширин бир ҳаяжон қоплаган эди. Бир оз сўнгра Расулуллоҳ (с.а.в.) тарафларидан ким билан қардош қилиниш ҳаяжони...

Ана шундай давом этган маросим ниҳоясида:

Усмон ибн Аффон — Авс ибн Собит

Талха ибн Убайдуллоҳ — Каъб ибн Молик

Мусъаб ибн Умайр — Абу Айюб алАнсорий

Абдураҳмон ибн Авф — Саъд ибн Рабиъ

Абу Убайда ибн Жарроҳ — Саъд ибн Муоз

Аммор ибн Ёсир — Собит ибн Қайслар... қўлниқўлга бериб айрилдилар. Ҳар муҳожирга бир ансор қардош бўлган эди. Шу орада бир маҳзун овоз эшитилди:

— Ё Расулуллоҳ, менга бир қардош бермадингиз.

Дўстларидан барчасига қўлидан тутадиган бир қардош берилган эди, нега унга берилмасин?

Набиййи акрам (с.а.в) жанобимиз табассум қилиб, унга ўз қўлларини узатдилар:

— Сенинг қардошинг мен бўлай, эй Али, — дедилар.

Энг охирига қолганга энг буюк қардош насиб этган, сабр эвазига ҳолва қозонган эди. Бундай қутлуғ бир маросим уйида бўлганидан айниқса Умму Сулайм ниҳоятда мамнун эди. Бу бир оддий ҳодиса эмас, ахир. Бундай муҳим бир иш учун Расули кибриё (с.а.в.) унинг уйини танлашлари Умму Сулайм оиласига ҳурматларидан ва муҳаббатларидандир, бу ҳодиса Оллоҳ таолонинг унга бир икроми бўлди.

Саъд ибн Рабиъ янги топган қардоши Абдураҳмон ибн Авфни қўлидан тутиб, уйига бошлаб келди.

— Эй қардошим, мана, уйим. Дарҳол иккига бўламиз, ярми сеники бўлади. Икки хотиним бор. Боқ, қайсинисини ёқтирсанг, талоқ қиламан, никоҳингга оласан, — деди Саъд.

Абдураҳмон табассум билан:

— Молинг ҳам, оиланг ҳам ўзпнгга муборак бўлсин, биродарим. Сен менга бозорни кўрсатиб қўйсанг, бўлди, —деди.

Биргаликда Қайнуқоъ бозорига бордилар. Абдураҳмон бир оз юриб, олдисотди учун оломон ичига кириб кетди.

Оқшом меҳмон бўлиб қоладиган уйига ўша куни топган фойдасидан бир микдор ёғ ва қатиқ олиб қайтди.

Шу кундан эътиборан Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларидан чиқди дегунча бозорга йўл олар, савдосотиқ билан машғул бўлиб, қардоши Саъд ибн Рабиъ оиласига юк бўлмасликка ҳаракат қилар эди.

Муҳожир ва ансор ўртасида қурилган қардошлик эт билан тирноқ, кўз оқи билан қорачўғи орасидаги боғлиқлик даражасида қувватли бўлган эди. Бундай ҳолатда ким муҳожирларни мадиналиклардан айира олади? «Боринг, ишингизни қилинг, Ясриб сизнинг отангиздан қолган далами?...» дейишга кимнинг ҳадди сиғади? Энди Макка мушрикларининг таҳдидларидан бирои фойда чиқиши ҳакида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Мадиналик мусулмонлардан Саъд ибн Убода бирикки кун кўринмади. Касал бўлиб қолганидан хабар топган Расулуллоҳ (с.а.в.) бир эшакка миндиларда, ёиларига Зайднинг ўғли Усомани олиб, беморни зиёрат мақсади билан Саъднинг маҳалласига йўл олдилар.

Йўлда бир тўп оломонга дуч келдилар. Мусулмон, мушрик ва яҳудий аралаш ўтириб олиб гаплашишаётган экан. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўша ерга етганда уловни тўхтатдилар. Эшак тўхтаган жойида бирикки депсинди. Йиғилганлар ичидан Абдуллоҳ ибн Убайй ибн Салул чопонининг бари билан бурнини беркитиб:

— Бизни бу ерда чанга ботирма, — деди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) жамоатга салом бердилар.

Уларни Оллоҳнинг бирлигини қабул этишга чақирдилар, бир миқдор Қуръон ўқидилар.

Ибн Салул гапга аралашди:

—Эй киши, айтганларинг жуда яхши нарсалар. Аммо булар чиндан ҳам ҳақ ва тўғри бўлса, бизни безовта қилма, йўлингдан қолма, сенинг олдингга ким борса, буларни ўшаларга тушунтирасан. Мусулмонлардан Абдуллоҳ ибн Равоҳа унинг сўзини бўлди:

— Эй Оллоҳнинг пайғамбари, сиз биз ўтирган жойга марҳамат қилинг. Биз сизнинг суҳбатингизни ва Қуръон ўқишингизни ёқтирамиз. Бизнинг орзуимиз шудир, —деди.

Ўнгсўлдан қувватловчи турли овозлар эшитилди. Бу аҳволда ўртада бир жанжал чиқиши турган гап эди. Набиййи акрам (с.а.в.) орага кириб, оломонни тинчлантиришга уриндилар. Ниҳоят овозлар жим бўлди ва пайғамбаримиз у ердан кетдилар.

Саъд ибн Убода ётокда экан. Расулуллоҳ (с.а.в.) келганларининг хабари берилган заҳоти ичини бир севинч коплади, таъриф этилмас туйғулар унинг руҳини ўради.

Келган азиз меҳмон унга шифолар тиладилар. Суҳбат асносида йўлда бўлган ҳодисани англатдилар. Абдуллоҳ ибн Убайнинг қўпол муомаласини айтиб бердилар.

— Хафа бўлманг, ё Расулуллоҳ, — деди Саъд, —унинг қусурига парво қилманг. Сиз таблиғ қилаётган бу диннинг хушхабари бизга етиб келган пайтларда Ясриб халқи уни раис қилиб кўтармоқчи, бошига тож кийдир моқчи бўлиб турган эди. Оллоҳ таоло сизга берган неъмати билан унинг раислигини тўсиб қўйгач, аввал кўрган ҳурмат ва эътиборини йўқотди, мана шу нарса унга оғир келди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Саъднинг уйидан қайтиб келаётганларида йўлда бир йигитчани учратдилар. У бир қўйни сўйган, энди терисини шилиш билан овора, лекин ҳеч уддалай олмаётган эди. Пайғамбаримиз унинг яқинига келдилар.

— Қани, ўтиб турчи, сенга буни қандай қилишни кўрсатаман, — дедилар.

Йигитча нарироқ чекилди, Расули акрам (с.а.в.) қўлларини тери билан эт орасига суқиб, терини ажрата бошладилар. Қўлтиқ остига келгунга қадар ажратдилар. Йигитча мамнуният билан кузатиб турарди. Бир томонни шилиб кўрсатгач, чеккага ўтиб:

— Мана шундай қил, — дедиларда, яна йўлда давом этдилар.

* * *

Абдуллоҳ ибн Саломнинг мусулмон бўлгани хабари ҳали яҳудийларга етиб бормаган эди. Бир куни Абдуллоҳ пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ёнларида эканида яҳудийларнинг зиёратга келаётгани маълум бўлди. Ибн Салом:

—Ё Расулуллоҳ, яҳудийлар туҳматчи, фасод чиқаришдан хушланадиган бир миллатдир. Менинг мусулмон бўлганимни эшитсалар, турлитуман ёмон гапларни айтадилар. Илтимос, бундан олдинроқ улардан мен ҳақимда сўраб кўринг, — деди ва ўзи чеккага ўтиб яшириниб турди. Яҳудийлар келишди:

—Ассомуалайка, ё Муҳаммад![1] — дейишди тилларини буриб.

—Ва алайкум, — деб жавоб қилдилар Расули акрам (с.а.в.).

Ўтиришди. Ҳолаҳвол сўралди. Гап орасида Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Абдуллоҳ ибн Салом қандай одам? У ҳақида қандай фикрдасизлар? — деб сўрадилар.

— У бизнинг саййидимиз, улуғимиз. Отаси ҳам оталаримизнинг саййиди бўлган. Энг яхшимиз, энг олимимиз удир, — деб жавоб қилишди яҳудийлар.

Бу сўздан кейин Абдуллоҳ беркинган жойидан чиқди:

— Эй яҳудийлар, Оллоҳдан қўрқинг ва сизга келган бу динни қабул этинг. Оллоҳга қасам ичаманки, сиз унинг пайғамбар эканини биласизлар. Мен унинг Оллоҳ юборган пайғамбар эканига имон келтираман ва тасдиқ этаман. Яъни, уни Тавротдаги васфлари билан танийман ва сизга ҳам танитяпман, — деди.

—Ёлғон гапиряпсан, эй Салом ўғли!

—Сен ахлоқсиз, ёлғончисан!..

— Зотан, ҳар доим бошимизга бир фитна чиқариб юрасан...

Ҳар оғиздан бу каби овозлар... Салгина аввал «энг яхшимиз, энг олимимиз» дея таърифланган ибн Саломга энди бу қадар нафратли муносабат...

Абдуллоҳнинг гапи тўғри чиқди: қандай қавм эканларини қисқа вақт ичида ўзлари исботлаб беришди. Лисони ҳоллари ила гўё: «Бизга ишониб бўлмайди. Қандай муомала қилишимизни ҳеч ким билмайди. Ҳозир ок деган бўлсак, кетидан қора дейишимиз ҳам мумкин», дегандек бўлишди.

Абдуллоҳни «саййидимиз» деганлар гўё улар эмас.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига имон келтириш учун келишмаган эди, дарҳақиқат, имон келтирмасдан кетишди.

* * *

Бир куни кечаси Мадинада қаттиқ шовқинсурон бўлиб қолди. Одамлар чўчиб уйқудан уйғонишди. Айримлар шовқин келаётган тарафга югурди. Йўлда Расулуллоҳга (с.а.в.) дуч келишди. У зот Абу Талханинг «Мандуб» деган отига миниб олган эканлар.

— Қўркманглар, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Хавотир олманглар, ҳеч гап йўқ, — дердилар отдан тушаётиб. —Мандуб мукаммал от, шамолдек елди ўзиям.

Ажабланарли ҳол. Ахир, Мандуб чопқир от эмасди. Тўғрироғи, шу пайтгача унинг тузуққуруқ юрганини ҳам ҳеч ким кўрмаган. Балки пайғамбар (с.а.в.) отнинг ёмон юришига кесатиб шундай дегандирлар? Йўқ, ўхшамайди. Расулуллоҳнинг бу сўзлари тақдирловчи сўзлар эди. У зотнинг сўзлари чин ҳақиқат эди.

Шовқин кўтарилганида нима бўлганини билиш учун ҳали одамлар йўлга тушмасиданоқ Набиййи акрам (с.а.в.) яқин қўшнилари Абу Талханинг отига миниб, гумбурлаган жойга қушдек учиб бориб, билиб қайтаётган эдилар. Дарҳақиқат, Мандуб Расулуллоҳ минганларида гўё оёқлари ечилиб кетгандек учди.

Шундан кейин Абу Талха қачон Мандубни минса, шамол каби елар, чопқир бир от бўлган эди.

Кичкина Анасни пайғамбаримизга (с.а.в.) хизматчи қилиб берган Умму Сулайм оиласига Оллоҳ тарафидан берилган мукофотларнинг биттаси шумикан, ажабо?!

** *

Масжид қурилиб битгач, пайғамбаримиз (с.а.в.) намозни фақат ўша ерда ўқийдиган бўлдилар. Шу пайтгача намоз вақти кирганида қаерда бўлсалар, ўша ерда адо этардилар. Баъзан бир хурмо дарахтининг соясида, баъзан бирор уй девори тагида, ҳатто баъзи вақтлар қўй қўраларида ҳам ўқир эдилар.

Юмушлардан холи мўминлар намоз вақти яқинлашганида масжидга келишар, кутиб туришар эди.

Ишлик мўминларга, умуман, эркагу аёл барча мусулмонларга намоз вақтини билдириш ва намозга чақириш учун нимадир қилишга эҳтиёж сезилди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу мавзуда саҳобалари билан маслаҳатлашдилар. Аввал жамоат билан ўқиладиган намознинг фазилатлари ҳақида гапирдилар. Кейин намоз вақтини қандай қилиб халққа билдириш масаласини ўртага ташладилар. Кимдир қўнғироқ чалишни маслаҳат берди. Бошқа биттаси, баланд бир жойда олов ёқиш керак, деди. «Нимадир чалиш керак ёки бирор байроқ тикайлик», деган таклифлар ҳам бўлди. Лекин ўша куни буларнинг ҳеч бири мақбул кўрилмади. Ҳозирча «Ассолату жамеъа!» (Намоз жамлайди) деб чақиришда давом этадиган бўлишди. Аммо, маълумки, Жаноби Ҳақ уларга келажакда энг чиройли бир йўл кўрсатади.

** *

Мадиналик мусулмонлардан Абдуллоҳ ибн Зайд туш кўрди. Яшил либосли бир киши, қўлида қўнғироқ бор эмиш.

«Эй Оллоҳнинг қули, қўнғироғингни менга сот», дебди Абдуллоҳ.

«Нима қиласан?»

«Шуни чалиб, халққа намоз вақтларини билдираман».

«Мен сенга янада гўзалроқ бир йўлни кўрсатаман, хоҳлайсанми?»

«Албатта».

«Намоз вакти кирганида баланд овоз билан бундай дейсан: «Оллоҳу Акбар, Оллоҳу Акбар. Оллоҳу Акбар, Оллоҳу Акбар, Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ, Ашҳаду анна Муҳаммадаррасулуллоҳ. Ашҳаду анна Муҳаммадарросулуллоҳ. Ҳаййа ъалассолаҳ. Ҳаййа ъалассолаҳ. Ҳаййа ъалалфалаҳ. Ҳаййа ъалалфалаҳ. Оллоҳу акбар. Оллоҳу акбар. Ла илаҳа иллаллоҳ».

Абдуллоҳ уйғонди. Яшил либосли кишининг айтганлари аниқтиниқ эсида қолган эди. Турасолиб Расулуллоҳнинг ҳузурларига чопди.

— Эй Оллоҳнинг элчиси, бир туш кўрдим... — дея бир бошдан гапириб берди.

Пайғамбаримизнинг қалбларига бу тушнинг илоҳий бир таълим эканини англатувчи

роҳатбахш бир туйғу келди.

— Иншаоллоҳ, бу тўғри ва содик тушдир. Билолга ўргат буни. Шу сўзлар билан намоз вақтини эълон этсин. Чунки унинг овози сеникидан жаранглирокдир.

Абдуллоҳ Билол билан бирга бир уйнинг томига чиқдилар. У тушида ўрганган калималарни айтиб турар, Билол эса, бу муборак жумлаларни жарангдор овозда такрорлар эди:

— Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар...

* * *

Умар ибн Хаттоб уйғонган бўлсада, ҳали тўшакдан турмаган эди. Мадина узра «Оллоҳу акбар. Оллоҳу акбар...» садолари тарала бошлади. Шунда у ўрнидан сапчиб турди. Шошилиб, кийимини кияркиймас эшикка қараб чопди. Аёлининг:

—Нима бўлди, эй Хаттоб ўғли, қаёққа шошяпсиз? — деган саволига ҳам жавоб бермасдан, масжидга югурди. Билол азонни тугатган ҳам эдики, либосининг бир учи ерга судралган ҳолда Умар ҳансираб кириб келди.

—Сизни элчи қилиб юборган Оллоҳга қасамки, Билол айтган азонни тушимда эшитдим, — деди у.

Бу сўзлар пайғамбаримизни (а.с.в.) баттар мамнун қилиб юборди.

— Бу неъмати учун Оллоҳга ҳамд бўлсин! — дедилар.

* * *

Расулуллоҳнинг масжидларига аёллар ҳам чиқишар эди. Жамоатга қўшилиб, намоз ўқишарди. Пайғамбар (с.а.в.) белгилаган тартибга кўра, олдинги сафда эркаклар, кейин болалар, кейин эса, аёллар туришарди. Кўпгина эркакларнинг кийимлари ночор эди. Рукуга эгилганларида авратлари очилиб кетмаслиги учун баъзилари кийимнинг бир учидан ушлаб туришга мажбур эди. Шу туфайли Набий (с.а.в.) аёлларга эркаклар рукудан тургунларича бош кўтармасликни, эркакларга эса, намоз тугаб, аёллар тарқалиб кетгунларича ўринларидан қимирламасликни буюрдилар.

Бир сухбат орасида у Зот бундай дедилар:

— Азон айтишда ва биринчи сафда туришда қанчалик савоб ва мукофот борлигини билсалар эди, одамлар ўзаро талашиб қолмаслик учун қуръа ташлашдан бошқа йўл топмасдилар. Агар намознинг биринчи такбирига етиб олишнинг савобини билсалар, мусобақа қилаётгандек чопиб келган бўлардилар. Хуфтон ва бомдод намозларида қандай ажрларга эришишларини билсалар эди, эмаклаб бўлса ҳам масжидга келган бўлардилар.

* * *

Қубо қишлоғида бир-бирларига қариндош бўлган икки оила орасида жанжал чиқиб, уриша бошлашди. Бу хабар Мадинага етиб келганида Пайғамбар (с.а.в.) саҳобаларига:

— Туринглар, ўша ёққа борамиз, яраштириб қўяйлик, — дедилар ва бир неча саҳобалари билан йўлга тушдилар. Қишлоққа етиб келгач, Амр ибн Авф уруғларини тўплаб, уларни яратиштириб қўйдилар, дардларига ҳамдард бўлдилар.

Намоз вақти кирган бўлишига қарамай, Пайғамбарнинг (с.а.в.) ҳали ҳам қайтмаганларини кўрган Билол Абу Бакр ҳазратларининг олдига келиб:

— Эй Абу Бакр, намозни ўқиб беринг, — деди. Шундан бошқа чора ҳам йўқ эди. Ҳазрати Абу Бакр меҳробга ўтиб, намозни бошлади. Улар намоздалик пайтларида Расулуллоҳ ҳам етиб келдилар ва дарҳол сафга қўшилиб, имомга иқтидо қилдилар. Пайғамбарнинг келганини сезганлар чапак чалиб Абу Бакрга билдирмоқчи бўлишди. У эса бу ишоратларни сезмай, намозни давом эттираверди. Ниҳоят, орқасига қайрилиб қараб, Расулуллоҳнинг ҳам намозда турганларини кўрди. Пайғамбаримиз имомликка ўтиб, намозни охирига етказдилар. Салом бергач, жамоатга қарата бундай хитоб қилдилар:

— Эй мўминлар, намозда сиз тарафдан муҳим бир иш содир бўлди — чапак чалдингизлар. Билингларки, чапак чалиш аёлларга хосдир. Агар намозда бирон нарсани билдиришга эҳтиёж

сезсаларинг, «Субҳаноллоҳ» денглар. Шунда имом эшитиб қарайди, ҳолатдан бохабар бўлади. Ва сен, эй Абу Бакр, мен ишора қилсам ҳам, намозни тугатишингга нима монелик қилди?

Ҳазрати Абу Бакр одоб билан:

—Абу Куҳофа ўғлининг Пайғамбарга имомлик қилишга ҳаққи йўқ, — деб жавоб берди.

Маккада никоҳи ўқилган Ҳазрати Ойиша ҳали ҳам отасининг уйида эди. Ҳали ёш экани сабабли тўй кечиктирилган эди. У балоғат ёшига етгач, Ҳазрати Абу Бакр Расулуллоҳга (с.а.в.) Ойишани уйларига олиб кетиш вақти келганини билдирди. Онаси Умму Румон Ойишани кўчадан чақириб, аёллар йиғилган уйга олиб кирди.

—Хайрли бўлсин, муборак бўлсин! — дея қутлайқутлай, аёллар унинг сочларини тарай кетдилар. Кейин онаси Умму Румон уни қўлидан ушлаб, Расулуллоҳнинг ҳузурларига олиб борди:

—Эй Расулуллоҳ, бу сизнинг хонимингиздир. Муборак бўлсин! — деди.

Умму Румон бир муддат тургач, пайғамбаримиздан рухсат олдида, уйига қайтди.

Тўй маросимисиз ва зиёфатсиз ўтган бу муборак никоҳ пайғамбаримизнинг (с.а.в.) Мадинага келганларидан етти ой кейин (шаввол ойида) содир бўлди.

Шаввол ойи Расулуллоҳнинг Ҳазрати Ойишага (розийаллоҳу анҳо) уйланишларидек саодатли ҳодиса орқасидан иккинчи севинчга йўл очди: Зубайр ибн Аввомнинг аёли, Ҳазрати Ойишанинг опаси Асмо ўғил кўрди. Чақалоқни йўргакка ўрашиб, Набиййи акрам (с.а.в.) ҳузурларига олиб келдилар. Султони анбиё пайғамбаримиз бир хурмо олиб, оғизларида яхшилаб чайнадиларда, чақалоқнинг оғзига солдилар, танглайини кўтариб қўйдилар. Кейинчалик Абдуллоҳ ибн Зубайр номи билан шуҳрат топадиган бу чақалоқнинг оғзига кирган илк нарса пайғамбаримизнинг тупуклари ва чайнаган хурмолари эди.

Абдуллоҳ ҳижратдан сўнг муҳожирлар орасида туғилган илк ўғил чақалоқ эди. Бундан фақатгина Зубайр оиласи эмас, балки барча мусулмонлар севиндилар. Бундан буён яҳудийларнинг: «Биз сизларни сеҳрладик, энди сизлардан ўғил бола туғилмайди», деган сўзларининг заррача қиймати қолмади.

Ҳазрати Ойиша янги чақалоққа хола бўлган эди ва жияни Абдуллоҳга қаттиқ меҳр қўйди. Ўзи фарзанд кўрмади, аммо жиянига бўлган шу муҳаббати туфайли уни «Умму Абдуллоҳ» деб атай бошлашди.

Келажакда уни бундан ҳам юксак шараф кутарди. Улуғ Оллоҳ Набиййи акмал пайғамбаримизнинг (с.а.в.) барча аёллари қатори уни ҳам «Уммул муъминин» унвони ила мукофотлайди.

* * *

Билол (р.а.) янги вазифасини завқ билан бажарар эди. Бор овози ила «Оллоҳу акбар», деб Оллоҳнинг буюклигини кунда беш марта оламга эълон этар, бунга ҳеч ким тўсқинлик қилмас эди.

«Оллоҳ бирдир» дегани учун исканжага олган, қийнаб қон қусдирган, дунёни кўзига қоронғу қилган Умайя ибн Халаф қани? Қани, энди келиб, «Учир овозингни!» деб кўрсинчи.

Билол қўлини кулоғига қўйиб, то Макка кўчаларигача, Умайя ибн Халафнинг уйигача эшиттирмоқчидек бўлиб, жондиддан «Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар», деб бор кучи билан ҳайқирарди.

Бир сафар бомдод намозига азон чақириш учун келганида, Саҳвари анбиё пайғамбаримиз ҳали уйқуда эканлар. Эшик олдида тўхтади. «Ассолату хойрум минаннавм» (Намоз уйқудан афзалдир) деб овоз берди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу сасдан уйғониб, мамнун бўлдилар ва:

— Эй Билол, шу сўзларингни доим бомдод намози азонига қўшиб айт, — дедилар.

Сўзлари Билолга оид, зарурати Оллоҳнинг расули тарафидан тасдиқланган бу жумла то Қиёматга қадар ҳар бомдод намозида янграяжак ва Билолдан унутилмас хотира сифатида ёд этилажак.

Бу орада пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ушбу муборак сўзлари ҳам қалбларга жо бўлди:

— Азонни эшитганда: «Эй Оллоҳим, эй бу нуқсонсиз даъват ва ўқиладиган намознинг эгаси Раббим, пайғамбаримиз Муҳаммадга васила ва фазила мартабаларини насиб эт. Уни Ўзинг ваъда қилган мақоми маҳмудга етказ», деган кишини охиратда шафоатимга оламан.

Шундан кейин асҳоби киром Расули акаримнинг яна бир таълимотлари ила, азон айтилаётганида муаззиннинг айтганларини айнан такрорлайдиган бўлишди. Фақат «Ҳаййа ъалассолаҳ» ва «Ҳаййа ъалалфалаҳ»дан кейин «Ла ҳавла ва ла қуввата илла билаҳ», дейишар эди.

** *

Масжиднинг бир тарафида усти ёпиқ бир супа бор эди. Бу супани Пайғамбар (с.а.в.) кимсасиз, бўйдоқ мўминларга ажратдилар. Шу ерда ётиб турувчилар бошқа мўминлар жўнатиб турадиган емишлар билан кун кечиришарди. Уларнинг вазифалари Қуръоннинг маъноларини англаш, Расулуллоҳнинг ҳадисларини тинглаш ва ўрганиш эди.

Бошпаналари ўша суна бўлгани учун уларни «Асҳоби суффа» (супа аҳли) деб аташди.

** *

Усома бир муддат ташқарида ўйнади. Кейин чопиб пайғамбаримизнинг уйларига кираркан, йиқилиб тушди. Юзи ёрилиб, қон оқа бошлади.

— Тур, эй Ойиша, Усоманинг юзини тозала, — дедилар пайғамбаримиз (с.а.в.).

Аммо Ойиша рағбат кўрсатмади. Усома қора танли эди, бунинг устига, чанг босган юзига қон чапланиб, бир ғалати бўлиб кетган. Уни кўриб, Ҳазрати Ойишанинг юзи буришди. Расулуллоҳ (с.а.в.) қайта буюриб ўтирмадилар. Ҳазрати Ойишанинг бу қилиғини унинг ёшлигига йўйдилар ва ўзлари туриб бориб, Усомани қучдилар. Юзини ювдилар, жароҳатига лабларини қўйиб, қонни сўриб олдиларда, тупуриб ташладилар. Кейин:

— Усома қиз бўлсайди, уни чиройли кийинтириб, келин бўлгунича харажатини ўзим кўтарардим, — деб қўйдилар.

** *

Абдуллоҳ ибн Убайй ибн Салул Мадинада таниқли кишилардан эди. Ҳатто Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳижрат этишлари арафасида Мадина аҳли уни ўзларига раис қилиб

сайламоқчи бўлиб туришган эди. У агар Исломни қабул этса, яхши натижалар кўлга кириши мумкин, деган ўйда пайғамбаримизга (с.а.в.):

— Эй Расулуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Убаййнинг олдига борсангиз, яхши бўларди, — дейишди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу таклифни қабул этдилар. Эшакка миниб, ёнларига бир неча саҳобаларини олиб, ибн Убаййнинг маҳалласига қараб йўлга тушдилар.

Абдуллоҳ ибн Убайй меҳмонларни очиқ юз билан қаршиламади.

— Сал нари тур, валлоҳи, эшагингнинг ҳиди кўнглимни айнитяпти, — деди атай қитмирлик билан.

Одатда, ҳеч ким бундай кутиб олинмасди. Бу сўзлар тарбия кўрган одамнинг гапи эмас. Ибн Убаййнинг қўшниси Абдуллоҳ ибн Равоҳа пайғамбаримизнинг жавобларига ўрин қолдирмади:

— Оллоҳга қасамки, сенинг ҳидингдан Расулуллоҳнинг эшакларининг ҳиди яхшироқдир.

Абдуллоҳ ибн Убайй жаҳли чиқиб, сўкинди. Бирпасда иккалови солиша кетди. Бир-бирларига мушт туширишар, ҳатто пойафзалларини отишар эди. Пайғамбаримиз орага тушиб, уларни ажратиб қўйдилар.

Бу келувдан ҳозир бир натижа чиқмаслигини билиб, у ерни тарк этдилар.

* * *

Жума намози энди Масжиди Набавийда ўқила бошлади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) хутбада қисқа ва сермазмун ифодалар ила мўминларнинг ақлларига ва руҳларига хитоб этардилар. Намоздан мўминларнинг қалблари покланиб чиқарди.

Жума намози куннинг энг қизиган пайтига тўғри келарди. Далада ё боғда ишлайдиганлар тўғри ўша ердан келишарди. Уларнинг жундан тўқилган кийимларидаги ҳид ҳавони айнитиб, иссиқ кунда нафас олишни баттар қийинлаштирарди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу вазиятни тузатишга киришдилар. Мўминларни ҳафтада тсамида бир марта ювинишга, имкон бўлса, жума куни алоҳида бир либос кийиб масжидга чиқишга ва хушбўй атирлардан сепишга даъват қилдилар. Жума кунлари масжидда юзага келаётган нохуш вазият шу йўл билан йўқолди.

Ўша кунлари Макка мушрикларининг Расулуллоҳга (с.а.в.) суиқасд уюштириш эҳтимоли маълум бўлди. Асҳоби киром ҳушёр тортди. Хоссатан, Пайғамбар (с.а.в.) тадбир билан ҳаракат қилиш заруриятини ҳис этдилар. Кечаларни бедор ўтказишга мажбур бўлдилар.

Бир кеча уйқусизлик сўнг ҳаддига етганида, у Зоти Шарифнинг кўнгилларидан: «Қани энди дўстларимиздан биронтаси келсаю мен бир оз ухлаб олсам», деган истак кечди. Кўп ўтмай ташқаридан қиличнинг шарақшуруғи эшитилди. Пайғамбаримиз:

— Ким у? — деб сўрадилар. Таниш бир овоз:

— Менман, эй Расулуллоҳ. Саъд ибн Абу Ваққосман, — деди. Сўнгра якинроқ келиб, мақсадини баён этди: — Эй Расулуллоҳ, ёнингизда қоровул бўлиб турсам, сиз озгина дам олсангиз, деган эдим.

Фахри коинот (с.а.в.) ҳазратлари Оллоҳга шукр этиб, дарҳол уйқуга толдилар.

Бир неча кун давом этган бу ҳушёрлик балки тўсатдан қилиниши мумкин бўлган ҳужумнинг олдини олгандир. Балки мўминларни хавотирга солиб, безовта қилган у хабар янглиш бўлгандир. Ҳар ҳолда, кўнгилсиз ҳодиса рўй бермади.

* * *

Бир кеча Усайд ибн Ҳузайр ва Аббод ибн Бишр шом намозидан кейин кетмасдан, хуфтонгача масжидда колишди. Хуфтонни ўқигач, Пайғамбар (а.с.в.) билан суҳбат қуришди. Кейин рухсат сўраб, уйларига кетишди.

Икки биродар Пайғамбар (а.с.в.) ҳузурларидан чиқиб манзил томон кетар эканлар, олдиларида бир нур пайдо бўлди. Улар юрган сари нур ҳам илдамлар, йўлларини ёритиб борар эди. Икки ўртоқ қадамлари қаерга тушаётганини, нимани босаётганларини кўриб туришарди. Улар ажралгач, нур ҳам иккига ажралди. Бири Усайднинг, иккинчиси Аббоднинг йўлига шуъла ташлаб, уйларигача кузатиб қўйди. Кейин нур ғойиб бўлди. Икки дўст буни Оллоҳнинг икроми деб билди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадина халқини, яъни, мусулмонию мусулмон бўлмаган барчасини бир танбир жон этмоққа ният қилдилар. Бу билан ташқаридан кутилаётган ҳужумларга қарши Мадинага кучли ички осойишталик ўрнатилиши мумкин эди. Яҳудийларнинг катталари билан учрашдилар. Икки томонга фойда берадиган бир шартнома уларга ҳам лозим эди.

Бу шартномада: мусулмонлар ва яҳудийларнинг ўз динларида эркин бўлишлари, шаҳарни ҳар қандай ҳужумлардан биргалашиб мудофаа этишлари; бир-бирининг душмани бўлган бирон қабила билан шартнома тузмаслиги; қурайшликларга ёрдам берилмаслиги; зулм ва ҳақсизлик қилганларни ҳимоя этмаслиги; бирон келишмовчилик чиқса, Расулуллоҳга мурожаат этишлари лозим, деган муҳим моддалар бор эди.

Мадина кечаги кунга нисбатан янада қувватли, янада осойишта ҳолатга келди. Муҳожирлар билан ансорлар ўртасида биродарлик вужудга келиши билан мусулмон бўлмаган мадиналиклар билан яҳудийлар орага солиши мумкин бўлган фитнафасоднинг олди олинган бўлса, бутун Мадина халқи қаттиқ эътибор берган бу шартнома туфайли ташқи муносабатларда ҳам мавқеълари хийла кўтарилди.

Ҳазрати Абу Бакр, Билол ва Амир ибн Фуҳайра қаттиқ бетоб бўлиб қолишди. Иситма хуруж қилган чоқларда Абу Бакр ҳушидан кетар, алаҳсираб: «Ҳар инсон оила аъзолари орасида тонг оттирар, ҳолбуки, ўлим унга чакмонининг камаридан ҳам яқинроқдир», маъносидаги байтни такрорлар эди.

Ёнида ётган Билол ҳам шундай ҳолатда эди. «Оҳ, бир тунгина бўлса ҳам, димоғимда майсаларнинг ҳидини туйиб, Макка водийида тунасам эди. Бир кунгина бўлса ҳам, Мажаннанинг суви бошида меҳмон бўлсам... Шома ва Тофил тепаликларини кўрармикинман...» каби байтларни ўқир, баъзан бу байтлар кетидан: «Оллоҳим, Утба ибн Робиага, Шайба ибн Робиага, Умайя ибн Халафларга лаънат ёғдир. Улар бизни вафо юрти бўлган бу шаҳардан қандай суриб чиқарган бўлсалар, Сен ҳам уларни раҳматингдан чиқар», деб дуоибад этар эди.

Беморларнинг зиёратига келганлар орасида Ҳазрати Ойиша ҳам бор эди. У ҳам, бошқалар қатори, беморлардан ҳолаҳвол сўрар, кўпинча улардан жавоб ололмас, алаҳсираб ўқилган шеърларни тинглабтинглаб қайтиб кетар эди.

Бир куни яна уларни кўриб қайтаркан, уларнинг аҳволидан Расулуллоҳни хабардор этди:

—Қаттиқ иситма тутиб, на бировнинг гапини тушунадилар, на ўзларининг гапларини англайдилар, — деди. Набиййи акрам (с.а.в.) Улуғ Оллоҳга юзландилар:

— Оллоҳим, Маккани севдирганинг каби, ҳатто унданда устун бир севгила Мадинани ҳам бизларга севдир. Тошторозуларимизга баракот бер. Келган бу офатни Жуҳфага кўчир, — дея дуо қилдилар.

* * *

Расулуллоҳ бир сафар намоз инсонни поклаши ҳақида гапирдилар. Бу суҳбат асносида: «Албатта, намоз ёмонлик ва бузуқликдан сақлайди», маъносидаги оят мўминларнинг қалбига яна бир марта нақш этилди. Пайғамбаримиз (а.с.в.) сўзларида шундай давом этдилар:

—Биронтангизнинг эшигингиз олдидан оқиб ўтадиган ариқ бўлсаю ҳар куни унга беш марта тушиб ювинсангиз, танангизда кир қоладими?

—Йўқ, кир қолмайди, эй Набиййаллоҳ, — дейишди.

—Беш вақт намоз мана шу ариқ кабидир. Бу намоз воситасида Оллоҳ гуноҳларни, хатоларни ювади, — дедилар.

Расули кибриё пайғамбаримиз (с.а.в.) таҳоратдан мавзу очдилар:

— Бир мусулмон таҳорат олар экан, юзини ювганида, кўзи билан қилган гуноҳлари тўкилади. Қўлларини ювганида, қўллари билан қилган гуноҳлари тўкилади, оёқларини ювганида, гуноҳнинг устида ташлаган қадамлари афу этилади. Натижада инсон гуноҳ қилмагандай покиза ҳолга келади. Умматим Қиёмат куни маҳшарга таҳорат олганда ювадиган аъзолари нурли бўлиб келади. Бу нурни зиёдалаштирмоқчи бўлганлар шуни билиб ҳаракат қилсин, — дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) таҳоратда мисвок ишлатиб, оғиз ва тишларни тоза тутишнинг маънавий жиҳатдан фойдасини тушунтирар эканлар:

—Мўминларга оғир бўлмаганида, ҳар таҳоратда мисвок ишлатишга буюрган бўлардим, — дедилар.

Буларни эшитган ва Расулуллоҳни яқиндан таниганлар ҳақиқатан ҳам Фахри коинот пайғамбаримизнинг ҳар таҳорат олганда мисвок ишлатишларини эсладилар.

Ўша куни масжиддан чиққанларнинг қулоқларига қуйилиб қолган мана бу сўзларнинг умри абадийдир:

— Бир кишининг жамоат билан ўқиган намози уйида ёки бозорда ёлғиз ўзи ўқиган намозидан йигирма бешаража устундир. Киши уйида чиройли таҳорат олгач, жамоат билан намоз ўқиш мақсадида масжид томон йўлга тушса, ташлаган ҳар бир қадами уни бир даража юксалтиради, ҳар бир қадамда битта гуноҳи тўкилади. Намозда турганида, фаришталар: «Оллоҳим, унга марҳамат қилгин», дея қайтақайта мурожаат этадилар. Бу ҳол у киши кейинги намозни кутиши муддатида ҳам давом этади.

** *

Усома яна бир куни ўшандагидай алфозда кириб келди. У кўча чангитиб роса ўйнаган,

юзлари вўжалақ бўлиб кетган, тер ва тупроқ қоришиб, қараб бўлмайдиган ҳолга келган эди.

Набиййи акрам (с.а.в.) уни кўрдилару ювинтириб қўйиш учун ўринларидан қўзғалдилар. Аммо бу гал Ҳазрати Ойиша сал илгарироқ сапчиб турдида:

— Менга қўйинг уни, ё Набиййаллоҳ, ўзим ювинтираман, — деди.

Набийлар сарварининг юзларида мамнуният ифодалари балкди. Табассумга йўғрилган бир овозда:

— Эй Ойиша, уни сев, чунки мен уни севаман, —дедилар.

Сал ўтмай Усома озода бўлган эди. (Имом Термизий, 5/677.)

** *

Бир куни жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) масжиднинг қибла тарафида озгина тупукни кўриб қолдилар. Кўнгиллари ғашланди. Қўлларидаги калтак учи билан олиб ташладилар. Сўнгра жамоатга ўгирилиб:

— Ичларингда ким ўзидан Оллоҳнинг юз ўгиришини истайди? — деб сўрадилар.

Бошлар қуйи эгилди, кимсадан жавоб чиқмади. Жанобимиз саволларини такрорладилар:

— Ким у ораларингизда ўзидан Оллоҳнинг юз ўгиришини орзу қиладиган?

Яна садо чиқмади. Учинчи марта сўрагакларида:

—Ҳеч қайсимиз орзу қилаймиз, ё Расулуллоҳ, — дейишди тўпланганлар.

—Намоз ўқигани турган кишига Оллоҳ таоло раҳматини қибла томондан юборади. Шунинг учун ҳеч ким қиблага қараб тупурмасин. Ўнг тарафига ҳам тупурмасин. (Тупургиси келиб қолса,) чап томонига чап оёғи турган жойга тупурсин. Агар жой тор бўлса, — дедилар ва бўйинларига ташланган рўмолнинг учига тупуриб қатладиларда: — Шундай қилсин, — дедилар.

Бунинг маъноси рўмолчасига тупурсин демак эди.

Кимнинг туиургани номаълумлигича қолди.

— Менга озгина атир келтиринглар.

Ёш йигитча ўрнидан турди, бирпасдан кейин ҳовучида атир билан кириб келди. Пайғамбар жанобимиз (с.а.в.) қўлларидаги калтак учини атирга ботирдилар ва у билан тупук тушган жойни сийпалаб қўйдилар.

** *

Бир неча киши масжидга келганида намоз аллақачон бошланган, энди рукуга борилаётган палла эди. Чопқиллаб келиб намозга қўшилиб олишди. Жанобимиз (с.а.в.) намозни тугатгандан кейин жамоатга ўгирилдилар.

— Нимага чопдиларинг бунақа? — деб сўрадилар.

— Намозга етиб олишга шошилдик, — деб жавоб қилишди.

— Бошқа сафар бундай қилманглар. Ҳузур ва хотиржамлик билан, вазминсалобатли одимлар билан келинглар намозга. (Ҳатто кеч қолган бўлсангиз ҳам.) Етишган қисмингизни жамоат билан ўқинг, олдинроқ ўқиб қўйилган қисмини кейин ўзингиз тугатиб қўйинг, — дея марҳамат қилдилар.

** *

Макка...

Бир замонлар «Агар Оллоҳ менинг бу касалимга шифо бериб, тузалиб кетсам, ибн Абу Кабшанинг (яъни, пайғамбаримизнинг) таъзирини бериш бўйнимга қарз бўлсин. Маккада унинг худосига ибодат қилинмайди!» дея қасам ичган Абу Ухайҳа орадан кўп йиллар ўтганига қарамай, оғир дарддан қутула олмади.

Ўғли Холид мусулмон бўлгач уйдан чиқиб кетганича лоакал бир бора қайтиб келмади. Қўлига тушсаку, ўзи билади нима қилишини: аввал роса таъзирини беради, кейин қизиқиб қолган бу янги динингни тарк эт, отабоболарингнинг эски динига қайт, деб буюради.

Аммо, на чора, Холид уйига келмади. Бу ёқда касали ҳам ёқасини қўйиб юбормаяпти. Шам каби кунданкунга эриб битди Абу Ухайҳа.

Ниҳоят бир куни... ҳаҳа, бир куни ажал ўқи отилди. Сўнгги нафас олиндию Оллоҳга ва расулига душман бўлган бирининг ҳаёт дафтари ёпилди охир...

Азоб фаришталари келди, унинг ҳабис руҳини танасидан жудо этдилар ва Оллоҳнинг расулига душманлигининг ҳисобини сўраш учун олиб кетдилар.

— Сизлар кимсизлар? Мен Абу Ухайҳаман, Маккaнинг энг кўзга кўринган шахсларидан эканимни дуч келган одамдан сўрашларингиз мумкин! — ҳам дея олмади.

Ҳақиқатан, Макка шаҳри куфрнинг бошчиларидан бўлмиш нуфузли шахсиятларнинг биридан жудо бўлган эди. Айни чокда, мусулмонлар ҳам ашаддий душманларининг биридан қутулдилар. Холид ибн Саид отасининг ўлимидан хабар топмади. Хабар топганида ҳам ҳеч хафа бўлмасди. Яъни, ўғлини ҳақ йўлдан қайтаришдан бошқа иши бўлмаган, Ислом динини туғилган жойида бўғишга ҳаракат қилган бундай инсоннинг ўлими хафа бўлишга ҳам арзимас эди.

* * *

Мадина...

Бир гуруҳ мусулмон аёллар пайғамбаримизни зиёрат қилгани келди.

—Эй Оллоҳнинг расули, эркаклар доимо сизнинг ёнингизда қийматли суҳбатларингизни тинглайдилар. Аммо биз аёллар бундан маҳруммиз. Эркаклар суҳбатингиздан баҳра оладилар, биз эса, қуруқ қолганмиз. Биз учун ҳам бир кунни тайин этсангиз ва бизга ҳам динимизни ўргатсангиз, — дедилар. Аёлларнинг бу таклифи маъқул кўрилди.

—Фалон куни фалончи хотиннинг уйида тўпланинглар, — дедилар.

Ўша кун келгач, Пайғамбар (а.с.в.) айтилган ерга бордилар, аёлларга ўз вазифалари хусусида маъруза қилдилар. Суҳбат мобайнида уларга сабрли бўлишни тавсия этдилар.

— Ичингиздан бирингизнинг мабодо учта фарзандингиз оламдан ўтган бўлсаю бунинг аламларига сабр этган бўлсангиз, бу сабрингиз учун жаҳаннамдан тўсгувчи бир парда бўлади, — дедилар.

Аёллардан бири сўради:

— Иккита фарзандидан айрилган бўлсачи?

— Унга ҳам шундай, — деб жавоб қилдилар пайғамбаримиз (а.с.в.). Эшитиб ўтирганлар фарзанд сони эмас, балки кўрсатилган сабртоқат муҳим эканини тушуниб етдилар.

Суҳбатлари унча узун бўлмади. Зеро, пайғамбаримиз (с.а.в.) кўп гапиришни ёқтирмас эдилар. Аммо «келиши билан кетиши бир бўлди» дейишларига ҳам ўрин қолдирмадилар. Чунки ким билан сухбат қилмасинлар, уни зериктириб қўймаслик, қалбини, руҳини қондириш каби мақсадлар у зотнинг асосий мақсадларидан бири эди. Бевақт, беўрин, маъносиз гаплар гапириш табиатларига зид ишлардандир. Чанқаган тупроқ сувга қандай муҳтож бўлса, тингловчилар ҳам суҳбатга шундай бир эҳтиёжлари борлигини сезмагунча бирон-бир маъруза қилишни тўғри деб билмасдилар, аммо таблиғ этилиши лозим ҳақиқат бўлса, аввал тингловчиларнинг етарлича диққатназарларини ўзларига жалб қилиб, кейин асл масалани тушунтирардилар. Ҳар хил ишлов бериш учун темирни аввал қиздириб олиш лозим бўлганидек.

Дарҳақиқат, Расули кибриё жаноблари (с.а.в.) аёлларга: «Сизларга ҳам англатмоқчи бўлган нарсаларим бор», деб уларни бир ерга тўплаб маъруза қилишлари ҳам мумкин эди. Аммолекин уларнинг бундай суҳбатларга ичдан эҳтиёж сезишларини ва маданий бир жасорат ила келиб шундай истаклари борлигини ўз оғизлари билан арз этишлари муҳим эди. Чунки пайғамбаримиз шунақа суҳбатларгина кўпроқ фойдали бўлишига ишончлари комил эди.

Бундан буён Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳафтанинг маълум кунларида аёлларга хусусий маърузалар қиладилар, аёллар ҳам Набиййи акрам ҳазратларининг (с.а.в.) фақат ўзлари учун қиладиган

бундай маърузаларини тинглашга мушарраф бўладилар.

Бир одам пайғамбаримиздан (с.а.в.) ёрдам сўраб келди:

— Бу одамга ёрдам беринглар, мутлақо ажру мукофотини топасизлар, — дедилар Саҳвари олам. Сўнгра қўшиб қўйдилар: — Мўминлар бир-бирлари ила деворлари ғишт билан ўралган бино каби бўлиши керак. — Бармоқларини бир-бирига чалиштириб, мана бундай дея ишорат қилдилар. Яна давом этдилар: — Мўминлар шафқат ва марҳамат борасида бир-бирларига нисбатан ягона вужуд кабидирлар. Шундайки, бу вужуднинг бирон-бир жойида оғриқ ёки зарар пайдо бўлса, ўша вужуднинг бошқа қисмлари ҳам бу оғриқни баҳам кўрадилар, беҳаловат бўлади. Бир мусулмоннинг бошига мусибат тушса, бошқалар ҳам бунга чора топиши лозим...

Тул аёлга ёки фақир кимсага ёрдам бериш учун ишласа, кундузлари рўза тутиб, кечалари ибодат қиладиган киши каби мақбул бўлишини англатдилар. Бу орада:

— Ҳар бир мусулмон киши садақа бериши лозимдир, — дедилар.

Фақир мусулмонларнинг нигоҳлари пайғамбаримизга (с.а.в.) қадалди: «Қандай қилиб садақа берайлик, ўзимиз садақага муҳтож ҳолдамизку?» деган маънода жовдирарди бу кўзлар. Ораларидан бирлари кўпчиликнинг ҳис-туйғуларига таржимон бўлди:

—Ё Расулуллоҳ, инсон садақа берадиган бирон нарсага эга бўлмаса, нима қилсин? — дея сўради.

—Ишлаб топади. Ҳам ўзи ишлатади, ҳамда садақа беради.

Бу сафар бошқа томондан савол келди:

— Бунга ҳам кучи етмасачи, нима қилади?

— Унда муҳтож одамларга билак кучи билан ёрдам қилсин.

—Бунинг ҳам иложини қилолмасачи?

—Яхшиликни амр ва тавсия этади.

—Буни ҳам қила олмасачи?!

— Шарр ишлардан ўзини тияди, бошқаларга зарар бермайди. Бу ҳам ўша одам учун садақадир.

Кейин Пайғамбар (с.а.в.) савол бердилар:

—Дарахтлар ичида япроқларини тўкмайдиган ва бу ҳоли ила мўмин инсонга ўхшайдиган бир дарахт бордир. Қани, айтингчи, бу қайсидарахтдир? Бир бошдан санай бошлашди. У ёнбу ёндан ҳар хил дарахт номлари айтилди, аммо ҳеч бириники тўғри чиқмади. Ва ниҳоят:

—Ўзингиз айтинг, эй Оллоҳнинг расули, — дейишди.

—Хурмо. Ҳаммаларинг энг кўп кўрган, энг кўп билганларинг дарахтдир.

Саҳобийлар жавобни узоқлардан қидиришгани боис топа олишмаган эди.

Набиййи акрам (с.а.в.) бу мавзуда бундай изоҳлар қилдилар:

— Мўмин кишининг ҳолати ҳақиқатан ҳам ажабланарли, ҳайратомуздир. Ўзига хуш ёқувчи, севинтирувчи бир ҳодиса рўй берса, Раббига шукр қилади. Бу эса, ўзи учун хайрли бўлади. Қийинчилик, мусибат каби ҳодисалар етса, сабр этади. Бу ҳам унинг учун хайрли бўлади.

Ўтирганлар масалани бу томондан ўйлаб кўргач, япроқларини ҳеч бир мавсумда тўкмайдиган хурмо дарахти билан чин мўмин орасидаги ўхшашликни жуда яхши англаб етдилар. Бириси иссиқсовуқ мавсумларда ҳам баргларини тўкмай ямяшил қолса, иккинчиси хурсанд ва хафа қилгувчи ҳодисалар қаршисида шукр ва сабр ила ўзини мувозанатда сақлаб, ҳар икки ҳолда ҳам фойда топади, савоб олади. Бундай мувозанатни сақлай олмаганлар ва Оллоҳ берган неъматга қовушганида ҳаддидан ошиб кетган, бирон мусибат келса, ёқасини йиртиб додфарёд кўтариб, сабр кўрсатмай, ҳар икки ҳолатда ҳам савобдан маҳрум бўлаётган инсонлар йўқ эмасди.

Ўша куни масжиддан чиқаётганлар Ҳазрати Пайғамбардан (с.а.в.) бундай муборак сўзларни эшитдилар:

— Оллоҳу таоло бир қулини севса, Жаброилга (а.с.) ваҳий этади: «Мен фалончи бандамни севдим, сен ҳам севгин», дея амр қилади. Ҳазрати Жаброил ҳам ўша кишини яхши кўради. Сўнг само аҳлига: «Оллоҳ таоло фалон кулини севади, сизлар ҳам уни севингиз», дея хитоб қилади. Само аҳли ҳам уни севади. Бунинг кетидан эса, ер юзида Оллоҳни севувчи инсонларнинг қалбларига унинг севгиси жойлаштирилади.

Расулуллоҳ ҳазратларининг суҳбатларидан баҳраманд бўлганлар ўша куни руҳлари тўйган, кўнгиллари ювилган, юзлари топатоза, порлоқ ҳолда уйларига қайтдилар.

Умар ибн Хаттоб ҳам уйига томон йўл оларкан, ўғилчаси Абдуллоҳ унинг қўлига осилди.

—Отажон!

—Нима дейсан, ўғлим?

— Пайғамбаримиз япроқлари тўкилмайдиган дарахтни сўрадиларку?..

— Ҳа, ҳа. Хўш?..

— Мен ўша заҳоти унинг хурмо дарахти эканини билдим, — деди Абдуллоҳ севинчдан кўкка сапчигудек бўлиб.

—Жуда яхши, аммо нега айтмадинг?

—У ерда ҳамма мендан катта эди, уялдим.

— Айтганингда бошим осмонга етарди. Биров менга қизил туя ҳадя этса ҳам, бунчалик севинтирмасди.

Отаўғил шу тарзда суҳбатлашасуҳбатлаша келдилар уйларига. Умар ибн Хаттоб фикрли, зеҳнли ва одобли ўғли борлигидан ғоятда мамнун ва бахтиёр бўлди.

* * *

Бир куни пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир қанча асҳоблари билан бирга яҳудийларнинг олдига бордилар ва уларни Ислом динига даъват этдилар. Имон келтирсалар, бериладиган савобнинг буюклигини тушунтирдилар. Юз ўгирсалар, чекадиган азобларнинг шиддатини ҳам хабар бердилар. Аммо яҳудийлар ҳалибери имон келтирадиганга ўхшашмасди.

— Келтирган бу янги дининг ҳақ дин эмас, — дейишди.

Муоз ибн Жабал сўзга аралашди.

— Эй яҳудийлар, қасам ичаманки, сизлар унинг Оллоҳнинг расули эканини биласизлар. Унга пайғамбарлик вазифаси берилмасдан аввал сизлар билан қилган баҳс мунозараларимизда бизларга нима деганларингизни эсланг. Келадиган янги пайғамбарни барча сифатларию хусусиятлари ила биламиз, демабмидингиз? У келса, унга имон келтирамиз ва сизларнинг кунингизни кўрсатамиз, деб юрганлар сизлар эмасми?

Рофи ибн Хураймила бошини тебратди:

— Биз ҳеч қачон ундай демаганмиз. Оллоҳ таоло Мусонинг китоби Тавротдан кейин ҳеч қандай китоб туширмаган ва ҳеч қандай пайғамбар ҳам юбормаган, —деди.

Ёнида турган дўсти Ваҳб ибн Яҳудо «тўғри айтмоқда» деган маънода бошини ирғаб, унинг гапини тасдиқ этди.

Шундай қилиб, аввалги ҳолларини биладиган ва бу ҳақиқатларни улардан неча маротабалаб эшитиб юрган инсонлар қаршисида ҳамда ўзлари тўласича таниб турганлари ҳақ пайғамбар ҳузурида кўрабилатуриб инкор этарканлар, ҳатто юзлари қизармади. Аммо бу юзлар эртага ҳисоб ва жазо кунида қизаражак, пушаймонлик терларини тўкажакдир.

Роббул Оламийндан пайғамбаримизга ваҳий олиб келиш вазифаси юклатилган фариштa Жаброили амин (а.с.) Сарвари коинотнинг қалбларига ушбу оятларни ваҳий этди:

«Яҳудийлар Оллоҳнинг қадрини керагича (кераги Қадар) тақдир этмадилар. Чунки улар: «Оллоҳ ҳеч бир инсонга ҳеч бир нарса нозил қилмагандир», дедилар.

Уларга деки: «Мусонинг инсонларга бир нур ва ҳидоят ўлароқ олиб келган ва сиз уни бўлакбўлак (қоғоз) варақлар ҳолида ўзингизга ёққанини эълон қилиб, аммо кўп қисмини яширганингиз Китобни (Тавротни) ким нозил қилди? Сиз ва оталарингиз билмаган нарсалар

сизга ўргатилгандир». Эй расулим, сен: «Уларни туширган Оллоҳдир», де. Кейин уларни тарк эт, ботил гапсўзлари билан овуниб туратурсинлар» (Анъом, 91).

Бу оят уларга таблиғ этилган дамда ҳам уларнинг ҳолида бир ўзгариш сезилмади. Яҳудийларнинг юзлари яна қизармади. Чунки уларнинг мақсадлари ҳақни қидириб, ҳаққа боғлиқ бўлиш эмас эди.

* * *

Икки киши бир-бири билан тортишиб қолиб, иккиси ҳам жуда ёмон асабийлашди. Ҳатто шундайки, бирининг бўйин томирлари ёрилиб кетар даражада бўртиб, юзининг ранги ва шакли ҳам ўзгариб кетди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уларни кўраркўрмас:

— Мен бир калима биламан, шояд бу одам ўшани айтса, ичидаги аччиқланиш дафъ бўлади. Ўша калима: «Раҳмати Илоҳиййадан қувилган шайтоннинг шарридан Оллоҳ паноҳига сиғинаман» (Аъузу биллаҳи минашшай тонир рожийм) сўзидир, — дедилар.

Пайғамбаримизнинг бу сўзларини эшитганлардан бири ўша одамнинг ёнига борди. Расулуллоҳдан (с.а.в.) ўрганганларини унга такрорлади ва:

— Шайтондан Оллоҳга сиғин, — деди.

Ҳалиги одам косасида гилдираб ўйнаб турган кўзларини унга бурди:

— Менда ғайритабиий бир ҳол кўряпсанми? Жинни манмики шайтондан паноҳ тилайдиган ҳолга тушган бўлсам? Сен мени ўз ҳолимга қўй, — деди.

Келган киши изига қайтди. Шу пайт пайғамбаримиз (с.а.в.) ёнларидагиларга:

—Мард, паҳлавон деб кимга айтадилар, биласизларми?! — дея ҳайқирдилар.

—Паҳлавон деб курагини ҳеч ким ерга теккиза олмаганга айтилади, — деб жавоб қилишди.

—Йўқ, — дедилар улуғ Пайғамбар (с.а.в.), — асл паҳлавон жаҳли чиққанда ўзига ҳоким бўлган кишидир.

Инсон ўзини қўлга олиши осонми? Аммо ҳақиқий тарози ишлайдиган Олий маҳкамада энг зўр паҳлавон сифатида ғазабини боса олганларнинггина тоши босади.

Қирқ маротаба мағлуб бўлса ҳам, ҳеч нарса бўлмагандек яна оёққа турадиган, яна ўша иддао билан майдонга отиладиган нафсининг қаршисида доимо уйғоқ, доимо бардам ва қарорли бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Кўнгиллар юз йиллар қаърида қолиб кетган бир хотирани Қуръон оятларидан топиб чиқарди. Пайғамбарлардан Юсуф (а.с.) ҳам: «Мен нафсимни айбсиздир, яхшидир, деб ёнини олмайман. Ҳеч шубҳа йўққи, нафс доимо ёмонликка чорлайди», демаганмиди?!

* * *

Бир куни Пайғамбар (с.а.в.) бомдод намозидан кейин кўрган тушларини айтиб бердилар:

— Қора танли, сочи тўзғиган бир аёлни кўрдим.
Мадинадан чиқиб кетди ва Жуҳфада тўхтади, — дедилар.

Буни нима маънода таъбир қиларкинлар, дегандай нигоҳлар у Зоти шарифнинг оғзиларига қадалди. Ниҳоят изох берилди:

— Мен бу рўёни Мадинадаги вабонинг Жуҳфага улоқ тирилганлиги маъносида тушундим, — дедилар.

Бу тушнинг ҳақиқатини эртагаёқ халқнинг ўзи кўзи билан кўради, ичида яшайди ва ҳақиқат эканига шохид бўлади.

Чиндан хам ўша куниёқ эса бошлаган ёқимли шамол эски Ясриб ҳавосини янги Мадина ҳавосига алмаштирди. Мадина бутунлай бошқа мадина бўлди. Бу шамол шаҳарга ҳеч қачон чиқмаслик шарти билан жойлашиб олгандай ўзбошимчалик қилаётган золим бир иллатни ҳеч қачон қайтиб келмайдигандай қилиб суриб кетди. Тўшакларда михланиб ётганлар руҳларига бу шамол янгиланиш берди, иччларига қадар тўйибтўйиб нафас олишнинг нақадар фараҳли эканини ҳис этдилар. Баҳор кела бошлаган сайин дарахтларнинг қупқуруқ таналарига сув

югуриши каби ҳаётбахш эди бу ҳолат. Ҳар тарафни куйдириб, сиқиббўғиб қўядиган ҳавоси билан танилган Ясриб шаҳри бундан буён гўзал, тоза ҳавоси билан, ёқимли шамоллари билан хотиралардан жой олгувчи Мадина шаҳрига айланди. Севгили пайғамбарини Макка мушрикларининг зулмларидан қутқарган Оллоҳ энди уни Ясриб безгагига ташлаб қўярмиди ҳеч?!

Чунки коинотнинг юраги бу ерда урмоқда эди. Борлиқ оламиининг ягона соҳиб ва эгаси Жаноби Ҳақ Ҳабиби адибини Ясрибдай касаллик ўчоғида эмас, балки руҳларга фараҳлик бергувчи Мадинадай бир шаҳарда сақлашни мурод этиб, севгили пайғамбарининг дуосини қабул этди ва бу касалликни у ердан бартараф қилди.

Бундан сўнгра пайғамбаримиз Мадинани севажак, муҳожирлар ҳам севажаклар ва Маккадан кўра ҳам кўпроқ Мадинага боғланажаклар эди.

* * *

Мадина мусулмонларидан Абу Масъуд кунлардан бир куни хизматчисидан жаҳли чиқиб, қўлига илинган калтак билан савалай кетди. Урган сари ғазаби жўшиб, янада кўп, янада тез ура бошлади. Бирдан янграган шиддатли овоздан ўзига келди.

— Эй Абу Масъуд, шуни билиб қўй!..

Бу ким бўлди? Нима истайди ўзи? Овознинг шиддатидан ҳатто қўлидаги калтакни ҳам ерга тушириб юборди. Аммо ҳали ҳам ғазабда ва асабий эди.

Ҳалиги овоз яна бир бор гумбурлади:

— Эй Абу Масъуд, билиб қўй!..

Мажбуран қайрилиб қаради, қарадию юзи қипқизил бўлди. Қалбини буткул эгаллаган ғазаб бир онда хижолатга айланди.

Ҳамиша кулимсираб юрадиган, кўрган киши яна бир бор кўришни орзу қиладиган бу муборак юзга ҳозир шундай бир ҳайбат ўрнашган эдики, Абу Масъуднинг иликларигача титраб кетди. Бу чеҳра эгаси Мадинага келганидан бери суҳбатларини Абу Масъуд бир неча бор тинглаган, аммо бу даража кескин ва амирона бир овозлари ҳам борлигини кутмаган эди.

Одиммаодим яқинлашар эканлар, Пайғамбар (с.а.в.): «Эй Абу Масъуд, билиб қўй!..» деб такрорлар эдилар. Ниҳоят, Абу Масъуд ёнларига борди. Боши эгик, хижолатда, ўзига берилажак ҳукмга рози айбдор вазиятида кута бошлади. Пайғамбар (с.а.в.) сўзларини бундай тамом қилдилар:

— Эй Абу Масъуд, билиб қўй: Оллоҳу таолонинг сенга нисбатан қудрати сенинг шу хизматчига нисбатан қудратингдан кўра устундир!

Қилган ишидан пушаймон бўлган инсон жавоб берди:

— Эй Оллоҳнинг расули, бундан буён ҳеч қачон ҳеч қайси хизматчини урмайман. Бу хизматчим эса, Оллоҳ ризоси учун ҳур ва озоддир.

Севгили пайғамбаримиз дедилар:

— Агар уни озод қилмаганингда, сенга мутлақо жаҳаннам оташи илашар, сени паришон қилар эди. (Муслим, 3/1280.)

Хизматкор эса, янги бир ҳаётга эришиб, ҳурриятини қўлга киритди. Оламларнинг сарвари бўлмиш пайғамбаримизга (с.а.в.) мамнуният тўла кўзлар билан боқди.

Абу Масъуд бу ҳодисани дўстларига айтиб берганида, кўпларнинг юзи ўзгарди. Ҳар ким бир миқдор алам ҳис этди. Чунки хизматчини фақат Абу Масъуд савалаб турмасдида. Бинобарин, пайғамбаримиз (с.а.в.) айтган жазо ёлғиз Абу Масъудга тегишли эмас эди. Аммо хизматчи танбеҳдаккига ҳақиқатан лойиқ бўлсачи? Буни аниқлайдиган бир чегара борми?

Ниҳоят бу мавзуда аниқ бир маълумотга эга бўлиш ва ҳаракатларини шунга кўра қилишни истаганлардан бири келди ва ҳамманинг кўзи олдида:

— Эй Оллоҳнинг пайғамбари, хизматкоримни неча маротаба кечиришим керак? — деб сўради.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу саволни жавобсиз қолдирдилар. Эҳтимол бу ишни уларнинг ўз виждонларига ҳавола қилмоқчи бўлгандирлар? Саҳобийлар бу зотнинг: «Сизлардан бирингиз ўз нафсига хуш ёқадиганини мўмин қардошига ҳам орзу этмагунича ҳақиқий маънода мўмин ҳисобланмайди», деганларини билишарди. Бу сўралган саволга ҳам шу муборак сўзлар нури остида ўзлари жавоб топишлари лозимлигига ишорат қилгандирлар? Яъни: «Мен ҳам бир хизматчи бўлишим мумкин ва ўзимга қандай муомала этишларини орзу этаман?» дея хаттиҳаракатларини ҳисоб-китоб қилиб кўришларини истагандирлар?

— Эй Оллоҳнинг иайғамбари, хизматкоримни неча маротаба маъзур кўриб афв этишим керак?

Яна жавоб бермадилар. Бу саволни эшитмадилар гўё...

«Саволингиз жавобини мен Абу Масъудга айтдимку, ахир. Сизлар ҳам ундан бошқачароқ ҳукмга лойиқ эмассизлар».

Балки Буюк Пайғамбар (с.а.в.): «Оллоҳнинг сени қай даражада маъзур кўришини истасанг, сен ҳам хизматчинпга шунчалик маъзур кўр, маъносида бир хулоса чиқариб олишларини истагандирлар? Аммо савол бергувчи бу мавзуни мутлақо Набиййи акмалга (с.а.в) хал этдиришни хоҳлар ва шунга қарор қилган эди. Эҳтимол у, ҳамма ўз тушунчаси бўйича йўл тутишидан кўра, энг салоҳиятли оғиздан чиқадиган фармонни тинглаши хайрлироқдир, дея ўйлар? Балки бу мавзуда ўзининг тушунчаси етарли эмасдир ёки илоҳий бир амр остида такрортакрор сўрагиси келаётгандир. Ишқилиб, учинчи бор яна сўради:

— Эй Расулуллоҳ, хизматкоримни неча маротаба маъзур кўриб, афв этишим керак?

Бу сафар пайғамбаримиз унга юзландиларда, донадона қилиб:

— Ҳар куни етмиш маротаба! — дедилар. (Термизий, 4/336.)

Жовдираган нигоҳлар бир-бирига қадалди. Бошлар

бу таҳдидкорона хитобдан беихтиёр икки ёққа тебранди. Яқиняқингача оғир ишларга мўлжалланган, хўрланган ва бўларбўлмас баҳоналар ила таёқ еб келган хизматкорлар бундан буён эмин-эркин нафас оладиган, атрофга бошларини бемалол кўтариб қарайдиган ва ёмон сўз эшитмайдиган бўлдилар. Набийлар султони (с.а.в.) бу мавзуни бир оз ойдинлатиш учун қўшимчалар қилдилар:

— Улар сизларнинг оғаиниларингиздир. Оллоҳ уларни сизга ёрдамчи ўларок берган экан, оғаинилар ўртасида қандай муомала лозим бўлса, шундай муомала қилинг. Ҳар ким ўзи ейдиган таомдан унга ҳам едирсин, ўзи кийган кийимлардан кийдирсин, кучи етмайдиган ишларга буюрмасин. Бордию унга оғир иш таклиф қилиб қолса, ўзи ҳам ёрдамлашсин. Ичингиздан биронтангиз хизматчисига беихтиёр қўл кўтариб қолса, Оллоҳни хотирласинда, дархол қўлини туширсин...

Бу насиҳатлар ўша ерда ҳозир бўлганларнинг қулоқларига исирға каби тақилди. Суҳбатда иштирок этмаган, аммо ўша кундан кейин ўзларига қилинаётган муомалаларнинг ўзгарганини кўрган хизматчи ва чўрилар бу ҳолга ҳеч тушуна олмадилар. Аммо кейинчалик буни Оллоҳнинг пайғамбари томонидан эсган тотли, раҳмат шамолларига боғладилар, унинг бир лутф ва икроми эканини англаб етдилар. Энди хонадонларда қул ва чўриларга янада инсофли, янада марҳаматли ва шафқатли муносабат қилинадиган бўлди. Қул ва чўрилар хўжайинлари ўзларига «ўғлим», «қизим» каби ширин сўзлар билан мурожаат эта бошлаганларини сездилар.

* * *

Ҳазрати Умар (р.а.) билан бирга ҳижрат этган, аммо Абу Жаҳл билан укасининг ҳийлаларига алданиб Маккага борган Айёш ибн Робиа ва ҳали Маккадан чиқмай туриб қўлга туширилган Салама ибн Ҳишом ҳибс этилган эдилар. Бундан ташқари, ҳижрат қилиш имконини топа олмаган бир қанча мўмин Маккада қаттиқ тазйиқлар остида эди.

Бир бомдод намозида Пайғамбар (с.а.в.) иккинчи ракатда рукуга эгилдилар. Сўнгра рукудан тургач, саждага бормай, қўлларини кўтардилар:

— Оллоҳим, Салама ибн Ҳишомни, Айёш ибн Робиани ва қийноқ остида қолган бошқа мўминларни сен ўзингқутқар. Оллоҳим, сен ҳам Мудор қабиласига тазйиқингни орттир. Юсуф пайғамбар даврида берганинг очлик, қийинчилик каби, уларга ҳам йўқчилик бер, — дея дуо этдилар. Кейин «Оллоҳу Акбар» деб сажда қилдилар. Намозни тугалладилар.

Бундай дуолар бомдод намозидан то хуфтон намозигача давом этиб, бир неча кун такрорланди.

* * *

Абдуллоҳ ибн Убайй Расулуллоҳни (с.а.в.) ёмон кутиб олганидан ҳеч пушаймон эмас эди. Зиёратга келган инсонни бу шаклда қаршилаш тарбиясизлик, ҳурматсизлик эканини, албатта биларди. Араб урфодатларига кўра, меҳмонга икром кўрсатилиши лозим. Бу хунук ва қўпол хаттиҳаракатларини ҳеч ким асло кечирмас.

Бир куни мадиналик бир неча мўмин уни кўргани келишди. Имон келтиришни таклиф қилишди. Аммо Ибн Салул бундай таклиф қилганларнинг оғзига урди:

— Ораларингиздаги бир гуруҳ аҳмоқларга ўхшаб биз ҳам имон этайликми? — деди.

Унга англатилдики, имон келтириш аҳмоқлик эмас, аксинча, ҳақиқий ақлли киши Оллоҳни бир деб билиши ва Ҳазрати Муҳаммадни (с.а.в.) пайғамбар деб қабул қилиши лозим. Яна айтилдики, қилиб турган ва яна давом эттириш ниятида бўлган бу ҳаракати бузғунчиликдан бошқа нарса эмас. Аммо Ибн Салул бу огоҳлантиришларни қабул этмади:

— Бизнинг мақсадимиз Ясрибда сизлар бузган тартибтузумни янгидан тиклаш ва тузатишга ҳаракат қилишдир. Ақлларингиз бўлса, бу буюк сўзларга қулоқ соласизлар, — дея жавоб берди.

Ибн Салулдай бир кимса йўлга кирмаслигига қаноат ҳосил қилган ҳолда у ерни тарк этдилар.

* * *

Ҳавоси кунданкунга яхши бўлиб бораётган Мадинада аввалдан сув тақчиллиги масаласи бор эди. «Румо» деб аталган қудукдан бошқа чучук сувли қудуқлари йўқ ҳисоби. Румога эса, бир яҳудий хўжайин. Мусулмонлар у ердан хоҳлаганча сув ололмасдилар. Яҳудий сувини пулга сотар, текинга ҳеч ким бир томчи ҳам сув ичолмас эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бу қудуқ сувидан бир гал ичган ва хушланган эдилар.

— Бу қудуқни сотиб олиб, ўзи қатори бошқа мусулмонларнинг ҳам идишларини тўлдириб, эвазига жаннатда янада хайрли бир қудуққа соҳиб бўлишни ким хоҳлайди? — дея хитоб қилдилар бир куни.

Бу муборак хитоб тезда таъсирини кўрсатди. Яъни, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасданоқ Ҳазрати Усмон (р.а.) қудуқ эгаси яҳудийнинг ҳузурига борди. Қудуқни сотгин, деб таклиф қилди. Яҳудий кўнмади.

—Ҳеч бўлмаса ярмини сот! — деди.

—Ярмини қанақа қилиб сотаман?

— Қудуқдан бир кун сен фойдаланасан, бир кунмен.

Йўли топилганидан яҳудий севинди:

— Мана бу бошқа гап! Бундай қилса бўлади. Нархини бозорга сол, — деди.

Натижа шу бўлдики, Ҳазрати Усмон унинг ҳовучига ўн икки минг дирҳамни санаб солиб қўйди.

Шундан кейин Ҳазрати Усмонга тегишли кунларда сувга харидор бирданига ортиб кетди. Мўминлар келиб икки кунлик эҳтиёжларига етарли сувни олиб кетардилар. Қудуққа яҳудийнинг хўжайинлик галида ҳеч ким келмай қўйди. Нарх ҳам бирданига тушиб кетди. Яҳудий шошиб қолди. Харидорни ўзига тортиш учун у ҳам нархини туширди. Барибир бўлмади.

Чунки шериги Усмон навбати куни сувни текинга тарқатаётган эди.

* * *

Илк мусулмонлардан Усмон ибн Мазъун ибодатга муккасидан кетган одам сифатида танилган эди. Дунёга ҳеч майли қолмаган. Ягона фикри мўлкўл ибодат қилиш ва ибодатларига тўсиқ бўлувчи ҳар нарсани ҳеч ўйланиб ўтирмай тарк этиш. Уйланган, аммо фақат сўзда уйлангандек. Оилали, аммо оила ҳаётини юритмасди, бўйдокдек яшарди. Назарида, оила ҳаёти уни ҳақ йўлдан чиқарадигандек, охират ҳаётига ҳам халақит қилаётгандек бўлар, фикриёди ўзини бу ҳаётга олдириб қўймаслик эди. Бу ишда шундай чуқурлашиб кетдики, ҳатто эрлик ҳис-туйғусини ўлдирадиган, ҳеч қачон оила ҳақида ўйламайдиган машъум бир йўлни ҳам синаб кўрмоқчи бўлди. Бу ишини Оллоҳга қуллик қилиш йўлида қўядиган қутлуғ қадам деб билди.

Унинг ичдан келган бу орзуи секинаста ёнидагиларга ҳам таъсир этиб, асҳобдан баъзи ёшлар бу йўлни танламоқчи ҳам бўлди.

Ниҳоят бир куни Усмон пайғамбаримизга (а.с.в.) дардини очди. Нима қилмоқчилигини айтди. Аммо шиддатли қайтариққа учради. Қатъиййан бундай бир машъум ишни қилмаслик буюрилди. Усмоннинг фикрига эргашган ёш мусулмон йигитлар ҳам бу режаларидан тезда воз кечдилар.

Усмон эса, уйида яна ибодатда давом этди. Бир куни пайғамбаримиз (с.а.в.) унинг уйи ёнидан ўтарканлар, эшигининг икки четига икки муборак қўлларини тираб туриб, бундай дедилар:

— Эй Усмон, Оллоҳ сени бир руҳбон' қилиб яратмаган. Эй Усмон, Оллоҳ мени ҳам руҳбонлик таълими учун юбормаган. Эй Усмон, шуни яхши билиб ол: Оллоҳнинг менга берган вазифаси руҳбонликни ўргатиш иши эмасдир. — Сўнгра сўзларида давом этиб, ушбуларни қўшимча қилдилар: — Оллоҳ ҳузурида энг хайрли дин қулайликни амр этадиган пок Ислом динидир.

Пайғамбаримиз унга: «Буткул ибодатга берилиб кетган бу ҳаётингни тўғри деб топмадим», демоқчи эдилар.

Усмон эса, кўп ибодатдан бошқа нарсани ўйлайдиган ҳолда эмасди. Ахир, Оллоҳ рози бўладиган диний ҳаётни энг чиройли шаклда ўргатувчи Буюк Пайғамбарнинг шаҳрида яшаса... Бундан ташқари, ўзи шу Буюк Пайғамбарга эмикдош бўлса... Намозларини бу зотнинг орқасида туриб ўқиса... Энг муҳими — ҳақ дин ила мушарраф бўлган бўлса... ибодатини у кўпайтирмай ким кўпайтирсин?! Бошқалардан бир неча баробар кўп ибодат қилиб, охиратга оламолам намозлар олиб кетиш қандай яхши!..

Шу орада Усмоннинг таъсирида янада кўпроқ ибодат қилиб қолиш ғайратига минган яна уч йигит Набиййи акрамнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) уйда йўқ пайтларини пойлаб туриб, хонаи саодатларига келди ва аёлларидан пайғамбаримизнинг уйдаги ибодатларини ўрганди. Аммо олинган жавоб уларни мутлақ қониқтирмади. Тасаввурларида бошқача — ниҳоятда кўп бўлиши керак эдида. Бунчалик ибодатни оз деб билишди.

— Албатта, у Оллоҳнинг расули, шундай экан, унинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ. Дунёси ҳам, охирати ҳам кечирилган, таъминланган. Оллоҳу таоло нега кўп ибодат қилмадинг, деб пайғамбарини оташга ташламайдику, ахир! Бизларчи? Бизга бу ибодатларнинг ўзи кифоя қилармиди? Бу қадар оз ибодатларимиз нажот топишимизга етарлимикан?

Бу саволга учовининг ҳам жавоби бир хил бўлди: «Йўқ! Асло!» дейишди. Улардан бири:

—Шу кундан эътиборан мен тунлари ухламайман, фақат ибодат қилиб чиқаман, — дея қасд этди.

— Мен уйланмайман, — деди иккинчиси.

— Мен кунларимни доимо рўза тутган ҳолда ўтказаман, — деди учинчиси.

Йигитлар пайғамбаримизнинг (а.с.в.) хотинлари ва қизларининг кўз ўнгида шундай қарорга келиб, у ердан айрилишди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уйга келиб, бу хабарни эшитдилару кўнгиллари хижил бўлди. Дархол

масжидга кирдилар. У ерда ўтирганларга ҳам воқеани англатиб, бундай хитоб қилдилар:

— Шуни яхши билингларки, сизларнинг ичингизда Оллоҳдан энг кўп қўрқадиган киши менман. Шу билан бирга, мен рўза тутаман ҳам, тутмаган кунларим ҳам бўлади. Тунлари ибодат қиламан, аммо ётиб ухлайман ҳам. Аҳли аёлим билан оилавий ҳаётни ҳам юритаман. Менинг йўлим ва суннатим мана шудир. Менинг сунна тимдан юз ўгирган эса, мендан эмасдир.

Дарҳақиқат, ибодатнинг шакли, вақти, миқдори доимо у зот кўрсатганидай бўлиши керак эди. Бошқа бировлар ўртага чиқиб кўрсатган шакл, вақт ва миқдорга ўз ақлича аралашиши, уларни кам деб ҳисоблашига ҳожат йўқ ва бундай ҳаракат маъносиз, хато ҳаракат бўларди. Оллоҳнинг пайғамбари У бўлганидан кейин Оллоҳга ибодат қилиш йўлини кўрсатиш ҳам Унга оид бўлиши керак эмасми?

Масала шу тариқа ҳал қилинган бўлди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уйларига келган ҳалиги уч йигитга ҳам, бошқа мўминларга ҳам энг гўзал ва энг яхши бир шаклда дарс бердилар. Аммо Усмон ибн Мазъуннинг бу воқеадан хабари йўқ, у уйида ибодати билан машғул эди.

Бир куни Усмоннинг хотини Ҳавла хоним Расулуллоҳнинг (с.а.в.) уйларига келди. Аҳволи паришон. Пайғамбаримиз аёллари ундан ҳол сўрадилар. Ҳавла эри Усмоннинг буткул бир бўйдоқ йигитдай ҳаёт кечираётганидан, эрхотинлик алоқасини тамоман тўхтатиб қўйганидан шикоят қилди.

— Кечалари узунданузоқ намоз ўқийди, кундузлари тинимсиз рўза тутади, — деди.

Кечқурун Расули акрам уйга қайтганларида хотинларидан бу хабарни эшитдилар. Дарҳол Усмонга одам жўнатдилар. Усмон ҳам ҳаялламай етиб келди.

—Чақиртирган экансиз, эй Оллоҳнинг расули, — деди.

—Эй Усмон, сен менинг суннатимдан юз ўгирдингми?!

Бу савол қаршисида Усмон сесканиб кетди:

—Оллоҳ сақласин! — деди шошапиша. — Мен сизнинг суннатингизни маҳкам ушлаб, шунга кўра яшашга кечакундуз ҳаракат қилиб ётибманку.

—У ҳолда шу ҳақиқатни билиб ол, эй Усмон: мен ҳам ухлайман, ҳам намоз ўқийман. Ҳам рўза тутаман, ҳам овқат ейман. Аёлимга яқинлик ҳам қиламан. Эй Усмон, Оллоҳдан қўрқ, шуни унутмаки, аёлингнинг ҳам сенда хаққи бордир. Никоҳнинг елкангга юклаган вазифаларини бажар. Келган меҳмоннинг сенда ҳаққи бордир, уларга бир нарсалар икром эт. Ўз нафсингнинг ҳам сенда ҳаққи бордир, вужудингни керагича дам олдир. Рўза тут, аммо тутмаган кунларинг хам бўлсин. Тунлари ибодат ҳам қил, дам ҳам ол.

Унга айтилган бу тавсиялардан сўнг пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаммага тааллуқли ушбу муборак сўзларни айтдилар.

— Қурбингиз етадиган амалларни қилишга аҳамият беринг. Шуни яхши билингки, Оллоҳу таоло сизнинг амалларингизга эваз беришдан зерикмайди, аммо сиз зерикасиз. Оллоҳу таолога амалларнинг энг хуш ёқадигани — оз бўлса ҳам, давомли бўлганидир.

Зерикиш ичра қилинган ибодатнинг фойдаси бўлмаганидек, тартибсиз, аммо кўп ибодатдан оз бўлсин, давомли ва тартибли қилинган ибодат янада хуш эканлиги шу тариқа билиб олинди.

Усмон ҳам Расулуллоҳнинг (с.а.в.) бу тавсияларига кучи етганича амал қилиш нияти билан у ердан айрилди. Орадан бир неча кун ўтиб Усмоннинг хотини Ҳавла чиройли, ясантусан кийинган ҳолда пайғамбаримизнинг (а.с.в.) аёллари зиёратига келди. Энди хўжайини Усмон ҳам секиначта оилавий ҳаётни яшай бошлаган эди.

** *

Орасира эндигина балоғат ёшига етган бир яҳудий йигитча масжидни супурибсидириб турарди. Учтўрт кун кўринмай қолди. Жаноби пайғамбар (с.а.в.) хавотир олиб, кетидан суриштирдилар. Касал бўлиб қолган экан. Расулулоҳ (с.а.в.) дарҳол бирикки дўстлари ҳамроҳлигида яҳудий болани зиёрат қилгани бордилар. Оллоҳдан шифо тиладилар. У ёқбу

ёқдан анча суҳбатлашиб ўтиришди. Ниҳоят пайғамбар алайҳиссалом йигитчага мусулмон бўлишни таклиф этдилар.

Йигит не деб жавоб қиларини билмай, отасининг кўзларига термулди. «Нима қил дейсиз, отажон?» дегандек илтижо маъноси бор эди унинг 6у қарашида.

Отаси ҳам касалликдан кунданкунга шамдек эриб бораётган ўғлига қаради. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, эндиэнди йигит бўлиб келаётибди, шу ёшида дунё билан видолашса... Ўлим томон қадамбақадам яқинлашаётганини кўзи очиқ ҳар бир инсон кўриб турарди. Дунёдан насибасини ололмаган гўдакнинг ҳеч бўлмаса охирати порлоқ бўлсин...

Шуларни хаёлидан кечираркан, ота шафқат ва марҳаматомуз бир овозла:

— Ўғлим, Абул Қосимга итоат эт, — деди.

Йигитча ҳам шундай жавобни кутиб тургандай, ша

ходат калималарини айтиб, мусулмон бўлди.

Бир оздан кейин Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) у ердан кетарканлар, йўлйўлакай:

— Бу йигитни жаҳаннамдан қутқарган Оллоҳга ҳамд этаман, — дедилар.

** *

Анас бир оқшом уйга кеч келди. Онаси Умму Сулайм хавотирланиб ўтирган экан.

— Қаерда қолдинг, ўғлим, — дея қаршилади.

— Пайғамбаримиз мени бир ерга жўнатдилар, — деб жавоб қилди Анас фахр ила.

— Кимга жўнатдилар? Нима иш билан?

— Бу бир сирдир, онажон. Пайғамбаримизга оид бир сир.

Умму Сулайм ўғлининг катта одамлардай бўлиб қолганидан мамнуният сезди:

— Ундай бўлса, ҳеч кимга айтакўрма, ўғлим. Бир сир ўлароқ қолсин, — деди.

Нима эди бу сир?

Пайғамбаримиздан, Анасдан ва хабар жўнатилган кишидан бошқа ҳеч ким кейинчалик ҳам бу сирдан хабардор бўлмади. Ҳаттоки Анас узоқ йиллар кейин, оппоқ соқолли бир чол бўлиб, ўлим тўшагида ётганида ҳам ўша омонатга хиёнат қилмади. Самимият ила хизматини қилиб турган Собит алБунонийга дедики:

— Ўша сирни ҳозиргача ҳам бир кимсага айтмадим. Агар уни ҳаётимда кимгадир айтишим мумкин бўлганида, уни албатта сенга айтардим. Аммо бу энди абадий бир сир ўлароқ қолади... (Муслим, 4/1926.)

* * *

Мадиналик мусулмонлардан Саъд ибн Муоз бир куни умра қилиш нияти билан Маккага йўл олди. Шаҳарга етиб келгач, эски таниши Умайя ибн Халафнинг уйига тушди, Умайя Мадинага келса, Саъднинг меҳмони бўлар, Саъд доим Умайянинг ёнида қолар эди.

Суҳбат мобайнида Саъд Каъбани тавоф этмоқчи эканини айтди.

— Қайси пайт тавоф қилсам яхши бўлади? — деб сўради.

Энг муносиб вақт пешиндан кейин ҳамма қайлула уйқусига кетган пайт деб топилди. Бирга чиқишди, Каъбага боришди. Саъд тавоф қила бошлади. Аксига олиб, Абу Жаҳл ҳам ўша ерда экан. Кўзларига уйқу келмай чиққан, шекилли.

— Ким бу одам? — деб сўради Умайядан.

— Ясрибдан Саъд ибн Муоз, меҳмоним, — деди Умайя.

Абу Жаҳлнинг тепа сочи тикка бўлди. Саъднинг қаршисига чиқди:

— Менга қара! — деди ўшқириб. — Сен шу онда истаганингча Каъбани тавоф қиляпсан. Ҳолбуки бизнинг жамоатимизни тўзитиб кетган Муҳаммадга ва шерикларига шаҳарларингдан бошпана бериб, ёрдам қилдиларинг. Қасам ичаманки, агар Умайянинг ҳимоясида бўлмасайдинг, бу ердан соғомон чиқиб кетолмасдинг.

Саъд ибн Муоз Абу Жаҳлнинг бу тарбиясизларча муомаласи қаршисида асабийлашди.

— Агар сен менинг Каъбани тавоф этишимга тўсқинлик қиладиган бўлсанг, мен ундан баттарроғини қиламан!

— Нима қила олардинг?

—Шом тижорат йўлини кесиб қўяман.

Умайя орага кирди:

— Эй Саъд, гапингни қайтиб ол. Қаршингдаги одам бу водий халқининг каттаси ва хўжайини.

«Эй, қуриб кетсин бунақа хўжайин, ер ютсин бундай каттани!» дея хаёлидан кечирди Саъд, Сўнгра:

— Эй Умайя, — деди қизишиб. — Ҳеч шубҳа қилмагинки, У келтирган дин кунданкунга тарқалиб кенгайиб, уфқларгача ёйилади. Бу ерларда ҳам диннинг ҳукми ўтадиган бўлади. Ҳеч ким бу диннинг ёйилишига монелик қила олмайди.

Умайя унинг сўзини бўлди:

— Эй Саъд, токи биз тирик эканмиз, бу ерларга у оёқ босолмайди. Сен ҳам буни билиб қўйгин!

Даҳанаки жанг тобора авжга минди. Саъд ҳам ўзини тутолмай қолди.

—Сенга келсак, эй Умайя, — деди, — мен Оллоҳнинг расулидан сени ўлдиришларини эшитдим.

Умайянинг ранги оқариб кетди.

— Маккада ўлдирарканми? — деб сўради.

— Унисини билмайман, — деди Саъд, — аммо бу сўзни шахсан ўзларидан эшитдим, ишонавер.

—Ўзи ўлдирармишми?

—Уни ҳам билмайман.

Энди меҳмондорчилик бўлмаслиги тайин, на меҳмон сифатида Саъднинг ва на мезбон сифатида Умайянинг бунга кайфияти қолди. Шу боис Саъд ўша ердаёқ туясига миндида, «Қайдасан, Мадина?» дея жўнаб кетди.

Можарони кузатиб турган Абу Жаҳл оловга яна ўтин қаламоқчи бўлдими:

—Нима гап, эй Умайя, бирдан оқариббўзариб кетдинг? — дея ўсмоқчилади.

—Эшитмадингми ясрибликнинг сўзларини, эй Абул Ҳакам?

—Эшитдим, нима бўлибди?

—Мени, ўлдираман, дебдику.

—Айтса, айтар. Келибоқ ўлдираётгани йўққу.

—Аммо, биласанки, Муҳаммад ёлғон гапирмайди.

Абу Жаҳл асабийлашди:

— Ёлғон гапирмаса, бор, сен ҳам унинг динига кир, қани, нега турибсан?!

Умайя боши эгилган ҳолда:

— Унинг динига кирадиган бўлганимда, сен билан маслаҳатлашиб ўтирмасдим, — деди ва хомуш уйига йўл олди.

Уйида хотини хавотирла кутиб олди.

— Сенга нима бўлди, ўйчан кўринасан?

Умайя бўлган воқеани айтиб берди. Хотинининг кўнглидан «Муҳаммад ёлғон гапирмайди» деган сўз билан бирга, бир аччиқ фиғон сизиб ўтди.

«Энди қочиб қутулолмасанг керак», деган маънода эрининг юзига қаради.

Умайя хотинидан бир гап кутиб ўтирмай, қарорини билдирди:

— Энг яхши чора Маккадан ташқарига чиқмаслик.

* * *

Жума намозларига Расули акрам (с.а.в.) катта аҳамият берардилар. Бир куни яна 6у мавзуда тўхталиб, бундай дедилар:

— Ким чиройли таҳорат олиб, жума намози учун масжидга келиб, жимгина хатибга қулоқ солиб тингласа, унинг икки жума ораси қилган гуноҳлари кечирилади, хам уч кун ортиғи билан. Лекин ким хутбага керагича эътибор қилмаса ва, масалан, ўйнаб ўтирса, беҳуда иш қилган ва мукофотдан маҳрум қолган бўлади. Жума куни масжидларнинг эшикларига фаришталар келиб ўтиради, келганларни навбат билан қайд этиб боради. Илк келганлар бир туяни қурбонлик қилгандек савоб оладилар. Кейинроқ келганлар бир сигир, ундан кейингилар шохли бир қўчқор қурбон қилгандек ҳисоб қилинадилар. Тўртинчи гуруҳ товуқ, бешинчи гуруҳ эса, тухум садақа қилгандек савобга эришиб, Оллоҳга яқинликни орзулаган инсондек муомала кўрадилар. Имом хутба ўқиши учун минбарга чиққанида, малаклар ҳам дафтарларини ёпиб, масжидга кирадилар ва хутбани тинглайдилар.

Пайғамбаримиз жума намозига алоҳида бир кийим кийишни одат қилган эдилар. Хутба ўқийдиган жойда жамоатга қараб ўтириб, азонни эшитар, кейин туриб бир хурмо устунига таяниб, Оллоҳга ҳамд ила бир ваъз бошлар, мўминларга тавсиялар қилар, яхшилик ва саодатга олиб борадиган йўлларни кўрсатар, барча мўминлар ҳақига дуолар қилар эдилар.

Хутба орасида қисқа бир муддатга ўтириб, кейин яна турардиларда, ҳамд ила бошлаган хутбаларини давом эттирардилар.

Хутбадан кейин жамоатга имом бўлиб, икки ракат фарз намоз ўқирдилар. Сўнгра Султони анбиё (с.а.в.) бундай деган эдилар:

— Ким жумадан кейин намоз ўқимоқчи бўлса, тўрт ракат намоз ўқисин.

Баъзан пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзлари уйда икки ракат намоз ўқиган пайтлари хам бўлган. Натижада Расулуллоҳнинг (с.а.в.) асҳоблари фарзни ўқигандан кейин тўрт ёки олти ракатдан намоз ўқий бошлаганлар. Баъзилар тўрт, баъзилар олти ракат ўқирди. Вақтнинг бўш ё тиғизлигига қараб, баъзан тўрт, баъзан олти ракат ўқийдиганлар ҳам бор эди.

Бир суҳбатда Расулуллоҳ (с.а.в.) яхши амалларнинг дунёда ҳам нажот василаси бўлишини англатдилар:

— Сиздан аввалги умматлардан уч киши биргаликда йўлга чиқди. Кечани ўтказиш учун бир ғорга кирди. Иттифоқо, тоғдан бир тош тушиб, ғорнинг оғзини бер китиб қўйди. Буни кўргач, ўзаро шундай дейишди: «Қилган бирон яхши амалларимизни айтиб, Оллоҳ таолодан мадад сўрашдан бошқа бизни бирон нарса қутқара олмайди». Улардан бири бундай деди: «Оллоҳим, менинг кекса онам ва отам бор. Уларни едирмасдан ичирмасдан олдин болаларимга ҳам, ҳайвонларимга ҳам бир нарса бермасдим. Бир куни ўтин олиб келиш учун кетган эдим. Кечроқ қайтдим. То овқат тайёр бўлгунча, ухлаб қолишибди. Уйғотишга ҳаддим сиғмади. Иккинчи ёқдан, овқатни оиламга улар емасдан олдин беролмасдим ҳам. Товоқни қўлимдан қўймай, уларнинг уйғонишларини тонггача кутиб чиқибман. Болаларим атрофимда йиғлашади. Ниҳоят отаонам уйғондию сутларини ичириб, кўнглим тинчиди. Оллоҳим, бу ишни сенинг розилигинг учун қилганимни тасдиқ этанг, бизга кенглик бер, бу тошдан келган балони кетказ», деди. Бу ҳикоядан кейин тошхиёл сурилиб тирқиш пайдо бўлди. Лекин қутулиб чиқиб кетиш учун у кифоя эмасди. Ҳамроҳлардан иккинчиси сўз бошлади: «Оллоҳим, амакимнинг бир қизи бор эди. Инсонлар ичида менга ундан севиклиси йўқ эди. Бир аёл қанчалик севилиши мумкин бўлса, мен ҳам уни ўша даражада севардим. Кўнглим тусаган ишни қилмоқчи бўлдим, кўнмади. Ниҳоят юртимизга қурғоқчилик келдию уни менга муҳтож қилди. Орзуимни бажаришга кўниш шарти билан унга юз йигирма динор бердим. Қабул этди. Энди мақсадимга етай деб турганимда: «Оллоҳдан қўрқ ва муҳримни ноҳақлик билан, никоҳсиз бузма», деди. Дарҳол орқага чекилдим, берган пулимдан ҳам воз кечдим. Оллоҳим, буни сенинг розилигинг учун қилганимни тасдиқ этсанг, бизга кенглик бер ва бу тошдан келган балодан халос қил», деди. Тош яна бир оз сурилди. Лекин очилган тирқишга ҳали ҳам одам сиғмасди. Шунда учинчиси

ҳикоясини бошлади: «Оллоҳим, мен бир неча ишчи ишлатдим. Ҳаммасига ҳақларини бердим. Аммо ичларидан бириси ҳақини олмади, ташлаб кетди. Мен унинг ҳақини ишлатдим, ҳатто шу даражадаки, натижада анчамунча молга соҳиб бўлдим. Маълум вақт ўтгач, олдимга келди ва: «Эй Оллоҳнинг бандаси, менга бер ҳақимни», деди. «Кўриб турганинг шу туя, сигир, қўй ва хизматчилар сеникидир», дедим. «Эй Оллоҳнинг бандаси, мени мазах қиляпсанми?» деди. «Мазах қилмаяпман, булар сеники», дедим ва аҳволни тушунтирдим. Ҳалиги одам ҳеч нарса қолдирмасдан ҳаммасини олиб кетди. Оллоҳим, буни сенинг розилигинг учун қилганимни қабул этсанг, бизга кенглик бер ва бу тошдан келган балодан бизни халос қил», деди. Шу пайт тош яна бир оз очилди ва у ердан чиқиб кетдилар...

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) Муоз ибн Жабал билан қаёққадир кетаётган эдилар. Ёлғиз иккалалари. Расули акрам (с.а.в.) бирдан:

—Эй Муоз! — деб чақириб қолдилар.

—Лаббай, эй Оллоҳнинг расули!

Бирон нарса десалар керак, деган қаноатда Муоз кутди, бироқ пайғамбаримиздан бошка садо чиқмади. Шу ҳолда анча жим кетдилар. Энди ҳеч нарса демасалар керак, деб ўйлаган ҳам эдики:

—Эй Муоз! — деб қолдилар яна.

—Лаббай, ё Расулуллоҳ. Амрингизга мунтазирман. Лекин у яна беҳуда кутди: анча юриб қўйганларига қарамай, бир оғиз ҳам сўз айтилмади. Энди умидини узган пайтда учинчи марта хитоб янгради:

— Эй Муоз!

Бошқа одам бўлганида... Аммо чақираётган Оллоҳнинг расули эди, Оллоҳнинг расули эса, мақсадсиз бир ишни қилмайди! Шу боис бу гал ҳам интизорлик ила жавоб қилди:

— Лаббай, ё Расулуллоҳ...

Шунда Пайғамбар (с.а.в.):

— Бандалар устида Оллоҳ таолонинг ҳаққи нима эканини биласанми? — дедилар.

— Оллоҳ ва расули яхши билади, — деди Муоз.

— Оллоҳнинг бандалари устидаги ҳаққи ибодат қилишлари, ҳеч бир нарсани унга шерик қилмасликларидир.

Сўз шу ерда тугади. Йўлчилик давом этди.

—Эй Муоз! — дедилар яна Сарвари олам (с.а.в.).

—Лаббай, ё Расулуллоҳ!

— Бандалар буни қилганлари тақдирда Оллоҳ таолонинг устида бандаларнинг ҳаққи нима бўлади, биласанми?

—Оллоҳ ва расули яхшироқ билади.

—Уларга азоб бермаслигидир.

— Бу хушхабарни инсонларга етказсамда, севинсалар, майлими, ё Расулуллоҳ?!

— Унда улар танбал бўлиб қолишади...

Суҳбат шу ерда тўхтади. Сафар давом этарди. Набиййи акрамнинг (с.а.в.) асл мақсадлари — аввал диққатни жалб қилиб, айтилажак сўзни Муознинг зеҳнига мустаҳкам жойлаштирмоқ эди. Шунчаки эшитиб қўядиган гап эмасди булар. Бундай бир усулни қўллашдан муродлари энди англашилди. Ҳарҳолда, бу сўзлар асрлар кейин келадиган умматга ҳам айни софлик ичида етказилиши учун айтилган эди. Зеҳнларга жойлаштириш учун энг қулай ва самарали чоратадбир эди бу.

Бир оз яна юргач, ерга чўкишди. Муоз вужуди Расулуллоҳнинг (с.а.в.) муборак вужудларига тегатега ёнма-ён қилган бу сафарининг завқини ҳеч қаердан топа олмас, бу саодатни ҳеч бир нарса эвазига алмаштиришни истамас эди.

Аммо иш бу билан тугамайдигандай эди. Набиййи акрам (с.а.в.) Муознинг қўлидая тутдилар:

— Эй Муоз, Оллоҳга қасамки, мен сени яхши кўраман. Ҳар намозингдан кейин мутлақо ушбу дуони ўқишингни тавсия этаман: «Оллоҳим, сени зикр этиш, сенга шукр қилиш ва сенга чиройли ибодат қилишим учун менга мадад бер».

Муоз кўзларининг ичига қараб гапираётган Расулуллоҳнинг (с.а.в.) бўйинларига ёпишиб кучоқлаб олай деди. Оллоҳнинг энг улуғ расули, яна бунинг устига қасам билан, уни севишини айтаётган эди! Ичидаги ҳаяжонни, севинчни англата олиш учун Муознинг бир эмас, минг тили бўлса ҳам, яна етмас эди. Кўзларининг ичигача бир иссиклик сингди. Кейин ёш томчилари ҳолида оқди бу севинч ифодалари. Расулуллоҳнинг унга махсус тавсия этган дуоларни поклик ичра Мавлосига айтаркан, лаблари ҳаяжон ва севинчдан титрар эди.

Муоз бу сафарни қалбининг энг тубида азиз бир хотира ўлароқ сақлади. Ўқиган ҳар намозининг орқасидан қўлларини кўтариб, Расулуллоҳнинг қўлларига тегиб турибди, деган хаёл ва тушунча ила «Эй Муоз, валлоҳи, мен сени яхши кўраман» сўзларини эшитаэшита, ўргатилган у дуони такрор этди: «Оллоҳим, сени зикр этишим, сенга шукр қилишим ва сенга чиройли ибодат қилишим учун менга мадад бер».

Муоз ҳаётининг охиригача бу дуода давом этди. Ўша сафарнинг хотирасини умри бўйи қалбининг тераникларида, фақат ўзига хос бир тарзда асрабавайлади. Ўлим тўшагида ётганини, дорул бақога кўчиш вақти етганини англабҳис этган пайтида у ширин хотирани ўзи билан мозорга олиб кетишга кўнгли рози бўлмади. Кўз ўнгида ўша муборак сафар қайтадан жонланди. Гўё Набиййи акрамни (с.а.в.) орқаларидан қучоқлаган: «Сизни ташламайман, сиздан айрилмайман, ё Расулуллоҳ!» дея ёпишиб олгандай...

Ўйга чўмган кўзлари бир муддат шундай қолди. Кейин бу сафарни бутун тафсилоти билан гапириб берди...

Энди иккинчи бир сафар бошланаётган эди. Яна Расули акрам (с.а.в.) ҳамроҳликларида, яна у зотнинг изларидан давом этувчи абадий ҳаётнинг, охират оламининг сафари...

Муоз (р.а.) охират оламига ана шундай хотиралар ҳамроҳлигида кўчди.

* * *

Мадиналик мусулмонлардан жуда фақир бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб, ёрдам истади.

—Уйда ишга ярайдиган ҳеч нарсанг йўқми? — деб сўрадилар Сарвари Олам.

—Битта кўрпамиз бор, — деди у одам, — ярмини остимизга тўшаймиз, ярмини устимизга ёиамиз. Яна бир идишимиз бор.

— Уларни менга келтир. Бориб олиб келди. Пайғамбар (с.а.в.) уларни қўлларига олдиларда, атрофдагиларга кўринарли даражада баландга кўтариб:

— Бу иккисини сотиб олмоқчи бўлган борми? — деб эълон қилдилар.

— Мен уларга бир дирхам бераман, — деди кимдир.

— Бир дирҳамдан кўпроқ берадиган йўқми?

Овоз чиқмади.

— Бир дирҳамдан ортиқроқ берадиган йўқми? —деб яна сўрадилар.

Яна ҳеч кимдан жавоб бўлмади. Пайғамбаримиз учинчи марта такрорладилар. Бу гал бошқа бир киши:

— Мен икки дирҳамга оламан, — деди.

Пайғамбаримиз кўрпа билан идишни унга бериб, пулни олдилар. Ҳалиги одамга:

— Бу икки дирҳамнинг бирига егулик бирон нарса олда, оилангга едир. Иккинчисига бир болта сотиб олиб, менинг олдимга кел, — дедилар.

Одам кетди ва болта олиб келди. Пайғамбаримиз уни ўз қўллари билан сопладилар.

— Бор, ўтин олиб келиб сот. Ўн беш кунгача сени кўрмайин, — дедилар.

Бояги одам чиқиб кетди.

* * *

Ўша кунлар бўлса керак, Расулуллоҳ (с.а.в.) ёнларида ҳозир бўлган еттисаккиз саҳобий билан кўришарканлар, бирдан сўраб қолдилар:

— Оллоҳга ва расулига байъат қилмайсизларми (ҳар
амрига бўйсуниш ҳақида сўз бермайсизларми)?

Ҳамма ҳайрон бўлди. Умр бўйи ҳар бир буйруқларини бажаришга сўз берганларига ҳали ҳеч қанча бўлмаган эдида.

— Биз сизга байъат қилган эдик, ё Расулуллоҳ, —дейишди.

Пайғамбаримиз бу гапни гўё эшитмадилар.

— Оллоҳнинг расули билан аҳдлашмайсизларми? —дедилар.

Яна ўша жавоб берилди. Бундай бир аҳдлашув бўлгани, ҳали кўп вақт ўтмагани ҳам эслатилди. Пайғамбаримиз яна эшитмагандек, учинчи марта таклифни такрорлаганларидан кейин саҳобийлар қўлларини узатдилар.

— Биз сизга ҳар амрингизни бажаришга сўз берган эдик. Бу гал қандай иш учун байъат қиламиз, эй Оллоҳнинг расули? — дея сўрашди.

Шунда Жаноби Пайғамбар (с.а.в.):

— Оллоҳгагина қуллик қилишга, унга ҳеч нарсани ширк қўшмасликка, беш вақт намозни ўқишга ва менга итоат қилишга сўз беринглар. Ҳамда... — дея бир муддат тўхтаб турдиларда, пичирлаган овозда қўшимча қилдилар: — Ҳамда ҳеч кимдан бирон нарса истаманг, тиланманг.

Расули кибриёнинг (с.а.в.) бу тавсиялари шу ерда ҳозир бўлганларга ҳақиқий маънода таъсир этиши аниқ эди. Улардан бири бўлмиш Авф ибн Молик орадан йиллар ўтиб, бу ҳодиса билан алоқадор хотирасини англатар экан, бундай деган эди: «От устида турганда қамчиси тушиб кетганлар бўларди, аммо уни олиб беришни ҳам ерда турганлардан илтимос қилишмас эди» (яъни, ўзлари тушиб олишарди).

** *

Салмон мусулмон бўлганидан бери фурсат топган заҳоти масжидга келар, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) орқаларида намоз ўқиш саодати ила шарафланиб қайтар эди. Жума намозларига кела олмаган пайтлари ҳам бўлди, ичи ёнди. Бунинг изтиробини чекар экан, қулларга жума намози фарз эмаслигини ўргангач, бир оз хотиржам тортди. Оллоҳнинг энг охирги пайғамбарининг даъватини қабул этганлардан бўлишдек бир бахт ичида яшарди. Аммо айни чокда, бировнинг қули эди. Эх, уни куфр ҳаётидан қутқариб имонга қовуштирган Улуғ Мавло бир кун келиб қулликдан ҳам қутқариб, ҳурриятини қўлига берармикан?!

Шу онда хўжайини билан ўрталарида бирон келишмовчилик ё норозилик йўқ эди. Салмон кўрсатилган ишларни исталганидан ҳам чиройли бажарар, шунинг учун ҳеч ким унинг ибодатларига аралашмас эди.

** *

Муҳаррам ойининг ўнинчи куни яҳудийларда бир ўзгариш кўрилди: улар емасичмас эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) сабабини сўрадилар:

— Оллоҳ таолонинг Мусони (а.с.) Фиръавндан, аскаридан қутқарган кундир бу кун.
Шунинг учун рўза тутамиз, — деб жавоб беришди.

Пайғамбари замон (с.а.в.) саҳобаларига ўгирилдилар:

— Биз Мусога улардан ҳам яқинроқмиз, унга дўст бўлишга улардан кўра лойиқроқмиз, — дедилар ва ҳамон ўша куниёқ рўзага ният этдилар. Асҳоби киромга ўша кунни рўза билан ўтказишни буюрдилар.

Кейинги йили Ҳазрати Мусога яна ҳам боғлиқликнинг бир аломати ўлароқ ўша кундан олдинги ва кейинги кунларни ҳам қўшиб, Муҳаррам ойининг тўққизинчи, ўнинчи ва ўн

биринчи кунларини рўзадор ҳолда ўтказишни мақсад қилиб қўйдилар.

* * *

Абу Зарр ҳаётида бир куни шундай ҳодиса рўй берди, ундан олган сабоғи умрига татигулик бўлди. Бу баҳонада эса, Ислом динининг инсонлар ўртасидаги муносабатга доир яна бир олижаноб ҳукми жорий бўлдики, барча мўминлар то қиёматгача ҳаётларида бу ҳукмга қатъий риоя этажаклар.

Хуллас, Абу Зарр қора танли бир одам билан жанжаллашиб қолди. Уртада қаттиқ гаплар ўтди. Абу Зарр унга ҳатто:

— Онанг араб эмас сенинг, эй қора хотиннинг ўғли! —деб юборди.

Бу сўзлар у одамга ҳаддан ташқари оғир келди. Дарҳол Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига бориб шикоят қилди. Пайғамбаримиз Абу Заррни чақирдилар:

— Эй Абу Зарр, сенда жоҳилият ахлоқи бор экан. Қандай қилиб бир инсонни онасига қараб айблайсан?

Абу Зарр ўзини оқламоқчи бўлди:

— Эй Оллоҳнинг расули, кимдир кимнидир сўкса, онаси ё отасини сўкадида, деди. Бу эътироз билан у иккинчи бор хатога йўл қўйди.

Пайғамбаримиз унга аввалги сўзларини такрорладилар.

Абу Зарр бу иккинчй танбеҳдан кейингина ўзига кела олди.

Дарҳақиқат, ҳалиги одам унга оғир сўзлар айтган бўлиши мумкин, лекин Расулуллоҳ (с.а.в.) комилликни ундан кутаётган эдилар. Чунки Абу Зарр Ислом динини илк қабул қилганлардан бўлиб, бу динга кўнгилдан боғланиб кетган эди. Бинобарин, Пайғамбари замон (с.а.в.) Абу Заррда энди ўжар ва қўпол бир одамни эмас, кечиримли, меҳрибон ва муомалали инсонни кўрмоқчи эдилар. Тўғри, у одамга унинг айтганига қарагаида ўн баробар қаттиқ гапириш ҳеч қийин эмас, аммо бу иш нафсга эргашиш, шайтоннинг чақириғини қабул этишнинг бир натижаси бўларди, холос. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) тарбиялари остига кирган бир инсон билан бундай қўпол муомала орасида бирон муносабат бўлиши мумкинми?

Қолаверса, у одамнинг қўполлигига жавобан бу ҳам оғир сўзлар айтса, албатта рози бўлади, нафси шодланади, лекин кечирса, Оллоҳнинг розилигига эришиб, яхшилик ва фазилат йўлида гўзал ўрнак бўлади.

Бир инсонни кимдан туғилганига қараб айблаш жоҳилият давридан қолган аянчли бир иллат сифатида энди асло такрорланмаслиги керак эди. Қорани ҳам, окни ҳам Оллоҳ яратганини билатуриб, Абу Зарр бундай муомаласи билан қусурни кимга ағдараётганини ўйлаб кўрдимикан?

Дунёга қайси онадан ва қайси отадан келишини ким тайин эта олибдики, бу одам ҳам Абу Заррнинг ҳақоратига йўлиқмаслик учун отаонани танлай олади? Ким ўзининг қора ёки оқ рангда дунёга келишига аралаша олганки, бу одамнинг онаси ҳам ўз рангини тайин этсин?

Шундай экан, бу одамни онаси, унинг ранги ва миллатидан айблаш қайси ўлчовларга сиғади? Бунга жоҳилият ахлоқи дейилмаса, нима дейилади, ахир?!

Пайғамбаримиз унга: «Сенда жоҳилият ахлоқи бор экан», дер эканлар, мана шуларни тушунтирмоқчи эдилар.

Ҳолбуки, Абу Зарр ким эди? Калтакланишини билатуриб, мушриклар ҳузурида, Ислом динини қабул этганини илк бор ҳайқириб эълон қилган бир одам! Унинг Ислом динидан бошқа ўлчови бўладими?

Пушаймон бўлди Абу Зарр. Ўшандан кейин то ҳаётининг сўнггигача бировни онаси ёки отаси туфайли айбламади.

* * *

Бир хотин Расулуллоҳни излаб, масжидга келди. Дардини айтиб, шифо тилашларини сўрамоқчи бўлган экан. «Марҳамат, гапир, қулоғим сенда», деган маънодаги қараш билан кутиб

олдилар. Хотин бундан жасоратланди, мақсадини бемалол айта олишига қаноат ҳосил қилди.

— Эй Оллоҳнинг пайғамбари, мен тутқаноқ касалига йўлиққанман. Илтимос, бу касалликни аритишини сўраб Оллоҳга дуо қилсангиз. Келишдан мақсадим шу эди,— деди.

Ҳазрати Пайғамбарнинг (с.а.в.) жавоблари уни катта имтиҳон остонасига олиб келиб қўйди:

— Истасанг, сабр қил, бунинг эвазига сенга жаннат берилади. Истасанг, сенга офият берилиши учун Оллоҳга дуо қиламан.

«Истасанг, дунё роҳатини, истасанг, охират ҳузурини танла», деганлари эди бу.

Бир онда дунё ҳаёти кўз ўнгида гавдаланди. Кичик бир қизча... тўлақонли бир аёл... тушунча ва муомаласи оғирбосиқ комил бир инсон... бели букилган кекса кампир... ва ниҳоят елкалар устида охирги сафарга кетаётган бир фоний...

Бу муҳокама жуда қисқа вақтда кечди. Қарорини шахсан ўзи, азму ирода тўла бир овоз ила берди:

— Сабр қиламан!..

Қисқагина бу жавобдан Расулуллоҳнинг (с.а.в.) юзларида нур жилваланди ва шуълалар пайдо бўлди, мамнуният излари кўринди. Бу жавоб мустаҳкам бир имонга, соф бир тушунча ва ниятга далолат қиларди. Дунёнинг фонийлигига ҳақиқатан ишонган, охиратни боқий деб билган бир инсонгина шундай жавоб қила оларди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) эккан иршод уруғлари ҳозирданоқ кўкариб куртак ота бошлаган эди.

Аёл яна бир муддат турдида, сўнг бошқа бир нарса илтимос қилди:

— Ё Набийаллоҳ, тутқаноқ тутган пайтида баданим очилиб қолади, шундан уяламан. Дуо қилинг, баданим очилиб қолмасин, — деди.

Пайғамбар (с.а.в.) қўл очиб, дуо қилдилар. Масала ўша ердаёқ ҳал бўлди. Пайғамбаримизнинг бу ниёзларининг рад этилмаслиги аниқ эди.

Аёл келган тарафига қайтиб кетар экан, жаннати аёл эканига ишонган бир зот орқасидан ҳавас билан қараб қолди...

У кўздан ғойиб бўлгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) шерикларига бундай изоҳ бердилар:

— Мўминга келган ҳар мусибат туфайли Оллоҳ таоло унинг яхшилигини орттиради. Ёки ёмонликларидан бирини ўчиради. Гарчи бу мусибат оёғига тош ботиши ё тикан кириши бўлса ҳам.

* * *

Бомдод намози ўқилди. Жамоат нигоҳи Пайғамбарга (а.с.) қадалган. Гўё «суҳбатингизни соғиндик», деяётгандек. Расули акрам (с.а.в.) асҳобларини кўп интизор қилмадилар. Босиқвазмин оҳангда, чертибчертиб сўз бошладилар.

— Қиёмат куни инсонлар энг аввал намоздан сўроқ қилинадилар. Улуғ Оллоҳ хамма нарсани жуда яхши билгани ҳолда малаклардан: «Қаранг бандамнинг намозига, ҳаммасини ҳам ўқибдими ёки ўқимаган намозлари ҳам борми?» деб сўрайди. Қарайдилар. Ўқимай қолдирган намози бўлмаса, «Намози тўлиқ», деб ёзадилар. Бордию ўқилмай қолган намозлари борлиги қайд этилса, унда Оллоҳ таоло: «Қарангчи, кўшимча нафл намозлари борми?» дейди. Қаралади. Агар нафл намози бўлса, Улуғ Мавло: «Бандамнинг қазо намози ўрнини нафл намозлар билан тўлдиринг», деб марҳамат қилади. Ундан кейин бошқа амаллари ҳисоб-китоб қилинади. Инсон умрини қайси йўлда ўтказгани, илми билан нима амал қилгани, молини қандай топиб, қаерга сарфлагани, баданини қайси йўлда қаритгани ва ҳоказо саволларнинг жавобини бермагунча, қиёмат куни турган жойини тарк эта олмайди. Қиёмат куни энг аввал уч тоифа ҳисоб-китоб қилинади: Бири дунё хукмига кўра шаҳид ҳисобланган одам. У Оллоҳ таолонинг ҳузурига келтирилади. Улуғ Мавло унга берилган неъматларни хотирлатади. У ҳам бу неъматларга эришганини эътироф этади. «Хўш, бу берилган неъматлар эвазига нима қилдинг?» «Сенинг йўлингда жанг қилдим ва оқибатда жонимни бу йўлда бердим, шаҳид бўлдим». «Ёлғон

айтяпсан. Сен аслида фалон одам жасур, қаҳрамон десин деб жанг қилдинг, кутганинг гаплар сен ҳақингда айтилди. Шундай қилиб орзуингга эришган бўлдинг. Энди бу ерда сенинг биздан оладиган нарсанг қолмади». Кейин буюрилади: юзтубан судраб олиб борилади ва дўзахга отилади. Иккинчи тоифа илм ўрганган ва бошқаларга ўргатган, Қуръон ўқиган бир одамдир. У ҳам ҳузури Илоҳийга келтирилади. Оллоҳ таоло унга ҳам неъматларини эслатади. У ҳам бу неъматларни эътироф этади. Кейин ўзаро бундай саволжавоб кечади: «Бу неъматлар эвазига сен нималар қилдинг?» «Илм ўргандим, ўргатдим ва сенинг розилигинг учун Қуръон ўқидим». «Ёлғон айтяпсан. Сен аслида олим десинлар, дея илм ўргандинг. Қуръонни чиройли ўқир экан, десинлар учун ўқидинг. Кутганинг гаплар сен ҳақингда жуда кўп айтилди. Орзуингга эришдинг ҳисоб». Кейин буюрилади: юзтубан судралиб, жаҳаннамга ташланади. Учинчиси Оллоҳ бой қилиб қўйган, турлитуман мол-мулк берган кимсадир. У одам ҳам келтирилиб, неъматлар эслатилади. У ҳам бу неъматларга эришганини эътироф этади. «Хўш, бу неъматлар эвазига сен нима қилдинг?» «Сен сарфлашни буюрганинг ҳеч бир йўлни қолдирмадим, ҳар бирини доим сенинг розилигинг йўлида сарфладим». «Ёлғон айтяпсан. Сен аслида фалончи жуда сахий десинлар, деб бу ишларни қилдинг. Орзу қилганларинг айтилди. Бу ерда биздан оладиган нарсанг қолмади». Кейин буюрилади: у одам ҳам юзтубан судралиб, дўзахга элтилади. ...Эй асҳобим, энди айтингчи, сизнингча, «муфлис» деб кимни айтилади?

— Бизнингча, муфлис пулимоли бўлмаган кишидир, ё Набийаллоҳ!

Пайғамбаримизни бу жавоб қониқтирмади. Сўзларини бундай давом эттирдилар:

— Менинг умматимдан асл муфлис шундай кишидирки, қиёмат куни ўқиган намози, тутган рўзаси, берган садақа ва закоти билан келади. Шу билан бирга, фалончини сўккан, фалончига тухмат қилган, фалончининг молини еган, бошқа бирисининг қонини тўккан, яна бирини урган бўлади. Яхшилик ва савобларидан унга берилади, бунга берилади, устидаги ҳақлар тўланмасдан яхшиликлари тугаб қолса, уларнинг хато ва гуноҳларидан олиниб, бу одамга юкланади. Кейин эса, гуноҳи савобидан оғир келиб қолган бу одам дўзахга ташланади. Мана, умматимнинг муфлиси шудир. Шу билан бирга, бир киши чиройли амаллар қилиб Парвардигорига яқинлик ҳосил қилади. Ҳаттоки Жаноби Мавло уни севги ва ризоси ила ўрайди. Қиёмат куни ҳисоб-китоб қилинар экан: «Сен шу хатони қилдинг, шу айб ишни бажардинг», дея унга эслатилади.^ У одам ҳам ҳамма қилганини қабул ва эътироф этади. Ўшанда Оллоҳ таоло: «Мен дунёда сенинг гуноҳларингни, айбларингни яширдим, бугун эса кечиб юбораман», дея марҳамат қилади. Шундай қилиб, у одам нажот топади. Етти тоифа инсон бор, ҳеч бир соя бўлмайдиган қиёмат кунида уларни Оллоҳ таоло хусусий ўлароқ ўз Арши соясида кўланкалатиб роҳатлантиради. Булар: адолат билан ҳукм қилган амир (бошлиқ); Оллоҳга ибодат севгиси билан ўсган ўспирин; қалби масжидларга боғлиқ инсон; Оллоҳ йўлида бир-бирларини севган, бу севги ила бир орага келган, бу севги ила айрилган икки инсон; обрўли гўзал бир аёл тарафидак шаҳвоний мақсад учун чақирилгани ҳолда: «Мен Оллоҳдан қўрқаман», деган ва бу таклифни рад этган инсон; ўнг қўли берганини чап қўли билмайдиган даражада яширин садақа қиладиган инсон; ёлғиз ўзи қолганида Оллоҳ таолони эслаб кўзлари ёшга тўлган одам... Эй асҳобим, сизлардан ҳар бирингиз билан Роббул Оламийдн қиёмат кунида гаплашади. Ўртада таржимонсиз гаплашади. Инсон ўшанда ўнг томонга қарайди. Фақат дунёда қилган амалларини кўради. Чап томонига қарайди, яна амалларини кўради. Олдига қараса, қаршисида жаҳаннам бор...

Расулуллоҳ (с.а.в.) буларни айтгач, бир зум тин олдиларда сўзларида шундай давом этдилар:

— Ҳар ким қилинган амални кичик кўрмасдан, бир хурмонинг ярмиси билан бўлса ҳам, дўзах ўтидан сақланишнинг имконини қилсин.

Расулуллоҳ (с.а.в.) суҳбатни шу ерда тугатдилар.

Кўнгиллар ҳақиқатан ҳам дунёдан айрилиб, бошқа бир оламда кезиб, қўрқибтитраб, ҳам

яна умидвор бўлган эди. Қудрати ҳамма нарсани қамраган Улуғ Мавлонинг ҳузурида ожиз бир қул ўлароқ ҳисоб бера олиш, бу ҳисобдан ёруғ юз билан чиқа олиш осон эмасди.

Келишига ҳеч шубҳа бўлмаган бир Кунда ёруғ юз билан ҳисоб бера олиш учун бу дунёдаликдаёқ енгларни шимариб ғайрат қилиш лозим эди. Қиёмат бошланганида ҳатто ўз дардига чора топа олмай қоладиган инсонларнинг ризоси учун эмас, Оллоҳ ризоси учун иш қилиш лозим бўларди.

Масжиддан чиққанларнинг ҳар бири пок бир ният билан, асло риёкорлик қоришмаган ёруғнурли тушунчалар билан тарқалишди. Набиййи акрамнинг (с.а.в.) бу суҳбатлари кўзларни ёшлатиб, кўнилларни ларзага келтирган эди. Эшитганларнинг ҳар бири гўё эритилиб, уйуйларига янгидан қолипга қуйилгандек буткул ўзгариб тарқалди.

* * *

Орадан бир неча кун ўтиб, Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) йўлда Ханзалани учратдилар. Ичида дарди бор одамдек хомуш эди.

—Қалайсан, Ханзала?

—Унча эмас, — деди у мужмал қилиб.

—Нега?

—Мунофиқ бўлиб қолдим.

—Аминмисан шунга?

— Албаттада.

—Нима деяётганингни биласанми ўзинг? Нима бўлди, тушунтириброқ айт!

—Ўзинг биласан, эй Абу Бакр, биз пайғамбаримиз ҳузурларига кўп борамиз, У жаноб бизга охират оламидан, жаннату жаҳаннамдан гапирсалар, кўзим билан кўргандек, ўша оламда яшаётгандек бўлиб ўтираман. Бироқ ул зотнинг ёнларидан чиқиб, оиламга қайтишим билан айтилган нарсаларни унутиб, шу олам ташвишларига кўмилиб қоламан. Қисқаси, пайғамбаримиз олдиларида бошқача, бу ёқда бошқача яшаётгандекман. Мунофиқ бўлмай нимаман? Менинг уйқумни қочирган нарса шу.

Ҳазрати Абу Бакр унинг ҳолатини тасдиқ этдилар:

— Оллоҳга қасам, бу ҳол ёлғиз сенинг бошингда эмас, ҳаммамиз шу аҳволдамиз, эй Ханзала!

— Мен бу ҳақда Расулуллоҳга айтмоқчиман.

— Унда бирга борамиз.

Боришди, Расули кибриё жанобимизнинг ҳузурларига киришди. Ханзала ҳаммасини гапириб берди. Пайғамбаримиз жим эшитдилар, сўнгра дедилар:

— Жоним қўлида бўлган Оллоҳга қасам, агар менинг ёнимдаги ўша ҳолатни давом эттира олганингиздами эди, тўшакларингизга ётар маҳал кўчаларда кезиб юрар экансиз, малаклар келиб сиз билан қўшқўллаб кўришар эди. Лекин, эй Ханзала, тавсия этаман: бу ҳолатни авайла, узмасликнинг пайида бўл, вақтивақти билан давом эттир...

Ханзаланинг кўнгли ёришиб, анча таскин топди. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) энг яқин дўстларики шу ҳолатга тушаётган бўлса, қўрқмаса ҳам бўларкан. Зотан, Расулуллоҳ (с.а.в.) инсоннинг тоқати етадиган нарсаларни ўйлаб: «Эй Ханзала, бу ҳолатни вақтивақти билан давом эттир», деб марҳамат қилган эдилар. Пайғамбаримиз ҳузурларидан чиқар экан, энди у «мунофиқларга ўхшаб қоляпманку», деган бояги ҳисдан тамомила фориғ бўлган эди.

Кейинчалик Ханзала Расулуллоҳнинг (с.а.в.) Усмон ибн Мазъунни чақириб. «Сенда хотинингнинг ҳам ҳаққи бор...» дея уни танқид этганларини эслади. Тўғрида, модомики дунёда яшаётган экансан, бу оламдан тамомила алоқани узиб ҳам бўлмайдида.

Ханзала уйида бола-чақалари билан машғул экан, ичини тирнаган бир кун аввалги оғриқни бу сафар сезмади.

** *

Ўн беш кун менга кўринма, деб жўнатилган одам юзида мамнуният балқиб кириб келди. Пайғамбари зишон жанобимиз уни кўриб табассум қилдилар. Нималар билан машғул бўлганини сўрадилар.

— Ё Расулуллоҳ, айтганингиздек ўтин тўпладим, келтириб сотдим. Бугунгача ўн дирҳам пул йиғдим. Оиламга озуқа ва кийим олдим, — деди у.

Буни эшитиб Пайғамбаримиз (а.с.в.) хурсанд бўлиб кетдилар:

— Сенинг пешона тери тўкиб турмушингни тебратишинг қиёмат куни юзингда тиланчиликнинг доғлари пайдо бўлишидан хайрлидир. Тиланиб бир нарсалар сўрашга уч тоифа кишилар лойиқдирлар: агар ниҳоят даражада фақир бўлсалар, тўлаш жуда қийин бўлган қарзга ботиб қолсалар ва яна қариндошнинг хун ҳаққи юкланиб қолса... жоиздир.

** *

Масжидга бир одам кирди, бир бурчакка ўтди ва намоз ўқий бошлади. Жаноби пайғамбаримиз (с.а.в.) учтўрт киши билан суҳбат қуриб ўтирган эдилар. Ҳалиги одам намозини ёв қувгандек шошқалоқлик билан ўқир, бошини саждага қўярқўймас кўтарар эди. Бирпасда намозини тугатиб, даврага келди. Салом берди. Жанобимиз унга алик олдиларда, орқасидан:

— Қайт, бошқатдан намоз ўқи, чунки сен намоз ўқимадинг ҳисоб, — дедилар.

Одам индамади. Бориб, айни намозни бошқатдан ўқиди. Келганида, саломига алик олинаркан, олдинги амр яна такрорланди:

— Қайт, намоз ўқи, чунки сен намоз ўқиган бўлмадинг.

У одам яна бир нарса демади, яна айни шитоб билан намозини ўқиди, тугатди, келди. Учинчи марта намозга қайтарилганида самимий бир ифода билан деди:

— Сизни пайғамбар қилиб юборган Аллоҳга қасамки, бундан бошқача намозни билмайман. Бундан чиройлироқ ўқиш илмига ҳам эга эмасман. Намозимни қандай ўқий, менга ўргатинг, ё Расулуллоҳ.

Жаноби пайғамбаримиз (с.а.в.) тушунтира бошладилар: ,

— Намозга турганингда «Оллоҳу акбар» деб такбирайт. Кейин ўзингга осон бўлган, ёдлаган жойингдан Қуръон ўқи. Сўнгра рукуъга бор ва ҳаракатсиз туриб қолгунингча рукуъ ҳолида тур. Кейин тиклан ва бир оз ҳаракатсиз тик тур. Ундан кейин саждага бор. Саждада ҳам қимирламасдан бирпас кут. Ундан кейин ўтир. Кут, дарров иккинчи саждага кетиб қолма... бутун намоз давомида шундай қил. Шошилма.

Хдлиги киши энди намозини худди Расулуллоҳ (с.а.в.) таърифлаганларидек тарзда ўқиш учун масжиднинг бир чеккасига ўтди.

Намоз мўминнинг Парвардигорига қуллиги ифодасидир. Шунинг учун ҳам у ҳузур ва сокинлик билан ўкилиши лозим. Тўғри, дуруст, буюрилганидек ўқилса, намоз инсонни ёмонликлардан, бузуқликлардан узоқ тутади, асрайди. Намознинг бошидан охиригача Жаноби Мавлонинг ҳузурида юзланиб тургандек туриш керак.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу ҳолатни тушунтириш учун асҳобларига қарадилар:

— Оллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: «Мен намозда ўқиладиган Фотиҳа сурасини бандам билан ўз орамда иккига тақсим этдим. Ярмиси менга, ярмиси унга оиддир. Бандамга эса, у нима истаса, шу берилажак». Инсон намозда: «Ҳамд Оламларнинг парвардигорига махсусдир», деганида, Оллоҳ таоло: «Бандам менга ҳамд айтди», дейди. «У Раҳмон ва Раҳмлидир», деганида, «Бандам менинг улуғлигимни эътироф этди», дейди. «Сенгагина ибодат қиламиз, Сендангина мадад сўраймиз», деганида, «Мана шу мен билан бандам орасида бўлган қисмдир. Бандамнинг сўрагани унга берилади», дейди. «(Ё Раббим) бизни неъмат эҳсон қилган бандаларингнинг йўли бўлмиш тўғри йўлга ҳидоят айла, ғазабга дучор бўлган ва залолатга йўлиққанларнинг йўлига эмас», деганида, «Мана бу қисм бандамга оид бўлганидир. Бандам сўраган нарса унга берилажак», дейди.

Саййидул анбиё ҳазратларининг бу айтганларига кўра, бир инсон намоз ўқир экан, Оллоҳ

таоло билан сўзлашгандек бўлади. Оллоҳ таоло фақат бир ракатнинг ўзида уч бор «Бандам сўраган нарса унга берилади», деса, энди намознинг аҳамияти ҳақида бошқа сўзга эҳтиёж ҳам қолмайди. Энди банданинг вазифаси намозни жиддият билан ўқиш. Намозда «Сенгагина ибодат қиламиз, Сендангина мадад сўраймиз», дер экан, бу сўзни кимга айтаётганини идрок этиши лозим. Ҳузури илоҳийда туриши, Раббига ибодатини манзур этиши, унинг ҳузурида бошини саждага қўйиши лозим. Қалбини Парвардигори билан алоқаси йўқ нарсалар, намоз ўтаётган кишига ярашмайдиган тушунчалар билан банд этиш, машғул қилиш инсонни йўлдан оздирадиган ҳолатлардир. Бундай ўқилган намоз инсонни қандай қилиб ёмонликлардан ва бузуқликлардан қайтарсин?!

** *

Мадиналик учтўрт мусулмон бир роҳиб билан суҳбатлашар эди. Эндигина ўспиринлик чоғига етишган Салама ибн Салама у одамни кўрибоқ таниди ва эски бир воқеани хотирлади.

Бир неча йил бурун уни шу уйларининг ёнида ёниб гапираётганини кўрган эди. Охиратдаги азобга йўлиққандан кўра, гуриллаб ёнаётган тандирга отилишни афзал кўрадиган одамга ўхшар эди у. Сўзларини ҳайронлик билан тинглаётганларга у Макка тарафни кўрсатиб, ана шу ердан бир пайғамбар чиқади ва менинг бу сўзларимга шоҳид бўласизлар, деган эди. Ҳаяжон билан айтган бу сўзлари Саламанинг хотирасига жуда қаттиқ муҳрланиб қолган экан, ҳозир уни кўрибоқ эслади.

— Ўшанда Макка тарафдан пайғамбар чиқади, деб айтган сен эмасмидинг?

— Ҳа, мен эдим.

— Ўша Пайғамбарга имон келтирамиз ва сизларнинг таъзирингизни берамиз, деганчи, ким эди?

— Ҳа, биз эдик, — деди у бўшашибгина.

— Хўш, унда нега имон келтирмаяпсизлар? — деди Салама.

Роҳиб анчагина туллак экан.

— Тўғри, лекин, — деди чайналиб, — бу сизларнинг одамингизда, биз кутаётган пайғамбар эмас...

Ҳануз томирларида ўспиринлик қони қайнаб турган Салама бу ориятсиз роҳибнинг бўғзига ёпишишга тайёр эдию, лекин ўзини босди. Қизиғи, ўша кунги самимият ҳам, бугунги туллаклик ҳам бир одамга оид эди. Оллоҳнинг ўзи асрасин бунақа мунофиқликдан.

* * *

Боғга кириб қўлига тушган тошни хурмо дарахтига отаётган бола елкасига тушган қўлни ҳис этгунга қадар завқи оламжаҳон эди. Ҳар отганида бирикки хурмо тўкилиб, у югуриб борар, олибоқ оғзига тиқар, еб бўлиб, яна тошбўронни бошлар эди. Қўлга тушганини англагач, юрагини қўрқув босди ва пушаймонда қолди.

— Энди қилмайман, амакижон!..

Лекин бу сўз етарли бўлмади.

— Бу сенинг биринчи тош отишинг эмаску? — деди ҳалиги одам ва ёқасидан тутганча масжидга олиб келди.

— Ё Расулуллоҳ, — деди у одам, — бу болага кучимиз етмаяпти. Хурмоларга тош отишдан бошқа иши йўқ.

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) болага қарадилар.

—Ўғлим, хурмоларга нега тош отасан?

—Егим келди...

— Энди бундай қилма, остига тўкилганидан е, —дедилар Сарвари олам. Кейин бошини силаб, «Оллоҳим, бу боланинг қорнини тўйғаз!» деб дуо қилдилар.

** *

Ўша воқеадан бир неча кунгина ўтиб, кўзёшларини артиб, масжидга бир бола кириб келди ва Расулуллоҳга (с.а.в.) яқинлашди. Ўксинишларини зўрға тийиб:

— Эй Оллоҳнинг пайғамбари, қорним жуда очқаб, бир боғга кирдим. Дарахтга зўрға чиқиб, бир хурмо шодаси уздим. Бир қисмини еб, қолганларини чўнтагимга жойладим. Эгаси тутиб олиб тоза калтаклади. Устига устак, кўйлагимни ечиб олди, — деди ва яна йиғлаб юборди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) у одамни айттириб келдилар. У салом бериб кирди ва сўралгач, боланинг айтганларини такрорлади.

Пайғамбаримиз унга:

— Бир болани уришдан олдин у билмаган одобни ўргатиш ва қорнини тўйғазиш керак. Энди унга кўйлагини қайтариб бер, — дедилар.

Бояги одам боланинг қўлидан тутиб олиб кетди. Кўйлаги қайтариб берилди, қорни тўйғазилди. Чиройли сўзлар билан кўнгли олинди. Шу билан бирга, бир замбил хурмо эҳсон қилинди.

** *

Бир куни Абу Талха уйига жуда маҳзун қиёфада қайтди. Умму Сулайм уни кўриб ташвишга тушиб қолди.

— Нима бўлди? Нега хафа кўринасиз? — деди қайғуриб.

—Жаноби Пайғамбаримизнинг овозлари менга жуда паст эшитилди. Қоринлари очлигини пайқадим. Бир нарсалар жўнатсакмикан?.. Уйда ейдиган ниманг бор? — деди у.

Умму Сулайм дарров иккита арпа нон кўтариб чиқди. Рўмолчага ўриб, Анаснинг белига боғладида:

— Бўлақол, Расулуллоҳга олиб бор, — деб тайинлади.

Анас келганида Набиййи зишон жанобимиз масжидда ўтирар эдилар.

— Абу Талха юбордими сени? — деб сўрадилар Сарвари олам.

—Ҳа.

—Емак биланми?

— Ҳа, иккита нон бериб юборишди, — деди у.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ёнларидагиларга қараб, «Қани,

юринглар, кетдик», дедилар. Ҳаммалари бирга турдилар. Анас улар келишаётганини билдириш учун югуриб кетди.

Абу Талха пайғамбаримиз катта бир жамоат билан келаётганларини эшитиб, ташвишланиб қолди. Уларга, уйда бунча одамга етарли овқат йўқ эди, деб бўлмаса... Ичкарига, Умму Сулаймнинг олдига кирди.

— Ишимиз чатоқ, онаси, уйда ейдиган нарса йўқлигида... — деди у.

Умму Сулайм сокинлик билан:

— Оллоҳ ва расули ҳар нарсанинг яхшисини билади, деди.

Абу Талха ноилож ташқари чиқиб, келганларни кутиб олди:

— Марҳамат, ё Расулуллоҳ. — Ва Сарвари оламга яқинлашиб хижолатомуз пичирлади:

— Эй Оллоҳнинг расули, биз юборган нон фақат ўзингизга етадиганча эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) табассум қилдилару, ҳеч нарса демадилар. Келиб, иккалалари ичкари киришди.

— Эй Умму Сулайм, — дедилар пайғамбаримиз, —уйингда нима бўлса, келтир.

Анас орқали жўнатилган нон келти^иб қўйилди. Умму Сулайм унинг устига ёғ идишдан бир миқдор ёғ қўшиб қориштирди. Кейин пайғамбаримиз бир дуо ўқидиларда:

— Эй Анас, ташқаридагилардан ўн кишини чақир, —дедилар.

Ўн киши келиб ўтиришди ва тўйгунча ейишди. Улар туриб, яна ўн киши кирди. Улар ҳам еб, чиқишди. Шундай қилиб, Анас еттисаккиз марта одам чақирди. Ҳар гал ўнтадан кириб

тўйгунча овқат еганларини ўз кўзлари билан кўрдилар. Одамларнинг оч эканлари аниқ эди. Дастурхонга ҳам ўша нондан бўлак ҳеч нарса қўйилмади. Лекин товоқдаги емак камаймас, ҳатто ундан ҳам кўпроқ кўринар эди.

Ҳамма тўйиб чиққач, пайғамбаримиз ҳам «Бисмиллоҳ» айтиб ея бошладилар. У зот ҳам қоринларини тўйғазиб, турдилар.

Сўнг дуо қилиб, шундай баракали зиёфат учун ташаккур айтиб қайтдилар. Бу воқеа Абу Талха оиласи учун унутилмас бир хотира бўлиб қолди. Кейин улар ҳам ўтириб, овқатнинг қолганини бисмиллоҳ билан тановул қила бошладилар.

* * *

Асҳоби киром бир суҳбат кутар эди. Ҳабиби Худо (с.а.в.) анча кундан бери улар билан суҳбат қурмаган, суҳбатни эса, соғинишган эди. Темирни қизиғида босмоқчи бўлишди. Тўқни овқатлантириш, сувга қонган инсонга шарбат ичириш қийин. Аммо Набиййи акрам саййидимиз асҳоби киромдаги чанқоқликни очиқравшан кўриб турардилар.

— Бани Исроилда уч киши бор эди, — деб бошладилар суҳбатни у зот. — Бири олабула этли, бири кал, учинчиси эса кўр... Оллоҳ таоло уларни бир имтиҳон қилишни хоҳлади ва бир фариштани жўнатди. Фаришта ҳалиги олабула этлининг ёнига келиб:

«Нимани энг кўп орзу этасан?» деди.

«Гўзал бир ранг ва чиройли бир танани. Инсонлар жирканадиган бу суратдан қутулсам... Ҳамиша шуни орзу этаман», деди.

Фаришта уни бир марта силаган эди, ўша ондаёқ истаганидек қиёфага кириб тусландиқолди. Фаришта сўради:

«Қайси молни энг кўп севасан?»

«Туяни», деди у.

Энди туғай деб турган урғочи туя берилди. Фаришта:

«Оллоҳ сенинг учун бу туяни баракотли қилсин», деб дуо қилди ва қайтди. Ҳалиги одам севинчдан боши осмонга етар ҳолатга тушди.

Фаришта калнинг олдига келди:

«Сен энг кўп орзу этган нарса нима?» деди.

«Чиройли сочим бўлса ва одамлар жирканадиган ҳолатдан қутулсам... мана шу энг кўп орзу этган нарсам», деди у.

Фаришта уни ҳам силаган эди, ўша заҳоти у одам тузалиб қолди. Чиройли бир соч берилди унга.

«Энди сен яхши кўрган молни айт. Қай бирини энг яхши кўрасан?»

«Сигирни», деди.

Унга ҳам туғай деб турган сигир берилди. «Оллоҳ сенинг учун бу сигирни баракотли қилсин», деб дуо қилдида, фаришта у ердан ҳам қайтди.

Ниҳоят кўрнинг олдига келди:

«Энг кўп орзу этган нарсанг нима?» деди унга.

«Кўзларни, — деди кўр. — Қани энди Оллоҳ менга кўришни насиб этса».

Фаришта уни ҳам силаган эди, унинг ҳам кўзлари кўрадиган бўлди.

«Энг кўп севган молинг қайси?»

«Қўй», деди у.

Унга ҳам туғай деб турган бир қўй берилди. Сўнг фаришта дуо қилиб қайтди.

Орадан йиллар ўтиб, берилган ҳайвонлар туғди, кўпайишди. Қилинган дуонинг баракотидан водий тўла туяга, яна бири водий тўла сигирга, бошқаси водий тўла қўйларга эга бўлди. Ҳаммалари ҳаётларидан мамнун. Орзуларига эришган. Шунда бир куни фаришта баданига оқ тушган одамнинг олдига айнан унинг аввалги ҳолида — олабула этли инсон қиёфасида келди.

«Жуда фақир одамман, мусофирман, чорасиз қолдим. Манзилга етиб олишим учун аввало Оллоҳдан, қолаверса, сендан умид қиламан. Сенга бундай гўзал кўркни, бундай қаддиқоматни берган, бу қадар мол эҳсон қилган Оллоҳ ҳаққи, менга бир туянгни берсанг, токи манзилимга етиб олсам», деди.

Бирдан у одамнинг кайфияти бузилиб, хўмрайиб қаради:

«Менинг зарур ишларим шунчалик кўпки, қайсинисига улгуришимни билмайман. Сенга ҳозир ёрдам беролмайман», деди бош чайқаб.

Шу сўзлардан кейин фаришта атай:

«Мен сени танигандек бўляпман, — деди. — Сен бир замонлар одамлар жирканадиган ола-була танли бир киши эмасмидинг? Устигаустак, фақир ҳам эдинг, шекилли? Оллоҳ сенга бу неъматларни бахш этмаса, қаердан олардинг?»

«Янглишяпсан, — деди бояги одам, — мени бошқа бировга ўхшатяпсан, шекилли. Бу мол менга отабобомдан мерос колган».

«Ёлғонни ямламай ютдингку. Омин, Оллоҳ сени эски ҳолингга қайтарсин», деб фаришта дуо қилди, ҳалиги одам шу заҳоти эски ҳолига кайтди. Молу мулк бир хаёлдек бўлиб қолди.

Фаришта у ердан чиқиб, кал одамнинг олдига ўша калнинг эски қиёфасида келди. Унга ҳам дардини «тўкди». Биринчи одамга айтганларини унга ҳам айтди. Ундан ҳам аввалгининг жавобларига ўхшаш жавоб олди. Унга ҳам:

«Агар ёлғон айтаётган бўлсанг, Оллоҳ сени асл ҳолингга қайтарсин», деб дуо килди, унинг ҳам қўлидан неъмат кетди. У ҳам худди аввалгидек бир фақир одамга айланди. Молу мулкидан асар ҳам қолмади.

Фаришта шундай қилиб, кўрнинг олдига равона бўлди. Унинг олдига худди аввалги қиёфасида, кўр инсон шаклида келди.

«Мен фақир бир одамман, мусофирман, чорасиз қолдим. Манзилимга етиб олишим учун ёрдамингга муҳтожман. Кўзларингнинг нурини қайтариб берган Оллоҳ ҳаққи, менга бир қўй ҳадя қил», деди ўтиниб.

Бу одам унга чинданам ачиниб, кўмак беришга ошиқди.

«Рост сўзлайсан, чиндан ҳам мен илгари кўр эдим. Оллоҳ менга кўзларимни қайта эҳсон этди. Оллоҳ ризоси учун ҳадя этганим бўлсин. Шу билан мушкулинг осон бўлса, мен розиман», деди.

Шунда фаришта унинг елкасига қокди ва:

«Молинг ўзингга буюрсин. Бу сизларга Оллоҳ таоло тарафидан бир имтиҳон эди. Сен Улуғ Мавлонинг ризосига ноил бўлдинг. Биродарларинг эса, ғазабга дучор бўлдилар», деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) сўзлаган бу қиссада ўзини билган инсон учун кўп ибратлар бор эди.

* * *

Бир куни бомдод намози ўқиб бўлингач, Расулуллоҳ (с.а.в.) саййидимиз кўрган тушларидан сўз очиб қолдилар:

— Мен уйқуда эдим, одамлар қатор қилиб олдимдан ўтказила бошлади. Ҳар бирининг эгнида кўйлак. Баъзиларники кўксига ҳам етмас даражада, баъзиларники ундан ҳам калта. Шу орада менга Умар ибн Хаттоб кўрсатилди. Унинг кўйлаклари ерни супурадиган дара жада узун эди.

— Буни нимага йўйдингиз, ё Расулуллоҳ?..

— Дин туйғусига йўйдим, — дедилар Сарвари олам. Ёшланган кўзлар бу гапни эшитиб ўтирган Ҳазрати

Умарни (р.а.) излаб топди, томоша қилди. Чунки бир вақтлар диннинг энг катта душмани мана шу Умар эди, дейилса, ким ҳам ишонарди?!

* * *

Яна бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) асҳоб даврасида ўтирган чоқларида ваҳий ҳолатига

тушиб, муборак қалблари кўичилик мўминлар интизор кутаётган бир ишга изн берувчи оятлар билан тўла бошлади. Асҳоб Қуръон оятларини эшитишга интиқ ҳолда қилт этмай ўтирарди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уларни кўп куттирмадилар. Узларига келибоқ, индирилган ваҳийни уларга маълум қилдилар:

«Ҳужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта, Оллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир. Улар ўз диёрларидан фақатгина «Бизнинг Парвардигоримиз (ягона) Оллоҳдир», деганлари учун қувилган зотлардир» (Ҳаж, 39 — 40).

Расули зишон (с.а.в.) жанобимиз бу оятларни ўқиганлари замон кўзларда бир ажиб нур порлади. Қалбларда қатқат йиғилиб қолган юк чуқур бир нафас олиш билан ташқари отилгандек бўлди. Кўз билан кўриб бўлмайдиган, бироқ қаттиқ аламизтиробларга тўла бу юк кўп йиллардан бери йиғилиб ётган эди.

Бу юк ўн уч йил тош қотиб ётган эди, энди кўчди гўё. Лекин ўзи бир пулга қиммат, дўзахга ўтин бўлишдан бошқа ҳеч бир қиймати бўлмаган кишиларнинг ҳақоратларига, мазахларига, исканжаларига қарши битмастуганмас бир сабрбардош билан тўла эди, ахир бир кун кўчиши керак эди, энди кўчди. Энди муштга қарши мушт, қиличга қарши қилич билан жа*воб бериш имкони очилган, жанг изни берилган эди. Энди уларнинг барча ҳақоратлари, одобсизликларига қарши қад ростлаш, дарс бериш пайти келган эди.

Оллоҳдан бу изн келгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) мушрикларнинг кўп йиллик душманлик ҳаракатларига қарши бир тадбир сифатида Шом йўлини назорат остига олишга қарор бердилар. Амакилари Ҳамзанинг амрига ўттиз кишилик суворий ажратдилар. Бир оқ байроқ бериб, дуо қилдилар ва йўлга кузатиб қўйдилар.

Мақсадлари Макка карвони қайтяптимийўқми эканини аниқлаш ва уларга таҳдид солиш эди. Гуруҳ фақат маккалик муҳожирлардан иборат бўлиб, улар мушрикларнинг жафосини хўб тортган кишилар эди. Улар бу вазифани бажонудил қабул қилдилар. Яна шуниси муҳимки, улар ҳозиргача Оллоҳ ризоси учун сабр этган бўлсалар, энди Оллоҳнинг изни ва ижозати билан, яна Унинг розилиги учун бу вазифани бажаришга киришдилар. Бу изн берилмаганида, улар охирги нафаслари қолгунча ҳам яна сабр қилишлари, бардошла кутишлари мумкин эди. Улар шундай одамлар эдиларки, агар шу онда изн бекор қилингани билдирилса, сидқидил билан бўйсуниб, қайтишлари ҳам қийин эмасди.

Улар йўл бўйи Маккада кечган ҳаётларини хотирлаб, пайғамбаримизнинг сухбатларини эслаб кетишди. Оллоҳнинг китобидан оятлар, суралар ўқишди. Бу йўлга Оллоҳнинг ризоси учун чиққанларини бир зум бўлсада, унутишмади.

* * *

Абу Жаҳл уч юз киши ҳимоясида Маккадан олиб чиққан карвонини эсономон Шом тупроғига етказиб боришга муваффақ бўлган эди. Савдосотиқ қилинди, танишлар билан кўришилди, ейилдиичилди. Шунча йўл заҳматларига яраша қўлга киритилган фойда ёмон бўлмаган эди. Энди фақат саломат Маккага етиш, тўрт кўзла кутаётган яқинлари билан қовушишгина қолди.

Ебичиб, қайтиш тадорикига тушилди. Туяларни жўштириш учун шеърлар ўқилди, ҳикоялар айтилди, биринкетин шароб косалари бўшатилди. Ҳатто йўлга тушиб ҳам хурсандчилик тўхтамади. Туяга миниб олган Абу Жаҳл орасира ёнидаги кўзадан шароб қуйиб ичиб олар, сўнг йўл заҳматини унутиб, узоқларга чўзилиб кетган қум саҳросига беписанд назар ташлаб қўяр эди. Баъзан ортига қараб, унинг амри билан ҳаракат этаётган карвондан шавқланиб кетар эди. Ниҳоят у кўзада қолган охирги қултум шаробни ҳам ичиб тугатиб, орқасидан келаётган одамни имлаб чақирди.

— Ол буни, менга шароб тўла кўза келтир.

— Хўп бўлади, Абул Ҳакам.

Абу Жаҳл энди дам бериш пайти келмадимикин, деб карвонга боқди: ҳақиқатан ҳам

чангтупроққа беланган юзларда бир ҳорғинлик акс этар, туялар зўрға қадам ташлар эди.

— Тўхтанглар!

Бу буйруқни орқадагиларга етказиш учун яна кимдир такрорлади. Туялар тўхтаб, юклар туширила бошлади. Энди дам олиш керак эди. Аммо...

—Бу нимаси?! — Абу Жаҳл бир оз олдинроққа узаниб боқиб, ҳайрон қолди. Олдинда бир карвон кўринарди. Тижорат карвони деса, отлиқлар тобора яқинлашиб келаётирлар. Юклари ҳам йўқ. Қўли дарҳол қилич бандига ёпишди. Қароқчиларку!.. Яна кўзларига ишонмай, қўлини пешонасига қўйиб қарашга мажбур бўлди.

—Вой падарлаънат, булар, ахир... Макка қочоқларику? — дея шивирлади у. Бунинг орқасидан оғзидан шалоқ сўзлар чиқиб кетди. Ўзи ҳайратдан донг қотди. Орқадан етиб келганлар ҳам уларни таниб, дарҳол саф бўлиб тизила бошлашди. Мудофаага ўтмай илож йўқ. Қаршиларидан келаётган отлиқларнинг бошида ҳаммага таниш хошимий наслидан бўлган одам кўзга ташланар эди. Уни Ҳамза ибн Абдулмутталиб дердилар. Абу Жаҳл у мусулмон бўлган кун тарихини ўзининг бошида қолган чандиқдан яхши эслар эди.

—Ҳай, сизлар нима хоҳлайсизлар? — деб бақирдиу.

—Нимани хоҳлашимизни биздан яхшироқ биласизлар! — деган жавоб бўлди.

Жавоб очиқ бўлмади, аммо бундан ҳам очиқ жавоб бўлмасди. Абу Жаҳл бу бир ҳовуч одам қаршисида осонгина таслим бўлиб, «Мана, туялар, юклари билан сизларники бўлақолсин, фақат ўзимизга тегманг», дейдиган одам эмасди. Қолаверса, ёнида уч юз кишилик ёрдамчиси бор. У беихтиёр қўлини қиличига чўзди.

—Сизларни бирмабир қиличдан ўтказиб, каллаларингни Масжиди Ҳарамга олиб борардиму, кўлимни қонга булғагим йўқ. Яхшиси, даф бўлишларингни тавсия этаман.

—Биз ҳам худди шу гапларни сенга айтамиз, эй Абу Жаҳл! Фақат, каллалар Масжиди Ҳарамга эмас, Мадинага олиб борилади.

Сўзлар борган сари шиддатланиб, қиличлар қинидан чиқишига унчалик кўп вақт қолмади ҳисоб.

Мусулмонлар борйўғи ўттиз киши эди. Ҳар бири ўн кишига қарши жанг қилиши керак. Душманларнинг олдида гўё бир ҳовучдай. Бироқ қалбларида имон бор эди. Ичларида йиллар бўйи тортилган азоб, кўрилган ҳақоратларнинг интиқоми қатланиб ётарди. Устига устак, мушриклар билан жангга изн берилди, майдонни уларга ташлаб кетгилари келмасди.

Маккаликларчи, улар ҳам шунча пешона тер билан қўлга киритган молларини «Олинглар, сизларники бўлақолсин», деб осонликча ташлаб кетадиганлардан эмасдилар. Ҳаммани қўйиб шу қочоқ маккаликлардан қўрқадиларми? «Ўттиз кишидан қўрқиб, карвонни ташлаб қочиш уятку! Ўлимку!»

Икки тараф қилич яланғочлашга шай турган бир пайтда югуриб келаётган бир одам кўринди. «Тўхтанглар, шошманглар!» деб бақирар эди. Тўхташди. У Жуҳайна қабиласидан Маждий ибн Амр эди. Унинг ҳар икки тараф билан шартномаси бор эди.

— Нима гап, нима демоқчисан?

У ўртага кириб, гоҳ уларнинг олдига, гоҳ буларнинг олдига чопди. Ахийри ҳаммани тинчлантириб, чиқиши аниқ бўлиб турган жанжалнинг олдини олди. Ҳамза ибн Абдулмутталибнинг дўстлари Мадинага қайтишди, Абу Жаҳл карвонидагилар бир оз муддат дам олганларидан сўнг Маккага қараб жилди.

Маждий мусулмон эмасди, бироқ сулҳни ва тинчликни севадиган, жанжални ёқтирмайдиган бир фитрат эгаси эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бўлган воқеани эшитиб, холис инсонийлик қилган Маждийни тақдирладилар.

Маккаликларнинг кайфияти бузилган эди. Улар ўз бошларига ўзлари бало сотиб олганларини англаб қолдилар.

—Қўлимизда имкон бўлатуриб, таъзирларини бериб қўймадик. Энди бошимизга бало

бўлишлари табиийдир!

—Бугунгача қон қустирганингиз одамларнинг энди келиб сизларга ҳимоячи бўлишларини кутганмидингизлар?— деганлар бўлди.

—Муҳаммад ва дўстларининг кетганига икки йил бўляпти. Ишқилиб улар бир иш чиқармасинлар деб дуо қилайлик, — дейишди бошқалари.

Хийла вақт касал бўлган Валид ибн Муғийра зиёратига Абу Жаҳл келганини эшитиб, севинди.

— Демак, сафардан қайтибдида? — деб пичирлади.

Чиндан хурсанд қиладиган хабар эди бу. Чунки ҳаф

талаб юриб бориладиган Шомдек бир мамлакатга карвонни олиб бориш, қароқчиларнинг босқинидан эсономон қайтиш осон иш эмасди.

— Касалинг бошингдан ариб, тезроқ шифо топ, амакижон.

—Соғ бўл, эй Абул Ҳакам.

—Қалайсан?

— Ёмон эмас, кунданкунга тузалиб боряпман. Ўзинг яхши қайтдингми?

Абу Жаҳл Шомдаги савдосотиғи яхши бўлганидан гапириб, қайтишдаги кўнгилни хира қилган воқеадан сўз очди:

— Нима бўлди, тинчликми?

— Абдулмутталибнинг ўғли Ҳамза ўттиз киши билан йўлимизни тўсиб чиқди.

Валид титраб кетди:

— Абдулмутталибнинг ўғлия?

— Ҳа, аммо тезда даф этдик. Кетмаса, ҳаммасини у дунёга жўнатиб, каллаларини олиб келган бўлардик.

— Ҳамза мард одам...

—Мардликка мард, аммо биз биттага ўнта эдик. Лот ҳаққи, ҳаммасини сихдан ўтказардик.

—Аммо бу воқеа яхшилик белгиси эмас. Шом йўли энди таҳликали бўлиб қолибди. Бу гал ўттиз киши билан чиққан бўлса, эндиги сафар юз ўттиз киши билан чиқмайди деб ким айтади?

— Қўрқма, амакижоним, уларга осонликча таслим бўладиган одам йўқ!

Валид хўрсинди.

—Мен дунёдан айрилишимга эмас, Ибн Абу Кабшанинг таъзирини беролмаганимга ачинаман. Ишқилиб, дунёдан кўзим очиқ кетмаса эди.

—Хафа бўлма, амакижоним, — деди Абу Жаҳл, — бу ишни ўзим охирига етказаман. Амин бўлавер!

Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) саййидимиз: «Менинг масжидимда ўқилган бир намоз, бошқа масжидларда ўқилган минг намоздан афзалдир. Фақат Масжиди Ҳарам бу ҳукмдан мустаснодир», деб марҳамат қилдилар. Буни эшитган Салама ўғиллари уйларини тарк этиб, масжидга жойлашиш тараддудига тушиб қолишди. Шундай қилсалар, масжидга яқин бўлиб, намозларини бемалол ўқишар, ҳаммасидан ҳам Набиййи акрамга (с.а.в.) қўшни бўлиб қолишар эди.

Султони анбиё ҳазратлари саккизўн оилалик бир гуруҳнинг бундай бир орзуга берилганини эшитиб, уларни чақирдилар:

— Эй Салама ўғиллари, сиз масжидга келишда ташлаган кадамларингизни ҳисобга олмабсизку!

Салама ўғилларига шу танбеҳнинг ўзи кифоя қилди. Зотан, улар буни холис Оллоҳ ризоси учун қилиб, гўшаларини тарк этишмоқчи эди. Масжиди Набавийнинг ёнида ва улуғ саййидимизга яқин бўлишни исташган эди.

Аммо пайғамбаримиз улар жойларида қолишларини истадилар. Истадиларки, маънавий бирдамлик масофанинг узоқяқинлигида эмас, балки сидқидил яқин бўлишдадир.

Салама ўғиллари ўз юртларида қолишди. Аммо баҳонада Расулуллоҳнинг (с.а.в.) маънавий қўшниларига айланиб ва масжидга қараб ташлаган қадамларининг ҳар бири учун биттадан қусурлари афв этилиши ва ҳар бир қадам учун бир даража савоб олишларини билиб олишган эди. Бу одимлар ўзларини Оллоҳ розилигига яна бир одим яқинлаштиришини билиб олишди.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) кечалари фақат ўзларигагина фарз бўлган таҳажжуд намозига уйғонар, Парвардигорлари девонида турар, узунузун суралар ўқиб, Мавло ҳузурида туришнинг қувончи ва лаззатини ҳис этар эдилар. Бир пайтлар меърож ила шарафлантирган Зот билан ёлғиз қолиш саодатини, севинчини туяр эдилар. Намозларининг ҳар они айрича бир қийматга эга эди, аммо Жаноби Пайғамбаримиз энг буюк завқни бошларини саждага қўйганда туярдилар. «Инсоннинг Парвардигорига энг яқин ҳолати», деб тушунтирар эдилар бу онни. Баъзан саждада узоқ колиб, «Оллоҳим, гуноҳларимни ўзинг кечир... Каттаю кичигини, аввалгисию кейингисини, ошкорасию махфийини... ҳаммасини кечир, Раббим», деб дуо қилардилар.

Ҳазрати Ойиша (р.а.) ётган бўлсалар, Расулуллоҳ

сажда қилаётганларида қўллари билан енгил туртиб қўярдилар, Ойиша онамиз оёқларини йиғиб, пайғамбаримиз бошларини саждадан кўтарганларида яна такрор узатардилар. Уйни ёритадиган чироқ ёхуд шам ҳам йўқ эди.

Аммо бу уйлар Оллоҳ расулининг нафаслари билан хушбўйланар, ибодатларининг, дуоларининг, ниёзларининг нури ила ойдинланар эди.

Пайғамбаримиз нега бошқа бир хонада ўқимайдилар намозларини? Ёки Ҳазрати Ойиша нега бошқа хонада ухламайдилар? Чунки уйнинг ошхонасию ётоқхонасию меҳмонхонаси... бари биргина шу хонадан иборат эди.

* * *

Макка...

Расулуллоҳ (с.а.в.) Маккани тарк этганларига бир ярим йилча бўлиб қолган, аммо ҳали у ерда ҳижрат қила олмаган, мушриклар тазйиқидан қутула олмаганлар бор эди.

Утба ибн Ғазвон бир кеча уйида ёлғиз ўзи хуфтон намозини ўқиди. Ташқарига эшитилмайдиган даражада паст овоз билан Қуръон тиловат қила бошлади. Ичидан бошқача бир ғариблик босиб келарди. Унга ҳидоят йўлини кўрсатган, абадий саодат калитини берган пайғамбаримиз (с.а.в.) аллақачон Маккани тарк этиб кетганлар, биродарлари ҳам секинаста кўчиб, у ёқни ватан тутишди. Ким билади, у ерда қандай ҳузур ичида зканлар? Ҳозиргача Қуръондан яна бир неча оят ва суралар келган бўлиши керак, ҳолбуки, Утбанинг улардан ҳеч хабари йўқ. Боз устига, қачон келиши номаълум ўлим ёқасига ёпишса, «Тўхтаб тур, мен ҳали Расулуллоҳ олдиларга бормоқчиман», дея олмайдику?

Кўзларидан оққан ёш ила шу ўйларга бориб, Утба ахийри қўлини дуога очди:

— Эй Раббим, ўз юртимда ғариб бўлиб қолдимку. Севикли пайғамбарингга лойиқ кўрган Ясрибингда менга ҳам бир қаричгина еринг йўқми? Мен қулингни бу куфр юртига ташлаб қўйма, Оллоҳим.

Эртакеч азиз кўрган инсонига етишиш умидини узмади, лекин ҳозирча йўли ҳам очилмади.

Қўлларини самога, кўнглини Мавлога очган Утба дуода қанча қолганини ўзи билмасди. Фақат кўзқовоқлари оғирлашганини ҳис этгач, турди, ётоғига узанди.

Бир пайт эшиги тақиллагандай бўлди.

Утба буни уйқу аралаш эшитаётган эди. Балки тушидадир? Йўқ, кейин яна аниқроқ эшитилди. Утба туш кўрмаётганини англаб, сакраб турди. Эшикка яқин бориб сўради:

—Ким у?

—Мен, Миқдод ибн Амр... Куттирмасдан очди.

— Тинчликми, Миқдод, мунча ярим кечада келмасанг?

— Жимм, — деб пичирлади келган одам.

Ичкари киришди. Миқдод вақтни ўтказмай, мақсадга кўчди:

— Бир қарорга келдим: уч кундан сўнг йўлга чиқаман.

—Нима ҳақида гапиряпсан, эй Миқдод, тушунмадим?

—Кўриқчи бўлиб ёзилдим. Шомга карвон кетаётир. Уч кундан кейин жўнаймиз. Улар билан боратуриб, бир фурсат топаману «Қайдасан, Ясриб», деб қочаман. Бошқачасига 6у ердан кетиб бўлмайди, тушундинг?

Утбанинг севинчи ичига сиғмай, ғалати бўлиб кетди.

—Гапларинг жиддийми, Миқдод?

—Жиддий бўлмаса, шунақа вақтда келармидим.

— Мен ҳам сен билан биргаман, Миқдод. Бу сафарда бирга бўламиз.

— Олдингга шунинг учун келдимда.

Миқдодни ким йўллади бу ёққа? Ё дуолари ижобат бўлаётирми?..

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) карвон Шом сафарига чиққанини эшитишлари биланоқ катта амакилари Ҳориснинг ўғли Убайдага оқ байроқ бериб, амрига олтмиш кишилик бир муҳожир гуруҳ ажратдиларда, қарши олишга жўнатдилар.

Аҳйа сувига етганда, у ерда турган карвонга рўпара келиб, тўхташди. Карвон аҳли уларга бегона эмасди. Улар ҳам Мадинадан келганларни танишди. Дарҳол асаблари таранглашиб, важоҳатлари ўзгарди.

Лекин тарафларнинг бир-бирига ҳужум қиладиган нияти йўқ эди. Зотан, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам уларга жанг қилишни буюрмаган эдилар.

Шу пайт карвондан икки киши ажраб чиқиб, учиб кела бошлади. Бор кучи билан мусулмонлар томон югурар эдилар.

—Қаранглар, қочишди... — деди кимдир.

—Тутинг, ушланг уларни, — деб бақиришди. Аммо қувлаш энди фойдасиз эди. Икки ўртада тўқна

шув чиқишига сабаб бўлса бўлардики, уларни тутиб бўлмасди.

Миқдод билан дўсти Утба ниҳоят мусулмонларга қовушиб, кўзларида севинч ёшлари йилтиради. Неча ойдан буён Маккадан хабар ололмаган муҳожирлар эса, дўстларини қайтақайта бағриларига босишарди. Гўё карвон бу икки дўстни қардошларига топшириш учун йўлга чиққан ва бу маросим Аҳйа суви бўйида адо этилаётгандай эди.

— Кўрасан, эй Миқдод, сен билан ҳисоблашамиз ҳали! — деб бақиришарди у ёқдан.

Аммо Микдод энди ҳур эди.

— Ҳисоб-китоб бўлиши муҳаққақ, қилган ишларингизнинг жазосини оласизлар, ўшанда пушаймон бўласизлар! — деб жавоб қидди.

Микдод билан Утба Расулуллоҳга (с.а.в.) кўзёшлар ичида қовушишди. Шунча вақт кейин бўлса ҳам яна топишишган, яна у зотнинг руҳларга ҳаёт бахш этгувчи суҳбатларига мушарраф бўлишган эди.

Миқдод ва дўстлари масжид ёнидаги фақир мусулмонлар турадиган супада меҳмон қилиндилар.

* * *

Бу орада мушриклардан Курз ибн Жобир исмли бир киши Мадинадан уч мил масофадаги ўтлоқларга яширинча келиб, у ерда ўтлаб юрган туялар ва сигирларни олдига солганича, Маккага ҳайдаб кета бошлади. Бу ҳодиса мадиналикларни очикданочиқ майдонга чорлаш эди. «Сизлар уйқудасизлар, ўз молларингизга ҳам эгалик қила олмайсизлар«, дейиш билан баробар эди.

Пайғамбаримиз оқ байроқларини Ҳазрати Алига бердилар. Асранди фарзандлари Зайдни

Мадинада волий этиб қолдирдиларда, Курзни таъқиб этиб, йўлга чиқдилар.

Курз ҳам шундай бир натижа чиқишини, мусулмонлар: «Бир нечта туями? Кетса кетибдида», демасликларини, таъқиб этмай қўймасликларини жуда яхши биларди. Шу сабабли хабар Мадинага етиб боргунча, кечакундуз йўл юриб, анча масофага етиб олган эди.

Бадр мавзеига келгунча қилинган таъқиб натижасиз чиққач, Курз билан ҳисоб-китоб кейинга қолдирилиб, орқага қайтилди.

* * *

Қурайшликлар тирикчиликларини таъминлаш учун кетмакет карвон жўнатишга мажбур эди. Мусулмонлар эса, бу карвон йўлларини назоратларига олиб, қурайшликларни қийин аҳволга солишга ва мағлуб этишга ғайрат қилишар эди. Бу ҳавфдан осонликча қутула олмасликларини англасалар, бас эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) гоҳо шахсан ўзлари бу гуруҳлар билан бирга йўлга чиқар эдилар. Шундай вақтлари баъзан Саъд ибн Убодани, баъзан Саъд ибн Муозни Мадинага вакил қилиб қолдирардилар. Амр ибн Умму Мактумни ҳам вакил қилган пайтлари бўлди.

Бу вакил тайинлашда баъзан Ҳазраж қабиласидан, баъзан Авс қабиласи катталаридан танлашлари, баъзан эса, бу ишни муҳожирлардан бирига юклашлари бежиз эмасди. Бу билан у зот Мадина мусулмонларининг ҳар бирига алоҳида эътибор бераётганларини ва ҳар бирининг кўнглини олиш йўлини тутаётганларини кўрсатарди.

Набиййи акрам (с.а.в.) Мадинадан Қурайш карвонларини таъқиб этиб чиққан кезларида бирор марта ҳам уларга дуч келмадилар. Шунга қарамай, бу сафарларда баъзи қабилалар билан бир-бирларига зарар бермаслик ҳақида ёхуд тажовуз пайтида ҳужум қилганларга ёрдам кўрсатмасликка доир шартномалар тузилди. Шундай қилиб, аввал Мадина атрофидаги қабилалардан келиши мумкин бўлган зарарнинг олди олинди. Чунки курайшликлар Мадинага ҳужум қилганлари тақдирда ҳам энди бу атрофдаги мушриклардан ёрдам олишолмайди.

* * *

Ҳижратга ҳам ўн етти ой бўлаётган эди. Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) жаноблари Абдуллоҳ ибн Жаҳш қўмондонлиги остида саккизўн кишилик бир гуруҳ ҳозирладиларда, қаерга боришлари ва нима қилишларини айтмадилар. Абдуллоҳни чақириб, қўлига бир мактуб тутқаздилар:

— Дўстларинг билан икки кун йўл юргач, бу мактубни очасан, буйруғимга кўра ҳаракат қиласан. Дўстларингдан ҳеч бирини бу амримнинг ижросига мажбурлама, — дедилар.

Абдуллоҳ биродарларини олиб, йўлга чикди. Нима мақсадда кетишаётганини ҳеч ким билмасди. Бироқ кўнгилларида Расулуллоҳ (с.а.в.) амрлари билан кетилаётганини

билишар, шу ҳолнинг ҳузурини туйиб боришар эди. Модомики у зотнинг амрлари билан кетилаётган экан, кўнгилларда ҳам у кишининг хотиралари бўлиши лозим. Сафарда гўё у зот ҳам бордай сафар бўлиши, борликлари ҳис этилиши, юрганда ҳам, тўхтаганда ҳам бирга юришлари, бирга тўхташлари лозим эди. Худди шундай қилинди ҳам. Ортда қолган хотиралар ёдга олинди, бутга топинадиган мушрик ҳолидан ҳар бир қадамини Оллоҳ ризолиги учун ташлайдиган, ҳар одимида Имомул анбиё (с.а.в.) билан бирга бўлиш орзуила яшайдиган кишилар ҳолатига олиб келган Азиз Дўстнинг гўзал сўзлари зикр қилинди. У зот Оллоҳ таолодан олган ва инсонларга етказган Қуръон оятлари суҳбатларга васила бўлди.

Икки кунлик сафар ана шундай ўтди. Йўл давомида хуржундан биттаиккита хурмо еб қоринлар тўйдирилди, мешлардаги илиб қолган сувлар ичилди. Вужудлар чарчади, аммо кўнгиллар Кўнгил Султонини эслашлар билан тин олдирилди. Худди ташлаган ҳар одимларила Расулуллоҳга (с.а.в.) янада бир оз яқинлашишар, борлиқларини ичларида янада кучли бир туйғу билан ҳис қилишар эди.

Бир гал дам берилганида Абдуллоҳ мактубни чиқарди. Олдин ўзи ўқиди. «Амрингиз бош устига, ё Расулуллоҳ!» дедида, биродарлари эшитадиган тарзда такрорлади:

«Бу мактубни ўқигач, Макка билан Тоиф орасида жойлашган Нахла мавқеига бор. У ерда Қурайшни кузат, маълумот олда, бизга хабар келтир».

Кейин пайғамбарнинг сафар олдидан айтганларини маълум қилди:

— Ҳеч бирингизни бу буйруқни бажаришга зўрламаслигим ҳақида пайғамбаримиздан амр олганман. Ким Мадинага қайтмоқчи бўлса, қайтсин. Бу қайтиш асло айбланмайди, маъзур кўрилади.

Аммо ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Сен нима дейсан, эй Абу Ҳузайфа?!

Абу Ҳузайфа «Бу саволинг қанақаси...» дегандек қаради. Бирикки сония шундай қараб турди. Сўнг кўзлари айтиб турган маъноларни тилига кўчирди:

— Биз нима дейишимизни илгари айтиб қўйганмиз, эй Абдуллоҳ. Юртимизни, оилаўчоғимизни, оталаримиз тўплаган мўл сарватни ҳаммасини Расулуллоҳга боғла нишга қилган аҳд ила тарк этганмиз. Энди биз учун бу йўлдан қайтиш йўқ, — деди у.

Абу Ҳузайфа машҳур Утба ибн Робианинг ўғли эди, мусулмон бўлгач, катта бир сарватдан айрилганига ҳеч шубҳа йўқ.

Абдуллоҳ кетмакет бошқа биродарлари — Уккоша ибн Миҳсанга, Саъд ибн Абу Ваққосга, Утба ибн Ғазвонга, Воҳид ибн Абдуллоҳга, Холид ибн Букайрга, Сухайл ибн Байзога, Амр ибн Робиага қараб чиқди.

Улар бош силкиб, енгил ишоратлар беришди: «Абу Ҳузайфа айтган қарорда қатъиймиз, қайтиш йўқ». Тез бир қарорга келишди: энди бу ерда туришнинг фойдаси йўқ. «Кайдасан, Нахла?» деб йўлга чиқишди.

Йўлда Саъд билан Утба навбатманавбат миниб бораётган туя қочиб, иш ўзгарди. Икки ошна туяни қувалаб кетди. Анча кутишди, ҳеч дарак бўлавермагач, Абдуллоҳ юришга изн берди.

Нахлага етиб келишди. Кўп ўтмай Тоиф тарафдан кичик бир карвон келиб, у ҳам тўхтади.

Тарих ҳижратнинг иккинчи йили, жумадул охир ойининг сўнгги куни эди.

Мўминлардан Уккоша ибн Миҳсаннинг сочи олинган эди. Карвондагилар буни кўриб, «Бу одамлар умрага келаётган бўлишса керак», деб унча ташвишга тушишмади. Оқшом бўлай деб қолган. Эртага ражаб ойи бошланиб, ҳар турли жанжал, ҳужумлар тўхтатиладиган — «ҳаром қилинган ойлар» ҳукми кучга кирарди. Аммо бугун жумадул охирнинг сўнгги куними, ражаб ойининг бошими эканини мусулмонлар аниқ билишолмади. Шу боис карвонга ҳужум қилишқилмаслик хусусида бир қарорга келолмадилар. Аммо Воҳид ибн Абдуллоҳ: «Ортиқча тараддуд яхши эмас», дедию бир ўқ узиб қўйди. Қарши тарафдан бир одам ерга йиқилди.

Ўлган Амр ибн Ҳадрамий экан.

Энди ўқ ёйдан чиққан, қайтиш иложсиз эди. Ўлганни ҳам тирилтириб бўлмас.

Қиличлар қинидан чиқарилди, ҳужумга ташланишди. Карвон аҳли қочишдан бўлак чоралари йўқлигини кўриб, ҳамма нарсаларини ташлаб, Макка тарафга суриб юбордилар. Аммо бунгача ораларидан Усмон ибн Абдуллоҳ ва Ҳакам ибн Кайсон тутилиб асир олинди.

Бу воқеа Маккада катта шовшувга сабаб бўлди, чиндан ҳам юракларига бир қўрқув тушди. Энди Шом йўли улар учун бир хаёлга айланиб қолган, Қурайшнинг икки жон томиридан бири кесилган эди.

Айниқса, ўлган Амрнинг укаси Амир ниҳоятда ғазаб

ланди, мусулмонлардан бирини ўлдириб, бош чаноғида шароб ичишга қасамлар ичди. Ҳар ёқда гап мавзуи Амрнинг қон ҳаққи ҳақида, интиқом ҳақида эди. Бу қоннинг ҳисоби албатта сўралади, унинг алами ерда қолмайди.

—Ҳаром ойда ҳужум изнини Муҳаммад кимдан олди? Даъват қилаётган йўлининг тўғри эмаслигига бундан ортиқ далил борми? — деди баъзилар.

—Хабар жўнатиб, асирларимизни сўрайлик. Ҳаром ойда қилган ҳужумларининг ҳисобини

сўрайлик, — дерди бошқалари.

** *

Карвон мусулмонларнинг қўлига ўтган эди.

Қуёш ботди ҳамки, уфқда ингичка бўлиб янги ой юз кўрсатди. Демак, шу оқшомдан Ражаб ойи кираётган эди. Абдуллоҳ ибн Жаҳш:

— Эй биродарлар, — деди, — кўриб турибсизлар, карвон бизникидир. Лекин бунинг бешдан бирини Расулуллоҳ учун айириб, қолган қисмини бўлишамиз.

Ҳеч ким эътироз қилмади. Тақсим тугади. Абдуллоҳ асирлардан Ҳакам ибн Кайсонни ўлдирмоқчи эди, биродарлари унашмади. «Расулуллоҳга олиб борамиз, ул зот ҳал қилсинлар», дейишди.

Аммо Мадинада Расулуллоҳ (с.а.в.) воқеа тафсилотини эшитиб, хафа бўлдилар: «Мен сизларга ҳаром ойда жанжал чиқаринглар демаган эдим», дедилар. Айирилган улушни қабул қилмаганларида булар буткул саросимага тушиб қолишди. Бунинг устига, Мадинада қолган биродарлари ҳам бу ишдан ранжишган, «Сизларга буюрилмаган ишни қилибсизлар», деб маломат қилишар эди.

Лекин бу нохуш воқеалардан энг кўп яҳудийлар қувонишди. «Ана, бошларига ўзлари бало сотиб олишди, энди жанг бўлиши аниқ», дейишарди. Қурайш бу ишни шундай ташлаб қўймаслиги, қон даъвоси қилиб чиқиши ҳақида вайсашар эди. Уларнинг фикрича, мусулмонлар энди оғир бир мағлубиятга учрашлари аниқ. Қолгани осон, уларни ўртадан кўтариш яҳудийларга қийин эмас.

** *

Расулуллоҳ (с.а.в.) асирларни Исломни қабул этишга даъват қилиб кўрдилар. Ҳакам Расулуллоҳнинг (с.а.в.) бу таклифларини беҳаё сўзлар билан қарши олди. У умри поёнига етганини сезиб тили ечилган бир инсонга ўхшарди.

Оғзидан чиқаётган беҳаё сўзлар Ҳазрати Умарни қиздирди:

— Рухсат этинг, эй Оллоҳнинг расули, бунинг бўйнини узиб ташлай! — деди у.

Аммо Жанобимиз изн бермадилар. Усмон ҳам таклифни қабул этмади, мусулмон бўлмади.

* * *

Маккаликлар келишди. Киши бошига бир минг олти юз дирҳамдан фидя тўлаб, асирларни олиб кетмоқчи бўлишди. Лекин Расулуллоҳ (с.а.в.) бу таклифни қабул этмадилар:

— Маккада колган икки биродаримиз бор. Қаерда эканларини билмаймиз. Ўшалар саломат қайтишса, фидяларингизни олиб, дўстларингизни озод қиламиз. Агар бизнинг у икки одамимизни қўлга тушириб, ўлдирган бўлсаларинг, биз ҳам асирларни ўлдирамиз, — дедилар.

— Хўп, майли, аммо ҳаром қилинган ойда одам ўлди рилганига нима дейсан, эй Муҳаммад?!. Сен бу ҳаракатинг билан ҳаромни ҳалол ҳисобламадингми? Шуми инсонларни яхшиликка чақираётганинг? — дейишди улар.

Шунда Абдуллоҳ ибн Жаҳш ва унинг дўстлари ўша оқшом Ражабнинг ҳилолини кўрганларини айтиб, тўқнашув ҳаром ойда кечмаганига шоҳидлик беришди. Худди шу аснода Набиййи акрам (с.а.в.) ваҳий ҳолатига тушиб, жим қолдилар ва орадан бир муддат ўтиб Раббул Оламиндан келган оятлар донадона қилиб ўқилди:

«Сиздан ҳаром ой (уруш ҳаром бўлган ойда жанг қилиш) ҳақида сўрадилар. Айтинг: «У ойда жанг қилиш катта гуноҳдир. Оллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга ишонмаслик ва Масжидул Ҳарамдан (яъни, Маккадан) тўсиш ва ундан аҳлларини қувиб чиқариш Оллоҳ наздида улуғроқ гуноҳдир. Фитна (алдаш) ўлдиришданда каттароқ гуноҳдир. Улар (кофирлар) қўлларидан келса, то динингиздан қайтаргунларича сизлар билан урушаверадилар. Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолда ўлса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охиратда беҳуда кетур. Улар дўзах эгаларидир ва унда абадий қолажаклар». (Бакара, 217.)

Уларга ана шундай жавоб берилди. Ўзларини доимо айбсиз, истаган нарсаларини қилишда

ҳур, қилган ҳар ишларини тўғри ва хайрли санаб юрган, айбни доимо бошқалардан қидирадиган Қурайшга: «Тўхтанг, олдин ўзингизнинг қилганларингиз тўғрими, нотўғрими билиб олинг!» дейилгандек бўлди гўё.

«Раббим Оллоҳдир», дейишдан бошқа «гуноҳи» бўлмаган кишиларни турлитуман қийноқларга солган қурайшийлар бу ишни гўё энг табиий ҳақлари деб билар эди. Йиллаб мусулмонларни исканжа остида кийнар эканлар, энди ҳеч кутилмаганда ҳаром ойлар масаласи бирдан аҳамият касб этиб қопти. Сумаййанинг қони тўкилар экан, Ёсирнинг қони оқизилар экан, Билолнинг устига оғир тошлар қўйиб, азобланар экан, Ҳаббобнинг бадани қизиган темирлар билан куйдирилар экан, қўлоёклари боғлиқ инсонлар очнаҳор қолдирилиб, тутунлар ичида бўғилишга маҳкум этилар экан, бўғилгунча боши сувга тиқиб турилганлар изтироб чекар эканлар, ҳеч сўз юритилмаган, ҳеч эсга келмаган ҳаром ойлар энди эсларига келиб қолибди?! Ўлдирилганлар ичида қони қизил бўлган фақатгина Амр ибн

Ҳадрамий эканми?!

** *

Бу оятлар келгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзлари учун ажратилган бешдан бир улушни олдилар. Лозим бўлган жойларга улашиб, тарқатдилар ва шу билан Абдуллоҳ ибн Жаҳш ҳамда дўстлари «Хато қилибмизда» деб ичини кемираётган ғашлигу хавотирлар барҳам топди.

Бир неча кундан сўнгра қочган туянинг орқасидан кетган Саъд ибн Абу Ваққос билан дўсти Утба Мадинага етиб келишди. Буни кўриб Расулуллоҳнинг (с.а.в.) юзларига табассум ёйилди.

Энди асирларни қайтариб беришга монеъ бўладиган нарса қолмаган эди. Улар озод қилингач, пайғамбаримиз яна бир бор Ислом динини таклиф этдилар. Бу сафар ҳам Усмон рад этди, бироқ Ҳакам:

— Нима у Ислом деяётганинг?.. — деб сўради.

Пайғамбаримиз унга тушунтирган эдилар, ўша заҳоти калима келтириб, мусулмон бўлди. Шундай қилиб, иккинчи марта ёқасини қиличдан қутқариб, ниҳоят Ислом динини танлаш билан саодат тожини кийди.

** *

Микдод ибн Асвад дўсти Утба билан бирга масжиднинг ёнидаги Супа номи берилган жойда тунаб қоларди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга учта эчкини кўрсатиб, «Буларни соғиб, биргабирга ичамиз», деган эдилар.

Миқдод биродари билан сутни соғиб ичишардида, Расулуллоҳга (с.а.в.) тегишлисини олиб қўйишар эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) кечалари келиб, уйғоқларнинг ўзигина эшитадиган қилиб салом берар ва сутларини ичиб кетар эдилар.

Бир оқшом Миқдод анчагина оч қолди. Ўзининг улушига қониқмай, яна ичгиси келди. Аммо пайғамбаримизга ажратилган сутни ичиб қўйса, айб бўлмасмикин? Кейин нима дейди? «Сизни эмас, ўзимни ўйладим, эй Оллоҳнинг расули», дейдими?

Лекин очлик уни ҳар кўйларга солиб, яна ўйлар эди: «Пайғамбаримиз ансор дўстларининг олдига кетдилар, қоринларини тўйғазиб келсалар, эҳтимол бу кеча сут ичмаслар?»

Шу хаёл билан пайғамбаримиз учун ажратилган сутни олдида, охирги томчисигача ичиб қўйди. Ичдию, кўнглини яна ғашлик ўраб келиб, ташвиш босди. Ичичидан қалбини ёқибёндирадиган бир овоз эшитиларди гўё:

«Нима қилиб қўйдинг, эй Миқдод? Пайғамбарга тегишли нарсани ичиб қўйдинга?! Келиб сутни топа олмасалар, нима деган одам бўлдинг?! Маккадан бу ерга ул зотнинг ҳаққини емоқ учун келган экансанда?»

Шунга ўхшаш ҳайқириқлар ичини куйдириб, ўтда қовурди. Устида бир ёпинчиғи бор эди. Ётганида бошига тортса, оёқлари, оёқларини беркитса, боши очилиб қоладиган. Шунга ўраниб олди.

Аммо қани энди ухлай олса! Дўстлари хуррак ота бошлаганлари ҳолда, у ҳали ҳам уйғоқ эди. Ухлаб қолишига умиди ҳам йўқ эди. Бу орада Расулуллоҳ (с.а.в.) келдилар. Паст овозда салом бердилар. Саломни фақат Миқдоднинг ўзи эшитди. У миқ этмай ётибди.

Сарвари олам масжидга кириб, икки ракат намоз ўқидилар. Бу намоз ичини ит тирмалаётган Миқдоднинг назарида жуда ҳам узоқ давом этди. Ана, турдилар, ана, масжиддан чиқяптилар... Миқдод виждони қийналиб, пешонасини тер босди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) сут идишни бўш кўрганлари замон Миқдоднинг ичида қўпган бўрон сиртига чикди. Бу орада Муҳтарам Саййидимиз бошларини самога кўтардилар:

— Оллоҳим, мени тўйғазганни сен тўйдир, менинг чанқоғимни кетказганнинг чанқоғини сен қондир, — дедилар.

Бирдан Миқдод хотиржам торта бошлади... «Бир ичишлик сут учун Расулуллоҳ дуоибад қиладилар деб ўйлаб катта хато қилиб қўйганингни биласанми?» дея ўзини ўзи маломат қила бошлади. Дарҳол пичоқни қўлга олиб, эчкиларнинг олдига борди. Бирини сўйиб, Расулуллоҳга инъом этмоқчи бўлди. Бироқ учаласининг ҳам бўғоз эканини эслаб, бу фикридан қайтди. Эчкиларни яна бир соғиб кўрмоқчи бўлди. Учаласидан бир ичишлик сут чиқди. Қайтиб Расулуллоҳ ҳазратларининг олдиларига келди.

— Ўзларинг ичдиларингми? — деб сўрадилар ул зот.

— Ҳа, эй Оллоҳнинг расули, фақат сиз қолдингиз. Марҳамат, сиз ҳам ичинг!.. — деди Миқдод.

Пайғамбаримиз сутни ичдилар. «Оллоҳим, бу ичган сутимизни янада баракали қил, бизга бу неъматингни орттир», деб дуо қилдиларда, қолганини Миқдодга бердилар.

— Яна бир оз ичсангиз бўларди, ё Расулуллоҳ! Расули акрам (с.а.в.) яна бир оз ичдилар, сўнг унга узатдилар. Миқдод қолганини ичди, анча хотиржам тортиб, аввалги ҳолатини кўз ўнгига келтирди ва бирдан уни кулги тутди. Ўзини боса олмай кула бошлади.

— Микдод, сенинг бир айёрлигинг бор!.. — дедилар Расулуллоҳ.

Микдод бўлган воқеани гапириб берди. Пайғамбаримиз кулимсирадилар.

— Бу Оллоҳнинг бир раҳмати ва икромидан бўлак нарса эмас, эй Микдод, — дедилар ул зот. — Олдинроқ айтганингда, биродарларимизни ҳам уйғотар эдим, улар ҳам ичишарди...

— Эй Оллоҳнинг пайғамбари, сиз ичдингиз, мен ичдим, энди ким ичса ичсин, ишим бўлмайди, — деди Миқдод.

* * *

Макка...

Бошларига бало бўлган бу мадиналикларга қарши бир чора излашар, уларнинг таъЗирини бериб қўйишнинг зўр бир йўлини топиш ҳақида бош қотиришар эди. Ишни шундай ташлаб қўйиб бўлмайди, чунки кечаётган ҳар кун уларнинг фойдасига кечаётган, улар тобора куч тўплаб олишаётган эди. Нима қилиш керак? Қурайшийларнинг асосий мавзуи шу бўлиб қолди.

Ўртага катта бир сармоя қўйишни, ундан тушадиган фойда ҳисобидан қўшин тўплаш ва мадиналикларнинг устига қўққисдан ҳужум қилишни ҳам режалаштиришди. Аммо оқибати нима бўлади, буни ўйлаб кўришмасди.

Ахийри ана шундай шерикчилик билан бир карвон ҳозирланди. Унга катта улуш қўшганлардан биттаси Абу Ухайҳа эди.

Карвон раислигига устамонликда шуҳрат топган Абу Суфён тайинланиб, Амр ибн Ос ва жасур бир паҳлавон бўлган Маҳрама ибн Навфал унга ёрдамчи бўлиб йўлга чиқишди. Қўриқчиликка ва бошқа хизматларга яна жуда кўпгина одамлар жалб этилди. Минг туядан иборат ва сармояси эллик минг динор келадиган бу карвон тонгда Маккадан чиқиб, Шомга қараб йўл олди.

ИККИ ҚИБЛАЛИ МАСЖИД

Мадина...

Барзо ибн Маърурнинг хотини ҳеч кутилмаганда уйига Расулуллоҳ (с.а.в.) келишларини эшитиб қолдию ғалати бўлиб кетди. Эри ўлганидан бери дилини тошдек эзиб турган ғамташвишлар ҳам аллақаёққа тарқаб, юраги тезтез ура бошлади. Сўнг қулоқлари қизиб, уни бир ҳаяжон босди. Аллақандай ширин бир ҳаяжон... Кўзларига ёш қалқиб, маржонмаржон севинч ёшларини тўкаркан, бева аёл, само мовийликларига қараб пичирларди:

— Оллоҳим, сенга қандай шукр қилишимни билолмаяпман...

Кўп ўтмай интизор кутилган овоз эшитилди:

— Ассалому алайкум!

— Сизга ҳам салом бўлсин, эй Оллоҳнинг расули. Марҳамат, келинг. — Отаси ўлганидан бери бу уйнинг каттаси бўлиб қолган Бишр Пайғамбарлар саййидини қувончи ичига сиғмай кутиб олди. Сўнгра кекса онаси келди:

—Уйимизга хуш келдингиз, шарафлар келтирдингиз, эй Оллоҳнинг раҳмат пайғамбари... — деди у.

Расули акрам (с.а.в.) ҳазратлари улар билан бир оз суҳбатлашиб ўтиргач, овқат келтирилиб, ейилди. Шу орада яқиндаги масжидда азон айтилиб, улар пешин намозини ўқиш учун чиқишди. Саййиди коинот жанобимиз меҳробга ўтдилар. Орқаларида саф тортиб турган мўминлар билан бирга намозга туришди. Икки ракат ўқилиб, учинчи ракатга турилган эди. Жамоат ҳузур ичида эди. Жаноби Ҳаққа тақдим этишлари лозим бўлган ибодат шахсан Оллоҳнинг Расули иштирокларида ўталмоқда эди. Нубувват йўлининг султони ул зот эдилар. Оллоҳга қуллик йўлининг энг улуғ раҳбари ҳам у киши эдилар. Раббул Оламийнга қандай қуллиқ қилинишини энг яхши биладиган ҳам, уни биззот Жаноби Мавлодан ўрганган ва инсонларга ўргатган ҳам у зот эдилар.

Ҳамма ҳузурли ва хотиржам. Лекин шу онда Набиййи муҳтарам жаноблари қандай ҳолатда эканларини билиб бўлмасди. Чунки Жаброили амин пайғамбаримизга Жаноби Мавлодан навбатдаги ваҳийни келтирган эди. Пайғамбаримиз ҳам намозларини давом эттирар, ҳам Жаброили амин ўқиётган Қуръон оятларини эшитар эдилар:

«Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта, биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжидул Ҳарам (Макка) томонга буринг! (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангизлар, юзларингизни унинг тарафига буринг! Китоб берилган зотлар, албатта, бунинг Парвардигорлари томонидан (келган ҳақ ҳукм) эканини биладилар, Оллоҳ улар қилаётган амаллардан ғофил эмасдир». (Бақара, 144.)

Ваҳий ҳолати ўтгач, Саййидул аввалин вал охирин жанобимиз вақтни ўтказмасдан, турган жойларида бурила бошладилар. Қалбларида «аниқ Каъба томонга йўналганлик» илҳоми келгач, тўхтадилар. Намозларини бузмадилар.

Жамоат ҳеч кутилмаганда Расулуллоҳнинг турган жойларида юзларини улар томонга буриб, намозини давом эттираётганларини кўриб, бунинг илоҳий бир амр эканини пайқашди, дарҳол улар ҳам сафларини бузмай Расулуллоҳнинг (с.а.в.) орқаларидан жой олишди. Энди бир неча сония олдинги қибла орқада қолган эди. Илк икки ракат Байтул Мақдисга қараб ўқилган бўлса, охирги икки ракат Каъбаи Муаззамага қараб ўқилди.

Намоз тугаши билан Расулуллоҳ (с.а.в.) юзларига мамнунлик балқиб чиқди. Кўпдан бери Улуғ Мавлодан сўралган нарса ҳосил бўлган, истаклари бажо келтирилган эди. Асҳобларнинг: «Нега бу томонга ўгирилдик, ё Набиййаллоҳ?» дейишларига ҳожат қолмади. Чунки бир оз аввал Жаброили амин қалбларига жо қилган ваҳий уларга донадона қилиб ўқиб берилди.

Бир неча йил мусулмонларнинг қибласи бўлиб турган Байтул Мавдис бу ваҳий билан энди бнр хотирага айланиб, юзлар билан бирга кўнгиллар ҳам Масжидул Ҳарам томонга ўгирилди. Масжидул Ҳарамга қараб илк намоз ўқилган бу масжид кейинчалик «Масжиди қиблатайн»,

яъни, «Икки қиблали масжид» номи билан машҳур бўлди.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) илк юмушни ўз масжидларидаги меҳроб ўрнини ўзгартиришдан бошладилар. Аср вақти масжидга келганлар бу ердагилар бошқа бир тарафга қараб намоз ўқишга ҳозирланишаётганини кўришди. Бирон янглишлик борми ёки терс кўриняптими — ажрата олишмади.

Лекин Расулуллоҳ (с.а.в.) энг олдинда туриб имомликка ўтишга тайёрланар эдилар. Намоздан кейин масжид аҳли бир-бирларидан «Нимаганега?» деб сўровчиларга Расули акрам (с.а.в.) пешин пайти ваҳий келганини билдирди.

Кубо масжидида бомдод намозини ўқиётганлар бир овозни эшитишди. Овоз эгаси жаноби Расулуллоҳнинг Каъбага қараб намоз ўқиганларини, шунинг учун энди ҳамма Каъбага ўгирилиши лозим эканини айтарди. Намозни бузмасдан саф ҳолида ўгирилишди ва шу ҳолда тугаллашди.

Эҳтимол бу хабарни келтирган одам кеча Мадинага бориб, у ердан кечқурун Қубога қайтган ва бомдод намозига масжидга чиққан бир кишидир. Бу ердагилар ҳам кўпдан бери Расулуллоҳ (с.а.в.) қибланинг Каъба тарафга йўналишини орзу этиб, Мавлои Зулжалолга дуо қилиб юрганларини билишарди ва эртамикечми рўёбга чиқишига ишонишарди. Ўша орзу рўёбга чиқибди. Бир инсоннинг хабари билан намозда қиблани ўзгартириб, Каъбага ўгирилишларининг сабаби шу эди.

Қибланинг ўзгартирилиши яҳудийларга оғир бир зарба бўлди. Чунки бу бурилиш Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобларининг ҳақиқатан ҳам пайғамбар эканларини уларга яна бир исбот қилди. Охирги пайғамбар ҳақида Тавротда берилган маълумотлар ичида ул зотнинг қибласи ўзгартирилиши ва у Маккадаги Каъбага қараб йўналиши аниқ айтилган эди. Ва ўз сўзида тургувчи Оллоҳ буни рўёбга чиқариб, кимларни қувонтирди, кимларни забун этди.

Ўзаро уюштирилган йиғинда шу масалани ҳам тилга олишди, энди нима қилишлари, қандай йўл тутишлари ҳақида тортишишди. Дин пешволари ҳам инкори мумкин бўлмаган бир ҳақиқат рўпарасида туришганини билишарди. Энг тўғри йўл — катта отабоболари тарафидан Ҳазрати Мусога (а.с.) берилган аҳдга эргашиб, Расулуллоҳга (с.а.в.) имон келтириш эди.

Аммо не кўргуликки, ичларини ёндирибкуйдираётган ҳасад ва бошқа миллатдан чиққан пайғамбарга бўйинсунишга рози эмасликлари уларга тўсқинлик қилар, имон келтириш у ёвда турсин, имон келтирганларни имонларидан қайтариш чораларини излашар эди.

Оғизларини пичоқ ҳам очолмасди. Башараларидан қалбларидаги изтиробалам чидаб бўлмас ҳолга келганини аниқ кўриш мумкин. Ниҳоят жимликни Ибн Сурийя бузди:

—Нима қиламиз, дўстлар, бу иш жимлик билан ҳал бўлмайди? — деди у. Сиқилганидан ёрилар ҳолга келган бошқа биттаси жавоб берди:

—Майли, жим турмадик дейлик, аммо бу ишни ҳал эта олишимизга ишонасанми?

Бу луқманинг маъноси «Масалан, мен ишонмайман», демак эди.

— Нима демоқчисан, эй Хуйай?

— Шуни демоқчиманки, биз жим турсактурмасак, юриш амри берилган бу карвон юраверади. Жим турмаганда, нима қила олардик? Ёки ҳозиргача жим турмай ниманинг олдини олабилдик? Менга шундай туюляптики, бу даъво охиригача муваффақият билан давом этади ва биз давом этишини билиб турганимиз бу даъвонинг қурбонлари бўлиб кетамиз.

— Хўш, — деди Каъб ибн Ашраф, — шундай, қўлоёғимизни боғлаб ўтираверамизми? Ёхуд Авс ва Ҳазраж маҳаллалари орасида айланиб, «Пайғамбарингизнинг Ясрибга кўчганидан кейин қибласини пайғамбар Иброҳимнинг қибласига буришини биз билардик. Мана, ҳақ пайғамбар эканининг бир аломати будир!» деймизми?..

—Бундай демоқчи эмасман. Аммо ўртада бир ҳақиқат бор ва биз бу ҳақиқатни билатуриб

инкор этиш билан ўзимизни оловга ташлаяпмиз! Олдинданоқ бу даъвони қозонишини билардик... ва унга қарши чиққанлар паришон бўлиб қолишларини ҳам... Энди яна худди шу нарсаларни билиб, мағлуб бўлишимизни англаб туриб, унга қарши чиқяпмиз. Бу биз учун аянчли оқибат.

— Бас, беҳуда сўзлар билан ўтказадиган вақтимиз йўқ, деди Ибн Сурийя ўрнидан кескин туриб. Бирон нарса қилиш керак. Ўйланг, ўйланг...

Келишилган қарорни том татбиқ этиш нияти билан йиғин охирига етди.

* * *

Ҳеч қанча ўтмай мусулмонлар орасига тарқаб кетишди. Устакорлик билан «самимий» фикрларини билдира бошлашди.

Натижада баъзилар орасида: «Қибла ўзгармасдан олдин ўлган биродарларимизнинг ҳоли нима бўлади энди?» деган саволлар туғилиб қолди.

Бошқа тарафда яна бир яҳудий мўминларнинг ғашига тегиб:

— Энди анча гангиб қолдиларинг, қаерга бурилишни ҳам билмайсизлар. Кўрайликчи, эртага қиблаларингиз қаёкда бўларкан? — дер эди.

— Хўш, кечаги қибланинг нимасини ёқтирмай қолдиларинг? Унинг Каъбадан фарқи нима? Модомики Каъба тарафга ўгирилар экансизлар, шу пайтгача нега жим туриб эдиларинг? — дерди бошқаси.

Дуч келган мўминга шунга ўхшаш саволлар берилар эди.

Каъб ибн Ашраф бошлиқ бир гуруҳ яҳудий Расулуллоҳни (с.а.в.) зиёрат этгани келди.

— Ассому алайка, ё Муҳаммад, — дейишди кўриша ётиб.

Ҳазрати Ойиша бирдан сергак тортдилар ва:

— Лаънатлар ҳам, мусибатлар ҳам сизларнинг устингизга ёғилсин. Бошингиздан бало аримасин, — деб қарғаб бердилар.

— Ўзингни бос, эй Ойиша, Оллоҳ таоло ҳар ишда юмшоқ муомалада бўла олганни севади.

— Лекин, Расулуллоҳ, нима деганларини эшитдингизми? Улар сизга «ассалому алайка» демади, «ассому алайка» деди ахир.

— Биламан. Мен ҳам шунинг учун уларга «Ва алайкум» (ўзингизга ҳам шундай бўлсин) деяпманку. Уларнинг менга дуоибадлари ҳеч ўтмайди. Аммо менинг дуоларим уларнинг бошига келгай.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга нега «ва алайкум салом» демай «ва алайкум» деб қўяқолганлари яққол англашқлиб, улар талвасага тушиб қолишди. Бечора яҳудийлар ҳар келишларида «Ассому алайка, ё Муҳаммад!» дейқшар ва ҳар дафъа айрича бир завқ олиб, мийиқларида кулишар эди. Демак, ул зот уларнинг барча беодобликларини билиб турар эканларда?!

Нима бўлганда ҳам, бўлар иш бўлди; келиш сабабларини англатишди:

— Агар эски қиблангга қайтсанг, биз ҳам сенинг динингни қабул этишимиз мумкин бўларди, — дейишди улар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз яҳудийларнинг имои келтиришларини жудажуда орзу этардилар. Буни яҳудийлар ҳам яхши билишарди. Шу йўл билан «хўп, бўпти», дедирмоқчи бўлишди. Аввал рози қилдириб олиб, кейинроқ, .«Одамларнинг хоҳишига қараб ўзгарибтусланадиган бир дин билан бизнинг нима алоқамиз бор?» деб юз ўгириб кетишмоқчи эди.

Аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) қисқа ва лўнда қилиб, улар кутмаган жавобни бердилар:

— Мен фақат Оллоҳнинг амрини етказадиган бир пайғамбарман, холос.

Бу деганлари, илгари Байтул Мақдисга Раббимнинг амри билан ўгирилган эдим, энди ҳам Масжидул Ҳарам тарафга яна Раббимнинг амри билан ўгирилдим. У кайси тарафга буюрса, ўша тарафга буриламан, сизнинг хоҳишингиз билан эмас, деганлари эди!..

* * *

Фитнакор ташвиқот таъсирини ўтказиб, бир неча киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига савол билан келди:

— Қибланинг ўзгаришидан олдин вафот этган қардошларимизнинг ҳоли нима кечади? — дейишди улар.

Бу саволни баъзи софдил мўминларнинг зеҳнларига жойлаштириш учун чиққан яҳудийлар Ҳазрати Умар каби зотларга дуч келсаларку, дарҳол овозлари ўчиб қолардия. «Биз ҳозиргача Байтул Мақдисга ўз истагимиз билан йўналибмизми?» деган жавоб олишлари тайин эдида. Бироқ яҳудийлар кимнинг ёнида қандай ташвиқот қилишни билишарди.

Аммо Оллоҳ ҳар нарсани кўргувчи ва билгувчи зот эди. Бу масалага ҳам ўзи ваҳий юбориб ойдинлик киритди. Жаброил келтирган оятлар худди шу ҳақда эди:

«Одамлардан ақлсизлари: «Улар (мусулмонлар)ни илгари қараган қиблаларидан қандай нарса юз ўгиртирди?» дейдилар. Айтинг: «Машриқ ҳам, мағриб ҳам Оллоҳникидир. У ўзи хоҳлаган кишиларини ҳақ йўлга ҳидоят қилади». (Бакара, 142.)

Кейинроқ қибланинг ўзгартирилишидан хикмат нима экани англатилди:

«Сиз илгари қараган қиблани Биз фақатгина ким Пайғамбарга эргашиб, ким орқасига қайтиб кетишини билиш учун қилганмиз, холос. Шубҳасиз, бу оғир иш. Магар Оллоҳ ҳидоят қилган зотларгагина (оғир эмасдир). Оллоҳ имонларингизни (яъни, имон билан ўқиган намозларингизни) зое қилгувчи эмас. Албатта, Оллоҳ одамларга меҳрибон ва раҳмлидир». (Бакара, 143.)

Бунинг кетидан эса, яҳудийларнинг бебурд ва мунофиқ эканликлари, уларга ишонмаслик эслатилди:

«Китоб берилган зотлар албатта бунинг Парвардигорлари томонидан (келган ҳақ ҳукм) эканини биладилар. Оллоҳ улар қилаётган амалларидан ғофил эмасдир». (Бақара,144.)

Ниҳоят уларнинг қанчалик ўжар ва ўзибилармон эканликлари очиқравшан таърифлаб берилди:

«Қасамки, агар сиз китоб берилган кимсаларга бор мўъжизаларни келтирсангиз ҳам, улар қиблангизга боқмайдилар. Сиз ҳам уларнинг қибласига боққувчи эмассиз. Улар (яҳудийлар ва насронийлар)нинг бировлари бировларининг қибласига боққувчи эмас. Агар фаразан Сизга келган билим (ваҳий)дан кейин ҳам уларнинг ҳавойи нафсларига эргашсангиз, у ҳолда, шубҳасиз, золимлардан бўлиб қоласиз». (Бакара, 145.)

Бу оятларнинг сўнгида Улуғ Мавло мўминларга хитобан яна шундай марҳамат қилди:

«Биз китоб ато этган кимсалар (яҳудий ва насронийлар) Уни (Муҳаммад пайғамбарни) ўз фарзандларини таниган каби танийдилар. (Яъни, ўзларининг илоҳий китобларида у ҳақда ўқиганлар.) Ва, албатта, улардан бир гуруҳи билганлари ҳолда ҳақиқатни беркитадилар». (Бакара, 146.)

Мана шу оятлар тушган кезларда Ҳазрати Умар Абдуллоҳ ибн Саломни қидириб топди ва:

—Ростини айт, ҳақиқатни биласизларми? — деб сўради.

—Эй Умар, мен ўғлимнинг ҳақиқатан ҳам менга оид эканидан шубҳаланишим мумкин, аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳақида ҳеч шубҳалана олмайман, — деди у. —Чунки китобларимизда берилган маълумотлар тўлиғича у зотда мужассамдир. Бугун Расулуллоҳни (с.а.в.) инкор этаётганлар жоҳилликларидан ёки у зотнинг пайғамбар эканлигига қарор беролмаганлариданмас, яҳудий бўлмаган бир инсон пайғамбар этиб тайинланганини ҳазм қила олмаганларидан шундай қилмоқдалар. Йўқса, биз у зотнинг бу ерга ҳижратидан кейин қибланинг Иброҳим (а.с.) қибласига чеврилишини ўз исмимиздек биламиз.

Кучли жаладан кейин кўчаларда тўпланиб қолган ахлату хасчўпларни сув қандай оқизиб, сидириб ташласа, нозил бўлган оятлар ҳам яҳудийларнинг фитналаридан юзага келган ҳузурсизликларни ана шундай улоқтириб ташлади. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам, барча мўминлар ҳам бу ҳолдан мамнун бўлишди.

Расули акрам (с.а.в.) эса, энди самога ҳамд ва шукр туйғулари билан тўлиб боқар, ҳар намозда буюк боболари қурган ва Парвардигорлари буюрган муқаддас қиблага юзланар эканлар, ўзгача бир ҳузур туяр эдилар.

* * *

Кунлардан бирида заргар яҳудий билан унга тақинчоқ ясаттиришга келган чўри ўртасида келишмовчилик чикди. Яқинорада ҳеч ким йўқ эди. «Энди фурсат келди», дея яҳудий қўлига илинган оғир бир тош билан чўрининг бошига туширди. Дўконини ёпиб, жуфтакни ростлаётганида аёлнинг сўнгги нафасини чиқарганига амин эди.

Сал вақтдан кейин у ердан ўтиб кетаётган мусулмонлар қулоқларига инграш овози чалиниб, чопиб келишди. Бечора аёлни замбилга солиб, Расулуллоҳ (са.в.) хузурларига олиб боришди. Расули акрам саййидимиз атай мусулмонларнинг номини атаб, ундан сўрай бошладилар:

— Сени фалончи шу ҳолга солдими?

Аёл гапира оладиган вазиятда эмасди. Кўз ишорати билан «йўқ» деди.

— Фалон кишими сен ўлдирмоқчи бўлган? — дедилар яна.

«Йўқ» деди у бош чайқаб.

— Фалон яҳудийми? — дедилар ахийри заргарнинг номини атаб.

— Ҳа, — деди аёл зўрға бош силкиб.

Одамлар мўъжизадан ҳайратда қолдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) жаноблари қалбларига илҳом йўли билан билдирилган жиноятчини ўз номи билан атаган эдилар. Аммо у зот бу масалада илҳом ила билдирилган нарсага таяниб эмас, гувоҳларга ишониб иш кўришни лозим топдилар. Бунинг учун чўри гапириши ёки «Мени фалончи ўлдирмоқчи бўлди», деб иқрор бўлиши керак эди. Ҳолбуки, чўри гапира оладиган ҳолда эмасди. Сўнгги нафасини олаётган эди.

Пайғамбаримиз шу боисдан унга икки марта «Сени фалончи ўлдирмоқчи бўлдими?» деб бировларнинг номини атай сўраган ва унинг «йўқ» жавобини олган эдилар. Бу эса, ёнларидаги инсонларга чўрининг «нима деяётганини ^биладиган даражада ақли жойидалигини» кўрсатиш учун эди. Учинчи гал эса, тасодифан эмас, илҳом йўли билан билдирилган исмни айтдилар ва «ҳа» жавобини олдилар.

Ёнларидаги одамларга: «Бу чўрининг қотили фалон яҳудий экани менга илҳом йўли билан билдирилди», десалар, улар шубҳаланмасликлари ҳам мумкин эди. Аммо мусулмон бўлмаганларчи? Улар яна фитна чиқармайди деб ким айта олади? Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) энг мақбул йўлни — гувоҳларга таяниб иш кўришни маъқул кўрдилар.

Ислом шариатида энг тўғри йўл шу эди.

* * *

Чўрини нариги дунёга жўнатганига ва буни ҳеч ким кўрмаганига амин бўлган яҳудий маълум вақтдан кейин яна дўконига қайтди. Бу масала энди ҳеч очилмайди, бостибости бўлиб кетади, деб ўйларди у. Ўзи аҳмоқ эмаски, бировга «Мен фалон чўрини ўлдирдим», деб гуллаб қўйса.

Биттагина эҳтимол бор. У ҳам бўлса, тошнинг тилга кириши, «Фалон яҳудий мени бу чўрининг бошига тушириб уни ўлдирди», дейиши керак. Ҳеч қачон бундай бўлмаслигига кўра, ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолган эди.

Аммо ичида негадир хотиржамлик йўқ эди. Тош пачоқлаб беўхшов ҳолга келган у юз кўз ўнгига келар, баъзан кўзларининг ичига суқилиб кирмоқчидай бўлар эди. Шунда қотил бошини эгнига суқиб, чўрининг суратидан узоқ бўлишга уринарди. Орасира силкиниб қўяди, кўзларини уқалайди, қаршисида қўрқинчли ҳеч нарса йўқлигини кўради, аммолекин сал ўтмай хорғин кўзлардан истифода этган хаёл такрор қаршисидан жой олади.

Ниҳоят, ўзини қўлга олиб, энди ишга киришган ҳам эди, қаршисида тикилиб турган мусулмонларнинг кўз қарашларидан эсанкиради.

—Нима истайсанлар?

—Сени Расулуллоҳ сўраяптилар, — дейишди улар.

—Ғалатику? Нима қилармиш мени?

—Олдин борайлик, ўша ерда маълум бўлади.

—Ҳозир вақтим йўқ, ишдан қутулай, — деди атай.

—Ҳозир бормасанг, бўлмайди.

У истар-истамас, ҳатто исёнкор бир ҳолда ўрнидан турди. Тихирлик қилса, олдиларига солиб, ҳайдаб кетишлари ҳам тайин. Бир ўзи уларга бас кела олмас эди.

—Менинг Муҳаммад билан бирон муносабатим йўққу. Савдосотиқ ҳам қилган эмасман, — деди у.

— Бир чўри масаласида чақиряптилар.

Яҳудийнинг тили танглайига ёпишиб, оёқлари қалтиради.

— Нима бўлибди унга? Қанақа чўри?.. — деди ҳаяжондан тили зўрға айланиб.

— Борсанг, биласан.

Яҳудийнинг аъзойи баданида титроқ турди. Ҳеч ким кўрмаган эдику, тош ҳам гапирмагандир, аммо Муҳаммад қайдан билибди экан, деб пичирлади у. Учинчи эҳтимол унинг хаёлига ҳам келмасди.

Уша пайтда оқибатини ўйламагани учун ўзига лаънатлар ўқиди. Қочиб қутулсамикан ёки ёлвориб жонини қутқарса бўлармикан? У бораборгунча ҳар турли баҳоналар излаб борди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида унга жонсиз бир жасад кўрсатилди, нега ўлдиргани сўралди. Яҳудий жасадни кўрган заҳоти таниди, лекин ҳеч тараддудсиз:

— Мен ўлдирмадим, танимайман уни, — деб туриб олди.

Буни айтишга айтдику, аммо ранги қув ўчиб, оқариб кетганини яширолмади.

Унга чўридан қандай жавоб олингани айтилди. Ниҳоят, олдида ягона йўл қолганини англаб, жиноятни эътироф этди.

Айни жазо унга ҳам ҳукм этилди. У ердан ҳукм ижро этиладиган жойга олиб кетишар экан, охирги марта чўрига нафрат назари билан бокди. Кейин пушаймонлиги қўрқув билан қоришиб кетди. Ранги қум ўчган бир аҳволда, бутун вужуди титрабқалтираб, оёқларини зўрға судраб бораркан, маййитдан фарқи қолмаган эди.

Охирги сўз берилди. У чўрини эслаб, «Кошки сени ҳеч танимасайдим», дея одди.

** *

Абу Офак асли яҳудий эди. Юз йигирма ёшга етган, бели букилиб, зўрға юрарди. Қариган сайин кучи тилига кўчиб, эзма бўлиб қолди. Бўларбўлмас ишларга аралашаверади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинани шарафлантирганларидан бери ўзига янги бир «эрмак» топди, ҳамма ерда мусулмонларга, айниқса, пайғамбаримизга тил теккизмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Мадинанинг туб аҳолиси бўлган Авс ва Ҳазраж қабилалари кечагина ораларига келиб қўшилган бир одамнинг атрофида парвонадек айланиб, ҳар сўзини бир амрдек қабул этаётганларини Абу Офак масхаралаб кулар эди.

Бу ҳолат мусулмонларга оғир ботар, қўлидан ҳеч иш келмайдиган вайсақи чолдан қутулишни, ҳеч бўлмаса, овозини ўчиришни исташар эди.

** *

Кўпдан бери Ҳазрати Усмоннинг (р.а.) таъби хира эди. Хотини Руқаййанинг касали кунданкунга оғирлашиб, сўлиб борарди.

Бу ҳолат Расулуллоҳни (с.а.в.) ҳам анчагина маҳзун этди. Неча йиллар давомида у кўрмаган жафо қолмаган, Мадинага кўчиб икки кунгина тинчосуда ҳаёт кечирган суюкли қизларини тузалмас бир касалликнинг чангалида кўрган эдилар.

Оллоҳнинг тақдирида нима ёзилган бўлса, ўша бўлиши аниқ эди. Суюкли қизларини кўргани ҳар келганларида олдидан қайғуга ботиб чиқар эдилар.

* * *

Шаъбон ойи тугар экан, мўминларга саодатга элтгувчи яна бир ибодатга чорлаб, янги амр келди: «Эй мўминлар, сизларга рўза сизлардан олдингиларга фарз қилингани каби фарз қилинди. Уни адо этсаларингиз, тақводор бўласизлар» (Бақара,183), дейилар эди оятда.

Кейинги оятларда бу рўзанинг Рамазон ойида тутилиши, касал ёки мусофир бўлганларгина бошқа кунларда тутиб беришлари англатилди. Ўша кеча ҳамма бундан буён ҳар йили бир ой муддат билан Рамазон ойи рўзаси фарз қилингани хабарини уйларига олиб қайтди.

* * *

Ниҳоят Шаъбон ойининг охирги куни келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўринларидан турдилар. Масжиднинг олд қисмидаги хурмо дарахтидан бўлган устунга суянганча, асҳобга мурожаат этдилар:

— Эй инсонлар, улуғ ва муборак бир ойнинг сояси устингизга тушиб турибди. Бу ойнинг ичида минг ойдан ҳам хайрли бир кеча бордир. Шундай ойки, Оллоҳ таоло унинг кундузларини рўза билан ўтказиб, кечаларини ибодат билан зийнатлашингизни муносиб кўргандир. Бу ойда ўзига фарз бўлмаган бирон хайрли ишни қилиб, Оллоҳга яқинлик қилишга уринган киши бошқа ойларда фарзни адо этган кабидир. Бу ойда бир фарзни бажарган эса, бошқа ойларда етмиш фарзни қилган кабидир. Бу ой сабр ойидир, сабрнинг савоби ва натижаси жаннатдир. Бу ой кўмаклашув ойидир, мўминнинг ризқи орттириладиган ойдир. Ким бу ойда бир рўзадорни меҳмон қилиб, иззатикром қилса, бу яхшилиги унга гуноҳлари учун мағфират, жаҳаннамдан қутулиш бўлади. Унинг ажр ва мукофотидан камайтирмаслик шарти билан наригисига ҳам айни савоб етади.

Шу ерда Расулуллоҳнинг (с.а.в.) сўзлари кесилди:

— Эй Оллоҳнинг пайғамбари, битта рўзадорни ифтор қилдирадиган овқатни ҳаммамиз ҳам топа олмаймизку, — дейишди баъзилар.

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

— Оллоҳ таоло бу савобни биттагина хурмо ёки бирқултум сув билан ёхуд бир пиёла сут билан рўзасини очтирганга ҳам бергай, — деб жавоб бериб, яна сўзларида давом этдилар:— Хизматкорининг юкини енгиллатган кишини Оллоҳ таоло кечиради ва жаҳаннамдан озод қилади. Бу ойда тўрт нарсани маҳкам таъқиб этинг. Бу тўрттадан иккиси билан Раббингизни рози қиласиз, иккисига эса, жуда муҳтожсиз. Раббингизни рози қиладиганингизикки хусус: калимаи шаҳодатга ёпишиб, уни кўпкўп такрорлаш ва Оллоҳ таолодан мағфиратини сўрашдир. Жуда муҳтож бўлганингиз икки нарса эса: Оллоҳ таолодан жаннатни исташ, дўзах азобидан Оллоҳнинг паноҳига сиғиниш. Ким бир рўзадорга сув берса, Оллоҳ таоло ҳам унга ўз ҳовузидан сув ичирадики, уни ичгач, жаннатга киргунга қадар ҳеч чанқамайди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) саййидимиз сўзларини битиргач, кўнгиллар бир кун кейинги рўзани ва рўза ойи бўлган Рамазонни орзиқиб кутадиган ҳолатга келди.

Рўза араблар билмайдиган нарса эмасди. Ислом дини келмасидан аввал ҳам рўза тутадиганлар бўларди. Фақат пайғамбаримиз таблиғ этган Рамазон рўзасини ҳеч қачон ундай рўзалар билан таққослаб бўлмасди.

Парвардигорига кўнгил берганлар учун бу ойда тутиладиган рўза тенги йўқ бир ибодатга айланди.

* * *

Ўша йили Рамазоннинг илк куни ёз ойининг охирги чоршанбасига тўғри келган, бомдод намозига чиққанларнинг барчаси рўзага ниятланган эди. Саййиди коинот ҳазратларининг юзлари барқ уриб турарди. Ҳар доимгидан хурсанд эканларига шубҳа йўқ. Файзини, баракотини кечаги суҳбатда англатганлари ушбу муборак ойга етишиш ва бир ой муддат билан Раббиларига ибодат низоми ичига кириш ул зотни албатта хурсанд этиб, саодатманд қиладида! Бунинг устига, тунда Жаброили амин яна янги хушхабар келтирди: бундан буён Рамазон ойларида

Қуръони каримнинг ўша кунигача нозил бўлган қисмини биргаликда ўқиб, яна бир бор хатм қиладиган бўлдилар.

Ваҳий фариштаси Жаброил ўқийди, Сарвари анбиё жим тинглаб ўтиришлари керак. Лекин бу тинглаш қулоқ билан эмас, қалб билан, руҳ билан, кўнгил билан бўлар, моҳиятини Оллоҳдан ва расулидан бошқа ҳеч ким билмайдиган бир тиловат ва тинглаш билан тунлар безалар эди. Ўқилган ҳар оятда пайғамбаримизнинг айри бир хотиралари бўларди. Ҳар бир оятнинг қаерда, қачон, қайси сабаб билан нозил қилинганини яхши биладиган ҳам ул зот эдилар.

Жаброили аминни тинглар эканлар, баъзан Ҳиро тоғининг қияликлари орасида берилган «Ўқи» амрини эслар, баъзан уйларида ваҳийнинг таъсиридан қутулиш учун ётоққа кирганларида нозил бўлган «Эй (либосларига) бурканиб олган зот, турингда, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантиринг» (Муддассир, 1 — 2) оятлари билан титрар, баъзан Сафо тепалигида инсонларга илк бор даъват қилган кунларининг хотиралари билан яшар эдилар.

** *

Рўза тутаётганлар оғир шартлар остида кун бўйи давом этадиган бир ибодатни адо этиш севинчини Оллоҳнинг неъматларига эришиш севинчи билан қовуштирдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) жаноблари озгина сув билан рўзаларини очиб, бириккита хурмо едилар.

—Ташналик кетди, томирлар ҳўлланди, иншаоллоҳ, мукофотимиз тасбит этилди. Оллоҳим, сенинг розилигинг учун рўза тутдим, сенинг ризқинг билан рўзамни очдим,— дедилар. Кейин жамоатнинг олдига ўтиб, шом намозини ўқидилар.

Ёзнинг охирги кунлари эмасми, ҳаво иссиқ ва чарчатадиган эди. Даласида ишлайдиганлар бор, уларнинг бардош бериши яна ҳам қийинроқ. Шу билан бирга, чекилган ҳар бир машаққатга яраша қиймати ҳам борлигига ҳеч шубҳа йўқ эди.

Арабларда оқшом рўза очилганидан кейин ухлагунга қадар бўлган вақт ифтор муддати ҳисобланар, ухлаб қолган киши қайта рўза тутган бўлар ва рўзадорга ҳаром қилинган барча нарсалар ўша ондан эътиборан унга ҳам тааллуқли бўлиб қолар эди.

Қайс ибн Сирма оқшом бўлгач, даласидан ҳорибчарчаб уйига қайтди. Хотинига:

— Ейдиган бирон нарсанг борми? — деб сўради.

— Уйда ейдиган ҳеч нарса йўқ, қўшнилардан бир сўрайчи, — деб аёл чиқиб кетди. Бироқ аёл қайтиб келмасидан қаттиқ уйқу босиб, ухлаб қолди.

Қўшнилардан бир микдор емак кўтариб келган аёл уни уйқу ҳолида кўриб, ачиниб кетди: «Вой шўрим, энди тамом?..» деди пичирлаб.

Чунки бўлар иш бўлган эди, энди уйғонса ҳам ея олмас эди. Шундай қилиб, Қайс эртанги куннинг рўзасини дармонсиз вужуд ва оч қорин билан бошлади.

** *

Ҳазрати Умар ўша тонг Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига келди. «Бошимга бир иш тушди», деб кеча ухлагандан кейин хотини билак алоқа қилиб қўйганини айтди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз бу мавзуда ҳеч нарса демадилар. Эҳтимол ваҳий келишини кутаётгандирлар. Ёхуд Улуғ Мавло масалани Қуръон ояти билан ҳал этажаги учун расулига жавоб беришига изн бермадими?

Қайсни ҳам ўша куни борган сари кучайиб бораётган қаттиқ ҳолсизлик ушлади. Ниҳоят, оқшом тушиб, рўзасини очишга имкон топа олмай ҳушидан кетди. Унинг аҳволи ҳам Расулуллоҳга билдирилди.

Расули акрамнинг (с.а.в.) юзларида ваҳий аломатлари кўриниб, маълум вақт ўтгач, Саййидимиз Оллоҳ таолонинг ушбу амрини ўқиб эшиттирдилар:

«Сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиш ҳалол қилинди. Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз (яъни, эрхотин бир-бирига киши либосга муҳтож бўлгани каби муҳтождирлар). Оллоҳ сизлар ўзларингга хиёнат қилаётганларингни билиб, тавбаларингни қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди улар билан (рўза кечаларида ҳам

бемалол) қовушингиз ва Оллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз. Ва то тонгда оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача ебичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар. Масжидларда эътикофда бўлган чоғингизда (кечалари ҳам) улар (хотинларингиз) билан қўшилманг! Булар (юқорида мазкур бўлган ҳукмлар) Оллоҳнинг чегараларидир. Бас, уларга яқинлашмангиз! Одамлар ҳаром ишлардан сақланишлари учун Оллоҳ ўз оятларини мана шундай очиқравшан баён қилади (Бақара, 187).

Бу оятлар габлиғ этилганидан кейин келган енгиллик асҳоби киромнинг юзларида мамнунлик аломати ўлароқ ифода топди.

Кейинроқ Набийлар сарвари (с.а.в.) асҳобни кечаси туриб овқатланишга ташвиқ этдилар:

— Саҳарлик қилинг. Чунки саҳарликда барака бор. Кундуз тутадиган рўзага саҳарда овқатланиб қувват тўпланг. Кеча ибодатига бардош бера олиш учун қайлула уйқусидан фойдаланинг, — дедилар.

Ўша оқшом мўминлар уйуйларига севинч ила қайтишди. Улар бундан буён саҳарликдан фойдаланиб, кунлик ибодатга тўқ қорин билан боришар эди. Рўза амрини билдириш учун келган оятдаги «Оллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди» (Бақара, 185) буйруғи ана шундай имконлар очди.

Кечалари саҳарликка турганлар кунлари беҳуда ўтказиладиган кун эмаслигини билиб рўза ибодатига киришишар, Оллоҳ розилигига эришиш орзуи билан калимаи тавҳид ўқишар, Қуръон ўқишар, мағфират сўраб, дуо қилишар эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) англатган барака ана шу томондан тажалли этарди.

Бироқ бу нима?

Билолнинг таниш овози ила юксалган азон саҳарлик қилаётган одамларга ебичишни тўхтатишлари лозимлигини билдираётгандек эди. Уйларидан чиққан кишилар шарқ тарафга қараб, уфқда бирон-бир ёришганлик аломатини кўра олмади. Ҳали тонг отмаган эди. Бу ҳолатга кўра, ҳали ебичиш вақти тугамаган эди.

— Бунда бир хайр бўлса керак, — дейишди азон айтилишидан бир ҳикмат излаб. Чунки янглишиб, Оллоҳнинг чегараларини поймол қилиб қўйилса, нима бўлади? Кечагина тушган оятда бекорга «Булар Оллоҳнинг чегараларидир. Бас, уларга яқинлашмангиз!» (Бақара,187) дейилмагандир? Лекин...

Орадан сал фурсат ўтиб, яна азон овози янгради. Бу гал Амр ибн Умму Мактум азон айтар эди.

Бу пайтда кунчиқар тарафда ғирашира еришганлик аломатини кўришди.

Бу азондан сўнг бомдод намози учун Расулуллоҳни (с.а.в.) кута бошлашди. Орадан бир оз вақт ўтиб Сарвари олам чиқдилар. Бирга намоз ўқишди. Сўнг жанобимиз асҳобларига қараб:

— Сизни Билолнинг азони чалғитиб, саҳарлик қилишдан тўхтатиб қўймасин. У ибодат учун турадиганларга тонгнинг яқин эканини билдириш ва ухлаб ётганларни уйғотиш учун айтилди. Яна сизни уфқда тикка кўринган ёруғлик ҳам чалғитмасин. Уфққа ясси бўлган тонг ёришишини кутинглар. Амр ибн Умму Мактум ўқийдиганазонгача ебичаверинглар, — деб марҳамат қилдилар.

Шундай қилиб, масала равшанлашди. Кейинги кечаларда Билолнинг азоиини эшитганлар: «Оллоҳ сендан рози бўлсин, эй Билол», деб ташаккур билдирадиган, Амр айтадиган азонга қадар бемалол ебичадиган бўлишди.

* * *

Расулуллоҳга (с.а.в.) бир хабар етдики, уни аниқлаш мақсадида икки кишини вазифалантирдилар. Жимгина Мадинани тарк этиб, Шом йўлига чиқишни, Маккадан Шомга кетган карвоннинг қайтиши ҳақида маълумот олишни ва вақт ўтказмасдан қайтиб келишни тайинладилар.

Зиммаларига вазифа юкланган Басбас билан Одий бир куни эрта тонгда хеч кимга

билдирмасдан Мадинадан чиқиб кетишди.

** *

Рамазон ойининг илк кунларидан бирида Расулуллоҳии (с.а.в.) бундай бир савол билан қаршилашди:

— Нима дейсиз, ё Расулуллоҳ, фарз намозларини ўқисам, Рамазон рўзасини тутсам, Оллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳаром билиб, уларга тегмасам, ҳалол қилганини ҳалол билиб, улардан фойдалансам ва буларга хеч нарсани кўшимча қилмасам, жаннатга кира оламанми?

Пайғамбаримизнинг жавоблари биргина сўздан иборат бўлди:

— Ҳа.

— Валлоҳи, мен ҳам буларга бирон нарсани қўшимча қилмайман. (Муслим, 1/44.)

** *

Абу Суфён Шом сафаридан кутганидан ҳам кўпроқ фойда топган ҳолда қайтар эди. Бу фойданинг ҳаммаси Муҳаммад ва асҳобини, қолаверса, бутларнинг қийматини бир пулга чиқарган янги динни ўртадан кўтариш учун сарфлашга мўлжалланган эди. Шундай қилиб, Лот ва Уззонинг обрўйини такрор юксалтирмоқчи бўлишди. Бу карвон орқали қўлга киритилган пул билан Маккада бузилган эски тартиб такрор тикланиб, бахтли кунларни бошлашмоқчи эди.

Кетаётганларида бирон машмаша чиқмади. Қайтишда ҳам ҳеч гап бўлмаслиги учун ниҳоят даражада ҳушёрлик лозим эди. Шу сабабли Абу Суфён карвондан айрилмай, ўнгу сўлни назорат қилар, Мадинага яқин жойда бирон ишкал чиқишидан ташвишланиб, кўзлари тўрт бўлиб келар эди. Ҳижозга яқинлашган сайин негадир хавотири ҳам ортди.

** *

Шом карвони Ҳижоз тупроқларига кириб боргани ҳақида хабар етиб келган бўлсада, жўнатилган икки одамдан ҳануз дарак йўқ эди. Айни пайтда Жаброили амин Раббул Оламиндан шундай хушхабар етказди: икки (*Эслатма:* Ўша кунларда хали закот билан ҳаж фарз килинмаган эди.) натижадан бирига мутлақо эришилажак — ё тижорат карвони қўлга киритилажак, ёхуд карвонни қўриқлаш учун келадиган қўшин устидан қатъий бир зафар қозонилажак эди.

Дарҳол тўпланиш амри берилди. Пайғамбаримиз (а.с.) асҳобга қарата бундай дедилар:

— Қурайшнинг катта карвони келай деб қолди. Қани, дарҳол йўлга чиқинглар. Умид қиламизки, Оллоҳ таоло уни сизларга насиб этгай.

Тайёргарлик учун ажратилган муддат ниҳоят даражада қисқа бўлсада, сўраладиган нарсалар кўп экан.

— Ё Расулуллоҳ, синглим бетоб. Унга мен қарашим керакми ёки ўғли Абу Умома қолишини муносиб кўрасизми?

Пайғамбар (а.с.) Абу Умомага ўгирилдилар:

— Сен онангнинг ёнида қол, хизматини қил, — дедилар.

Бу билан тоғажиян орасидаги келишмовчилик бартараф этилиб, тоға — Абу Бурда сафарга чиқиш имконига эга бўлди.

Бошқа бир келишмовчилик ота билан ўғил ўртасида чиқди. Мадиналик Ҳайсама исмли ёши ўтиб қолган қария, бу юришда шаҳидлик мартабасига эр^ишиб қолиш учун қулай фурсат келди, деб ҳисоблади. Ўғлим Саъд уй ишларини бемалол идора эта оладиган ёшда, деб қистаб қўймади. Лекин ўғли ҳеч кўнмасди.

— Отажон, бу ишнинг охирида шаҳидлик бор, жаннат бор. Бошқа масала бўлганида, амрингизни жоним билан бажарардим, — дер эди у.

Бу ишни қуръа билан ҳал этишга қарор берилди ва қуръа ўғилга чиқиб, Ҳайсама бу орзуини кейинчалик амалга ошириш умиди билан уйда қолди.

* * *

Умму Варақа Набиййи акрам жанобимизга хитоб қилди:

— Ё Расулуллоҳ, бу шарафга мен ҳам эришишни истайман. Ярадорларга қараб юраман. Оллоҳ таоло балки менга ҳам шаҳидликни насиб этар.

Пайғамбаримиз бу аёлга мамнуният ила боқдилар:

— Сен уйингда ўтир, Қуръон ўқи, эй Умму Варақа! Оллоҳ таоло шунда ҳам сенга шаҳидликни насиб этади.

Умму Варақа ёши бир ерга бориб қолган аёл эди. Айни чоқда, шу кунгача туширилган Қуръон сураларини ёд олган хотинлардан бири эди. Жанобимизнинг тавсияларига эътироз билдирмади.

— Буйруғингиз бош устига, ё Расулуллоҳ! — деди ва уйига йўл олди.

** *

Усмон ибн Аффоннинг ҳам кўзлари жовдирарди. Гўё «Мен нима қилай, эй Расулуллоҳ?!» дея сўраётгандай эди. Расули акрам (с.а.в.) унинг ҳам Мадинада қолишини лозим кўрдилар.

— Сен Мадинада қол, Руқаййага қараб тур, — дедилар.

Руқаййанинг касалланиб қолгани ҳазрати Усмонни бу ғазотга чиқишдан тўсди. Руқаййа шошилинч сафарга отланган отасини «Бу кўриб турганим балки охирги кўришимдир», деган хаёлда ва ғоят қисқа бир вақт ичида кўра олди, холос...

** *

Бу сафарда Мадинанинг ерли халқи бўлмиш ансор ҳам иштирок этаётган эди. Улар бу кунгача қилинган ва баъзан Пайғамбар (а.с.в.) ҳам қатнашган сафарларнинг ҳеч бирига иштирок этишмаган эди. Уруш бўладимийўқми, қатъий маълум бўлмагани учун ортиқча аслаҳа олишмади. Бунинг устига, мадиналик мусулмонлардан бир қисми ҳам қатнашмаяпти.

Хуллас, сони уч юздан сал ортиқ бир лашкар Мадинадан йўлга чикди.

* * *

Бутун сафар давомида қулоқлари динг келаётган Абу Суфён Расулуллоҳ жанобимизнинг (с.а.в.) Мадинадан чиққанлари хабарини оларолмас, Ғифор қабиласидан Замзам ибн Амр исмли бир одамни йигирма динор эвазига ёллади.

— Оёғингни қўлга олиб Маккага борасан. «Карвонингизни Муҳаммад ва унинг асҳоби қўлга киритмасидан бурун Бадр мавқеига етиб келинглар, акс ҳолда, карвондан умидларингни узинглар», дейсан, — деган топшириқ ила кузатиб қолди.

Кейин эй воҳ демаслик учун кўриладиган бошқа бир тадбир йўқ эди.

* * *

Маккада бошқа хил ҳодисалар кечарди. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) аммаларидан Отика бир тонгда акаси Аббосни ёнига чорлади. Юзида қўркув аломатлари зуҳур этар эди. Аббос хавотирланиб:

— Сенга нима қилди, сингилжон, ғамгин кўринасан?— деб сўради.

— Бир қўрқинчли, туш кўрдим, эй Аббос, — деб жавоб қилди Отика.

— Қанақа туш экан у?

— Туяга минган бир одам келди. Абтоҳга келиб тўхтади. Баланд овоз ила: «Эй вафосизлар, шошилинг, учкун давомида қиличларимиз зарбидан ўлим топадиганингиз жанггоҳга етиб келинг!» деб бақирди. Сўнгра яна такрорлади: «Эй вафосизлар, етиб келинг!» Кейин яна такрорлади: «Эй вафосизлар, етиб келинг уч кун давомида ўладиганингиз жанггоҳга. Нимага қараб турибсизлар?!» Халойиқ бу бақириққа жавобан унинг атрофига тўпланди. Лекин у туясини ҳайдаб қолди. Масжиди Ҳарамга кирди. Каъбанинг орқасига ўтиб тўхтади. Орқасидан келган одамлар атрофини ўраб олган эди. У яна баланд овозда: «Эй вафосизлар!..» дея ҳалиги гапларни яна уч марта такрорлади. Туясини ҳайдади. Абу Қубайс тепалигига чикди. Маккага рўбарў бўлди. Баланд овозда уч дафъа айни шаклда бақирди. Сўнгра бир қоя парчасини кўчириб, тепадан пастга думалатди. Катта тезлик ила тушган қоя парчаланиб кетди, ҳар бир

парчаси Макка уйларидан бирига тенг келарди.

Отика тушини айтиб тугатар экан, Аббос ниҳоятда ҳаяжонланган эди.

— Аммо бу тушни ҳеч кимга айтмагин, эй Аббос,—деб тайинлади Отика. — Орамизда қолиши лозим.

— Сен бундан ташвиш чекма, — деди Аббос.

Бир оздан кейин Аббос ижозат сўраб ўрнидан турди. Йўлда бораркан, бояги тушнинг таъсиридан ҳеч қутулолмас, ўзига келолмас эди.

— Кўзларимга нима бўлди, сени бундай аҳволда кўряпман, эй Аббос?

Бошини кўтарди. Утба ибн Робианинг ўғли Валид экан. Жавоб бергунича бўлмай, яна қайтариб сўради:

— Бошингга нима ташвиш тушақолди?..

— Юр бундай, — деб Аббос уни бир четга тортди ва ҳаммасини айтиб берди. — Аммо шу гап шу ерда қолсин. Зинҳор биров эшитмасин, хўпми? — деб сўзини олди.

— Менга ишонавер, ичимга тушди — хумга тушди,— деди Валид.

Отика Аббосга қай даражада ишонган бўлса, Аббос ҳам унга шу даражада ишонди. Аммо эртаси куни Аббос Каъбани тавоф қилатуриб, у ерда тўпланганларни кўрдию ғалати бўлиб кетди. Улар бир нарса ҳақида қизғин гаплашишаётган эди. Тавофни тугатйб, ёнларига борди. Абу Жаҳл уни кўриши биланоқ иржайиб:

— Отиканинг туши ҳақида гаплашаётган эдик, —деди.

Аббос талмовсиради:

— Қанақа туш?..

Абу Жаҳл яна мазах қилгандай кулди.

—Қачон пайдо бўлақолди бу хотин пайғамбар?

—Нима демоқчисан сен ўзи?

— Айтмоқчиманки, эркакларингизнинг пайғамбарлиги етмагандек, аёлларингиз ҳам чиқяптими энди? Синглинг Отика башоратчи бўпқоптими, уч кун ичида урушиб мағлуб бўладиганимиз жойжойларга чорлаётган биттасини кўрган эмиш... Хўп, биз уч кун кутамиз. Айтгани тўғри чиқса, ҳай, тўғри чиқмаса, кўрадиганларингни кўрасанлар: хотинларингизнинг ёлғончи эканини ҳар тарафга ёямиз.

Аббос бу айтилган гаплар асоссиз эканини, Отика бундай туш кўрмаганини айтиб тонишдан нарига ўта олмади. Аммо ўзи Валидга гуллаб қўйганидан пушаймон эди. Энди уни қидириб топганидан, сўкканидан нима фойда? «Ўзинг синглингнинг сирини сақлай олмадингку, мен сенинг сирингни қандай сақлай?» дейиши аниқ.

Ўқ ёйдан чиққан эди. Нима қилса ҳам, энди бу гапнинг ёйилишининг олдини ололмайди. Айниқса, Абу Жаҳлдек одамнинг оғзига қулф солиб бўлмайди. Аббос, ичи пушаймонлик ўтида ёниб, уйига қайтди.

Хабар уйга ундан олдда етиб келибди. Аёллар Аббосни ўртага олиб, оғзи бўшлиги учун ҳар чеккадан койий кетишди.

— Абу Жаҳл обрўйимизни бир пул қилсину, сен оғзингни очолмай ўтиравердингми?..

—Сенга ишониш керак эканку, эй Аббос.

—Абдулмутталибнинг қизларини ҳақорат этсалар ҳам, сен индамай турдингми? Бўлмаса, бориб Абу Жаҳл билан ўзимиз ҳисоб-китоб қилиб қўяйлик унда!

Улар шундай гаплар билан Аббосни бурчакка тиқиб қўйишди. У икки ўт орасида ёнарди. Валидни топай деса, айб ўзида: сирни яширолмади. Абу Жаҳлга эса, тенг келиб бўлмайди.

— Сен Абдулмутталибнинг ўғли эканингни кўрсата олмаган бўлсанг, биз унинг қизи эканимизни исботлаймиз. Бундан кейин у билан ҳисоб-китоб қилиш бизнинг ишимиз, орамиздан четга чиқиб туришинг мумкин.

Аббос чидай олмади:

— Сизлар... сизлар эртага кўрасизлар... — деб отилиб чиқиб кетди.

Эртасига ўрнидан турганида ҳам шу қарори қатъий эди. Шу аҳд билан уйидан чиқиб, Масжиди Ҳарамга келди. Абу Жаҳлни излади. Сал олдинроқда экан. Дарҳол ўша томонга қараб:

— Ё Абул Ҳакам! Ё Абул Ҳакам! — деб бақирди.

Абу Жаҳл унга қарамай, дабдурустдан Сафо тепалиги томонга югуриб кета бошлади. Аббос уни олдинига қўрққанидан қочяпти, деб ўйлади. Бироқ, эътибор берса, яна анчагина киши ўша тарафга қараб чопиб бораётир. Нима бўпти экан дея Аббос ҳам уларнинг кетидан биргалашиб Сафо тепалигига чопди.

* * *

Абу Суфён йигирма динорга ёллаб жўнатган Замзам кечакундуз йўл юриб, ниҳоят Макка водийига кириб келди. У уч кундан бери туясини тўхтатмай югуртириб келар эди. Туядан тушибоқ кўйлагини йиртиб, парчалади. Юганни терс ўгирдида, туянинг бурнини кесди ва яна унга миндида, Батни Водий деган жойга келиб айюҳаннос солиб бақира бошлади:

— Эй Қурайш қавми, фалокат!.. Эй Қурайш қавми, фалокат!.. Абу Суфён билан жўнатган молларингнинг йўлини Муҳаммад ва асҳоби тўсишди! Ёрдам, ёрдам!

Югуриб келганлар бурнидан қон оқиб пишқираётган туянинг устида ёқапойчаси вайрон, сочи тўзғиган бир одамнинг бор кучи ила қичқираётганини кўрдилар.

— Нима гап? Нима бўлди?

Аммо у одам буларнинг саволларига парво қилмас, ўз гапидан қолмай, «Етишинг, молларингизни қутқаринг», деб чақирар эди.

Майдонга етарлича оломон тўпланган, у баттар жазавага тушиб ҳайқирди ва:

— Молу жон керак бўлса, эй Қурайш, Бадрга етишинг! — деб қисташга тушди.

** *

Энди Абу Жаҳлнинг ёқасидан олишга ҳожат қолмаган эди. Отиканинг туши ўнгидан келаётганга ўхшар эди. Ўша хабарчи келиб, инсоннинг энг қийматли борлиғи, баъзан жон томиридан ҳам ортиқ кўргувчи моли қўлдан кетаётганини хабар қилар, қонлар қайнаб мияга урган, асаблар таранглашиб, одамлар ўнгу сўлга югура бошлаган эди.

—Бу Хадрамийнинг карвони эмас! Муҳаммад бу гал яхшигина таъзирини ейди! — деб бакирибчақиришарди.

—Отланинг! Қани, кетдик! Қани, Муҳаммад билан ҳисоб-китоб қиладиган борми?!

Халқ қисқа вақтда қуролланди. Ҳеч қандай қўмондон бу қадар қисқа вақтда бу қадар осонликла қўшин тўплай олмасди.

Аммо Абу Жаҳл бунга эришган, йиллар бўйи йиғиб юрган аламини биратўла олмоқ фурсати етган эди. Йўлда ейиш учун озуқа олишса, бас. Уни ҳам бойлар ўз зиммаларига оляптилар. Фақат тезроқ отланмок керак! Тезроқ!..

Икки соат ичида барча ҳозирликлар кўрилиб, улар дабдаба билан йўлга чикишди.

** *

Каъбанинг бир бурчагида ўтирган Умайя ибн Халафнинг ҳалибери қўзғалиш нияти йўқ эди. Бироқ яқинлашиб келаётган Уқба ибн Абу Муойтни кўрган заҳоти ичига бир хавотир тушди.

У фасодчи бир машмаша ёки фитна чиқармоқчи экани турқидан маълум эди. Уқба келиб, бурқситиб чекканча Умаййанинг атрофида айлана бошлади ва бу ҳам етмагандек атай Умаййанинг юзига бирикки тутун пуфлади. Хотинларга қилинадиган бу одатдан Умаййанинг ғазаби қўзғади.

— Бу нима қилиқ, эй Уқба! — деб ўшқирди у. Овозида таҳдид ҳам бор эди.

Уқба индамай қилиғида давом этаверди. Ана шунда Умаййанинг жони ҳалкумига келди.

— Ҳой, мен сенга айтаётибман! Бас қиласанмийўқми?

Уқба бу гал қилиғини қўйиб, мазахли овозда деди:

— Ўзи аёллар ўртасида ўтирсанг ҳам, ярашадиган бўпқопти.

У очикданочиқ ҳақорат қилмоқда эди.

— Оғзингга қара! Нима деяётганингни биласанми?

— Билгандачи! Қавминг жангга кетаётган бир пайтда сен хотинларга ўхшаб нима қилиб ялпайиб ўтирибсан?

Умайя секин турди. Нафратла Уқбага қараб туриб, бир оғиз «Пасткаш!» дедию нари кетди.

Ёмон бўлди. Обрўли одамлар олдида ҳақоратга учради. Шошмай турсин! Лекин ёшини баҳона қилиб урушга чиқмоқчи эмасди. Қолаверса, ичига қўрқув солиб, нафратини тоширган ёлғиз Уқба эмас. Бир неча ой аввал мадиналик биродари Саъд ибн Муоздан хунук хабар эшитган эди. Расулуллоҳ уни ўлдирар эмиш! Шундан бери Умайя умрининг охиригача Макка ташқарисига чиқмасликка қарор берган эди.

У ўзини мазах қилиб, аёллар тоифасига қўшган Уқбага: «Бу жангга чиқиш мен учун ўлим билан баробар, сен нимани ҳам билардинг?» деёлмасди. У ҳолда яна қўрқоқликда айбланар, яна мазахларга учрар эди. Нима бўлса ҳам пешонамдагини кўрдим, деб кетавериш ҳам осон эмас.

Уйга келганида бошидан тутуни чиқар эди.

— Бу нима ҳол, эй Умайя? — деган хотинига ҳамзарда қидди:

— Сўрама!

Кейин ўтирибўтириб, ахийри, бўлган воқеани очишга мажбур бўлди. Аммо шу орада ичкарига хизматкор кирди. Умайя баттар асабийлашиб:

— Нима керак сенга? — деб урушиб берди.

— Абул Ҳакам сиз билан кўришмоқчи, — деди у.

Умайянинг ранги оқариб кетди. «Балога йўлиқибманку», дегандек бош тебратдида:

— Буниси анавинисидан ҳам ўтади, — деб тўнғиллаганча ўрнидан турди.

Энди қутула олмаслигини аниқ биларди Умайя. Шундай бўлсада, минг бир баҳоналар рўкач қилиб, талай узрларини айтиб кўрди. Аммо Абу Жаҳл ҳеч бирисига кўнмай, ўз сўзида туриб олди.

— Макканинг улуғи бўлган сендек бир одам бу сафарда иштирок этмасанг, ҳолимиз ҳароб. Сенинг қолганингни эшитганлар ҳам кетишни хоҳламайдилар. Энг яхшиси, биз ишнинг ўрта йўлини тутайлик, — деди у.

— Қанақасига?

— Биз билан бирга йўлга чиқиб, бир неча кун юрасан. Кейин яширинча Маккага кайтиб келасан. Розимисан?

Умайяга хўп демакдан бошқа чора қолмади. Абу Жаҳлнинг келганини эшитган ондаёқ ҳаммасини англаган, тепасида «ўлим қўнғироғи»нинг чалина бошлаганини қулоқлари билан эшитгандек бўлган эди. Истар-истамас, «Майли», деди.

Дарҳол хизматкорини жўнатиб, Макканинг энг чопқир туясини сотиб олдирди. Таҳлика яқинлашган заҳоти унга миниб Маккага қочишни мўлжаллади. Зотан, бундан бўлак чораси ҳам қолмаган эди унинг.

* * *

Абу Лаҳаб бетоб ётар эди. Шу ҳолда сафарга қўшилиши имконсиз. Шунга қарамай, Осий ибн Ҳишомни чақирди.

—Эй Осий. Ўзинг биласан, мендан тўрт минг дирҳам қарздорсан!

—Биламан, эй Абу Лаҳаб. Аммо буни тўлашим учун менга бир оз вақт керак. Ўзингга маълум, хозир қийин аҳволдаман. Пул берадиган вазиятда эмасман.

—Қарзингни тўлашнинг осон бир йўлини айтсам, нима дейсан?

«Осон йўл билан қандай тўлаш мумкин?» Осий ҳайрон бокди.

— Нима демоқчи эканингни тушунолмадим.

Абу Лаҳаб бошини ёстиқдан кўтаришга ҳаракат қилди, катта бир эҳсон қилмоқчи эканини англатадиган бир оҳангда деди:

—Бу сафарга менинг номимдан иштирок этасан. Мен ҳам сендан тўрт минг дирҳамни олган ҳисобланаман.

—Розимисан?

Осий унинг таклифини чорасиз қабул этди.

Мушрикларнинг зодагонлари қавмни бу жангга ташвиқ этишда бир-бирларидан қолишмас эди.

— Эй қурайшликлар, молу мулкингиз қўлингиздан кетяпти. Эртага Муҳаммад дўстлари билан бирга Маккагача келади, бунга шубҳангиз қолмасин. Сизлардан ҳеч ким бу жангдан четда қолмаслиги керак. Улов истаганга мана туя, емак истаганга мана озуқа, қуролим йўқ деганга мана қурол!..

Сухайл ибн Амр, Замъа ибн Асвад, Туайма ибн Одийй каби зодагонлар бир-бирлари билан мусобақа қилаётгандек тарғиботташвиқот юритишарди.

Натижада тўққиз юз эллик кишилик бир лашкар тўпланди. Суворийларнинг сони олтмиштага етди. ШундгМ олти юз киши зирҳли эди. Бир неча соат ичида амалга ошган 6у ишлардан сўнг Абу Жаҳл юриш ҳақида амр берди.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинадан чиққанларида Рамазоннинг саккиз ёки ўн икки куни ўтган эди. Уч юздан зиёд кишидан иборат қўшин билан борардилар. Ичларида от минган борйўғи икки киши эди, борйўғи олтмиш кишигина зирҳли эди.

Етмиш туялари бор эди ёнларида. Қўшин учтўрт кишидан иборат гуруҳгуруҳ бўлиб борарди. Туяларга навбатманавбат минишарди. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳамроҳлари Али ибн Абу Толиб билан мадиналик мусулмонлардан Абу Лубоба эди. Кимнинг навбати келса, туяга минар, қолганлари яёв кетар эди.

Пайғамбар (с.а.в.) жанобимиз туя устида борарканлар, навбатни ҳамроҳларига бериш вақти келиши билан туяни чўктира бошлаган эдилар, икки ҳамроҳ монеълик қилиб туриб олди:

— Е Расулуллоҳ, сиз тушманг, сизнинг ўрнингизга биз юрамиз.

Ул зот унамадилар:

— Сизлар юришга мендан чидамлироқ эмассизлар.

—Аммо биз бу билан Оллоҳ берадиган ажру мукофотга умидвормиз.

—Менинг Оллоҳ раҳматига бўлган эҳтиёжим сизникидан оз эмас. — Шундай деб Расулуллоҳ (с.а.в.) туядан тушдилар ва ҳамроҳлари юрганча муддат пиёда юрдилар.

Илк қўноқ «Равҳа» деган жойда берилди. Расули акрам (с.а.в.) қўшинни кўздан кечирдилар. Бола ёшида бўлганлар ҳам бор эди. Уларни бир тарафга айирдилар. Ўшалар орасида Зайд ўғли Усома, Ҳазрати Умарнинг ўғли Абдуллоҳ ва Зайд ибн Собит ҳам бор эди. Кейин пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳамроҳларига қараб:

— Сен ҳам бир четга ўт, эй Абу Лубоба, — дедилар.

Абу Лубоба кўзлари ғилтиллаб Расулуллоҳга (с.а.в.)

қаради. «Мен ёш бола эмасманку, ё Набийаллоҳ!» демоқчи бўлар эди у. Бироқ унга Мадина волийи этиб вазифалантирилгани айтилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) қайтиб келгунларича бу вазифани юритиши керак эди у.

Осим ибн Одийй билан Ҳорис ибн Хотиб Абу Лубобага ёрдамчи қилиб берилди. Абу Лубоба пайғамбаримиз (с.а.в.) бир тарафга айирган болаларга қараб:

—Қани, юринглар, қоракўз ошналарим, — деди кўзи ёшланиб. Ҳануз болалигим пошшолигим давридан чиқмаган, бироқ Султони анбиёнинг ёнларида ул зот билан елкамаелка туриб курашаман деб ҳавас қилган ўсмирлар кўзларида ёш билан қайтиб кетишди.

Бир оз истироҳат этиб чарчоғи ёзилган қўшин яна пайғамбаримиз (с.а.в.) раҳбарликларида

йўлга тушди.

* * *

Мардлиги ва жасорати билан танилган Ҳубайб Мадинанинг маҳаллий аҳолисидан эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) Қурайш карвонини қаршилаш учун йўлга чиққанларини эшитиши билан, анчамунча мол-дунё қўлга киритарман, деб отига миндида, қўшин кетидан тушди.

Вабара деган жойга етиб келганида, қўшиндагилар уни кўриб юзларига мамнунлик қалқиб чиқди. Жасур ва баҳодир бир одамнинг қўшилгани кимни хурсанд этмайди! Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз ундан нега келганини сўрадилар. Ҳубайб мақсадини икки оғиз сўз билан айтақолди:

— Сизга ёрдам бериш ва бир миқдор мол-дунёга эга бўлиш учун. Хўп, Оллоҳ ва расулига имон келтирдингми?

—Йўқ!

— Қайт у ҳолда! Биз бир мушрикка қарши бошқа мушрикдан ёрдам олмаймиз.

Бу сўз Ҳубайбнинг қайтиб кетишига кифоя қилди. Мадина йўлидан маълум вақт юргач, оний бир қарор билан яна қайтди. Шажара дейилган жойда мусулмонларга етиб олди. Бироқ Расулуллоҳ (с.а.в.) ундан олган жавобларига қараб, уни яна қайтариб юбордилар. Истар-истамас қайтиб кетдию, лекин жон бозори дейилмиш бундай сафардан унингдек бир баҳодирни қайтариб юборишдаги сабабни ўйлаб қолди. «Нима бўлса бўлсин, кел, ёрдам бер», дейиш ўрнига: «Бир мушрикка қарши бошқа мушрикдан ёрдам олмаймиз», дейилгани одамни чуқур ўйга толдирдиган бир нарса эди.

Тавба, бир мушрикни бошқа мушрикка қирдиришнинг нимаси ёмон экан? Икки мушрикдан қайси бири ўлса ҳам, бир душман камайган бўлмайдими, деб ўйлар эди у. Ҳамонки шундай экан, икки марта кетмакет қайтарилиши «Ўлсак ҳам, қолсак ҳам бу бизнинг ишимиз, ҳақ йўлда бўлганларнинг иши» маъносини ифодалар эди. Энди бу диннинг ҳақ дин эканига бошқа далил излаб ўтирмади. Учинчи бор қайтди! Отининг бошини қўшин кетаётган тарафга бурди. Байбо дейилган жойда яна уларга етиб олди.

— Мана, яна келдим, — деди у.

Яна ўша савол сўралди.

—Ҳа, — деди Ҳубайб бу гал. — Мен Оллоҳнинг бирлигига ва сизнинг пайғамбар эканингизга имон келтирдим.

—Унда юр биз билан, — дедилар Расули акрам (с.а.в).

* * *

Абу Суфён карвонни тинч, балоқазосиз олиб келаётган эди. Лекин мусулмонлар Мадинадан йўлга чиққанларини эшитиши билан тинчлиги бузилди. Бирдан ҳужум уюштириб қолишлари унга уйқу бермас, кўзи олазарак эди. Баъзан олдинга ўтиб кетиб, баъзан ўнгу сўлни айланиб, хавфхатардан хабардор бўлишга ҳаракат қиларди.

Бир куни шу тарз карвондан олдинга ўтиб, Бадр деган жойга етиб келди. Маждий ибн Амрни учратди. Улар илгаридан таниш эдилар.

— Муҳаммаднинг одамларидан биронтасига дуч келмадингми, эй Маждий? — деди у.

— Менинг улар билан нима ишим бор, учратмадим.

— Менга қара, эй Маждий, ортимдан бир карвон келяпти. Бу карвонда бутун Макка халқининг моли бор. Агар бирон нарсани билиб туриб, биздан яшираётган бўлсанг, яхши иш бўлмайди. Бу карвон Муҳаммаднинг дўстлари қўлига ўтса, Қурайш билан сенинг орангга аба дий душманчилик тушиб, жонингни қутқаролмайсан. Кейин денгизларда бир қилни ҳўл қиладиганча сув қолгунга қадар бунинг ҳисобини сендан сўрайдилар.

Маждий сал олдинроқдаги бир қудуқни кўрсатди.

— Шу ерга икки нотаниш одам келиб, туяларини чўктирдида, маълум вақтдан кейин идишларини сувга тўлдириб кетди. Улар билан гаплашганим йўқ. Шунинг учун ким эканларини билолмадим, — деди у.

Абу Суфён у кўрсатган ерга бориб, туя гўнгини титиб кўрди. Юзи бужмайиб, шумшайган бир суратда қайтди. Лаблари орасидан шу сўзлар тўкилди:

— Қасамки, булар Ясриб емларини еган туялардир.

Кейин тез туясига миндида, жадаллаб юриб кетди.

Энди тўхтамоқчи бўлиб турган карвонга етиб, йўлни ўзгартириш амрини берди. Улар Бадр водийини чап томонда қолдириб, соҳил томон йўналдилар. Қўноқлаб дам олиш сафар режасидан чиқариб ташланди.

Карвон кечакундуз демай жадаллаб, Маккага етиб олишга уринар эди.

* * *

Рўза мусофирларни ҳолсизлантириб қўйиши шубҳасиз эди. Шу сабабли Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга рўзаларини бузишларини амр этдилар. Лекин бу амр тараддуд билан қарши олинди. Ажабо, пайғамбаримиз нима қилар эканлар? Асҳобларига рўзани буздиргач, ўзлари рўзада давом этадиларми? Эҳтимол, ул зотнинг нима қилишларини кутиб, шунга яраша ҳаракат лозимдир?

Буни кўрган пайғамбаримиз қўлларидаги сув идишни ҳамма кўра оладиган қилиб кўтардиларда, сув ичдилар ва:

— Мана, мен рўзамни буздим, сизлар ҳам бузинглар, — дедилар.

Ул зотнинг бу ҳаракатларини кўргандан кейин тараддудланишга ўрин қолмади. Ҳамма рўзасини (кейин қазо қилиш нияти билан) очди.

Шу орада хабарчилар етиб келишди. Абу Суфён идора этиб келаётган карвон Бадр мавқеидан соҳил томонга бурилиб кетибди. Буни эшитиб мўминларнинг ҳафсаласи тушиб кетди.

Аммо келган хабар фақат шундангина иборат эмасди: Маккадан йўлга чиққан катта бир қўшин Бадр мавқеига етиб келмокда экан!..

Набиййи акрам (с.а.в.) асҳобларини бир жойга тўпладилар. Вазиятни яна бир бор биргаликда кўздан кечириш лозим эди. Энди карвонни қўлга тушириш имкони йўқлигини билдириб,душман билан тўқнашиб жанг қилиш лозиммийўқми ҳақида сўрадилар. Юзлар буриш

ди, кўзлар орзу этилмаган бир ҳолатга дуч келинганидан хаёлга толди.

— Биз уруш учун чиқмадик. Мақсадимиз карвонни қўлга киритиш эдику, — деганлар бўлди.

Уларнинг бу ҳолатини кейинчалик Қуръон англатиб: «(Ўшанда) улар, гўё кўриб турган ҳолларида ўлимга ҳайдаб кетилаётгандек» (Анфол, 6.) бир холат олганларини ифода этди. Пайғамбаримиз саволларини яна бир бор такрорладилар. Берилган жавоб яна мамнун қиладиган эмасди.

— Бизнинг улар билан урушадиган кучқувватимиз йўқ. Биз карвонни ўлжа қилиб, қўлга киритиш умидида чиққан эдик, — дейишди.

Рости, бу жавоблар Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳазратларига ёқмади. Карвонни қўлга киритишларини ёхуд келаётган қўшинга қарши курашиб ғалаба қозонишларини Оллоҳ таоло ваъда қилди, шу ваъдага мувофиқ, энди карвон ўтиб кетганига кўра, қўшин билан жанг қилишлари лозим эди. Ижобий бир жавоб кутиб:

—Сизлар нима деб ўйлайсизлар, эй инсонлар? — деб сўрадилар.

Ахийри, Ҳазрати Абу Бакр сўз сўради. Ўрнидан туриб, чиройли сўзлар айтди. Унинг орқасидан Ҳазрати Умар турди. У ҳам Расулуллоҳни мамнун қиладиган сўзлар айтди. Ниҳоят Микдод ибн Асвад турди:

— Эй Оллоҳнинг расули, Оллоҳ таоло қаерга хоҳласа, ўша ерга бошланг. Биз ҳамиша сиз биланмиз. Қасам ичаманки, биз Бани Исроилнинг Ҳазрати Мусога: «Сен бор, Парвардигоринг билан бирга жанг қил. Биз мана шу ерда кутиб турамиз», дегани каби демаймиз. Биз деймизки: «Сиз, марҳамат, Раббингиз билан бирга жанг қилинг, биз ҳам сиз билан бирга жанг қилгаймиз»,

деб айтамиз.

Миқдод дўстларига бир қараб олиб, сўзида давом этди:

— Сизни ҳак дин билан юборган Оллоҳга қасам ичаманки, бизни Барки Гамодгача оборсангиз ҳам, чекинмаймиз, жасорат билан борамиз, сиз мақсадингизга етишгунча жанг қиламиз.

Бу сўзлардан Расулуллоҳнинг (с.а.в.) юзларига нур, қалбларига ҳузур югурди. Микдодга хайрли дуолар қилиб, яна:

— Эй инсонлар, фикрларингни айтинглар, — деб сўрадилар.

Шундан кейин Саъд ибн Муознинг:

— Ё Расулуллоҳ, бизни назарда тутаётган кўринасиз, шундайми? — деган овози эшитилди.

— Ҳа, сизларни назарда тутяпман, эй Муознинг ўғли,— дедилар ул зот.

Саъд ўрнидан турди:

— Ё Набийаллоҳ, биз сизга имон келтириб, сизни тасдиқ этганмиз. Сиз келтирган Ислом динининг ҳақ дин эканига гувоҳлик берганмиз. Сизга қулоқ солишга, сизга итоат қилишга сўз бердик, қасам ичдик. Шу боис, эй Оллоҳнинг расули, истаган томонингизга бошланг. Сизни ҳақ пайғамбар қилиб юборган Оллоҳга қасамки, бизга денгизни кўрсатсангиз ва шўнғисангиз, ичимиздан ҳеч бир кимса ортда қолмай сиз билан бирга шўнғиймиз. Бизни душманларимиз билан учраштирсангиз, уни ҳам чин кўнгилдан қабул этгаймиз. Биз жангга қарши сабрли, душман қаршисида садоқатли кишилармиз. Умид қиламанки, Оллоҳ таоло биздан сизни мамнун қилувчи ҳаракатлар кўрсатажак. Қани, бизни Оллоҳнинг баракатларига томон бошланг, эй Расулуллоҳ! Саъд ибн Муознинг бу нутқи Расули акрамнинг кўнгилларини хушнуд қилиб, мўминларнинг қалбига жасорат бахш этди.

Ҳозирга қадар гапирганлар фақат муҳожирлар эди. Ансорийлар номидан ёлғиз Саъд сўзлади. Улар Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобларини фақат Мадинанинг ичида ҳимоя қилишга сўз берганлар. Ҳозир эса, Мадина ташқарисида эдилар. «Бизнинг аҳдимиз Мадинага тегишли эди», десалар, уларга ҳеч ким ҳеч нарса дея олмасди. Бадр Мадинадан бир юз эллик чақирим узоқда.

Саъд ибн Муозиинг жасорат ва имон тўла гапларидан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) жаноблари:

— Юринглар, мен сизларга хушхабар етказаман: Оллоҳ таоло менга икки нарсадан бирини ваъда бергандир. Қасам ичаманки, мен душманларнинг урушиб мағлуб тушадиган жойларини кўраётгандекман, — деб башорат бердилар.

Энди мақсад бир эди, қўшин жангга отланди. Улар «Бадр» деб аталгувчи ва ўша кунга қадар бозор жой сифатида танилган ерга йўл олишди.

* * *

Қурайш қўшини қўнибкўчиб олға келарди. Бойлар навбати билан қўшинни тўйдириш вазифасини зиммаларига олган эди. Бир кун ўнта, бошқа куни тўққизта туя сўйиларди. Абу Жаҳл, Утба, Шайба, Умайя, Ҳаким ибн Ҳизом, Аббос, Назр ибн Ҳорис, Нубайҳ ва Мунаббиҳ кабилар бу харажатларни кўтаришаётган эди.

Йўлда Абу Суфённинг элчиси етиб келди. Карвон соғомон Маккага йўналгани хабарини бериб, хожасига Маккага қайтаверинглар, деди.

Бу хабар Абу Жаҳлга ёқмади:

— Биз Бадрга бормасдан қайтмаймиз. У ерда уч кун ебичамиз, чўрилар қўшиқ айтадилар. Араблар кўнгил хушликларимизни кўришсин. Шундан кейингина қайтсак ярашади, — деди.

* * *

Абу Суфён карвонни Маккага олиб боргач, ҳамма нарсани бир жойга жойлади. Ҳеч кимга ҳеч нарса бермади. Бадр ниҳоясини кутишга қарор қилган, эртаиндин керак бўлиб қолади, дер эди. Бу карвондан келган фойда Муҳаммад ва унинг асҳобига қарши жангга сарфланиши

маълум эди.

Абу Суфённинг хабарчиси туриб, йўлга тушди.

* * *

Элчи келтирган хабарни Умайя ибн Халаф бошлиқ бир неча киши буюк бир мужда сифатида баҳолашди.

Карвон соғомон Маккага ўтиб олган, шунча мол қутқариб қолинган, бошқача айтганда, жангга ҳожат қолмаган эди, ростда, энди бекорданбекорга ўзни ўлим кучоғига отишдан нима фойда? Қолаверса, энди Умайя Абу Жаҳлни осонгина кўндиради. Ахир, ваъдаси бор ушгаг...

Аммо малъун Абу Жаҳл ҳозиргача нима қилиб бўлса ҳам, уни етаклаб юрган, сур зулукдек ёпишганча қўйиб юбормаган, уни накд ўлимга олиб борар эди.

Машҳур Утба ибн Робиа билан укаси Шайба ҳам келган хабардан севинишди.

Умайя улардан аввалроқ отни қамчилагиси келиб, Абу Жаҳлни қидириб кетди ва:

— Мен қайтяпман, эй Абул Ҳакам, — деди уни топиб.

— Қаерга қайтасан? — деди у тушунгиси келмай.

— Маккагада, ахир, ваъданг эсингдан чиқдими?

У кулди:

—Сен ёш болага ўхшаб қолибсан, эй Умайя. Маккадан чиққанимиздан бери рухсат сўрайсан...

—Аммо сен ҳам ярим йўлданоқ қайтариб юборишга сўз бергансан.

—Сўз берганман, тўғри. Ҳали ҳам сўзимда турибман. Аммо олдин ҳеч бўлмаса Бадрга борайлик, бирикки кун айшишрат қилайлик, кейин қайтаверасанда.

— Бадргача бориш шартми?

Абу Жаҳл боласидан аразлаган ота каби оҳангда сўзланди:

— Жонингкўзишташиринкўринибкетяптия, Умайя... Худди Муҳаммад келиб шунча одам ичидан битта сени ўлдирадигандек. Қўрқоқлик ҳам эви биланда...

Умайя энди тақдирга тан беришдан бошқа чора қолмаганини англади. Ўзи ўзига лаънатлар ўқий бошлади, ҳар нима қилиб бўлса ҳам Маккада қолмагани учун ўзини айбларди.

* * *

Абу Суфённинг элчиси к.елиши билан юрагига сув сепилганлардан яна бири Ахнас ибн Шарик эди. Мол қутқарилгач, жон йўқотишдан нима маъно бор, деди у. Ахнаснинг ёнига яна бир неча киши қўшилди. Яширинча бир қарорга келишди: тез орада Маккага қайтиш керак.

— Лекин, дўстлар, — деди Ахнас пичирлаб, — бу қайтишни қўшиндан қочиш деб ўйлашмасин тағин. Ёмон отлиққа чиқиб қолмайлик. Шундай қилайликки, ҳамма бизнинг қайтишимизни тўғри деб топсин. Вадирвудур қилиб юрмасин. Акс ҳолда, Абул Ҳакамнинг тилига тушиб қолсак борми, ҳолимизга вой.

Келишув узоққа чўзилмади. Ўзаро бир режа тузишдида, тарқалишди.

Қуёш тик бўлиб, кун қизигач, дам олишга изн берилди. Бир муддат истироҳат қиддилар. Аср вақтида бир оз салқин тушиб, яна йўлга тушилди. Бироқ қўшин жудаям шошмас эди. Дарвоқе, нимага ҳам шошсин? Карвон аллақачон етадиган жойига етиб бўлган. Ўзлари эса, Бадрга айшишрат учун кетишаётир. Ҳали уч кун ебичишади, ўйнабкулишади. Бу орада кун ботиб, туяларни ғайратга келтириш учун шеърлар ўқила бошлади. Қўшиқ айтаётганлар ҳам бор эди.

Шу вақт қўққисдан Ахнас ибн Шарик туясидан йиқилиб тушди. Атрофидагилар югуриб келишди. Бақирча

қир бўлиб қолди. Бирпасда ерга чўзилиб ётган Ахнаснинг қовурға суяги синганлиги аниқланди. Устигаустак, бечорани илон ҳам чақиб олибди. Қийналиб тўлғонаётган Ахнас:

— Мен сизларга юк бўлдим. Агар жанг бўлиб қолса, менга барибир қараёлмайсизлар.

Ташлаб кетинглар. Уруш чиқмаса ҳам, айшишратингизни бузмай. Яхшиси...

Унинг ҳолини кўрганлар нарибери замбил тайёрлаб, туянинг устига ортиб боғлашди. Сўраганларга эса:

— Бечора туя устида мудраб қолибди, — деб тушунтиришар эди.

Ахнаснинг ўзи ихраб, жавраганижавраган эди:

— Биродарлар, маъзур кўринглар, ташвиш бўлдим сизларга, — деб гўё хижолат ҳам бўлди.

Ниҳоят барча тайёргарликлар тугаб, дўстлари Ахнасни олиб, Макка томон йўлга чиқишди. Ҳеч қанча юрмай Ахнас бошини кўтарди:

— Энди мени ечишларинг мумкин, — деди у.

Режа кўзланганидан ҳам муваффақиятлироқ чиққан эди.

* * *

Қурайш қўшини ҳамон Бадр йўлида, лекин мусулмонлар томонидан бирон таҳдид йўқлиги учун ҳеч кимнинг жангга ҳам, қўлини қонга бўяшга ҳам иштиёқи йўқ эди.

Фақат Абу Жаҳл бундай ўйда эмас. У нима қилиб бўлса ҳам, бир имкон топиб, икки томонни уруштириб қўйишни мўлжалларди. Шундай қилибгина ичини ёқибқовураётган оташни сўндириши мумкин. Кейин Мадина масаласини ҳал этса бўлади. Бусиз Шом йўлига кафолат бор эканми? Қолаверса, ҳар доим бундай катта қўшин тўплаб бўлмайди. Нима қилса экан? Акаси уч ой олдин ўлдирилган Амр ибн Хадрамийни гижгижласинмикан? Уруш чиқиши учун интиқом даъвосидан зўрроқ нима бор?..

Қўшинга қўшилиб келган Мутталиб ўғилларидан Жуҳайм бир куни титрабқақшаб уйғонди:

—Нима бўлди, эй Жуҳайм, хотиржам ухлаёлмаган кўринасан? — деди шериклари.

—Ёмон туш кўрдим, — деди у ҳамон ўзига келолмай.

— Раббинг асрасин, нима кўрақолдинг?

Жуҳайм зўрға тилга кирди:

— Отга минган бир одамни кўрдим. У баланд овозда Утба ибн Робиа, Шайба ибн Робиа, Умайя ибн Халаф сингари Қурайш улуғларини чақирарди. Кейин қўлидаги пичоқни ёнидаги туяга ғарчча санчдида, ҳайдаб юборди. Туя жон аччиғида ўзини қўшин ичига урди. Ҳаммадан даҳшатлиси — туядан тизиллаб отилаётган қон эди. Қўшинда ўша қон билан булғанмаган ҳеч ким қолмади... Ҳали ҳам титраётган Жуҳайм ўзини қўлга ололмасди:

— Мени қўрқувга солган мана шу туш... — деди.

Бу туш уни эшитганларга ҳам таъсир қилди. Зотан, жангга бораётган қўшинда бундай бир туш яхши таъсир қолдирмасди. Юраклар бир эзгинликни ҳис этди, кўнгилларга қўрқув тушди.

Озгина вақтдан кейин қўшинда пичирпичир бошланди. Ҳамманинг оғзида Жуҳаймнинг туши. Ҳамма Маккада Отика кўрган гуш билан бу тушни солиштирар, улар ўртасида бир боғлиқлик топар эди. Илгариданоқ қайтиш фикрида юрганлар бу тушни баҳона қилиб, дарҳол қимирлаб қолишди. Бу аҳволда Бадрга қадар бориш била туриб ўлимга бориш демак эди.

— Бекорданбекорга бошга бало орттириб олишдан нима маъно бор?

— Мен бу ишнинг охирини хайрли кўрмаяпман.

Бу тарздаги гапларни ҳар тарафдан эшитиш мумкин эди.

Айниқса, Умайя ибн Халаф бу воқеани эшитган заҳотиёқ ранги оқариб кетди. Туяга пичоқ санчган одам шахсан унинг исмини атаб чақирганмиш!.. Эшитиб, пешонасини муздек тер босди. Сарғайган чеҳра титроқ лаблар ила беихтиёр:

— Бу одам бизни тўғри ўлимга олиб кетяпти! — деб юборди.

Абул Ҳакам бу тушни эшитгани ҳамон жаҳли бошига тепди:

— Яна нима деб валдирайди булар?! — дея бақирди ғазабланиб. — Мана сизларга яна битта пайғамбар!.. Нимага бирдан пайғамбарлар кўпайиб кетди, тушунолмадик. Хотинларгача ҳамма ўзича ҳукм чиқарадия! Ҳали кўрасизлар, эртага биз уларнинг бошига нималар

солишимизни!..

Абу Жаҳлнинг бу сўзлари эшитганларни ҳушёр торттирди. Чунки бу сўзлари билан у мутлақо бир уруш чиқариш ниятида эканини ошкор этиб қўйган эди. Пичоқдек кескир тили, ўкдек ботувчи кўзлари билан Абу

Жаҳл ҳеч кимни оғиз очишга қўймас, овоз чиқарганни қутурган итдек талар эди. Энди қўшинга ўлим сафарига чиққанларнинг жимжитлигига ўхшаш ўйчанлик чўкди.

* * *

Бадрга келган Ислом лашкари Расулуллоҳ (с.а.в.) буйруқлари билан тўхтади. Қўшин бу ерда жабҳа олиши керак эди.

— Ё Расулуллоҳ, ўз истагингиз билан тўхтадингизми ёки Оллоҳ таолодан ваҳий келдими? — деб сўради Ҳубоб.

— Ўз истагим билан тўхтадим, — дедилар ул зот.

— У ҳолда, эй Оллоҳнинг расули, жанг учун бу ер қулай эмас. Изн берсангиз, Бадр қудуғининг ёнига ўрна шайлик. Атрофдаги бошқа қудуқларни эса, кўмиб ташлайлик. Шундай қилсак, мушрикларнинг сув йўлларини кесган бўламиз.

Таклиф қабул этилди. Дарҳол қудуқ ёнига кўчилди. Бу тадбир фақат мушрикларни сувсиз қолдириш учунгина эмас эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Қурайш лашкаридан сув олишга ё ичишга келганларга тегмасликни аввалроқ тайинлаб қўйдилар.

Мусулмонлар тепанинг шундоққина орқасига мушриклар жойлашганидан бехабар шу ерга қўнишди. Гўё бир-бирлари билан келишиб олгандек, айни вақтда бир-бирларига жуда яқин ерга тушишган эди. Орада фақат битта тепалик...

Шу вақт Қурайш лашкаридан сув топиш билан вазифаланган бир неча киши қудуқ излаб юриб, кутилмаганда уч юз кишилик қўшинга дуч келиб қолди. Уларни тутиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келтиришди. Бу пайтда пайғамбаримиз намоз ўқиётган эдилар.

—Сизлар ким бўласизлар? — деб сўрашди улардан.

—Биз Қурайш қўшини сувчиларимиз.

—Ёлғон тўқимаяпсизларми?

—Йўқ. Биз қўшинга сув топиш учун чиққанмиз.

—Сизлар Абу Суфённинг одамлари эканингизни инкор этяпсизларми?

—Йўқ. Биз Абу Суфёнга тегишли эмасмиз! Йўлда келаётганимизда улар Маккага етиб олганини эшитдик.

Шунда мусулмонлардан бири қизишиб:

— Бу одамларни калтаклаш керак. Унгача тўғрисини яшираверишади, — деди.

Бирпасда ғавғо қўпиб, уларни ўртага олиб ура кетишди. Улар «Абу Суфённинг одамлари эканингизни, карвон қаердалигини айтмагунингизча дўппосланаверасизлар», дебҳар чеккадан пийпалашар эди.

Бу кетишда тамом бўлишларини англаган мушриклар ягона қутулиш йўлини излаб қолишди ва:

— Ҳа, эътироф этамиз, биз Абу Суфённинг одамларимиз, — дейишди ахийри.

— Ҳа, ақлингиз бор эканку! — дейишди тутиб келтирганлар. Бу билан «Уркалтак яхши нарсада, бирпасда ақлни киргизиб қўяди», дегандай бўлишди. Юзларга табассум ёйилди. Таёқ фасли битди.

— Энди айтингларчи, Абу Суфён қаерда?

— Эҳтимол, Маккададир.

— ўғрисини айтинглар, бўлмаса, яна ейсизлар...

— Тўғрисини айтяпмиз. Абу Суфён етадиган жойига етиб олган.

Бу орада пайғамбаримиз намозларини битирдилар ва дарҳол ўртага тушдилар:

— Ҳой мўминлар, сизларга нима бўлдики, булар рост сўзласа, уриб, ёлғон гапирса,

ишоняпсизлар?!

Кейин бояги одамлардан Қурайш қўшини қаерда эканини сўрадилар.

— Анави кўриниб турган тепанинг орқасидамиз, — деб жавоб қилишди.

—Қўшинда қанча киши бор?

—Аниқ айтолмаймиз.

—Кунда нечта туя сўясизлар?

— Бир куни тўққизта, бошқа куни ўнта.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) асҳобга қарадилар.

— Уларнинг сони тўққиз юз эллик билан минг орасида. Булар алдамаяпти, — дедилар.

Ушланган одамлар қўйиб юборилди. Сўнг пайғамбаримиз асҳоблари билан Бадр саҳросини айланиб, кўздан кечира бошладилар. Орасира тўхтаб:

— Бу ерда фалончи ўлади, 6у ерда фалончи ўлади, — деб башорат қилар эдилар.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ёнларида бораётган Абу Хузайфа отаси Утба ўладиган жойни кўрганида ичидан зил кетиб, инграб юборди.

Шу вақт Набиййи акрам (с.а.в.) тўхтаб, бундай дуо қилдилар:

«Оллоҳим, Қурайш кибр билан, ғурур билан келиб, қаршимизда турибди. Сенга қарши курашмоқчи, расулингни ёлғончига чиқармоқчи. Оллоҳим, ваъдангда туриб ўзинг қўлла, ёрдамингга муҳтожман. Ўзинг уларни расво қил».

* * *

Ҳаёти давомида кўп тажриба орттирган Саъд ибн Муоз бу жанг «жиддий бир жон бозори» бўлишини билар эди. Бозорга келган ҳар инсон кучи етганича энг яхшисини, энг қийматлисини олишни истайди. Мушриклар ҳам энг кўп Расулуллоҳга (с.а.в.) қасд қилишлари муҳаққақ эди. Шў боисдан ҳам кўпроқ у зотни асраш, муҳофаза этиш лозим, деб ўйлаб, Саъд пайғамбаримиз олдиларига келди:

— Е Расулуллоҳ, ижозат беринг, сиз учун бир капа қурайлик. У ерда уловингиз доим ҳозир турсин. Кейин биз душман билан тўқнашайлик. Агар Оллоҳ таоло бизга зафар насиб этса, қандай яхши! Бу, зотан, биз жуда орзу қилган нарсадир. Агар, Худо кўрсатмасин, жангни қўлдан берсак, уловингизга минасизда, орқада қолган дўстларимизга етиб оласиз. Орқамизда шундай дўстларимиз борки, биз сизни улар севганидан ортиқроқ севолган эмасмиз! Улар бу сафаримизда жанг бўлишини билишганида, асло орқада қолмай сиз билан йўлга чиққан бўлишар эди. Умид қиламан, Оллоҳ таоло уларни сабабчи қилиб сизни асрайди ва улар ҳам сиз билан бирга ҳаракат қилиб, Ислом даъвосини юксалтажаклар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳазратлари Саъд ибн Муознинг бу сўзларидан мамнун бўлиб, бу самимий туйғуларини ташаккурла, дуо ила кутиб олдилар. Асҳоб билан бирга дарров бир чодир қуришга киришдилар.

Бу орада ёмғир ёға бошлади. У бир текис шитиршитир ёғар, ёққан сари баданлардан ҳам кўра кўпроқ руҳларни тозалаётгандек бўлар эди. Ҳар томчиси гўё баданларга эмас, руҳларга сингиб қувват берар, жасорат бахш этар эди. Ҳеч ким умрида бунақа ҳодисага дуч келганини эслаёлмасди. Бу ёмғир томчилари худди қувват томизғисига ўхшарди. Бир оз аввал «Биз карвонни мўлжаллаб йўлга тушган эдик, жанг учун чиқмаган эдик», деб турганлар ҳам бошқача бўлиб қолди.

Ёмғир тинганида кўнгилларда қўрқув деган нарсадан асар ҳам қолмади, ҳамма қаршисидан чиққанларни бемалол майдондан ҳайдаб чиқара оладиган одамларга айланди. Келажакда бу раҳмат ёмғири ҳақида Қуръонда ҳам сўз келишини ҳозирча улар билишмас эди.

* * *

Эртасига Қурайш қўшини келиб, мўминларнинг қаршисида тўхтади.

У кечани улар аллақандай ҳузурсизликда ўтказишди. Ҳдр онда мўминлар ҳужум қилиб

қолиши мумкин деган хавотирда базўр тонг оттиришди. Ҳолбуки, мусулмонлар бундай туйқус ҳужум қилишга, ҳатто ўзлари учун навбатчилар қўйишга ҳам имконсиз эдилар. Уларни чидаб бўлмас бир уйқу элитди, қовоқлари бир-бирига ёпишиб қолаётгандай эди. Душман қаршиларида турганини, улар қоронғуликда ҳам ҳужум қилиб қолиши мумкинлигини ҳеч ким ўйламас эди. Маккаликлар тонгни аллақандай уйқусизликла қаршилаган бўлса, мўминлар тиниқиб уйғонишди. Зўрлаб ухлатилган каби эди улар. Лекин бу уйқу руҳларига истироҳат бериш учун Оллоҳ таоло туширган бир сокинлик уйқуси бўлгани ҳозирча ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Эрталаб туриб жангга ҳозирлик кўришар экан, уйқу қучоғидан ҳали тўла қутулолмаётганлар ҳам бўлди. Ҳатто Абу Талха қўлидаги қилични икки марта ерга тушириб юборди.

Тонг отгач, икки томон бир-бирини яқиндан аниқ кўрди.

Абу Жаҳл билан Мунаббиҳ ибн Ҳажжож ва яна бир қанчаларининг юзларига шайтоний бир кулимсираш балқиб чиқди. Қаршиларидаги душман нйҳояти бир ҳовуч, мижиғлаб ташлашга ҳам арзимайдиган даражада озчилик эди. Булар билан жанг қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқдек. Устиларига бир бора юриш билан янчиб ташлаш мумкин эди. Ҳа, албатта, битта қўймай янчиб ташлаш керак. Акс ҳолда, кўпайиб, бошга битган бало бўладилар.

—Бир ҳовучгина одам биз билан урушишга чиққанларига нима дейсан, эй Абул Ҳакам?

—Нима ҳам дердим, зотан, улар нима қилишаётганини аввал ҳам билишмас эди!..

—Менимча, ўз қонларига ўзлари ташна бўлишган, ажал буларни Бадрга етаклаб келган!..

—Бир оздан кейин кўрадилар Қурайш карвони йўлини тўсиш қанақа бўлишини!..

—Менга қолса, бундай фурсат яна қайтиб келмайди, умримиз бўйи ҳам топа олмаймиз, эй Абул Ҳакам, — деди Мунаббиҳ.

— Бу кун уларнинг ҳолига вой бўладиган кундир, эй Мунаббиҳ! — деди Абу Жаҳл душмани кўзига бармоқ билан санарли даражада оз кўриниб.

* * *

Эрта тонгда мўминлар ҳам қаршиларида унчалик катта қўшинни кўришмади. Тўққиз юз эллик ёки минг кишига борарда, деб тахмин қилишган эди, ҳолбуки, булар борйўғи икки юз эллик ёки, нари борса, уч юз атрофида эди. Ҳеч ким Қурайш лашкари мўсулмонларникидан кўпроқ дея олмасди.

Буюк Мавлонинг ҳар нарсани қамраган қудрати яна пинҳона қолди. Бирорта одам: «Улар аслида кўпчилик, лекин Оллоҳ уларни бизга оз кўрсатяпти», деган хаёлга келмади.

Мушриклар рақиблари оз кўрингани учун ҳам жангга ошиқаётган эдилар. Мусулмонлар ҳам қаршиларида ўзлариникичалик миқдордаги бир оломонни кўриб, жасоратлари ортди. Рақиблари кўп кўринганида, эҳтимол, кўзлари қўрқар ва жасоратлари синармиди...

Абу Жаҳл ҳали уруш бошланмай туриб бу зафарни қандай қутлашни ўйлар, Маккага музаффар бир қўмондондек кириб бориш хаёли билан гўё ҳавода учиб юрар эди.

Утба ибн Робиа ҳали ҳам ичидаги ғулғуладан қутулмади. Бу ергача кўнгилсиз келганлардан бири у эди. Йўлда қайтишга чоралар қидирди, лекин ҳар гал Абу Жаҳл бир баҳона топиб, ёқасидан қўйиб юбормади.

Яна бир ҳаракат қилиб кўрсамикан?

Бу орада мусулмонлар ражаб ойи киradиган куни ўлдириб қўйган Амр ибн Ҳадрамийнинг укаси Амир пайдо бўлди. У ёқасини йиртиб, ўртага тушиб келди ва ўзиниўзи уриб, айюҳаннос сола бошлади. «Акамнинг қони қолсинми, унинг қасоси олинмасинми?!» деб бақирарди у. Бу ҳол одамларнинг қонини қизитиб, уруш чиқаришга ундашдан бўлак нарса эмасди.

Ўтаётган ҳар бир вақт жанг сари отилган одимлардан иборат эди. Утба нима қилишни ўйлаб турар экан, олдига Ҳазрати Ҳадичанинг жияни Ҳаким ибн Ҳизом келиб қолди. Кейин ораларида бундай суҳбат кечди:

— Абадий бир шарафга эришишни хоҳлайсанми, эй Утба?

—Албатта, хоҳлайман! — деди у сал гарангсиб.

—Бу урушнинг олдини ол! — деди Ҳаким.

—Қандай? Чораси бўлса, айт.

— Амр ибн Хадрамийнинг ҳақҳуқукини зиммангга ол. Шунда урушга ҳам барҳам берилади.

Утбанинг юзига севинч қалқиб чиқди:

— Нега олмай, оламан, эй Ҳаким, — деди у.

Утбадек бир одам учун бу иш ҳеч ҳам қийин эмас

эди. Фижор жангида ўлдирилганларнинг ҳаммасинииг хун ҳақларини зиммасига олган одам учун бу нима бўпти? Хамирдан қил суғуришдек гапку!

У вактни ўтказмай ўрнидан турди, атрофидагилар эшита оладиган баланд овозла, турганларга мурожаат этди:

— Эй қурайшликлар, қаршингизда Муҳаммад ва унинг дўстларидан иборат бир оломон бор. Улар билан тўқнаш сангиз, ё тоғангизнинг, ёки амакингизнинг ўғлини, ёхуд қавмингиздан бironта одамнинг ёстиғини қуритасиз. Бир бирингизга нафрат сотиб оласиз. Яхшиси, қайтиб кетингда, уни арабларга қўйиб беринг. Агар араблар уни енгишса, иш ўзўзидан битган бўлади. Агар Муҳаммад ғолиб келса, шуни билингки, у эришадиган зафар сизнинг зафарингиз бўлади. Ўшанда у ҳам сиз билан яхши муомала қилади, раҳмдиллик кўрсатади. Мен эсам, улар ўлдириб қўйган Амр ибн Хадрамийнинг хун ҳаққини ўз зиммамга оламан. Шуларни айтмоқчи эдим...

Ҳаким ибн Ҳизом Утбанинг таклифини Абу Жаҳлга етказгани бориб, уни зирҳини мойлаётган ҳолда топди.

— Сенга бир таклиф билан келдим, эй Абул Ҳакам, — деди.

Абу Жаҳл ўтирган жойидан «Яхши таклиф билан келганга ҳеч ўхшамайсан», дегандек кўз қирини ташлар экан:

— Нима таклиф экан, айт, — деди.

— Утба ибн Робиа бу жангнинг олдини олиш учун Амр ибн Хадрамийниг хун ҳаққини бўйнига олишга ваъда беряпти. Буни халқ олдида ошкора айтиб, у ердагиларни гувоҳ тутди.

Абу Жаҳл ўтирган жойидан саичиб кетди. Қони қайнаб:

— Демак, Муҳаммад ва дўстларини кўриши билаи Утбанинг ўтакаси ёрилибдида, — деб бақирди. — Йўқ, бугун Муҳаммад билан орани очди қиламиз. Унгача Бадрдан бир қарич жилиш йўқ. Шуни яхшилаб қулоғингга қуйиб ол, эй Ҳаким! Ундан кўра, сен ҳозир борда, Утбага шароб ичириб овозини ўчир!

— Охирги сўзинг шуми, эй Абул Ҳакам?

— Ҳа, охирги сўзим шу! Бугун уларга ўлим фармонини ўз қўлларим билан имзолайман.

Суҳбат шу ерда узилди. Абу Жаҳл «Энди мени холи қўй» дегандек ёмон қараб қўйди. Ҳаким у ердан умидини узиб қайтди. Бунинг устига, Амир ибн Хадрамий хам ўзини ҳар тарафга уриб: «Утбага шароб ичиринглар, қўрқувдан ёрилган юрагига малҳам бўлади», деб бакирар эди.

Макка ҳудудида Амир ибн Хадрамийга ўхшаганлардан неча баробар устун обрўга эга бўлган тинчликсевар Утба хозир қўрқоқликда айблаиаётган эди... Яна ким томонидан — Амир ибн Хадрамий тарафидан... Утбанинг унга ўхшаган қанча қуллари бор эди. Шу боис ҳам бу даражада ҳакрратга чидай олмаган Утба қизиқ устида биринчи бўлиб ўртага чиқишга қарор берди.

* * *

Рамазон ойининг ўн еттинчи кунига тўғри келган жума тонгида мўминлар ҳали ҳам уйқу элтган кўзлари билан масрурланиб туришар эди. Бир кун олдин ёққан ёмғир ерни роса юмшатган бўлсада, оёқ ботмас, бемалол юрса бўладиган ҳолатда эди.

Малакут оламида вазият ундан ҳам бошқачароқ эди. Бир гуруҳ фаришталар Бадр жангида

қатнашиш вазифасини олиб, шай турар эдилар. Улуғ Мавло уларга: «Албатта, мен сизлар билан биргаман, бас, сизлар имон келтирган зотларнинг (ғалаба қозонишларига ишончларини) маҳкамланглар. Мен кофир кимсаларнинг дилларига қўркув солажакман. Бас, уларнинг бўйинларини узинглар, бутун — ҳамма бармоқларини чопинглар», деб амр қилган эди. (Анфол, 12.)

Бундан ташқари, Жаброил фаришта Пайғамбарлар имоми саййидимизнинг ёнларига тушиб, Жаноби Мавлодан салом келтирди, кетмакет юборилгувчи уч минг фаришта билан ёрдам беражагини етказиб суюнтирди.

Расули акрам (с.а.в.) шундан кейин капа остидан чикдилар, эҳтимол, бу келган ваҳий натижаси ўлароқ қўлларидаги бир ҳовуч шағал тошни мушриклар томонга отарканлар: «Яқинда ўша жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар» (Қамар, 45.) оятини ўқидилар.

Ўша дамда Ҳазрати Умар бошланай деб турган жанг ҳаяжонини унутди. Неча йиллардан бери ўқиган, аммо баъзи сирини ақли ололмаган оятнинг маъносини шу онда тушуниб етганидан севинди. Неча марта ўқиган бўлса, ўшанча марта: «Ким экан у енгилиб, ортларига қочадиган жамоат?» деган саволнинг жавобини зеҳнида излади. Ҳозиргидай ҳаяжонли бир онда қаноат бергувчи бир жавоб топажаги хаёлига ҳам келмаган эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) отган шағал тошчалар хар ёнга тартибсиз сочилган, ҳар биттаси бир мушрикка тегиб, уларни довдиратиб қўйган эди. Кейинроқ Қуръони каримда бу нарсага ойдинлик киритилиб, Оллоҳ: «Эй Муҳаммад, уларнинг юзига қўлингиздаги бир сиқим тошчаларни отган пайтингизда сиз отмадингиз, балки Оллоҳ отди», (Анфол, 17.) дея бу неъматни хотирлатди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) шундан кейин асҳоб ёнига келиб, уларни ғайратлантирадиган, Аллоҳ айт деб буюрган сўзларни айтдилар: «Парвардигорингиз сизларга уч минг кўкдан туширилган фаришта билан мадад бериши кифоя қилмайдими?.. Агар сабр қилсангиз, сизларга ҳужум қилсалар, Парвардигориигиз сизларга беш минг белгили фаришта билан мадад берур». (Оли-Имрон 124-125.)

Сўнг Оллоҳ таолонинг мана бу амрини таблиғ этдилар:

«Эй мўминлар, кофирларнинг ҳужумига дуч келганингизда уларга орқа ўгирманглар (яъни, қочманглар). Ким ўша (уруш кунида жанг йўсинини ўзгартириш ёки бошқа бир гуруҳ (мусулмонлар)га қўшилишдан ташқари ҳолатда уларга (кофирларга) орқа ўгириб қочса, бас, у Оллоҳ тарафидан ғазаб билан кетибди ва унинг жойи жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибата!». (Анфол, 15-16.)

Шундан кейингина қўшинни тартибга келтира бошладилар. Қўлларидаги таёқча билан баъзиларни олдинга, баъзиларни орқага ишорат қилар эдилар. Шу асно таёқлари ила Савод ибн Ғозийанинг олдинга сурилишини ишора этган эдилар, у жиддий тарзда:

— Сиз менинг баданимни оғритдингиз, эй Оллоҳнинг пайғамбари. Оллоҳ сизни адолат ва ҳақ дин ила юборгандир. Мен ҳам бунинг ҳаққини сўрайман, — деб туриб олди.

Ғалатику! Шу арзимаган нарсадан одамнинг жони оғрир эканми? Пайғамбаримизнинг ҳам бундай ниятлари йўқ эди. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Асҳоб ҳар чеккадан Саводга хўмрайиб қарадилар. Гўё: «Эсини еганми бу? Беш дақиқадан кейин бошланадиган жангда ўқлар санчилиб, қиличлар инсофсизларча чопиши мумкин бўлган бир баданга енгилгина тегиб ўтган бир таёқчанинг оғритиши қаёққа боради?» демоқчи эдилар.

Шундай бўлсада, Расулуллоҳ (с.а.в.) қоринларини очдилар:

— Кел, эй Савод, ҳаққингни ол, — дедилар ул зот.

Савод яқинлашиб келдию қаттиқ қучоқлаб олди. Ра

сулуллоҳнинт қоринларига юзларини суртиб, ҳурматла ўпиб қўйди ва:

— Ҳаққимни олдим, ё Расулуллоҳ, — деди.

—Нега ундай қилдинг, эй Савод? — деб сўрадилар Расули акрам.

—Ё Расулуллоҳ, вазиятни ўзингиз кўриб турибсиз. Ҳозир бормиз, Худо билади, бирпас туриб нима бўламиз. Шунинг учун мен истадимки, бу дунёдан айрила туриб, охирги марта сизнинг муборак баданингизга теккан ҳолда кетай, Раббимнинг ҳузурига шундай борай, дедим.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳазратлари Саводни дуо қилдиларда, сафни тартибга келтириб, капаларига қайтдилар. Қўлларини кўтариб яна дуо қила бошладилар: «Оллоҳим, бу қўшин маҳв бўлса, сенга ибодат қилинмай қўяди. Оллоҳим, ваъданг бор эди, биздан аяма. Ёлғиз ўзингдан ёрдам сўрайман. Бошқадан талаб қилмайман. Ўзинг бизни унутма».

Пайғамбар жанобимиз дуо қилардилар, ҳазрати Абу Бакр орқаларида «Омин» деб турарди. Қўлларини самога кўтарган кезда Расулуллоҳнинг ридолари елкаларидан тушиб кета бошлар, ҳазрати Абу Бакр уни кўтариб қўяр эди.

Султони анбиё саййидимизнинг бунчалик ёлворишларини кўрган Ҳазрати Абу Бакр: «Дуоларингиз кифоядир, ё Набийаллоҳ. Раббингиз сизга ёрдам беражак», деб таскин бермоқчи ҳам бўлди. Шу аснода Сарвари олам жанобимизнинг кўзларини енгил бир уйқу босиб кела бошлади. Жанг арафасида бундай уйқу босиб келиши ғалати эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уйқунинг узўзидан келмаслигини, Жаноби Ҳақнинг ҳусусий бир муомаласи эканини англаб, бошларини қўйдиларда, ётдилар. Жуда ҳам қисқа давом этган бу уйқудан уйғонганларида лаблари табассум қилар эди.

— Хушхабар, эй Абу Бакр. Оллоҳ таолонинг ёрдами етишди. Ана, Жаброили Амин чангтўзон ичра келди, отининг юганини ушлаб турибди, — деб маълум этдиларда, асҳоб томон юрдилар.

* * *

Бу вақт қарши тарафдагиларни ҳаяжонлантириш ташвишини чекаётган Абу Жаҳл: «Эй Худо, агар мана шу (Қуръон) сенинг даргохингдан келган ҳақиқат бўлса, устимизга самодан тош ёғдиргин ёки бизларга аламли азоб келтиргинчи», (Анфол, 32.) дер эди.

Худди шу пайт икки кишини олиб келишди. Булар Хузайфатул Йаман билан унинг отаси эди. Абу Жаҳл уларни бошданоёқ кузатар экан:

— Қаерга кетяпсизлар? — деб сўради.

— Ясрибга, қаёққа бўларди, — дейишди улар.

— Ёлғон гапирманглар, сизлар Муҳаммадга ёрдамга боряпсизлар.

— Нега энди, биз Ясрибга кетяпмизку.

—Менга қаранглар, — деди Абу Жаҳл, — ҳозир сизлар билан пачакилашиб ўтиришга вақтим йўқ. Муҳаммадга ёрдам бермасликка ва тўғри Ясрибга қараб кетишларингизга қасам ичинглар, қўйиб юбораман, акс холда, шу ердаёқ ўлдирамиз.

—Қасам ичамиз: Муҳаммадга ёрдам бермай, тўғри Ясрибга кетамиз.

—Борйнглар, озодсизлар. Фақат, шуни билингларки, агар аҳдни бузсаларинг, оқибати ёмон бўлади.

Абу Жаҳлнинг кўзлари чақнаб туришидан бу сўзлар мутлақо жиддий экаиини билса бўлар эди. Кейин эса, уларни тутиб турганларга қараб:

— Қўйиб юборинглар, кетаверсин, — деб буюрди.

Ҳузайфа билан отаси оёқлариии қўлга олиб Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига чопишди ва етиб келишгачгина нафас ростлашди. Қурайшликлар тутиб олиб, Абу Жаҳл билан юзлагдтиришганини айтиб:

— Аммо Оллоҳ билади, биз сизга ёрдамга келаётган эдик. Мана, муродимизга етдик, — дейишди.

Набийлар сарвари (с.а.в.) жанобимиз уларнинг ишини маъқулламадилар:

— Тезда Мадинага қайтинглар. Уларга берган сўзла рингизни адо этинглар, — деб буюрдилар. — Биз эса, мушрикларга қарши Оллоҳдан ёрдам сўраймиз.

Ҳузайфа билан отаси Расулуллоҳнинг (с.а.в.) амрлари билан Бадрдан чиқишди.

Ниҳоят иккала қўшин бир-бирига анча яқинлашди. М}^шриклар қўшинидан баъзилар мусулмонлар қуршаб олган қудуқдан сув ичгани кела бошлашди. Шунда мўминлар уларнинг йўлини тўсишди. Буни эшитиб пайғамбаримиз (с.а.в) орага тушдилар:

— Қўйинглар, ичишсин, — деб розилик бердилар.

Ҳатто машҳур Ҳаким ибн Ҳизом ҳам шериклари билан бирга келиб сув ичиб қайтди.

Шу орада ансордан Ҳориса ибн Суроқа кудук олдига келди. Лекин у сув ичиб улгурмади. Душман томонидан отилган ўқ Ҳорисанинг бўғзига санчилди. Ҳориса ансорнинг илк шаҳиди ўлароқ шу ерда жон берди.

Бадр жанги бошланди ҳисоб...

* * *

Мушриклардан биринчи бўлиб Амир ибн Хадрамий ўртага отилди. Унга қарши Ҳазрати Умарнинг озод қилинган хизматкори Миҳжа чиқди.

Бироқ Амир отган ўқ уни ўша заҳоти шаҳид этди. Шундай қилиб Амир акасининг интиқомини олган бўлди.

Бу орада Қурайш қўшинидан Асвад ибн Абдул Асад мусулмонларнинг қудуғига қараб йўналди. Албатта, сув ичаман деб ёки қудуқни барбод этаман дея қатъий бел боғлаб келарди. Қаерга борса, фитнафасод чиқариб юрадиган, оловга мой сепадиган бир одам экани унинг келишидан шундоқ билиниб турарди.

Сал олдин келганларга ҳеч ким ҳеч нима демаган, еувларини ичиб кетишган эди. Аммо бу одамнинг «Биронтаси менинг мушугимни пишт деёлмайди, осадиганимни осаман, сўядиганимни сўяман!» деяётгандек бир алпозда хўроздек кеккайиб келиши хамиятларига тегди. Ҳазрати Ҳамза қаршисига чиқдида, бир қилич солиб оёғини кесиб юборди. Асвад Бадрни бошига кўтарадиган бир фарёд ила ўзини ерга отди. Ўлса ҳам қасамини бажо келтиришга азм этгандай, тезлик ила ўрмалаб келиб, ўзини қудуққа ташлади. Ортидан шошган Ҳамзанинг иккинчи зарбаси ичиш учун ҳозирлангани қудуқни унга мозор қилди. Оёғидан ва иккинчи зарба еган жойидан отилаётган қонлар қудуқ сувини ичиб бўлмас ҳолга келтирди, фитнафасод уруғи бўлган Асваднинг ўлими ҳам инсонлар учун бошқача бир (бузғунчилик билан) якун топган эди.

Кейинроқ унинг жасади қудукдан чиқариб ташланди.

Шу аснода Қурайш лашкаридан уч киши ўртага чиқди.

— Ё Муҳаммад, мардинг бўлса, бизга қарши майдонга чиқар! — дейишди.

Улардан бири Утба ибн Робиа эди. Ёнидагилар: бири ўғли Валид, иккинчиси акаси Шайба. Уларга қарши ансордан уч киши чиқди. Утба улардан кимликларини сўради. Мадина халқидан эканларини билгач:

— Бизнинг сизлар билан ишимиз йўқ. Орқангизга қайтиб, маккаликлардан юборинглар, — дейишди. Кейин баланд овоз билан: — Ё Муҳаммад, ўзимизнинг қавмдан тенгимизни чиқар! — деб бақиришди.

Абу Ҳузайфа ўрнидан турди. Тўғри ҳарб майдонига қараб юра бошлади. Ҳолбуки, қаршисида отаси, биродари ва амакиларидан бири туришар эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз дарҳол вазиятга аралашдилар:

— Ўтир жойингга, эй Абу Ҳузайфа! — дедилар.

Бу амр Абу Ҳузайфани ортига қайтарди ва жойига ўтиришга мажбур этди.

Жаноби Сарвари коинотнинг нигоҳлари асҳобини бир-бир оралаб чиқа бошлади. Майдондагилардан истагига лойиқ инсонларни ахтарди.

— Тур, эй Ҳамза! Тур, эй Убайда! Тур, эй Али! — дедилар.

Учалалари дарҳол оёққа қалқишди. Булар лашкар орасида Жаноби Расулуллоҳга (с.а.в.) энг яқин ақрабо эдилар.

Ҳамза амакилари эди.

Убайда катта амакилари Ҳориснинг ўғли.

Али бошқа амакилари Абу Толибнинг ўғли.

Бу уч киши баробар юриб, майдонда кутаётганларнинг қаршисидан жой олишди. Кўзларига мағфар тутилгани учун келганларнинг кимлигини яхши билиб бўлмасди. Ҳар бирлари рақибларининг ким эканини сўраб олдилар:

Утбанинг қаршисида Убайда,

Валиднинг қаршисида Али,

Шайбанинг қаршисида эса Ҳамза туришарди. Ҳатто ёш жиҳатидан ҳам бир-бирларига тенг келиб қолишган эди.

Ўзаро танишиб олишгандан сўнг жанг бошланди. Ҳамза билан Али рақибларини бир қўлдаёқ жонсиз ҳолга келтириб қўйишди. Утба билан Убайда эса, бир-бирларини яралашган, ўлдиришмаган эди. Ердамга етиб келган Ҳамза билан Алининг қиличлари Утбанинг бошида бир ялтирадию лаҳза ўтарўтмас Утба ҳам Бадр тупроқларига жонсиз думалаб тушди.

Мўминлар баланд овозла такбир келтиришди:

—Оллоҳу акбар!

—Оллоҳу акбар!

Бадр саҳроси бу такбир садолари қучоғида тебранди.

Қурайш раҳбарларидан бўлмиш Утба мулоҳазали, сулҳпарвар, яхшиликсевар бир одам сифатида танилган эди. Шундай одам қайсарлик ва ҳасадга ботиб, сўнгги нафасини Оллоҳнинг расулига қарши майдон ўқиш, унга қарши қилич кўтариш билан берди. Абадий саодатни қозона олиши учун ғоят кўп хусусиятлари бўлганига қарамай, у буларга қиймат беришни билмади. Бевосита Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) оғизларидан эшитгани ва эшитиб титрагани Қуръоннинг азамати қаршисида имон келтириши лозим эди, у эса, Абу Жаҳлнинг ёнини олди, ҳакка қарши йўлни устун қўйди. Энди унинг ҳаёт дафтари ёпилди, устига: «Расулуллоҳга қарши қилич кўтаргани учун ўлдирилди», тарзида илова ёзилган ҳолда ҳисоб-китоб манзилига олиб кетилди. Абадий фалокатнинг йўловчиси бўлганидан бошқа бир далил излашнинг ҳожати йўқ эди.

Унинг қўшинни орқага қайтариш ёки, ҳеч бўлмаганда, ўзи айрилиб кетиш хусусида кўрсатган ҳаракати, ажабо, унинг тинчликсевар эканидан эдими, йўқса, яқинлашиб келаётган ажал ўқининг унда пайдо қилган қўркувидан эдими? Бу саволга жавоб беришнинг энди ҳеч қандай аҳамияти қолмади.

* * *

Утбанинг қиличи Убайданинг оёғини кесган, кесилган жойидан қон билан бирга илик оқарди. Унинг ранги қув ўчиб кетган эди. Пайғамбаримиз олдиларига келтирилганида:

— Ё Расулуллоҳ, мен шаҳидманми? — деб сўрай олди.

— Ҳа, шаҳидсан... — дедилар Расули акрам.

Энди Убайда учун оқаётган қони ҳам, чиқадиган жони ҳам алоҳида аҳамият қозонганди. «Оллоҳ йўлида ҳалок бўлган шаҳидлар ҳақида: «Булар ўликлар» демангиз! Йўқ, улар тириклардир, лекин сизлар сезмайсизлар». (Бақара, 154.) оятида берилган хушхабарни ўйлар, олган ҳар нафасида абадий саодат сари яна бир одим яқинлашаётганини ҳис этиб турар эди.

Жанг қизиш арафасида эди. Икки тараф бир-бирига яна ҳам яқинлашиб келаверди. Расулуллоҳ (с.а.в.) лашкарга қараб, қисқа бир хитоб қилдилар:

— Жоним қўлида бўлган Оллоҳга қасам ичаманки, бугун улар билан урушган, олға юрган, қочмай сабр қилган кишини ҳамда ўлдирилганларни Оллоҳ мутлақо ўз жаннатига киргизгай! — дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз бу сўзларни айтар эканлар, қўлидаги хурмони ейиш билан машғул бўлиб турган Умар ибн Хумом:

— Қандай яхши! Демак, мен билан жаннат орасида анавиларнинг мени ўлдиришидан бошқа ҳеч нарса йўқ эканда? — деди. Хурмони отиб юбордида, қиличига ёпишиб жанг

майдонига шўнғиди.

* * *

Бу асно Абу Жаҳл Қурайш қўшинини ғайратга келтиришга уриниб, баланд овозда ваъз айта бошлади:

— Сизлар Утбанинг, Валиднинг, Шайбанинг ўлдирилганига парво қилманглар. Улар шошилишди. Асл жанг қиладиган пайтда бекорданбекорга жон беришди. Кўрасизлар ҳали, Муҳаммадни тутиб арқонлар билан боғлаймиз. Ҳар бирингиз улардан бирини ўлдира ола сиз. Аммо сизлар ҳозир ўлдирманглар тириклай тутинглар. Уларга динларидан юз ўгириб, Лот ва Уззони инкор этишнинг нима эканини кўрсатиб қўяйлик!

Расулуллоҳ (с.а.в.) орачира капаларига кирар, саждага бош қўйиб Мавлоларига илтижо этар эдилар.

Жанг энди қизиётган бир пайтда биров Абдураҳмон ибн Авфни секин туртгандай бўлди. Қараса, бир ўспирин.

— Амакижон, сиз Абу Жаҳлни танийсизми? — деди у.

—Танийман. Нима эди?

—Менга уни кўрсатинг?

—Нима қиласан уни?

—Ўлдираман. Унинг Расулуллоҳ шаънларига ёмон сўзлар айтганини, ҳақорат қилганини эшитдим. Жазосини берсам.

— У ҳолда мендан айрилма.

Орадан икки дақиқа ҳам ўтмаган эди, бошқа тарафидан яна бир ўспирин Абу Жаҳлни сўради. У билан ҳам ораларида худди боягидай саволжавоб ўтди.

Сўнг икки тараф умумий ҳужум билан бир-бирига киришиб кетди. Ҳамма ўз қаршисидаги одамга ҳужум қилар, урушар, яралар ёки ўлдирар эди.

Шу пайт аскарлар орасида гоҳ ўнгга, гоҳ чапга қайрилиб, лашкарини жангга ташвиқ этаётган Абу Жаҳлни кўрган Абдураҳмон ёнидаги ўспиринларга имлади:

— Ана, сизлар сўраётган Абу Жаҳл шу одам бўлади, — деди уни кўрсатиб.

Икки ўсмир гўё бир-бирлари билан мусобақалашаётгандек ўша ёққа отилдилар ва Абу Жаҳл ила уруша кетдилар. Бироқ Абу Жаҳл икки ҳамладаёқ иккаласини кетмакет шаҳид этди. Булардан бирининг исми Муаззиз, иккинчисиники Авф эди.

Шу орада Амр ибн Жамухнинг ўғли Муоз жанг асноси Абу Жаҳлга дуч келиб қолди ва бир зарба билан Абу Жаҳлнинг оёғини чопиб ташлади. Абу Жаҳл жон ҳолатда фарёд этиб, ерга йиқилар экан, унинг ўғли Икрима ёрдамга етиб келди ва Муознинг қўлига қилич солди. Унинг қўли бир парча терида осилиб қолди. Аммо Муоз оқаётган қонига ҳам, чекаётган оғриғига ҳам қарамай, жанг қилишда давом этди. Бир пайт келдики, осилиб турган қўли унга халақит бераётганини кўрди. Эгилдида, лиқиллаб турган қўлини оёғи остига олиб туриб, елкасини куч билан силтади, қўли узилиб тушди. Қиличини иккинчи қўлига олиб, яна душман сарфларига оралаб кетди.

Абу Жаҳл эса, энди ўрнидан туриб, жангни давом эттира оладиган ҳолда эмасди. Шу асно мадиналик йигитлардан Муоз ибн Афро унга дуч кедди. Абу Жаҳл ётган^ерида чирнирак бўлиб айланар ва фарёд қилар эди. Йигит қиличини кўтардида:

— Оллоҳнинг душманига мана шунақаси ярашади! — деб бутун кучи ила туширди. Абу Жаҳл энди фақат типирчилар эди, холос. Муоз унга яна учтўрт қилич урди. Ниҳоят Абу Жаҳл қимирламай ҳам, овоз чиқармай ҳам қолди. Йигит «бунинг иши битди» дея у ердан ай рилди.

Шундай қилиб, Муозлардан бири унинг оёғини чопган, жанг қилолмайдиган ҳолга келтирган бўлса, иккинчиси уни нак дўзахнинг эшигигача обориб қўйди. Оламларга рахмат ўлароқ юборилган улуғ пайғамбарни ҳақорат этган кимсанинг жазоси ана шундай берилган, у

дунёга келганига пушаймонлар қилиб, ярим ўлик, ярим тирик ҳолда ётар эди.

Энди бу ёғига Муозларнинг иккиси ҳам ўлишга тайёр эди. Расулуллоҳга (с.а.в.) етказган хўрликларнинг, мўминларга қилинган исканжаларнинг интиқомини бир йўла куфрнинг энг катта вакили бўлмиш Абу Жаҳлдан олган эдилар.

Бошқа тарафда Расулуллоҳнинг амрлари билан ўликлар ва ярадорлар ичидан Абу Жаҳлни қидиришарди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд уни топган пайтда Абу Жаҳл сўнгги нафасини олаётган экан. Дархол бўйнини босиб, соқолидан ушлаб тортди. Абу Жаҳл кўзларини очиб, қаршисида бир пайтлар ўзи менсимайдиган, ҳатто одам ўрнида кўрмайдиган қўйчўпонни кўрди. Ибн Масъуд:

— Эй Оллоҳнинг душмани, ниҳоят Оллоҳ сени мана шундай расво этибдику! деди.

Абу Жаҳл зўрға оғзини очди:

—Эй қўй чўпони... чиқиш жуда қийин... жуда қия... бир ерга чиқибсан. Менга айтчи, ғалаба қайси тарафда?.. — деб сўради.

—Оллоҳга ва расулига имон келтирганларнинг тарафи ғолиб келяпти, — деди чўпон.

Гап бундай давом этиши мумкин эмасди. Ҳали атрофда бир-бирига найза санчаётган, йиқилганларни чопиб ташлаётганлар бор эди. Қисқаси, суҳбат пайти эмасди. Ибн Масъуд унинг бошидан совутини чиқаришга уринаркан, Абу Жаҳл қимирлашгада ҳоли келмасди. Қилич зарбаларидан бадани тилимтилим бўлиб кетган эди. Ниҳоят, ибн Масъуд совутни чиқардида, Абу Жаҳлнинг қиличини олиб, бор кучи билан бўйнига солди. Абу Жаҳл бир типирчилаб жон берақолди.

Шу оннинг ўзида ёнбошида кутиб турган азоб фаришталари азобнинг энг даҳшатлисини тоттириш учун унинг юзига, орқасига уриб, руҳини олиб кетдилар.

Энди бу дунёда Абу Жаҳл йўқ. Дунёларга фармон ўқиш васвасаси билан Оллоҳнинг расулига қарши чиқиб, хаёлига келган ярамасликлардан қайтмаган Абу Жаҳл, шундай қилиб, Бадр майдонида мағлуб ўлароқ чўзилиб ётар эди.

Бу хабар Расулуллоҳга (с.а.в.) улкан бир мужда бўлди. Оллоҳ таолога ҳамду шукрлар айтиб, ёнларида турганларга, «Бу миллатнинг энг катта фиръавни мана шу эди», дедилар.

Мусулмонлар катта бир душмандан халос бўлдилар. Макка ҳудудларида Расулуллоҳга ва мусулмонларга қарши ундан каттароқ душман йўқ эди. Умрини Оллоҳнинг расулига ва динига душман ўлароқ ўтказган, билмаганидан эмас, ҳасади туфайли мусулмон бўлмаган, Ислом динини у туғилган кунлардаёқ бўғиб ташлашга интилган одамнинг ўзи Бадр майдонида мана шу тарз йўқ бўлди.

* * *

Жанг борган сари қизиб борар экан, Расулуллоҳ (с.а.в.) дуолар ва ниёзлар билан Парвардигорга қўл очиб ёлворар, мўминларга нусрат ато этиб, кофирларнинг қалбларига қўрқув солишини сўрар эдилар. Қолаверса, мушриклар маънавий тарафдан анча чўкиб қолишди. Кўкдан туширилган фаришталар ҳам уларни қисиб, Оллоҳнинг «бўйинларига уринглар, бармоқларини чопинглар», деган амрини адо этишар эди. Мушриклар руҳий жиҳатдан тушкунликка тушиб, моддий тарафдан ҳолсизликка йўлиқиб борарди.

Мушрикларни ўзларининг ададларича кўриб жасоратланган мўминлар эса, бу жасоратнинг ортиб бораётганини сезиб туришар, қўрқув нималигини билишмас эди. Гўё қаршиларига фақат ўлдирилиш, кувланиш ва асир олиниш учун бир қўшни юборилгандек.

Расулуллоҳ (с.а.в.) асҳобга қарата:

— Маълумки, ҳошимийлардан баъзилари ва яна бошқа бир неча киши бу жангга ўз истаклари билан келишмаган. Шу сабабли, ҳошимий ўғилларидан бирига, Абул Бахтарийга, Аббосга дуч келганлар, уларни ўлдирмасин, — дедилар.

Бу сўзлар Абу Ҳузайфага оғир botdi. Чунки бир оз аввал ўлдирилган ва балки жасадлари ҳали совиб улгурмаган Утба унинг отаси, Валид,акаси, Шайба амакиси

эди.

— Қандай яхши, — деб пичирлади у, — оталаримизни, акаларимизни, қабила аъзоларимизни ўлдирайликда, Аббосга келганда унга тегмайлик! Худо ҳаққи, агар учратсам, бўйнига қилич солганим бўлсин.

Абу Ҳузайфанинг бу сўзлари оғизданоғизга ўтиб, Расулуллоҳгача етиб борди. Ёнларидан ҳеч айрилмаган Ҳазрати Умарга:

— Нима дейсан, эй Абу Хафс, Оллоҳ расулининг амакиси қилич билан ўлдириладими? — дедилар. Ҳазрати Умарнинг ғазаби қайнади.

— Рухсат беринг, шу мунофиқнинг бўйнини узиб ташлайин, эй Оллоҳнинг расули, ~ деди.

Бироқ Набиййи акрам (с.а.в.) Абу Ҳузайфанинг мунофиқ эмаслигини, самимий бир мусулмон эканини яхши билардилар. Лекин ўртада янглиш бир тушунча бор эди, Энг яқинларидан биратўла уч кишининг жанг бошидаёқ кўзи олдида ўлдирилиши осонликча ҳазм қилинадиган воқеа эмасди, албатта. Бундай ҳаяжонли дамда, устига уларнинг имонсиз кетганларининг изтироби қўшилиб, Абу Ҳузайфа туйғуларини жиловлай олмай қолди ва:^ «Ажабо, Ҳазрати Пайғамбар бу дамда яқинларига қайғурянтими?» деган янглиш тушунчага борди.

Оддий шароитда пайғамбаримизнинг «қариндош қайғусида ҳақсизлик қилиш» ҳолатига тушмасликларини у яхши биларди. Чунки унинг инюнчи шу эди. Ул зотнинг Оллоҳ номидан ҳақ ва адолатни ёядиган пайғамбар эканларига кўнгил қўйгани учун ҳам ҳамма нарсасини ташлаб, у зотнинг даъватларини қабул этган эди.

Шу боисдан ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.), у мунофиқ эмас, деб айтдилар.

* * *

Умайя ибн Халаф энди тушовдан бўшалди. Уни зўрлаб Бадрга олиб келган ва ҳеч қўйиб юбормаган Абу Жаҳл жангда ўлди. Энди бу ёғига Маккага қайтиб кетишига ҳеч ким қаршилик қила олмайди. Зотан, ҳамма ўзи билан ўзи овора. Лекин кетишга мусулмонлар изн берармиканлар? Шу алпозда жанг майдонидан бошини қутқариб олиб чиқиб кета олармикан?

Очиғи, у бир жон бозорининг ўртасида эди. Чор тарафда инграб ётган, жон бераётган инсонлар чўзилиб ётар, қочаётганлар, қувлаётганлар бор эди. Кимдир асир ушлаганни боғлаш билан, кимдир ётқизганини чопиш билан ва қуролини олиш билан машғул. Яраланганларнинг, боши ёрилганларнинг фарёдлари осмоига ўрлар, қонлар ичида чўзилиб қолган туяларнинг, отларнинг ўкиришлари инсонга ғалати бир сесканиш солар эди. Оққан қонлар Бадр майдонини қизилга бўяди.

Ҳеч ким танимайдиган инсон эмасда Умайя. Уни кўрганларида. «Қўяверинглар, кетаверсин у бечора», деб ташлаб қўймасдилар уни. Бир пайтлар мусулмонларни қон қустириш савдосига берилганини билмайдиган одам йўқ.

Қолаверса, бу кун Бадр майдонида юриб бўлмасди, хоҳлаган тарафга кетиб бўлмасди. Ҳар қадамда бир жасад, бир яраланган инсон ёки ҳайвон ётар эди. Бундай шароитда қочиш ҳам, қувлаш ҳам қийин. Қочаётганнинг оёғи бир жасадга қоқилса, қонли тупроқда сирғаниб юзтубан йиқилиши аниқ. Қувлаган одам унга етиб олиши, тепасига келиб ўлдириши ҳам тайин. Ёки бунинг акси бўлишиям мумкин...

Иккиуч одим нарида бақиртирабақиртира сўйилган бир каллага дуч келиб, Умайянинг тиззалари қалтираб кетди. Атрофни тутган қон ҳиди унинг ваҳимасига ваҳима қўшар эди. Бундай бир қассобхонадан жонини соғомон қутқариш учун Умайя бутун дунёсини беришга тайёр эди.

Ахийри у ўғли Алининг қўлидан тутди. Бирон қутулиш йўлини топиш илинжида кета бошлашди. Бирдан Абу Жаҳлнинг жасадига дуч келишди. Бутун ҳаётининг кинини, нафратини қўшиб жасадга тупурди. Ўзи билган энг болохонадор сўкишлардан бир қанчасини йўллаб ва у билан шу тарз видолашганидан сўнгра яна илгари кета бошлади. Отабола жанг майдонининг

чеккасига чиқиб олишга ҳаракат қилишар эди. Лекин ҳарб майдони тугамас, унинг чекичегараси йўқдек эди. Агар бир чеккага чиқа олса ва қўлига бironта туями ёки отми илинса, ўзи биларди, дарҳол: «Қайдасан, Макка?» дея суриб юборган, ундан кейин бир эмас, мингта Абу Жаҳл келса ҳам, Макка ташқарисига қадам босмаган бўлар эди. Аммо ҳозир...

Қўлидан тутган ўғли билан жасадларни айланиб, ёрдам сўраган ярадорларга зарра парво қилмай кетиб боришаркан, бир неча совутни кўтариб олган одамга рўпара келиб қолишди. Уни кўрган заҳоти Умайя севинчдан ақлдан озаёзди. Умрида бунчалик севинган эмасди.

— Эй Абду Амр! — деб чақиришдан ўзини тия олмади.

Одам ўзини эшитмаганга олди. Умайя ақлини йиғиб олиб, яна қайта чақирди:

— Эй Абдул Илоҳ! Эй Абдул Илоҳ!

Одам бу сафар ўгирилиб қаради. Бу, шубҳасиз, Абдураҳмон ибн Авф эди.

— Ия, сенмисан, эй Умайя? — деди у. Умайя танилганидан севиниб кетди.

— Қўй у совутларингни, менинг қўлимдан ушла... Мен сенга ундан ҳам кўпроғини бераман.

Ҳазрати Абдураҳмон ўйлаб ўтирмай совутларни ташлади. Узи ўлдирган одамларнинг совут ва қуроллари эди булар. Бир чеккага қўйиб, кейин яна жангга кирмоқчи бўлиб турган эди.

Умайя нафасини анча ростлади. Неча йиллардан бери бунчалик қўрққанини ва унинг кетидан бу даражада севинганини эсламайди. Бу даражада даҳшатли манзарани кўрмаганига қасам ича олади. Ҳеч қачон ҳаётидан бу қадар умидини ҳам узмаган эди. Бутун умр ҳис этмаган пушаймонликни бугун ҳис килди. Ўзи доим мақтаб келган Абу Жаҳлга нисбатан ҳатто Муҳаммадга нисбатан туйганидан ҳам ортиқ нафрат ва алам туйган эди. Унинг жасадига тупурган пайтда ҳис қилган нафратни мабодо мусулмонни кўрса ё унга тупурса ҳам ҳис этмасди.

Ўлим панжасида турган ёқасини энди қутқарди ҳисоб. Асирлик унинг учун ҳаётга янгидан туғилишдек бўларди. Эртага истаганча фидя бериб жонини қутқара олади. У дунё қадар мол соҳиби эди, бу мол ўзини ва ўғлини қутқариш йўлида сарфланмаса, нимага ярайди, ахир? Ҳатто бундай бир кунда уни қутқариб қолгани учун «Абдул Илоҳ» дегани Абдураҳмонга истаганидан ҳам ортиқча пул бера оларди.

Аммо ясриблик ошнаси Саъд ибн Муоз етказган хабарга нима дейиш керак? Илгаридан бери ёлғон гапирмаслигини аниқ билгани Муҳаммад уни ўлдиришини айтган бўлса ва шу онда унинг бир одами томонидан асир олинган бўлса, бу гал ўлимдан қандай қутулиб қолиши мумкин? Ўни асир қилган Абдураҳмон мабодо бир мажбурият остида қолса, ўзи пайғамбар деб ишонган ва унинг йўлида ҳамма нарсасини тарк этган зотга қарши чиқиб: «Умайянинг тукига ҳам теккизмайман! У менинг асиримдир!» дея олармикан?

Аммо... Ҳа, бир пайтлар ўзи ниҳоясиз азияту исканжалар билан қийнаган Билол ҳам бор. Шу дамда агар у кўриб қолса, бошига ёғдирадиган балолардан қутулиши амри маҳол. Билол бориб Ҳазрати Муҳаммадга (с.а.в.): «Бу одам мени роса қийнаган, азиятлар берган, булардан сизнинг ҳам хабарингиз бор, энди уни менга қўйиб беринг», деб қолсачи...

Такрор аросатда қолди Умайя. Дурустроқ фикр юритишга ҳам қодир эмасди. Бир онгина олдин дунёнинг энг катта севинчини ҳис этган бўлса, унинг орқасидан ҳаётдан умидини узган одам ҳолига тушиб қолди. У ўзи сезмаган тарзда Абдураҳмоннинг қўлини бор кучи ила сиқиб, унга ёлвориб қаради:

— Қўйиб юборма... зинҳор қўйиб юборма менинг қўлимни, эй Абдул Илоҳ, менинг серсут туяларим кўп...

* * *

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) муаззинлари Билол ибн Абу Рабоҳ жанг майдонида қўлида қиличи билан бир ўнгга, бир сўлга отилар, дуч келгани бтан олишиб кетаверар эди. Яхши бир муаззин эди, аммо яхши бир жангчи ҳисобланмасди. Лекин шунга қарамай, қаршисида Оллоҳнинг

душманлари, расулнинт душманлари турибди. Мусулмонларга инсондек ҳаёт кечиришларига йўл қўймай келаётган, Оллоҳнинг нурини сўндириш мусобақасига киришган бир гуруҳ. Уларга қарши туширган ҳар қилич зарбаси руҳида йиғилиб қолган ва ҳеч суғуриб ташлаёлмайдиган изтиробларига, аламларига бир дармондек келар, кўнглига бир енгиллик берар эди. Бу йўлда ўлдирилса, парчапарча қилинса ҳам, ғам чекмасди. Лекин охирги бир орзуи бор эди. У ҳам бўлса, Маккадалигида минг хил азият ва жафоларни раво кўрган ва фақат Оллоҳнинг бирлигига ишонгани учунгина чидаб бўлмас исканжаларга солган Умайя ибн Халаф билан яккамаякка уруша олиш. Унинг дўзах ўтинини эслатадиган катта вужудига қилич уришнинг завқини тотиш, уни бақиртирабақиртира ўлдириш.

Мана шуни ҳам қила олса, у учун иш тамом, сўнгра Бадр шахидларига қўшилиб, улап каби жон берса, ғами, қайғуси йўқ.

Нима бўлганда ҳам, ғалабанинг юзи мусулмонларга кула бошлади. Билол севинасевина, бундай бир ғалабанинг қурбони бўлишга рози эди, фақат бир шарт билан: Умаййадан олиши керак бўлган қасосини шу майдонда, шу Бадр саҳросида олса бўлгани!

Аммо бу оломон, бу талотўп орасида инсон излаганини топа олиши жуда мушкул, бир тасодиф ила учрашиб қолиш имкони бор эди, холос.

Билол орачира:

— Оллоҳим, кўрсат менга Умаййани, кўрсат менга дин душманини!.. — дея ниёз қилиб, Улуғ Даргоҳга мурожаат этарди.

Бирдан қаршисида қўл ушлашиб келаётган уч кишини кўрдию «Оллоҳу Акбар» дея бақириб юборишдан ўзини тиёлмади. Олдин кўзларини ишқалади, кейин яна бир оз қаради. Онасидан туғилганидан бери бу даражада ҳаяжонланмаган бўлса керак. Ҳатто ўзи озод қилиб юборилган кун ҳам бунчалик севинмагандир.

Қаршисидаги уч кишидан бири Умайя ибн Халаф эди!

У ортиқ бошқаларга қарамасди, улар ким эканининг аҳамияти йўқ эди унга.

Билолнинг зеҳни йиллар аввалги воқеаларни яшин тезлигида хаёлидан ўтказар экан, Умаййанинг юзлари уни кўриб буришиб кетди. Шу онда Билолнинг севинчи кучлимиди ёки Умаййанинг қайғуси кучлимиди — ёлғиз Оллоҳга аён. Умайя бор кучи ила Абдураҳмоннинг қўлини яна қаттиқрок сиқди, беихтиёр равишда:

— Сизнинг сутга эҳтиёжингиз йўқми, эй Абдул Илоҳ?.. — деди.

«Сизга мўлкўл сут берадиган бир пода туя беришим мумкин, фақат ҳаётимни қутқарсангиз, бас», демоқчи эди у. Бироқ кетмакет «Оллоҳу Акбар», «Оллоҳу Акбар» дея бақириб такбир айтиб келаётган Билолни ҳозир ким ҳам тўхтата ё жим қила олади. Қўлидаги қонга беланган қиличи билан ҳавода ёйлар чизаётган Билол:

— Мана, Оллоҳнинг душмани, куфрнинг қўрбошиси Умайя ибн Халаф... У энди мендан қутулмайди! — дея бақирарди.

Умайя гўдакдек соф бир шафқат истагандек оҳангда Абдураҳмонга: «Ёлвораман, бизни қўйиб юборма», дер экан, кўзини Билолдан узолмас эди. Билол учун ўлдирилиши жуда зарур бўлган Умайя Абдураҳмон учун яхшигина манфаат манбаи эди. Шу сабабли у: «Ё Умаййанинг жасади шу ерда қолади, ёхуд мен ўламан», деб қичқираётган Билолга қараб бақирди:

— Эй Билол, булар менинг асирларим. Уларга теголмайсан!

Тегмоқ нима дегани? Билол унга тегмас эканми? Тўғрамчилаб ташлайди, этини парчапарча қилади, жаҳаннамга улоқтиради!

Кўрган у зулмларининг интиқомини олмасдан, дунёга келганига минг пушаймонлар едирмасдан Умаййани ўз ҳолига ташлаб: «Узр, сенинг асиринг эканини билмабман», деб ўтиб кетиш Билолнинг луғатида йўқ. Бундай бир ишга тушида ҳам рози бўлмайди. Абдураҳмоннинг нима дегани ёки нима дейишининг аҳамияти йўқ унга. Бор овози билан бўғзидаги томирлар ёрилиб кетар ҳолатда:

— Бу ёққа келинглар, Оллоҳнинг душмани Умайя ибн Халаф бу ерда... У қутулса, мен қутулмайман! деб бақира бошлади.

Атрофда юзларча ҳар хил овозларнинг баланд ғовури бўлмаганида Билолнинг товушини Бадр саҳросининг нариги чеккасида турганлар ҳам эшитишлари мумкин эди. Шунга қарамай, ўнгу сўлдан келганлар Умаййанинг атрофини ўраб олишди.

Абдураҳмон ибн Авф бир нарсалар демоқчи бўлар эдию, аммо унга ҳеч ким қулоқ солмасди. У фақат ҳужум қилаётганларга қарши Умаййанинг олдига ўтиб кўксини кера олар эди. Ниҳоят шундай ҳам қилди. Аммо орқадан, ўнгдансўлдан келаётганларга қарши нима ҳам қила оларди? Буларнинг ҳаммасини тўхтатиб қолишга имкони йўқ. Бу орада бир қилич зарбаси Умаййанинг ўғли Алининг бир оёғини узиб ташлади. Бу ачинарли ҳолатни кўрган, жигарпорасининг қонлар ичида ерга чўзилганига шоҳид бўлган Умайя ниҳоят даражада нола билан қичқириб юборди. Абдураҳмон бундай нолали бир фарёдни умри мобайнида эшитмаган эди. Бу вазиятда ҳужум қилаётганларга сўз уқтириш имкони қолмади.

— Сен энди ўзингнинг бошингни ўзинг асра, эй Умайя, бу ёғини энди мен эплай олмайман — деди Абдураҳмон.

Умайя учун ўнгу сўлдан таҳдид қилаётган қиличларга нишон бўлишдан бошқа бир иш қолмади. Дунё остинустин бўлса ҳам, фойдасиз эди. Сал вақт ўтмай катта бир дарахтдек, вужуди қонларга беланиб ерга чўзилди.

— Мана сенга!.. Бунисиниям ол мендан, Рабоҳ ўғли Билолдан!.. — дея ҳайқирган бир овоздан кейин туширилган охирги зарба Умаййанинг ишини тугатди.

Умаййани Билол кўриб қолган пайт билан нимталанган жасаднинг оёқ остларига думалаган вақт орасида ҳеч қанча фурсат ўтмади. Лекин шу озгина фурсат ичида Умайя билан Билолнинг зеҳнларидан бутун бир умр хотираси кечган эди.

* * *

Саъд ибн Муоз ёнида бир неча киши билан бирга Султони анбиё жанобларига қўриқчилик киларди. Расулуллоҳ (с.а.в.) қаерга борсалар, соядек эргашиб борар, эҳтимоли бўлган ҳужумга қарши ҳушёр турар эди. Мўминларнинг қўшинидан илк ўлдирилиши мўлжалланган одам ҳам Расулуллоҳ эдилар. Мушриклардан бирон кимса «Бу Оллоҳнинг расули, унга тегиш мумкин эмас», дейишни хаёлига ҳам келтирмасди, Кападан жангнинг қандай кетаётганини кузатиб турган пайғамбаримиз Оллоҳнинг ваъдаси рўёбга чиққанини ўз кўзлари билан кўрдилар. Энди мўминлар қочаётганларнинг орқасидан тушишган эди. Етиб олингани тутилиб, асирга олинарди. Айни манзарани Саъд ибн Муоз ҳам кўриб турар, аммо юзидан хурсанд эмасга ўхшар эди.

—Эй Саъд, сен бу ишлардан шод кўринмаётгандексан?..

—Ҳа, эй Оллоҳнинг расули, негадир кўнглим ғаш. Бўлаётган бу ишлар Оллоҳнинг ёрдами билан мушриклар устидан қозонилган илк ғалабамиздир. Уларни асир олиб ўтирмаслик керакмиди... — деди у.

Албатта, бир томондан, йиллар давомида мушрикларнинг мўминларга етказган ақл олмас қийноқларининг хотираси, иккинчи томондан, имоннинг куфр устидан тўла ғолиб келишининг соғинчи Саъд ибн Муозни шундай хулосага олиб келган эди. Аммо ишнинг учинчи бир томони ҳам бор эди: у Расулуллоҳдаги буюк шафқат ҳисси, улкан сабр ва бемисл тадбирдир. Саъд умри давомида бу жиҳатларга ҳали кўп бор гувоҳ бўлажак.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в) «ўлдирманглар» деган кишиларидан бири Абул Бахтарий эди. Мусулмонларга қарши ҳаддан ташқари бир ҳаракат қилмаган инсон эди, ҳатто қурайшликларнинг пайғамбаримизга қарши уюштирган қатағоннинг кеч бўлсада бузилишида Абул Бахтарийнинг ҳиссаси бор. Унинг бу яхшилигини унутмаган пайғамбаримиз ана шундай бир афв чиқардилар.

Мадиналик мўминлардан Мужаззар уруш ниҳоясида бир туя устида жанг майдонини тарк этаётган икки кишига дуч келди. Булардан бири Абул Бахтарий эди. Олдиларини тўсди. Энди қутулай деганда тутилишган эди улар.

— Сен Абул Бахтарий эмасмисан? — деб сўради Мужаззар.

— Ҳа, тўғри топдинг.

— Расулуллоҳ «Абул Бахтарийни кўрсаларингиз, ўлдирманглар», дедилар. Шунинг учун озодсан, кетавер! — деди.

— Хўш, ўртоғимчи, нима бўлади у?

Худо ҳаққи, пайғамбаримиз бу имтиёзни фақат сенга бердилар, бошқага эмас.

Абул Бахтарийнинг юзи буришди.

— Мен дўстимдан айрилолмайман: ё бирга кетаман, ёки бирга ўлишга розиман. Макка аёлларининг «Ўзининг ҳаётини деб дўстини ташлаб кетибди», деган таъналарини эшитишга тоқатим йўқ, — деди.

Мужаззар Абул Бахтарийнинг бу вафодорона ҳаракатига жавобан, «Майли, сизларни кўрмадим ҳисоб, йўлларингиз очиқ, кетаверинглар», дея олмади. Абул Бахтарий ҳам дўстини ташлаб кетишни ўзига эп кўрмади.

Ҳазрати Пайғамбарнинг (а.с.в.) амрларини бажариш ва Абул Бахтарий билан урушмаслик йўлида Мужаззарнинг қилган ғайрати фойда бермади. Натижада қиличлар яланғочланди. Абул Бахтарий «Номуслик киши дўстини ташлаб кетмайди: ё ўлади, ёхуд бошқа бирон йўлини топади», маъносида бир байт ўқиб, туядан тушди. Жанг бошланди. Қиличлар ишга тушди. Бу кичиккина жанг Абул Бахтарий билан дўсти Жунода қонларига беланиб ерга қулашлари билан натижаланди.

* * *

Уруш ниҳоялаб қолган эди. Қурайшликлар «Қўлингни тут, Макка!» дея жон ҳалпида қочишарди. Уруш бошланмасидан аввал бир ҳовучгина бўлиб кўринган мусулмонлардан қандай қилиб енгилишганини ўйлаб тагига ета олишмас эди.

Орқаларидан қувлаб келган мусулмонлар ушлаганларини асир олиб қайтишар эди. Бошқа қисм мусулмонлар эса, улар ташлаб қочган ғаниматларни тўплаш ила машғул. Аввал ҳам ишорат этилганидек, Саъд ибн Муоз бошчилигидаги гуруҳ жанг битганига қарамай, ҳар эҳтимолга қарши Расулуллоҳ жанобимизнинг қўриқчилиги вазифасини бажармокда эди. Ҳазрати Абу Бакр билан Умар бутун жанг давомида жанобимизнинг (с.а.в.) ёнларидан ҳеч айрилмадилар.

Шу ерда бир муаммо чиқди — ўлжаларнинг қандай тақсимланиши масаласи кўтарилди. Ўлжа тўплаганлар, бизга кўпроқ тегиши керак, деган ғояни илгари суришса, мушрикларни қувлаганлар, биз бўлмаганимизда ғанимат тўплашга имкон топармидингизлар, дейишар, Расулуллоҳни (с.а.в.) қўриқлаб турганлар эса, бизнинг ҳам ҳаққимиз оз эмас, деб баҳслашишар эди.

Жаноби Сарвари олам (с.а.в.) масала катталашмасидан бурун ёпилиши учун келгусида тушиши эҳтимоли бўлган бир ваҳий ила бу ишни ҳал этишни муносиб кўрганларини сўйлашлари билан овозлар кесилди. Яъни, ҳозирча ўлжалар бир жойда туради, кейинроқ, Жаноби Ҳақ қандай бир йўл кўрсатса, унга кўра ҳаракат қилинади.

— Ё Расулуллоҳ, сиздан бир илтимосим бор, — деб қолди Саъд ибн Абу Ваққос.

—Нима экан у истагинг?

—Мана шу қилични менга берсангиз...

У ўлжалар орасида қараган кўзларни ўйнатиб турган бир қилични кўрсатаётган эди. Аммо Жаноби Расулуллоҳ бу таклифни ўринли кўрмадилар.

— Бу қилич на сенингдир ва на менимдир, эй Саъд. Ўлжа тақсимида чекингга тушса, оларсан, — дедилар.

Саъд у ердан кетди. Иш у истагандек бўлмади. Зотан бир қилич эди истагани. Бу жангда у бир эмас, ўн қиличга лойиқ қаҳрамонликлар кўрсатди. Бундай қиличга эга бўлганидан кейин ҳам уни уйига безак қилмоқчи эмасди, яна Оллоҳ йўлида ишлатишни, яна душманга қарши у билан солишишни ўйларди. Қисқаси, Саъд 6у қиличнинг ҳаққини муносиб тарзда қайтарадиган, «Бу қилич эгасини топмабди», дегизмайдиган бир йигит эди.

Ўзи илк мусулмонлардан. Бугунга қадар 6у йўдда ғоят кўп машаққатлар чеккан, девонадек севгани онасини ҳам «Ислом динидан қайтасан» дегани учун рад этган, ҳатто бу масалада унга алоқадор оятлар ҳам тушган. Бу оятларда келган амрни ҳужжат тутиб Саъд онасига яна барча оналарга кўрсатиладиган ҳурматни, икромни кўрсатган, лекин динининг амрларини ҳам энг самимий тушунчалар остида адо этган. Ҳолбуки, истагани ёлғиз бир қилич эди. Ҳеч бўлмаса, ўлжадан чекига тушадиган улуш ўрнига шу қилич берилса бўларди.

Бу каби ўй-хаёллар Саъд ибн Абу Ваққосни такрор Жаноби Расулуллоҳнинг ҳузурларига келтирди.

— Ё Расулуллоҳ, шу қилични сиздан ўтиниб сўрайман, — деди такрор.

— Эй Саъд, бу қилич на сенингдир, на менимдир. Ўлжа тарқатишда ҳиссангга тушса, оларсан, — деган жавобни эшитди яна.

Бу дафъа Саъд пушаймон бўлди. Адо этилмайдиган нарсани таклиф этганига энди ишонди. Бўлмаса, Жаноби Расулуллоҳ уни тугул, бошқа ҳар қандай инсонни ҳам рад этмасликларини биларди.

Кўнглидан: «Ишқилиб Оллоҳ бу ҳаракатимга бир жазо тайин этмасайди», деган ҳадикхавотир кечди...

* * *

Мусулмонлар шаҳидларини биттабиттадан топдилар. Жами ўн уч шаҳид берган эдилар. Саъд ибн Абу Ваққоснинг укаси Умайр ҳамда Бадр жангида қатнашиш учун отаси билан қуръа ташлашган Саъд ибн Ҳайсама ҳам шаҳидлар орасида эди. Утба ибн Робиадан жароҳат олган Убайда ибн Ҳориснинг аҳволи ҳам борган сари оғирлашмоқда. «Мен ҳам шаҳидманми, ё Расулуллоҳ?» деган саволига «Ҳа» жавобини олганига қараганда бу фоний дунёга қайтиш имкони йўқ эди ҳисоб. Аммо ўлишни ҳам истайдиган ҳолда эмасди.

Шаҳидлар Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) амрларига мувофиқ Бадрга дафн этилди.

Мушрикларнинг ўлиги олтмишдан ортарди. Куфрнинг бошлиғи Абу Жаҳлдан тортиб, Қурайшнинг раҳбарларидан аллақанчаси энди ҳаётда эмасди. Қўлга туширилган асирларнинг ҳисоби ҳам етмишдан кўп эди. Жаноби Расулуллоҳнинг амакилари Аббос, куёвлари Абул Ос, Ҳазрати Алининг акаси Оқил, Қурайшнинг машҳур хатиби ва донгдор одами бўлган Суҳайл ибн Амр, яна Расулуллоҳга душманликлари ила ном қозонган Уқба ибн Абу Муойт ила Надр ибн Ҳорис... каби кишилар қўллари боғлиқ ҳолда тақдирларини кутиб туришарди.

Бадр майдонида сочилиб ётган бунча жасад шундай очикда ташлаб қўйилмасди, албатта. Бу ишлардан кейин Қурайшдан бир кимса келиб уларни кўмиши ҳам даргумон. Шу сабабдан эртаси куни ўша атрофдаги катта бир чуқурликка жасадларни кўмиш амр қилинди.

Илк келтирилган жасад Утба ибн Робианики эди.

Абу Ҳузайфа отасининг кўмилиш жараёнини юраги узилиб, маҳзун бир қиёфада, паришон бир кўнгил ила кўриб турди.

— Хафамисан, эй Абу Ҳузайфа? — деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.).

Абу Ҳузайфа бошини кўтарди.

— Отам эслиҳушли, ҳодисаларнинг тадбирини олишни биладиган, яхшиликсевар бир одам эди. Мана шу хусусиятлари уни астасекин Ислом динига олиб келади, деб умид қилардим. Бунинг акси ўлароқ, кофир ҳолида ўлим топиб кетгани мени эзяпти.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Хузайфани дуо қилиб, йўлларига кетдилар.

Абу Хузайфа отаси ўлдирилган жойга яна бир бор бокди. Бир кун бурун: «Утба ибн Робиа

жон берадиган жой мана шу ердир», деб Расулуллоҳ (с.а.в.) кўрсатганлари жой эди. Ундан нари ҳам, бери ҳам эмас.

Бошқа мушриклар ҳам бир-бир келтирилди; чуқурга ташланди. Шу тариқа йигирма тўртинчи жасад қўйилгач, устига тупроқ тортиш амри берилди.

Умайя ибн Ҳалафшшг жасади шишиб кетган эди. Аслида ҳам бесўнақай бўлган вужуди шишганидан кейин янада ғалати бир ҳолга тушибди. Зирҳини ҳам ечмасдан, ўлган жойида қолдиришди, устига тупроқ тортишди. Бошқа жасадлар биттадан, иккитадан қилиб, атрофларидаги чуқурларга кўмилди.

У кеча ўша ерда қолинди. Учинчи кун тонгда йўлга отлана бошлашди. Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) уловларини ҳозирлашни буюрдилар. Сўнг қаёққадир кета бошладилар. Бир неча одам ортларидан эргашди. «Ўзларининг бир ишлари билан кетаётган бўлсалар керак», деб ўйлашди бошқалари. Жанобимиз ^жасадлар ила тўлдирилган чуқур бошига келдилар. Ўша ерда тўхтадилар. Гўрдагиларга қарата:

— Эй аҳли қолиб![1] — дея хитоб қилдилар.

Сўнгра чуқурга кўмилганларни бирмабир отини айтиб, чақира бошладилар. Орқаларида турганлар ҳайратла қотишган эди.

— Эй Утба ибн Робиа, эй Шайба ибн Робиа, эй Умайя ибн Халаф, эй Абу Жаҳл ибн Ҳишом... сизлар Раббингиз қилган таҳдиднинг ҳақ эканини энди билдиларингизми?! Мен Раббимнинг менга қилган ваъдасини ҳақ топдим. Сизлар пайғамбарингизга қарши жуда ёмон ишлар қилдингиз. Мени сизлар ёлғончи ҳисобладингиз, бироқ одамлар мени тасдиқ этдилар. Сизлар мени юртимдан зўрлаб чиқардингиз, одамлар бағриларига босдилар. Сизлар менга қарши урушга чиқдингиз, одамлар менга ёрдам қилдилар. Шу онда Оллоҳга ва расулига имон келтирган кишилар сифатида ўлишни истармидингиз? Ҳа, энди сизлар Раббингизнинг тақдирини ҳақиқий маъносила топдингизми?.. Мен Раббимнинг менга оид ваъдасини ҳақ топдим...

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) сўзларини шу ерда тўхтатдилар. Бу хитобни орқада хайрат ва ҳаяжон ичра тинглаб турганлардан Ҳазрати Умар (р.а.) ўзини тутолмади:

— Эй Оллоҳнинг пайғамбари, бу сасиган лсасадларга гапиряпсизми? Улар ўлиб кетмаганмилар?! — деди.

Набиййи акрам (с.а.в.) унга «ҳолат сен ўйлагандек эмасдир» деган маънода қараб:

— Сизлар менинг овозимни улардан яхшироқ эшитяпмиз деб ўйламанглар. Аммо менга жавоб беришга уларнинг қурблари етмайди, — дея мархамат этдилар.

Сўнгра ортларига қайтдилар, уловларининг ёнига келдилар ва юриш амрини бердилар.

* * *

Бадрда тирик қолган мушриклар кечакундуз Маккага қараб йўл юрдилар. Энг аввал Ҳайсуман деган киши етди.

Лашкар кетганидан бери улардан бир хабар ололмаган, аммо юз фоиз ишонч ила зафар муждасини кутиб яшаганлар Ҳайсуманнинг паришон бир ҳолда шаҳарга кириб келганини кўриб, кўнгилларига ваҳим оралади.

— Қандай хабарлар келтирдинг, эй Ҳайсуман? — дейишди. — Бизга тушунтир.

Ҳайсуман атрофини ўраб олганларга шундай бир кўзқараш қилдики, гўё бу билан: «Мен сизларга нимани ҳам тушунтираман, ҳолимдан ўзларинг англаб олмаяпсизларми?» деяётгандек бўлди. Аммо мушриклар барибир ўзлари орзулаган жавобни кутишар, «Муҳаммаднинг ҳолини паришон қилиб қайтдик. Ўзимиз қай аҳволда келган бўлсакда, биз ғалаба қилдик», дейишини исташар эди. Ниҳоят Ҳайсуман тилга кирди:

— Утба ибн Робиа ўлдирилди. Шайба ўлдирилди. Абул Ҳакам (яъни, Абу Жаҳл) ўлдирилди... — дея бир-бир санашга тушиб кетди.

— Нималар деяётганингни ўзинг биласанми?

— Сенга бир бало бўлмаганми, ишқилиб?

Ҳайсуман уларнинг саволларига парво қилмас, ҳамон

«Фалончи ўлдирилди. Писмадончи ўлдирилди...» дея санар эди.

—Хуп, Умайя ибн Халафчи?

—Ўлдирилди.

—Абул Бахтарийчи?

—Ўлдирилди...

Ҳар ким эсига келиб қолган одамни сўрар, у эса, биргина сўз ила: «Ўлдирилди», дея жавоб қилар эди. Бу даража ваҳимали оқибатни ҳеч ким кутмаган эди. Кунлар ўтган сайин қатъий бир ғалабани кутиб яшаганларга бундай бир мағлубиятни англатиш чиндан ҳам оғир эди.[2]

Илк ҳушини йиғиб олган киши Умайя ибн Халафнинг ўғли Сафвон бўлди. У сал илгарида, Хижр деган жойда ўтирган эди. Ёнидагиларга паст овозда шивирлади:

— Бу одам эсини еб қўйган кўринади. Мени сўранглар чи, нима деркин, кўрамиз.

Ҳозирги вазиятда бундан маъқул йўл йўқ эди хам. Ичларидан бири келиб сўради:

— Хўп, Сафвон ибн Ўмайядан хабар борми? У ҳам ўлдирилган бўлмасин тағин?

Ҳайсуман ўгирилди, Ҳижр тарафга боқди ва:

— Анави ерда девор тепасида ўтирибди, — деди.

Энди уни биров телба дея олмасди. Ёлғон сўйламаёт

ган бўлса, унда қатъиййан мағлуб бўлганларига ишонишга тўғри келарди.

— Менга қара, — деди бирови, — агар бизни алдаётган бўлсанг, ҳолингга вой! — Сўнгра Каъба атрофини ўраган бутларга ишорат қилди: — Ҳамма бутларнинг лаънати бошингга ёғилсин!.. Ҳайсуман сўзини қисқа қилди:

— Буларнинг ва яна мен билмаган илоҳларнинг ҳолига қасам ичаманки, айтганларим тўғридир! Менинг бу сўзларимга яқин орада ўзларингиз ҳам ишонч ҳосил қиласизлар.

* * *

Маккага биринчилардан бўлиб қайтиб келганлар орасида Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) амакиларидан Ҳориснинг ўғли Абу Суфён ҳам бор эди.[1] Ҳар эҳтимолга қарши ундан ҳам сўраб кўрилса, зарар қилмайди. Чунки ҳеч ким Ҳайсуман келтирган хабарга ишонишни истамас, ҳамма зафардан сўз очилишини орзу қилар эди. Улар сўрамаган тақдирларида ҳам, Абу Суфён жим ўтирмас эди.

— Нима янгиликлар бор, эй Абу Суфён?

Абу Суфён сўзни чўзиб ўтирмади. Зотан, араблар эзмаликни ёқтиришмас эди.

— Валлоҳи, биз Муҳаммаднинг лашкарига рўбару келганда, улар билан урушолмадик. Буткул ўзгариб қолгандек эдик. Улар эса, жон олгувчилардек, кимимизни ўлдирдилар, кимимизни асир қилдилар. Ҳеч кимдан айб ё қабоҳат топмоқчи эмасман. Аммо шуниси ҳақиқатки, биз ер билан кўк орасида, кулранг отларга минган порлоқ юзли, турлитуман нотаниш суворийлар билан қаршилашдик. Валлоҳи, ҳеч ким уларнинг ҳамласига дош беролмас, бир нарса ҳам қила олмас эди.

— Майли. Утба, Шайба, Абул Ҳакам... каби улуғларимизни ўлди деб эшитдик, шу тўғрими?

Абу Суфён: «Сизлар нималарни сўраётирсиз?» деган каби қаради ва:

— Ҳар бири кўзимиз ўнгида ўлдирилди, — деди. Абу Суфённинг ортидан келганлар ҳам айни воқеани ҳикоя қилишди. Улар англамаган, калаванинг учини топмаган жойи шу эдики, муҳорабадан олдин бир ҳовучгина бўлиб кўринган, тайёргарлиги ҳаминқадар бир аскарий қисм қаршисида ҳарбий тайёргарлиги пухта катта бир лашкар қандай қилиб бу қадар паришон

[1] Аҳли қолиб — «чуқурга кўмилганлар» маъносида келади. Кейинчалик «аҳли қолиб» сўзи ғоят кенг қўллана бошлагани учун бир таъбир сифатида ўрин олди.

бўлди?! Ҳодисани бу жиҳатдан ўрганганлар: «Биз энг камида улардан беш баробар кўп эдик», дейишарди.

Макка энди жиддий бир мотам ҳавоси ила чулғанди.

Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) лашкарлари Бадр жангидан сўнг тўғри Мадинага қараб йўл олди. Кечани Усайл водийида ўтказишди. Ўша тун Жаноби Пайғамбарнинг уйқулари келмади.

Саҳобийлари сўрашди:

— Нимага ухламаяпсиз, ё Расулуллоҳ?

— Қулоғимнинг тагида Аббос амаким инграгандай бўляпти, — деб жавоб қилдилар Расули акрам.

Сўраган киши индамай у ердан туриб кетди. Орадан ҳеч қанча ўтмай Султони анбиёга бу ингроқ эшитилмай қолди. Сабабини сўрадилар. Аббоснинг қўлбоғлари ечилганини айтишди.

[3] — Унда бошқа асирларнинг ҳам боғлари бўшатилсин, — деб амр қилдилар.

Эртаси тонгда асирлар Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига келтирилди. Исломнинг бош душманларидан Надр ибн Ҳорис Жаноби Пайғамбарнинг илтифотларига арзимас эди. Ичига ўлим қўрқуви тушди. Анчадан бери яхши танийдиган Мусъаб ибн Умайрга ёлборишга тушди:

— Менга ҳам шерикларимга кўрсатилганидек илтифот кўрсатишини дўстингдан рижо қилиб бер.

Надр бир замонлар Ҳабашистондан қайтган ва ўзларини ҳимоя қила оладиган бир одам ахтарган Мусъаб ибн Умайрни ҳимоясига олган ва шаҳарга бемалол кириб келишини таъминлаган эди. Энди ўша кунларни эслатиб, Мусъабнинг ёрдамчи бўлишини хоҳларди. Аммо Надрнинг яхшилигидан ёмонлиги ортиқ, у етказган азоб-уқубатларни ҳеч нарса ила ўлчаб бўлмасди. Мусъаб унга шуларни эслатди, кирдикорларини санади. Лекин Надр мазлум бир одам каби, илгариги замонларда обрўэътибор ила яшаган яхши бир инсон каби, ҳар ким ўтган кўприкдан мен ҳам ўтсам нима қилибди, дегандай ялинарди. Ниҳоят, Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.)

— Тур, эй Али, Надр ибн Ҳориснинг бўйнига ур! —дея буюрдилар.

Ҳазрати Али турди. Бу орада Микдод ибн Асвад ҳам отилиб турди:

— Расулуллоҳ! Надр менинг асиримдир. Биласиз, камбағалман. Унинг эвазига унчамунча дунёлик бўлар миканман, деб ўйлаган эдим, — деди.

Аммо Жаноби Пайғамбар буйруқларини такрорладилар. Шу заҳоти бир қилич қинидан шиддатла суғурилиб, ҳавода шув этди...

Надрнинг вужуди ҳали тупроққа тушмасидан азоб фаришталари атрофини ўраб олишди, энди ҳеч бир нарса унинг истагига ташлаб қўйилмайдиган бир оламнинг хукми ижро этилаётгани маълум бўлди.

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) асранди фарзандлари Зайдни туяларига миндирдилар, Абдуллоҳ ибн Равоҳани унга ҳамроҳ қилиб, Мадинага хушхабарни етказишга юбордилар. Бу икки биродар Мадинага тобора яқинлашар эканлар, юраклари олиб бораётган хушхабарларининг севинчи ила тўла эди.

* * *

Музаффар Ислом лашкари Иркуз Зубйа деган жойга етганида Жаноби Расулуллоҳ тўхташ амрини бердилар. Бир муддат ҳордиқ чиқарилганидан сўнг яна йўлга отланишаркан, Жаноби Пайғамбар Осим ибн Собитга мурожаат қилдилар.

—Буюринг, эй Оллоҳнинг расули! — деди Осим.

[3] Бу одам умавийлардан бўлган ва Шом тижорат карвонини Маккага олиб келган Абу Суфён эмасдир. Жаноби Расулуллоҳнинг катта амакиларининг ўғлидир. Утба билан урушда яраланган Убайданинг акаси.

—Боргинда, Уқба ибн Абу Муойтнинг бўйнини уз! Бу сўзни эшитган заҳоти Уқбанинг юзи оқарди, тиззаларидан дармон қочди:

—Эй Муҳаммад, менга ҳам ҳар кимга қилганингни қил. Уларни ўлдирсанг, мени ҳам ўлдир. Улардан товон пули олсанг, мендан ҳам ол. Мени ўлдирсанг, сағирларимга ким қарайди?

—Сен уларни Оллоҳга қўйда, ўзинг жаҳаннамга киришингни томоша қил, — деган жавоб олди.

Сал ўтмай, Осим иккинчи бир амр олиб, қиличини Уқбанинг бўйнига солди. Уқбанинг танаси бир томонга, боши иккинчи томонга юмалади. Шу тахлит Сарвари анбиёнинг (с.а.в.) ашаддий яна бир душмани дунё ила видолашди, қилмишларининг жазосини олиб, охират оламига жўнатилди.

Ҳар кимга қилингани ўзига ҳам қилинишини орзулаган Уқба бу орзуида ҳақлимиди? Бу кунга қадар ўзи бошқалар каби бўла олдими? Шу кунгача ишламаган виждони нимага энди бугунга келиб ҳақ талаб қилиб қолди?..

Бир замонлар Каъбада намоз ўқиб ўтирган Пайғамбарнинг (а.с.в.) устларига туянинг ичакчавоғини ташлаган бу виждон ҳеч ишлаш ҳавасида эмасдику.

Бу орада Утба билан яккамаякка олишувда яраланган ва йўлда тобора оғирлашиб қолган Убайда ҳам сўнг нафасини олди. Жаноби Мавлонинг ҳузурига «Бадр шаҳиди» сифатида кетди.

Усмон ибн Аффон Расулуллоҳнинг (с.а.в.) амрларига биноан Мадинада қолиб, Бадр жангида қатнаша олмаган эди. Кейинги кунларда касаллиги зўрайиб кетган хотини Руқаййанинг ёнида ва хизматида бўлиш вазифаси юкланган эди унга.

Рамазон ойининг охирги ўн кунлигига кирилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) кетганларига ўн беш кун бўлган, аммо ҳануз бнр хабар олинмаган эди. Руқайя эндн бу касалликдан соғайиб туриб кетишига, такрор саломатли кунларга етишига умиди тобора сўниб борарди. Ёлғиз орзуи — севимли отажонини бир марта кўриб қолиш, охирги нафасини у зотнинг гул юзларига боқабоқа бериш бўлиб қолди.

Бу пайтда у йигирма икки ёшларда эди. Умрининг кейинги ўн йилини азоб устига азоб ичра кечирди. Ниҳоят Мадинага келибгина эркин нафас олиш имконига энди эришганида шундай бир дарднинг панжасига тушдики, ёқасига ёпишганча, то жонини олмагунича қўйиб юбормайдигандек эди.

Ҳазрати Усмон ҳар гал уйига қайтганида «Дадамдан бирор хабар борми?..» деган илтижоли боқишларга дуч келар, бир хушхабар етказиш орзуила ёнар, аммо кетганлардан ҳеч бир дарак ололмас эди.

Бир куни уйига ҳовлиқиб кирди.

— Жаноби Расулуллоҳдан хабар бор! — дея қичқирди.

Сўник кўзларда бир нур порлади. Сўлғин ёноқларга бир ранг югургандай бўлди. Ҳазрати Усмон воқеани англатди:

— Жаноби Расулуллоҳ Ислом лашкари ила бирга Бадр маконигача борибдилар. Карвон олдинроқ ўтиб кетган экан. Карвонни қўришга чиққан Қурайш қўшини Бадрга келгани учун жангдан қочиб қутулиб бўлмайдиган бир вазият юзага келибди. Жаноби Пайғамбаримиз га ёрдам бериш ниятида келаётган Ҳузайфа билан отасини мушриклар тутиб олишибди. Мусулмонларга ёрдам бермасликлари хусусида қасамларини олибгина қўйиб юборишибди... — дея воқеани бир-бир гапириб берди. Сўнгра сўзларини бундай якунлади: — Расулуллоҳнинг амрлари ила улар Мадинага қайтишибди ва саломлар келтиришибди.

—Аҳвол қандай экан? — деб сўради Руқайя бемажол.

—Ҳали уруш бошланмасидан улар бу ёққа йўл олишган экан.

Булар Руқайя хонимнинг дардига шифо бўладиган даражадаги хабарлар эмасди. Айни чокда, отасидан бир салом олиш ҳам унга кўп нарсалар берди.

Бу жангда ҳар қандай ҳолда ҳам мусулмонлар зафар қозонажагига доир бир туйғу бор эди

ичида! Орасира: «Улар Оллоҳнинг нурини (яъни, Исломни) оғизлари (яъни, беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар Оллоҳ эса, гарчи (кофирлар) хоҳламасаларда, фақат ўз нурини тўла (яъни, ҳар тарафга) ёйишни истайди» (Тавба, 32.) ояти зеҳнига келар, ҳар гал бу оятни ўйлаганида отасининг вазифаси ҳали тамом бўлмаганини, Оллоҳнинг ёрдами билан зафар мўминларга насиб бўлажагини ҳис қилар эди.

Умридан энди ҳафталар эмас, кунлар ҳам қолмаганини ички бир сезги ила сеза бошлади. Орқасидан Абдуллоҳ исмли бир етимидан бўлак қолдирадигани йўқ эди. Уни сўнг дафъа ўпиб, ҳидини искалади. Шундан кейин очмоққа ҳам қурб тополмаётган кўзларини юмди. Энди отасининг хаёлила яккамаякка қолган эди. Сўнгра бир дафъа: «Оллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқдир, отам Муҳаммад Мустафо Оллоҳнинг расулидир», сўзлари эшитилди оғзидан.

Кейин унда кўрилган борйўқ ҳаракат кўксининг билинарбилинмас кўтарилиб тушиши бўлди. Бир шифо умидида ҳолидан хабар олгани чиққан қўшни хотинлар уни дудоқлари қуриган, чеҳраси сўлғин, аммо нурли бир ҳолатда кўрдилар. Бу холатила Руқайя йўқлаб чиққанлар билан сассиз видолашаётгандек эди. Опасингиллари Умму Гулсум, Фотима ҳам унинг боши тепасида эдилар.

Руқайя хоним кўп соғингани, бир мартагина кўра олиш учун ёнибкуйгани табассумли бар юз эгаси билан кўнгил ва маъно оламида рўбарў келди. Дунёдан ўтаркан, охирги орзуи у Зотнинг қўлларида жон бериш эмасмиди, ахир?! Мана, Пайғамбарлар имоми бўлган отаси унинг қаршисида қўлларини очган кўйи кутиб турардилар. Бир он бўлсада аввалроқ қучоқларига кирмак учун интилди. Шу онда ёнида ҳозир турган малаклар бир момиқни суғургандек жонини олдилар ва Расулуллоҳнинг руҳониятлари билан қучоқлаштирдилар. Севгили Руқайя фоний оламдан кўчганини ва абадий оламга ўтганини фарқлаганми эди?.. Эҳтимол бу ўлим унинг учун ётоғидан туриб Султони анбиё жанобимизнинг бағирларига кетишдан иборат бўлгандир...

Усмон ибн Аффон ўзини «Зин нур» (Нур эгаси) номи ила шарафлантирган гулини йўқотган, изтироби ва қайғуси ҳам шунга яраша эди. Лекин қанчалик ғам чекмасин, қилиниши лозим бўлган ишлар бор. Вақт ўтказилмасдан маййит ювилди, кафанланди, сўнгра Бақиъ қабристонига элтилди. Мўминлар Руқаййани елкаларига олишнинг аччиқ саодатини туйиб, дилга келтира олмаганлари таассуф туйғуларила, кўзёшларила йўл босдилар. Султони анбиё (с.а.в.) жанобимиз қайтиб келсалар, қолдириб кетган гулларини тополмайдилар энди. Буни ўйлаган кўнгилларнинг кўзёш тўкиши табиий эди.

Асъад ибн Зурора вафоти муносабати ила очилган ва очилиб бир мўминни бағрига олган Бақиъ тупроқлари бу гал Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўз нурларини — Руқаййаларини ҳам қучоғига олаётган эди. Мўминлар қазган, малаклар эса бир жаннат боғчасига чевирган қабрга ғамгин қўллар у азиз омонатни таслим этди. Сўнгра биринкетин ташланаётган тупроқлар қабрнинг оғзини қайтадан ёпди.

Шу аснода узоқдан такбир садолари эшитила бошлади. Мўминларни айрича бир ҳаяжон чулғади. Нимадир содир бўлгани муҳаққақ эди. Қулоқларини динг қилдилар.

—Оллоҳу Акбар!.. Оллоҳу Акбар!.. Усома ҳаяжон ичра:

—Бу дадамнинг овози! — деди.

* * *

Мадиналик яҳудийлар, мушриклар ва бир гуруҳ мунофиқлар ҳам ҳаяжон ичида, улар ҳам неча кундан бери бир хабар кутаётир. Фақат, улар кутаётган хабар...

Учтўрт кун аввал Ҳузайфа билан отаси Мадинага келишган, уч юз кишилик тайёргарликсиз мусулмонлар қўшинининг қаршисида пухта ҳозирлик кўрган тўққиз юз эллик кишилик лашкар турганини айтишган. Бу аҳволда Қурайшнинг ғалаба қозониши тайин, шубҳага ўрин йўқ эди. Шояд бу ғалаба ила Мадинадаги эски тотли кунлари қайтиб келса...

Мадинада жангга бормай қолган мўминлар ҳам бор эди, аммо улар жуда озчилик. Уларни

йўлга солиш ва ёки қиличдан ўтказиш унча оғир иш эмас.

Энг камида иккиёқлама зуғум орасида қолган ва жон қўрқуви билан мўминлар орасига кирган мунофиқларнинг энди куни туғажак, ҳеч бўлмаса, мўминлар билан бирга масжидда «ётибтуриш» заҳматидан қутулажаклар. Ҳам мусулмон бўлиб кўриниш, ҳам куфр ҳаётиии давом эттириш, куфрнинг соғинчи ила яшаш осон эмас ахир.

Ҳузайфа билан отасининг келганига ҳам бир неча кун бўлди, аммо ҳануз бир хабар йўқ. Мусулмон бўлганлар ҳам, бўлмаганлар ҳам хушхабар кутишади, лекин бу икки гуруҳ кутаётган мужда бир-биридан бошқача. Кунлар ўтаркан, кўзлар йўлларни янада кучли истак билан қararди. Кимлар чангини ортида қолдириб, «Муждалар бўлсин, суюнчи, суюнчи: куфрнинг боши кесилди!!!» дегувчи бир хабарчини кутса, кимлар чангтупроққа беланган, ёқавайрон, яралижароҳатли бир алпозда орқаолдига қарамай қочиб келувчи одамларни кўрармиканмиз, деган соғинч тўла нигоҳларини йўлларга қадаган эди.

Ниҳоят, кутилган он келди. Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) туяларига миниб келган Зайдни кўрган душманларнинг кўзлари порлади. Демак, у жонини зўрға қутқариб қолган, севган отажонини ҳам ташлаб қочган, деган хаёлга бордилар.

Аммо Зайднинг кўзларида ғамқайғудан асар йўқ, аксинча, севинч бор эди. Зафар қозонган инсонлардагина бўладиган севинч...

Жонини сақлаб қолган инсон севинмайдими? Зеҳнларга шундай бир фикр ҳам келди. Чунки одам жангда жонини қутқарса, ўтириб олиб йиғламайдику.

Шошапиша пешвоз чиқиб, атрофини ўраб олдилар. Тўпланганларнинг кўпи мушриклар ва яҳудийлар эди. Зайд одамларга бир-бир боқиб чиқди, ўзи танийдиган мўминларни учратмади. Ҳа, пешвоз чиққанларнинг аксариси мўмин эмасди. Ҳолбуки, Бадрга Мадина мусулмонларининг ҳаммаси ҳам бормаган эди.

Бу ишда бир ишкал борга ўхшайди! Яҳудийлар билан мушриклар Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) Бадрга кетганларини ғанимат билиб, шаҳарда қолган мусулмонларнинг бошига бир бало солган бўлишмасин тағин?! Қани Абу Лулоба? Ҳолбуки, Расулуллоҳ (с.а.в.) уни Равҳадан орқага қайтариб юборган ва Мадина волийи қилиб вазифалантирган эдилар!.. Ҳеч бўлмаганда, ўғли Усома қани? Ахир, биринчи навбатда у чопиб келиши, «Дадажоним!» деб бағрига отилиши лозим эмасмиди?!

Аммо Масжиди Набавий ўз ўрнида турибди. Бузилмаган. Айни чоқда, хушхабар кутган одамларга хос бир севинч билан чопиб келиб: «Хуш келдинг, қардошим!» деган бир инсон топилмагани ҳам рост.

Бир сония ичида кечган бу ва шу каби тушунчалар Зайднинг қалбидан зеҳнига, зеҳнидан қалбига кўчиб турди. Энг камида, кўнгилга ёқмайдиган бир ҳолат борлигига шубҳа йўқ эди. Шу билан бирга, Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в,) уни бу зафарнинг муждачиси сифатида йўллаган эдилар, энди шу вазифасини бажо келтириши лозим. Юзига аҳмоқона кўз тиккан ва унинг: «Адо бўлдик! Қурайш қўшини бизларни қиличдан ўтказди», дейишини кутганларга шундай бир нигоҳ солди ва сўнгра:

— Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар! — дея ҳайқирди.

Одамлар бу ҳайқириқ нимани англатишини дабдурустдан билолмадилар. Зайд энди очиқроқ сўйлади:

—Абу Жаҳл ўлдирилди! Утба ибн Робиа ўлдирилди!.. Буюк бир зафар қозондик. Оллоҳу акбар!.. Оллоҳу акбар!..

—Ҳазил қилма бизга, эй Зайд, тўғрисини хабар бер!— деб кўришди. Жавобига яна: «Оллоҳу акбар!.. Оллоҳу акбар!..» такбирини эшитишди.

—Зайд, гапларинг жиддийми? Устимиздан кулма сен!

Зайднинг нигоҳларидан: «Нега устларингиздан кулайин?» деган маънони укса бўларди.

Унинг баланд овозда такбир айтиши эшикларнинг очилишига, девор ортидан бошларнинг

узанишига сабаб бўлди. Бу орада Умму Сулайм чиқиб келди. Кулгисини йўқотган кўзларла, ғамларга ботган юзларла чопиб келди.

—Бизга хушхабарми келтирдинг, эй Зайд, — дея сўради ҳаяжон ичра.

—Ҳа, эй Умму Сулайм, биз зафар қозондик, Қурайшга оғир бир зарба бердик. Анчасини асир олдик. Лашкар орқамдан келяпти. Аммо менга нима бўляптики, сени ғамгин ҳолда кўряпман?

Умму Сулайм кўзларидан оққан ёшларни артишни ҳам лозим кўрмасдан, жавоб берди:

— Биз бугун Расулуллоҳнинг кўз нурларини, Руқаййаларини тупроққа қўйдик. Жанобимиз келиб эндиуни кўрмайдилар...

Зайднинг ичидан бир оташ ташига отилиб чиққандай бўлди. Қулоқларининг учигача вужуди ловлов ёнаётганини ҳис этди. Туядан тушди, жиловини Умму Сулаймга тутқазди ва ўзи тўғри Бақиъ қабристонига қараб чопа кетди. Йўлда қўлларида кетмону кураклар ила келаётган мўминларни учратди. Бир-бирларига отилишди. Кўзлардан тинмай ёшлар оқарди. Бу ёшлар қайғу билан севинч бир-бирига йўғрилиб тўлдирган қалблардан кўзларга кўтарилиб келган самимий туйғуларни ифодалар эди.

Зайд ғалаба муждасини қисқа жумлалар ила англатди. Кейин Усмон ибн Аффонга ва бошқа мўминларга таъзия изҳор этди. Унинг кўзлари ҳам туғилганидан бери кўз ўнгида ўсган синглиси Руқайя учун ёш оқизмоқда эди.

** *

Бу хабарнинг тўғрилигига айниқса яҳудийлар ишонишни исташмасди, мадиналикларга тўсатдан аччиқ хабарни рўбарў қилмаслик учун ҳозирча билдиришмаяпти, астасекин мағлубиятлари айтилади, деган фикрни атрофга ёйишга ҳаракат қилишарди.

—Мана кўрасизлар, яқинда аҳвол ўзгаради. Муҳаммаднинг уч юз кишилик палапартиш қўшини қаерда, Курайшнинг лашкари қаерда!.. Мана, Зайд ҳам Мухаммаднинг туясида қочиб жонини қутқариб қолган, — дейишарди.

Иложи борича таъсирчан шаклда ҳар тарафда шундай ташвиқот қилинарди. Шу қадарки, ҳатто Усома ҳам отасининг қошига келиб:

— Дадажон, ҳақиқатан биз зафар қозондикми? —деб сўрашга мажбур бўлди.

Зайд унинг бошини силади:

— Ўғлим, отангнинг гапи ёлғон эмас, ёлғон гапирмайди ҳам! — деди.

* * *

Набиййи акрам (с.а.в.) Уқба ибн Абу Муойтни ҳам бошини танасидан жудо қилдирмак суратида жаҳаннамга йўллаганларидан кейин Қурайш улуғларининг кўзларини ўлим қўрқуви чулғаб олди. Энди орқамакетин ҳаммаларининг ҳам бу кўприкдаи ўтажаклари, Мадинага боргунга қадар кўзига сал бундай кўринганлар биттабитталаб ўлдирилажаги қаноати зеҳнларига ўрнашди...

Бу ўйлар бир одамни ҳаракатга келтирди. Ёнида уни қўриқлаб келаётган кишига:

— Рухсат берсанг, пешоб қилиб олсам, зўрға турибман, — деди.

Изн берилди. У одам хийла нарига борди, чўкди, эҳтиёжини чиқарадиган бир вазият олди.

Қўриқчи уни, бемалол ўтирсин, дея орқасини ўгирди. Фурсат келди дея йирик дудоқли одам оёғини қўлига олиб қоча бошлади. Бир муддат ўтиб қўрикчи ўгирилди ва асирини жойида топмай бақириб юборди:

— Эвоҳ! Суҳайл ибн Амрни қочирдик!..

Бу хабар бир онда ёйилди. Жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.) дарҳол Суҳайлни ушлашни, ҳатто қаршилик қилса, ўлдиришни буюрдилар. Бир неча киши атрофга ёйилишди. Измаиз қуваётганлар орасида Жаноби Расули акрам ҳам бор эдилар. Ҳеч қанча ўтмасдан Суҳайл Пайғамбарлар имоми саййидимизни кўриб, ортиқ қочмасдан таслим бўлди. Қочганининг жазоси ўлароқ қўллари бўйнига боғланди. Энди то Мадинага етгунга қадар шу аҳволда кетишга

мажбур эди.

Суҳайл ва унинг шерикларининг кунлари ўзларига қачон навбат келишини кутиб ва кутувдан туғилган қўрқув ила кеча бошлади.

* * *

Жангда қўлга киритилган ўлжалар ҳали ҳам тақсимланмаган эди. Оллоҳ таоло бу масалада нимани буюриши кутиларди. Зеро, ўлжа масаласи ғоят нозик иш бўлиб, уни кўнгил амри билан ҳал этиб бўлмасди.

Ниҳоят, Жаноби Расулуллоҳнинг муборак юзларида ваҳий келаётганидан дарак бергувчи бир ажиб ҳол кўринди. Энди Жанобимиз бу дунё ила алоқалари узилган, бир бошқа оламга кечган каби эдилар. Вужудларидан дувдув терлар оқар, лекин у Зоти шариф балки терлар оқаётганини ҳам сезмас эдилар.

Бу ҳолатларини кўриб, атрофдагилар жим қолишди. Бошлар эгилди. «Раббимиз нимани буюрса, амри бошимиз устига!» деган маънони англатувчи кутиш бошланди.

Анча вақтдан кейин Набиййи акрам (с.а.в.) атрофга табассумли нигоҳ ташладилар. Яна бир оздан сўнг ваҳийни донадона қилиб ўқий бошладилар:

«(Эй расулим!) Сиздан ўлжалар ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Ўлжалар Оллоҳ ва пайғамбарникидир. Бас, Оллоҳдан қўрқингиз ва ораларингизни ўнглангиз. Агар мўмин бўлсангизлар, Оллоҳга ва унинг пайғамбарига итоат қилинглар». Албатта, Оллоҳ (номи) зикр қилинганида, қалбларига қўрқинч тушадиган, оятлари тиловат этилганида имонлари зиёда бўладиган ва Раббиларигагина суянадиган кишилар (ҳақиқий) мўминлардир. Ўлар намозни тўкис адо этадилар ва биз уларни баҳраманд қилган нарсалардан инфоқ қиладилар. Ана ўшалар ҳақиқий мўминлардир. Уларга Раббилари ҳузурида (яъни, жаннатда) даражалар, мағфират ва улуғ ризқ бордир. (Бу ўлжа тақсимотида чиққан можаро) худди мўминлардан бир гуруҳи (урушни) аниқ ёмон кўриб турган ҳолларида, Парвардигорингиз ҳақ ҳукм билан сизни уйингиздан (жанггоҳга) чиқарганга ўхшайди. (Ўшанда) улар кўриб турган ҳолларида ўлимга ҳайдаб кетилаётгандек, сиз билан аниқравшан бўлган ҳақиқат (яъни, урушга чиқиш) тўғрисида баҳслашган эдилар. Ўшанда (эй мўминлар) Оллоҳ икки тоифадан (яъни, карвон ё қўшиндан) бирини сизлар учун (ўлжа) қилишга ваъда берган эди. Сизлар қуролярофсиз тоифа (яъни, карвон) ўзингиз учун бўлишини истаган эдингиз. Оллоҳ эса, ўз сўзлари билан ҳақиқатни муқаррар этишни ва кофирларнинг думини қирқишни ирода қилган эди. У гарчи жиноятчиосийлар ёмон кўрсаларда, ҳақни ҳақ, ботилни ботил қилиш учун (шундай ирода қилган эди). Ўшанда Раббингиздан мадад тилаганингизда, у сизларга ижобат қилиб: «Албатта, Мен сизларга кетмакет келадиган минглаб фаришта билан мадад бераман», деди. Оллоҳ фақат хушхабар бўлсин деб ва кўнгилларингиз хотиржам бўлиши учун шундай қилди. Ғалаба фақат Оллоҳнинг даргоҳидан ^бўлур. Ҳақиқатан, Оллоҳ ғолиб ва ҳикматли зотдир. Ўшанда хотиржам бўлишингиз учун сизларни Ўз тарафидан уйқуга чўмдирган ва поклаб, сизлардан шайтоннинг васвасасини кетказиш учун ҳамда қалбларингизни бир ва қадамларингизни собит қилиш учун устингизга осмондан сув (ёмғир) туширган эди. (Эй Муҳаммад,) ўшанда Раббингиз фаришталарга: «Мен, албатта, сиз билан биргаман, бас, сизлар имон келтирган зотларнинг (ғалаба қозонишларига бўлган ишончларини) маҳкамланглар! Мен кофир кимсаларнинг қалбларига қўрқув соламан. Бас, уларнинг бўйинларини узинглар ва ҳамма бармоқларини чопинглар», деб ваҳий қилган эди. Бунга сабаб уларнинг Оллоҳга ва унинг расулига қарши турганларидир. Ким Оллоҳга ва унинг расулига қарши турса, бас, албатта, Оллоҳнинг жазоси каттикдир. (Эй кофирлар,) мана шу сизнинг (жазоингиз)дир, бас, тортаверинглар! Албатта, кофирларга яна дўзах азоби ҳам бордир. Эй мўминлар, кофирлар(нинг ҳужумлари)га дуч келганингизда, уларга орқа ўгирманглар (яъни, қочманглар). Ким ўша (уруш) кунида жанг йўсинини ўзгартириш ёки бошқа бир гуруҳ (мусулмонларга) қўшилишдан ташқари ҳолатда уларга (кофирларга) орқа ўгириб қочса, бас, у Оллоҳ тарафидан ғазаб билан кетибди ва унинг

жойи жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибата! Бас, (эй мусулмонлар,) уларни сиз ўлдирмадингиз, балки Оллоҳ ўлдирди. (Эй Муҳаммад, уларнинг юзига қўлингиздаги бир сиқим тупроқни) отган пайтингизда, сиз отмадингиз, балки Оллоҳ отди. Ва (бу ғалабани Оллоҳ) ўз томонидан мўминларга чиройли инъом бўлсин деб қилди. Албатта, Оллоҳ эшитгувчи ва билгувчидир. (Эй мўминлар,) мана шу (сизларнинг мукофотингиздир). Албатта, Оллоҳ кофирларнинг ҳийласини заиф қилгувчи зотдир». (Анфол 1-18.)

Бу суранинг давомидаги оятлар ҳам ўлжалардан ва Бадр жангидан баҳс этарди:

«Агар Оллоҳга ва (ҳақ билан ноҳақнинг) ажралиш кунида — икки жамоа тўқнашган кунда бандамиз (Муҳаммад)га туширганимиз (оятлар ва фаришталардан иборат) нарсага имон келтиргувчи бўлсангизлар, билингларки, ўлжа қилиб олган нарсаларингизнинг бешдан бири Оллоҳ учун, пайғамбар учун ва у зотнинг қариндош-уруғи, етимлар, мискинлар ва мусофирлар учундир. Оллоҳ ҳамма нарсага қодирдир. Ўшанда сизлар (Мадинага) яқинроқ тарафда, отлиқлар (яъни, сизлар ўлжа қилиб олмоқчи бўлган карвон) эса сизлардан қуйироқда (денгиз соҳили бўйлаб кетмоқда) эди. Агар мушриклар билан жанг қилиш учун (аввалдан) ваъдалашганларингизда, бирон муайян вақтга келиша олмаган бўлар эдингизлар. Лекин Оллоҳ ҳалок бўлгувчилар (яъни, кофирлик йўлини тутгувчилар) очиқ ҳужжат билан (яъни, Оллоҳнинг мўъжизасига гувоҳ бўлган ҳолларида) ҳалок бўлсинлар, тирик қолгувчилар (яъни, имонга келгувчилар) ҳам очиқ ҳужжат билан тирик қолсинлар, деб қилинадиган ишни (яъни, мусулмонларнинг ғалаба қозонишларини, кофирларнинг мағлуб бўлишларини) амалга ошириш учун (сизларни тасодифан тўқнаштириб қўйди). Шакшубҳасиз, Оллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. (Эй Муҳаммад,) сизга тушингизда Оллоҳ уларни оз кўрсатганини эсланг! Агар сизга уларни кўп кўрсатганида эди, албатта сизлар сустлашиб қолган ва бу иш (яъни, кофирларга қарши жангга киришиш) хусусида тортишиб қолган бўлар эдингизлар. Лекин Оллоҳ сизларни бундан сақлади. Албатта, у дилларни эгаллаб олган сирларни билгувчидир. (Эй мўминлар,) Оллоҳ қилинадиган ишни амалга ошириш учун тўқнашган пайтларингизда сизларнинг кўзингизга уларни кам қилиб кўрсатганини, уларнинг кўзларига эса сизларни оз қилиб қўйганини эсланглар! Барча ишлар Оллоҳга қайтарилур». (Анфол, 41-44.)

Бу оятларни етказганларидан сўнг Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) ўлжанинг бешдан бир қисмини бир томонга айириб қўйдилар, қолганларини суворийларга икки, яёвларга бир ҳиссадан қилиб, тенгматенг тақсимладилар. Зотан, қўшин ичида борйўғи икки кишигина отлиқ эди.

Ғазотда иштирок этолмаган, аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) тарафларидан бир вазифа юкланиб қолдирилган ва ё қатнашишни хохлагани ҳолда бора олмаганлар ҳам бор эди, Жанобимиз уларга ҳам бир ҳиссадан ажратиб бердилар. Руқаййанинг эри Усмон ибн Аффон, Мадинага волий этиб тайинланган Абу Лулоба, Бадр ғазоти деб йўлга чиққан, лекин туядан йиқилиб жароҳатлангани учун мажбуран ортига қайтариб юборилган икки киши шулар жумласидандир.

Шаҳидларнинг оилаларига ҳам бир ҳиссадан ажратилди.

Шундан кейин Жаноби Фахри коинот Саъд ибн Абу Ваққосга ўгирилдилар.

— Кел, эй Саъд, — деб ёнларига чорладилар.

Саъд Расулуллоҳни кузатди. Ичини бир қўрқув ва ҳаяжон қоплади. «Ажабо?» дер, бироқ у ерга яқинлаша олмас эди.

Дархақиқат, Бадрдан бери кўз тикиб келгани қилич Жаноби Набиййи акрам (с.а.в.) ҳиссаларига тушгач, юраги кўксига сиғмас даражада ура бошлади. Битта қилич учун шунча ялинганимнинг жазоси ўлароқ мен ҳақимда бир ваҳий инадиёв, энди жазо олишим муҳаққақ, ҳали кўрасан, эй Саъд, деб мулоҳаза юритарди у.

—Бу қилични сенга беришимни хоҳлаган эдинга?

—Ҳа, эй Оллоҳнинг расули.

— Ўшанда, бу қилич на сеникидир ва на меникидир, деб жавоб қилган эдим. Аммо энди бу

қилич менинг ҳиссамга тушди. Мен эсам, уни сенга ҳадя қиламан, — дедилар Расулуллоҳ юзда табассум ила.

Саъд кўксини сиқиб турган ғашликдан севгили пайғамбари сўзларини тугатишлари билангина қутула олди. Мамнуниятла жилмайди. Оллоҳнинг расулига ташаккурларини биядирди. Устмауст икки дафъа мурожаат этадиган даражада қиймат берган эди бу қиличга. Аммо энди унинг Яйада бошқача, янада устун қиймати бўлажак, умрининг борича уни ҳақ йўлида қўллаяжак, уни Расулуллоҳнинг (с.а.в.) бир ҳадяси, Бадрдек унутилмас бир зафарнинг бир хотираси ўлароқ билажак.

— Сен ҳам кел, эй Али!

Ҳазрати Али (р.а.) «Лаббай!» дея чопиб келди. Жаноби Пайғамбаримиз қўлларида яна бир қилич тутиб турардилар. У аслида Ҳажжож ўғли Мунаббиҳга тегишли бўлиб, Қурайш орасида хос ўлароқ «Зулфиқор» оти билан машҳур эди. Шуни Алига узатдилар:

— Менинг ҳадям бўлсин, — деб марҳамат қилдилар. Булар ўлжадан илк дафъа ажратилгаи бешдан бир ҳисса ҳисобидан берилаётган эди. Али билан Саъд Жаноби Расулуллоҳдан айрича бир икром кўрганларининг севинчи ила жойжойларига қайтдилар.

Мадинада қолган мусулмонлар Бадрдан қайтаётган биродарларини буюк ғалаба билан қутлаш учун шаҳардан ташқари чиқишди ва уларни «Равхо» деган жойда кутиб олишди. Бадр сари борилаётганида ҳам Жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.) илк қўноқ қилиб шу жойни танлаган эдилар. Ёшларни шу ердан орқага қайтариб юборган эдилар...

Усайд ибн Хубайр одоб, ҳурмат безаган бир овоз ила:

— Эй Оллоҳнинг расули, зафарингизни Оллоҳ муборак қилсин! — дея табриклади, сўнгра бир оз ўкинчаралаш туйғулар билан давом этди: — Аммо, қасам ичаманки, сизни жангга эмас, карвонни қаршилашга чиққансиз деб ўйлаган эдим. Акс ҳолда, асло бу ёкда қолмаган, мутлақо сиз билан бирга борган бўлар эдим.

Бу сўзларнинг самимий эканини Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз шахсан ўзлари тасдиқладилар:

— Тўғри айтяпсан, эй Усайд, — дедилар.

Тобора Мадинага яқинлашиларкан саййидимиз (с.а.в.) Раббиларига шукрларини бундай ифода этардилар:

— «Оллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқдир. Ягонадир, ҳеч бир шериги йўқдир. Мулк Унга оиддир. Ҳамд Унга махсусдир. У ҳар нарсага қодирдир. Унга қайтамиз, хатоларимиз учун Унга тавба қиламиз. Қуллигимизда доиммиз. Раббимизга ҳамд айтамиз. Улуғ Оллоҳ ваъдасини ўринлатди, қулига ёрдам берди ва бизга қарши тўпланган душман гуруҳларини Ўзи тормор этди».

Ниҳоят, Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) лашкар билан бирга шаҳарга кириб келдилар. Мадинадан чиқаётганларида Оллоҳнинг ваъдасига ишониб ва суяниб йўлга отланган эдилар, энди бу ваъданинг том ва мукаммал шаклда рўёбга чиққанини кўриб қайтдилар. Мавлоларига сўнгсиз ҳамд ва шукрлар арз этиб келдилар.

Бу пайтда Рамазон ойи охирлаб қолган эди. Шу сабабдан шаҳарга кираркирмас такрор рўза тута бошлашди. Рамазон ойи чиққанидан кейин Бадр кунларида тутилмаган рўзалар миқдорича рўза тутиб берилади энди.

Асирлар уймауй тақсимланди. Қочишга уринган Сухайл ибн Амр қўллари бўйнига боғлиқ ҳолда Расули акрамнинг (с.а.в.) уйларига келтирилди. Пайғамбаримизнинг хотинлари Савда таъзия билдириш учун қўшниникига чиқиб кетган эди. Уйга қайтиб, қабиласининг кўзга кўринган кишиларидан бўлмиш Сухайлни қўли бўйнига боғли ҳолда кўрдию ҳаяжонини боса олмади:

— Эй Абу Иазид! Ўзингизни бундай арқонлатгандан кўра, шарафингизла ўлишни эплай олмадингизми?! —дея ҳайқирди.

Савданинг бу иши Жаноби Расулуллоҳга (с.а.в.) оғир ботди. Пайғамбар завжаси бўлишдек бир саодат тожини бошига кийган Савда қозонилган зафар билан аввало Саввари анбиё жанобимизни қутлаши лозим бўлгани ҳолда, бир мушрикка бундай дейиши узрли эмасди. Бу жангни мушриклар бой берганидан қайғу чекаётган каби бир туйғу ичига кирган эди. Шу сабабдан ўзи лойиқ бўлган озорни биззот Султони анбиё жанобимиздан эшитди:

— Эй Савда, — дедилар Пайғамбари Зишон, — сен бу сўзларни Оллоҳга ва расулига қарши айтяпсанми?

Жанобимизнинг овозларидаги ранж ва жиддиййатдан Савда эсини бошига йиғди.

— Ё Расулуллоҳ, сизга пайғамбарликни берган Оллоҳ номига қасам ичаманки, Абу Йазидни қўллари бўйнига боғли ҳолда кўриб, ўзимни тия олмай қолдим, — деб жавоб қилди.

Сухайл бахил кишилардан эмасди. Сарвати кўп, ўзи жўмард эди. Булардан ташқари нотиқ бир хатиб эди. Усома ҳам уни таниб:

— Ё Расулуллоҳ, бу одам Маккада халққа тирит[1] тарқатган киши эмасми? — деб сўради.

Шунда Жанобимиз:

— Ҳа, ўша. Лекин бу ишинйнг орқасида Оллоҳнинг нурини сўндиришга ҳам ҳаракат қиларди, — деб жавоб бердилар.

Бошқа асирлар ҳам уйуйларга тақсимланиб, ҳар бирига инсондай муомала этиш буюрилди. Бу буйруқ асирларни уялтирадиган даражада ўрнига қўйиб адо этилди. Қўлга қандай емак тушса, энг яхшиси уларга берилди. Аввал уларнинг қорни тўйғазиларди.

Савда эса, ножўя ҳаракатининг жазосини кута бошлади. Энг қўрқадигани — талоқ олиш ва «Мўминларнинг онаси» деган шарафни йўқотиш эди. Ўзининг навбатини Ҳазрати Ойишага (р.а.) бериш эвазига талоқ қилинмасликни сўраб, ўртага рижочи одам қўйди ва афв этилди.

* * *

Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.): «Саҳарлик қилинглар ва енглар. Чунки саҳарликда барака бор», деган тавсияларига мувофиқ яна саҳарликлар бошланди, яна рўза ибодати давом эттирилди. Оллоҳ фарқ қилган ғоят қийматли бу ибодатни уйғоқ кўзлар билан, уйғоқ қалблар билан бошлашнинг ҳузури туйилди. «Бисмиллоҳ...» билан, Буюк Мавло мададкор бўлсии деган тилаклар билан емаклар ейилди, кейин «Оллоҳим, Сенинг хушнудлигингга эришиш ниятила рўза тутяпман», деган тушунча остида кунбўйи давом этадиган ибодатлар бошланди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобалари билан бир суҳбат чоғида бундай тавсиялар қилдилар:

— Рўза тутган одам ёмон сўзлар сўзламасин, жоҳиллик қилиб қўпол ишлар қилмасин. Агар бирорта одам унга ёмон сўз айтса ёки ғавғо чиқармоқчи бўлса, жавоб бермасин, «мен рўза тутганман... мен рўза тутганман...» деб ўзини қўлга олишга ҳаракат қилсин.

Қисқа ва сермаъно ифодалар эди бу гаплари. Рўза тутган кишининг тилига, қўлига ва том маъносила нафсига ҳоким бўлиши лозимлигини англатарди. Мўмин бир томондан Оллоҳга ибодат ҳолида турсаю, иккинчи томондан бошқалар билан ғавғолашиб юриши, нохуш ишлар қилиши ҳеч ярашмас эди, бировнинг нохуш ишларига ҳам жавоб бермаслиги, [4]ибодат ҳолида эканини доимо ёдда тутиши тавсия этидди.

Жанобимиз (с.а.в.) бу мавзуни қуйидаги сўзлари билан янада ойдинлаштириб бердилар:

— Рўза тутганлардан қанчасининг эришгани фақат очликдир. Кечалари ибодатга турадиган яна қанча одамнинг қўлга киритган фойдалари фақат уйқусизликдир. Оллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: «Инсоннинг ҳар бир амалига қатқат кўпайтириб жавоб берилади. Бир яхшиликка ўн мислидан етти юз мислигача савоб ва мукофот берилади. Аммо рўза менга оиддир. Унга қиймат бериш ҳам Ўзим биладиган ишдир. Чунки рўза тутган одам хоҳишларини,

[1] Тирит — арабларнинг энг севикли овқатларидандир. Нон тўғралади, устидан гўшт қайнатилган сув қуйиб аралаштирилади. Ҳали бола ёшида бўлган Ўсоманинг ҳам диққатини тортадиган даражада халққа таом едиргани англашилади бу воқеадан.

овқат ейишга бўлган истакларини Менинг розилигимни қозониш мақсадида тарк этади».

Жанобимиз (с.а.в.) билдирган бу мукофотлар у Зот англатганлари каби рўза тутган кишиларга эканида шубҳа йўқ. Бировни ранжитмасдан, бировларнинг жоҳилликларига жавоб бермасдан, ибодат ҳолида эканини ёдда сақлаб, бу вақтларининг қадрини ўрнига қўя олган инсонларга насиб этарди бу мукофотлар.

Ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.) сўзларини бундай давом эттирдилар:

— Рўза тутган одам туядиган икки фароғат бор: бири оғзини очиб Оллоҳнинг неъматини тотган вақтда, иккинчи Раббига қовушган ва рўзасининг мукофотини олган вақтда... Оллоҳ наздида рўза тутган одамнинг оғзининг ҳиди сизлар мушкка берган қийматдан ҳам устундир. Жаннатда «Раййон» деб аталган бир эшик бор. Рўза тутганлар Қиёмат куни шу эшикдан киражаклар. У кун фаришталар томонидан: «Рўза тутганлар қани?!» деб чорланишади. Келишади ва у эшикдан киришади. Энг охиргилари кириб бўлганларидан кейин у эшик ёпилади ва бошқа ҳеч ким бу бу эшикдан ичкари олинмайди.

— Ё Расулуллоҳ, жаннатнинг ҳамма эшикларидан чақириладиган ва киradиганлар бўладими? — деб сўради Абу Бакр.

— Ҳа. Умид қиламанки, сен жаннатнинг ҳамма эшикларидан чақириладиган бахтли инсон бўласан, — деб муждаладилар Жанобимиз (с.а.в.).

Нигоҳлар ҳавас билан боқди Ҳазрати Абу Бакрга... Қулоғидан кирган бу жумланинг қувончини руҳининг энг теран бурчакларида ҳис этган, борлиғининг бутун зарраларига сингдирган бир инсондай, кўзларидан оқаётган ёшларга ҳам парво қилмай йиғларди Абу Бакр...

Бундай мақомга унинг ҳар жиҳатдан лойиқ эканини ким инкор эта оларди!

Бу орада масжидга бир хотин кириб, Расулуллоҳга (с.а.в.) мурожаат қилиб қолди:

— Эй Оллоҳнинг пайғамбари! Ўғлим Ҳорисани қандай яхши кўришимни биласиз. Яна биласизки, сиз билан бирга кетди, лекин қайтмади. Агар у жаннатда бўлса, сабр қиламан. Бордию ундай бўлмаса, мен тўкадиган кўзёшларимни бир кўринг, — деди.

Онанинг нолаи зорини эшитиб турганларнинг хаёлида сув ичаман деб қудуқ бошига етиб, бир дайди ўққа учраган Ҳориса жонланди. Жанобимиз жавоб қилдилар:

— Нималар деяпсан, эй она, сен фақат битта жаннат бор деб ўйлайсанми? Кўп жаннатлар бор. Сенинг ўғлинг Фирдавс жаннатидадир.

Юраги ёниқ она:

— Э воҳ, энди сабр қилсам бўлади, — дея хотиржам уйига кетди.

* * *

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) асирларга кўрсатилиши керак бўлган муомала хусусида асҳоблари ила маслаҳатлашдилар. Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) уларнинг ҳаётларини сақлаб қолиш, товонпули олиб озод этиб юбориш фикрида эди.

— Эй Оллоҳнинг пайғамбари! Булар сизнинг қабиладошларингиз ва акраборингиздир. Мен улардан фидя олишни ва ҳаётларини сақлаб қолишни мақсадга мувофиқ кўраман. Улардан оладиганимиз маблағ биз учун кофирларга қарши курашимизда қувват бўлади. Яна, умид қилинадики, Оллоҳ таоло ҳам шояд уларга ҳидоят берса, ҳатто бизга мададкор бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Расули акрам Ҳазрати Умарнинг (р.а.) фикрини сўрадилар:

— Сен нима дейсан, эй Хаттобнинг ўғли?

— Валлоҳи, мен Абу Бакрдан бошқача фикрдаман. Менингча, биз бундай қилишимиз керак: менга буюринг, акрабомдан фалон шахсни ўлдирайин, Алига амр қилинг, оғабейи (акаси) Оқилни ўлдирсин. Ҳамзага буюринг, биродари Аббоснинг бошини олсин. Токи Оллоҳ таоло қалбларимизда мушрикларга нисбатан бир марҳамат туйғуси бўлмаслигини душманларимизга билдирсин. Булар мушрикларнинг бошлиқлари, зарарли, тиштирноқли раисларидир.

Ҳазрати Умарнинг бу қараши Бадр жангининг руҳига ҳам жуда мос эди. Ҳар икки тарафни

қўшса, бир минг юз кишидан кўп ҳам ошмайдиган рақибларнинг таркиби, дарҳақиқат, одамни ажаблантирарли даражада ғалати эди: бир тарафда Ҳазрати Али, бошқа тарафда акаси Оқил; бир тарафда Ҳамза, у тарафда акаси Аббос... туришарди. Яна, шунингдек, бир-бирига жуда яқин қариндош инсонлар бир-бирларига қарши қурол кўтарган ҳолатда эдилар. Масалан, Ҳазрати Пайғамбарнинг (с.а.в.) сафларидан жой олган Абу Ҳузайфанинг отаси, акаси ва амакиси мушрикларнинг олди қаторларини ишғол этишар эди.

Бу жанг қандай бошланган бўлса, шундай тугаши, бошланишига уйғун шаклда давом этиши лозим эди. Ҳам, шу кунга қадар қилинган ҳисобсиз разилликларнинг яхшигина бир жазоси берилган бўлар, «Раббим Оллоҳдир» дейишдан бошқа «айби» бўлмаган инсонларга етказилган мусибатларнинг интиқоми ҳам шу тахлит олинар эди.

Асҳоб орасидан Ҳазрати Умарнинг фикрига бир Саъд ибн Муоз қўшилди. У ҳам, то Бадр уруши давом этар экан, қочганларнинг асир қилинишларини хуш кўрмаганини, тутилган жойларида ўлдирилишларини тўғри деб Жанобимизга арз этган эди.

Бошқа кўпчилик Ҳазрати Абу Бакрнинг фикрини қабул этди. Чунки асирлардан олинадиган ҳақ ҳисобига озмикўпми фаровонликка эришишардида. Қурайшдан интиқом олиш мавзуига келинса, зотан Бадрда етарлича интиқом олинди ҳам. Қозонилган зафарни камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Натижа шу бўлдики, Жаноби Расулуллоҳ кўпчиликнинг фикрига қўшилдилар. Асирлардан товонпули олиниб, эвазига озод қўйиб юборишга қарор берилди.

Бу хабар асирлар орасида севинчла қаршиланди. Йўлда Надр ибн Ҳориснинг ва Уқба ибн Абу Муойтнинг ўлдирилиши жуда кўпларининг кўзларини қўрқитган, ўзларини келгусида бўғизлашга ҳозирлаб қўйилган қўйлар каби тасаввур эта бошлашган эди. Йўлда Сухайл ибн Амрнинг қочишга уриниши ҳам шундан эди.

Маккага одам юбориладиган ва, «Асирларнинг эгалари келсин», дейиладиган бўлди. Олинажак товонпулининг энг кўп миқдори тўрт юз дирҳам эди. Камбағалроқ оилалардан уч юз, икки юз, ҳатто юз дирҳам олинган ҳол ҳам бўлди.

* * *

Жаноби Пайғамбаримизнинг амакилари Аббос келтирилди. Расулуллоқ (с.а.в.) унга:

— Ўзинг билан бирликда жиянларинг Оқил билан Навфалнинг ҳамда иттифоқчинг Утбанинг ҳам товон пулларини сен тўлайсан, — дедилар.

Аббос бунча одамнинг товонпулини тўлаш бир ёқда турсин, ҳатто ўзи учун ҳам бир тийин бергиси йўқ эди. Умр бўйи тижоратга ва фоизга ишлаган закоси бу ерда ўзини кўрсатажак эди:

— Мен мусулмон эдим, — деди. — Жангга келмоқчи эмасдим, Қурайш мени зўрлаб келтирди.

Жаноби Пайғамбаримиз бу узрни қабул этмадилар:

— Сенинг мусулмонлигинг ё мусулмон эмаслигингни Оллоҳ билади. Айтганинг тўғри бўлса, мукофотини ҳам Оллоҳ беради. Аммо ҳолат шуки, жангда асир олдик. Сен ҳам бизнинг қаршимизда бизга қарши урушганлар билан бирга эдинг. Шу онда товонпулини тўлашга маж бурсан.

Аббос яна айёрлик қилмокчи бўлди:

—Мени тутганларингизда ёнимда фалонча микдорда олтиним бор эди, олдиларинг. Ўшани товонпули ҳисоблашларинг мумкин, — деди.

—Бўлмайди, — деб жавоб қилдилар Жаноби Расулуллоҳ. — Биз уларни уруш ўлжаси ўлароқ қўлга киритганмиз.

—Аммо менинг улардан бошқа молим йўқ. Мени Макка кўчаларида тиланчилик қилиб юришга мажбур этасанми, эй Муҳаммад?

—Хўп, аммо у олтинлар қани? Уларга нима бўлди?

—Қайси олтинларни айтяпсан.

— Уммул Фазлга омонат қўйиб келганинг олтинлар... Эсингдами, у билан видолашаётиб: «Бу сафарда бошимизга нелар келишини билмаймиз. Мабодо қайтмасам, булар сенга бўлади, мана бу қисмини эса, Фазл, Абдуллоҳ, Убайдуллоҳ ва Қусамга бўлиб берасан», демаганмидинг?..

Аббос ҳайратини яшира олмади:

—Ажабо, буларни сенга ким хабар берди?.. Қасам ичаман, олтинларимни унга бераётганимда ва бу сўзларни сўзлаётганимда ўртамизда бошқа ҳеч ким йўқ эди!..

—Оллоҳ хабар берди, — деб жавоб қилдилар Расули акрам (с.а.в.).

— Мен шоҳидлик билдираманки, сен Оллоҳнинг расулисан, — деб юборди Аббос.

Бу суҳбат асҳоби киром иштирокида бўлаётган эди. Аббоснинг мусулмон бўлиши ҳаммани севинтирди. Шу билан бирга, у барибир истанилган товонпулини тўлаш мажбуриятида қолдирилди. Ҳам энг баланд қиймат бўлган тўрт юз дирҳам ҳисобида...

Кимдир таклиф киритди:

— Ё Расулуллоҳ, изн берсангиз, амакингиз Аббосдан товонпули олинмасин.

Жанобимиз бу таклифни кескин рад этдилар.

— Валлоҳи, бошкалардан қандай тўлиқ олинган бўлса, бу кишига ҳам бирдай муносабатда бўлинглар!— дедилар.

Иккинчи китоб битди